

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА  
МАЎНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## М У Н Д А Р И Ж А

## НАСР

ИРВИН ШОУ. <b>Бой ва камбагал. Роман</b> .....	3
ПУ СУНГЛИНГ. <b>Хитой новеллалари</b> .....	109
ДАЙСАКУ ИКЭДА. <b>Менинг Буддам. Эссе</b> .....	124

## ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

МАКСИМИЛИАН ВОЛОШИН. <b>Олис кунлар дунёси</b> .....	102
<b>Япон танкалари — ҳаёт кўшиги</b> .....	120

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

С.САИДОВ, Х.САИДОВ. <b>Ўзбекистон Германия қомусларида</b> .....	153
--	-----

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МУҲАММАД АЛИ. <b>Тарих сабоқлари</b> .....	157
--	-----

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ПЬЕР БУЛЬ. <b>Маймунлар сайёраси. Роман</b> .....	160
---	-----

Бош муҳаррир:  
**Озод ШАРАФИДДИНОВ**

Таҳрир ҳайъати:  
**Мирпўлат МИРЗО**  
(Бош муҳаррир муовини)  
**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**  
**Раҳматилла ИНОҒОМОВ**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Қуддус АЪЗАМОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖЎРАЕВ**  
**Неъматулла ИБРОҲИМОВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Ғайрат ШОУМАРОВ**  
**Рустам ШОҒУЛОМОВ**  
**Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ**

**Жаҳон адабиёти, 7. 2004.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Г.МУҲАММАДЁРОВА  
Расом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, М.ҚОДИРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 15.06.2004 й. Босишга рухсат этилди 15.07.2004й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Наприйёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1200 нусха. А-5624 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2004 й.**

Ирвин ШОУ

**Бой ва камбағал**

Роман

*Ўғлимга бағишлайман.***БИРИНЧИ ҚИСМ***1-боб***1945 йил****I**

**М**актаб енгил атлетика жамоаси тренери Мистер Доннелли болаларни одатдагидан эргароқ қўйиб юборди, чунки майдончага Генри Фуллернинг отаси келди-да, Вашингтондан телеграмма келганини, Генрининг акаси Германиядаги урушда ҳалок бўлганини айтди. Генри жамоада ядрони ҳаммадан яхши иргитарди, шу боис то Генрини кийимларини алмашгириб, отаси билан бирга уйга кетгунича кутиб турди-да, Мистер Доннелли хуштак чалиб, болаларни тўплади ва Генрига ҳурмат юзасидан уйга кетишларинг мумкин, деб эълон қилди.

Рудольф Жордах (у икки юз йигирма ярдга тўсиқлар оша югуришда энг яхши натижа эгаси эди) душхонага ўтди. Бугун у кўп югурмади, ҳатто баданидан тер чиқишга ҳам улгурмади, бироқ Жордахлар хонадониди доим иссиқ сув тахчил бўлганидан у гимнастика зали душхонасида ҳар гал жон-жон деб ювиниб оларди.

Кийимхонада болалар босиқ овозда гаплашишар, одатдагидай, бўлар-бўлмасга қичқираверишмасди. Жамоа капитани Смайли скамейкага чиқди-да, агар мотам маросими ўтказиладиган бўлса, барчалари ўртада пул йиғишларига тўғри келишини айтди. Киши бошига эллик центдан йиғсак, бемалол етиб ортади, деди у. Болаларнинг чехрасидан ким эллик центдан ташлай олади-ю,

*Рус тилидан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси.*

Ирвин Шоу (1913-1984) – ўз ижодини турли жанрларда синаб кўрган ва барчасида зўр муваффақият қозонган Америка ёзувчиси. Унинг қаламига мансуб ўн икки роман, ўнтага яқин ҳикоялар тўплами, бешта пьеса, дунёнинг турли қатлам ўқувчилари севиб, қўлдан қўймай ўқийдиган асарлар бўлиб қолган. Ирвин Шоу ҳақидаги овози 1936 йилда унинг “Марҳумларни дафн этинг” номли пьесаси орқали таралди. Сўнг Испанияга бағишланган “Қуршов” пьесаси олам юзини кўрди.

Асар, айниқса, ёш китобхонлар учун алоҳида қиммат касб этиши тайин, чунки қаҳрамонларнинг аксарияти ёш авлод вакиллари бўлиб, улар, бугун дунё мамлакатларида бўлгани каби, ҳаётда ўз йўлларини топишда бир-биридан қизиқ, гоҳо хатарли саргузаштларни бошларидан кечирадилар. Асар ўзбек китобхонларига манзур бўлишига шубҳа йўқ.

ким йўқлиги шундоқ кўриниб турарди. Рудольфнинг иложи йўқ, ammo сир бой бермасликка уринди. Ота-оналари ҳар кузақда Нью-Йоркка олиб бориб, у ерда бутун ўқув йили учун кийим-кечак олиб берадиган болалар Смайлининг таклифини астойдил қўлаб-қувватлашди. Рудольф шу ерда, Порт-Филипдаги Бернстайн универмагида сотиладиган кийимни киярди. Шундай бўлса ҳам у жуда дид билан, ораста кийинарди: бўйинбоғли кўйлак, чарм куртка, ичидан свитер, костюмдан қолган жигарранг шим (пиджаги аллақачон тирсагидан ситгилиб кетгани учун уни энди киймай қўйганди).

Рудольф имилламасдан тезда кийимхонадан чиқди. Унинг болаларнинг биронтаси билан бирга уйга кетишга кўнгли йўқ эди, чунки, барибир, Генри Фуллернинг акаси тўғрисида гаплашишга тўғри келарди-да. Рудольф Генрини жини суймасди: у тўнка мисоли бола эди, ўзи ядро ирғитувчилар шунақароқ бўлади, шунинг учун ҳам Рудольф ўзини жуда ачингандек қилиб кўрсатишга гурури йўл қўймаётганди.

Дарсликларини пинжига қисганича у уваланган йўлкадан одимлаб борарди. Эрта баҳор кунлари эди. Унча совуқ бўлмаган шамол эсарди. Қўлаб дарахтларда илк япроқлар кўзга ташланар, ҳали яланғоч новдалардаги бутоқлар ҳам бўртиб қолганди.

Мақтаб тепалик устида жойлашган. Юқоридан Рудольф ҳамон замҳарирли Гудзонга ва шаҳар черковлари найзаларига кўз солди, сал нарида шаҳарнинг жанубий қисмида эса Рудольфнинг опаси Гретхен ишлайдиган “Бойлан фишт ва черепицалари” заводининг трубалари осмонга бўй чўзган. Дарё ёқалаб Нью-Йорк Сентрал темир йўл излари ястанган. Гарчи бир вақтлар кўркамагина, мустамлака давридагига ўхшаш маҳобатли тошдевор оппоқ уйлари саф тортган шаҳар бўлганига қарамай, Порт-Филип жозибадор эмасди. Йигирманчи йиллардаги саноат гумбури остида Порт-Филипга ишчилар оқиб кела бошлади ва шаҳар баракка ўхшаш танг-тор, қоп-қоронги уйчаларга тўлиб кетди. Кейин иқтисодий таназул бошланиб, қўл учиди қурилган уйлар тезда ҳувиллаб қолди. Рудольфнинг онаси ёзгуриб айтганидек, гулдай шаҳар харобазорга айланди. Лекин жудаям ундай эмасди. Шаҳарнинг шимолий қисмида данғиллама уйлар ва кенг кўчалар сақланиб қолганди.

Уруш бошланди-ю, бу ер қайта яшнаб кетди. Фишт ва цемент заводлари бор кучи билан ишлар, ҳатто шу пайтгача ёпиб қўйилган кўн ва пойафзал ҳарбий фабрикалари ҳарбий буюртмаларни бажармоқда эди. Бироқ уруш - уруш-да, одамлар шаҳарнинг ташқи жилосига эътибор беришмасди — бошқа ташвишлари бошдан ошиб-тошиб ётарди ва Порт Филип ҳеч қачон ҳозиргидек ташландиқ ҳолга тушмаганди...

Генри Фуллернинг Германиядаги аллақандай шаҳар учун жонини фидо қилган акаси қаби мана бу шаҳарни ҳимоя қилиш, ёки аксинча, забт этиш учун жонини фидо қиладиган биронта одам топилармикин? — ўйлади Рудольф, муздек нурга кўмилган бетартиб уй ва кўчаларга юқоридан туриб назар соларкан.

Гарчи ишонмаса-да, юрагининг тубида Рудольф уруш яна икки йилга чўзилади деб ҳисобларди: яна бир йилдан кейин у ўн еттига тўлади ва ўшанда кўнгилли бўлиб кетиши мумкин. У ўзини кумуш жигали, пулемёт ўқлари остида взводни жангга бошлаб бораётган лейтенант қиёфасида тасаввур қилди. Кавалерияни тарқатишгани чакки бўлди-да. Отда ўқдай учиб шамшир билан манфур душманнинг бошини сапчадай узса қандай зўр бўларди.

Тўғри, уйда бундай нарсалар тўғрисида лом-мим деёлмайди: онаси олдида уруш чўзилиши ва Рудольфни армияга олиш ҳақида биров оғиз очиб кўрсинчи, онаси нақ ҳушидан кетади-я.

Мисс Лено уйи олдидан ўтиш учун у, одатдагидек, йўлини ўзгартирди. Мисс Лено уларга мактабда француз тилидан дарс берарди. Муаллимасининг деразасига биригас қараб турди-да, йўлида давом этди.

У Порт-Филипнинг дарё ёқалаб чўзилган бош кўчаси Бродвейдан одимлаб кетди ва Нью-Йорк-Олбани шоҳроҳига ўтди. У ҳозир шоҳроҳ бўйлаб бутун шаҳарнинг у бошидан-бу бошига зир қатнаётган машинага ўхшаш ўз машинаси бўлишини орзу қиларди. Машинаси бўлди дегунча ҳар ҳафтада дам олиш кунлари Нью-Йоркка қатнайди. Нью-Йоркда қандай ишлари бўлиши

мумкинлигини у ҳозирча дурустроқ тасаввур қилолмасди-ю, аммо у ёққа қатнаб туришини биларди.

Порт-Филилдаги Бродвей унча жозибадор бўлмаган кўча, унинг ҳар икки томонида тайёр аёллар кўйлаги, арзон заргарлик моллари ва спорт ашёлари магазинлари, шунингдек, мўъжазгина гўшт ва озиқ-овқат дўконлари саф торган. Рудольф, одатдагидек, ҳарбий моллар дўкони ойнаси олдида тўхтади, ойна ичига ишчи ботинкалар, шимлар ва ип газламали кўйлақлар, чўнтак фонарлари, буклама пичоқлар, қиммат ғалтакли нафис қармоқлар кўйиб кўйилганди. У ана шу қармоқлардан анчагача кўз узолмади. У дарёда балиқ овларди, форе́л овлаш мавсуми бошланганда эса ирмоқларга ҳам борарди, аммо унинг ов анжомлари ўта оддий эди.

Қисқа оралиқ йўлдан ўтиб, у Вандерхофстрит томон бурилди, бу кўча Бродвей билан параллел бўлиб, гўё ундан қолишмасликка ҳаракат қилгандай туюларди, бу эгнида эски костюми, оёғида жағи очилган туфлиси билан ўзини “кадиллак”да кетаётгандек ҳис қилган қашшоқни эслатарди. Бу ердаги магазинлар майда бўлиб, ойналари ичидаги молларни сарғиш чанглар қоплаб ётарди. Гўё эгалари артса-артмаса уларнинг ҳеч кимсага кераги йўқлигини ўзлари билиб тургандек. Кўшлаб ойналар ўтгизинчи йилларнинг аввалиданоқ тамбалаб ташланганди. Уруш арафасида Вандерхофстритдаги кувурларни алмашгиришди, хандақ қазилганда йўлка четларидаги соядор дарахтлар кўпориб ташланганди, ўрнига янгисини экишга эса ҳозирча ҳеч ким кунт қилганича йўқ эди. Кўча узун бўлиб, Рудольф уйига яқинлашгани сайин атроф тобора файзсиз ва гариб тус олмақда эди.

Онаси, одатдагидек, совқотганидан шолга ўранганча пештахта ортида турарди. Уларнинг нон дўконлари муюлишда жойлашганди, шу боис унинг иккита ойнаси бўлиб, онаси ҳар доим шамол эсишидан шикоят қилгани-қилган эди. Вандерхофстритга қараган ойнада пирожнийлар ва ширин пироглар ётарди. Илгари уларни дўкон тагидаги ертўлада жойлашган новвойхонада отасининг ўзи пиширарди, уруш бошлангач эса фойладан ташвиши кўп деб, уларни энди ҳар кун тонгда бу ерга юк машинасида нон заводидан келтиришадиган бўлганди. Аксель Жордах эса нон ва булочкалар пишириш билан қаноатланарди. Ойнада уч кунгача туриб қолган пирогларни Аксель уйига олиб бориб, оиласи билан баҳам кўрарди.

Ичкарига кириб, Рудольф онасини ўпди, онаси ҳам унинг юзидан силаб, эркалаб кўйди. Онаси ҳар доим ҳорғин кўринарди ва кўзлари доим қисик бўларди, чунки мутгасил чекканидан тугун кўзларига урарди.

– Бугун эрта келибсанми? – сўради онаси.

– Машқни қисқа қилишди, – жавоб берди у, аммо нимагалигини айтмади.

– Сиз уйга боринг, сиз учун ҳам ишлай қоламан.

– Раҳмат, Руди, – деди онаси. – Ўзимнинг болагинам. – Кейин ўпиб кўйди. У Рудольфни ҳар доим шундай эркалайди. Рудольф гоҳ-гоҳ бўлса-да, укаси ва синглисини ҳам ўпиб кўйишини хоҳларди, бироқ онаси сира бундай қилмасди. Унинг отасини ўпанани ҳам бирон марта кўрган эмас.

Улар шу уйнинг ўзида, нон дўконининг шундоқ тепасида, икки қават юқорида туришарди. Мен бориб овқат қилиб тураман, дея онаси оқара бошлаган бошини эгганча, кампирлардай оёғини судраб бостанча онаси ойналар қаршисидан ўтиб кетди. Унинг ёши эндигина қирқдан ошганига Рудольф ҳеч ишонгиси келмасди.

Жордахлар ошхонада овқатланишарди. Оила фақат кечки овқат чоғидагина жам бўларди: новвойхонада ишлаганидан Акселнинг кун тартиби бошқачароқ эди. Бугун онаси кўй гўшти димлаганди. Карточка тизими бўлишига қарамай, уларниқидан сира гўшт узилмасди: отасининг бир немис қассоб дўсти бўлиб, ундан карточка сўраб ўтирмасди.

Генри Фуллер акасининг ўлими ҳақида хабар топган шундай қора кунда кўй гўшти тановвул қилиш Рудольфга қандайдир ноўнғай туюлди. Бироқ отаси билан бундай иримлар ҳақида гаплашиш бефойда эди ва Рудольф гўшгдан камроқ, картошка ва савзидан кўпроқ сузиб беришни илтимос қилди.

Рудольфнинг укаси, оилада ягона малласоч Томас (онаси бундай фазилатдан

аллақачон жудо бўлган) қўй гўштини бошқача ишгаҳа билан туширарди. Бундоқ олиб қараганда, унинг кўнгли ҳар жиҳатдан хотиржам эди. Ўзи акасидан бир ёш кичик бўлса-да, савлатда ундан қолишмас, елкалари ҳам кенггина эди. Рудольфнинг опаси Гретхен ҳар доимгидай овқатни оз ерди – қоматини авайларди. Онаси умуман овқатга зўрға қўл урарди. Столда пиджаксиз ўтирган отаси тавдали одам бўлиб, ўзига етганча кўмақай эди ва дам-бадам кафтининг орқаси билан қоп-қора мўйловини артар эди.

Уч кун бурунги олча пирогини кутиб ўтирмай, Гретхен столдан туриб кетди. У шаҳар четидаги ҳарбий госпиталга шўшилмоқда эди. Ҳафтасига беш марта у ўша ерда оқшомлари навбатчилик қиларди.

– Солдатларнинг шилқимликларидан эҳтиёт бўлгин. Хонамиз кам, болани асрашга жойимиз йўқ, – ўзининг ҳар доимги кўпол ҳазили билан уни кузатиб қўйди отаси.

– Дада! – ўкинган оҳангда деди Гретхен.

– Мен биламан-ку, – тинчимасди Аксель. – Шунинг учун орқа-олдинга қараб юр.

Гретхен саришга, чиройли, одобли қиз, ўйлади Рудольф. Отасининг унга бу гапларни айтиши ноўрин. Мабодо иш шунгача бориб етган бўлса, оилада галаба учун қўлидан бир иш келадигани ягона Гретхен эди.

Овқатдан кейин Томас ҳам кетди. Ҳар куни кечкурун у аллақасёққа ғойиб бўларди. Томас ҳеч қачон дарс тайёрламас ва мактабда фақат ёмон баҳолар оларди. У ҳеч кимни бир чақага олмасди.

Кечаси тағхонадаги печда нон пиширгани кетишдан олдин Аксель Жордах газета мутолаа қилгани меҳмонхонага ўтди.

Рудольф онасига қарашгани қолди. Онаси идишларни ювар, у эса артарди. Бир кун келиб ўйлансам, деб ўйлади у, хотинимга идиш ювдириб қўймайман.

Сўнгра онаси кирларни дазмоллашга тугинди, Рудольф Томас иккаласининг хонасига кирди-да, дарс қилишга ўтирди. У бир нарсани яхши биларди: фақат ўқишгина уни ошхонада овқатланиш заруриятидан, отасининг кўпол сўзларини эшитишдан ва идиш ювишдан кутқариши мумкин – ва шу боисдан ҳам синфда ҳар қандай имтиҳонга ҳаммадан яхши тайёргарлик кўрарди.

## II

Балки заҳарни булочкалардан бирининг ичига солиб қўйсаммикин, ўйларди Аксель Жордах, хамир қораркан. Шунчаки, ҳазилга. Бир адабини берардим-да. Бир галгина, шу бутун. Кўрай-чи, кимга тушаркин.

У арзон вискини шишанинг ўзидан қултумлади. Эрталабга бориб пиша деярли бўшаб бўлади. Қўллари тирсагигача, юзига ҳам ун суркалиб кетган, сабаби, ҳар дақиқада кафти билан пешонасидан терни сидирарди. Қизикчидан фарқим йўқ, ўйлади у. Циркда ишласам бўлади.

Март туни кўриниб турган очиқ деразадан тағхонага Рейн дарёсининг намхуш тоза ҳавоси кириб турибди, – аммо печнинг иссиғидан ҳаво қуриб кетганди. Худди дўзах-а, ўйлади у. Ризқимни топиш, ўз нонимни пишириш учун дўзах оловини ёқиб туришимга тўғри келади. Жаҳаннам ўтида кулча пишираман.

У дераза олдига келди ва енгил ҳаводан чуқур нафас олди. Тердан жиққа ҳўл бўлиб кетган майка остидаги кенг ўмровининг йиллар давомида чиниқиб келган кучли мушаклари таранг тортилди. Бу ердан Рейнгача тўрт минг мил. Афсонавий дарё, Жордахнинг жонажон дарёси. Кёльн жомеси ўшандай турибди, ундан бошқа ҳеч нарс қолмаган. Аксель газеталардаги фотосувратларда кўрди. Кёльн – киндик қони тўкилган уй, сеvimли ватани... Булдозерлар шудгорлаб ташлаган харобалар, қулаган деворлар остида ётган ўликларнинг таниш бадбўйи ҳиди. Айнан шундай ажойиб шаҳар нега бундай бўлди?!

Жордах ўз ёшлигини ўйлаб кетди, сўнг деразадан мана бу, бошқа дарё оқётган томонга қараб тупурди. Кўзга кўринмас герман армияси қаерда ўзи? Қанча одамлар ўлиб кетди! У яна тупурди ва пастга инган мўйлови учларини ялаб қўйди. Яшасин Америка! Бу ерга келиш учун у одам ўлдиршига тўғри келди. Дарё ҳавосидан яна чуқур нафас олди-да, Аксель оқсоқланганча деразадан узоқлашди.

Печ ёнида ётган мушук унга қараб турарди. Мушукнинг оти йўқ, бу ҳақда ўйловчининг ўзи йўқ эди. Сичқон ва каламушларни тутиши учун уни новвойхонада асрашарди. Аксель уни чақиритиб керак бўлганида шунчаки “Мушук!” деб қўярди. Мушук ҳам, демак, менинг отим мушук экан деб ўйласа керак. Ҳар тун у мана бу одамни кўзини узмай кузатади. Кунда бир маҳал бир косачада сут тегади, қолган насибасини ўзи топиши керак бўларди. Мушукнинг қарашидан Аксель, бирамас бир кунни унга ташланиб, лоақал бир марта қорин тўйғазиш учун баҳайбат йўлбарс бўлишни орзу қилаётганига амин эди. У керакли ҳароратгача қизиган духовкани очди ва юзига урган кучли ҳовурдан башараси тиришиб, бутунги тундаги биринчи булочкани нон қолипига жойлади.

### III

Юқоридаги камбар хонада дарсларини қилиб бўлган Рудольф мисс Ленога французчалаб ишқий мактуб ёзмақда. Ёзиб бўлиб, ўқиб чиқди, сўнгра дастлабки – инглиз тилидагисини ўқиди. “...Ва ниҳоят, мен Сизга шунга айтишим керакки, қадрли хоним, Сизни тасодифан мактаб йўлида учратиш ё кўчада сизнинг мовий пальтода ёлғиз сайр қилиб юрганингизни кўриб қолсам, менда Сиз бизларникига келганда айтган ўша олис юртга жўнаб кетиш истаги пайдо бўлади, шунда кўз олдимда мафтункор манзара гавдаланади: биз Сиз билан қўлтиқлашиб, Сизнинг она-Ватанингиз ва менинг мамлакатимнинг жасур аскарлари яқингинада халос этган Париж хиёбонларида сайр этиб юрибмиз. Сизнинг итоаткор қулингиз Рудольф Жордах”.

У яна бир қайта французча таржимани ҳузур қилиб ўқиб чиқди. Нима ҳам дейсан, киши. Киройи йигит бўлсанг французча ёз-да. Сўнг ҳеч бир ачинмасдан иккала варақни ҳам майда-майда қилиб йиртиб ташлади. У мисс Ленога ҳеч қанақа мактуб-пактуб юбормаслигини биларди, албатта. Бутунги оқшомгача у муаллимага нақ олти марта хат ёзди, аммо барчасини йиртиб ташлади, чунки муаллима уни албатта жиннига чиқарар, жуда бўлмаганда – мактаб директорига шикоят қилган бўлар эди. Ўзи ҳам бундан ташқари, табиийки, хоҳ отаси ё онаси, хоҳ Гретхен ё Том бўлсин, биронталарининг унинг хонасида, қайси тилда бўлмасин, ишқий мактубга кўзлари тушиб қолишини истамасди.

Рудольф столдан турди-да, эски кедр столи устида осиглиқ мўъжазгина нотекис тошпойнага ўзини солиб қаради. У ўз ташқи кўринишига қаттиқ эътибор берарди, чеҳрасида ўзи орзу қилган инсон белгиларини илғашга уринарди. У узун тим қора сочини ҳар доим ўта силлиқ қилиб тарарди; ҳар замон-ҳар замонда қошлари ўртасидаги сийрак қора тукларни чимдиб ташларди. Ҳуснбузар тошмасин деб ширинлик емасди. Овози борича хохолаб қулишдан ўзини тияр, балки жилмайибгина қўярди, шунда ҳам ҳар замонда. Кийим рангини танлашда ўзига етганча инжиқ эди, гавдасини тўғри тутиб, шошмасдан, одимларини равон ташлаб юришга жон-жаҳди билан тиришарди. Тирноқларини ишқаб ялтиратар, ойда бир марта опаси унга маникюр қилиб қўярди. У мушқлашувни ўлпудай ёмон кўрарди – шинамгина чеҳрасини пачақланган бурун, нозиккина бармоқларини шишиқ бўғинлар билан бадсуврат қилишни ҳечам хоҳламасди. Ҳушқомат бўлиш учун спорт билан шугулланарди. Табиатдан завқланиш ё ёлғизлик гаштини суришни хоҳлаб қолганида балиқ овига борар ва агар биронтаси кузатиб турган бўлса, ялтироқ пистончада балиқ овларди, борди-ю атрофда ҳеч ким бўлмаса – оддий чувалчангда овлайверарди.

“Сизнинг итоаткор қулингиз”, – деди у французчалаб, ойнадаги аксини кузатганча ва ҳақиқий француз йигитидек юришга ҳаракат қилганча – мисс Лено синфга французчалаб мурожаат қилар экан, ҳар доим чинакам француз аёли бўлиб кўринарди.

У ёзув столи ўрнида хизмат қилувчи чоққина столга ўтирди, бир варақ қоғозни ўзи томон сурди-да, хаёлан мисс Ленони тасаввур қилишга уринди. Муаллима баланд бўйли, сонлари энсиз, ингичка оёқлари тўғри ва қарийб тўғри бурчак шаклида олдинга туртиб чиққан сийналари гўч аёл эди. Баланд пошнали туфли кияр, турли тасмачалар тақитишни хуш кўрар ва лабини қалин бўярди. Аввалига аёлни кийимда чизди. Юзи унчалик ўхшамасди, кейин ияклари

устидан гажак туширди ва лабларини куюкроқ қилиб бўяди. Сўнгра уни умуман кийимсиз қилиб тасвирлашга ҳаракат қилиб кўрди. Қип-яланғоч аёл — мисс Лено баланд табуреткада ўтирганча кўл тошойнасига қараб турибди. У расмни йиртиб ташлади. Ўзидан уялиб кетди. Унинг нималарни ўйлаши ва нималар билан шуғулланишини яқин қариндошларидан биронтаси билиб қолсами...

У ечина бошлади. Онасининг ётоғи бир қават пастда эди, унинг ҳали ҳам ётмаганини пайқаб қолмаслиги ва уйқута тўймайсан деб ёзғирмаслиги учун у хонада пайпоқда юрарди. Ҳар кун эрталаб соат бешда туришига тўғри келарди — велосипедга тиркалган аравачадаги иссиқ булочкаларни харидорларга тарқатиб чиқиши керак бўларди.

#### IV

“Казино” кинотеатри экранида Эррол Флинн японларга қирғин соларди. Томас Жордах охириги қаторда ўтирар ва фойедаги автоматдан танга ўрнига қалайи парчасини ташлаб ундириб олган халтачадаги ширинликдан қоронғиликда битта-битта оғзига солиб кавшанарди. Қалайдан бундай парчаларни ясашда у устаси фаранг бўлиб кетганди.

— Битта ташласанг-чи, бобой, — илтимос қилди Клод атайлаб кўпол оҳангда, одатда, фильмларда гангстерлар янги ўқдонни шундай сўрашади. Клод Тиннернинг амакиси роҳиб эди ва уни шундай нафсиз одам билан қариндошчилиги туфайли мўминтой деб атамасликлари учун ўзини пих ёрган тулракдай кўрсатишга ҳаракат қиларди. Том чертиб битта ширинликни ҳавога иригиди. Клод уни туғиб олди-да, чалошгаиб чайнай бошлади. Болалар ўзларини орқага ташлаб ва оёқларини олдиндаги бўш ўриндиқларга қўйиб ўтиришарди. Ҳар доимгидек улар залга эркаклар ҳожатхонасидаги деразадан кириб олишганди — дераза панжарасини улар булғур суғуриб ташлашганди.

Фильмни томоша қилиш Томнинг жонига тегди, қарасаки, Эррол Флинн турли хил қуролларда бир ўзи японларнинг бутун бир взводини ер тишлатаётганиди, у бўкириб:

— Фону-балонус, — деди.

— Қайси тилда гапираяпсиз, профессор? — ўзларининг одатдаги ўйинларини бошлади Клод.

— Лотинчада, — жавоб берди Том. — Таржимасида бу ахлат дегани бўлади.

— Хорижий тилларни бу қадар чуқур билиш! — бошини чайқаб қўйди Клод.

— Анави ёққа қарасанг-чи, — деди Том. — Қиз билан бир солдатни кўраяпсанми?

Улардан бир неча қатор олдинда бир қиз билан аллақандай солдат кучоқлашиб ўтиришарди. Залда одам кўп эмасди, ҳалиги жуфтлик атрофидаги жойлар бўш эди. Клоднинг қовоғи солинди.

— У жудаям кучли. Бўйинларини қара йўғонлигини.

— Генерал, биз тонгда ҳужум қиламиз, — тантанавор деди Том.

— Ўзингни касалхонада кўрасан, — огоҳлантирди Клод.

— Гаров ўйнайсанми? — Том ўриндиқ суянчиғидан оёғини олди, ўридан турди ва қаторлар ўртасидаги ўтиш жойидан юриб кетди. Кедали оёқлари “Казино” полига тўшалган эски гиламда товушсиз ҳаракат қиларди. Кўллари симчироқдай ингичка, олмахонбашара, бурни узун, юмшоқ лаблари намчил, найнов Клод ҳайиқибгина унга эрташди. Кўзидаги кўзойнаги ҳам ўзига сира ярашмасди. У ўлғудай қув бўлиб, зимдан ҳаракат қилар, сувдан доим қуруқ чиқарди, аравани қуруқ олиб қочишда йирик корпорацияларнинг сўзамол адвокатларидан қолишмасди. У мудом қора бўйинбоғли қора костюм киярди. Хийла озғинлиги адабиётчига ўхшаб кетар, оёқларини ноўнғай қўйиб, айбдорларча одим ташларди, умуман оддий бир ювош боладай таассурот уйғотарди кишида. Унинг фавқулудда топқирлиги асосан безорилик ҳаракатларида намоён бўларди. Клоднинг отаси “Бойлан гишг ва черепишлари” заводиди бош ҳисобчи бўлиб ишлар, Авлиё Анна аёллар коллежини тутатган онаси эса армияга олишга ҳамкорлик қилувчи жамоат ҳайъатига бошчилик қиларди. Ота-оналарнинг мавқеи, роҳиб амакиси борлиги ва булар устига ўзининг ювош ва бироз ёқимсиз кўриниши Клоднинг ўз гаразли мақсадларини бемалол рўёбга чиқаришига имкон берарди.



Том қизнинг орқасидан, Клод эса солдатнинг орқасидан ўтирди. Солдатнинг боши кичкина эди, аммо ўзи баланд бўйли, елкалари кенг бўлиб, пилоткаси Клодга экраннинг ярмини тўсиб турарди – фильмини бемалол кўриш учун бўйинини у ёқдан-бу ёққа чўзишига тўғри келарди.

– Айтмовдимми сенга у жуда полвон деб, – шивирлади Клод. – Манави ерда бир юз етмиш фунт келади, ундан кам эмас.

– Алжирама, – Том ҳам шивирлаб жавоб қайтарди. – Бошла. – Унинг овози дадил эди, бироқ у бармоқ учлари титраётгани ва қўлтиқлари қизиётганини ҳис қилиб турарди. Иккиланиш ва қўркув аралаш бу аломатлар унга таниш эди ва сўнги оғир ғалабадан ҳузурланишга бўлган ўчликни бадтар кучайтирмоқда эди. – Қани, бўл. Тун бўйи бу ерда ўтиравермаймиз-ку, – жаҳл билан шивирлади у.

– Сен айтганча бўлақолсин. Сен буюрдинг, – жавоб берди Клод ва олдинга эгилиб солдатнинг елкасидан туртди: – Кечирасиз, сержант. Бошингиздаги пилоткани олиб қўймайсизми? Мен ҳеч нарса кўролмаяман.

– Мен сержант эмасман, – қайрилиб қарамасдан ва пилоткасини олмасдан жавоб берди солдат ва қизни пинжига босишда давом этди.

Бир дақиқача йигитлар жим ўтиришди. Улар ўз ифвогарона усулларини миридан-сиригача ишлаб чиққанлари учун бир-бирларига қандайдир ишоралар қилишга ҳожат йўқ эди. Энди Том ўз навбатида солдатнинг елкасига кўполлик билан шапатилади:

– Дўстим сиздан пилоткангизни олиб қўйинг деб ғоят одоб билан илтимос қилди. Сиз унга фильмини кўришга халақит бераяпсиз. Агар пилоткангизни олиб қўймасангиз, маъмурни қақришга мажбур бўламиз.

– Атрофда бўш жойлар тўлиб ётибди. Агар ўртоғинг кино кўрмоқчи бўлса, бошқа жойга бориб ўтирсин, – ўриндиқда асабий кўзғалиб қўйиб жавоб берди солдат.

– Думини тутқазмаяпти, – шивирлади Том. – Бўш келма.

Клод яна солдатнинг елкасидан туртди:

– Менинг кўзимда шунақа касаллик бор. Мен фақат шу ердан кўраман. Агар бошқа жойга бориб ўтирсам, кўзим тиниб Эррол Флинни Лоретта Янгдан ажратолмай қоламан.

– Кўз докторига бор, – маслаҳат берди солдат. Қиз хохолаб кулди. Ўзининг ҳозиржавоблигидан мамнун ҳолда солдат ҳам ҳиринглаб қўйди.

– Бировнинг устидан кулиш яхши эмас, – деди Том.

– Айниқса ҳозир, уруш бўлиб турган, атрофда шунча қаҳрамон-ногиронлар бўлган пайтда, – уни қувватлади Клод.

– Шундан кейин сизни қандай қилиб америкалик дейиш мумкин? – ватанпарварлик оҳангида нидо солди Том. – Мен сиздан сўраяпман: шундан кейин сизни қандай қилиб америкалик дейиш мумкин?

– Қани, йўқолинглар бу ердан, болалар, – уларга бурилиб деди қиз.

– Сизни огоҳлантиришим керак, сэр, шерик қизингиз сўзлари учун шахсан сиз жавоб берасиз, – деди Том.

– Уларга эътибор қилма, Анжела, – виқор билан деди солдат.

Бирмунча муддат болалар жим бўлишди, сўнг Том японларга тақлидан чийиллаб қичқирди:

– Денгизчи, бугун сеники ўлади! Америка кўпшаги, бугун кечқурун меники сеники бошини...

– Тилингни тийсанг-чи, шаллақи, – унга ўтирилиб деди солдат.

– Гаров ўйнайман, у Эррол Флиндан кўра жасурроқ, – тинчимасди Том. – Унинг уйда бир сандиқ медали бор, фақат камтарлик юзасидан у медалларни тақмайди.

Солдатнинг чинакамига жаҳл чиқди:

– Бас қиласизларми, йўқми? Биз кино кўргани келганмиз.

– Биз эса – ачомлашгани. – Шундай дея Том Клоднинг юзидан оҳиста силаб қўйди.

– Мени маҳкамроқ кучсанг-чи, жоним, – артистлардай зорланди Клод. – Ёнаяман.

– Бас қилинглари! – ғазабдан тутоқиб кетди солдат. – Йўқолинглар бу ердан!

Залдаги бир қанча одамлар ўтирилиб қарашди ва аттанг деб қўйишди.

— Биз бу жойлар учун пул тўлаганмиз, ҳеч қасққа кетмаймиз, — деди Том.

— Кетмаганингизни кўраман. Мен чиптачини чақираман. — Солдат ўрнидан турди. Унинг бўйи олти футча келарди.

— Ўтир, Сидней. Шу мишиқилар билан тенг бўлма, — деди қиз.

— Мен сенга айтдим-а, Сидней, қизчангнинг гаплари учун шахсан сен жавоб берасан. Сўнги марта огоҳлантираяпман, — деди Том.

— Чиптачи! — Бутун зални бошига кўтариб қичқирди солдат, сўнги қаторга юзланиб. У ердаги “Чиқинш” деб ёзилган табло тагида жигали эски ҳарбийча либосдаги одам ёлғиз мудраб ўтирарди.

— Ш-ш-ш, — ҳар томондан овозлар эшитилди.

— Мана буни ҳақиқий жангчи деса бўлади! — деди Клод. — У аллақачон кўмак чақираётганиди.

— Нима бўлаяпти бу ерда? — сўради чиптачи уларга яқинлашаркан. У ҳорғин, буришиқ юзли қирқ ёшлардаги киши эди. Кундузи мебел фабрикасида, кечкурунлари эса “Казино” да ишларди.

— Буларни олиб чиқиб кетинг, — талаб қилди солдат. — Улар аёл ҳузурда сўкинишяпти.

— Мен бор-йўғи ундан пилоткасини олиб қўйишни илтимос қилдим, холос, шундай эмасми, Том? — деди Клод.

— Худди шундай, — тасдиқлади у. — Оддий ва ҳаққоний илтимос. Унинг кўзида кам учрайдиган касаллик бор.

— Нима-нима? — ҳайрон бўлиб қайта сўради чиптачи.

— Агар буларни ҳозироқ гум қилмасангиз, охири бахайр бўлмайди, — дўқ урди солдат.

— Бошқа жойга ўтира қолсаларинг бўлмайдими, йигитлар? — сўради чиптачи.

— Биз эркин мамлакатда яшаймиз, — деди Том. — Пулини тўладингми, қаерда ўтирсанг, ихтиёринг. У ўзини ким деб ўйлаяпти? Адольф Гитлерми? Шу етмай турувди! Ҳарбий либосни илиб олиб, гўдайгани-чи! Ўлай агар, битта ҳам японни кўзи билан кўрган эмас. Энди бу ерга судралиб келиб, америка ёшларини бузаяпти — ҳамманинг кўз ўнгида қизни кучоқлаб ўтирибди. Тагин ҳарбий либосда!

— Агар ҳозир уларни олиб кетмасангиз, башарасини ёраман, — тўнглик билан гапирди солдат, мушпумларини тутиб.

— Сен бу одамни ҳақорат қилдинг, мен ўз қулоғим билан эшитдим, — деди чиптачи Томга. — Бизнинг кинотеатрда бунақаси кетмайди. Даф бўлинглар!

Энди деярли бутун зал ғазабга минганди. Чиптачи эгилди-да, Томнинг енгидан тутди. Унинг кучли қўлини ҳис қилиб, Том бу нусха билан пачакилашиш бефойдалигини англади. У ўрнидан турди:

— Кетдик, Клод. — Кейин чиптачига мурожаат қилиб қўшиб қўйди: — Яхши, мистер, биз кетамиз. Лекин аввал билетга тўлаган пулимизни қайтаринг.

— Тушингизни сувга айтибсиз.

— Мен ўз ҳуқуқимни биламан, — қайта жойига ўтираётди деди Том ва экрандаги тўплар овозини босиб, бутун залга қараб қичқирди: — қани, ур мени, ҳайвон!

— Бўпти-бўпти, — уҳ тортди чиптачи, — пулингизни қайтарганим бўлсин, фақат тезроқ бу ердан даф бўлинглар.

Йигитлар ўринларидан туришди. Том жилмайиб солдатга қараб қўйди:

— Мен сени огоҳлантирдим. Кўчада кутаман.

— Бориб ойингга айт, таглигингни алмаштириб қўйсин, — жавоб берди солдат ўриндикқа оғир чўкар экан.

Фойеда чиптачи ўз ёнидан ҳар бирига ўттиз беш центдан берди ва кейин кинотеатр соҳибига кўрсатиш учун болалардан тилхат ёзириб олди. Том алгебра ўқитувчиси фамилияси билан, Клод эса отаси билан ишлайдиган банк президенти фамилияси билан имзо чекди.

— Энди бу ерда бошқа қорангизни кўрмай! — дўқлаб қўйди чиптачи.

— Бу жамоатчилик жойи, — деди Клод, — қани, қўймай кўринг-чи! Нақ отам олдида жавоб берасиз.

– Отанг ким? – ташвишланиб сўради чиптачи.

– Вақти келиб билиб оласиз, – таҳдид билан жавоб берди Клод.

Йигитлар танганавор юриб фойедан чиқишди. Кўчада улар бир-бирларининг елкаларига қоқиб, баланд овозда хохолаб кулиб юборишди. Фильм тугашига ярим соат қолганди. Улар қўшни тамаддихонага киришди-да, чиптачидан қайтариб олган пулларига бир бўлакдан пирог ва бир финжондан қаҳва буюришди. Пештахта ёнида радио қўйиғлиқ бўлиб, шарҳловчи жон олиб-жон бериб жанг қилиш учун олий немис кўмондони кўшинларни Альп тоғларига олиб ўтиши аҳтимоллиги ҳақида гапирарди.

Том ёш боланикидек думалоқ юзини норозиларча буриштирган кўйи тингларди. У урушнинг ўзига қарши эмасди, бироқ фидойилик, олий мақсадлар ва “бизнинг ботир йигитларимиз” ҳақидаги мана бундай бўлмағур сафсаталардан кўнгли беҳузур бўлиб кетарди.

– Ҳой гўзалхон, – пештахта ортида тирноқларига сайқал бериб ўтирган официант қизни чақирди у, – битта-яримта мусиқа кўйиб бермайсизми? – Уйда Рудольф ва Гретхен унинг қулоғига қуяверишгандан ватанпарварликни эшитишга тоқати қолмаганди.

– Наҳотки бу урушда ким енгиб чиқишига қизиқмасангиз? – йигитларга эринибгина қараб кўярган, сўради официант қиз.

– Бизнинг чиптамиз оппоқ, Кам учрайдиган кўз касаллиги, – жавоб берди Том ва Клод иккаласи яна баланд овозда хохолаб кулиб юборишди.

Сеанс тугаганда улар альяқачон кинотеатр эшиги тагида кутиб ўтиришарди. Томошабинлар чиқа бошлашди. Том ўзини қўлга олганча бир жойда қимир этмай турарди. Клод эса ҳаяжондан терлаган ва ранги ўчган ҳолда йўлкада асабий нари бориб-бери келарди.

– Кўлингдан келадими? Кўлингдан келишига ишонасанми? – дам-бадам сўрарди у Томдан. – Бу галварс ўлгудай полвон экан. Нима бўлганда ҳам кўлингдан келса қил дейман-да.

– Мен учун ташвишланма, – деди Том. – Асосийси, халойиқни нари ушлаб тур. Бурилишим учун менга жой керак. – Кўлларини қисиб, кўшиб қўйди: – Ана у, келяпти.

Солдат кўринишидан йигирма икки-йигирма учларда эди. Юзи ғадир-будир, тунд. У ёшига қараганда тўлароқ бўлиб, эрта чиққан қорни устидаги гимнастёркаси хиёл дўшайиб турарди. Шундай бўлса-да, у бақувват кўринарди. Том унинг йўлини тўсди.

– Яна сенмисан? – ғазаб билан тўнғиллади солдат. Бир сонияча тўхтади, сўнг Томни кўкраги билан туртиб, йўлида давом этди.

– Туртма дедим, – деди Том унинг енгидан тутиб. – Барибир қўйиб юбормайман.

Солдат ҳайратдан қотиб қолди ва уни нигоҳи билан чамалаб кўрди. Том ундан камида уч дюмча паст эди, эски кўк свитер ва кеда кийган оппоққина бир фаришта.

– Ҳали она сути оғзидан кетмаган болакай экансан, – деди солдат. – Бўпти, оёқ тагида ўралашма. – У Томни қўли билан четга сурди.

– Мени туртадиган ким бўлибсан, Сидней? – Том кескин равишда кафти билан унинг кўкрагига нуқиди. Атрофда одамлар тўплана бошлади. Солдат ғазабдан қизариб кетди:

– Кўлингни торт, болакай, бўлмаса дабдалангни чиқараман...

– Нега бундай қиласан, ҳой бола? – ҳайрон бўлди қиз. Кинотеатрдан чиқишда у яна лабларини бўяб олган эди, лекин бақбақасида суйкалиб кетган лаббўёқ излари қолганди. Атрофда тўпланган одамларнинг қизиқиб қарашлари унга ёқмаётганди. – Агар ҳазил қилмоқчи бўлсанг, сираям ҳазилга ўхшамаяпти.

– Бу ҳазил эмас, Анжела, – жавоб берди Том. – Мен ундан кечирим сўрашини талаб қиламан.

– Кечирим сўрасин? Нима учун? – ҳеч нарса тушунмай сўради солдат, тўпланган халойиққа мурожаат қилганча. – Бу йигитчалар жа иззатталаб эканми?

– Ё қизинг бизга кинода айтган гапи учун кечирим сўрайсан, ёки ўзингдан кўр, – кескин оҳангда деди Том.

– Кетдик, Анжела, биз пиво ичмоқчи эдик-а. – Сидней кетиш учун

ўтирилди, бироқ Том унинг енгидан маҳкам ушлаб, куч билан тортди. Чокнинг тарт этиб сўкилгани эшитилди.

– Оббо газанда-ей, гимнастёркамни йиртдинг-ку, – ўкирди солдат. – Шошма, бу қилиғинг учун оладиганингни оласан мендан. – У қулочкашлаб солди, бироқ Том ортга сакради ва зарба унинг чап елкасига келиб тушди.

– Оҳ-оҳ, – қаттиқ войвойлади Том елкасини ушлаганча. Гўё чидолмаётгандек икки букилиб олди.

– Кўрдиларингми? – халойиққа юзланди Клод. – Кўрдиларингми, мана бу одам дўстимни урди, шундайми?

– Менга қара, ҳой йигит, – ёмғирпўш кийган бир оқ сочли киши солдатга мурожаат қилди. – Уни урма, муштдеккина бола-я.

– Ҳа, шунчаки енгилгина тарсаки туширдим, холос, – айбдорларча ўзини оқдай бошлади солдат. – У ўзи ҳалидан бери менга ёпишиб...

Том қутилмаганда қаддини ростлади-да, пастдан муштгуми билан солдатнинг жағига туширди, бироқ мушглашувга бўлган иштиёқини сўндирмаслик учун у қадар қаттиқ урмади. Энди солдатни ҳеч ким тўхтатиб қолмасди.

– Бўлги, болакай, энди ўзингдан кўр. – Шундай дея у Том томон талпинди. Том орқага чекинди. Унга қўшилиб оломон ҳам чекинди.

– Четлашинглар, – бокс ҳакамидек талаб қилди Клод. – Одамларга жой беринглар.

– Сидней, – қаттиқ чийиллади қиз, – ўлдириб қўясан уни!

– Парво қилма. Мен уни сал-пал тарсакилаб қўймоқчиман, – жавоб берди солдат. – Ақлини жойига келтириб қўяй.

Том айланди-да, чап қўлида солдатнинг бошига секин мушт солди, ўнг қўли билан эса қорнига туширди. Солдат “ўҳ” деб юборди, Том эса орқага сакради.

– Ноинсоф, – деди қандайдир аёл, – қап-катта одам муштдек бола билан мушглашса-я. Бу бемазагарчиликни дарров тўхтатиш керак.

– Ҳечқиси йўқ, – деди унинг эри. – Айтди-ку, бир-икки тарсакилайман, бўлди, деб.

Солдат аста ўнг қўли билан қулочкашлади, бироқ Том унинг қўлиги остига шўнғиди-да, унинг пўканига мушт солди. Оғриқдан солдат букилиб қолди ва Том ўша заҳоти иккала муштгуми билан унинг юзига тушира кетди. Қон туширган ва қўлларини аранг силкитганча солдат клинч усулини қўллашга уринди. Том самимият ила ўзини унга тутиб берди, бироқ ўша заҳоти бўш ўнг мушти билан буйрагига кучли зарба берди. Солдат чайқалиб кетди, аста бир тиззасига чўккалади ва қон қуйилган кўзларини маъносизларча Томга тикди. Анжела йиғларди. Халойиқ жим эди. Том ортга чекинди. У ҳатто ҳансирамасди ҳам, фақат майин сарғиш тукли яноқларига енгил қизиллик югурди, холос.

– Эй худойим, – ўзича пичирлаб деди ҳалигина бу бемазагарчиликни тўхтатиш керак деган аёл, – бу бола эмас, бало экан-ку.

Мушглашув нари борса ўттиз дақиқа давом этди.

– Томоша тугади, – эълон қилди Клод юзидан терни сидириб.

Том йирик-йирик одимлар билан унга йўл берган оломон орасидан юриб ўтди. Кишилар гўё ҳозиргина ўзлари кўрган гайритабiiй даҳшатли манзарани унутишга ҳаракат қилгандек хомуш сукут сақларди.

Клод муюлишда унга етиб олди.

– Зўр! Жуда зўр бўлди! – ҳаяжон билан уҳ тортиб қўйди у. – Бугун нақ чақмоқ бўлиб кетдинг ўзиям. Комбинацияни айтмайсанми! Ё тавба, қанақанги комбинация-я!

– “Сидней, ўлдириб қўясан уни”, – қизга тақлид қилиб чийиллади Том ва ҳузур қилиб қулди. – Афсус, жуда тез ачиб қолди-да. Мен уни узоқроқ ийламоқчи эдим. У бир замбил ахлат экан. Келаси сафар чинакамита мушглашадиган биронтасини топамиз, хўпми?

– Зўр, – тўлқинланиб такрорларди Клод. – Мен роса маза қилдим. Эртага унинг башарасини бир томоша қилсайдик. Яна қачон такрорламоқчисан буни?

– Кайфиятим бўлганда, – елка учирди Том. – Бўлги, эртагача. – У бир ўзи қолиб, мана бу мушглашувдаги ҳар бир зарбани хаёлан бир-бир қайта

кечинишини истарди. Клод дўстининг кайфияти кутилмаганда алмашиб қолишига ўрганиб қолганди ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлди: истеъдод учун кўп нарса кечирилади.

– Бўпти, ҳозирча. Эртага кўришамиз, – деди у.

Том хайрлашган бўлиб унга қўл силтаб қўйди ва муюлиш ортига бурилди. Уйгача узоқ эди. Томнинг мушглашгиси келиб қолганда эҳтиёт юзасидан улар учун шаҳарнинг бошқа қисмидан юришга тўғри келарди: ўз томонларида отнинг қашқасидек таниш бўлиб, унга илашмасликка ҳаракат қилишарди.

У қоронғу кўчада енгил одимлаб борарди, гоҳ-гоҳ сийрак чироқлар оралиғида ўйинга тушиб кетарди. Онасини учкўрғондан кўрсатди ўзи ҳам! Кўрсатди! Ҳали бундан бадгарини кўрсатади. Ҳаммасини кўрсатади!

Вендерхофстритга чиққач, кўчанинг нариги учидан уйларига яқинлашиб келаётган опасига кўзи тушди. Гретхен бошини эгтанча шошиб келаётганидан уни кўрмади. Том дуч келган йўлакка шўнгиб, бекиниб олди. Опаси билан гаплашишга ҳуши йўқ эди. Том саккиз ёшга тўлганидан буён опаси унга бир оғиз ширин сўз айтгани йўқ. Гретхен шоша-пиша булочка дўкони ойнаси ёнидаги эшикка яқинлашди ва сумкачасидан қалитни олди. Бир изидан тушиб текшириш, кечқурунлари ўзи нима билан шуғулланишини бир билиб қўйса ёмон бўлмасди.

Опаси ўз хонасига чиқиб кетгунича пойлаб турди-да, Том кўчани кесиб ўтди ва эски, вақт ўтиши билан қорайган бино олдида тўхтади. Афтидан уйда ҳеч ким яшамас, эрта-индин бузиладигандек эди. Том чирт этиб тупурди. Ундаги қувноқлик зумда гойиб бўлди. Тагхонада одатдагидек чироқ ёниқ эди – отаси ишламоқда эди. Томнинг чехраси совуқ, жиддий тус олди. Бир умр тагхонадан чиқмаса-я. Улар нимани билишарди? Ҳеч нимани! – бошидан шундай фикр кечди унинг.

Гижирлаган зинапояни эҳтиёткорлик билан босганча Том ун чиқармай учинчи қаavatта кўтарилди. Келганини шовқин билан билдиргудек бўлса ўзини икки пуллик одам деб билган бўларди. У қачон келиб, қачон кетади – бунинг ҳеч кимга дахли йўқ. Айниқса, бугунгидек тунда. Свитерининг енгига қон суркалиб кетганди, уйдагилардан биронтаси кўриб қолиб, дод-вой қилишини у истамасди.

Хонага киргач, у эшикни оҳиста ёпти ва донг қотиб ухлаб ётган акасининг бир текис нафас олишини эшитди. Ажойиб, покиза Рудольф, йигитмисан – йигит, ундан тиш пастаси ҳиди келиб туради, синфдаги энг яхши ўқувчи, ҳаммага баб-баравар суюмли эди. У ҳеч қачон уйга қонга беланиб қайтмайди ва тўйиб ухлаб олиб, эртасига мактабда одоб ила: “Салом, муаллима,” деб айтиш, тригонометрия дарсига кеч қолмаслик учун вақтида ётади. Чироқни ёқмай Том тез ечинди-да, апил-тапил кийимини стул суянчигига ташлади. Акасининг сўраб-суриштиришларига тоқати чидамасди. Рудольф унинг ҳаммаслаги эмасди. Улар йўлнинг икки кишилик каравотга ётганда Рудольф уйғонди.

Бироқ у умумий икки кишилик каравотга ётганда Рудольф уйғонди.

– Қаерда эдинг? – уйқусираб сўради у.

– Кинода.

– Қандай экан?

– Расво.

Ака-ука қоронғуликда жимгина ётишарди. Рудольф Томдан нарига сурилди. У укаси билан битта каравотда ётишдан ор қиларди. Хона салқин эди, Рудольф ҳар куни тунда дерзани ланг очиб қўярди. Бошқалар ўз йўлига, аммо Рудольф, албатта, ҳамма нарсани рисолагайдай қиларди. Қоидасини келтириб – шижамда ухларди. Том эса – биргина трусикда. Шунинг орқасидан улар ҳафтада икки марта жиғиллашиб олишарди.

Рудольф ҳидлаб деди:

– Э худо, сендан ўрмон йиртқичининг ҳиди келаяпти-я. Нима қилдинг?

– Ҳеч нарса, – жавоб берди Том. – Мендан шунақа ҳид келаётган бўлса, мен айбдор эмасман.

Акам бўлмаганида, деб ўйлади у, унда соғ жой қолдирмаган бўлардим. Йиртқич?! Майли, модомики улар мен тўғримда шундай ўйлашар экан, йиртқич бўлганим бўлсин.

Том кўзини юмди ва солдатнинг бир тиззасида турганини, юзидан эса кон оқаётганини кўз олдига келтиришга ҳаракат қилди. У бу манзарани аниқ тасаввур этди, аммо энди ҳузурланмаётганди.

У титрай бошлади. Хона совуқ эди, аммо унинг титроғи совқотганидан эмасди.

## V

Гретхен пардоз столи устида деворга суяб қўйилган ихчамгина тошойна олдига ўтирди. Аслида бу оддий ошхона столи бўлиб, у буни қўлдан икки долларга харид қилган ва пушти рангга бўяб олган эди. Ёғупали банкча, кумуш дастали соч чўткаси (буни унга ўн саккизга кирганида совға қилишпанди), уч шишача атир ва тирноқ пардозлагич тўплам пояндоз ўрнида тўшаб қўйилган топ-тоза сочиққа тартиб билан териб чиқилганди.

Онасидан Гретхен опшоқ бадан ва сиёҳранг мовий кўзни мерос олган, отасидан эса унга қоп-қора текис соч ўтганди. Гретхен сулув эди. “Сенинг ёшингда мен ҳам чиройли эдим,” — аксар такрорларди онаси ва Гретхенни, ўз таъбирича, “сўлиб” қолмаслиги учун ўзига қарашга ундарди. Эркаклар билан қандай муомала қилиш ҳақида онаси унга ваъз ўқимасди, — у қизининг “ҳиммати”га ишонарди (бу сўзни ҳам онаси такрорлашни хуш кўрарди), бироқ барибир ҳам ўз таъбиридан фойдаланган ҳолда қоматини яшириб турадиган кенг кўйлак кийишга мажбур қиларди. “Ўзингга ташвиш орттириб нима қиласан? Уларнинг ўзи фурсатни қўлдан бермайди,” — дерди онаси.

Бир куни онаси Гретхенга ёшлигида роҳиба бўлмоқчи бўлганини айтди. Бугунги воқеа рўй бергандан кейин мен ҳам монастирга кетган бўлардим, алам билан ўйлади Гретхен. Агар худога ишонганида.

Бугун, одатдагидек, ишдан кейин дарҳол госпиталга жўнади, у ерда ихтиёрий равишда ҳафтасига беш оқшом навбатчилик қиларди: ярадорларга китоб-журналлар тарқатар, кўзи зарарланганларга хатларни ўқиб, қўли яраланганларга хат ёзиб берарди. Текинга ишларди, аммо қандайдир фойда келтираётганини ҳис қилиб турарди. Тўғриси айтганда, бу навбатчиликлар ҳатто унга ёқарди ҳам. Ярадорлар болалардек итоаткор ва оқкўнгил эдилар. Госпиталда у эркакларнинг ҳирсли боқишларидан ва хизматдаги бутун кун давомида чидаб берадиган жонга тегадиган шилқимларидан халос топганди.

Тўғри, кўпгина ҳамшира ва оқсочлар докторлар ва ярадор зобитлар билан очикчасига айш қилар эдилар, аммо Гретхен биринчи кунданоқ ҳаммага ўзининг унақалардан эмаслигини билдириб қўйганди. Тикилиб қарашлардан ўзини бирийўла халос қилиш учун у оддий солдатларнинг лиқ тўла палаталарида навбатчилик қилишни зиммасига олганди. Бу ерда биронтаси билан бир неча сониядан ортиқ бирга қолишининг деярли имкони бўлмасди. Бундоқ олиб қараганда Гретхен эркаклар билан муомала қилишни жудаям ўрнига қўйиб кўярди, аммо уларнинг заррача бўлсин ҳаддан ошишларига зинҳор йўл қўймасди. Дарвоқе, гоҳо кечки зиёфатларда ёки танцадан кейин уйга қайтаётганида йўлда у ўзини ўпишларига йўл қўйиб берарди, бироқ йигитларнинг тегажөөликлари унда ҳеч қандай туйғу уйғотмас, қайтанга бемаъни, жирканч ва ҳатто кулгили туюлар эди унга.

Мактабда болалардан биронтаси уни қизиқтирмас, у эса футболчилар ва хусусий машинаси бор йигитларга жонини берадиган қизларни ўлғудай ёмон сочарди. Булар барчаси унга аҳмоқлик бўлиб кўринарди. Сийрак, мош-гуруч сочли эллик ёшлардаги киши, синфда Шекспирни босиқ, таъсирчан товушда ўқийдиган инглиз тили ўқитувчиси мистер Полланнигина у гоҳо хушгор қилишга арзийдиган ягона эркак деб ўйлар эди. Уни Гретхен бир сафар меҳрибонлик билан ва ғамгин ҳолда эркаловчи севиқли ёр қиёфасида ҳам тасаввур қилиб кўрганди. Бироқ ўқитувчи уйланган ва унинг ёшидаги иккита қизи бор эди.

Лекин Гретхен бир нарсага шубҳа қилмасди: эртами, кечми унда қандайдир ғайритабиий ва мафтункор бир нарса рўй бериши керак — майли, бу йил ва бу шаҳарда бўлмасин, аммо албатта содир бўлади.

Палаталарда тунги чироқлар хира ёнарди. Кун тартиби бўйича ярадорлар

ухлагани ётишган. Ҳар доимгидек, кетишдан олдин Гретхен Толбет Хьюз билан хайрлашди. У томоғидан яраланган бўлиб, гапиролмасди. Толбет палатадаги энг ёши эди ва Гретхен ҳаммадан шунга аярди. Унинг тегиниши, табассуми ва тунда айтадиган “яхши ётиб туринг”и тонггача кечадиган узоқ уйқусиз соатларида асқотишига ишонгиси келарди. Палатадан чиқар экан, нималарнидир минғирлаганча у, одатда, ярадорлар хат ёзадиган, қарга ва шашка ўйнайдиган, пластинка эшитадиган умумий хонани тартибга сола бошларди. Бугун госпиталь уйқуни ураётган ва у мутлақо ёлғиз қолган навбатчилик охиридаги мана шу сўнгги оромбахш дақиқаларни севарди. Бинойи умр тангликда яшаб келиб, бу ерда, қулай юмшоқ оромкурсилари бор кенг оч яшил мана шу хонада, Гретхен ўзини муваффақиятли ўтган базми жамшиддан кейин саришта қилаётган қулинг ўргулсин хонадоннинг бекасидай ҳис қиларди. Супур-сидирни тугатиб энди кетмоқчи бўлиб турганида бирдан хонага оқсоқланганча пижама устидан тўқ қизил халат кийган барваста негр кириб келди.

— Хайрли кеч, мисс Жордах, — деди у. Унинг исми Арнольд эди. У госпиталда анчадан бери ётарди ва Гретхен уни яхши биларди. У ишлайдиган бўлимда бор-йўғи иккита негр бор эди. Одатда улар бир-биридан айрилмасди, бугун эса Арнольдни биринчи марта шеригисиз кўриб турарди. Гретхен ярадор негрга алоҳида эътибор билан қарарди. Арнольд Францияда яраланганди. У ўтирган юк машинасига келиб тушган снаряд осколкаси ёш негрнинг оёғини ушатиб юборганди. Арнольд Сент-Луисда туғилган ва ўша ерда ўрта мактабни битирганди. Унинг ўн бир ака-укаси ва опа-синглиси бор эди.

Госпиталда муолажадан бўш вақтларда мутолаа қиларди — қўлига нима тушса, барини ўқирди. Баъзан Гретхен уни китоблар билан таъминлаб турарди. Унинг ўзи ҳам кўп ўқир ва сўнгги икки йилда унинг адабиёт борасидаги дидига мистер Поллакнинг завқлари таъсир кўрсатмоқда эди.

— Хайрли кеч, Арнольд, — очик чеҳра билан жилмайди қиз. — Бирон нарса керакми?

— Йўқ, шунчаки уйқум келмаяпти. Бу ерда чироқни кўрдим-у, мафтункор қиз мисс Жордах билан бир гап сотай дедим. — У оппоқ тишларини ялтиратиб жилмайди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, Арнольд ҳар доим уни исми билан эмас, фамилияси билан атарди. У жудаям қоп-қора ва жудаям ориқ эди — халат эғнида қопдай осилиб турарди. Гретхен оёғини сақлаб қолиш учун уни икки мартами ё уч мартами операция қилишганини биларди ва унинг лаблари теварагида уқубат тиришларини кўраётгандек бўларди.

— Мен бўлсам энди чироқни ўчирмоқчи эдим, — деди қиз. Кейинги автобус шаҳарга ўн беш дақиқадан кейин жўнарди ва у шу автобустга шошаётганди.

Соғ оёғида силтаниб Арнольд сакраб столга чиқиб ўтирди.

— Пастга қараб ва иккала оёғи борлигини кўриб одам қандай ҳузур қилишини сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Сиз боринг, мисс Жордах. Сизни ҳойнаҳой қандайдир суқсурдай ёш йигит кутаётган бўлиши керак, кечиксангиз, унинг жаҳли чиқишини истамайман.

— Мени ҳеч ким кутаётгани ва мен ҳам шошаётганим йўқ, — жавоб берди Гретхен. Автобустга улпуриш учунгина ундан тезроқ ажралмоқчи бўлаётганидан хижолат тортиди.

Арнольд чўнтагидан бир пачка сигарета чиқарди ва унга манзират қилди.

— Раҳмат, мен чекмайман.

Негр тутундан кўзларини сузганча сигарета чека бошлади. Унинг барча ҳаракатлари дангал ва вазмин эди. Армияга қақирилгунча у мактабдаги футбол жамоасида ўйнарди ва ҳозир ҳам ярадор солдатда спортчиларга хос саришгалик сезилиб турарди.

— Ёнимга келиб ўтирсангиз-чи, мисс Жордах, — таклиф қилди у столга қўли билан тапиллатиб уриб. — Сиз қаттиқ толиққан бўлсангиз керакдир — бугун оқшом тик оёқдасиз.

— Шуям гап бўпти-ю, — жавоб берди Гретхен. — Ишда мен кун бўйи ўтираман. — Бироқ барибир ҳам ўзини шошмаётгандай кўрсатиш учун унинг ёнига келиб ўтирди.

— Оёқларингиз чиройли экан, — луқма ташлади Арнольд.

Гретхеннинг оёқлари узра сирғалиб тушган нигоҳи паст пошнали жигарранг туфлисига бориб тўхтади.

— Чакки эмас, — қўшилди қиз. Оёқлари унинг ўзига ҳам ёқарди — хушбичим, унчалик узун эмас, тўпиқчаси жажжигина.

— Армия менга оёқлар қанақа бўлишини ўргатди, — деди Арнольд, гўё бировнинг “Армияда мен радиоприёмникни ремонт қилишни ўргандим” ёки “Армияда мен қаргани қандай ўйнашни ўргандим” қабалида айтган оҳангда. Унинг овозида ўзига ачинишга тариқча ишора йўқ эди ва Гретхен бу босиқ ва ювош йигитчага яна-да бошқачароқ меҳр қўйиб қолди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — унга тасалли беришга ҳаракат қилди у. — Айтишларича, врачлар сизнинг оёгингизда мўъжизалар кўрсатишганмиш.

— Ана, холос, — мийиғида кулди негр. — Фақат бу ердан чиққандан кейин чол Арнольд қаерга бораркин?

— Нечага кирдингиз, Арнольд?

— Йигирма иккига. Сиз-чи?

— Ўн тўққизга.

— Иккаламизнинг айна гулдек очилган пайтимиз экан, — жилмайди негр.

— Ҳа, агар уруш бўлмаганда.

— Ҳе-йўқ, афсусланмайман. — Негр керишди. — Уруш шарофати билан мен Сент-Луисдан ситилиб чиқдим, уруш мени эркак қилди. — Унинг овозида киноя бор эди. — Энди мен нодон бола эмасман, катталар ўйини қоидасини биламан. Бунинг устига, янги жойларни кўрдим ва турли одамлар билан танишдим. Сиз ҳеч Корнуоллда бўлганмисиз? Бу Англияда.

— Йўқ, бўлмаганман.

— Айтмоқчи, Жордах — бу америкача фамилиями?

— Йўқ, немисча. Отам Штатларга Германиядан келиб қолган. Биринчи жаҳон урушида у немис армиясида хизмат қилган ва у ҳам оёғидан яраланган.

— Тарих жуда қизиқ нарса-да, тўғрими, — истехзоли кулди Арнольд. — Хўш, отангиз энди отдай югуриб юргандир, ҳойнаҳой?

— У озроқ оқсоқланади, лекин бу унга кўнча халақит бермайди, — хушёрлик билан жавоб берди Гретхен.

— Ҳаа.. Корнуолл.. — Арнольд столда ўтирган кўйи бошини чайқади. Афтидан уруш ва ярадорлар ҳақидаги суҳбат жонига текканди. — Мен у ерда бир қиз билан танишиб қолдим, биз у билан уч ой бирга бўлдик. Хушрўй, қувноқ ва нозиккина нарса эди, бундай қиз ҳар қандай эркакка учрайвермайди. У эрга теккан эди, лекин бу ҳеч нарсани ўзгартиролмаганди: эри ўтгиз тўққизинчи йилдан буён Африканинг аллақериди юрар экан, менимча, жувон эрининг қанақалигини ҳам унутганди. Биз у билан барларга борар эдик, дам олиш кунлари сайрга рухсат теккан вақтларимда у уйида менга кечки овқат қилиб берарди, кейин эса биз ишқий ўйинлар билан машғул бўлардик. Момо Ҳаво ва Одам Атодек бахтиёр эдик. Корнуоллда мен ўзимни биринчи марта одамдай ҳис қилгандим. — У шифтга қараганча жим бўлиб қолди, денгиз соҳилидаги эски шаҳарча ва қувноқ, хушрўй ва нозиккина қизни эслаётган бўлса, ажаб эмас.

Гретхен ҳам сукут сақларди. У ишқий нарсалар ҳақида гапиришганда ўзини нокулай сезар ва секин, ҳатто оғизда бўлса-да, оддий бир нарса деб тан олишга уқувсизлигидан, уятчанлигидан хиҷолат тортарди, у танийдиган қизлар эса уни худди шундай тушунар эдилар. Ўзининг феълига холисона баҳо берар экан, тортинчоқлигига энг аввало унинг ота-оналари ўртасидаги муносабатлар айбдорлигини фаҳмларди. Уларнинг ётоқларини Гретхеннинг хонасидан торгина йўлак ажратиб турарди. Кўпинча тонги бешда у новвойхонадан қайтган отасининг қадам товушларидан уйғониб кетарди, сўнг унинг хирилдоқ, ширакайф овози ва онасининг зорланиб унамаганлари қулоғига чалинарди. Сўнг олишув бошланарди. Эрталаб эса онасининг чехрасида мағлуб аёлга хос изтиробли сўлғинлик акс этиб турарди.

Бугун эса Гретхен ишқий нарсалар ҳақида биринчи марта эркак билан танҳо гаплашиб турарди ва шу билан бирга ўз ихтиёрига қарши ўлароқ, миясидан чиқариб ташламоқчи бўлган нарсага гувоҳ бўлиб қолмоқда эди. Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатда. Иккита бадан — бири оқ, бири қора. У бу



ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилди, бироқ эшлай олмади. Йигитнинг очикчилигида ҳам қандайдир маъно, мақсад бор эди: у нафақат урушдан ватанига қайтган солдатнинг соғинч тўла хотиралари эди, — шивирлаб айтаётган гаплар тагида қандайдир муллоа яширинганди. Нима учундир Гретхен бу муллоа унинг ўзи эканлигини биларди. Бирдан унинг беркингиси, қочиб кетгиси келди.

— Ярадор бўлганимдан кейин, — деб давом этди Арнольд, — мен унга хат ёздим, бироқ жавоб олмадим. Ким билсин, балки эри уйига қайтиб келгандир. Шу пайтгача мен биронта аёл билан яқинлик қилмагандим. Ўтган шанбада менга биринчи марта шаҳарга чиқишимга рухсат беришди. Билли иккаламиз бутун кунга рухсат олдик. Лекин бу ерларда иккала негрнинг қиладиган иши йўқ. Бу, мен сизга айтсам, Корнуолл эмас. — У кулди. — Бу ерга келиб чакки қилдим! Бу, аҳтимол, Штатлардаги шаҳарда жойлашган, биронта ҳам қора танли одами бўлмаган ягона госпиталь бўлса керак. Биз бир банкадан пиво ичдик-да, дарё бандаргоҳигача боргани автобуста ўтирдик. Кимдир, ўша ерда қандайдир негр оиласи билан яшайди, деганди. Билсак, бу ҳеч қанақа оила-поила эмас экан, шунчаки Жанубий Каролинадан келиб қолган кекса негр экан. Дарё соҳилидаги уйда бир ўзи ёлғиз тураркан. Биз уни пиво билан сийладик, ҳарбий шавкатларимиз ҳақида гап сотдик ва кейинги рухсатда балиқ овига яна келишга ваъда бердик. Ҳаҳ, балиқ ови эмиш!

— Госпиталдан чиқиб, — деди Гретхен соатига қараб қўйиб, — сиз яна уйга қайтасиз, сиз, албатта, бир чиройли қизни учратасиз ва яна бахтли бўласиз, мен бунга ишонаман. — Унинг овози чўзилиб, носамимий ва ясама чиқди, шундан у уялиб кетди. Қиз кетиши кераклигини тушуниб турарди ва яна соатига қараб қўйди.

— Жуда кеч бўлиб кетди, Арнольд. — Қиз столдан сакраб тушмоқчи бўлган эди, бироқ негр унинг қўлидан ушлаб тўхтатди.

— Ҳали унчалик кеч эмас, мисс Жордах. Очигини айтсам, мен анчадан бери сиз билан хилватда гаплашиб олишга пайт пойлаб юрардим.

— Мен автобуста кеч қолаяпман, Арнольд, мен...

— Биз Уильсон билан сиз тўғрингизда кўп гаплашдик, — унинг сўзини бўлди негр ҳамон қўлини қўйиб юбормай, — келаси шанбада сизни кунни биз билан ўтказишингизга таклиф қилишга келишиб олдик.

— Таклифингиз учун миннатдорман, бироқ шанба кунлари мен қаттиқ бандман. — Гретхен катта қийинчилик эвазига одатдаги оҳангда гапирмоқда эди.

— Бу шаҳарда қиз болани икки қора танли йигит даврасида кўриниши тўғри келмаслигини тушунамиз. Бу ерда бунга одатланишмаган. Бунинг устига, биз оддий солдатлармиз...

— Мен ҳечам бунақа демоқчи эмасман...

— Сиз ўн икки яримдаги автобуста ўтирасиз ва бандаргоҳгача борасиз. Биз у ерга олдинроқ келамиз, чолпа бир шиша ароққа пул берамиз-да, уни кинога жўнатамиз, ўзимиз эса уч кишилик ажойиб тушлик тайёрлаймиз. Уй қирғоқнинг шундоқ лабида. Атрофда зоғ учмайди, ҳеч ким бурнини тикмайди. Вақтни ажойиб қилиб ўтказамиз.

— Бўпти, мен уйга борай, Арнольд, — баланд овозда деди Гретхен. У қичқиришга ва ёрдамга одам чақиришга уяги йўл қўймадлигини биларди, бироқ Арнольдни шундай қилиш қўлидан келишига ишонтирмоқчи бўлди.

— Ширин таом, зўр вино, — жилмайиб шивирлади Арнольд, унинг қўлидан тутанча.

— Ҳозир қичқириб юбораман, — аранг ўзини босиб деди Гретхен. — Нима ҳаққи бор бундай қилишга? Ҳозиргина мўмин-қобил, дўстона гапириб турган одам бирданига...

— Биз Уильсон иккаламиз сиз тўғрингизда яхши фикрдамиз, мисс Жордах, — давом этди негр. — Сизни кўрган пайтимдан бери фикру хаёлимда фақат сиз бўлиб қолгансиз. Уильсон ҳам шу гапни айтади.

— Иккалангиз ҳам ақлингизни ебсиз. Полковникка шикоят қилсам борми, нақ... — Гретхен қўлини тортиб олмоқчи бўлди, бироқ кўрқди: тўсатдан биров кириб қолиб, икковининг тортишиб турганига кўзи тушсами. Кейин ўзинини минг оқла, бир пул.

– Ҳозир айтганимдек, биз сиз тўғрингизда яхши фикрдамиз, мисс Жордах, – такрорлади Арнольд, – ва бунинг учун мўмайгина тўлаймиз ҳам. Уильсон иккаламизда анча пул тўпланиб қолган: биз фронтда бўлган чоғимизда, бизга ҳарбийдан пул тушиб турган, бундан ташқари бу ерда, госпиталда, қиморда роса омадим чопди-да. Саккиз юз доллар! Узингиз ўйланг, мисс Жордах. Дарё қирғоғида биз билан бирга ўтказган бир неча соат учун саккиз юз доллар. – У қизнинг қўлини қўйиб юборди, столдан сакраб тушди ва оқсоқланганча эшик томон йўналди, сал нарига бориб тўхтади, орқага қайрилиб ва унга қараб қўйиб, қўшимча қилди: – Жавобини ҳозир беришингиз шарт эмас, мисс Жордах. Шанбагача роса икки кун бор. Ўйлаб қўришга вақтингиз етарли. Биз бандаргоҳда эрталаб ўн бирдан кеч оқшомгача бўламиз. Бўшаганингиздан кейин истаган вақтингизда келишингиз мумкин. Биз сизни кутамиз. – Елкаларини ростлаб ва девордан уштамасликка ҳаракат қилиб, у хонадан чиқди.

Бир неча дақиқа Гретхен қимир этмай ўтирди, сўнг столдан тушди, тасодифан биров кириб қолмасин деб чироқни ўчирди – ҳозир унинг юзига кишилар кўзи тушишини истамасди. Деворга суюнганча, бир кафтини оғзига қўйганча бирпас турди, сўнг тезгина кийимхонага ўтди, кийимларини алмаштирди ва деярли югуриб автобус бекати томон йўл олди.

## VI

Мери Жордах мой юқи яшил сатин халатда дераза олдида турарди. У чекарди, кул унинг кўкси узра тушаётганидан хабарсиз. Етимхонада у тарбияланувчи қизлар орасида энг батартиби ва бир сўзлиги эди, худди гулдондаги гулдек тиниқ ва чиройли эди. Роҳибалар етимларни тартиб ва саришталикка қандай ўргатишни билишарди. Лекин энди у кўсқи кампирга айланганди, на қомати, на рухсориға қарар, семириб кетганди; уззу кун сочини тарамасдан, қандай кийим кийганига эътибор бермасдан юраверарди. Роҳибалар унга динни ва черков урф-одатларини севишга ўргатишганди, мана, қарийб йигирма йилдирки, черковга изини босмай қўйган. Унинг биринчи фарзанди Гретхен туғилганида Мери руҳоний билан чўқинтириш ҳақида келишиб олганди, бироқ Аксель чўқинтириш сўзини тилинганга олмайсан ва бундан буён черковга бир цент сарфламайсан деб оёқ тираб туриб олганди. Унинг ўзи эса дунёга келибдики, гирт католик.

Уч чўқинтирилмаган динсиз фарзанд ва черковни ёмон кўрувчи даҳрий эр. Мана шу унинг зилдай хочи.

У ўз ота-онасини билмасди. Буффалодаги етимхона унинг учун ҳам ота, ҳам она ўрнида эди.

Пэйс фамилиясини унга айнан етимхонада беришганди. Кўнглида ўзини Мери Жордах ёки миссис Жордах деб эмас, балки ҳар доим Мери Пэйс деб атар эди. Етимхонадан кетаётганида мураббия унга онанг ирланд аёли бўлган эди, деганди, аммо турган гапки, буни ҳеч ким билмасди. Мураббия унга яна шу нарсани эслатиб қўйгандики, унинг томирида бузуқ хотин қони оқади, ҳою ҳавасларга асло берилмаслиги лозим. Ўшанда у бор-йўғи ўн олтига кирганди – ажойиб заррин сочли, юзлари нақш олмадай париваш бир қиз эди. Қиз туққанида, у қизини ўзининг ирландлардан келиб чиққани хотирасига Колина деб қўймоқчи бўлган эди. Бироқ Аксель ирландларни ёқтирмасди ва қизга Гретхен деб исм қўямиз деб туриб олганди. Гамбургда у Гретхен исми суюқоёқ хотинни биларкан. Уларнинг турмуш қуришганига бир йил ўтдимми-йўқми, бироқ ўшандаёқ у эрини ёмон кўриб улгурганди.

Жордах билан у ўзи официант бўлиб ишлайдиган Буффало кўлидаги ресторанда танишиб қолганди. Уни у ерга етимхонадан юборишганди. Ресторан кексароқ немис эр-хотин мистер ва миссис Мюллерга қарашли эди. Етимхона уни Мюллерга йўллади, чунки улар яхши одамлар бўлиб, черковга мунтазам қатнаб туришарди. Мюллерлар унга яхши муомалада бўлишди, уни ўзларининг тепасидаги хонага жойлаштиришди ва мижозлардан биронтасининг тегажөөлик қилишларига йўл қўйишмасди. Ҳафтасига уч марта уни кечки мактабга юборишарди. Ахир бир умр официантка бўлиб ўтмайдиган-ку.

Чорпахилдан келган камгап йигит, бир оёғи оқсоқ Аксель Жордах йигирманчи йилда Германиядан келиб қолган бўлиб, бу ерда кўл кемаларида матрос бўлиб хизмат қиларди, қиш пайтлари кўл музлаганда Мюллерникида ошпаз ёки новвой бўлиб ишларди: у Биринчи жаҳон урушида ярадор бўлгач, жанговор хизматга яроқсизлиги туфайли овқат ва нон пиширишни ўрганиб олганди ва уни Франкфуртдаги госпиталда ошпаз бўлиб ишлашга қолдиришанди.

Олис урушда госпиталдан чиққан қандайдир йигит ўз ватанида ўзини ётдек сезгани учунгина бахтини Америкада топишга жазм қилди, ўша бахти ҳозир булочка дўкони устидаги хилват хоначада дераза олдида турибди, у кундан-кун ич-этини еб, ёшлиги, таровати ва умидлари билан бирин-кетин видолашарди. Бундай ҳаётнинг эса сира охири кўринай демасди.

Улар танишишганида Аксель инглиз тилида деярли гапирмасди ва ўз она тилида оз-моз валақлашгани Мюллерлар ресторанига кириб турарди. У қизга одоб билан муомала қилар, ортиқча ҳаракатларга йўл қўймас ва ҳатто қизнинг кўлидан ушлашга ҳаракат ҳам қилмасди. Рейслар ораллиғидаги кунларда у қизни мактабга кузатиб кўяр ва уйга олиб қайтарди. Бир гал унга ўз тилингни ўргатиб қўй деб илтимос ҳам қилганди ва турмуш қургунларича инглиз тилида ажойиб гапира бошлаган эди. Унинг Германияда туғилиб ўсганини эшитганда ҳамма ёқа ушлаб қолганди. Шубҳасиз, Аксель ақлли одам эди, аммо ўз ақлидан уни, ўзини ва атрофидаги одамларни қийнаш учун фойдаланарди.

Кўлини сўрамагунча у бирон марта ҳам қизни ўпмаганди. Ўша пайтда қиз ҳозирги Гретхеннинг ёшида — ўн тўққизда эди. Аксель ҳар доим унга эътиборли эди, ҳар доим топ-тоза ювинган ва соқолларини яхшилаб олдирган бўларди. Рейслардан қайтаётиб, унга турли совғалар — конфетлар, гуллар олиб келарди.

Роса икки йил унга хушомадлар қилиб юрди ва учинчи йилдагина унинг кўлини сўради. Рад этади деб илгарилари юраги дов бермай юрарди: минг қилса ҳам ажнабий, бунинг устига чўлоқ бўлсам, деб айтганди кейинчалик. Унинг камтарлиги ва ўзига ишонмаслигидан қизнинг кўзларидаги ёшни кўриб у ичида роса кулган бўлса керак ўзиям. О, бу арқонни узун ташлаган доғули шайтоннинг ўзгинаси эди-я!

Қиз унга эрга тегишга рози бўлди. Эҳтимол, қиз уни севишига бироз ишонган бўлса не ажаб. Аксель анча жозибалдор йигит эди: ҳиндилардай тим-қора соч, жиддий, оқилона озгин юз, тиниқ қора кўзлар. Қизни кўрганда бу кўзлар шунақанги мулойим ва гамхўр тортиб кетардики! Аввалига у қизга тўё у бир чинни идишдай гоят эҳтиёткорлик билан кўл теккизди. Қиз унга ўзининг “никоҳсиз туғилгани”ни айтганда, Аксель буни мистер Мюллердан аллақачон эшитганини ва бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлигини айтди — бир ҳисобдан яхши ҳам, чунки уларнинг турмуш қуришларида қиз томондан қаршилиқ кўрсатувчи ҳеч ким бўлмасди. Акселнинг отаси ҳам ўн бешинчи йилда рус frontiда ўлиб кетган, онаси эса бир йил ўтгач, иккинчи турмуш қилиб, Кёльндан Берлинга кўчиб кетган. Акселнинг кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ укаси урушдан кейин Берлинга қариндош-уруғларини кўргани келган, келиб чиқиши немислардан бўлган бой америкалик аёлга уйланган. Ҳозир укаси хотини билан Огайо штатида яшарди, бироқ Аксель у билан ҳеч қанақанги борди-келди қилмасди. Хуллас, у ҳам Мери сингари ёп-ёлғиз эди.

Унга турмушга чиқаётиб, Мери оғир шартларни қўйди. Биринчидан, у ўзининг ҳозирги ишини ташлаши керак — уни уйда ёлғиз ташлаб, йилнинг кўп қисмини кемаларда ўтказадиган эр унга керак эмас, бунинг устига, матрос — қора ишчидан фарқ қилмайди. Иккинчидан, улар Буффалодан кетишлари керак — бу ерда унинг никоҳсиз туғилган қиз эканини ва етимхонада тарбияланганини ҳамма билади, у официантка бўлиб ишлаётган ресторанига келувчи одамлар эса ҳар қадамда учрарди. Ва сўнгги шарт — улар черковда никоҳдан ўтишлари керак.

Аксель ҳаммасига рози бўлди. Одам қиёфасидаги шайтони лаин деб уни айтса бўлади! У унча-мунча пул йиғиб қўйганди ва мистер Мюллер ёрдамида у Порт-Филиппдаги новвойхоначи булочка дўконини сотган одам билан муомала қилиб юрарди. Тўйдан икки ҳафта олдин Жордах бутун умрини ўтказишга тўғри келадиган булочка дўконини ва бир қават юқорида жойлашган, уч

фарзандни туғиш тақдирига ёзилган квартирани бирров кўрсатиб қўйгани қайлигини олиб келганди. Пирожнийлар ва хонаки печеньелар тартиб билан териб қўйилган ойнаванд пештахтани май қуёшидан ҳимоя қилувчи улкан яшил бостирмали, янги бўёқдан чиққан дўконча дарёгача чўзилиб кетган тинч мавзенинг тозалаб супурилган савдо кўчасида жойлашганди. Атрофни ям-яшил майсазорли ҳашаматли уйлар қуршаб олганди. Аксель иккаласи дарё лабидаги дарахт остидаги скамейкада ўтирганча мовий сув сатҳида елканли қайиқларнинг сузишини томоша қиларди. Порт-Филип ва Нью-Йорк ўртасида қатнайдиган ёзги сайёҳлар кемачасидан вальс товуши кулоққа чалинарди.

Дарёдаги ўша қуёшли кунда Мери қандай орзуларга берилмаганди! Улар бу ерда яхшилаб жойлашиб олгач, у булочка дўконини таъмирлайди, деразаларга парда қошлайди, бир нечта шамли стол қўйиб қўяди ва мижозларга қайноқ шоколад, чой манзират қилади; вақти келиб улар қўшни дўконни сотиб олишади — у ҳозирча хувиллаб ётибди — ва у ерда Мюллерларникита ўхшаб ишчиларбоп эмас, балки тижоратчилар ва янада бадавлатроқ одамлар учун чоққина ресторан очишади. Эри қоп-қора костюмда ва капалакнусха бўйинбоғда мижозларни дастурхонга қандай таклиф қилаётганини, оҳорланган дока пешбандли официантларнинг ошхонадан оғир-оғир баркашларни кўтариб шоша-пиша чиқиб келишларини, ўзи эса кассада ўтириб, пулни олар экан, табассум ила: “Уйлайманки, ресторанимиз сизга маъқул бўлди?” дейишларини аллақачон яққол кўз олдига келтирмоқда эди. Кечқурун ресторан ёпилгандан кейин эса эри билан дўстлар даврасида ширин қаҳва ичиб вақт ўтказишади.

Бу мавзу шу қадар исқиртлашиб кетади, у дўстона муносабат ўрнатмоқчи бўлган одамлар унинг жамиятидан жирканадиган, у билан бажонидил ўртоқ туғинмоқчи бўлганларни эса у назарига илмайдиган бўлиб қолади; ресторан тагидаги у сотиб олмоқчи бўлган дўконни бузиб ташлашади ва ўрнида улкан гараж қуришади ва у ёқдан темир-терсақларнинг жаранг-журунги эшитилиб туради; деразалари дарёга қараган улкан уйлар парти кетиб шарти қолган кулбаларга айланиб қолади ёки бузиб ташланади, уларнинг ўрнини ахлатхоналар ва темирчилик устахоналари эгаллайди деб кимнинг хаёлига келибди дейсиз.

Қайноқ шоколадли ва пирожнийли столчалар қани, шамлар ва дарпардалар, официантлар қани? Бундай нарсалар йўқ ва бўлмайди ҳам. Йиллар ўтаётгани, кунда ўн икки соат мой юқи иш кийимидаги механикларга, рўдаполарча кийинган уй бекаларига ва ичиб олган ота-оналари оқшомлари кўчада мушгшлашадиган иркит болаларга буханка сотганча пештахта ортида тик оёқда туради.

Унинг азоблари биринчи никоҳ тунидан бошланганди. Бу воқеа Ниагара шоввасидаги иккинчи даражали меҳмонхонада содир бўлганди. Тортинчоқ, юзлари нақш олмадек қип-қизил нозиккина қизнинг барча гўзал орзулари эски меҳмонхона каравоти пружиналари гичир-гичири остида биратўла йўққа чиққанди. Зилдай, кўпол, чарчаш нималигини билмайдиган гавда остида бемалол чўзилиб ётар экан, у ўзининг умрбод азоблар гирдобига маҳкум этилганини англаб етганди.

Асал ойининг биринчи ҳафтаси охирида у ҳаётимни жонимга суиқасд қилиб тутатаяпман, деб ҳаг ёзди. Кейин хатни йиртиб ташлади. Ҳали бундай хатлардан кўплаб ёзади ва йиртиб ташлайди. Роҳибаларнинг қаттиқ қоидалари остида у уятчан ва кўрқоқ бўлиб тарбияланганди, инсоф ва меҳрибонлик ҳақида орзу қиларди. Аксель эса фоҳишалар билан илакишиб вояга етган ва эҳтимол, уйланишга арзийдиган барча аёллар кўрққанидан тош қотиб, эр-хотинлик тўшагида ётишлари керак деб биларди.

Бир неча ой ўтгач, Жордах, ниҳоят, унинг енгиб бўлмас унсиз нафратини англаб қолди. Бу унинг газабини кўзгади, холос ва у бадтар ваҳшийлашиб кетди. Мана йигирма йилдирки, у арзимаган кўрғонни жанг қилиб ололмаган улкан қўшин кўмондони сингари умидсиз ва нафрат ила хотинига зуғум қилиб келмоқда.

Уларнинг жанжалига сабаб бу эмас эди. Жанжаллар пул туфайли келиб чиқарди. Янги туфлига деб ёки, кейинроқ, Гретхенга тузукроқ мактаб либосига

деб ўн-ўн беш долларни Акселдан сўраб олиш учун неча ойлаб жонига тегиши ва томошалар кўрсатишига тўғри келарди. Эр мудом унга бир бурда нонни миннат қилгани-қилган эди. Унинг банкда қанча пули борлигини Мери билмасди. Аксель ҳамма нарсада ўлгудек тежамкор эди. Унинг кўз ўнгида Германиянинг дабдаласи чиққан эди, Американинг ҳам худди шундай бўлишига у амин эди.

Гретхен ўрта мактабни тугатгач, коллежга кириши ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмасди, ҳолбуки, Рудольф сингари у ҳар доим синфда энг яхши ўқувчи ҳисобланарди. У дарҳол ишга кириб, ҳар жумада маошининг ярмини отасига беришига тўғри келди. “Коллежларда яхши қизлар бузилиб кетади,” — дерди Аксель. Мери эса қизининг қўлини сўраган дастлабки эркакка турмушга чиқишини биларди, фақат отасидан тезроқ нари бўлса бўлгани — бу сўнгсиз силсиладаги яна бир барбод бўлган ҳаёт дегани.

Фақат Рудольфга келгандагина Аксель харажатларнинг юзига боқиб ўтирмасди. Хушрўй, хушхулқ, боодоб ва ёқимтой Рудольф оиланинг умиди эди. Ўқитувчилар у билан фахрланар эдилар. Ўзларининг тўнғич ўғилларини Мери билан эри иккаласи ўз омадсизликлари эвазига худо берган инъом деб билар эди; Рудольфда мусиқага қобилият бор эди, у мактаб оркестрида труба чаларди. Ўтган йилнинг охирида Аксель унга худди тилладай ярақлаган труба олиб берганди. Шунгача Аксель оилада ҳеч кимга ҳеч нарса совға қилмаганди. Рудольф клубдаги танцаларда труба чаларди. Аксель унга смокинг (ёқаси каштали уй кўйлаги) сотиб олгани ўттиз беш доллар пул берди — ундан бундай сахийлик келади деб ҳеч ким ўйламаганди! — ва оқшомларда ишлаб топган барча пулларини ўзида қолдиришга рухсат берди. “Уларни туғиб қўй. Коллежга кирганинда ўзингга асқотади,” — деди у. Аввалбошданок Рудольф коллежда ўқийди деб ҳамма ўзича бир тўхтамга келиб қўйган эди. Қандай қилиб бўлмасин, ўқийди.

У ўзини айбдордай ҳис қиларди. У юрагидаги бор муҳаббатини тўнғич ўлига бағишлаганди. Лекин у азбаройи эзилганидан, қолган иккита фарзандини севишга қурби етмасди. Ёнида бўлганида у Рудольфни ҳарчанд силаб-сийпалашга ҳаракат қиларди, ухлаганида эса унинг хонасига кирарди-да, манглайдан ўпиб кўярди; кечкурунлари чарчоқдан зўрға оёқда турганига қарамай, унинг кўйлақларини ювар ва дазмолларди: тозалиги ва чиройлилигини кўриб ҳамманинг ҳаваси келсин-да! Онаизор мактаб газетасидан спорт мусобақаларидаги ўелининг ғалабалари ҳақидаги мақолаларни қирқиб оларди ва унинг баҳолари қўйилган табелларни альбомига ёпиштирар эди. Альбомни эса ўзининг пардоз столи устидаги “Шамол учирганлар” китоби билан ёнма-ён сақтарди.

Кичик ўғли Томас ва қизи шунчаки у билан битта уйда яшарди, холос. Рудольф эса — унинг қони ва жони эди.

Томасдан у ҳеч нарса умид қилмасди. Унинг масхарали башарасини кўришга тоқати йўқ. Фирт безори, қачон қарамасин, муштлашгани-муштлашган, мактабда нуқул тўполон чиқариб, қўполлик қилади, ҳаммани ҳўрлайди ва кўнглига келганидан қайтмайди, ҳеч ким билан ҳисоблашмайди, хоҳласа келади, хоҳласа кетади, ҳеч бир жазо унга кор қилмайди. Аммо кўза кунда эмас, кунда синади дейдилар. Томаснинг бўйни эгиладиган, юзи ерга қарайдиган машъум кун келмай қолмайди, албатта. Унда ҳеч кимнинг кўлидан ҳеч нарса келмайди. Ёмон кўрингандан кейин боланг бўлса ҳам ёрдам беришга кўнглинг бўлмайди-да, қолган кўнғил — чиққан жон.

Шундай қилиб, бугун оила уйқуда, оёқлари гупчакдай шишган она эса дераза ёнида турибди. Уйқусизликдан эзилган ва меҳнатдан силласи қуриган, шишиб кетган, ойнада ўзини кўришга тоб-тоқати йўқ, писмиқ, касалванд, ўзимни ўлдираман деган сўзлар оғзидан тушмайдиган, қирқ икки ёшида сочи ошпоқ оқарган аёл ёғ юқи халатини кулга белаганча усти-устига сигарета чекар эди.

Паровоз гудоги кулоққа чалинади, солдатларни олисдаги бандаргоҳларга тўшлар гумбур-гумбур қилиб турган томон олиб кетишмоқда. Худого шукур, Рудольф ҳали ўн еттига киргани йўқ. Ахир уни урушга олиб кетишса, у ғамдан ўлиб қолади.

Мери сўнги сигаретани тутатади, халатини ечади-да, ўринга чўзилади. Ётган жойида чекади. Бир неча соат уйқуга кетади. Бироқ зинадан новвойхонада туни билан ишлаб, тер ва шароб ҳиди анқиб турган эрининг оғир қадам товушлари эшитилиши билан уйғониб кетишини биларди.

## 2-боб

Соат беш дақиқаси кам ўн иккини кўрсатиб турса ҳамки Гретхен ёзишда давом этарди. Шанба бўлиб, бошқа қизлар аллақачон ишларини тутатиб бўлишган ва ўзларига оро бериб, кетиш тарадудини кўришмоқда эди. Лауэлла Девили ва Пат Хаузер Гретхенни бирга тушлик қилишга таклиф этишганди, бироқ уларнинг қуруқ вайсашларини тинглашга бугун унинг ҳуши йўқроқ эди. Афсуски, у бор ишни машинкадан чиқарган бўлиб, кечикиш учун асоси йўқ эди.

Мана, икки кундири, Гретхен касалман деб госпиталга боргани йўқ. Ишдан кейин дарҳол уйига қайтар ва ҳеч ёққа чиқмасди. Унинг ўтириб китоб ўқишга сабри чидамасди ва шу боис ўз кийим жовонини тартибга келтиришга аҳд қилди: бусиз ҳам топ-тоза турган блузкасини ювди ва сип-силлик қилиб дазмоланган кўйлақларини нечанчи марта қайта дазмоллаб чиқди. Қиладиган бошқа ҳеч қандай иши қолмагач, бошини ювди ва сочини турмаклади, тирноқларига оро берди, Рудининг ҳам тирноқларини зўрлаб пардозлаб берди, ҳолбуки, бор-йўғи бир ҳафтагина бурун унинг тирноқларини текислаб қўйганди.

Жумада кўпинча унинг ҳеч уйқуси келмасди. Бу гал ҳам шундай бўлди, ҳамма ухлагани ётган ярим кечада отасининг олдига новвойхонага тушди. Отаси ҳайрон бўлиб унга қараб қўйди. Лекин индамади. Ҳатто қизи стулга ўтириб, “пиш-пиш” деб мушукни чақирганда ҳам чурқ этмади. Мушук унга орқа ўтирди-да, нари кетди: одамлардан яхшилик чиқмаслигини билар эди жонивор.

– Дада, – деди Гретхен, – сизда икки оғиз гапим бор эди.

Жордах нима дейсан дегандек сукут сақларди.

– Мана бу ишимнинг ҳеч маъноси йўқ, юқорироқ лавозимга ўтказиш у ёғда турсин, маошимни ҳам кўтаришмайди. Бунинг устига, урушдан кейин ишлаб чиқариш албатта қисқаради, мени ишдан бўшатишлари мумкин.

– Уруш ҳали тутагани йўқ, – деди Аксель, – ҳали у дунёга кетаман деб навбат кутиб ўтирган дўзахилар тиқилиб ётибди.

– Балки Нью-Йоркка бориб, ўзимга дурустроқ иш қидириб кўрсаммикин дегандим. Ёмон котиба эмасман, Нью-Йорк газеталарида эса минг хил котибалик ишларини таклиф қилувчи эълонлар тўлиб-тошиб ётибди, маоши ҳам ҳозир олаётганимдан икки баравар кўп.

– Йўқ, – шартга деди Аксель.

– Нега?

– Чунки мен “йўқ” дедим.

– Дада, ахир мен уйга кўпроқ пул юбора оламан.

– Йўқ, – унинг гапини охиригача эшитмай такрорлади Жордах. – Ёшнинг йигирма бирга тўлгандан кейин истаган ёғинга кетаверишинг мумкин, ҳозир эса энди ўн тўққизга кирдинг, ота уйида яна икки йил иззатли меҳмон бўлиб ўтиришинга тўғри келади. Тишингни тишинга қўйиб, кулиб юр. – У шиша тиқинини суғурди-да, вискидан оғзини тўлдириб бир кулгум ичди ва атайлаб юзини унга бўяганча кафтининг орқаси билан лабларини артди.

– Мен бу шаҳардан кетишим керак, – қайсарлик билан деди Гретхен.

– Бундан бадтар шаҳарлар ҳам бор, – қуруқ қилиб жавоб берди отаси. – Бу ҳақда икки йилдан кейин гаплашамиз.

Ўн иккидан беш дақиқа ўтганда Гретхен машинкадан чиққан варақларни стол торгмасига жойлади. Барча хизматчилар кетиб бўлишганди. У машинка филофини кийдирди, ҳожатхонага борди ва ўзини тошпойнага солиб қаради. Юзи ловуллаб ёнарди. У совуқ сувга чайинди, сўнг сумкачасидан атир шишчасини олди ва қулоғи солинчонига аста теккизиб қўйди.

Кўчага чиққач, автобус бекати томон кетаётганини дарҳол англаёлмади.

Дам-бадам дўконнинг ойнаванд пештахталари қаршисида тўхтаб-тўхтаб, аста юриб борарди. Афтидан, биронта ҳам пристанга бормоқчи эмас эди. Ҳали кундуз бўлиб, қуёш чарақлаб турар ва барча тунги ҳаёлотлар ортда қолганди. Дарвоқе, соҳил бўйлаб автобусда кетса нима қилибди? Кейин бирон жойда тушади-да, тоза ҳаводан нафас олади.

Станциядан бир маҳалла берида Гретхен Томасни кўриб қолди. У кўриниши безоринамо болалар қуршовида дорихона ёнида турарди. Улар деворга танга отиб, қимор ўйнашарди. Гретхен билан бирга ишлайдиган бир қиз чоршанба куни “Казино” кинотеатрига борган ва Томасни солдат билан мушгласганини кўрган экан. “Уканг — худонинг балоси экан, — деган эди у кейин Гретхенга. — Ўзи мушгдеккина-ю, ейман дейди. Нақ илоннинг ўзи-я. Бунақа ука бўлгандан бўлмагани яхши”. Гретхен Томга мушгласувдан хабари борлигини айтди. Умуман у илгари ҳам шунга ўхшаган гапларни кўп эшитганди. “Ярамас боласан,” — деганди у укасига, бироқ Томас мамнун ҳолда ишшайиб қўйганди.

Томнинг унга кўзи тушганида Гретхен орқасига бурилиб кетган бўларди, бироқ укаси ўйинга қаттиқ берилиб кетганди.

Гретхен автовокзал биносига кирди ва соатга қаради: йигирма бешта кам бир. Автобус беш дақиқа олдин жўнаб кетган бўлиши аниқ, у, албатта яна йигирма беш дақиқа кейингисини кутиб бу ерда ўралашиб юрмайди. Бироқ маълум бўлишича, автобус кечиккан бўлиб, ҳамон бекатда турарди. Гретхен кассага борди.

— Бандаргоҳгача битта чипта беринг.

Автобус ўрнидан жилди. Ойнадан барра япроқлардан яшил тортган дарахтлар, уйлар лип-лип ўтар, ялтироқ тасмадай дарё ярақлаб кўринарди. Ҳамма нарса топ-тоза қилиб ювилгандек гўзал, эртакнамо кўринарди.

— Бандаргоҳ, — эълон қилди ҳайдовчи.

Гретхен автобусдан тушиди-да, йўл четида туриб қолди. Атрофда тирик жон кўринмайди. Албатта, у дарё бўйидаги ҳалиги уйга бормайди. Овқат совиса совир, вискили шишалар очилмаса очилмас. Унинг мухлислари беҳуда кутиб қирғоқда сандирақлаб юришаверсин — улар истаган, орзу қилган нарса шундоқ ёнгинасида турганини қаёқдан билишсин, бошлаб тушириш учун унинг бу ўйинни ўйнашга таваккал қилганини қаёқдан билишсин! У кулмоқчи бўлди, бироқ сув қуйгандек жимжитликни бузишдан кўрқди.

Бу ўйинга яна биров чуқурроқ кириб борса, қандай маза бўларди! Шагал тўшалган сўқмоқдан ҳўв наригача борса-да, ўзича кулганча орқага қайтиб келса. Туфлисини ечиб, пайпоқнинг ўзида бултурги япроқлар устидан товуш чиқармай одимлаганча ўрмондан дарёгача борса-да, дарахтлар ортига яшириниб ҳирсини қондирмоқчи бўлган ҳалиги икки эркакнинг уни қандай қутаётганларини бир томоша қилса. Кейин, тик жарлик ёқасида бирпас туриб, жонҳолатда қочиб қолса, ўзининг афзаллигини ҳис қилганча кишибилмас у ердан жуфтакни ростлаб қолса.

Гретхен йўлнинг нариги томонига ўтиб, энди ўрмонга кирмоқчи бўлган эди, бирдан яқинлашиб келаётган машина шовқини эшитилди. Ўзини худди Порт-Филиппа автобус қутаётгандек қилиб кўрсатганча у тўхтади: унинг ўрмонга кираётганини биров кўриб қолишини сира хоҳламасди, — энг аввало сир тута билиш керак!

Машина юришини секинлатиб, тўхтади. Гретхен лоақал унга қараб ҳам қўймади. У автобус келадиган томонга кўз тикканча турар, ҳолбуки автобус кам деганда ярим соатга бўлмаслигини билар эди.

— Салом, мисс Жордах, — эркак кишининг овози янгради. Гретхен юзи чўғдек қизариб кетганини ҳис қилди. Нега ўзимдан-ўзим қизариб кетаяпман? — ҳаёлидан ўтди унинг. Ахир бу ерларга келишга унинг ҳам ҳақи бордир. Ахир ҳалиги икки йигит, тушлик, ичкиликлар ва саккиз юз доллар ҳақида ҳеч ким билмайди-ку. У исми билан аталувчи гишт ва черепицалар заводининг эгаси мистер Бойланни дафъатан танимади. У усти очиладиган “бюик”да ўтирарди. Бунгача Гретхен уни Бойлан заводига келганида бор-йўғи бир ё икки марта кўрганди. Тик қоматли, малласоч, офтобда пишган, соқолини қиртишлаб олган, пахмоқ қошлари опшоқ, ботинкалари ялтиратиб мойланган йигит.

– Салом, мистер Бойлан, – жавоб берди Гретхен, жойидан жилмай. қизарганимни билиб қолмасин деб кўрққанидан у яқин боришни истамаётганди.

– Бу ёққа қандай шамоллар учирди? – Унинг овози дадил жарангларди. Шу билан бир вақтда бу сўзларни шундай айтдики, гўё баланд пошнали туфли кийган ёш жонон қизнинг ўрмон чеккасида танҳо туришидан ҳайратга тушгандек.

– Бугун шундай ажойиб кунки, – деярли тутилиб деди Гретхен. – Ишдан эрта чиққан вақтларимда шунақа оз-моз сайр қиладиган одатим бор.

– Бир ўзингиз сайр қиласизми? – ишонқирамай сўради йигит.

– Мен табиатни севаман, – қийналиб жавоб берди Гретхен ва йигитнинг унинг туфлисига галаги жилмайиб қараб кўйганини кўргач, шартта ёлғонлаб қўя қолди: – Бугун ҳам ўзим кутмаган ҳолда автобуста чиқдим-у, бу ерга келдим. Энди шаҳарга қайтишга автобус кутаяпман. – Шу топ орқа томондан шохларнинг шатирлагани эшитилди ва қиз кутавериш солдатларнинг жонига текканини ва уни бекалда қарши олишга қарор қилишганига амин бўлган ҳолда ваҳима ичида кескин ўтириди. Бироқ олмахон сўқмоқдан югуриб ўтган экан, холос.

– Сизга нима бўлди? – сўради Бойлан унинг безовталанганидан таажжубланиб.

– Илон ўрмалаб келаяпти деб ўйлабман, – деди Гретхен ва алам билан: – э, худойим, ҳаммаси расво бўлди, деб ўйлади.

– Табиатни севган одам бунақа кўрқоқ бўлмайди, – жиддий оҳангда деди Бойлан.

– Мен фақат илондан кўрқаман, – шошиб жавоб берди Гретхен. Бундан ҳам аҳмоқона суҳбат бўлмаса керак дунёда.

– Автобус ҳали-вери бўлмаслигини биласиз-ку, – деди Бойлан соатига қараб қўяркан.

– Ҳечқиси йўқ, – деди мамнуният билан жилмайиб Гретхен, гўё шанба кунлари йўл четида автобус пойлаш унинг энг яхши кўрган эрмагидек.

– Сизга яна битта жиддийроқ савол берсам майлими?

Бошланди, ўйлади қиз. Ҳозир у кимни кутаяпсиз, деб сўрайди. Кимни айтсам экан дея шошиб ўйлай кетди. Укамними? Дугонамними? Госпиталдаги ҳамшираними? Хаёлга берилиб, йигитнинг кейинги саволини эшитмай қолди.

– Кечирасиз, бир нима дедингизми?

– Туштик қилганмисиз, мисс Жордах деб сўрадим.

– Қорним унчалик оч эмас. Мен...

– Унда ўтиринг, – қўлини силтаб таклиф қилди Бойлан. – Мен сизни ўзим билан олиб кетаман. Бир ўзим овқатланишни жуда ёмон кўраман. – У ўриндиқ оша эгилди-да, эшикни очди.

Катталарнинг буйруғига итоат қилган боладай Гретхен йўлни кесиб ўтди-да, машинага ўтирди. Хўжайини ва боз устига, шунчалик кекса бўлмаганида – Бойлан қирқ-қирқ беш ёшларда эди – у бир амаллаб рад этган бўлар эди. Энди у ўрмон бўйлаб амалга ошмай қолган тасодикий сайрни, бу қарийб келишмаган ўйинни давом эттириш имконияти бой берилганини ўйлаб афсусланмоқда эди: солдатлар уни кўришган ва таъқиб этишни ташлаган бўлишса, ажаб эмас.

– “Карвонсарой” ресторанчасини биларсиз? – сўради Бойлан машинани ўт олдиран экан.

– Эшитганим бор, – жавоб берди Гретхен. Бу дарё устидаги жарликда жойлашган мўъжагина меҳмонхонадаги қиммат ресторан эди.

– Ёмон жой эмас, – деди Бойлан. – У ерда дурустгина вино ичса бўлади.

Бугун йўл бўйи улар жим кетишди: у машинани тез ҳайдар ва кучли шамол суҳбатлашгани халақит берарди. Вақти-вақти билан Бойлан унга енгил кинояли табассум билан қараб қўярди. Дарвоқе, бунинг таажжубланадиган ери йўқ эди: тўғри-да, шаҳардан фалон километр узоқда, кам деганда ярим соатдан кейин келадиган автобусни беҳуда кутган ҳолда нима қилиб юрибди, асти?

Анча илгари Нью-Йоркдан шимолий штатларга дилижонларда қатналган вақтларда “Карвонсарой” меҳмонхонаси почта станцияси бўлиб хизмат қилар



эди. Оқ нақш солинган қизил бино олдидаги майсазорда эски фургоннинг улкан филдираги тиргакларга тираб қўйилганди.

Бойланнинг қараб-қараб қўяётганидан ўнғайсизланиб Гретхен апил-тапил сочларини тараб олди.

– Эрақак киши умрида кўриши мумкин бўлган энг гўзал манзара – бу қизнинг соч тараши. Кўплаб рассомларнинг айнан шундай мавзу танлашлари бежиз эмас-да, – деди у.

Гретхен бундай нарсаларни эшитиб ўрганмаганди. Мактабдаги болалардан ва ишда унинг орқасидан ялпоқланувчи одамлардан биронтаси бундай демаганди. Ҳозир у ҳатто бу унга ёқадими ё йўқми эканини ҳам билмасди. Негадир Бойлан унга шу тарихи унинг шахсий ҳаётига ёриб кираётгандек бўлиб кўринмоқда эди. У лабини бўяшга ҳозирланиб лаббўёғини олди, бироқ Бойлан уни тўхтатди.

– Керак эмас, – сиполик билан деди у. – Шу ёғи етарли. Жудаям етарли. Кетдик.

Ёшига нисбатан ўта чаққонлик билан у машинадан тушди, айланиб ўтди ва унга эшикни очди. Мана буни тарбия деса бўлади! – беихтиёр хаёлидан кечирди Гретхен, унинг изидан меҳмонхонага йўл олар экан. Бойланнинг энгида билинар-билимас каттак чизиқли тивит шиджак, майин кулранг мовут шим, юмшоқ кашмирий кўйлак бўлиб, бўйнига галстук ўрнига рўмолча боғлаб олганди. Жигарранг туфлиси ёки, тўғрироғи, қиз кейинроқ билганидек чавандозлар киядиган ботинка ялгиратиб мойланганди. У қандайдир журналдан олингандай ясамага ўхшайди, ўйлади Гретхен. Нега мен у билан ёнма-ён юрибман?

Унга нисбатан қиз ғоят дидсиз кийингандек туюлиб кетди. Бугун эрталаб зўрға танлаб кийгани калта энгли кўм-кўк кўйлагига ўзини кўпол ҳис қилаётганди. Бойлан уни таклиф қилганидан афсусланаётганига Гретхеннинг ишончи комил эди. Бироқ йигит унга эшикни очди ва тирсагидан энгил тутганча ўн саккизинчи аср таверн усулида безак берилган барга олиб кирди: тезобланган дуб, деворларда эса қалайи кружклар ва ликобчалар. Барда бор-йўғи иккита жуфтлик ўтирарди. Бойлан Гретхенни пешпахта ёнига олиб келди ва баланд ёғоч табуреткага ўтиришига ёрдам берди. Шу заҳоти уларнинг олдига қордай ошпоқ оҳорланган куртка кийган, худди операциядан олдинги жарроҳдай топ-тоза негр бармен келди-да, мулозамат билан жилмайди.

– Салом, мистер Бойлан. Буюрсинлар, нимани хуш кўрадилар, сэр?

– Азизам, нима ичасиз? – қизга бурилди Бойлан.

– Барибир, – жавоб берди Гретхен. Умрида кока-колдан ўткирроқ ҳеч нима ичмаган бўлгач, нима ичишини у қаёқдан билсин. Таомномани келтиришларини у даҳшат билан кутарди – у, ҳойнаҳой, француз тилида ёзилган бўлса керак, Гретхен эса мактабда испанча ва лотинча ўқиганди. Лотинча!

– Айтмоқчи, сиз ўн саккизга кирган бўлсангиз керак?

– Бўлмасам-чи, – жавоб берди Гретхен қизариб. Нега у ҳар доим бўлар-бўлмасга қизариб кетаверади, а? Худога шукурки, бар ичи қоронғи эди.

– Балоғатга етмаганларни йўлдан уришда айбланиб суд қилишларини истамайман, – жилмайди Бойлан ва барменга юзланди: – Бернард, хоним учун бирон ширинлик олиб кел. Айниқса сенинг дайкирингнинг олдига тушадигани йўқ.

“Олдига тушадигани йўқ,” – такрорлади Гретхен ўзича. Сўзларни қаранглар. Ҳозир ҳеч ким бунақа гапирмайди. Ёши ҳам унақа эмас, – булар барчаси унда адоват туйғусини уйғотмоқда эди. Бернардининг лимонни сиққанини, сўнгра ширани музга аралаштириб, қизил кафтли катта-катта қора қўллари билан шейкерни чаққон силкита бошлаганини кузатиб турар экан, қиз негадир Арнольднинг “Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатда” деган сўзларини эслади. Агар мистер Бойланнинг озгина фаросати бўлса, у балоғатга етмаганларни йўлдан уриш ҳақида камгарона ҳазил қилмаган бўларди.

Кўпikli ичимлик ҳайратомуз даражада тотли эди ва Гретхен лимонаддай бир кўтаришда симириб қўя қолди. Бойлан театр артистларидек қошларини кўтарганча унга ҳайрон қараб турарди.

– Бернард, илтимос, яна келтир, – деди у ва бармен қизнинг олдига

иккинчи дайкирини қўйгач, сўз қотди: — Мен сизга бир маслаҳат берсам майлими, қароғим? Сизнинг ўрнингизда иккинчи коктейлни мен секинроқ ичган бўлардим. Минг қилса ҳам унда ром бор.

— Биладан, — виқор билан жавоб берди қиз. — Бир ичким келиб кетди-да. Офтобда узоқ туриб қолдим.

— Тушунаман, қароғим.

“Қароғим”. Ҳеч ким ҳеч қачон уни шундай атамаганди. Бу сўз ва Бойланнинг уни хотиржам, ёқимли қилиб талаффуз этиш йўсини хуш ёқмоқда эди.

Кўп ўтмай қўлида иккита таомномани тутганча барга метрдотель кириб келди ва енгил таъзим билан деди:

— Сизни кўрганимдан хурсандман, мистер Бойлан.

Ботинкаси ялгиратиб мойланган мистер Бойланни кўришдан ҳамма хурсанд эди.

— Сизга ҳам овқат буюрайми? — сўради у.

Гретхен киноларда эркаклар ўзларининг хотинлари учун овқат буюришларини кўп кўрган эди. Бироқ буни экранда кўриш бошқа, буни ҳаётингда учраганда кўриш бошқа.

— Ҳа, илтимос, — жавоб берди қиз ва ҳаяжон билан ўйлади: худди кинодагидай-а.

Нима еб, нима ичишларини Бойлан ва метрдотель қисқа, аммо жуда жиддий муҳокама қилишди. Сўнг дастурхон тузалгач, уларни залга таклиф қилаётганини айтиб, метрдотель кетди. Бойлан тилла портцитарини олди-да, қизга сигарета таклиф қилди. Гретхен йўқ дегандай бошини чайқади.

— Сиз чекмайсизми?

— Йўқ. — У бу ресторан андозаларига жавоб беролмаслигини ҳис қилди. Унинг чекмаслиги ҳам барча вазиятга тескари эди. Бир неча марта у чекиб ҳам кўрганди, бироқ у ўша заҳоти йўталиб, кўзлари қизариб кетганди. Бундан ташқари, онаси сигаретани усти-устига чекар, Гретхен эса ҳеч бир нарсада онасига ўхшашни истамасди.

— Мана бу аъло иш, — деди Бойлан тилла чақмоқдондан сигарета тутатаркан. — қизларнинг чекиши менга ёқмайди. Сигареталар ёшлик тароватининг кушандаси.

Сафсата. Куруқланиши-чи, ўйлади Гретхен, аммо асабийлашмади: йигит унда яхши таасурот қолдиришга ошқора ҳаракат қилар ва бу қизни эритмоқда эди. Тўсатдан у ўзининг атир ҳидини сезиб қолди ва бу арзон атир ҳиди Бойланнинг гашига тегмасмикан дея ташвишлана бошлади.

— Тўғриси айтсам, менинг фамилиямни билишингиздан роса ҳайрон қолдим. Мен сизни заводда бир ё икки марта кўргандим, сиз эса бизнинг бўлимга ҳеч қачон кирмагансиз.

— Мен эса сизни дарров кўрдим ва шундай кўринишдаги қиз “Бойлан гишт ва черепицалари”дек парти кетиб, шарти қолган идорада нима қилиб юрганингизга сира тушунолмагандим.

— Нима қипти, у ер унчалик ёмон жой эмас, — эътироз билдирди Гретхен.

— Шунақа денг? Хурсандман. Мен эса хизматкорларим бари заводни ёмон кўради деб юрамдир, шунинг учун мен у ерда ойда кўпи билан бир марта, шунда ҳам ўн беш дақиқача бўлишни одат қилиб олгандим. Бу завод руҳимга ёмон таъсир қилади.

Метрдотель пайдо бўлди.

— Ҳаммаси тайёр, сэр, — деди у.

Улар метрдотель ортидан ресторан зали орқали юриб ўтишди. Атиги тўққиз-ўнтача стол банд этилган эди. Ёш зобитлар даврасидаги полковник, тивит костюм кийган бир неча жуфтлик, вассалом.

Улар зал орқали дераза ёнидаги ўз столларига келгунларича суҳбат бўлинди. қиз ёш зобитларнинг нигоҳларини ҳис этиб, сочини тузатди. Афсус, Бойлан уларнинг олдида чол эди.

Метрдотель бир шиша қизил француз виноси келтирди, ҳаял ўтмай пайдо бўлган официант столга биринчи овқатни қўйди. “Карвонсарой”да ишчи қўли ортиб-тошиб ётгани шундоқ кўриниб турарди.

Бойлан унинг учун қадаҳ кўтарди ва улар бир қултумдан ичишди. Вино илиқ эди ва қизга ундан чанг ҳиди келаётгандек туюлди. Бироқ вақт ўтиши билан бу таъм унга хуш ёқиб қолишига унинг ишончи комил эди.

— Хурмо мағизига йўқ демасангиз керак? — сўради Бойлан. — Ямайкада яшаганимда мен бу таомга ўрганиб қолган эдим. Бунга анча бўлди, урушдан олдин, албатта.

— Жуда ширин экан, — жавоб берди Гретхен, гарчи таом мутлақо тотсиз бўлса ҳам. Бироқ уни бу тансиқ таом мазасидан баҳраманд бўлсин деб бутун бир дарахтни кесишга тўғри келганини ўйлашнинг ўзи маза эди.

— Урушдан кейин, — давом этди Бойлан санчқи билан ликобчани кавлаштириб, — мен Ямайкага бориб яшамоқчиман. Оқ кумда йил бўйи тобланиб ётаман. Йигитларимиз уйга галаба билан қайтиб келишгач, Штатлардаги ҳаёт дўзахга айланади. Қаҳрамонлар яшаш мумкин бўлган жойлар Теодор Бойланга мутлақо тўғри келмайди. Мени кўргани албатта келинлар.

— Бўлмасам-чи, — жавоб берди Гретхен, — Бойлан заводидаги менинг маошимга Ямайкада қандингни урсанг бўлади.

Бойлан кулиб кўйди.

— Оиламиз хизматчиларга бир минг саккиз юз саксон еттинчи йилдан буён атайлаб кам маош бериб келаётганимиз билангина фахрланамиз.

— Оила? — қайта сўради Гретхен. Унинг билишича, Порт-Филиппда у ягона Бойлан эди. Шаҳардаги барча одамлар унинг шаҳар ташқарисидagi тош деворли улкан ердан нарида жойлашган бир уйда мутлақо ёлғиз (хизматкорларини ҳисобга олмаганда, албатта) яшашини биларди.

— Бизлар — бугун бир сулоламиз, — деди Бойлан. — Бизнинг шонли мулкларимиз Атлантикадан Гинч океанигача, қарағайзорли Мэн штатидан пўртахоллар ачиб ётган Калифорниягача чўзилиб кетган. Порт-Филиппдаги гишт ва цемент заводларидан ташқари яна Бойлан кemasозлик кўлтиқлари, Бойланнинг нефть компаниялари, Бойланнинг оғир машинасозлик заводлари мавжуд. Улар бутун бир буюк мамлакат бўйлаб сочилиб кетган ва ҳар бир бундай корхона тепасида Бойлан туради. Ака-укаларим, амакиларим, амакиваччаларим ўзи учун фойдалар олиб қолган ҳолда севимли ватанларига ҳарбий ашёлар етказиб берадилар. Ҳатто бир генерал-майор Бойлан бор, у миллат учун Вашингтондаги таъминот хизмати бўйича қақшатқич зарбалар бериб туради. Ҳавода доллар ҳиди анқидими, биринчи навбатда қандайдир Бойлан турибди деяверинг.

Гретхен ўз қариндош-уруғлари ҳақида бировнинг бундай нафрат билан гапиришига ўрганмаган эди, бу унга малол келгани, афтидан, унинг чехрасида акс этганди.

— Сизни лол қилиб кўйдимми? — мийиғида кулди Бойлан. — Лекин мен ҳечам ёмон одам эмасман. Оиламизда бир фазилат бор, мен уни сўзсиз қадрлайман. Бизлар боймиз. Жуд-да, жуд-да ҳам боймиз, — кулди у.

— Барибир ҳам, — деди Гретхен, унинг ҳозир кўриниб тургандек сурбет одам эмаслигига, фақат соддадил қизни ҳайрон қолдириш учун атайлаб шундай қилаётганига умид боғлаб, — барибир ҳам сизлар ишлайсизлар, Бойланлар шаҳримиз учун кўп иш қилишган...

— О, бу аниқ. Улар шаҳарнинг бор қонини ичиб тугатишган. Баҳслашмайман, улар бу шаҳарга жуда ачиниш билан қарайдилар. Порт-Филипп — салтанатдаги энг кичик мулк, унинг учун Бойланлар сулоласининг ҳақиқий, юз фоизлик, гайратли зурёди вақтини исроф қилишга арзимади. Лекин шундай бўлса ҳам Бойланлар Порт-Филиппни ўзларида ушлаб туришибди: сизнинг муте кулингиз, оиладаги энг адноси Бойланлар улуғлиги ва қудратини ойда икки марта намойиш этиб туриш учун, ўзини завод хизматчиси қилиб кўрсатган ҳолда ташландиқ отамерос мулкда яшашни ваколатига олган. Мен ҳам бу расмни жуда ҳурмат-иззат билан адо этиб келмоқдман, ўзим эса Ямайкага жўнавориш учун қачон тўшлар гумбури тинаркин деб зўрга турибман.

У нафақат қариндош-уруғларини, ҳатто ўзини ҳам ёмон кўрар экан! — ўйлади Гретхен. Йигитнинг ўйноқи чақноқ кўзлари қизнинг юзидаги ўзгаришни дарҳол пайқади.

— Мен сизга ёқмаяпманми? — сўради Бойлан.

— Ундай эмас, — жавоб берди қиз, — фақат сиз танишларимдан биронтасига ҳам ўхшамас экансиз.

— Улардан яхшиманми ёки ёмонманми?

– Билмадим...

Бойлан жиддий бош ирғади:

– Бундай ҳолда масала кун тартибидан олиб ташланмайди.

Улар аллақачон бир шиша винони ичиб бўлишди, тушлик охиригача эса ҳали узоқ эди. Метрдотель уларнинг олдига иккинчи шишани ва тоза қадаҳларни қўйди. Вино Гретхеннинг томоғини куйдирди, қон юзига урди. Залдаги суҳбатлар худди олисдаги тўлқинлардек бир маромда эшитилиб, аллалаётгандек бўлмоқда эди. У бирдан ўзини уйидагидек ҳис этди-ю, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Нега кулаясиз? – шубҳа билан сўради Бойлан.

– Чунки бу ердаман, аслида бутунлай бошқа бир жойда бўлишим мумкин эди.

– Сиз тез-тез ичиб туришингиз керак, – деди Бойлан ўзининг қаттиқ ва қуруқ кафти билан қизни силаб. – Сизга ярашар экан. Сиз ғоятда сулувсиз, қароғим, ғоятда сулувсиз.

– Менга ҳам шунақа туюлади, – жавоб берди Гретхен, энди эса Бойлан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. – Бугун, – хижолатомуз гапини тўғрилади қиз.

Официант қаҳва берганда Гретхен мутлақо маст бўлиб қолган эди. Сабаби, илгари у ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаганди, нима гапниги тушунмасди, билган нарсаси шуки, пастдаги дарё тўқ кўк тусда товланар, олисдаги қоялар ортига беркинаётган қуёш кўз олувчи заррин нур таратар эди. Қаршида ўтирган эркак киши унга нотаниш хўжайиндан энг яхши, энг яқин дўстга айланганди. Унинг ёқимтой, офтобда қуйган юзида самимий эътибор жилва қилар, илиқ қўлининг тегишида беғубор хайрихоҳлик сезилар, кулгиси эса қизнинг ҳозиржавоблигига мукофотдай бўлиб туюлмоқда эди. Унга ўзининг бор сир-асрорларини очиб солишпа, юрагидаги энг эзу нарсалар ҳақида сўзлаб беришпа тайёр эди.

У Теддини (ширинлик олиб келишганида мистер Бойлан унинг учун оддийгина Тедди бўлиб қолганди) биронта тирик жонга маълум бўлмаган ўзининг энг олий сирига шерик қилмоқчи эди: уруш тугаши билан у Нью-Йоркка кетади ва актриса бўлади. У Бойланга “Бу сизга ёқадими” монологини ўқиб берди. Қизнинг тили бироз чалишмоқда эди. Тедди эҳтиром билан унинг кўлидан ўпди ва қиз буни бажонидил эътироф этди.

Ўз хушторининг тўхтовсиз эътибору эҳтиромидан тафтлиниб, қиз ўзини чақноқ юлдуздай, порлоқ қуёшдай ҳис этмоқда эди. У қўйлагининг юқориги икки тугмачасини ечиб қўйганди. Унинг нечоғлик хушрўйлигини кўриб қўйишсин. Дарвоқе, рестораннынг ичи ҳақиқатдан ҳам исиб кетганди. У гапириши жоиз бўлмаган нарсалар ҳақида сўзлар, шу пайтгача фақат деворларда ёзилган сўзларни овоз чиқариб айтар эди. У бутунлай очилиб, зодагонлар имтиёзининг энг юқори чўққисига чиққанди.

– Мен уларга сира эътибор қилмайман, – деб жавоб берди у Бойланнинг идорада у билан ишлайдиган эркаклар ҳақидаги саволига. – Қишлоқи хотинбозлар. Кинога олиб тушишади, музқаймоқ билан сийлашади, кейин машинада ўпишга тушиб кетишади, эзишади, пишиллашади... Йўқ, бу менга ёқмайди. Менинг бошқа режаларим бор, мен шонмайман.

Қиз даст ўрнидан турди:

– Ажойиб меҳмондорчилигингиз учун раҳмат. – Бир оз тин олиб, қўшиб қўйди: – Мен ҳожатхонага боришим керак. – Бошқа вақтда бўлганда у биронта эркак олдида бундай гапни айтмаган бўларди.

Тедди ҳам турди.

– Чиққанда чапдаги биринчи эшик, – аста деди у. О, Тедди ҳамма вақт ҳамма нарсани билади, у ҳамма жойда ўз уйидагидек.

Йигитнинг оқилона чақноқ кўзлари ўзига тикилиб турганини ҳис қилганча у залдан бир маромда секин юриб ўтди. Сарвқомат қиз эди – у буни биларди. Бели ингичка, гавдаси текис ва оёқлари бежирим. У буни биларди ва шунинг учун секин юрмоқда эди – Тедди кўрсин ва эсида сақлаб қолсин.

Ҳожатхонада ўзини тошойнага солиб қаради, лабларидан лаббўёқ қолдиқларини артиб ташлади. “Кенг, чиройли оғзим бор, – деди у ўз аксига. – Нега энди ўзини эски калишдай бўяши керак экан?”

У чиққанда Бойлан ҳисоб-китоб қилиб бўлган ва бар эшиги тагида унга ўйчан қараб турарди.

– Мен сенга қизил кўйлак олиб бераман, – тўсатдан деди у. – Чўғдай қизилидан. Тонгдай опшоқ юзинг, тундай қора сочларинг ўн чандон очилиб кетади шунда. Сен ресторанга кирган чоғларингда барча эркаклар ўзларини оёғинг тагига ташлайди.

Қиз кулиб юборди: қизил, у севган ранг. Ҳақиқий эркак деган аёллар билан ўзини киройи шундай тутсин-да! Қиз унинг билагидан ушлади ва улар машина томон юриб кетишди.

Кўчада салқин тушиб қолганди ва Бойлан “бюик”нинг тепасини кўтариб кўйди. Машина ичи илиқ ва шинам эди. Улар аста кетиб боришарди, Бойланнинг бир кўли қизнинг кўли устида ётарди.

– Энди тўғриси айт: пристандаги автобус бекатида нима қилаётган эдинг? – сўради йигит.

Гретхен ҳиринглади.

– Кулишинг галатими?

– Ўзим галати ниятда ўша ерда эдим-да, – қичиқ билан жавоб берди қиз.

Бирмунча муддат улар жим боришди

– Жавобингни кутаяпман, – деди Тедди.

Айтсам нима қилибди? – ўйлади Гретхен. Бундай ажойиб кунда ҳамма нарса ҳақида гапирса бўлади. Улар Тедди билан сийқаси чиққан риёкорона уятчанликдан юқори туришади. Кейин у госпиталда бўлган воқеани ҳикоя қила бошлади. Аввалига тугилиб, зўрға гапирди, кейин-кейин очилиб, бурро бўлиб кетди.

– Улар оқ танли бўлишганида ҳам полковникка шикоят қилардим. Лекин бунда... – Тедди тушунгандек бош ирғади. – Ўша кундан бери мен бир марта ҳам госпиталда бўлганим йўқ, – давом этди Гретхен. – Кўйинг, мен Нью-Йоркка кетай деб отамга худонинг зорини қилдим. Менга шундай нарсаларни таклиф қилган одам билан битта шаҳарда туришни ўйласам жоним ҳиқ этиб чиқиб кетгудай бўлади. Лекин отам... У билан баҳслашиш бефойда. Бунинг устига унга ҳақиқий сабабни тушунтиролмаيمان ҳам: у шартга госпиталга бориб, иккала йигитни ҳам кўли билан бўғиб ўлдириши аниқ. Бугун эса... Мен автовокзалга сира боргим йўқ эди. Оёқларим ихтиёримга бўйсунмай ўзи олиб кетди-ку. Мен, албатта, ўша уйга киришни ўйлаганим ҳам йўқ. Эҳтимол, мен улар ростданам ўша ердами, шундай ишларни қилишга қодирми, шуни аниқламоқчи бўлгандирман... Албатта, балки мен ўрмондан бироз юрган ҳам бўлардим. Балки, ўша уйчага борган ҳам бўлардим: шунчаки, қизикқанимдан. Ахир мен ҳам анойи эмасман-ку. Агар улар мени кўриб қолишганда, шартга қочиб қолардим, тамом. Улар чўлоқ оёқларида зўрға юришади-ку... – Ҳикоясига берилиб кетиб Гретхен туфлисидан кўз узмай ўтирарди, фақат машина тўхтаганидагина улар шағал тўшалаган, уй турган соҳилга олиб борувчи сўқмоқ бошланган ўша автобус бекатида туришганини кўриб ҳайрон бўлиб қолди. – Бу шунчаки бир ўйин эди, аҳмоқона, қалтис – аёллар ўйини, – гапини тугатди қиз.

– Гапларинг ёлғон, – деди Бойлан.

– Нима? – саросималаниб қайта сўради Гретхен. Машина ичкараси ҳаддан ташқари иссиқ ва дим бўлиб кетганди.

– Гапимни эшитдинг, қароғим. Сен алдаяпсан, – такрорлади Бойлан. – Бу ўйин эмасди. Сен ўша ёққа бормоқчи ва улар билан бир тўшакда ётмоқчи бўлгансан.

– Тедди, – бўғилиб шивирлади Гретхен, – илтимос, ойнани оч. Нафас ололмаяпман.

Бойлан унинг устидан энгашиб эшикни очди.

– Бор, – деди у. – Бор, қароғим. Улар ҳали ҳам ўша ерда. Сенга ёқиб қолишига ишонаман, сен ҳам бир умр эслаб қоласан.

– Тедди, илтимос, – қизнинг кўзлари тиниб, ҳеч нарсани кўрмас, йигитнинг овози эса бир узоқлашиб, бир яқинлашарди.

– Кейин уйга кетишга келганда, ташвиш қилма. Мен сени шу ерда кутиб тураман. Бошқа қиладиган ишим ҳам йўқ. Қани, бора қол. Кейин ҳаммасини айтиб берасан. Бу жуда қизик бўлади.

– Мен чиқмасам бўлмайди, – ух тортиб деди Гретхен. У ҳозир бўғилиб ўлиб қоладигандек туюлмоқда эди ўзига. Калласи зилдай, шишиб кетганга ўхшарди. Машинадан базўр чиқиб, у йўл четига борди ва эгилган, аъзойи бадани титраган ҳолда қайт қила бошлади.

Бойлан тўғрига қараганча машинада қимир этмай ўтирарди. Қиз қайта гавдасини тиклаганда у кескин оҳангда деди:

– Бўпти, келиб жойингга ўтир.

Ҳолдан тойган ва эзилган Гретхен машинага кирди ва оғзини қўли билан ёпди. Пешонасига муздек тер чиқди.

– Ма, ол, қароғим, – энди деярли холисона деди Бойлан, унга ола-була шойи дастрўмол узатиб.

– Раҳмат, – шивирлади қиз, юзини артаркан.

– Энди нима қиласан?

– Уйга бормоқчиман, – ҳиқ-ҳиқлаб деди қиз.

– Бу аҳволда уйга боришинг мумкин эмас, – деди Бойлан ва моторни юргизди.

– Мени қаёққа олиб борасан?

– Ўзимникига.

Баҳслашишга Гретхеннинг асло мадори қолмаганди. У ўзини ўриндиққа ташлади-да, кўзини юмди.

Унинг уйида қиз оғзини тиш эликсири билан узоқ чайди. Сўнг унинг кенг каравотида ётиб икки соат ухлади. Қиз уйғонгач, Бойлан уни ишғол этди. Қизни уйига индамай элтиб қўйди.

Душанба куни эрталаб ишга келгач, Гретхеннинг кўзи столи устида ётган узун конвертга тушди. Унинг исм ва фамилияси машинкада ёзилган бўлиб, бурчакда эса қўлда: “Шахсан” деб ёзиб қўйилган эди. Конвертда саккизта юз долларлик бор эди.

### 3-боб

Синф жимжит эди. Фақат пероларнинг қитир-қитиригина қулоққа чалинарди. Мисс Лено столда ўтириб ўқиб борар, аҳён-аҳёнда кўзини кўтариб, парталар қаторини назардан ўтказарди.

У ўқувчиларга “Франция – Америка дўстлиги” иншосига ярим соат вақт берган эди.

Рудольф керакли уч саҳифани тезгина ёзиб ташлади. Бугун синфда француз тилидан ишшо ва диктангдан аъло баҳо оладиган биргина у эди. Қошини чимирганча – мавзу унга гоаят эскидай туюлганди – хатоси йўқмикан деб яна бир марта текшириб чиқди, сўнг соатига қаради. Ҳали роса ўн беш дақиқа бор эди.

У мисс Ленога кўзини тикди. Бугун у жуда очилиб кетибди, ўйлади Рудольф. Қулоғига узун сирға таққан, ялпироқ жигаранг қўйлаги сонларига чиппа ёпишпан, чуқур ўйилган ўмизи эса сийнабанди туртиб чиққан кўкрагини яққол кўрсатиб турибди. Лаблари қизил лаббўёқдан чўғдай ёниб турарди. У лабларини ҳар дарс бошланишидан олдин бўярди. Унинг қариндошлари Нью-Йоркнинг театр туманида унча катта бўлмаган француз ресторанига эгалик қилар эдилар ва мисс Лено парижлик хонимлардан кўра кўпроқ Бродвей қизларига ўхшаб кетар, бироқ яхшиямки Рудольф бундай нарсаларнинг кўйда фарқига боравермасди.

Нима қилишини билмай у расм чиза бошлади. Бир варақ қоғоз юзида мисс Ленонинг чеҳраси пайдо бўлди. Худди ўзидай чиққанди расм: юзини ҳар икки томонидан чирмаб олган гажаклар, ўртасидан фарқ ажратиб турган қалин тўлқинсимон соч. Сирғалар, тўлиқ мушакдор бўйин. Бир лаҳза Рудольф иккиланди. У ёғига хавфли худудлар бошланарди-да. У яна мисс Ленога қараб олди. У ўқишда давом этарди. Мисс Лено дарсларида интизом борасида муаммо бўлмасди. Жужый бир хатолик учун у шафқатсизларча жазоларди. Шу боис ўқувчилар бир-бирдан кўчирмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун онда-сонда бир қараб қўйиб, бемалол ўтириши ва ўқиши мумкин.

Рудольф ўзига эрк бериб юборди ва шахвоний санъат қаърига фарқ бўлди. Иккита ярим доира мисс Ленонинг яланғоч сийнасини акс эттирди. Муганосибликлар Рудольфни тўлиқ қаноатлантирди. Расмда мисс Лено гавдасининг ярмидан қуйироғи томошабинга бурилганча доска ёнида турарди. Узатилган қўлида – бўр. Рудольф мисс Лено сувратини берилиб чизар ва ҳар бир янги “опус”<sup>1</sup> унинг ўсиб келаётган маҳоратидан дарак берарди. Сонларни у осонлик билан чизди. Оёқлари ҳам ёмон чиқмади. У хонимни оёқяланг чизмоқчи бўлди, аммо оёқ қафтлари шунча қилса ҳам кўнгилдагидек чиқмади ва охири уларга баланд пошнали, тақимида тасмачалари бор туфли кийдириб қўйди – муаллима одатда шундай туфли киярди. Уни доска ёнида турганини чизгани учун доскага нимадир ёзиб қўйиш керак эди. “Je suis folle d amour”<sup>2</sup> – деб ёзди у мисс Лено хатини обдон ўзига ўхшатиб.

Туфлиларни энди қорага бўяб тугаллаётган ҳам эдики, кимдир орқасида тургандек сизди Рудольф. У аста бошини кўтарди. Мисс Лено расмдан кўз узмай қараб турарди. Сурма сурилган тим қора кўзлари газабдан ёнарди. Лаббўёқ қалин сурилган лабларини тишлаганча у индамай қўлини узатди. Рудольф ҳам индамай қоғозни унга берди. Болалардан биронтасининг кўзи тушиб қолмасин дея уни найча қилиб ўради-да, мисс Лено пошналарида бурилди ва ўз столи томон йўналди. Кўнғироққа бир дақиқа қолганда у баланд овозда деди:

– Жордах!

– Лаббай, хоним. – Рудольф мағрур эди, овози титрагани йўқ.

– Дарсдан кейин олдимга келинг.

Кўнғироқ янгради. Рудольф китобларини тартиб билан портфелига жойлади, барча ўқувчилар синфдан чиқиб бўлганда у мисс Лено столи олдига келди.

– Жаноб рассом, – судьяларга хос совуқ оҳангда гапирди муаллима, унга томон расмни суриб қўяркан, – сизнинг санъат асарингизда бир муҳим деталь етишмаяпти. Унда имзо йўқ. Барчага маълумки, агар рассомнинг ҳақиқий имзоси бўлса, санъат асарининг баҳоси яна ҳам ошади.

Рудольф ручка олди-да, варақнинг қўйи учи бурчагига атайлаб секинлик билан ўз фамилиясини ёзиб қўйди. У ўзини ўтакаси ёрилган болакай каби тутмоқчи эмас эди. Севгининг ўз қонунлари бўлади. Модомики, у қизни яланғоч ҳолда чизишга журъат этибдими, унинг газабига чидаш учун ҳам жасорат кўрсата билиш керак. Имзонинг атрофини гулдор нақшлар билан айлантириб чиқди.

Оғир нафас олганча мисс Лено расмни қўлига олди.

– Мсье, бугуноқ дарсдан кейин отангизни ё онангизни олдимга олиб келинг! – чийиллаб қичқирди муаллима. – Мен мактабда соат тўртгача бўламан. Агар шунгача келмасангиз, оқибати жуда ёмон бўлади. Тундундизми гапимни?

– Ҳа, хоним. Яхши қолинг, – жавоб берди Рудольф ва бошини баланд кўтарганча шошмай синфдан чиқиб кетди.

Дарсдан кейин у, одатдагидек, онаси билан учрашгани булочка дўконига кирмади, отасини кўриш ниятида тўғри уйларига кўтарилди. Нима бўлганда ҳам бу расмни онаси кўрмаслиги керак. Кейин бир умр онасининг кўзларида қотиб қолган таъна сўзларини ўқиб юргандан кўра отасидан унча-мунча калтак еб қутулгани маъқул.

Отаси уйда йўқ экан. Рудольф ювинди ва сочларини таради – у чинакам йигитлардек тақдирига ёзилганини кўришга шайланмоқда эди. Сўнгра булочка дўконига тушди. Ойиси ит ҳиди анқиб турган аллақандай кампир сотиб олган булочкаларни тахлаш билан овора эди. Кампир кетгач, Рудольф онасини ўпди.

– Бугун мактабда ишлар қалай? – сўради онаси унинг бошидан силаб.

– Яхши. Дадам қаердалар?

– Дарёда бўлса керак, – жавоб берди Мери ва шу заҳоти хушёр тортиб сўради: – У нимага керак эди сенга?

Оилада заруратсиз отанинг қаердалигини ҳеч ким ҳеч қачон сўрамасди.

<sup>1</sup> О п у с – асар дегани.

<sup>2</sup> Ишқингда телба бўлдим (франц.).

– Шундай, ўзим, – чайналиб деди Рудольф.

Дўконга икки харидор кирди ва шундан фойдаланиб у онасига қўл силкиб қўйди-да, дўкондан чиқди ва тез-тез одимлаб, дарё томон йўл олди.

Енларини пимарганча отаси қирғоқда, қайиғини сақлайдиган ярим хароба, эски сарой олдида турарди. Қайиғи ҳозир рўпарасида харилар устига миндириб қўйилганди ва Аксель қумқоғоз билан унинг тубини сайқалларди. Ушбу қайиқни Рейндаги ўзининг хотирасига Жордах қандайдир касода учраган эрлар мактабидан арзон-гаров сотиб олганди. Қайиқ жуда ёмон аҳволда эди ва у уни тинмай таъмирлар, қайта-қайта сақичлар эди. Германияда бутунлай тинкаси қуриган ва заиф, бир оёғи деярли ишламайдиган бир ҳолда госпиталдан чиққач, у олдинги кучли ҳолатига қайтиш учун телбаларча қайсарлик ила бадантарбия билан шуғуллана бошлади. Кейинчалик қўл кемаларидаги оғир меҳнатлар, шунингдек, ўз бошига сотиб олган жонсуғулар жисмоний машқлар, эшакли қайиқда узоқ-узоқ масофаларни сузиб ўтишлар уни қайтадан фил қилиб юборди. Ҳозир у олдингидай оқсоқланар ва албатта, рақибини қувиб етолмасди, аммо ўзини сертук, бақувват қўллари билан ҳар қандай одамни бир уриб ағдариши ҳеч гап эмасди.

– Дада... – деди Рудольф бемалол гапиришга ҳаракат қилиб. Отаси умрида унга қўлининг учини теккизмаганди, аммо булгур унинг биргина зарбасидан Томас ҳушидан кетиб ағдарилганини ўз кўзи билан кўрганди.

– Нимайди? – сўради Аксель, кенг кафти билан қайиқ туби нечоғлиқ силлиқ чиққанини текширганча.

– Мактабда, – деди Рудольф.

– Бирон гап бўлдими? Сенга-я? – Жордах самимий ҳайрат ила ўғлига қараб қўйди.

– Биласизми, бизнинг француз тили муаллимамиз... Хуллас, у сизни кўрмоқчи.

Жордах унга яна диққат билан разм солди.

– Менимча, француз тили сенинг энг яхши кўрган фанларингдан бири эди, шекилли?

– Худди шундай, – таъкидлади Рудольф. – Дада, вақт кетказиб нима қиласиз, сиз унинг олдида боришингиз, гаплашишингиз керак.

Жордах пешонасидаги терни сидирди ва енларини туширди. Кейин бошига кепкасини кийди, усталардай елкасига чарм курткасини илди ва одимлаб кетди. Рудольф, мактабга боришингиздан олдин бошқа кийимларингизни кийиб олинг дейишга улгурмаёқ унинг орқасидан йўл олди.

Мисс Лено синф ишларини текшириб ўтирарди. Рудольф уйига бориб келгунча у уч марта лабини қайта бўяшга улгурганди. Рудольф унинг лаблари юпқалигини, фақат лаббўёқни қалин сургани учунгина улар катта-катта кўринишини биринчи марта сизди.

Синфга киришдан олдин Жордах курткасини кийди ва кепкасини олди, бироқ барибир қора ипчига ўхшаб қолаверди.

– Салом, сэр, – совуқ саломлашди мисс Лено. – Ўғлингиз сизни нега чақирганимни айтган бўлса керак?

– Йўқ, – деди Жордах. – Агар янглишмасам, у менга ҳеч нарса демади. – Унинг овозида унга хос бўлмаган лўндалик бор эди, Рудольф ҳам, отам бу хотиндан кўрқмасмикин, деб ўйлади.

– Сизга айтишга ҳам тилим бормади, – шундай деди-ю, мисс Лено бирдан қичқириб юборди: – Ярамас!.. Ким шунақа деб ўйловди?! Энг яхши ўқувчи!.. Демак, у сизга ҳеч нарса айтмабди-да?

– Йўқ, – Жордах сабр билан кутарди.

– Eh, bien,<sup>1</sup> ҳамма иншо ёзаётганда, дарсинг ўртасида, биласизми, у нималар билан шуғулланади? Мана, кўриб қўйинг!.. – фожевий қахрамон аёл ҳаракати билан у Рудольф чизган сувратни Акселнинг бурни тагига суқди.

Жордах сувратни олди ва яхшироқ кўриш учун дераза ёруғига бурди. Қандай таъсир қилар экан, дея Рудольф отасининг чеҳрасидан кўз узмасди. Ҳозир

<sup>1</sup> E h, b i e n – шунақа (французча).



шартга бурилиб, айлантириб шапалоқ тортишига у заррача шубҳа қилмаётганди, фақат оғриқдан дод деб ағдарилиб тушмасликка унинг қурби етармикин? Аммо Акселнинг чеҳрасидан ҳеч нарса англаб бўлмасди. Афтидан, у расмга қизиқиб қолганди, лекин шу билан бирга ўйлантириб ҳам қўйганди. Ниҳоят, у йўгон бармоғини ҳалиги французча сўзга қадаб, деди:

– Мана бу ерда французчалаб бир нима ёзилган. Тушунмаяпман.

– Ишқингда телба бўлдим, ишқингда телба бўлдим! – таржима қилди мисс Лено. У ўрнидан туриб ер депсинарди. – Мана сизга керак бўлса! – Кулоқни тешиб юборгудек қичқирди у бармоғи билан сувратни кўрсатиб.

– Тушунаман, – гўё эндигина бир нарсани англагандек деди Жордах. – Хўш, французчалаб бу ёмон гапми?

– Мистер Жордах, – ўзини зўрға босиб ва лаббўёқли лабини тишлаб гапирди мисс Лено, – ёш бола дарс пайтида ўз муаллимасини яланғоч қилиб чизишини яхши иш деб ўйлайсизми?

– О-о, – ҳайратдан чўзиб деди Жордах. – Ҳали бу сизми?

– Ҳа, мен, – зарда билан деди мисс Лено Рудольфга йиғламсираб қараганча.

Жордах ҳамон сувратдан кўзини олмаётганди.

– Ростданам сизга ўхшаркан, – бироз сукутдан кейин деди у. – Муаллималар ҳам яланғоч бўлиб сувратга тушпашар экан-да?

– Мистер Жордах, мен сизни устимдан қулинг деб чақиртирганим йўқ, – мағрур ҳолда деди мисс Лено. – Энди билсам, сиз билан гаплашишнинг фойдаси йўқ экан. Ўелингизни аяб, иш директоргача бориб етмасин деб ўйлаган эдим, лекин энди қарасам, шундан бошқа иложим қолмабди. Сизни ортиқ тутиб туролмайман. – Шундай деб у сувратга қўлини узатди.

– Хўш, шундай қилиб, сиз бу сувратни ўелингиз чизди демоқчимисиз? – ортга бир одим чекиниб ва сувратни ҳамон қўлида тутиб сўради Жордах.

– Тўшпа-тўғри, тагида имзоси турибди.

– Сиз ҳақсиз, бу Рудольфнинг имзоси, – сувратга яна бир қараб қўйиб, икром бўлди Аксель. – Изоҳнинг ҳожати йўқ.

– Директор сизни яқин орада чақириб қолиши мумкин, – давом этди мисс Лено. – Ҳозир эса, илтимос, сувратни менга қайтаринг. Менинг жуда ишим кўп, бусиз ҳам шу ярамас нарса деб кўп вақтни исроф қилдим.

– Мен буни эсдалик учун олиб қоламан. Ўзингиз айтдингиз-ку, буни Руди чизди деб, – хотиржам тусда деди Жордах. – Болада истейлод борлиги кўриниб турибди... Ўхшатиб чизганини қаранг! – У гурур билан бошини чайқади. – Рудида шундай лаёқат бор деб ҳеч ўйламаганим. Сувратни ромга соламиниз-да, уйда осиб қўямиз. Бизнинг замонимизда яланғоч аёлларнинг бунақа сувратлари учун катта пул тўлашади.

Мисс Лено азбаройи лабини қаттиқ тишлаганидан чурқ этолмаётганди. Отасининг муомаласидан саросимага тушган Рудольф ундан кўзини олмасди. Арзимаган бир суврат орқасидан отаси бундай томоша кўрсатади деб унинг етти ухлаб тушига кирмаганди.

Мисс Лено охири чидолмади.

– Йўқолинг кўзимдан, тарбиясиз, ифлос келгинди, мараз ўелингизни ҳам йўқотинг! – стол устида энгашпанча вишиллаб деди у.

– Сизнинг ўрингизда мен бундай демаган бўлар эдим, мисс, – хотиржам тусда деди Жордах. – Бу мактаб солиқ тўловчилар пулига ишлайди, демакки, менинг пулимга ҳам, шунинг учун зарур деб билганингиздагина кетаман. Бунинг устига, агар сиз мактабда тор юбкада думбангизни ликиллашиб турмаганизда ва сулоқоёқ хотинлардай маммачаларингиз диркиллаб чиқиб турмаганида, балки болалар сизни яланғоч қилиб чизмаган бўлармиди?

Мисс Ленонинг юзи қип-қизил бўлди, ғазабдан тили калимага келмай қолди.

– Мен сизнинг кимлигингизни биламан. Мараз бош!<sup>1</sup> – қичқирди у.

Жордах стол узра энгашди-да, муаллимага қарсиллатиб бир шапалоқ

<sup>1</sup> Америкада келгинди немисларни ҳақорат тарзида “бош” деб аташади (тарж.).

туширди. Бир зум хонага сув қуйгандек жимлик чўқди. Мисс Лено жойида тош қотиб қолганди. Сўнг ўзини стулга ташлади-да, қўллари билан юзини ёпиб, хўнграб йиғлаб юборди.

– Менга бундай муомала қилишларига ўрганмаганман. Билдингми, фаранг фоҳишаси?! Европадан мен бунақа гапларни эшитаман деб келганим йўқ. Агар ифлос бошларнинг биринчи ўқиданоқ думини хода қилиб қолган фарангларга ўхшаган бўлганимда бировни ҳақоратлашдан олдин яхшилаб ўйлаб олган бўлардим. Мен сенга айтсам, – балки бундан енгил тортарсан, – ўн олтинчи йилда онасининг олдига жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлган бир французнинг орқасига ўз қўли билан милтиқнайза санчганман.

Жордах гап об-ҳаво ёки унга буюртма ҳақида кетаётгандек бир маромда, босиқ оҳангда гапирарди.

– Агар ўғлимдан ўч олишни ўйлаётган бўлсанг, – аёвсиз давом этди Аксель, – яна яхшилаб ўйлаб олишингни маслаҳат бераман. Мен шу яқин-атрофда тураман ва бир нарса бўлиб қолса, яна келаман. Шу пайтгача ўғлим француз тилидан доим аъло олиб келган, борди-ю, йил охирида унинг баҳоси паст чиқса, бир қанча савол бергани мактабга келишдан эринмайман. Кетдик, Руди.

Пиқ-пиқ йиғлаётган мисс Ленони ёлғиз қолдириб, улар синфдан чиқиб кетишди.

Улар жим одимлаб боришарди. Кўча муюлишидаги ахлат идишига етишганда Жордах тўхтади, қўлидаги сувратни шиддат билан майдалаб йиртди-да, ахлат идишига улоқтирди. Сўнг Рудольфга қаради.

– Ҳеч аёл билан ётганмисан?

– Йўқ.

– Вақти етган, – деди Жордах, – нимани кутаяпсан?

– Шошиб нима қиламан? – Рудольф ҳимояга ўтди. Илгари на отаси, на онаси у билан аёл билан бўлиш ҳақида гаплашишмаганди, ҳозир эса бундай гапнинг асло мавриди эмасди. Унинг кўз олдидан столда хўнграб йиғлаётган мисс Ленонинг хира, балбашара чехраси кетмас, шундай бир нодон, жиззаки аёлнинг унинг эҳтиросига муносиб бўлиши мумкинлигидан ерга киргудек бўлмоқда эди.

– Бу ишни бошлаганимда, – давом этди Жордах, – уларни тез-тез алмаштириб тур. Биргина, ягона хотин билан умр ўтказаман деб хаёлингга ҳам келтирма, бўлмаса ҳаётингни барбод қиласан.

– Яхши, – деди Рудольф, гарчи отасининг ноҳақлигини чуқур англаб турса ҳам. Мулақо ноҳақ.

Бирмунча вақт улар яна жим кетишди. Муюлишдан бурилгач, Аксель сўради:

– Уни урганим сенга ёқмади, а?

– Ҳа.

– Сен умринг бўйи шу мамлакатда яшаб келаяпсан, – деди Жордах. – Ҳақиқий нафрат нима эканини сен билмайсан.

– Сиз ростданам французнинг орқасига милтиқнайза санчганмисиз? – Рудольф ҳақиқатни билишни истарди.

– Ҳа, икки юз миллионидан биттасининг орқасига. Битта француз ортиқ нимаю битта француз кам нима – барибир эмасми?

Улар уйга яқинлашишди. Рудольф ўзини махзун ва бахтсиз ҳис қилмоқда эди. Тарафини олгани учун у отасидан миннатдор бўлиши керак эди – ҳар қандай ота-она ҳам шундай қилавермайди-ку, – бироқ унинг ичидан битта сўз чиқиши ғоят душвор бўлмоқда эди.

– Мен яна бир одамни ўлдирганман, – давом этди Жордах улар булочка дўкони олдига тўхташганда. – Йигирма биринчи йилда Гамбургда, урушдан кейин эди. Пичоқ билан. Ҳарқалай, ўз отанг тўғрисида энди кўпроқ нарса билиб олишинг керак. Бўпти, кечки овқатда кўришамиз. Мен қайиқни саройга қўйишим керак. – Шундай дея кепкасини боши ортига суриб қўйди-да, дарё томон судралиб кетди.

Ўқув йили охирида баҳолар рўйхати осилганда Рудольфнинг фамилияси рўпарасида “француз тили” каттагида “аъло” турарди.

## 4-боб

## I

Бошланғич мактабнинг спорт зали Жордахлар хонадони яқинида жойлашганди ва шанба, якшанбадан ташқари кеч соат ўнгача очиқ бўларди. Ҳафтада икки-уч мартадан Том бу ерга баскетбол ўйнагани, ёки болалар билан гап сотгани, ёки тренер кўзидан нарироқ эркаклар ҳожатхонасида ошиқ ўйнагани келиб турарди.

Том тенкурлари ичида катта ёшдаги болалар ўйинга қўшадиган ягона бола эди. У бу ҳуқуқни мушглари билан қўлга киритганди. Бир куни ҳожатхонага кираётиб, ошиқ ўйини айна қизиб турганида, у икки ўйинчи орасига суқилди ва чўккалаб ўтирди-да, ўзининг долларини майда пуллар устига ташлади. Кейин ўн тўққиз яшар йигит, бу ўйин ташкилотчиси, армияга кетишдан олдин сўнги кунларини ўйнаб ўтказаётган Синни Жексонга ўтирилди-да: “Сен қариб қолдинг, ошна”, деди. Кучли, дўлвор уришқоқ Синни ўлгудек кекчи эди. Том ўзининг бай очиши учун атайлаб шуни танлаганди. Томга жаҳл билан қараб қўйди-да, Синни унинг долларини майда пуллар устидан олиб отиб юборди: “Йўқол бу ердан, мишиқи. Бу ерда эркаклар ўйнайди”.

Бир лаҳза ўйлаб ҳам ўтирмай ва ҳатто чўккалаб ўтирган жойидан турмай Том қулочкашлаб уни солиб қолди-ку. Кейин давом этган мушглашувда Том таваккалчи бола деган ном қозонди. У Синнининг кўзини ёрди, оғзини қонга бўяди, сўнг мағлуб рақибини душга судраб олиб борди-да, жўмракни очиб, роса беш дақиқа совуқ сувда тутиб турди. Шундан кейин у қачон спорт залида пайдо бўлса, уни ҳар доим ўйинга қўшадиган бўлишди.

Бутун ҳеч ким ошиқ ўйнамаётганди. Йигирма ёшли найнов, уруш бошидаёқ армияга кўнгилли бўлиб кетган Пайл гўё Соломон ороларида ўз қўли билан ўлжа олган самурай қиличини болаларга намойиш қилмоқда эди. Уч марта безгак хуруж қилиб, сал бўлмаса ўлиб қолаётганидан кейин Пайлни армиядан бўшатишганди. Шундан бери унинг териси шубҳали сариқ тусда эди.

Пайл қорга граната улоқтиргани — шунчаки, ҳар эҳтимолга қарши — ва у ёқдан қичқириқ эшитилгани ҳақида ҳикоя қиларди. Қўлида тўпшонча билан у форга эмаклаб борибди ва у ерда ўлиб ётган япон капитанини кўрибди. Ёнида қилич ётган экан.

— ... икки ҳафтадан кейин эса шу қилич билан японнинг бошини уздим, — тантанавор деди у.

Том ишонқирамай эшитиб турарди, лекин индамади. Унинг мушглашгиси йўқ эди, бунинг устига ёлғонлаётгани учун касалванд ва заҳил боланинг таъзирини беролмасди ҳам. Кимдир Томнинг енгидан тортиди. Бу ҳар доимгидек қора костюмда, бўйинбоғ таққан ва оғиз бурчакларида сўлак пуфакчалари кўришиб турган Клод эди.

— Сенга айтадиган янгилгим бор, — шивирлади у. — Кетдик бу ердан.

— Шошмай тур, — қўлини силтади Том, — эшитай.

— Оролни олиб бўлганмиз, аммо унда ҳали кўп японлар яшириниб ётарди, — давом этди Пайл. — Улар тунлари чиқарди-да, бизларни ўққа тутарди. Бу командиримизнинг асабига тегарди ва кунда уч маҳал оролни бу газандалардан тозалаш учун жанговар дозор гуруҳларини жўнатар эди. Бир куни мен шундай дозорда бўлганимда бир енгил яраланган япон солдатини кўриб қолдик. У ерда ўтирар, қўллари билан бошини ушлаб, нималарнидир вайсарди. Бизда зобит йўқ эди, капрал бор эди. “Менга қаранглар, йигитлар, — дедим мен, — уни ушлаб туринглар, мен бориб қиличини олиб келай ва биз уни бошлаб қатл қиламиз”. Капралнинг юраги дов бермади: уларни асир олиш буюрилганди-да. Бироқ ёнимда зобит йўқ эди, бу газандалар бўлса, мен сизларга айтсам, ҳар доим, йигитларимизни ўлдиришда бошларини узардилар. Хуллас, биз овозга қўйдик, кейин йигитлар японни боғлашди, мен эса ўзимнинг самурай қиличимни олиб келдим. Одатдагидай, биз японни чўк тушишга мажбур қилдик. Қилич меники бўлгани учун уни мен ишлатишимга тўғри келди. Мен кўтариб бир солдми — бас, калла ердан думалаб кетди — нақ кокос ёнғоғининг ўзи, кўзлари чиқиб кетган. Қон, манави ерда ўн футга сачради-ёв.

- Фирт ёлгон, – баланд овозда деди Клод.
- Нима? – кўзларини пирпиратди Пайл. – Нима дединг?
- Фирт ёлгон дедим, – такрорлади Клод. – Гаров ўйнайман, сен бу қилични Гоногумадаги қайсидир ёдгорлик дўконидан сотиб олгансан. Акам Эл сени биледи, у айтади сени, чумчуқ пир этса, юраги шир этади, деб.
- Менга қара, болакай, – жаҳли чиқди Пайлнинг, – тўғри, касалман, ammo тилингни тиймасанг ва бу ердан қорангни ўчирмасанг, шундай адабингни бераманки, отангни танимай қоласан.
- Бер-чи, кўрай, – жавоб берди Клод; кўзойнагини олди ва уни пиджагининг ички чўнтагига солди. Кўзойнаксиз у жудаям ожиз кўринарди.
- Чуқур нафас олиб Том ўрнидан турди ва орқаси билан Клодни тўсди.
- Кимки менинг дўстимга тегинадиган бўлса, у билан мен гаплашаман, – деди у истамайгина.
- Нима ҳам дердим, йўқ демайман, – жавоб берди Пайл қиличини ёнидаги болага узатаркан.
- Кўй, Пайл, у сени ўлдириб қўяди, – деди ундан қиличини олган бола.
- Пайл қуршаб турган болаларга иккиланганнамо кўз югуртириб чиқди. Уларнинг чехрасида ошқора ҳадик акс этиб турарди.
- Дарвоқе, бу ерда аллақандай чурвақалар билан мушглашиш учун Тинч океанидан уйга қайтиб келганим йўқ, – баланд овозда деди у. – Ол қилични бу ёққа, боришим керак.
- У кетди. Ундан кейин ҳожатхонани бутунлай Том билан Клод ихтиёрига тошпириб, бошқалар ҳам жимгина тарқалишди.
- Бу билан нимага эришмоқчийдинг? – жаҳл аралаш деди Том. – У ҳеч бир ёмонлик қилгани йўқ. Бунинг устига болалар уни уришингга йўл қўйишмасди.
- Мен шунчаки уларнинг башараси қанақа бўлишини кўрмоқчийдим, холос. – Клод терлаб кетган ва жилмаяр эди. – Ҳаммасини куч ҳал қилади! Сўқир куч.
- Сенинг мана шу сўқир кучинг охири менинг бошимга етмай қўймайди, – гудраниб деди Том. – Бўпти, гапир, нима демоқчийдинг?
- Мен опангни кўрдим, – деди Клод.
- Зўр янгилик! У менинг опамни кўрибди! Мен уни ҳар куни, гоҳо кунда икки марта кўраман-ку.
- У усти очиладиган “бюик”да ўтирарди, – давом этди Клод. – Хўш, сенинча рудда ким эди? Айтсам – ўласан!
- Ўлмайман, кўрқма. Айтавер.
- Мистер Теодор Бойлан аъло ҳазратлари! Улар Бойланнинг кўрғонига бурилиб кетунларича мотоциклда орқаларидан бордим. Биласанми, менинг опам бўлганида, гапнинг тагига етмай қўймасдим. Бу Бойлан дегани яхши одам эмас. Отам билан амаким ўзаро у тўғрида нималар дейишганини эшитсанг эди, мен билдирмай уларнинг гапларини эшитиб оламан. Менимча, опангга жуда ёмон бўлиши мумкин...
- Мотоциклинг шу ердами? – унинг гапини бўлди Том.
- Ҳа.
- Мотоцикл Клоднинг акаси, икки ҳафта олдин армияга кетган Элга қарашли эди. Жўнаш олдидан агар у йўғида мотоциклни минса, Клоднинг суяқларини мажақлайман, деб уқтирганди. Бироқ огоҳлантиришига қарамай ота-оналари бирон ёққа кетишлари ҳамон Клод мотоциклга иккинчи машинадан озгина мой олиб қуярди-да, полициячилар кўзига тушмасликка ҳаракат қилиб, шаҳар айланарди – унда ҳали ҳайдовчилик ҳуқуқи йўқ эди.
- Қани, кўрайлик-чи, нималар бўлаётми экан у ерда, – деди Том.
- Кўрғон дарвозасига етгач, болалар мотоциклни буталар орасига яшириб қўйишди ва шовқинни эшитиб қолишмаслиги учун у ёғига яёв кетишди. Бу жой уларга таниш эди: ҳар йили улар бир неча мартадан девор ошиб ўтишар ҳамда парранда ва куён овлар эдилар.
- Каттакон икки тавақали деразининг ергача тушган дарпардалари наридан-бери тортиб қўйилганди, улар ўртасидаги ёриқдан нур чиқиб турарди. Клод чўккалаб олди, Том эса оёқларини кертганча унинг устида туриб олди. Шу тариқа бу тор ёриқдан иккови ҳам ичкарида бўлаётган ҳамма нарсани кўриб турарди.

Ҳайҳотдай хонада ҳеч ким йўқ эди. Улар роялни, узун диванни, катта-катта юмшоқ ўриндиқларни, журналларга кўмилган столчани кўришди. Каминда олов ёнарди. Девор ёқалаб кўшлаб китоблар терилган китоб жавонлари саф тортган. Хонани бир нечта чироқ ёритиб турарди. Дераза қаршисидаги қия очиқ эшиқдан йўлак ва иккинчи қаватта олиб чиқувчи зинанинг қуйи пиллапоялари кўринарди.

— Мана буни ҳаёт деса бўлади, — шивирлади Клод. — Менинг шундай уйим бўлганида шаҳардаги биронта қизни кўлдан чиқармасдим.

— Оғзингни юм, — деди Том. — Кетдик. Кўриб турибман, бу ерда қиладиган ишимиз йўқ.

— Шошмасанг-чи, — эътироз билдирди Клод. — Энди келдик-ку. Улар юқорида бўлишса керак. Тун бўйи ўша ёқда қолиб кетишмас.

Том бу хонада бирон-бир одамнинг — ким бўлиши муҳим эмас — пайдо бўлишини истамаётганди. У бу ердан иложи борича тезроқ ва иложи борича узоқроққа қочиб қолишни афзал билди, аммо Клод уни юраксиз деб ўйлашидан кўрқди.

— Бирон қизикроқ нарса кўринса чақирарсан, — деразадан нари кетаркан, деди у.

Бойлан кўрғони қирдаги уй атрофида ястанган бўлиб, кўшлаб ҳайқирган кўҳна дарахтлар ўртасида эди; сал нарида теннис корти, эллик ярдча жойда — собиқ отхоналарнинг пастак уйчалари кўзга ташланарди. Шулар барчаси бир одамга қарашли эди. Том акаси билан бирга ётишига тўғри келадиган каравотни эслаб ижирғанди. Дарвоқе, Бойлан ҳам бутун ўз тўшагида ёлғиз эмасди. Томас тупурди.

— Ҳей, — ҳаяжонланиб чақирди уни Клод. — Бу ёққа кел тезроқ.

Том шошилмай дераза олдига келди.

— У ҳозиргина пастга тушди. Уни бир кўр. Йўқ, сен бир кўргин! — оғзидан сўлагини оқизиб деди Клод.

Том дарлардалар ўртасидаги ёриқдан кўз солди. Бойлан шишалар, қадахлар ва музли кумуш челақча билан деразага орқа қилиб турарди. У қип-яланғоч эди. Иккита стаканга биттадан муз чақмоғини наридан-бери ташлаб ва устидан виски қуйиб, унга сифондан содала сув кўшди. Кейин у камин олдига борди, унга тараша ташлади, дераза ёнидаги столча томон юриб келди, лакланган қутичани очди, ундан сигарета олди ва узунлиги камида бир фут келадиган кумуш чақмоқтошни чақиб, сигаретани тутатди. Унинг лабларида енгил табассум ўйнарди.

Чироқ ёруғида унинг тўзиган ялтироқ сочлари, йўғон бўйни, жўжадай бўртиқ кўкраги, қуришиқ кўллари ва бироз қийшиқ, туртиб чиққан оёқлари яққол кўриниб турарди. Томнинг вужудини ваҳшиёна ғазаб чулпади, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фахш гувоҳи бўлишга мажбур этиб хўрлашгандай туюлди. Милтиги бўлганда, ҳеч ўйлаб-негиб ўтирмай бу одамни отиб ташлаган бўларди.

— Гретхен, пастга тушсанми ё вискини олиб чиқайми тепага? — қичқирди Бойлан. Кимдир жавоб бердими, йўқми, болалар эштитишмади, аммо Бойлан бош ирғади, стаканларни олди, хонадан чиқди ва зинадан кўтарила бошлади.

— Қойил, — шивирлади Клод. — Жуссаси дистрофикнинг худди ўзи. Балки бой бўлсанг, худди Квазимододай букри, тасқара бўлсанг ҳам айбга кирмас, қизлар эса барибир сенга осилишади.

— Кетдик бу ердан, — бўғиқ деди Том.

— Нима деясан? — Ҳайрон бўлиб унга қаради Клод. — Томоша энди бошланаяпти-ку.

Том эгилди, Клодни сочидан тутди-да, бир тортиб оёққа турғазди.

— Кетдик дедим бу ердан, — хириллаб деди у. — Кўрганларинг ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмайсан. — У Клодга янада жипсроқ сурилиб келди-да, унинг кўзига қараганча ғазабли кўшиб қўйди: — Оғзингдан гуллайдиган бўлсанг, сени шундай ясайманки, бир умр эсингдан чиқмайди. Тушгундингми?

— Албатта, албатта, — шошиб маъқуллади Клод, — худди айтганингдай. Лекин нега бунча қизишиб кетдинг, шунга ақлим етмаяпти.

## II

Қўлларини боши ортига ташлаган ва шифтга тиқилганча Гретхен кенг юмшоқ тўшакда ётарди. Пастда соат ўнга занг урди. Ўн. Ҳозир госпиталдаги ярадорлар палаталар бўйлаб кезинадилар. Сўнгги вақтларда у госпиталга ҳафтасига икки-уч мартадан кўп бормаётганди.

Конвертни очиб, ундаги саккиз юз долларни олганида ҳам у барибир шу дабдабали тўшакка қайтиб келишини биларди. Агар Бойлан уни ерга уришдан лаззат олар экан, олаверсин. Бир кун келиб бунинг учун Гретхен у билан ҳисоб-китоб қилади.

Сешанба куни ишдан кейин Бойлан уни “бюик”да кутарди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай у эшикни очди ва улар Бойланникига кетишди. Тун яримлаганда Бойлан қизни қайта шаҳарга элтиб қўйди-да, унинг уйидан икки квартал берида тушириб қолдирди.

Тедди ҳаммасини қойилмақом қилиб бажарарди: у эҳтиёткор эди — сир тутиш унинг кўнглига хуш ёқарди; қиз учун бу зарур эди. Қизни ана у ёғидан хотиржам қилиш учун оқилона йўсинда Нью-Йоркдаги гинекологга спирал қўйдиргани олиб тушарди.

У ерда, Нью-Йоркда ваъда қилганидек, унга кўйлак олиб берди. Қизнинг кийим жавонида қизил кўйлак осиеглиқ турарди. Вақти-соати келганда у кўйлакни кийиши мумкин.

Тедди ҳаммасини қойилмақом қилиб адо этарди, аммо Гретхен унга нисбатан ҳеч қандай мойиллик ҳис этмасди, севги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўларди. Йигитнинг жуссаси озгин, кўримсиз эди: фақат башанг костюмларидагина у бир қадар жозибадор бўлиб кўринарди. Тедди Бойлан интилишсиз, сурбет, кўнгил айтганидан чиқмайдиган, омадсиз, ўзининг яроқсизлигини тан олган, дўстлари йўқ одам эди. Қудратли хонадон уни кўшлаб хоналари ҳаминша ёпиқ турадиган эски қалъага қамаб қўйганди. Суврати роял устида осиеглиқ аёл нима учун у билан ажрашиб, бошқасининг этагидан тутиб кетганини тушуниш қийин эмасди.

У тўшакдагина эркак эди. Айнан шу ердагина у жангларида зафар кучар ва олий чўққиларни забт этарди. Ўлдим-қўйдим деб чеккан оҳ-воҳлари ўрнини зафар бонглариининг садолари эгалларди. Гретхенни унинг на галабалари, на мағлубиятлари ҳаяжонга соларди. У ҳеч қандай ҳиссиётга берилмай, фақат соф жисмоний лаззат учунгина ўзини унга топширарди. Қиз учун у ҳеч ким эди — унга илгари бошидан кечирмаган нарсани очиб берган оддий бир эркак, шунчаки бир нар эди.

Бунинг учун қиз ундан миннатдор ҳам эмасди.

Саккиз юз доллар Шекспирнинг жилди ичида, “Бу сизга ёқармикан” пьесасининг иккинчи ва учинчи пардаси ўртасида ётарди.

Пастдан Бойланнинг овози келди:

— Гретхен, пастга тушасанми ё вискини олиб чиқайми тепага?

— Бу ёққа олиб кел, — қичқирди қиз.

Қўлларида иккита стаканни кўтарганча хонага Бойлан кириб келди. Гретхен ёстиқдан туриб ўтирди, у эса каравот четига, қизнинг шундоқ ёнига чўкди.

— Мен пастда бўлганимда нималар ҳақида ўйладинг? — сўради Бойлан.

— Гумроҳлик ҳақида, — жавоб берди қиз.

— Буни сал бошқачароқ қилиб айтсанг бўлмасмиди?

— Сен билан учрашгунимизча мен бундай гапирмасдим. — Гретхен аста-секин ва ҳузур қилиб стакандан хўшлади.

— Мен эса бундай деб айтмаган бўлардим, — эътироз билдирди Бойлан.

— Сен ғирт суллоҳсан. Агар мен бирон иш қилсам, буни ўз номимдан қилдим деб айтишдан кўрқмаслигим керак.

— Сен ҳали унчалик иш қилганинг йўқ. — Бойланга қизнинг гапи оғир ботганди.

— Мен камбагал, тажрибасиз, қишлоқи қизман, — деди Гретхен. — Агар ўша куни менга “бюик”даги яхши одам учраб қолганида ва мени маст бўлгунча ичирмаганида, эҳтимол, мен бир умр ёлчимай, қари қиз бўлиб ўтиб кетар эдимми?

— Ҳечам унақа эмас, — заҳархандалик билан деди йигит. — Мен бўлмаганимда сен ҳалиги икки негр билан кайф-сафо қилган бўлардинг.

Қиз мужмаллик билан жилмайди:

— Энди бунга бир нарса деб бўлмайди.

Бойлан унга ўйчан қараб турди-да, сўнг деди:

— У-бу нарсаларни ўрганиш палласи етиб келди энди. Кечирасан, телефон қилишим керак. — У турди ва елкасига халатни ташлаб, пастга тушди. Гретхен болишга ёнбошлаганча аста виски ҳўшларди. У бошлаб тузлади. Энди ҳар гал шундай бўлади.

Кўп ўтмай Бойлан қайтиб келди.

— Кийин.

Гретхен ҳайрон бўлди. Одатда улар ётоқда ярим тунгача қолар эдилар. Бироқ қиз ҳеч нима демади. Индамай каравотдан турди-да, кийинди.

— Бирон ёққа борамизми? — сўради у охири. — Қандай кийинишим керак?

— Аҳамияти йўқ, — бепарво деди у.

Костюмда Бойлан яна олий жамиятнинг олифга одамига айланганди.

Кўчага чиқиб машинага ўтиришди-да, Нью-Йоркка йўл олишди. Гретхен ортиқ савол бермади. Бойлан тўрт қаватли қора бино олдида машинани тўхтади, одатдагидек аввал ўзи тушди-да, айланиб ўтиб, қизга эшикни очди. Улар зинапоядан темир панжарали цемент саҳнга тушишди ва Тедди эшик кўнғироғини босди. Узоқ кутиб туришга тўғри келди. Гретхенга уларни кимдир кузатаётгандек туюлди. Ниҳоят, эшик очилди. Остонада оқ кечки кўйлак кийган, баланд пахмоқ сочларини бўяган йирик аёл турарди.

— Салом, азизим, — у чийилдоқ овозда Бойлан билан сўрашди.

Даҳлиз гира-шира эди ва бутун уйда шунақанги жимлик ҳукм сурардики, гўё барча полларга зилдай гиламлар тўшалган, деворлар эса овоз ютувчи мато билан қопланган. Қаердадир, шундоқ ёнларида одамлар овоз чиқармай ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилаётганга ўхшарди.

— Салом, Нелли, — жавоб берди Бойлан.

— Сени кўрмаганимга ҳам минг йил бўлди-ёв, — деди хотин уларни чокқина, қизил чироқ билан ёритилган меҳмонхонага бошлар экан.

— Мен банд эдим.

— Тушунарли, — маъноли бош ирғади Нелли, ҳаяжон қамраган Гретхенга синовчан назар ташлаб. — Нечага кирдинг, жонгинам?

— Бир юз саккизга, — Гретхен учун Бойлан жавоб қайтарди ва у хотин билан кулиб юборишди.

Гретхен жимгина, жиддий нигоҳ билан мато қопланган хонага кўз югуртирди. Деворларда мойбўёқда ишланган яланғоч аёлларнинг сувраглари осилиқ эди. У энди ўзини унга барибирдай қилиб кўрсатишга қатъий аҳд қилган эди. У кўрқиб кетмоқда эди, бироқ у ўзидаги бу ҳиссиётни босишга, сир бой бермасликка ҳаракат қилаётганди. Уни нима кутаяпти ва энди у нима қилади — қиз ҳеч нима билмасди. Бойлан қувноқ, очиқкўнгил кўринар ва ўзини уйдагидек ҳис этмоқда эди.

— Деярли ҳаммаси тайёр, азизим, — деди хотин. — Бир неча дақиқа сабр қилишга тўғри келади. Балки унгача бирон нима ичиб турарсизлар?

— Бир қадаҳдан шампан бўлса чакки бўлмасди, — рози бўлди Тедди.

Улар гилам пояндоз тўшалган зинадан юқорига, иккинчи қаватга кўтарилишди ва шойи палакли икки кишили каравот, тўқ қизил бахмал қопланган каттакон юмшоқ ўриндиқ ва учта кичик-кичик заррин стули бор хонага киришди. Столда катта бир даста лола товланиб турарди. Деразаларга зич қилиб парда тортилган. Улкан тошпойна бутун деворни энлаган. Хона бир вақтлар дабдабали, эндиликда бир оз эскирган, хиёл қадимги услубдаги отелнинг бўлмасини эста соларди.

— Ҳозир оқсоч шампан келтиради. — Хотин эшикни товушсиз, аммо зич қилиб ёпанча чиқиб кетди.

Гарчи хона иссиқ бўлса ҳам Гретхен пальтосини ечмади. Кейин борди-да, каравотнинг бир чеккасига кўнди. Бойлан оёғини оёғи устига ташлаб ўриндиқда жойлашиброқ ўтириб олди-да, чекди. У мамнун кўринар, қизга хиёл табассум билан қараб турарди.

– Бу ер фоҳишахона, агар билмаётган бўлсанг, – деди у бамайлихотир. – Сен шу пайтгача ҳеч борделда бўлганмисан?

Унинг атайлаб қитғига тегаётганини қиз тушуниб турарди ва ҳеч нима деб жавоб бермади. Ёмон гапириб юборади деб кўрқди.

– Ҳойнаҳой, бўлмагансан, – давом этди Бойлан. – Лекин ҳар бир хоним бундай жойда ҳеч бўлмаса бир марта бўлиши керак. Рақобат нимага олиб келишини билиш учун.

Эшик аста тақиллади. Хонага калта қора кўйлакли ва оқ пешбандли, ўрта ёшлардаги заифгина оқсоч кириб келди. Кўлида иккита қадаҳ ва ичидан шампан шишаси чиқиб турган челақча бўлган кумуш барканини ушлаб турарди. У индамай барканини дола ёнига, столга қўйди. Юзида ҳеч қандай ифода йўқ эди. Унинг вазифаси бир кўриниш, аммо суҳбатга аралашмаслик эди.

Гретхен унинг оёғига кигиз шишақ кийиб олганини кўрди. Оқсоч унсиз хонадан ғойиб бўлди.

Гретхенга шампанли қадаҳни узататуриб, Бойлан деди:

– Ҳамма борделлар мана шунга ўхшаган экан деб ўйлама, қароғим, бўлмаса ҳафсаланг пир бўлиши мумкин. Айтмоқчи, агар кўнглингда фоҳишахонага келиш истаги пайдо бўлиб қолса, мендан маслаҳат сўра: мен сента керакли манзилни берман. Бўлмаса сен даҳшатли жойга тушиб қолишинг мумкин, биз бундай бўлишини хоҳламаймиз-ку, тўғрими? Сента шампан ёқдимми?

– Бўлади, – жавоб берди Гретхен, ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

Бирдан ҳеч бир огоҳлантиришсиз ойнаванд девор ёришиб кетди – кўшни хонада қандилни ёқишанди. Тошойна шаффофланди ва Бойлан билан Гретхен унинг нариги томонида қулф урган ялтироқ сочли, баланд бўйли ёш аёлнинг энгил қизил ич кўйлагини ечиб ташлаб, ҳайратомуз чиройли гавдасини очиб ташлаганини кўришди. Аёл бир марта ҳам булар томонга қарамди, аммо яширин ойна борлигини, уни кузатиб туришганини, шубҳасиз, билар эди. Кенг каравотдаги чойшабни қайириб, аёл назокат билан унга ётди.

Кейин эшик очилди ва тошойна ортидаги хонага ёш негр йигити кирди.

Оббо ярамас, тўйган, қасоскор разил, ўйлади Гретхен Бойлан ҳақида, аммо жойидан қимирламади.

– Нелли Гарлемнинг тунги клублари билан зўр алоқа қилади, – тушунтирди Тедди. – Бу қоратан, афтидан, биронта оркестрда куй чалса керак, оқларнинг кўнглини олиб, унча-мунча ортиқча доллар ишласа ҳам, ажаб эмас.

Негр ечина бошлади. Гретхен кўзларини юмди. Кўзини очганда негр қип-яланғоч эди. Мушакдор, келишган чўян бадани, барваста елкалари ва ингичка бели электр чироқлари нурида ялт-юлт қиларди. Гретхен уни ўзича ёнидаги одамга таққослади ва ғазабдан қони қайнаб кетаётганини ҳис қилди. Негр хонани кесиб ўтди-да, каравотда ётган аёлга яқинлашди.

Гретхен уларга сеҳрлангандай қараб турарди. Уларнинг иккаласи ҳам ҳаддан ташқари гўзал эди. Бироқ икки ажойиб жисм Бойланга ўхшаган одамнинг ҳузури, хоҳиши ёки қасоси учун худди отхонадаги отлардай бир соатга сотиб олиш ёки насияга олиш мумкинлиги нақадар адолатсизлик!

У ўрнидан турди ва экранга орқа ўтирди.

– Мен сени машинада кутаман.

– Бу ҳали бошланиши, қароғим, – эътироз билдирди Бойлан. – Қара, ҳозир нима қилаяпти у. Сирасини айтганда, мен бунини сен учун кўрсатаяман, тажрибанг ошсин деб. Сен катта муваффақиятларга эришсан, агар...

– Мен сени машинада кутаман, – такрорлади Гретхен ва чопиб хонадан чиқиб кетди.

Бойлан ўн беш дақиқалардан сўнг чиқди, шошмай машинага ўтирди ва моторни юргизди.

– Бекор қилдинг. Улар ўзларининг юз долларларини ҳалол ишлашди.

Бутун йўл бўйи уйгача улар жим кетишди ва булочка дўконини олдида машинани тўхтатгачина Бойлан жимликни бузди:

– Қалай? Бутунги оқшомдан сен ул-бул нарса ўрганиб олдандирсан?

– Ҳа, – жавоб берди Гретхен. – Мен ёшроқ хуштор топиб олишим керак. Хайр.

Ота-оналари ётоғининг эшиги очиқ бўлиб, у ердаги чироқ ёниқ эди. Онаси хона ўртасидаги ёғоч стулда йўлакка кўз тикканча қимир этмай ўтирарди.



Гретхен тўхтади ва онасига қараб қўйди. Телбаларча боқувчи, ҳеч нарсани кўрмовчи кўзлар. Аммо нима ҳам қила олардинг. Она билан қиз бир-бирига тик қаради.

— Бор, ёт, — деди онаси. — Соат тўққизда ишингга кўнғироқ қилиб, касал бўлиб қолди, дейман.

Ўз хонасига кираркан, Гретхен эшикни ёпди ва Шекспир жилдлигини олди. Конвертга бежирим қилиб солиб қўйилган пуллар негадир “Макбет” пьесасининг бешинчи пардаси саҳифалари орасида ётарди.

## 5-боб

### I

Бойланнинг уйи қоп-қора қоядай қад кўтариб турарди, аммо пастда, қир этагида Порт-Филип чироқларга чулганган, осмонга мушаклар физиллаб отиларди — бугун эрталаб немислар таслим бўлганди.

Томас ва Клод аллақачон қувнаётган оломонга тўлган шаҳар бўйлаб айланиб чиқишди, улар кўчаларда қизларнинг солдат ва матросларни ўпишаётганларини ва одамлар уйларидан виски шишаларини олиб чиқиб, катта йўлнинг ўзида сипқораётганларини кўришди. Томаснинг тобора нафрати ортиб бормоқда эди: тўрт йил давомида армияга боришга тутқич бермай юрган эркаклар, ҳарбий либос кийган, аммо шунда ҳам уйларидан юз милча нарига бормаган клерклар, уруш вақтида чайқов бозорида чўнтакларини қашпайтириб олган савдогарлар, барчалари ўпишар, қийқиришар ва гўё Гитлерни ўз қўллари билан ўлдиргандек, қувонч билан виски сипқоришар эди.

— Ҳайвонлар, — деди у Клодга, халойиққа қараб. — Эҳ, уларга кўрсатиб кўяр эдим-а!...

— Тўғри, — маъқуллади Клод. — Биз бу воқеани ўзимизча байрам қилишимиз керак, кичикроқ мушакбозлик қилишимиз керак. — У кўзойнагини олди-да, ўйчан ҳолда кўзойнак камончасини тишлади — бу янги бир ишқалли шумликни ўйлаб қўйганидан далолат эди. Томас ўз шеригини яхши биларди, аммо бугун таваккал қилишга майли йўқ эди. Бундай тунда солдатлар билан муштлашиш аҳмоқлик бўлар эди, ҳарбийлар билан ҳам муштлашишнинг мавриди эмасди.

Ниҳоят, Клод ўз режасини баён қилди. Томас ҳам ёмон ўйламабсан дея уни маъқуллади.

Мана, ҳозир улар Бойлан кўрғони бўйлаб одимлаб боришарди. Том бензинли жез банкани, Клод эса михли халта, болғача ва бир кучоқ шох-шаббани кўтариб олганди. Улар тепаликнинг энг чўққисида жойлашган яримвайрона иссиқхонага боришди. Чанг босган, илма-тешик бўлиб кетган пиша деворлардан чирик ҳиди анқирди. Ёнгиналарида узун-узун қуруқ тахталар ва занглаган бел ётарди — болалар буларни анча олдин, ўз чиқишларининг бирида кўз тагига олиб қўйган эдилар. Томас белни олди-да, ерни кавлай бошлади, Клод эса иккита катта тахтани танлаб олди-да, ундан хоч ясаб, бензин қўйиб чиқди. Кейин улар иккаласи хочнинг бир учини кавланган чуқурга тушириб тиклади. Том чуқурни тўлдирди ва хоч йиқилмасин деб тупроқни обдон текислаб зичлади. Клод шохларни қолган бензин билан намлади ва уларни хочнинг тагидан уйиб қўйди.

Том хотиржам, шошмай ҳаракат қиларди. Унга умуман, барибир, маъноли иш содир этаётганларидек туюлмаётганди. Шунчаки яна бир карра ҳозир анави ерда, пастда яйраётган катта ёшдаги муттаҳамлар устидан кулиб олишди, холос. Ҳа, албатта, бу ўйинни у Бойлан ерида олиб бораётгани зўр — билиб қўйсин, сурбет! Аммо Клод ҳаяжонининг чеки йўқ эди. Худди ҳаво етишмаётгандек у узун-узун нафас олар, пишилар ва тупук сачратар, дам-бадам терлаган кўзойнагини артар эди. Унинг учун бу шумлик гоятда чуқур рамзий маънога тўлиқ эди — у роҳиб амакига ва ҳар якшанбада уни черковга боришга мажбур қиладиган, бандаларнинг гуноҳлари ҳақида ваъз ўқийдиган ва Исо Масиҳ нигоҳида пок бўлиб қолиш ниятида йўлдан озган протестант аёлларидан узоқроқ юришни маслаҳат берадиган отасига тупурди!

– Тайёр, – аста деди Томас, бир томонга чекинаркан.

Қалтироқ қўли билан Клод тутурт чақди ва уни бензин осилган шохларга олиб борди. Шохлар лов этиб ёнди. Кейин бирданига қулоқни тешгудай қичқирганча Клод орқасига қарамай қочиб қолди. Унинг бир қўлида олов лопилларди ва у тўғри келган томонга чошиб борарди. Томас тўхта, тўхта деб қичқирганча унинг ортидан учди, бироқ Клод телбалардай чопишда давом этарди. Ниҳоят, Томас уни қувиб етди, тугди, ерга итариб юборди ва свитерини ҳам аямай ўтни ўчириш учун бугун гавдаси билан унинг қўли устига ағдарилди.

Бир дақиқадан кейин ҳаммаси тутаган эди. Клод чалқа тушиб ётар ва қуйган қўлини ушлаганча аянчли вой-войларди, бир нарса дейишга ҳоли йўқ эди, унинг.

Томас ўрнидан турди ва ерда чўзилиб ётган дўстига қаради. Нима қилиб бўлса ҳам тепаликдан тезроқ гумдон бўлиш зарур эди: ҳар дақиқада бу ерга одамлар югуриб келишади.

– Тур, маҳмадона, – деди у, бироқ оғриқдан кўзлари тўхтаб қолган Клод нукул у ёнидан бу ёнига ағдариларди, холос. Том эгилди, уни елкасига опичлади-да, йўлдаги бугаларни янчиб-топтаганча, нишаблиқдан пастга, боғ этагига томон интилди.

– О, худойим, тангри Исо! Биби Марям! – калима ўтирарди Клод.

Дўстининг зилдай гавдасини қўтарганча, Томас туртина-суртина чошиб борарди. Орқасидан нохуш, оғир ҳид димоғига урарди. Қуйган гўшт ҳиди-ку, ўйлади у.

## II

Аксель Жордах оқимни енганча дарё ўртаси томон эшкак эшарди. Бугун у машқ қилиш ниятида эмас, балки одамларни кўрмаслик учун қайиқда чиққанди. Бу тунда у ўзига дам олиш кuni уюштиришга аҳд қилганди – йигирма тўртинчи йилдан бери биринчи дам олиш кuni. Харидорлари эртага фабрикада пиширилган нон ейишга қолишсин. Нима десангиз деяверинг-у, немис армияси ҳар кuni мағлуб бўлмоқда – бундай воқеа сўнгги марта роса йигирма етти йил муқаддам бўлганди.

Дарёда ҳаво салқин эди, бироқ Аксель елкан матроси бўлиб хизмат қилган вақтлардан сақланиб қолган эски қалин кўк свитериди ўзини иссиқ ҳис этмоқда эди. Бундан ташқари, у исингани ва шу билан бир вақтда Германияни яна вайронага айлантирган шайтонваччалар соғлиғи учун сипқоргани бир шиша вискини ҳам олиб олганди. Жордах бирон-бир мамлакат фидойиси бўлган эмас, киндик қони тўкилган ҳалиги ерни эса ўлгудай ёмон кўрарди: уни бир умр чўлоқ қилган, таълим олишдан маҳрум этган, мусофир юртларига ҳайдаган ва унда ҳар қандай сиёсатга, барча сиёсатчиларга, генералларга, руҳонийларга, министрларга, президентларга, қироллар ва мустабид ҳукмдорларга, ҳар қандай ғалабаю мағлубиятларга, ҳар қанақанги низолару ҳар қанақанги партияларга нисбатан қаттиқ нафрат уйғотган шу мамлакат эмасми? Германия урушда ютқизганидан у мамнун эди, аммо урушда Америка ютиб чиққанидан муғлақо хурсанд эмасди.

Аксель худодан кўрқадиган оила мустабиди, майда завод хизматчиси, милтиқ милига бир тутам гул тиқиб қўшиқ айтганча “олға бос!” дея тўп еми бўлиш, Танненбергга ўлиб кетиш учун фронтга йўл олган қўйдаи ювош отаси ҳақида ўйлади. Ундан булар ҳам кўп ўтмай “фатерленд” учун жангта отланадиган икки ўғил ва хотин қолганди! У шулар барчасини кўра-била туриб, фахр билан адо этганди. Дарвоқе, хотини бир йилдан камроқ бева қолганди. У Берлинда уруш вақтида Александр-плацдаги даромадли, уйлар бошқарувчиси бўлиб ишлаган қандайдир адвокатга турмушга чиқишни афзал билганди.

Жордах шишани оғзига олиб борди ва Германияга бўлган ўша улкан нафратини вискига қўшиб ютиб юборди. Бу нафрат ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ёш йигитни, армиядан қайтариб юборилган ногиронни ватанини тарк этиб, океан ортига бош олиб кетишга мажбур қилганди. Америка ҳам жаннат эмас, лекин бу ерда ҳеч бўлмаганда у ва ўғиллари омон қолишди ва уларнинг оилалари ҳозирча тўзигани йўқ.

Кичик тўпнинг узук-юлуқ гумбурлари унинг қулоғига чалинди. Сувда ракеталар ёғдуси акс этди. Аҳмоқлар, ўйлади Жордах, нимага қувонишади? Улар ҳали ҳеч қачон ҳозиргидек яхши яшашган эмас. Беш йилдан кейин улар муолижаларда олма сотишга ва фабрикалар олдида ишсизлар сафида турганча бир-бирларининг гўшглари бурда-бурда қилишларига тўғри келади. Агар уларнинг озгина фаросатлари бўлса, улар ҳозир черковга боришарди-да, японлар яна ўн йилча туриб беришларини талаб, худога тавалло қилган бўлишарди.

Тўсатдан баланд тепаликда олов яллиғланди ва кўз очиб юмгунча хоч шаклини олди. Жордах хоҳолаб қулиб юборди. Ҳеч нарса ўзгармайди! Галабаси бошидан қолсин! Бугунча ўйнаб қол, эртага эса — ҳамманг кўм-кўк оловда ён! Америка Америкадир. Бизлар ҳақиқий аҳвол ҳақида сизга эслатиб туриш учун шу ердамыз.

У шаҳар узра ёнаётган хочга қараганча, ҳузур қилиб яна вискидан ҳўшлади.

Бу ишни қилган одамнинг қўлини қувонч билан қистан бўлар эдим, ўйлади у.

### III

Мактаб олдидаги ўтлоқзорда юзлаб ўғил ва қиз болалар юришарди. Улар қичқиришар, қўшиқ айтишар, ўпишар эдилар. Рудольф лабини трубага қўйди-да, “Америка”ни чала кетди. Ҳамма бир лаҳза жимиб қолди, сўнг жўрликда қўшиқ айта бошлашди. Бир жойда туришга сабри чидамай Рудольф ўтлоқзорни айланиб одимлаб кетди. Болалар унга эргашишди. Кўп ўтмай унинг ортидан бутун бир намоишчилар тўдаси юриб борарди. Улар кўчага чиқишди. Труба чалишда давом этганча Рудольф уларни Вандерхофстрига бошлаб кетди ва булочка дўкони олдида тўхтади. Онаси шарафига у “Ирланд қизининг кўзлари кулганда” куйини чала бошлади. Онаси ётоғи деразасидан мўралади ва рўмолча билан кўз ёшларини артиб, унга қўлини силкитиб қўйди. Ҳеч бўлмаса сочини тараб олса бўларди, алам билан ўйлади Рудольф. Албатта, онаси ҳар доимгидай сигарета чекарди! Тағхонадаги чироқ ўчиқ эди — демак, отаси у ерда йўқ. Дарвоқе, бу қайтанга яхши бўлди: у отасибоп куйни танлаёлмасди — тўғри-да, бутунгидай кунда немис армияси фахрийсига нимани чалиб берарди?

Онаси шарафига аталган куйни тугатгач, Рудольф оломонни шаҳар марказига олиб кетди ва мисс Лено турадиган кўчага қандай келиб қолишганини ўзи ҳам сезмай қолди. У тўхтади ва “Марсельеза”ни чала бошлади, бироқ мисс Лено кўринмади. Қўшни уйдан малла дуррачали қандайдир қиз югуриб чиқди-да, Рудольф билан ёнма-ён туриб, индамай тинглай бошлади.

Рудольф таваккалига, оҳанглиарни ўзгартириб, ўзидан қўшиб иккинчи марта чалди. Труба гоҳ ғамбода баланд жаранглиар, гоҳ майин пасайиб қоларди. Охири дераза очилди ва ичкаридан уй халатидаги мисс Лено мўралади. У пахтага, кўчага қаради. Рудольф унинг чеҳрасидаги ўзгаришни илғаёлмади. Ўзининг яхшироқ кўзга ташланиши учун у фонар яқинига юриб борди ва трубани тўғри мисс Ленога мўлжаллаб баланд ва янграгиб чала кетди. Муаллима уни танимаслиги мумкин эмасди. Бир неча сония жим эшитиб турди, сўнг тарақлагиб деразани ёпди ва чийпардани тушириб қўйди.

Француз фоҳишаси, ўйлади Рудольф ва кулгили бир тарзда трубани чийиллатиб, “Марсельеза”ни тугатди. У трубани лабидан олганда ёнида турган қиз уни кучоқлаб олди ва ўпди. Атрофда “Ура!” янгради. Рудольф жилмайди. Упич ажойиб эди! Айтмоқчи, бу қиз қаерда яшашини у ҳозир биларди. У яна трубага лабларини босди ва ёшлар мусиқа оҳангига рақс тушганча йўлда давом этишди.

### IV

У навбатдаги сигаретани тугатди. Ҳувиллаган уйда бир ўзим, ўйлади у ва кўчадан келаётган қувноқ қийқириқлар, мусиқа ва мушак гумбурларини эшитмаслик учун барча деразаларни зич ёшиб чиқди.

У байрам қиладиган ҳеч нарса йўқ. Эрлар — хотинларига, болалар — ота-

оналарига, дўстлар — дўстларига кулиб боқадиган, ҳатто етти ёт бегона одамлар ҳам кўчаларда бир-бирини кучоқлаган бутунги кунда унга ҳеч ким кулиб қарамади, уни ҳеч ким кучмади.

У қизининг хонасига кўтарилди ва чироқни ёқди. Бу ердаги ҳамма нарса топ-тоза эди, каравотга сип-силлиқ қилиб дазмолланган чойшаб тўшалган, мис стол лампаси ялтиратиб тозаланган, оч қизил тусдаги пардоз столчасида ҳусни очиш воситалари — жажжи-жажжи банкачалар ва идишчалар дид билан териб қўйилган. Фоҳишача саришталик, алам билан ўйлади Мэри Жордах.

У қизил ёғочдан ишланган ихчам китоб жавони олди борди ва Шекспирнинг қалин жилдлигини олди. Пулли конверт Мэри қўйган ўша “Макбэт” саҳифалари орасида ётарди; онаси ҳаммасидан бохабарлигини билса ҳам, қизи пулларни бошқа жойга яширишга фурсат топмади. Токчадан қўлига илинган дастлабки китоб — инглиз шеърятти анталогиясини олиб, Мэри пулли конвертни ўшанинг ичига яшириб қўйди. Бир нима қилишини билмай қолсин.

Мэри ошхонага ўтди. Чанокда унинг ёлғиз кечки овқатидан қолган ювиқсиз идиш ётарди. У духовка газини очди, сўнг стулни плитага яқин қўйди, ўтирди, эгилди ва бошини духовкага суқди. Газнинг ҳиди ёқимсиз эди.

Бир неча дақиқа ўтди. Унинг боши айланди. У духовкадан четланди ва кўзини юмди. Қаёққа ҳам шошарди?

Меҳмонхона уйга қирди. Камбар хона газ ҳидига тўла эди. Ўртада унниққан жигарранг гиламда ёнига тўртта ёғоч стул тартиб билан териб қўйилган чорси эман стол турарди. У столга ўтирди, ҳамёнидан қалам чиқарди ва дўкондаги савдо ҳисоб-китобини юритадиган ўқувчилар дафтаридадан бир неча варақ йиртиб олиб, ёзишга тутинди.

“Азизим Гретхен! — деб ёзди у. — Мен ўзимни ўлдиришга қарор қилдим. Биламан — бу катта гуноҳ, аммо ортиқ яшай олмайман. Бу хатни бир гуноҳкор аёл бошқа аёлга ёзаяпти. Гушунтиришга ҳожат бўлмаса керак деб ўйлайман. Нима ҳақида гапираётганимни биласан.

Оиламизда тавқи лаънат бор — менда, сенда, отангда ва уканг Томда. Фақат Рудольфгина бундан қутулиб қолгандир. Балки бу унда кейинроқ билинар, бироқ, худога шукрки, мен ўша кунгача яшайман. Шу пайтгача мен ўзимнинг никоҳсиз туғилганимни сендан сир тутиб келардим. Мен ҳеч қачон на ўз отамни, на ўз онамни кўрганман. Онам қандай ҳаёт кечирган бўлиши кераклигини ва унинг қанчалик тубанликка юз тутганини ўйласам, даҳшатта тушаман.

Борди-ю, сен онамнинг изидан борсанг ва зовурда жонингга қасд қилсанг, ажабланмаган бўлардим. Сенинг отанг — ҳайвон. Сен кўшни хонада ухлайсан ва шу боис нимани назарда тутаётганимни тушунасан. У — йиртқич. У мени ўлдириб қўяди деб ўйлаган вақтларим кўп бўлган. Бир куни булочка дўконида саккиз доллар қарз бўлиб қолган одамни ўласи қилиб дўшпослаганини ўз кўзим билан кўрганман. Уканг Томас отангдан бир туки ўзгасам. Қачондир у қамоққа тушиб қолса ёки бундан баттарроқ аҳволга дуч келиб қолса, сен асло таажжубланма. Мен йўлбарслар солинган қафасда яшайман.

Эҳтимол, мен ҳам айбдордирман, лекин ҳаддан ташқари заифлик қилдим, отангга мени черковдан қайтариб олишига ва болаларимни даҳрий қилишига йўл қўйиб бердим. Мен қаттиқ чарчар эдим ва сени севишга ва отанг ҳамда унинг таъсиридан ҳимоя қилишга кучим етмай қоларди. Сен шунақанги покиза, саришга эдинг ва ўзингни шунақанги яхши тутардингки, бу менинг ҳадикларимни ҳаспўшлаб турарди. Натижада эса сен мендан яхшироқ биладиган ҳол содир бўлди. Сенинг томирларингда нопок қон оқди ва сен табиатан гуноҳкорсан. Хонангда тозалик ва тартиб ҳукмрон, аммо юрагинг отхонадек ифлос. Отанг сенга ўхшаган аёлга ўйланиши керак эди, чунки сен билан отанг бир олманинг икки палласидек ўхшашсанлар. Менинг охириг истагим: хулқинг билан Рудольфни бузмасингдан олдин уйдан чиқиб кет. Борди-ю, бу машъум оиладан лоақал биргина тузук одам чиқса, эҳтимол, тангри қолганларнинг гуноҳини кечирар”.

Кўчадаги мусиқа ва шодон қийқириқлар тобора авжга минмоқда эди. Сўнг Мэри труба овозини эшитди ва уларни таниди. Дераза тагида Рудольф труба чаларди. Мэри столдан турди, дераза олди борди ва уни очди. Ҳа, бу у эди,

унинг ўғли, унинг ортидан эса, афтидан, минглаб йигит-қизлар келарди. Ўғли унинг учун “Ирланд аёлининг кўзлари кулганда” куйини чаларди.

У қўлини силкиди, юзларидан қайноқ томчилар думалаётганини сезиб турарди. Унга жавобан қўлини силкитиб, Рудольф куйини охиригача чалди ва ўз шерикларини бошлаб йўлида давом этди.

Инграганча Мэри яна стулга чўкди. У менинг ҳаётимни сақлаб қолди, деб ўйлади у, азамат ўғлоним ҳаётимни сақлаб қолди!

Мэри хатни майдалаб йиртди, ошхонага ўтди ва қоғоз бўлақларини кастрюлга тахлаб, уларни ёқиб юборди.

## V

Радиодан Германиянинг енгилгани ҳақида хабар беришлари ҳамон барча юра оладиган ярадорлар рухсатни ҳам кутиб ўтирмай, либосларини кийдиларда, госпиталдан чиқиб кетишди. Бироқ кўп ўтмай кўнлари шишалар билан қайтиб келишди ва умумий хона ҳозир бамисоли қовоқхонага айланганди. Чайқалганча улар қўлтиқтаёқларда йўлақларда кезинар ёки ногирон аравачаларида юришар ва баралла қўшиқ айтар эдилар. Кечки овқатдан кейин байрам масглар безориликлари билан алмашди: улар таёқ билан деразаларни урар, девордаги плакатларни юлар, китобу журналларни йиртар эдилар.

Ҳамширалардан бири эшик олдига келди ва бошини ирғаб Гретхенни чақирди.

— Сен бу ердан кетсанг яхши бўларди, — маслаҳат солди у паст ҳаяжонли овозда. — Ҳализамон улар бутунлай қутуриб кетишади.

Умумий хонадан ойнанинг жангирлаб синган овози эшитилди. Қайсидир солдат деразага бўш шишани улоқтирган эди. Кейин темир ахлат саватни тутиб, уни иккинчи деразадан улоқтирди.

— Яхшиямки, уларда қурол йўқ, — деди ҳамшира. — Уйга бор, эртага эрталаб келасан-да, бу ерни йиғиштиришда ёрдам берасан.

Кетишдан олдин Гретхен оғир ярадорлар палатасига кирди. Хира ёритилган хона жимжит эди. Кўнлаб ўринлар бўшаб ётарди. Қиз Толбет Хьюз ётган энг охириги қатордаги ўринга борди. Каравот ёнида глокозали томизгич турарди. Унинг озиб-тўзган башарасида қатта-қатта очилган кўзлари бежо ёнарди. У қизни таниди ва жилмайди. Гретхен ҳам жилмайди ва каравот четига ўтирди. Сўнги кунларда у сезиларли озганди. Врач Гретхенга йигит икки ҳафтадан ошмайди деган эди.

— Сенга китоб ўқиб берайми? — сўради қиз.

Толбет “йўқ” дегандай бошини чайқади ва унинг қўлидан тутди. Унинг кафти қуш панжасидай нозик эди. Бемор яна жилмайди ва кўзини юмди. Токи у уйқуга кетгунча Гретхен қимирламай ўтирди. Сўнг секин палатадан чиқиб кетди.

Биров уриб абжағини чиқариб ташлагандай қиз ҳорғин ҳолда автобус бекатига йўл олди. У фонар тагида турганча, соатига қараб-қараб кўяр, кутар эди. Балки, автобусларнинг ҳайдовчилари ҳам ҳозир ғалабани байрам қилишаётгандир? Сал наридаги дарахт соясида кимнингдир машинаси кўзга ташланарди. Бирдан машина жойидан жилди-да, бекат томон кела бошлади. Гретхен Бойланнинг “бюик”ини таниди. Миясида ташвишли фикр йилт этди: госпиталга қайтиб кириб кетсинми?

— Сизни олиб бориб қўйсам бўладими, хоним? — Бойлан эшикни очди.

— Йўқ, раҳмат.

Нью-Йоркка борган ўша кечадан бери қарийб улар бутун бир ой кўришишгани йўқ эди. Бу вақт ичида қиз ундан учрашувга таклиф қилиб ёзилган иккита хат олганди, аммо биттасига ҳам жавоб ёзмаганди.

Қиз тез машинадан узоқлаша бошлади. Бойлан машинадан тушди-да, уни қувиб етди.

— Кетдик, меникига, — кўрслик билан деди у қизнинг қўлидан тутиб. — Ҳозироқ.

— Қўйиб юбор. — Гретхен силтаб қўлини тортиб олди.

— Яхши, бўлмаса сенга дилимдаги гапни айтай. Мен сенга уйланмоқчиман.

Гретхен қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Нега кулганини унинг ўзи ҳам билмасди. Балки, кугилмаган гапдандир.

– Жиддий айтапман, мен сенга уйланмоқчиман, – тақрорлади Бойлан.

– Биласанми, сен яхшиси, Ямайкандан қолма, мен эса сенга хат ёзиб тураман. Манзилнингноти котибамда қолдирарсан. Кечирасан, автобусим келди.

Автобус эшиги очилиши ҳамон қиз сакраб унга чиқиб олди. Уни қалтироқ босди. Агар автобус келиб қолганида, у Бойланга “ҳа” деган ва унга турмуша чиққан бўларди.

## VI

Клод бақувват қўли билан Томни ушлаганча орқада ўтирарди, Том эса тор қишлоқ йўлидан мотоциклни учуриб борарди. Тўғри, Клоднинг қанчалик куйганини Том аниқ билолмасди, аммо зудлик билан қандайдир чоралар кўриш зарурлигини биларди. Тўғри, уни касалхонага олиб бориб бўлмасди; дарров бу қандай содир бўлди деб суриштиришга тушиб кетишади ва унинг куйган қўли билан Бойлан қўрғонида ёнаётган хоч ўртасидаги алоқани аниқлаш учун Шерлок Холмс бўлиш шарт эмасди.

– Менга қара, – деди Том тормоз бериб, – сизларникида уй врач борми?

– Ҳа, – деди Клод. – Амаким.

– Қаерда туради?

Клод базўр эшиттириб манзилни бидирлаб айтди. Азбаройи кўрқиб кетганидан қийинчилик билан гапирарди. Асосий йўлдан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилганча Том шаҳар четидаги катта уйга яқинлашди. Дарвозада лавҳача осиелиқ эди: “Доктор Роберт Тинкер”. Том мотоциклни тўхтади-да, Клоднинг тушишига ёрдамлашди.

– Гап бундай, сен у ерга бир ўзинг борасан. Тушундингми? Амакингга хоҳлаган гапингни гапираверишинг мумкин, аммо мен ҳақимда чурқ этмайсан, билдингми? Агар эрталаб отанг сени Порт-Филипдан узоқроққа жўнатса, нур устига нур, чунки эртага шаҳарда шунақанги нарсалар содир бўладики!.. Қўлинг боғланганига битта-яримтанинг кўзи тушиб қолса борми, ўн сониядан кейин сендан ҳўл жойгина қолади.

Жавоб ўрнига Клод войвойлади-да, Томнинг елкасига ағдарилди. Том уни итариб юборди.

– Ўзингни тут, мардона бўл, – деди у. – Ҳозир эса бор, амакингдан бошқасининг кўзига тушмасликка ҳаракат қил. Агар мени сотганингни билиб қолсам, ўлдираман.

– Том! – пиқиллаб йиғлади Клод.

– Гапимни эшитдинг. Мен сени ўлдираман, ҳазилни ёмон кўришимни ўзинг яхши биласан. – У Клодни уй томон туртиб қўйди.

Туртина-суртина Клод ҳовлига кирди ва айвонга кўтарилди. Унинг киришини кутиб ўтирмай Том мотоциклга ўтирди-да, жўнаб кетди. Шаҳар узра хоч ҳамон гуриллаб ёнарди.

Том дарёга тушди ва кўнглини беҳузур қилувчи куйган жун ҳиди анқиётган свитерини ечди. У бир тош топди, уни свитерга ўради ва тутунни сувга улоқтирди. Свитер билан ажрашганига роса ичи ачиди – у Томга омадлар келтирарди. Бироқ шундай ҳоллар учрайдики, ҳозиргига ўхшаб яхши кўрган буюмингдан ажралганингдан хурсанд бўласан.

## 6-боб

### I

Немис таоми, ўйлади Мэри Жордах, Акселнинг ошхонадан қовурилган гоз, қизил карам ва узма ошни олиб чиқаётганига қараганича. Муҳожир!

У эрини бундай кайфиятда қачон кўрганини эслаёлмайди. Учинчи рейхнинг кулаши уни кувноқ ва сахий қилиб юборганди. У газеталарга еб қўйгудек кўз югуртирар ва Реймсда таслим бўлиш ҳақидаги чиройли хатларга қўл қўяётган

немис генералларининг фоторасмлари устидан кулиб пишқириб юборарди. Бугун якшанба ва Рудольфнинг туғилган куни эди — у ўн еттига тўлганди. Жордах бу воқеани байрам қиламиз деб эълон қилди. Оилада ҳеч кимнинг туғилган куни нишонланмасди. У Рудольфга ажойиб спиннинг совға қилди. Худо билсин, бу нарса қанча туради! Гретхенга ҳам бундан кейин маошининг илгаригидек чорагини эмас, ярмини ўзига қолдиришга рухсат берди. Ҳатто Томасга ҳам унинг эътироф этишича, йўқотиб қўйган эски свитери ўрнига янги свитер олгани пул берди. Агар Германия ҳар ҳафтада енгилиб турса, Аксель Жордах оиласидаги ҳаёт чиласа бўладиган кепатага келиб қолиши мумкин.

Мана, барчалари стол атрофига тўпланишган. Тантана гуноҳқори Рудольф хижолатда гавдасини тўғри тутиб ўтирар, эгнига бўйинбоғли оқ кўйлак кийиб олганди. Узун енгли оқ инглиз тўр блузкадаги Гретхен бокиралик тажассуми бўлиб кўринарди. Гумроҳ қиз! Томас одатдаги риёкорона табассуми ила бугунги воқеа муносабати билан яхшилаб ювинган ва тараниб олган эди. Галаба кунидан буён у ҳайратомуз даражада ўзгариб кетганди: уйга дарс туташи билан оқ қайтиб келар, бугун оқшом хонасида ўтириб дарс тайёрлар, ҳаттоки илгари ҳеч қилмаган иши — булочка дўконида қарашарди. Она-да, зора Европада овози тинган қуроллар, қандайдир мўъжиза билан Жордахларни бинойидек оилага айлантурса, деган заиф умид пайдо бўлганди.

## II

Аксель мамнуният ила ғозли таомни столга қўйди. У тушликни эрталабдан тайёрлашга киришди, хотинини ошхонага яқин ҳам йўлатмади, аммо бундай пайтларда хотинининг пазандалик салоҳиятлари ҳақида айтадиган ҳақоратли луқмаларини оғзига олмади. Ғозни у тўпориларча, аммо устамонлик билан тақсимлади, ҳаммага қатта-қатта бўлақларни қўйиб чиқди. Биринчи ликобчани у онасининг олдига қўйиб, уни ҳайратда қолдирди. Икки шиша калифорния рислингини чиқарди-да, тантанали сувратда қадаҳларни тўлдирди.

— Ўғлим Рудольф учун, унинг соғлиғи учун, — хирилдоқ овозда сўзлади у. — У ишончимизни оқласин, чўққиларга кўтарилсин ва бизларни унутмасин.

Ҳамма жиддий тарзда қадаҳларини бўшатди, фақат Томаснинг афтини буришпиргани онасининг нигоҳидан четда қолмади. Афтидан, вино унга ҳаддан ташқари аччиқлик қилганди.

Жордах ўғли қандай чўққиларга чиқиши лозимлигини айтиб ўтирмади. Бунга ҳожат йўқ эди. Чўққи — бу сайланганлар жойи. Инсон юксакликка етишса, у буни дарҳол тушунади — уни “кадиллак”лари у ерга аввал етиб борганлар шарафлайди.

## III

Рудольф чимхўр эди. Унинг таъбига қарши ўлароқ ғоз ёғли эди, бундай овқатдан унда ҳуснбузарлар тошишини билар эди. Карамни ҳам оз-оздан емоқда эди — бугун тушлиқдан кейиноқ мисс Лено уйи олдида уни галаба кунини ўпиб олган ҳалиги қиз билан учрашиши керак эди ва у ўзидан карам ҳиди келиб туришини хоҳламасди. У умрида бўкиб ичмасликка аҳд қилганди. У ҳар доим — ақлини ҳам, жисмини ҳам барабар қўлга олишга ҳаракат қиларди. Бундан ташқари у ҳеч қачон уйланмасликка қарор қилганди: ота-онаси унга яхшигина ўрнак бўлиб, унинг шундай қарорга келишига асосли баҳона бўлганди.

Галабадан кейин эртаси кунини у уни ўтган малла дуррачали қиз турадиган кўчага борди ва унинг уйи олдида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У кутганидек, ўн дақиқаларда қиз чиқди ва унга қўлини силкиди. Қиз кўк жинси ва свитерда эди. У тахминан Рудольфга тенгдош бўлиб, умрида ҳеч ёмонлик кўрмаган одамдай очиқ чехра, кўм-кўк кўзларида доим табассум жилва қилиб турарди. Улар бироз юришди ва ярим соатлардан кейин Рудольфга улар умр бўйи танишдек туюлиб кетди. Қизнинг оиласи Порт-Филиппа Коннектикутдан кўчиб келганди. Унинг исми Жули эди. Отаси қандайдир электр компаниясига

алоқадор бўлиб, акаси Францияда армияда хизмат қиларди. Шу боисдан ҳам у Рудольфни ўша куни — уруш тугаб, акаси омон қолганидан суюниб ўшган эди. Қизга жиддий болалар ёқар, Рудольф эса, ҳеч бир шубҳасиз, ана шундай болалар сирасидан эди.

Рудольф ўзининг юксакликка етишуви ҳақидаги ота-онаси ишончини оқлашни истарди. Ақлнинг ўзи ҳали ҳеч нимани кафолатлай олмаслигини аниқлаш учун унинг ақли етарли, жуда ҳам етарли эди. Ундан ота-онаси кугаётган муваффақият учун яна нималардир керак эди — омад, насаб, лаёқат деганларидек... У омадлими, йўқми эканини ҳали билмасди. Насабининг ёрдам беришига умид боғлаш, табиийки, унинг чекида йўқ. Уйда қандайдир лаёқат бор-йўқлигини ҳам у билмасди.

Кўп нарсаларга у осон эришди. Масалан, у трубани ёмон чалмасди, аммо мақтана олмасди, уларнинг гуруҳида икки бола яхшироқ чалишини инкор этмасди. У мактабда тўсиқли қисқа масофани ҳаммадан яхши чоғиб ўтарди, бироқ агар катта шаҳардаги яхши коллежда ўқиганида эди, уни жамоага қўшишмасди. Иншони мактаб газетаси редактори Сэнди Хоупервуддан яхшироқ ёзарди. Бироқ Сэндининг лоақал биргина мақоласини ўқиб чиқиши билан шу нарса яққол равшан бўлар эдики, эртами, кечми, ундан албатта чинакам ёзувчи чиқади.

Рудольфнинг ягона истеъдоди — барчага ёқиши эди. У буни биларди ва шу боисдан ҳам уни сурункасига уч йил синф сардори қилиб сайлашганини ҳам биларди. У бунинг ҳақиқий истеъдод эмаслигини ҳис этарди. У билиб туриб ёқишга ҳаракат қиларди, одамлар билан хушмуомалада бўлиш, уларга қизиқаётгандек бўлиб кўриниш учун ўлиб-тирилишга тўғри келарди. Йўқ, ёқиш уқуви — бу ҳақиқий истеъдод эмас, ўйларди у, чунки унинг яқин дўстлари йўқ ва умуман, агар ростини айтадиган бўлса, у одамларни унчалик севайди. Ҳаттоки унинг эрталаб ва кечкурун онасини ўпиш ва якшанба кунлари у билан сайрга чиқиш одати ҳам ясама: у буни онасидан миннатдорлик туйғуси ҳосил қилиш, шундай меҳрибон, садоқатли ўғлим бор деган фикрини барқарор сақлаб қолиш учун қиларди. Аслида якшанбадаги сайрлар унга малол келарди ва унинг ўпишига жавобан онаси пешонасидан силаб қўйганида ич-ичидан ижирғанарди; албатта, у буни сездирмас эди. Унда икки одам яшарди: бирининг борини фақат унинг ўзи билар, иккинчисини эса ҳамма кўриб турарди.

Онаси, опаси ва ҳатто айрим ўқитувчилар уни чиройли деб билишлари унга маълум эди, аммо унинг ўзи бунга ишонмасди. Унинг териси ҳаддан ташқари қора, бурни ҳаддан ташқари узун, елкалари ясси, кўзлари киртайганроқ ва зайтунранг териси учун ҳаддан ташқари чақноқ, сочи эса қоп-қора эди. Яхши мактабдан чиққан болалар, шунингдек, Гарвард ва Принстон сингари коллежларнинг талабалари қандай кийинишини билиш учун мутгасил газета ва журналлардаги фотосуратларни қараб борарди. Уларга тақлид қилишга уринарди, албатта молиявий аҳволи кўтарган даражада, аммо биларди: биринчи кўра талабалари уни зиёфатга таклиф этишса борми, ўзини, худо билади, нималар деб ўйлайдиган фирт қишлоқчилиги ўша заҳоти ошкор бўларди-кўярди.

Қизлар билан муомала қилишда у ийманчан эди ва ҳали бирон марта ҳам севиб қолмаганди, албатта, мисс Лено билан содир бўлган аҳмоқона воқеани ҳисобга олмаганда. У ўзини қизлар билан сира иши йўқдай қилиб кўрсатарди: гўё учрашувлар, ўпичлар ва муқомлар каби болаларча қилиқлардан кўра унинг кеккайишлари ва сипо юришларига қарамай оддий бир гўр ва масхарабоз бола эканини англаб қолишдан кўрқарди.

Қайсидир маънода у укасига ҳавас ҳам қиларди. Томас қандай хоҳласа, шундай, бировнинг фикр-ўйи билан ҳисоблашмай яшарди. Унинг ҳақиқий истеъдоди бор эди — шафқатсизлик. Бировлар ундан кўрқса, бировлар уни ёмон кўрарди ва албатта ҳеч ким суймасди, аммо уни қандай бўйинбоғ тақсам экан ёки инглиз тили дарсида қандай жавоб бераркинман деган шубҳалар қийнамасди. У бутун одам эди ва борди-ю, бирон иш қилгудек бўлса, ҳар бир қадамни ўлчаб, олдиндан миридан-сиригача текшириб ўтирмасди.

— Ҳоз зўр бўпти, дада, — деди Рудольф, отасининг ундан мақтов кугаётганини билиб. — Бошлаб пиширибсиз. — Гарчи истаганидан ортиқ еган бўлса-да, яна беринг дегандай ликобчасини узатди.



## IV

Гретхен индамай овқатланарди. Уларга қачон айтсам экан, қулай пайт қачон келаркин, деб ўйларди у.

Жума куни уни бўлим бошлиғи мистер Хатченс ўз ҳузурига чорлади ва сиз жуда яхши ва ҳалол ходимсиз қабилдаги қисқа кириш сўзидан кейин уни ва яна бир қизни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ олганини айтди. У, бошқарувчига бориб тўполон қилдим, аммо афеуски, бундан ҳеч нима чиқмади, деди. Бошқарувчи, Европада уруш тугаши муносабати билан ишлаб чиқаришда таназул бошланади ва биз иш ўринларини қисқартириб, иқтисод қилишга мажбурмиз, дебди. Гретхен ва анави қиз ишга энг охиргилардан бўлиб қабул қилинишган ва табиийки, биринчилардан бўлиб ишдан бўшатилишади. Шулар барчасини гапира туриб, мистер Хатченс жуда ҳаяжонланди. Ҳатто дастрўмолини олди-да, худди бунда унинг ҳеч қандай айби йўқлигини исботламоқчидай чўзиқ овоз чиқариб бурун қоқди.

Гретхен мистер Хатченсга тасалли беришига тўғри келди. У, “Бойлан гишт ва черепицалари”да бир умр ишламоқчи бўлмаганини ва биринчи галда нима учун уни ишдан бўшатишларини тушунишини айтди. Лекин ишдан бўшатилишининг ҳақиқий сабаби ҳақида мистер Хатченсга билдирмади ва Тедди Бойланнинг қасдма-қасд қилган бу ишини хаспўшлаш учун қурбон қилинган анови қиз олдида ўзини гуноҳкор ҳис этди.

## V

Ўелининг туғилган кунига Жордах торт пиширди. Қанд кукуни устида ўн саккизта — Рудольф униб-ўсиши учун ўн еттига ва яна битта шам ёнарди. Аксель тортни олиб кириб, ҳамма “Туғилган кун билан” қўшиғини куйлай бошлаганда эшик жиринглаб қолди. Қўшиқ қоқ ярмида узилди. Жордахлар хонадонидида кўнгироқ деярли жирингламасди. Ҳеч ким уларникига меҳмонга келмас, почтачи эса газеталарни эшик тирқишидан ташлаб кетарди.

— Қандай бало экан! — норози оҳангда гудранди Жордах. Гўё бирон кўнгилисизлик келтирадигандек, у ҳар қандай қутилмаган ҳолатни ёмонликка йўярди.

— Бориб қарай-чи, — деди Гретхен, бу Бойлан эканига амин бўлган ҳолда: ундан ҳар нарсани кутса бўларди.

Эшикни очиб, у иккита эркакни кўрди. Иккаласини ҳам биларди. Мистер Тинкер Бойланнинг заводида ишларди, унинг укаси, роҳиб, қизилпоз бақалоқ, адашиб бошқа касбга тушиб қолган бандаргоҳ ҳаммолига ўхшаган одамни бугун шаҳар биларди.

— Салом, мисс Жордах, — деди Тинкер шляпасини хиёл кўтариб.

— Салом, мистер Тинкер. Салом, авлиё ота, — саломлашди Гретхен.

— Сизларга халақит бермадикми? — Тинкернинг овози тантанавор ва ўзини худо йўлидаги ишларга бағишлаган укасиникидан кўра салмоқлироқ, сипороқ жаранглаб чиқмоқда эди. — Бир гоят муҳим иш юзасидан отангиз билан гаплашиб олишимиз керак. У уйдами?

— Ҳа, уйда, мен ҳозир уни чақираман, — деди Гретхен. Эркаклар қоп-қоронги йўлакка киришди-да, гўё кўчадан кўриб қолишларидан кўрққандек тез эшикни ёпишди. Гретхен чироқни ёқди-да, меҳмонхона бўлмасига кўтарилди.

Рудольф торт кесарди. Ҳамма савол назари билан Гретхенга қаради.

— Бу мистер Тинкер билан укаси, авлиё. Уларнинг сизда гаплари бор экан, дада.

Гўё тишлари орасида овқат қолдиғи қолгандек, Томас тилини чиқиллатиб кўйди.

— Бизга авлиёси етмай турувди, — жаҳл билан деди Жордах, столдан суриларкан. — Бу падарлаънатилар ҳатто якшанбада ҳам одамга тинчлик бермайди. — Барибир ҳам у турди-да, хонадан чиқди. Унинг оқсоқланганича оғир одимлаб зинадан тушаётганини барча эшитиб турарди. — Хўш, йигитлар, — саломлашмасдан қирқ шамли чироқ хира ёритиб турган йўлакдаги кишиларга

мурожаат қилди у. — Ишчи одамнинг якшанба тушлигини албатта ҳаром қилишингиз керак бўлган қанақа шошилишч ишингиз бор экан?

— Мистер Жордах, — деди Тинкер, — сиз билан хилватда гаплашиб олсак бўладими?

— Бу ернинг нимаси ёмон? — жавоб берди Жордах, зинада турган ва торт кавшаган кўйи. Йўлакда қовурилган ғоз ҳиди гупилларди.

Тинкер юқорига ишора қилди:

— Гапимизни эшитишларини истамайман.

— Менинг билишимча, сиз билан ўртамизда ҳеч қанақа сир йўқ — керак бўлса манови бутун лаънати шаҳар эшитмайдими? Мен сиздан пул қарз эмасман, сиз ҳам мендан қарз эмассиз. — Шундай бўлса-да, у кўча эшигини очди ва мистер Тинкер ва укасини булочка дўконига бошлаб кетди.

## VI

Мэри Жордах қаҳва қайнашини кутарди. Учрашувга кечикишидан кўрқиб, Рудольф дам-бадам соатига қарарди. Томас стул суягчигига ўзини ташлаганча алланималарни минғирлар ва санчқи билан стаканга бир маромда урарди.

— Бас қил, илтимос, — деди онаси. — Тиқир-тиқирингдан миям тарс ёрилай деяпти.

— Кечиринг, — жавоб берди Томас, — кейинги концертимда труба чалишни ўрганиб келаман.

Бир марта одамга ўхшаб жавоб қилди, ўйлади Мэри, ташида эса асабий ҳолда деди:

— Пастда нега қолиб кетишди улар? Қалай, бизникида ҳам кўнгилдагидай оилавий ўтириш бўлади девдим-а... — У Гретхенга таънали қараб қўйди. — Сен мистер Тинкер билан бирга ишлайсан-ку. Бир ишқал қилиб кўймаганмидинг?

— Улар менинг ғишт ўғирлаганимни билиб қолишган бўлса керак, — деди Гретхен.

— Бу уйда лоақал бир кун ўзини одамдай тутиш йўқ, — гудранди онаси ва эзилган бир қиёфада ошхонага йўналди.

Хонага Жордах кирди. Унинг юзидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди.

— Том, пастга туш, — деди у.

## VII

— Салом, мистер Тинкер. Салом, авлиё ота, — болаларча очиқ чеҳра билан саломлашди Томас, булочка дўконига кираркан.

— Унга менга айтган гапингизни айтинг, — талаб қилди Жордах.

— Ўғлим, — Томга ўтирилди роҳиб, — бизга ҳаммаси маълум. Клод амакисига ҳаммасини айтиб берди ва жуда тўғри қилди. Иқроф афсусланишга олиб келади, афсусланиш эса — кечиримга...

— Бу насиҳатларингизни якшанбалик ваъзларингизда қиларсиз, — унинг гапини бўлди Жордах. У келганлардан биронтаси қочиб қолмасин дегандек, орқаси билан эшикка суяниб турарди.

Том индамай қулоқ соларди. Лабларида мушглашувдан олдин бўладигандек табассум ўйнади.

— Айт, буни сен қилганмидинг? — унга мурожаат қилди Аксель.

— Мен, — деди Том. Ҳали кўлимга тушарсан-ку кўрқоқ Клод, ўйлади у.

— Бундай кунда ким хоч ёққани маълум бўлса, — деб гапида давом этди роҳиб, — сен ва Клоднинг оиласи нима бўлишини тасаввур қиласанми, ўғлим?

— Сизларни шаҳардан ҳайдаб чиқаришади, кўрдингми нима бўлади! — ваҳима билан гап қотди мистер Тинкер. — Отанг ҳатто битта буханкасини ҳам сотолмай қолади. Шаҳарда сизларни ажнабийлар, немислар деб атай бошлашади!

— Ол-а, — деди Жордах. — Юлдузли йўл-йўл байроқ — энг аъло байроқ!..

— Далил-далил-да, — деди мистер Тинкер, — ундан ҳеч қаёққа қочиб қутулмайсан. Боз устига, агар иссиқхонасини ким ёққанини Бойлан билиб қолса, у ҳаммамизни қаматади. Уста адвокатни топади-да, бу эски иссиқхона

энг қимматли кўчмас мулк эканлигини исботлайди. — У муштини дўлайтириб қўйди. — Сиз билан Клодга нима, балоғатга етмагансизлар. Оталаринг билан биз балога қоламиз ҳаммаси учун! Умр бўйи йиққан-тикканимизни...

Томас отасининг уни томоғидан тутиб, бўғмоқчи бўлаётгандек мушгумларини асабий тукканини кўрди.

— Ўзингни бос, Жон, — деди роҳиб Тинкерга. — Болани бадтар чўчитиб нима қиласан? У ақл билан иш тутиб, барчамизнинг мушқулимизни осон қилади. — Сўнг Томга ўтирилиб кўшиб қўйди. — Сени шайтон йўлдан оздириб, Клодимизни бу худога хуш келмайдиган ишга қандай ундаганингни суриштириб ўтирмаймиз...

— У буни мени ўйлаб топди дедими? — таажжубланди Том.

— Клоддай насронийлар оиласида тарбия тошган, ҳар якшанбада черковга борадиган боланинг миясига бундай куфрона қилиқ қандай келади?

— Бўпти, — гудранди Томас. Шошмай турсин, ҳали Клодни кўради-ку.

— Хайриятки, — давом этди роҳиб, — ўша машъум оқшомда у куйган қўли билан амакиси, доктор Роберт Тинкерникига келганида уйда бошқа ҳеч ким йўқ экан. Доктор Тинкер болага зарурий тиббий ёрдамни кўрсатибди ва воқеа қандай содир бўлганини айтишга мажбур қилибди, кейин эса уни машинасида уйига элтиб қўйибди. Тангрига шукрки, уларни ҳеч ким кўрмабди. Аммо Клод қаттиқ куйган, қўлини камида уч ҳафтача боғлаб юради. Бу вақтда у, табиийки, уйда қололмайди: оқсоч нима гаплигини билиб қолиши ёки меҳрибон мактабдош дўстларидан битта-яримтаси ҳол сўраб келиб қолиши мумкин...

— Худо ҳаққи, Энтони, ваъз ўқишингни бас қилсанг-чи, — укасининг гапини бўлди мистер Тинкер. Унинг бўзарган юзи пир-пир учар, кўзларига қон тўланди. У Томас томон бир қадам ташлади. — Кеча кечқурун бу ярамасни Нью-Йоркка олиб бордик, бугун эрталаб эса Калифорния самолётига ўтқазиб юбордик. Сан-Францискода унинг холаси яшайди. Тузалунча ўша ерда туради, кейин эса ўқигани ҳарбий билим юртига боради, кейин менга деса ўла-ўлгунча Порт-Филиппа қорасини кўрсатмасин. Сенинг отанг ҳам, агар каласи бўлса, тезда сени шаҳардан жўнатиб юборсин, иложи борича узокроққа, сени ҳеч ким билмайдиган ва ҳеч қанақанги саволлар бермайдиган жойга.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинглар, — деди Жордах. — Бугун кечқурун у бу ерда бўлмайди. Энди эса йўқолинглар бу ердан. Икковингиз ҳам роса жонимга тегдингиз.

У уларнинг орқасидан эшикни қарсиллатиб ёпди-да, Томасга ўтирилди:

— Хўш, тавбангга таяндингми, аблаҳ? Шошмай тур, бир адабингни бериб қўяйки, жон отажон, дегин. — Оқсоқланганича у ўғлига яқин борди ва мушт солди. Зарба Томаснинг қоқ миясига тушди. Бола чайқалиб кетди, аммо шу заҳоти гайриихтиёрий равишда олдинга ташланди-да, ўз қўли билан отасининг қаншарига кучли зарба берди. Аксель мункиб кетди, қўлларини олдинга қилди, аммо йиқилмади. У ҳайрат билан ўғлига қаради, Томаснинг мовий кўзлари нафратдан ёнарди.

— Қани, уринг, — ғазаб билан деди Томас. — Ўғилчангиз энди жасур дадажонисини урмайди.

Жордах кулочкашлаб унга яна мушт солди. Томаснинг чап яноғи шу топдаёқ шишиб чиқди ва қизарди, аммо у қимир этмай турарди.

Аксель қўлларини туширди. Бу шунчаки рамзий зарба эди, холос. Фойдаси йўқ, ўйлади у алаҳсирагандек. Эҳ, фарзандлар...

— Бўпти, — деди у. — Тугади. Рудольф сени вокзалгача кузатиб қўяди ва Олбанигача поездга ўтқазиб юборади. У ерда бошқа поездга ўтирасан-да, Огайодаги укамникига борасан. Мен унга кўнғироқ қиламан ва у сени кутади. Нарсаларсиз кетасан. Сени чемодан билан кўришларини истамайман.

Улар дўкондан чиқишди. Қуёшдан кўзи қамашиб, Томас киприкларини пирпиратди.

— Шу ерда кутиб тур. Мен Рудольфни тушириб юбораман. Ойинг билан хайрлашув маросими уюштиришингни зинҳор истамайман. — Жордах булочка дўкони эшигини ёпди-да, судралиб уйга кириб кетди.

## VIII

Ўн дақиқадан кейин Аксель Рудольф билан бирга қайтиб келди. Рудольфнинг қўлида Томаснинг икки йил олдин сотиб олинган оч яшил йўл-йўл ягона пиджаги бор эди. Пиджак энди унга тор келиб қолганди. Томас унда бемалол ҳаракат қила олмас, кўллари эса тор енгларидан чиқиб қоларди.

Рудольф укасининг шишган юзига ҳайрат билан қараб қўйди. Отасининг кўриниши дардчил эди, қорача юзи кўкиш тус олган, қовоқлари шишганди. Биргина зарбадан шу аҳволга тушиб ўтирибди-я, деб ўйлади Томас.

— Нима қилиш кераклигини Рудольф билади, — деди Аксель. — Мен унга пул бердим. Мана амакисининг манзили. — У Томасга бир парча қоғоз тутди. — Энди эса кет, бундан кейин сенинг ном-нишонингни кўрмай ҳам, эшитмай ҳам.

— Нима бўлди ўзи, жин урсин? — сўради Рудольф муюлишдан бурилишлари ҳамон.

— Ҳеч нарса.

— Отам сени урганлар. Ҳозир нимага ўхшашингни бир кўрсанг эди.

— Ҳа, бу ажойиб зарба бўлганди, — киноя билан деди Том. — Чемпионлик унвонига у бизникида биринчи номзод.

— Дадам тепага чиқиб келганларида жуда ачинарли аҳволда эдилар.

— Бир мартагина туширдим. — Яқинда бўлиб ўтган ҳангомани эслаб, мийиғида кулиб қўйди Том.

— Сен дадамни урдингми?

— Нега урмас эканман? Бўлмаса умуман оталарнинг нима кераги бор?

— Ё тангрим! Отани уриб туриб, тирик юрибсанми?

— Кўриб турганингдек.

— Нега сени жўнатиб юбормоқчи бўлганларини энди тушундим, — бошини чайқади Рудольф. У укасини ёмон кўриб кетди: унинг дастидан Жули билан кўришувга чиқолмайдиган бўлди. — Модомики, отамиз йўлга деб эллик долларни чиқариб берган эканлар, демак, сен ростланам қилар ишингни қилиб бўлган экансан.

— Мен японларнинг фойдасига жосуслик қилишда қўлга тушиб қолдим, — хотиржам жавоб берди Томас.

— Оббо, сени қара-ю!

Автобус бекатигача улар жим боришди. Вокзалга етгач, Рудольф чипта олгани кетди. Отаси Томаснинг қаёққа кетганини ҳеч ким билмаслиги керак деб огоҳлангирган эди, шу боис чиптани фақат Олбанигача олиш керак, у ерда эса Том чиптани ўзи олади.

Рудольф кассада қайтимни олар экан, ўзимга ҳам чипта олсам-чи, деган фикр ўтди хаёлидан, аммо тескари томонга, Нью-Йоркка. Нима учун Томас биринчи бўлиб уйдан кетар экан? Аммо, турган гапки, Рудольф Нью-Йоркка ҳеч қанақанги чипта олмади.

Томас дарахт остидаги скамейкада оёқларини олдинга кенг чўзганча ўтирарди. У мутлақо хотиржам кўринарди, гўё унга ҳеч нима бўлмагандек. Рудольф атрофга кўз югуртирди ва уларни ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, чиптани укасига узатди. Том чиптага эринибгина қараб қўйди.

— Яшир, яшир уни, — тез деди Рудольф, — мана сенга қайтим — қирқ икки доллар эллик цент. Агар янглишмасам, кейин ҳам ёнингда талай пул қолади.

Томас санаб ўтирмай пулни чўнтагига суқди.

— Бу пулни яшириб қўйган жойидан олаётганда чолнинг нақ жони сугурилгандай бўлиб кетгандир. Пулларини қаерга яширганига кўзинг тушмадимми ногоҳ?

— Йўқ.

— Афсус. Бўлмаса бир амаллаб тунда келиб, ўмариб кетардим. Дарвоқе, сен билганингда ҳам айтмас эдинг. Менинг акажоним Рудольф унақалардан эмас!

Улардан сал нарига бир кичиккина икки кишилиқ машина келиб тўхтади. Ундан кўк қўйлакли бир қиз ва ҳарбий ҳаво кучларининг баланд бўйли лейтенанти тушди. Улар платформага кўтарилишди, тўхташди ва ўпишишди.

– Мени ўпсанг-чи, азизам, мен Токиони бомбардимон қилганман! – деди Том.

– Масхаравозчиликка бало борми?

– Менга қара, сен биронтаси билан бўлганмисан? – қизиқсинди Томас. Укасининг сўзларида мисс Ленони урган куни отаси берган саволнинг акс-садоси бор эди ва бу унга ёмон таъсир қилди.

– Сенинг нима ишинг бор?

– Ҳеч қанақа, – кифтларини учирди укаси. – Шунчаки ўйладим-да, модомики узоқ вақтга кетаётган экансан, бир дилдан гаплашсак қалай бўларкин деб.

– Агар сен ростданам қизиқаётган бўлсанг – йўқ, – чўзиб жавоб берди Рудольф.

– Буни билардим, – деди Том. – Маккинли-стритда бир идора бор. “Алисининг ёнида” деган. У ерда беш долларга бинойидек қизни олса бўлади. Укам юборди дейсан, бўлди.

– Мен ўзимни ўзим бир амаллаб эшларман, – жавоб берди Рудольф. У Томасдан бир ёш катта эди, бироқ укаси ўзини шундай тутардики, Рудольф унинг ёнида ўзини ёш боладай ҳис қилди.

– Бизнинг суякми опачамиз эса бу иш билан мунтазам шугулланадилар, – деди Томас. – Сен буни биласанми?

– Бу унинг иши. – Бироқ Рудольф ғалати бўлиб кетди: Гретхен... шундай покиза, одобли, мулойим қиз...

– Тагин, биласанми ким билан? – давом этди Томас. – Теодор Бойлан билан.

– Қаердан биласан? – Рудольф унинг алдаётганига амин эди.

– Мен унинг уйи олдида туриб, деразадан Бойланнинг меҳмонхона бўлмасига қип-яланғоч кирганини, икки стаканга виски қуйганини ва тепага, ётоқхона бўлмаси томонга: “Гретхен, пастга тушасанми ё вискини тепага олиб бораёми?” – деб қичқирганини ўз кўзим билан кўрдим. – Томас Бойланнинг қиёфасига тақлидан нозли жилмайди.

– Лекин сен уни кўрганинг йўқ-ку, – Рудольф опасини ҳимоя қилишга ўтди. – Балки у Гретхен эмасдир.

– Порт-Филиппда сен нечта Гретхенни биласан? – сўради Томас. – Бундан ташқари Клод Тинкер унинг “бюик”ида иккалови Бойланнинг уйига кетаётганини кўрибди. У Бойлан билан Бернстайн дўкони олдида госпиталдаги ярадорларга қарайдиган соатларда учрашаркан. Тўғри, Бойлан ҳам ярадор бўлган бўлиши мумкин. Америка-испан уруши вақтида.

– Э худо, – шивирлади Рудольф. – Шундай тасқара билан-а?

– Балки опачамизга ёқадиган унда бир нарса бордир? Бу унга фойдалидир? – бамайлихотир деди Томас. – Ундан бир сўраб кўр.

– Билишингни унга айтмадингми?

– Зарур келганим! Қандини уриб юраверсин! Мен кулиш учунгина ўғринча қараган эдим. У мен учун йўқ одам. – Шундай дея хиргойи қила бошлади: – Лал-лала-ла, лал-лала-ла... Болаларни қаердан оласиз, ойижон?

Рудольф ҳеч нимани англамай укасига қаради: унда бу кучли нафрат қандай қилиб бунчалик эрта пайдо бўлдикин?

– Бўпти, мен кетдим. – Том ўрнидан турди. Улар платформага ўтишди ва поезд тўхташи ҳамон Том сакраб чиқди.

– Менга қара, – деди Рудольф, – агар уйдан сенга бирон нарса керак бўлиб қолса, хат ёз. Мен бир амаллаб юбораман.

– Менга бу ердан ҳеч нарса керак эмас, – кесиб деди Томас. Унинг исёни қатъий ва муросасиз эди. Болаларча дўмбоқ юзи севинчдан ял-ял ёнарди, худди циркка бораётгандек.

– Нима ҳам дердим, унда омад тилайман, – ўнғайсизланиб деди Рудольф. Нима бўлганда ҳам у унга жигар, худо билсин, энди улар қачон кўришишади.

– Айтмоқчи, сени табриклайман – энди бугун каравот сенинг ихтиёрингда. Энди ўрмон йиртқичининг сассиғи кўнглингни беҳузур қилмайди. Тунда пижама кийиб ётиш эсиндан чиқмасин. – У ўтирилди ва орқасига қарамай вагонга кириб кетди. Поезд жойидан қўзғалди.

## IX

Гретхен чемоданига нарсаларини жойларди. Эски, унникқан фибра<sup>1</sup> чемодан, унда онаси Порт-Филиппа келин бўлиб тушганида сепини олиб келганди.

Хонадонда ҳукм сурган ва жанжалдан дарак берган кескин ҳолат, меҳмонхона бўлмасига кириб, Рудольфни мен билан юр деб буйруқ берган отасининг қилиқларидаги ғалати ифода — булар барчаси пировардида унга туртки бўлганди. Бундай яқшанба, эҳтимол, бошқа бўлмаса керак. Модомики кетиш керак эканми, унда бугуноқ кетгани маъкул.

У отаси қайтгунча кетишга ошиқарди, ҳолбуки, у билан рўбарў бўлишга тайёр эди ва уни ишдан бўшатишганини ва у бошқа иш қидириб топгани Нью-Йоркка йўл олаётгани ҳақида унга сўзлаб бера олишини биларди. Дарвоқе, бугун ундан, ҳар қалай, қўрқмаса бўларди: Рудольф билан кетганида унинг шаҳти паст, саросимали бир аҳволда эди.

Пулли конвертни топгунча у қарийб барча китобларни варақлаб чиқишига тўғри келди. Онаси нега у билан бунақа ярашмаган ўйин қилади?! Бориб-бориб бу уй ғирт жиннихонага айланса ҳам ажаб эмас. Гретхен аста-секин онасига раҳми келадиган бўлиб қолишига умид боғларди.

У чемоданни йўлакка олиб чиқди. Бу ердан унга онасининг столда ўтириб, чекаётгани кўриниб турарди. Столда овқат қолдиқлари бўлган ифлос идишлар ётар, онаси эса деворга тикилганча чекарди.

— Ойи, нарсаларимни йиғиштирдим, кетаяпман, — деди Гретхен, хонага кира туриб. Мэри аста бошини бурди, хира кўзлари билан унга қаради ва бўғиқ овозда сўради:

— Ўзинг топган фосиқ банданикига кетаяпсанми? — Унинг ҳақоратлар лугати эскича сўзларга анча бой эди. У қолган ҳамма винони ичиб олган бўлиб, кайфи ошиб қолганди.

— Ҳеч кимникига кетаётганим йўқ. Мени ишдан бўшатишди ва мен Нью-Йоркка бошқа иш қидиргани бораяпман. Иш топсам, хат ёзаман.

— Гумроҳ қиз, — деди онаси.

Гретхен чимирилди — бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилда “гумроҳ қиз” деган сўзни ким ҳам эсларди? Бироқ кейин ўзини қўлга олди-да, онасининг юзидан ўпиб қўйди. Унинг юзи дағал, ғадир-будир эди.

— Сохта ўпишлар, — деди онаси тўғрига маъносиз боққанча. — Гул ичида ханжар.

Э худо, у ёшликда қанақа китоблар ўқиган бўлса, ўйлади Гретхен ва бирдан миясига, ойим толиқиб ва эзилиб туғилган, шунинг учун кўп нарсаларини кечиршим керак, деган фикр келди. Йиғиштирилмаган столда тамаки тутунига кўмилиб ўтирган бу ширакайф хотинга нисбатан ўзида лоақал бир томчи меҳрни топишга ҳаракат қилиб, у бироз имиллади.

— Ҳоз! — ижирганиб деди Мэри. — Энди ким ейди ғозларни?

Гретхен мажолсиз бош чайқаб қўйди, йўлакка чиқди, чемоданни олди ва зинадан туша бошлади.

Кўчада у уйга шошиб келаётган Рудольфни кўрди. Опасига кўзи тушиб, Рудольф унинг олдига югуриб келди:

— Сиз қаёққа кетаяпсиз?

— Нью-Йоркка, — бепарво жавоб берди Гретхен.

Уйларидан икки маҳалла нарида улар такси тутишди-да, вокзалга йўл олишди. Гретхен чипта олгани кетди, Рудольф эса унинг эски нусхадаги чемодани устига ўтириб олди ва уйга толди. Опасининг кўзиде севинчли кўриш унинг учун ўлим билан баравар эди — нима десангиз деяверинг-у, аммо опаси на фақат уйни, ҳатто укасини ҳам тарк этмоқда эди.

— Поезд ярим соатдан кейингина келар экан, — деди Гретхен унинг енгилан тутиб. — Бир нарса ичиб олсамми дегандим. Кел, бу воқеани нишонлайлик. Чемоданни ҳозирча юкхонага топшира тур.

— Мен уни ўзим кўтариб оламан. Юкхонага ўн цент тўлаш керак бўлади.

<sup>1</sup> Қаттиқ эгилувчан қоғоз. (Тарж.)

– Умримизда бир ялло қилсак қилибмиз-да, – хандон ташлаб кулди Гретхен.  
– Меросимизни бир совурайлик. Пулларимиз бир шамолга учсин.

Барда пештахта ортида хўмрайиб швейцарлик қилаётган иккита солдатдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бир умр барда ичкиликбозлик қилиб келган одамдай Гретхен икки бокал виски буюрди.

– Хўш, бунча қовоқ-тумшугингни осилтириб олмасанг? – У ҳазил билан бармоғини укасининг юзига нуқиб қўйди. – Ахир бугун сенинг туғилган кунинг-ку.

– Ҳа-а, – деди чўзиб Рудольф.

– Дадам Томасни нега жўнатиб юборганини билмайсанми?

– Билмадим. Унисиям, бунисиям бир оғиз бир нарса айтгани йўқ менга. Бу Тинкерларга алоқадор бўлса керак. Томми отамни урган – билган нарсам шу, холос.

– Вой ўлмасам-м, – таажжубланди Гретхен. – Роса улуғ кун бўлибди деявер.

– Бу аниқ, – унга қўшилди Рудольф ва Томнинг опаси ҳақида айтганларини эсларкан, бу кун Гретхенга туюлганидан ҳам кўра муҳимроқ деб ўйлади.

Бармен виски олиб келди. Гретхен ўз стаканини олди:

– Порт-Филип жамоатчилиги кўрки бўлган Жордахлар оиласи учун, – деди-да, устма-уст бир неча кулгум ичиб юборди, гўё ташналик қийнаб юборгандек, гўё у такрорлаш учун вақт қолдиргани дастлабки стаканни тезроқ ичиб қўймоқчи бўлгандек. – Чакки оила эмас, – давом этди у бошини чайқаб.

– Юр, бирга кетамиз. Нью-Йоркда яшаймиз.

– Ўзинг яхши биласан, мен бундай қилолмайман.

– Мен ҳам шундай ўйлар эдим, мана, қиляяпман-ку.

– Нега кетаяпсиз? Нима бўлди?

– Кўп нарса бўлди, – мужмал қилиб жавоб берди Гретхен ва яна вискидан оғзини тўлдириб хўшлади. – Мен кетсам бир эркак туфайлидан кетаяпман. – У укасига ижирганиб қараб қўйди. – У менга уйланмоқчи.

– Ким? Бойланми?

– Сен қаёқдан биласан? – У кўзларини катта очиб тикилди.

– Менга Томми айтди.

– У қаёқдан билар экан?

Энди яшириб нима қиламан, ўйлади Рудольф. Ўзи мажбур қиляяпти-ку. Шарм ва рашқдан унинг опасини аяб ўтирадиган сиёқи йўқ эди.

– У Бойланнинг уйи олдида бўлибди ва деразадан мўралабди.

– Хўш, нимани кўрибди у? – совуқ оҳангда сўради Гретхен.

– Бойланни яланғоч ҳолда.

– Шўрлик Томми, – кулиб юборди Гретхен. Унинг кулгиси темир жарангига ўхшарди. – Яланғоч Тедди Бойлан у қадар жозибали кўринмайди. У мени ҳам яланғоч кўрибдими?

– Йўқ.

– Агтанг. Акс ҳолда шунча узоққа ҳалпиллаб боргани зое кетмасди. – У бу сўзларни ўзини атайлаб қийнамоқчи бўлгандек шафқатсизларча айтди. Илгари Рудольф унда бундай нарсаларни кўрмаганди. – У ерда айнан мен борлигимга қандай амин бўлибди?

– Бойлан баланд овозда пастга тушасанми ё вискини тепага олиб чиқайми, деб сўрабди.

– О, бу айнан ўша куни тунда бўлганди. Унутилмас тун. Бир кун мен сенга ҳаммасини айтиб берарман. – Гретхен укасига диққат билан разм солди. – Менга бунақа ғазабли қарама. Опаларнинг катта бўлиш ва эркаклар билан юриш одати бўлади.

– Тўғри, лекин Бойлан... – алам билан деди Рудольф. – У қилтириқ чол-ку.

– Дарвоқе, у у қадар кекса ва у қадар қилтириқ эмас.

– Бўлмаса нима учун қочиб кетаяпсиз?

– Биласанми, агар қолсам, эртами, кечми, унга турмушга чиқаман, Тедди Бойлан эса сенинг ифбатли, сулув опажонингга эрлик қилишга ярамайди. Мураккаб-а, шундай эмасми? – Қиз қўл ҳаракати билан барменни чақирди:

— Яна виски келтиринг, илтимос. — Сўнг давом этди: — Айтмоқчи, уйдан чиқиб кетаётганимда ойим фирт маст эди. У сенинг туғилган кунингга сотиб олинган ҳамма винони паққос урган эди. Маст телба кампириш. Мени гумроҳ қиз деб таъна қилди. — Гретхен ҳиринглаб кулди. — Катта шаҳарга кетаётган қизалоққа сўнгги эркалатиб тиланган оқ йўл... Қоч бу ердан, — хирилдоқ овозда деди қиз. — Улар сени бутунлай майиб қилмасларидан жўнавор. Биронтасининг дўсти бўлмаган ва ҳеч қачон эшик қўнғироғи жирингламайдиган бу уйдан қоч.

— Ҳеч ким мени майиб қилмайди, — деди Рудольф.

— Дилдан айтаяпман, укажонгинам. — Энди Гретхен адоватини баралла намоён этмоқда эди. — Мени алдаёлмайсан. Сени ҳаммалари ер-кўкка ишонишмайди, сен эса уларнинг биронтасини ҳам бир чақага олмайсан. Агар, сенингча, бундай одам машҳур бўлмаса, ҳозироқ сени ногиронлар аравачасига ўтказиб қўйиши мумкин.

— Боринг-е! — Рудольф ўрнидан турди. — Агар сиз мен тўғримда шундай ўйлаётган бўлсангиз, бу ерда нима қилиб ўтирибман ўзи? Мен сизга умуман керак эмасман.

— Тўғри, керак эмассан, — уни маъқуллади опаси.

— Мана чемоданингизнинг квитанцияси. — Рудольф опасига бир парча қоғозни узатди.

— Раҳмат, — хотиржам тусда деди қиз. — Бутун ҳар ким ўзидан жоиз бўлган савобли ишни қилди.

Рудольф бардан чиқди. Иккинчи стакандаги вискини хўплаганча Гретхен жойида ўтираверди. Унинг хушрўй юзи қизариб кетган, кўзлари чақнарди. Хаёлан у булочка дўкони устидаги исқирт хонадондан, отаси ва онасидан, укалари ва хушпорида минглаб мил узоқда, ҳар йили миллион қизни комига тортиб кетадиган катта шаҳар йўлида тасаввур қилмоқда эди.

Рудольф аста уйга кетиб борарди. Унинг кўзларида ёш ўйнарди. У ўзига ўзи ачиниш кетди. Опаси ва укаси ҳақ. Улар унинг борлигини ёнғоқдай чақиб ташлашди. У ўзгариши керак. Аммо қандай қилиб? Бошқача бўлиш учун одам ўзидаги нимани ўзгартириши керак? Ирсиятними? Пушти камариними? Мучал белгисиними?

У ўзини бўм-бўш ва янчиб ташлангандек ҳис қилмоқда эди. Мен бу туғилган кунни эсимдан чиқармайман, ўйлади у.

## 7-боб

### I

Томас гаражда бир ўзи эди. Механик Койн касал, иккинчи ишчи эса чақирилган жойга кетганди. Кундузги соат икки эди. Ҳарольд Жордах ҳали уйда тушлик қилиб ўтирарди. Қовурилган картошка, уч шиша оқ пиво, сўнг эса шундоқ ёнидаги каравотда бақалоқ хотини билан ярим соатгина мизгиб олиш — асосийси, ортиқча ишлаб юбормаслик, акс ҳолда муддатидан олдин инфаркрга йўлиқасан.

Ҳар куни оқсоч Томас билан ўзига бутербродлар ва ҳўл мевалар олиб қўяр эди, Том бундай тушликдан ва гаражда уни ейишдан мамнун эди, ишқилиб амакиси ва унинг оила аъзоларини камроқ кўрса бўлгани. Улар билан битта уйда, чорвоқдаги каталакда яшаётгани унга етарли эди, у ерда туни билан терга бўкарди: кундузи том қуёшдан тандирдай қизир ва иссиққа чидаб бўлмасди. У ҳафтасига ўн беш доллар оларди. Ҳарольд амаки Порт-Филипдаги ёнғиндан қандай фойда ундиришни биларди.

Томас қиладиган бошқа иши бўлмаганидан “форд”нинг мойини алмаштирди. Албатта, амакиси гаражда бўлганида-ку, жиянини бир сония бўш қўймасди. Масалан, ҳожатхоналарни ювдирар ёки ҳовлининг бир бурчагида “сотилади” деган лавҳа остида турган эски машиналарнинг хромли бамперларига сайқал бердирарди. Том эриниб ўйлади: балки касса сани ўмариб, қуён бўлиб қолсаммикин? У касса кутичасини тортиб чиқарди — у ерда бор-йўғи ўн доллар



ва ўттиз цент бор экан. Тушликка кетаётиб Ҳарольд амакиси эрталабки тушумни ўзи билан ола кетган ва мижозлардан биронгасига қайтим бериш керак бўлиб қолса, ҳар эҳтимолга қарши майда пулларни кассада қолдирарди. Агар пулга бепарво бўлганида у гараж, мой қуйиш станцияси, эски автомобиллар бекати ва шаҳар автомобил агентлиги соҳиби бўлмас эди.

Бутербродли тугунчани олиб, Томас кўчага чиқди, шалоқ ёғоч стулни гараж деворига тақаб қўйди-да, сояда ўтириб олиб қаршидан ўтаётган машиналарга қарай бошлади.

Сирасини айтганда у бу шаҳарда ёмон яшамаётганди. Огайо штатидаги Элизиум Порт-Филипдан кичик эмасди ва анча бой ҳам эди. Бу ерда кулбалар ва тапазулнинг Томас уйда табиий бир ҳол деб ўйлайдиган бошқа аломатлари йўқ эди. Сал нарида унча катта бўлмаган бир кўл бор эди. Қирғоқда иккита ёзлик меҳмонхона ва коттежлар қад кўтарган, бу ерга ёзда қиш вақтлари Кливендда турувчи уларнинг эгалари келар эдилар. Элизиум мўъжаз курортга ўхшарди: бу ерда қулинг ўргилсин дўконлар, рестороанлар бор эди, от кимошди савдолари ва елканли қайиқлар савдолари уюштириларди. Энг асосийси эса, афтидан, Элизиумда ҳамманинг пули бор эди – шаҳарча Порт-Филипдан энг аввало шуниси билан фарқ қиларди.

Томас мумқоғозга текис қилиб ўралган бутербродни олди. Янги жавдар ноннинг юшқа бўлаги устига яхна чўчка гўшти, салат япроқчалари ва майонез қуюқ қилиб қўшилган помидор бўлаклари бор эди. Яқиндан бери Жордахларнинг оқсочи Клотильда унга ҳар гал янги, жимжимадор бутербродлар қилиб берадиган бўлиб қолганди. Бу Клотильда деганлари жудаям меҳрибон чиқиб қолди. Канададан келган ювоштина, француз жувони йигирма беш ёшларда эди. Жордахлар хонадонидида у ҳар кун эрталаб еттидан кечки тўққизларгача ишлар, таътилни унга ҳар икки ҳафтада бир марта яқшанба кунлари, буни ҳам куннинг иккинчи ярмида беришарди. Жувоннинг тим-қора кўзлари ғамгин боқар, сочлари ҳам қоп-қора эди.

Шаҳардан кечкурун кеч қайтишар экан Томаснинг ота-онаси каби Ҳарольд амаки билан Эльза хола уни сира уйда тутиб туролмадилар, – у ҳар доим ошхонадаги стол устида Клотильда унинг учун қолдирган пирог бўлагини кўрарди.

Порт-Филип ҳақидаги кераксиз суриштиришлардан қочиб учун у дўстлар ортириганди, барча билан одобли муомала қилишга тиришар эди ва Элизиумга келганидан буён бирон марта муштлашмаганди – яқиндаги кўнгилсизликлар ҳам эсидан чиққанича йўқ эди. У ўзини бахтсиз сезмаётганди. У ота-оналар зулмидан қутулганига хурсанд эди, бундан кейин акаси билан бир уйда яшаб, битта каравотда ётиб ухламаганидан хурсанд эди. Мактабга бормаса ҳам бўлаверишлигидан эса боши осмонда эди. Гаражда ишлаш унинг меъдасига урмаётганди, ҳолбуки, Ҳарольд амаки ўзига етганча зиқна эди, қачон қарамасин, ҳали у, ҳали бу деб нималардандир койингани-койинган эди. Эльза хола худди курк товукдай Томни папалар, унинг ориқлигига сабаб – тўйиб овқатланмагани деб нуқул пўртаҳол шарбасти ичирарди. Умуман амаки ва хотини бир чақага қиммат одамлар бўлса-да, унга яхшилик тилар эдилар. Томнинг икки қиз жияни ҳали жуда ёш бўлиб, уни зериктириб қўйишмасди.

Уни нега уйдан ҳайдаб юборганларини оилада ҳеч ким билмасди. Ҳарольд амаки Томдан сўраб-суриштиришга ҳаракат қилса, у мактабда ишларим чатоқ эди – айтмоқчи бу ҳақиқатга тўлиқ мос эди ҳам – отам уйдан кетсанг ўз аравини ўзинг торсанг яхши бўлади, дедилар дея мужмал жавоб қайтарарди. Ҳарольд амаки кишининг одам бўлиши учун мустақил ҳаётнинг таъсири яхши бўлишини англаб етадиганлардан эмасди, бироқ шундай бўлса-да, нима учун шунча вақт ичида Томасга уйдан битта ҳам хат келмаганлиги ва Томнинг етиб келгани ҳақида Акселнинг кўнғироғидан кейин Порт-Филип билан ҳар қанақанги алоқа узилиб қолганлиги уни таажжубга соларди. Ҳарольд Жордахнинг ўзи намунали оила бошлиғи бўлиб, қизларини жонидан яхши кўрар ва хотинига совға олиб беришда ҳеч пулнинг юзига бормасди, нима бўлганда ҳам унинг маблағи Элизиумда егани олдида, емагани кетида бўлиб яшаш учун етиб-оргарди.

Акасидан мутлақо фарқли ўлароқ Ҳарольд Жордах барибир бир нарсада у

билан яқдил эди: уларнинг оилалари тоза қонли немислар ва уларни урушга жўнатиш тўғри келмайди. “Оркестр жаврай бошлаши ҳамон улар қадам ташлайдилар, — дерди у. — Бу урушнинг нимаси яхши? Сержант қичқиради, сен бўлсанг ёмғир остида ер тепасан, лойда ухлайсан, топ-тоза тўшақда хотининг билан ётиш қаёқда? Етти ёт одамнинг ўқиға ўзингни тутиб берасан, кейин, борди-ю, ажалинг етмай ўлмай қолсанг, ҳатто бир дона тунги тувакка ҳам ёлчимай, эски солдат кийимида қолаверасан! Уруш армияга тўп ва кемалар етказиб берувчи Крупш каби йирик саноатчиларга фойдали, оддий одам учун эса... — У елка учириб кўярди. — Сталинград! Кимга керак у?” Шунга қарамай, Ҳарольд Жордах миясидан товонигача немис эди, у америка немисларининг ижтимоий ҳаракатларида бирон марта ҳам иштирок этмаганди. Унга яшаётган жойида яшаш, ҳозир қандай бўлса шундай бўлиш ёқарди ва унинг обрўйига путур етказиши мумкин бўлган бирон-бир ташкилотта бирон-бир йўл билан аъзо бўлишни хаёлига ҳам келтирмасди. ... Менинг ҳеч кимга адоватим йўқ — унинг ҳаётининг асосий тамойилларидан бири шу эди. — Поляк, француз, инглиз, яхуди, ким бўлмасин... Ҳатто рус бўлмайдами! Ҳар бири мендан машина ёки ўн галлон бензин сотиб олиши мумкин, борди-ю, ҳақиқий америка долларарида пул тўлайдами — у менинг дўстим”.

Томас амакисининг уйида анча тинч яшамокда эди, лекин у биларди: бу кўналғаси вақтинча, эртами, кечми у бу ердан кетади. Ҳозирча шошадиган жойи йўқ.

У пакетдан иккинчи бутербродни олмоқчи бўлиб турган эди ҳамки, гараж олдиға икки эгизак опа-сингилға қарашли ўттиз саккизинчи йилда чиққан “шевроле” яқинлашиб келди. Том машинада улардан биттаси ўтиганини кўрди. Бу Этелми ё Эднами — у билолмади. Кўпчилик шаҳар йигитларидай у униси билан ҳам, буниси билан ётиб юрар эди, аммо ҳамон уларни ажратолмасди.

— Салом, эгизакча, — деди у таралдуланиб қолмаслик учун.

— Салом, Том.

Ўн олти яшар, офтобда пишган, силлиқ қизғиш-қўнғир сочли эгизаклар хушрўй қизлар эди ва агар уларнинг шаҳарда дон олишмаган биронта эркак зоти қолмаганини билмаса, ҳар қандай йигит улар билан жон-жон деб жуфти ҳалолликка рози бўларди.

— Қани айт-чи, менинг отим нима? — талаб қилди қиз.

— Қўйсанг-чи.

— Айтмасанг, бориб бошқасидан мой қўйдириб оламан.

— Боравер. Пул менгамас, амакимға келади.

— Мен сени сайилға таклиф қилмоқчиман, — деди қиз. — Кўлга. Кечкурун. Қовурилган сосиска, роса уч кути пиво. Аммо отимни айтмасанг, сени таклиф қилмайман.

Вақтдан ютиш учун Том унга кулимсираб қараб турарди. Қизнинг ёнидаги ўриндиқда у оқ чўмилиш кийимини кўрди.

— Мен шунчаки сенинг жиғингға тегмоқчи эдим, Этель, — деди у. Этелнинг чўмилиш кийими оқ, Эднаники кўк эди. — Мен сени дарров танидим.

— Тўғри топганинг учун менға уч галлон бензин қуй.

— Мен сени топмадим, балки дафъатан билган эдим. Сени яхши эслаб қолганман.

— Бўлмаса-чи. — Этель атрофига кўз югуртирди ва бурунчасини жийирди.

— Бунақа овлоқ жойда қандай ишлаб бўлади? Сендай йигит бундан кўра дурустроқ иш топсанг бўларди-ку. Масалан, бирон идора-пидорадами?!

Улар танишишганда Томас, ўн тўққизга кирдим, ўрта мактабни тугатганман деганди.

— Бу ер менға ёқади. Мен очиқ ҳавода ишлашни яхши кўраман. Ҳозир эса тезда кет, бўлмаса амаким келиб қолади-да, мендан бензиннинг талонини талаб қилади.

— Бугун қаерда учрашамиз? — сўради Этель, моторни юргизаркан.

— Кутубхона ёнида саккиз яримда. Сенға маъқулми?

— Бўпти, саккиз яримда, жонон йигит. Кун бўйи офтобда тобланиман, сени ўйлайман, оҳ тортаман. — Шундай дея Томға қўл силкиб қўйди-да, қиз кетди.

Томас яна шалоқ стулга ўтирди-да, иккинчи бутербродни олди. Унинг устида икки букланган қоғоз турарди. У қоғозни ёйди. Болаларча саришгалик билан қаламда шундай ёзилганди: “Мен сени севаман”. Том қошларини чимирди. У хатни дарров таниди – ошхонадаги тоқчада ҳар доим бир дафтарча ётарди, унда Клотильда ҳар куни нима харид қилинишини ёзиб борарди.

Том аста хушпак чалиб қўйди ва овоз чиқариб ўқиди: “Мен сени севаман”. У эндигина ўн олтига кирган бўлса-да, аммо овози ҳали болаларга хос тарзда баланд эди. Йигирма беш яшарлик жувоннинг гапини иккита қилиб бўларканми?

Ҳеч қанақа пикник-микника бормаёди, тамом!

## II

Рудольф ўз жаз-гуруҳини “Бешаласи дарёдан” деб атади, чунки уларнинг барчаси Порт-Филиппда, Гудзонда яшар эди. Боз устига, унга ушбу ном муғлақо бадийий жаранглаб, маҳораг чўққиларига чиқишдан дарак берарди.

Улар билан уч ҳафталик битим тузилди ва яқшанбадан ташқари ҳар оқшом улар шаҳар четига “Жек ва Жилл” йўл бўйи дансингида куйлар чалар эдилар. Улкан тахта барак рақс тушаётганларнинг депсинишларидан ларзага келарди. Девор ёқалаб баракнинг узун пештахтаси чўзилганди, залнинг ярмига майда столчалар қўйилган бўлиб, уларда мижозлар пивоҳўрлик қилишарди. Йигитлар теннис шимларида, кўйлаб қизлар оддий шимда келишарди. Хушгорсиз қизлар ҳам келишарди. Улар биронтасининг рақсга таклиф этишини кутишпанча девор ёқасида туришар ёки бир-бирлари билан рақс тушар эдилар. Хуллас, муассаса жуда ҳам кетворган бўлмаса-да, Рудольфнинг жазига ёмон тўлашмасди.

Куй чалар экан, Рудольф Жулининг бўйинбоғли пиджак кийган йигитнинг – биринчи курс талабаси экани яққол кўришиб турарди – таклифини рад этганини кўриб ич-ичидан суюнди.

Жулининг ота-онаси шанба оқшомларини Рудольф билан ўтказишига ва уйга кеч келишига рухсат бериб қўйишганди, улар Рудольфга ишонар эдилар.

Оркестрнинг мусиқий автографи уч тактини чалиб бўлгач, ўн беш дақиқалик танаффус эълон қилиб, Рудольф Жулига очиқ ҳавода нафас олгани чиқишга имо қилди: деразалар очиқ бўлишига қарамай барак ичи Конго водийси каби иссиқ ва рутубатли эди.

Улар машиналар турган дарахтлар тагига етиб келишганда Жули унинг қўлидан тутди. Унинг кафти қуруқ, илиқ, юмшоқ ва ғоят ёқимли эди. Қизик, қизнинг қўлидан тутиб одам қанақанги мураккаб туйғуларни кечирмайди. Улар автобекат охирига, дансинг эшигидан узокроққа ўтишди, у ердаги айвончада тоза ҳаводан нафас олмоқчи бўлиб чиққан раққосалар туришарди. Кейин иккаласи қандайдир машина эшигини очишди-да, ичига кириб олиб, қоронғида ўпиша кетишди. Улар қаерда имкони топилса, ўша ерда ўпишиб кетаверар эдилар, аммо шундан бошқасига ўтишга йўл қўймас эдилар. Қиз бошини орқага ташлади ва йигит унинг бўйнидан ўпди.

– Мен сени севаман, – шивирлади Рудольф вужудини ғайриоддий севинч чулғаб. Бу севинчни унга биринчи марта ирод этилган ҳозирги сўзлар инъом этганди. Қиз уни маҳкам кучоқлаб олди. Унинг силлиқ кучли қўлларидан ёзинг, шафтолининг ҳиди келарди.

Тўсатдан эшик очилди ва эркак овози сўради:

– Нима бало қилаяпсизлар бу ерда?

Рудольф қаддини ростлади ва химоячи ҳаракати билан қўлини Жулининг елкасига қўйди.

– Атом бомбаси портлашини муҳокама қилаяпмиз, – совуққонлик билан жавоб берди у. – Хўш, сизнингча, биз бу ерга тагин не мақсадда кирган бўлардик? – Жули олдида ўзининг саросимага тушганини билдиргандан кўра ўлиб қўяқолгани минг қарра афзал эди.

Кўтилмаганда эркак кулиб юборди.

– Эгри қозикқа эгри тўқмоқ, – деди у орқага тисарилиб. Дарахтда осиелиқ фонарнинг хира ёлдусида Рудольф уни таниди – силлиқ қилиб таралган сарғиш соч, ошпоқ бароқ қош...

– Кечир, Жордах, – деди Бойлан. Унинг овозида кулгили ҳайрат қулоққа чалинарди.

У мени билади, ўйлади Рудольф. Аммо қардан?

– Начора, бу менинг машинам, – давом этди Бойлан, – аммо ўзингизни уйдагидай ҳис этаверинг. Қисқа ҳордиқ вақтида артистга халақит бермоқчи эмасман. Барибир, ҳали ишга шошилаётганим ҳам йўқ. Бориб ул-бул ичаман. Агар оқшомдан кейин мен билан бирга уйқута кетиш олдидан бир стакандан пиво ичсангиз, хоним икковингиз менга катта илтифот кўрсатган бўлар эдингиз. – Енгил таъзим қилганча у оҳиста эшикни ётди-да, узоқлашди.

Уятдан лов ёнганича Жули қилт этмай ўтирарди.

– У бизни билар экан, – шивирлади у.

– Мени, – унинг гапини тўғрилади Рудольф.

– Ким бу?

– Бойлан фамилияли одам. Барчага маълум қулуг хонадондан.

Улар индамай машинадан тушишди-да, дансингга қайтиб келишди. Рудольф қизни унинг столига ўтқазди, унга яна бир шиша лимонад буюрди, ўзи эса эстрадага қайтди.

Йигитлар тунги соат иккида “Яхши ётиб турунглар, хонимлар” куйини чалишди ва созларини йиғишга бошлашганида Бойлан ҳамон бар пешпахтаси ортида турарди. Ўрта бўйли, жиддий, юпқа мовут шим ва шитирловчи бўз пиджак кийган бу одам теннис шими, сарғиш-жигарранг тусли солдагча либос ва арзон кўк костюм кийган йигитлар орасида кўзга яққол ташланиб турарди. Рудольф ва Жулининг кетишга ҳозирланаётганини кўриб у аста уларнинг олдига келди ва сўради:

– Кетишга машиналаринг борми, болалар?

– Умуман, бор, – жавоб берди Рудольф. “Болалар”га бало борми, гижиниб ўйлади у. – Йигитларимиздан биттасининг машинаси бор, биз кўпинча ҳаммамиз шунга тиқилиб оламиз.

– Менинг машинамда бемалолроқ кетасизлар, – деди Бойлан ва Жулининг кўлидан тутди-да, эшикка йўналди.

Аввал сени олиб бориб қўяман, деб Бойлан Жулидан манзилени сўрагач, Рудольф енгил нафас олди – кейин рашк қилиб юришига ўрин қолмайди. Эзилган ва ғайриоддий тарзда хомуш Жули улар ўртасидаги ўриндиқда кўзларини тўғрига қадаганча ўтирарди.

Бойлан машинани тез ва дадил ҳайдар эди. Худди пойгачидай у олдинда кетаётган машиналарни шиддат билан қувиб ўтар эди.

Бойланнинг рудда ўзини тутишидан Рудольф ҳайратда қолмай иложи йўқ эди ва бундан ўзини ноўнгай ҳис қилди – унинг Бойланга тасанно айтишга ҳаққи йўқ эди: бу сотқинликка кирарди.

– Жазингиз оҳангни яхши чиқарар экан, – деди Бойлан. – Рақс тушиш учун жуда кексалик қилишимдан ҳатто афсусландим ҳам.

Рудольф ўзича унинг бу эътирофини маъқуллади. Ўтиздан ошган одамнинг рақс тушишини у ножоиз ва ҳағто одобсизликка йўярди. У ўзини яна гуноҳкор ҳис этди: яна унга Бойландagi нимадир ёқиб қолганди. Яхшиямки Бойлан жуда бўлмаганда Гретхен билан рақс тушмади, ўзини ва уни кулгига қўймади. Чолларнинг ёшлар билан рақс тушиши энди мулақо жirkanч ҳисобланади.

– Сиз жудаям ёқимтой экансиз, Жули, – деди Бойлан қизга қараб. – Сизга қараб туриб ҳеч бўлмаганда ўпишиш учун у қадар кексалик қилмаслигимдан хурсандман.

Қари ифлос хотинбоз, ўйлади Рудольф асабий равишда чолгуси гилофини қисмлаганча. У Бойландан машинани тўхтатишни илтимос қилмоқчи бўлди, бироқ Жули билан яёв кетса шаҳаргача тонгги тўртдан олдин етиб боролмасдилар. Ҳатто гап унинг шаънига дахл қилганда ҳам ўзини йўқотмайди, алам билан ўйлади Рудольф.

– Э-э... ҳа, Рудольф... Сенинг исминг Рудольф эди-ку, – бурилди унга томон Бойлан.

– Ҳа, – омажонининг сира ичида гап ётмайди-да.

– Сен моҳир трубаачи бўлмоқчимисан? – Бойлан хайрихоҳ кекса мураббийларга хос оҳангга берди бу саволни.

– Йўқ. Мен у қадар яхши чалолмайман.  
– Бир ҳисобдан тўғри, – унга қўшилди Бойлан. – Муסיқачиларнинг кўрган куни курсин. Бунинг устига аллақандай пасткашлар билан оғиз-бурун ўпишишларига тўғри келади.

– Лекин мен бунга ишонмайман, – эътироз билдирди Рудольф. Ҳамма нарса Бойлан айтганидек бўлаверишига у индамай туролмасди. – Бенни Гудмен. Пол Уайтмен ва Гун Армстронгдек одамлар пасткашлар бўлмаса керак.

– Ким билади.

– Улар артистлар, – қуруққина деди Жули.

– Қарға қарганинг кўзини чўқимайди, қароғим, – секин кулиб қўйди Бойлан ва яна Рудольфга мурожаат қилди: – Келажакда қандай режаларинг бор?

– Ҳозирча билмайман. Аввал коллежга киришим керак.

– Шунақа де? Коллежга кирмоқчимисан? – Бойланнинг овозида ҳайрат бор эди. Камгарона ҳайрат.

– Нима учун у коллежга кира олмас экан? – қизишиб сўради Жули. – У ҳаммасидан аъло ўқийди ва яқинда уни Аристага қабул қилишди.

– Росданми? Авомлигим учун мени кечирасиз-у, аммо Ариста нима дегани?

– Бу фахрий мактаб илмий жамияти, – шошиб жавоб берди Рудольф, Жулини ноқулай вазиятдан қутқаришга ҳаракат қилиб: уни болаларча ҳимоя қилишларини истамасди. – Мундоқ олиб қараганда, бу жуда унақа нарса эмас, ўқишни ва ёзишни билган ҳар қандай одам...

– Бу жуда унақа нарса эмаслигини ўзинг жуда яхши биласан, – хафа бўлди Жули. – Ариста аъзолари – мактабнинг энг қобилиятли ўқувчилари. Агар мени Аристага қабул қилишганида, мен ҳозиргидай мунғайиб қолмас эдим.

– Албатта, бу катта шараф. У шунчаки камтарлик қилаяпти. Одатдаги эркакча қилиқ, – мурасосозлик билан деди Бойлан. – Хўш, қайси коллежга кирмоқчи бўлаяпсан, Рудольф?

– Ҳали бир қарорга келганимча йўқ.

– Ҳа, бу гоят жиддий масала. Сен у ерда танишадиган одамлар сенинг бутун келгувсидаги ҳаётингга таъсир қилиши мумкин. Сен учун ўзимнинг алма матегамга оғиз очиб кўрсан майлими? Ҳозир, барча қаҳрамонларимиз урушдан уйларига қайтиб келаётган бир вақтда сенинг ёшингдаги болаларнинг коллежга кириши осон бўлмайди.

– Раҳмат, – миннатдорлик билдирди Рудольф. Унга фақат шу етмай турувди! – Олдинда ҳали етарлича вақт бор.

Улар Жулининг уйига етиб келишди.

– Мана, етиб ҳам келдик, – деди Бойлан. Рудольф эшикни очди ва машинадан тушди.

– Олиб келиб қўйганингиз учун раҳмат, – қуруққина ташаккур билдирди Жули, машинадан тушди-да, Рудольфнинг ёнидан ўтиб айвончага йўналди. Рудольф унинг изидан борди. Қиз калитни қидириб бошини эгганча сумкачасини кавлаштиради экан, йигит хайрлашув бўсаси олиш учун унинг бақбақасидан тутишга ҳаракат қилди, бироқ Жули жаҳл билан тисарилди.

– Лаганбардор. – Сўнг зарда билан кесатди. – “Унақа нарса эмас. Ўқишни ва ёзишни биладиган ҳар қандай одам...”

– Жули!

– Бор, бойларнинг оёғини ялайвер! – (Рудольф уни бу қадар оқариб кетган ва ётсиратган ҳолатда биринчи кўриши эди). – Сассиқ чол. Сочларини бўяб олибди. Ҳатто қошларини ҳам! Баъзи бировларга машинасида юриш бўлса бўлди, бошқа нарса керак эмас.

– Жули, сен ноҳақсан. – Агар қиз Бойлан ҳақидаги ҳақиқатни билганида эди, Рудольф унинг бу газабини тушунган бўларди. Шунда ҳам фақатгина ўртадаги ҳурматини йўқотмасликка ҳаракат қилиш учун, холос... – Мен эртага соат тўртда олдинта келаман.

– Бир умр орзу қилибман-а! – унинг гапини бўлди Жули. – Аввал мен “бюик”ли бўлай, кейин келарсан. – Ниҳоят, у калитни топди ва уйга кирди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Рудольф секин ортига қайтди. Агар севги деганлари шу бўлса, садқай сар! У машинага ўтирди.

– Мафтункор қиз экан бу Жули, – деди Бойлан. – Сизлар фақат ўпишасизларми ё бошқача ишлар ҳам бўлиб турадимиз?

– Бу менинг шахсий ишим, сэр, – жавоб берди Рудольф. Ҳатто бу одамга нисбатан ғазаби қайнаб турганида ҳам сўзлари совуқ ва синиқ жаранлаганидан гурурланиб қўйди у. Рудольф Жордах ҳеч кимга ўзи билан қора халқларча муомала қилишга йўл қўймайди.

– Албатта, – тин олиб маъқуллади Бойлан. – Аммо васвасага бас келиш қийин. Айниқса, сенинг ёшлиқда... – Гўё унинг тўшагидан ўтган қизларни бир-бир эсга олгандек у жимиб қолди. – Айтмоқчи, – давом этди у лоқайд, жиддий оҳангда, – опангдан хат-пат олиб турибсанми?

– Аҳён-аҳёнда, – сергак тортиб жавоб берди Рудольф.

Гретхен Нью-Йоркдаги Ёш хотин-қизлар насронийлар ассоциясининг ётоқхонасида турарди ва бирон-бир труппага ишга киришга ҳаракат қилиб, театрлар эшигининг турумани бузмоқда эди. Бироқ продюсерлар мактаб саҳнасида Розалинда ролини ўйнаган қизларни олишга кунда иштиёқманд эмасдилар, шу боис у ҳалигача иш тополмаганди, аммо бу вақт ичида Нью-Йоркнинг дидига ўтириб улгуранди. Биринчи хатида у Рудольфдан уйдан чиқиб кетар чоғида унга қилган қўпол муомаласи учун кечирим сўраганди – ўшанда у қаттиқ қизишиб кетган ва нима деяётганини ўзи ҳам билмаганди. Аммо у ҳамон Порт-Филиппа узоқ қолиш Рудольфга зарар деб ҳисоблайди. Жордахлар оиласи – бу ботқоқлик, деб ёзганди опаси, бу фикрдан уни ҳеч ким қайтаролмасди.

– Афтидан бизнинг у билан танишлигимиз сенга аён, шекилли? – ланж оҳангда сўради Бойлан.

– Ҳа.

– У сенга мен ҳақимда гапирганмиди?

– Эсимда йўқ.

– Ҳа-ҳа-ҳа. – Бу билан Бойланнинг нима демоқчи бўлганлигини англаш қийин эди. – Сенда унинг манзили борми? Мен гоҳ-гоҳ Нью-Йоркда бўлиб тураман, пайти келиб қизларни яхши бир кечки овқат билан сийлаб қўйсам чакки бўлмасди.

– Бахтга қарши, менда унинг манзили йўқ, – ёлғонлади Рудольф. – У доим бир жойдан бошқа жойга қўчиб юради.

– Тушунаман. – Бойлан, афтидан, унинг ичидагини билиб турарди, бироқ қисталанг қилмади. – Билганинда, илтимос, менга хабар қил. Менда унинг бир нарсаси қолганди, балки у уни қайтариб олар.

– Яхши.

Бойлан Вандерхоф стрипта бурилди-да, булочка дўкони олдида машинани тўхтатди.

– Мана, келдик, – деди у. – Ҳалол меҳнаткашнинг уйи. – Калака қилаётгани шундоқ кўриниб турарди. – Бўпти, яхши ётиб тур, йигитча. Мароқли оқшом учун ташаккур.

– Яхши ётиб турунг. – Рудольф машинадан тушди. – Раҳмат.

– Ҳа, яна бир гап. Опанг менга сени ашаддий балиқ овловчи деб айтганди. Менинг еримда зўр дарёча бор, форел тўлиб ётибди унда. Хоҳласанг, истаган вақтингда келавер.

– Раҳмат. – Уни сотиб олаяпти. Аммо таслим бўлаётганини у билиб турарди. – Вақт топиб, борарман.

### III

– Ҳа, мен баданимни сотмоқчиман. Буни ҳаммага баралла эълон қиламан! – деди Кентукки штатидан келган Мэри-Жейн Ҳеккет. – Истеъдоднинг бозори ўлган. Уларга бадан керак, вассалом. Ёш ва майин бадан.

Гретхен ва Мэри-Жейн Ҳеккет Николснинг тор, эски афишалар ёпиштириб ташланган қабулхонасида ўтирар эдилар. Улар бошқа қиз ва йигитлар билан биргаликда қабулни кутишарди: шундай миш-миш тарқалган эдики, гўё Брайд

Николс янги пьеса қўймоқчи эмиш ва унга артистлар талаб қилинармиш — тўртта эркак ва иккита аёл.

Сийнаси ясси, баланд қомати келишган Мэри-Жейн манекенлик қилиш билан тирикчилик қилиб келаётган эди. У Бродвейда иккита касодга учраган пьесада ўйнаган ва мавсумнинг ярмини бир ёзга мўлжалланган ночор трупада ишлаган эди — шулар барчаси унга сахна фахрийси деган қадриятини тутиб туришга асос берар эди. Брайд Николс бир вақтлар сахнага қўйган пьесалар афишаларига ноз билан суяниб олган бир тала актёрларга кўз югуртириб, у баланд овозда деди:

— Мана бу ёшларга бир қаранглар. Зўра елкамдан келишади. Қахрамон аёл бугун уч парда давомида тиззада юрадиган пьеса ёзиб бермагунларича мен ролга умид қилмасам ҳам бўлади. Эй худо, америка театрига нима бўлган ўзи?! Эркаклар — митти одамлар, борди-ю, беш футдан юқориси учраб қолгудек бўлса, тайёр томик-да.

— Фи, фи, Мэри-Жейн, — деди баланд бўйли йигит.

— Қизиқ, сен охириги марта қиз болани қачон ўшгансан? — ўсмоқчилаб сўради Мэри-Жейн.

— Йигирма саккизинчи йилда, Герберт Гувер президент этиб сайланиши шарафига, — ўйламасдан жавоб берди йигит.

Қабулхонада ўтирганларнинг барчаси гурр этиб кулиб юборишди.

Гретхенга у шўнғиб кирган бу янги олам муҳити ёқиб қолганди. Бу ерда ҳамма бир-бири билан оддий гаплашарди, отини айтиб чақирарди ва бир-бирига ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Борди-ю, биронта қиз қаердадир банд бўлмай қолган ролини ижро этишга ижрочи аёл қидиришаётганини эшитиб қолгудек бўлса, у ўша заҳоти бу ҳақда барча дугоналарига хабар қилар ва ҳатто кўрик учун мос келадиган қўйлагини қарзга бериб ҳам турарди. Гретхен ўзини каттакон меҳмондўст клубнинг аъзоси деб ҳис қилар, уни киришга насаб ё пул эмас, балки ёшлик, иззат-нафс ва бир-бирининг истеъдодига бўлган ишонч ҳуқуқини берарди.

Энди у соат ўнгача ухларди, виждони азоб чекмасди. У уйланмаган ёш йигитларнинг уйларига борар ва у ерда репетиция қилиб тонгача ўтириб чиқарди, — ким нима деб ўйлаши мумкинлиги уни заррача ташвишга солмасди. Сахнада таманно билан ҳаракат қилишни ўрганиш учун ҳафтада уч марта балет синфига қатнардди. Йўловчиларнинг унга қараётганларини кўриб у уларнинг бу ҳам Нью-Йоркда тутилган деб ўйлаётганларига сира шубҳа қилмасди. Унга олдинги торгинчоқлигидан бутунлай халос бўлгандек туюлмоқда эди. У кўпинча кечкурун ёш йигит актёрлар билан овқатланар, овқатга пулни ҳам ўзи тўлар эди. Лекин унинг хушторлари йўқ эди: беш кўлини баравар оғизга тикиш ярамайди, аввал иш топсин.

Кабинет эшиги очилди ва Байард Николс, унинг ортидан эса авиация капитани либосидаги ўрта бўйли қотмароқ одам чиқди.

— Агар иш чапасидан кетса, Вилли, — дерди йўл-йўлакай Николс, — мен сента хабар қиламан. — Унинг товуши паришон, ғамгин эди. Николс фақат ўз омадсизликлари ҳақида эсларди. У қабулхонада тўлланган одамларга маъносиз кўз югуртириб чиқди.

— Мен келаси ҳафта олдинга ўтаман-да, сени тушликка таклиф қиламан, — деди капитан. Унинг товуши паст, деярли баритон эди ва унинг нозиклиги ва кичик ҳуссасига асло мос келмасди. Худди ҳалигача курсант ҳолича қолиб кетганидай қаддини тик тутиб юарди. Башараси ҳарбийларга зинҳор ўхшамасди. Кўнғир сочлари ҳаддан ташқари узун ва пахмоқ, манглайи дўнг ва чўнг бўлиб, капитанга Бетховен сиёқини бахш этиб турарди, кўзлари оч мовий.

— Мистер Николс... — боягина Мэри-Жейн билан гап сотишган йигит олдинга бир қадам ташлади.

— Келаси ҳафта, Берни, — кўлини силтади Николс ва яна ҳеч бир маъносиз ҳолда қабулхонадагиларга кўз югуртириб чиқди.

— Мисс Саундерс, — мурожаат қилди у котигабага, — бир дақиқа олдимга кириш. — Кўлини заиф, мотамсаро силтаб қўйди-да, Николс кабинети эшиги ортга гойиб бўлди.

— Хонимлар ва жаноблар, — тантанавор эълон қилди капитан, — ҳеч

биримиз ўз ишимиз билан шуғулланмаймиз. Мен ҳарбийлар мулки воситачи дўкони очишни таклиф этаман. Илгари қўлланилган базука қуролига<sup>1</sup> талаб катта! — Сўнг боши узра қад ростлаб турган Мэри-Жейнга қараб қўйди-да, қўшимча қилди:

— Салом, митти қиз.

— Ўша оқшомги зиёфатдан кейин сени тирик кўрганимдан хурсандман, Вилли, — деди Мэри-Жейн унинг юзидан ўйиб, бунинг учун унинг эгилишига тўғри келди.

— Иқрор бўлиш керакки, ҳаммаси аста-аста изга тушиб кетмоқда, — унга қўшилди капитан. — Юрагимиздан жанговар кунларнинг маънос хотираларини юйиб ташляпмиз.

— Тўғрироғи, тўкиб ташляпмиз, — луқма солди Мэри-Жейн.

— Кичкина севинчимиз учун бизни қойима. Сизлар чулкиларга белбоғни реклама қилиб ётганингизда бизнинг Берлиннинг қоп-қора осмонида зенит ўқлари остида парвоз қилганимизни унутма.

— Ие, ростданам Берлин устида парвоз қилганмисан? — ҳайрон бўлди Мэри-Жейн.

— Йўқ, албатта. — У ўзининг қахрамонлиги ҳақидаги афсонага чек қўйиб, Гретхенга қараб қўйди ва яна Мэри-Жейнга қаради: — Мен сабр билан кутаман, миттивой.

— Э-ҳа, — деди жувон, — танишинглар, Гретхен Жордах — Вилли Эббот.

— Такдир мени бугун Николс қабулхонасига олиб келганидан нақадар бахтлиман, — деди Эббот.

— Салом! — Гретхен аста студдан турди. Минг қилса ҳам у капитан, ахир.

— Сиз ҳам актриса бўлсангиз керак?

— Бўлишга ҳаракат қилаяпман.

— Расво касб, — деди Эббот. — Бир тўтрам нон учун Шекспирни ўқиш.

— Қичиқ қилмасанг-чи, Вилли, — деди Мэри-Жейн.

— Сиздан ажойиб хотин ва қулинг ўргулсин она чиқади, мисс Жордах. Кейин сўзларимни эслайсиз. Аммо нега мен сизни илгари ҳеч учратмаганман?

— У Нью-Йоркка яқинда келган, — унинг учун Мэри-Жейн жавоб қилди. Бу огоҳлантиришдек садо берди: айтмаган жойга бурнингни тикма. Рашкми?

— Эҳ, яқинда Нью-Йоркка келган бу қизлар! — деди Эббот. — Олдингизда тиз тушиб ўтирсам майлими?

— Вилли, — тумшайди Мэри-Жейн.

Аввал Гретхен, сўнг Эббот қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Эбботнинг тишлари гуручдай майда ва ошпоқ эди.

— Болаликда она меҳрига зор бўлиб ўсанман-да.

Кабинетдан котиба чиқиб келди ва эълон қилди:

— Мисс Жордах, мистер Николс сизни таклиф қилаяпти. Қолганлар кетавериши мумкин.

Юбаси нижимларини асабий текислаганча Гретхен ўрнидан турди.

Николснинг кабинети қабулхонадан бир озгина катта эди. Қуруқ деворлар, сунъий чарм папкалардаги пьесаларнинг қўлёзмаларига қўмилган ёзув столи, стол ёнида — ёғоч ўриндиқ. Деразаларни чанг босган. Умуман бутун хона маънос тасаввур қолдирарди кишида: афтидан, унинг соҳибининг ишлари ҳаддан ташқари чатоқ эди ва ҳар ойнинг биринчи кунда хона ижараси учун пулни амал-тақал қилиб тошарди.

Гретхен киргач, Николс ўрнидан турди, қўли билан ўтиришга таклиф эди. Сўнг ўзи ўтирди ва заҳар томиб турган юзи билан қизни узоқ кузатди, гўё унга асли йўқолган суратни эслаш топширилгандай. Азбаройи асабийлашганидан Гретхенга тиззалари қалтираётгандай туюлди.

— Эҳтимол, сиз менда театрда ишлаш тажрибаси бор-йўқлигини билмоқчидирсиз, — гап бошлади қиз. — Мақтанадиган жойим йўт-у, аммо...

— Йўқ, — унинг гапини бўлди Николс. — Айни вақтда бу муҳим эмас. Мисс Жордах, сизни синаб кўрмоқчи бўлаётган рол, тўғриси айтсам, бемаъни. — У гапгин бош чайқади, гўё у танлаган касб уни қанақанги аҳмоқона

<sup>1</sup> Б а з у к а — бир одам ишлатадиган танкка қарши реактив қурол (тарж.).



ишларни қилишга ундашини тан олиш унинг учун нечоғли оғирдек. — Сиз чўмилиш либосида ўйнашга розимисиз? Тўғрироғи, уч хил чўмилиш либосида.

— Ҳалиги, биласизми... — қиз майингина жилмайди. — Бу қатор сабабларга боғлиқ, — Э ўл! Нимага боғлиқ экан?! Чўмилиш кийимининг катта-кичиклигигами? Ролнинг катта-кичиклигигами? Унинг сийнасининг катта-кичиклигигами? У онасини ўйлади. Онаси бирон марта ҳам театрда бўлмаган. Бахтли аёл!

— Афсуски, бу рол сўзсиз. Қиз бор-йўғи сахнадан уч марта юриб ўтади, ҳар пардада бир мартадан ва ҳар гал янги чўмилиш либосида.

— Тушунаман, — деди Гретхен. Унинг Николсдан газаби кўзимоқда эди. У туфайли Вилли Эббот Мэри-Жейнни ташлаб кетди. Энди уни топиб бўлибсан. Капитан, капитан... Шаҳарда олти миллион аҳоли бор! Киши лифт эшигини ёпдим, тамом, уни ҳаминшаликка йўқотасан. Бу ерда эса — сахнадан юриб ўтасан! Бунинг устига қарийб қип-яланғоч ҳолда.

— Пьесада бу қиз — тимсол. Драмаатургнинг фикри шундай ҳар ҳолда. У ёшлик, гўзаллик ва ҳиссийлик тимсолини билдиради, — давом этди Николс тасалли берувчи оҳангда. — Азалий аёллар сири. Мен муаллиф сўзларини келтиряпман. Залдаги ҳар бир эркак қиз сахнадан юриб ўтаётганда буни ҳис этиши ва: “Э худо, нега ўйландим-а?” деб ўйлаши керак. Мен яна муаллиф сўзларини келтирдим. Сизда чўмилиш кийими борми?

— Ҳа... бўлса керак.

— Сиз “Беласко” театрига соат бешда чўмилиш либоси билан кела оласизми? У ерда режиссер ва муаллиф бўлади.

— Яхши, бешда, — бош ирғади Гретхен. Алвидо, Станиславский! У қизараётганини сизди. Иккиюзламачи. Буни иш деб қўйибдилар.

Подъезддан чиқиши билан у Эббот ва Мэри-Жейнга дуч келди. Гретхен жилмайди. Шаҳарда олти миллион одам яшаса нима қилибди, мана бу иккалови уни кутиб турган экан-ку, ҳеч бўлмаганда!

— Биргаликда овқатланишга таъбингиз қалай? — сўради Вилли.

— Очликдан ўлай деяпман, — жавоб берди Гретхен.

У ойнадаги аксига синчковлик билан қараганча қора чўмилиш либосида театр пардозхонасида турарди. Эшик тақиллади ва режиссер ёрдамчисининг овози эшитилди.

— Мисс Жордах, тайёр бўлсангиз, кутаяпмиз сизни.

Қизарганча у эшикни очди. Бахтига сахнадаги чироқ хира эди ва унинг қизарганини ҳеч ким пайқамасди.

— У ёққа ва бу ёққа бир неча бор юриб ўтасиз, холос, — деди режиссер ёрдамчиси.

Чироқсиз залнинг тахминан ўнинчи қаторларида кимларнингдир қораси кўринарди.

Саҳна поли супурилмаган, орқа деворнинг сувоқсиз гишлари Рим харобаларини эса соларди.

— Мисс Гретхен Жордах, — қичқирди режиссер ёрдамчиси қоп-қоронғи тўбсиз залга қараб, гўё ярим тунги денгиз тўлқинлари томон ичига хат солинган шишани отган каби. Мана, сузиб кетдим мен ҳам. Унинг қочиб кетгиси келди.

Гретхен сахнанинг у бошидан бу бошигача юриб ўтди. У тоққа чиқаётгандек ҳис этди ўзини. Чўмилиш кийимидаги арвоқ.

Зал жимжит эди. Гретхен изига қайтди. Тиқ этган товуш йўқ. Оёғига зирапча киришидан кўрқиб, у сахнадан яна бир неча марта юриб ўтди.

— Ташаккур сизга, мисс Жордах, — Николснинг мунгли овози эшитилди.

— Зўр. Эртага ҳузуримга кириш ва биз шартнома тузамиз.

Бор-йўқ гап шу экан-ку. Қиз энди ҳеч ҳам қизармай қўйганди.

Вилли чокқина қоронғи “Алконквин” барининг баланд столида виски ичиб ўтирарди. У қизни дарҳол кўрди ва айланма курсида унга томон ўтирилди.

— Соҳибжамол қизимиз ҳозиргина “Беласко” театрида азамат аёл сирини фош этувчи ролни олган гўзалга ўхшайди. Мен муаллиф сўзини келтирдим. — Гретхен Николс билан ораларида бўлиб ўтган суҳбатни ҳикоя қилганда Вилли ва Мэри-Жейн узоқ хохолаб кулишди.

- Қиз қатордаги курсига чўкди.
- Тошдинг. Қаршимда бўлажак Сара Бернер.
  - У бунақа ролни ҳечам олиб чиқолмасди. Унинг оёғи ёғочдан эди. Шампан виноси ичамизми?
  - Мэри Жейн қани?
  - Кетди. Унинг учрашуви бор.
  - Ундай ҳолда шампан ичамиз. – Сўнг иккаласи ҳам хандон ташлаб қулди.
  - Бугун бизнинг ишларимиз катта, – деди Вилли. – Биз шу ерда қолиб, тун бўйи шаробхўрлик қилишимиз мумкин. Бирон жойга бориб кечки овқат қилишимиз мумкин. Ишқий ўйинлар билан шуғулланишимиз мумкин. Оқшомги зиёфатларни хуш кўрасанми?
  - Билмадим. Мен жуда кам бўлганман оқшом зиёфатларида, – жавоб берди Гретхен, ишқий ўйинлар ҳақидаги гапни эшитмаганга олиб. Вилли тинмай ҳазил қилар, унинг қачон жиддий гапиришини айтиш қийин эди. Эҳтимол, уруш чоғида ҳам тушиб келаётган снарядлар ва ёниб турган қанолари билан шўнғиётган самолётларда ҳам қандайдир қулгилари нарсаларни топган бўлса, ажаб эмас.
  - Ундай бўлса, масала ҳал. Улфатчиликка борамиз, – деди Вилли. – Аммо шошишга ҳожат йўқ. У ерда тун бўйи чақчақлашишди, шу боис лаззатларнинг телба гирдобига калла ташлаймиз, мен сен ҳақингда баъзи нарсаларни билиб олмоқчи эдим. – У ўзига яна шампан қўйди. Унинг қўли хиёл тигра ва қалаҳ четига теккан шишадан ёқимли жиринглаган овоз келарди.
  - Айнан нимани билмоқчисан?
  - Ёнг бошидан бошлаймиз. Турар жойинг?
  - Ёш хотин-қизлар насроний ассоциацияси ётоқхонаси.
  - Э худойим-ей, – оҳ тортиб юборди йигит. – Борди-ю, аёллар кўйлаги кийиб, ёш насроний қизи қиёфасига кирсам-да, секин ёнингдаги хонага бориб жойлашсам, нима дердинг? Мен кичкина одамман, бунинг устига малласочман – соқолимни олмасам, туклари билинмайди ҳам. Отам эса доим қизи йўқлигидан зорланарди.
  - Ҳеч нима чиқмас деб кўрқаман. Бизга калит берадиган кампир қиз билан йигитни саккиз чақирим жойдан билади.
  - Хўш. Давом этамиз. Эркаклар билан қалайсан?
  - Ҳозирги вақтда бир ўзимман, – бир оз иккиланиб туриб жавоб берди Гретхен. – Сен-чи?
  - Женева конвенциясига кўра ҳарбий асир фақат ўз фамилияси, даражаси ва шахсий рақамини айтиши лозим. – У жилмайди ва қўлини қизнинг қўлига қўйди. – Лекин мен сенга ҳаммасини айтман. Қалбимни очаман. Бешинчидаёқ отамни ўлдирмоқчи бўлганимни, уч ёшимгача онам кўкрагидан ажратмаганини айтиб бераман; қўшинининг қизи билан омборхона орқасида болалар билан нималар қилганимизни ҳикоя қилиб бераман. – Тўсатдан унинг юзи жиддийлашди. Сўнг пешонасидан сочини орқага ташлади. – Дарвоқе, кейиндан кўра бу ҳақда сен ҳозир билганинг маъқул. Мен уйланганман.
  - Шампан қизнинг томоғини куйдириб ўтди.
  - Ҳазил қилган маҳалинда сен кўпроқ ёққан эдинг.
  - Ўзимга ҳам, – жиддий деди йигит. – Лекин ҳали умид қилса бўлади. Ҳозир мен у билан ажрашишга ҳаракат қилаяпман. Дадажонимиз солдатча ўйинлар қилиб юрганида ойижонимиз ўзларига эрмак топиб олибдилар.
  - Қаерда у... хотининг? – Қиз бу гапни зўрга айтди. Қандай бемаъ依лик, ўйлади Гретхен. Мен у билан бор-йўғи бир неча соғлиқ танишман-ку.
  - Калифорнияда, Голливудда. Афтидан актрисаларга нисбатан лоқайд эмасман.
  - Анча бўлдим уйланганингга?
  - Беш йил.
  - Айтмоқчи, нечага киргансан?
  - Агар тўғрисини айтсам, мени ташлаб кетмасликка сўз берасанми?
  - Қандай аҳмоқлик. Хўш, нечадасан?
  - Роса йигирма тўққиздаман. Э худо!
  - Кундузи сени йигирма учга кирган деб ўйлар эдим, – ҳайрат билан

бошини чайқади Гретхен. — Урушгача нима қилар эдинг? Николсни қаердан биласан?

— Унга икки постановкада ёрдам берганман. Мен — зенит тўпиман. Реклама билан пугулланаман. Дунёдаги энг жирканч машғулот. Суратинг газетада чиқишини хоҳлайсанми, қизалоқ? — Унинг овозидаги нафрат табиий эди. — Армияга кетишда ниҳоят бу ишдан қутуламан деб ўйлагандим, аммо бошлиқлар менинг шахсий ишим билан танишиб чиққач, мени ахборот хизматига қўйишди. Зобитлик унвоним борлиги учун мени ҳибсга олишлари лозим. Яна шампан ичасанми? — Вилли иккаласига ҳам шампан қўйди. Шиша оғзи қадаҳга тегиб музга ўхшаш мунгли овоз берди. Никотиндан сарғайган бармоқлар тиграр эди.

— Аммо сен чет элда бўлгансан-ку... Парвоз қилгансан-ку. — Бўш келмасди Гретхен. Овқатланишаркан, йигит армиядаги парвозлари ҳақида сўзлаб берди.

— Медаль олиш учун бир неча марта ҳавога кўтарилсанг етарли, шунинг шарофати билан мен Лондонда ўзимни яланғоч ҳис қилмасдим. Мен пассажир бўлиб учар эдим, бошқаларнинг жанг қилганидан фахрланардим.

— Нима бўлганда ҳам у ерда сени ҳам ўлдиришлари мумкин эди. — Гретхен уни бу ачинарли ҳолатдан қутқармоқчи бўлди. — Армиядан қачон бўшамоқчисан?

— Мен бусиз ҳам муддатсиз таътилдаман. Либосни спектаклга бепул қўйишлари учунгина кийиб юраман. Бундан ташқари мен белимни даволатгани ҳафтасига икки марта госпиталга бориб туришим керак, либоссиз менинг капитанлигимга ҳеч ким ишонмайди.

— Белимни даволатгани? Ярадор бўлганмисан?

— Унчаликмас. Ерга тез қўнган эдик, силкиниб кетувдик. Кейин бироз жарроҳлик ишлари қилишганди. Йигирма йилдан кейин мен бу чандиқ шрапнелдан бўлган деб айтаман ҳаммага.

Вилли ҳисоб-китоб қилди ва иккаласи бардан чиқди.

Кун бўйи ёниб турган кун сал шашгидан қайтди. Кучсиз шабада эсарди. Осмонўлар бинолар узра кечки осмонда оқиш чинни ой сузарди. Бир-бирининг қўлидан тугтанча улар кўчалардан юриб боришарди.

Улар китоб дўкони олдида тўхташди. Ойнаванд пештахтада янги пьесалар териб қўйилганди. Одегс, Хеллман, Шервуд, Коуфман ва Гарт.

— Адабий ҳаёт, — тин олиб деди Вилли. — Бир гуноҳга иқрор бўлишим керак. Мен пьеса ёзаман. Барча бошқа зенитчи рекламачилари каби.

— Бир кун келиб пьесанг пештахтадан ўрин олади, — деди қиз.

— Худо хоҳласа! Сен яхши актрисамисан?

— Мен битта рол актрисасиман... Азалий аёл сири.

— Муаллиф сири, — илиб кетди Вилли ва иккаласи хохолаб кулиб юборди.

Оқшом сайли Лексингтон ва Парк авеню ўртасидаги Эллик бешинчи кўчада уюштирилмоқда эди. Улар Парк авенюдан ўтишганида бурчақдан такси чиқиб келди. Ундан Мэри-Жейн тушди ва югурганча сал наридаги беш қаватли уй томон кетди.

— Мэри Жейн-ку, — деди Вилли. — Сен кўрдингми?

— Ҳа.

Улар одимларини секинлатишди. Вилли Гретхенга диққат билан разм солди.

— Биласанми, менда бир фикр бор. Кел, ҳеч қанақанги улфатчиликка бормаймиз, ўзимизнинг оқшомимизни уюштирамиз.

— Қачон садо қикаркин деб оғзингни пойлаётган эдим, — иқрор бўлди у ва чаққон қайрилиб, товонларини уриб қўйди.

Улар орқага, Бешинчи авеню томон одимлаб кетишди.

“Дуб зали” барида улар совуқ қалайи кружкаларда ялпизли шарбат ичишди. Кейин кўчага чиқишди ва марказга борувчи икки қаватли автобуста ўтиришди. Улар юқориги қаватга жойлашди. Вилли пилоткасини ечди. Шамол шу заҳоти унинг сочларини тўзғитиб юборди ва у янаям ёш кўриниб кетди. Гретхен унинг бошини сийнасига қўйиб, қоқ миясидан ўпиб олгиси келди, бироқ атрофида одамлар ҳаддан ташқари кўп эди.

Саккизинчи кўчада туриб, улар “Бревурт” ресторанига киришди ва очиқ айвончадаги столчага ўтиришди. Вилли мартини буюрди. “Ишгаҳа учун”, — изоҳ беда у, сўнг улар қовун, қовурилган жўжа тановул қилишди ва калифорния қизил пивоси ичишди. Қарийб бутун бир пишани йигитнинг ўзи сипқорди. У бугун жуда кўп ичиб юборганди, аммо ичганлари унга заррача таъсир қилмаётгандек эди. Кўзлари ўша-ўша тип-тиниқ, тили бурро эди.

Улар сукут сақлар ва бир-бирига тикилар эдилар. Агар мен уни тезда ўпиб олмасам, ўйлади Гретхен, мени жиннихонага олиб кетишади.

Қаҳвадан кейин Вилли бир қадахдан коньяк буюрди. Бугун у қанча пул сарфладийкин? Гретхен хаёлан ҳисоблаб чиқди — камида эллик доллар-ов!

— Сен боймисан? — сўради у, йигит ҳисоб-китоб қилиб бўлгач.

— Руҳан, — Вилли қоғоз папкачасини тўнкарди. Столга олгита қоғоз тушди — иккита юз долларли ва тўртта беш долларлик. — Вилли Эбботнинг бор бойлиги, — деди у. — Васиятимда сен ҳақингда унугмаслигимни истайсанми?

Икки юз йигирма доллар! Гретхен ҳанг-манг бўлиб қолди. Ҳатто унинг ўзининг ҳам банкда Бойланнинг саккиз юз долларидан қолганлари бундан кўп эди, шунга қарамай у ҳеч қачон тўқсон беш центдан ортиққа овқатланишга йўл қўймасди. Наҳотки, у ҳам отасига тортган бўлса? Бу ўйдан у галати бўлиб кетди. Вилли пулларни йигди-да, апил-тапил чўнтагига тикди.

— Уруш менга пулнинг нима эканини кўрсатди.

— Ота-онанг бойми? — яна сўради Гретхен.

— Отам Канада чегарасидаги божхонада ишларди, — жавоб берди Вилли. — Бунинг устига у ҳалол эди. Бизлар олти фарзанд эдик. Шоҳлардай яшардик. Ҳафғасига уч марта гўштли овқат!

— Мен пулни кўрсам туrolмайман, — иқроп бўлди Гретхен. — Камбағаллик оймни не қўйга солганини кўрганман.

— Бемалол ичавер. Сен унинг изидан бормайсан, — тинчлангирди уни Вилли. — Яқинда мен ўзимни молтопар ёзув машинкамни яна чиқиллата бошлайман...

Улар коньякни охиригача ичишди. Гретхеннинг хиёл боши айланмоқда эди, бироқ у ўзини маст сезмаётганди. Йўқ, йўқ, у заррача маст бўлгани йўқ.

Улар айвончадан тушишди. Вилли такси тўхтатди ва қизга эшикни очди.

— “Стэнли” отели, Еттинчи авеню, — деди у ҳайдовчига, машинага ўтиришаркан.

Улар ўпишишарди. Шампан виноси, Шотландия вискиси, Кентукки ялпизли шарбати, Испания Калифорниясининг Нап водийси қизил шароби, коньяк — Франция неъмат... Гретхен йигитнинг бошини сийнасига қучди ва юзини унинг қалин шапкасимон сочларига буркади.

— Кун бўйи шундай қилгим келиб юрди, — шивирлади қиз.

“Стэнли” отелининг олд томони ўзгача таассурот уйғотарди. Афтидан, меъмор Италияда бўлган ёки фотосуратларда Дожлар саройини кўрган бўлиши керак.

Вилли калитга кетди. Гретхен эса вестибюлда кутгани қолди. Ёғоч бочкаларда хурмо дарахтлари. Италиянча услубдаги қора ёғоч сўрилар. Сержант сиёқли ва арзон қўғирчоқлардай бўялган жингалак сочли полициячилар аёллар ёнида изғийди. Бурчак-бурчакда кейинги пойгага қайси отни қўйишни муҳокама қилаётган эркаклар тўдалари. Иш билан келган ҳарбийлар. Оёқлари узун-узун икки қиз — улар ясама киприк қўйган ҳисобчилар. Эркаклар ишчи ботинкаси кийган қандайдир кампир, омадсиз кундан хафа ишбилармонлар, иллатни ўз вақтида фош этиш учун ҳар икковига ҳушёр тикилган изқуварлар...

Гретхен ҳеч ким билан иши йўқдай, лифтга яқинлашди ва қўлида калит билан қайтиб келган Виллига қараб ҳам қўймади.

— Еттинчи, — деди Вилли лифтгача.

Еттинчи қаватнинг ички безагида меъморнинг Италияга қизиқишидан асар ҳам сезилмасди. Афтидан, меъморнинг илҳоми олти қават пастда тутаб бўлган кўринади. Танг-тор йўлаклар, темир эшиклар — улардаги тўқ жигаранг бўёқлар кўчиб кетган бир вақтлардаги оқ қошинли поллар гиламсиз эди. *Кечиринг, болалар, биз ортиқ сизни аҳмоқ қилолмаймиз. Яхшиси, сиз бир ҳақиқатни билинг: сиз Америкадасиз.*

Вилли эшикни очди ва улар ичкарига киришди.

— Мен чироқни ёқмайман — сенга бу ерда шуниси маъкул, — деди йигит.

— Хона чатоқ, аммо ўлиб-тирилиб топганим шу бўлди. Бунда ҳам беш кундан ортиқ туришга рухсат беришмади. Шаҳардаги меҳмонхоналар тўла экан.

Бироқ Гретхеннинг қаерда эканлигини англаши учун электр чироқларидан порлаб турган Нью-Йорк эскирган темир чийпардалари орқали хонани яхшигина ёритиб турарди. Кафтдеккина бўлма, бир кишилик каравот, қаттиқ ёғоч стул, чанок; ваннаси йўқ, стол устида бир дунё зобитлар қўйлаги.

У қизни шошмай ечинтира бошлади. Аввал қизил белбоғни бўшатди, сўнг қўйлагининг юқориги тугмасини ечди, сўнг иккинчи тугмасини ечди, сўнг учинчисини... Йигитнинг бармоқ ҳаракатларини кузатганча у тугмаларни санаб борарди. Йигит чўккалаб олганди. Еттинчи, саккизинчи... ўн биринчи!

— Ҳазир бир кунлик иш бор эканми бу ерда, — деди Вилли. У қизнинг қўйлагини ечди-да, авайлабгина стул суянчигига илиб қўйди. Туфлисини ечиб олиб, Гретхен каравотга яқин борди ва адёл ҳамда устки чойшабга қўшиб, каравот ёпқисини олиб ташлади. Чойшабу ёстиқ жилдлари янги эмасди. Қиз ётди, йигитнинг бўйинбоғ ва тугмаларини қандай ечаётганини кузатиб турди. Вилли қўйлагини ечганда қизнинг кўзи унинг эгнидаги илмоқлари ва ишлари бўлган баланд тиббий корсетга тушди. Ёш капитаннинг қаддини роз тутиб юришида гап бор экан-да! Биз ерга тез кўндик ва биз қаттиқ силкиндик, эслади у йигитнинг сўзларини.

— Бу вақтинчалик. Яна икки ой тақиб юрсам, бўлди. Нима бўлганда ҳам врачим шундай деяпти, — хижолат билан деди Вилли, ишларни эпга келтираркан.

— Чироқни ёқайми?

— Зинҳор-базинҳор.

Тумбочка устидаги телефон жиринглади. Улар тош қотиб қолишди. Яна жиринглади. Вилли гўшакни олди.

— Алло!

— Капитан Эбботми? — сўради ранжиган эркак овози. Вилли гўшакни қулоғига тутиб турар ва Гретхенга ҳаммаси баралла эшитилмоқда эди: — Бизга маълум бўлишича, сизнинг хонангизда ёш хоним бор экан, сизнинг хонангиз эса бир кишилик.

— Яхши, унда икки кишилик хона беринг.

— Афсуски, барча хоналар банд. Ноябрьгача бўш хона бўлмайди.

— Унда, келинг, уни икки кишилик деб тасаввур қилайлик. Буни менинг ҳисобимга ёзиб қўйинг.

— Афсуски, мен бундай қилолмайман, — жавоб берди овоз. — Хоним отелни тарк этишига тўғри келар деб қўрқаман.

— Хоним бу ерда турмайди. У меникига меҳмон бўлиб келган, — деди Вилли. — Бунинг устига, у менинг хотиним.

— Сизда никоҳ гувоҳномаси борми, капитан?

— Азизам, — деди Вилли баланд овозда, гўшакни Гретхеннинг боши узра тутиб, — никоҳ гувоҳномасини олганмисан ўзинг билан?

— Йўқ, у уйда, — қарийб гўшакка деди Гретхен.

— Ҳеч қачон усиз бир ёққа борма, деб тайинлаган эдим-ку, — деди Вилли жаҳли чиққан эр оҳангида.

— Кечир, жоним, — қисқа жавоб қилди Гретхен.

— Хотиним уни уйда қолдирибди, — деди йигит гўшакка. — Эртага биз уни сизга кўрсатамиз. Мен тезда гувоҳномани юборишларини илтимос қиламан.

— Капитан, бизнинг отелимизда аёлларнинг эркаклар ҳузурига ташриф буюришига рухсат этилмайди, — деди овоз.

— Қачондан буён? — газабланди Вилли. — Бу пучмоқ хотинбозлар, чўталхўрлар, киссавурлар, гиёҳвандфурушлар ва ўғирланган молларни сотиб олувчилар маскани эканлигини Бангкоккача ҳамма билади-ку. Биргина ҳалол полициячи сизнинг мижозларингиз билан бутун Нью-Йорк қамоқхоналарини тўлдиролди.

— Бизда маъмурият алмашган, — қайсарлик қиларди овоз. — Энди биз қулай шароитли отеллар сирасига керамиз ва меҳмонхонамиз эътиборини кўтаришни хоҳлаймиз. Шу боис, капитан, агар хоним беш дақиқа ичида хонангизни тарк этмаса, мен олдингизга чиқишга мажбур бўламан.

– Йўқол, аблаҳ, – сўкинди Вилли ва гўшакни отиб юборди-да, зарда билан қорсет ишларини боғлай бошлади. – Мана шунақа, жанг қил бу газандалар учун! Бу лаънати шаҳарда ҳозир ҳар қанча пулингта ҳам биттагина бўш хона тополмайсан.

Гретхен кулиб юборди, Вилли унга тикилиб турди-да, кейин у ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Кейинги сафар, худо ҳаққи, никоҳ гувоҳномангни олишни унутма.

## 8-боб

### I

Клотильда унинг бошини юварди. Буққа чулганганча у Ҳарольд амаки ва Эльза холанинг каттакон ваннасида ўтирарди, кўзлари юмуқ бўлиб, куёвда тобланаётган каттакесақдай мудрар эди. Ҳарольд амаки, Эльза хола ва уларнинг иккала қизи дам олгани Саратога кетишганди, у ерда улар ҳар йили икки ҳафта бўлишарди, Том билан Клотильда эса ҳайҳотдай уйда ёлғиз қолишарди. Якшанба бўлиб, гараж ёпиқ эди.

– Энди кўлларингни бер.

Клотильда шундоқ ванна ёнига чўк тушди-да, чўтка билан кафт терилари ва тирноқ ораларига кириб қолган қоп-қора кирларни тозалай бошлади. Клотильданинг ёйиқ сочлари пастта осилиб тушган бўлиб, унинг гўч сийнасини ёпиб турарди. Ҳатто тиззалаб турганида ҳам Клотильда чўрига ўхшамасди.

– Ўрнингдан тур.

Том ўрнидан турди ва жувон унинг елкасини совунлай бошлади.

Қорачадан келган, хиёл ясси бурунли, ёноқлари чиқиқ ва узун, қоп-қора силлиқ сочли бу жувон Томга мактаб дарсликларидан биридаги суратни эслатарди. Унда ҳинди қизларининг ўрмонда дастлабки ажнабийларни қарши олаётганлари тасвирланган эди. Клотильданинг ўнг қўлида чандиқ оқариб турарди – четлари титилган яримой шакли. Бу анча илпори, Канадалалик чоғида эрининг ёниб турган тараша билан урганидан қолган нишона. У эри ҳақида гапиришни ёқтирмасди. Томас унга қараган пайтларида, йигитчанинг томоғига бир нарса тикилгандай бўлар, унинг кулгиси келаяптими ё йиғлагисими, буни унинг ўзи ҳам билмасди.

– Энди оёқларингга ўтамиз, – деди Клотильда.

Унинг оёғини ювиб бўлгач, жувон унинг буғдан қизарган, ялтираган баданига синчиклаб қаради-да, жиддий оҳангда деди – у ҳеч қачон ҳазил қилмасди:

– Сен автиё Себастьянга ўхшайсан, фақат камонинг йўқ.

Баданининг бевосита вазифасидан ташқари яна бирон-бир қийматга эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги гап унинг учун янгилик эди. У кучли, эпчил эди, ҳар қандай ўйинни ва мушглашувни қотирарди, аммо бирон одамнинг унга қараб туриб ҳавас қилиши етти ухлаб тушига кирмаганди.

Клотильда ваннани ювишга тутинди, Том эса Жордахлар ётоғига кирди-да, оҳорланган оппоқ чойшабга чўзилди. Бунақанги бир кунлик ҳузур учун у иккита хочни ёқишга тайёр эди.

Яланг оёқлари билан полда шапиллатиб юриб Клотильда кириб келди. Унинг юзида Том севадиган ва интиқ бўлиб турган мулойим, шу билан бирга қатъий бир ифода жилва қилиб турарди. Жувон унинг ёнига келиб ётди.

Том уни меҳрибонлик билан, суйиб-эркалаб бағрига олди. Дераза ойналари ўртасида асаларилар визилларди. Унинг учун мен ҳар нарсага тайёрман, деб ўйлади у. Жувон нимаики илтимос қилса, у сўзсиз адо этади.

– Бирпас ётиб тур, – деди жувон унинг бўйнидан ўпиб. – Ҳаммаси тайёр бўлгач, чақираман. – Шундай деди-да, ошхонага чиқиб кетди.

Том жойида ётганча шифтга тикиларди. У зўр миннатдорлик туйғусини ҳис қилиб турган бўлса-да, бир аччиқ алам юрагини кемирарди. Ўн олти ёшни уриб қўйган бўлса-ю, жувон учун ҳеч нарса қилолмаслигини ўйлаб, ўзидан нафратланиб кетмоқда эди. Жувон ўзини унга бугунлай топшириб қўйди,

тунлари унинг хонасига пусиб кириб оларди. Аммо уни бирров паркни сайр қилдириб келиш ёки ҳеч бўлмаганда бир дуррача совға қилиш унинг қўлидан келмасди; чунки бу ерда дарҳол ғийбатлар бошланиб кетиши мумкин-да, Эльза холанинг ўткир кўзи опшона ортида жойлашган қазноқдаги эски жовон қутисига солиб қўйилган ялтироқ рўмолни дарҳол пайқайди. Жувон чўриликда яшаётган бу мудҳиш уйдан уни олиб кетолмайди. Ёши йигирмада бўлганда-ку...

Опшона столида икки асбоб ўртасида гуллар турарди. Флокс гуллари. Кўм-кўк. Бу хонадонда жувон боғбон бўлиб ҳам ишларди. Гулларга қарашни у яхши биларди.

“Клотильдамиз – тилла қиз, – дерди Эльза хола. – Бу йилги атиргуллар бултургига қараганда икки марта йирик”.

– Ўзингнинг боғинг бўлса-да, – деди Том столга ўтираркан. Лоақал хаёлан унга гул совға қилсин. Муздек линолеум унинг яланг оёқларига хуш ёқмоқда эди. Хўл, обдон таралган қоп-қора жингалак сочлари йилт-йилт қиларди. Клотильда ҳамма ёқ топ-тоза, саришга ва чиннидай ялтираб туришини яхши кўрарди. Хоҳ кастрюл, хоҳ това, стол, даҳлиз, йигитлар бўлсин – унга бари бир эди. Ҳеч бўлмаганда Том мана шу тозалиги билан унга севинч бахш этиши мумкин-ку.

Жувон унинг олдига катта ликобда балиқли ёвгон шўрва қўйди, ўзи эса рўпарада ўтирди. Балиқдан кейин тўғраб қовурилган картошкали, устига янги петрушка сепилган кўзи оёғи, бир косада ёққа қовурилган ёш нўхат, янги помидорли кусурлаган салат келди. Столнинг ён томонида ҳозир узилган булочка ва катта сариеғ бўлаги солинган идиш, унинг ёнида эса муздек суғли кўза турарди.

Клотильда унга кўз узмай қараб турар ва яна деб ликопчасини узатганда жилмайиб кўяр эди. Жордахлар бугун оиласи билан Саратога дам олиб турган шу кунларда жувон ҳар кунни эрталаб автобуста ўтирарди-да, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келгани кўшни шаҳарга тушарди. Элизимдаги сотувчилар, йўқчиликда оқсочингиз лаҳм гўшлар ва сара мевалар сотиб оларди, деб дарров мисс Жордахга чақишлари тайин эди.

– Клотильда, нега сен бу ерда ишляяпсан? – сўради Том.

– Қаерда ишлай бўлмаса? – ҳайрон бўлди жувон.

– Ҳамма жойда. Магазиндами ё фабрикадами. Лекин чўри бўлиб эмас.

– Менга рўзгор ишлари ёқади. Овқат қилишни яхши кўраман, – жавоб берди у. – Холанг мен билан яхши чиқишади. У менинг қадримга етади. Икки йил олдин бу ерга келганимда ўзига олгани учун ундан миннатдорман. Чунки у пайтда шаҳарда мен ҳеч кимни билмас эдим ва мени биров бир чақага олмасди. Магазин ё фабрикада нима қиламан? Ҳисобга йўқман, дастгоҳдан эса кўрқаман. Рўзгорда ишлаш менга ёқади.

– Лекин бу бегона рўзгор-ку. – Бу иккала менгўчқанинг уни истаганча эзиб ишлатишларини ўйлаб, Том габадан титраб кетмоқда эди.

– Шу бир ҳафтада – бу бизнинг рўзгоримиз, – деди Клотильда эркалаб унинг қўлидан тугганча.

Эртасига кечкурун ишдан кейин кутубхона олдидан ўтаётиб Том беихтиёр тўхтади, велосипедни панжарага суяб қўйди-да, бинога кирди. У деярли ҳеч нима ўқимасди, ҳатто спорт янгиликларини ҳам. Эҳтимол, бу ўзига хос исён эди – унинг опаси ва акаси, қачон қарамасин, китобга мук тушиб ўтиришар, каллалари эса одамнинг кулписини келтирадиган баландпарвоз хаёлларга тўла бўларди.

Қироатхонадаги жимлик ва кутубхоначи қизнинг унинг кир-чир, ёғ босган кийимига ижирғаниб синчков қараб қўйиши Томнинг ҳафсаласини пир қилди. Кўрқа-писа, журъатсизгина у минглаб китоблар териб қўйилган тоқчалар оралаб кезинаркан, улардан қайси бири дидига ўтиришини билмасди. Барибир ҳам охири кутубхоначидан сўрашига тўғри келди.

– Кечирасиз, хоним, менга авлиё Себастьян ҳақида биронта китоб керак эди.

– Сизни ундаги қандай фазилатлар қизиқтиради?

– Шундай, ўзим, – деди у бу ерга келганидан пушаймон бўлиб.

- Маълумотлар залидаги Британия қомусини қараб кўринг-чи.
- Катта раҳмат сизга, хоним.

У эртадан бошлаб ишдан кейин гаражнинг ўзида тоза кийим кийиб олишга ва терисига сингиб кетган кирларнинг лоақал устки қатламини сидириб ташлашга аҳд қилди. Ҳозир сенга итга қилгандек муомала қилишаяпти, ахир бундан қутулиш қийин эмас-ку. Клотильдага ҳам хуш ёқади.

Қомуснинг керакли жилдини қидириб топишга роса ўн дақиқа кетди. У китобни олдига қўйди-да, варақлай бошлади. Мана у. Себастьян, авл. — Насроний жафокаш. Бор-йўғи бир абзац. Демак, у жуда унақа муҳим зот эмас экан.

“Ёйандозлар уни ўлиш учун ташлаб кетишганида, — деб ўқиди Том, — илоҳа аёл Ирина тунда келди-да, дафн этиш учун унинг жасадини олиб кетди, бироқ унинг ҳали тириклигини кўриб, уйига олиб келди-да, унинг жароҳатларини даволай бошлади. Бутунлай тузалиб улгурмасидан Себастьян яна шоҳ ҳузурига шопилди. Шоҳ дарҳол уни тутиб, ўласи қилиб савалашни буюрди. — (Иккинчи мартаба! Ё худо! — ўйлади Том. — Бу католиклар — гирт жинни-да.) — Ёш, кўркам жангчи, авлиё Себастьян — диний рангасвирдаги севимли образ. Одатда, уни баданидан ўқлар тешиб ўтган, яланғоч ҳолда тасвирлайдилар. Унинг оғир, аммо ўлдирмайдиган жароҳатларидан қон сизиб туради”.

Том ўйчан китобни ёпди. Ёш, хушрўй жангчи... уни яланғоч қилиб тасвирлашибди... Энди ҳаммаси равшан. Клотильда. Фаройиб аёл. У севгиси ҳақида гапиришнинг урдасидан чиқолмаган, аммо унинг муҳаббати, унинг мазҳаби қиёфаларида, унинг Томга лаззатли овқатлар пишириб беришларида, уни эркалашларида ўз ифодасини тошган.

У китобни жойига қўйди ва кетмоқчи бўлиб турган эди, бирдан миясига бир фикр келиб қолди: Клотильда исми ҳам бирон авлиё номидан олинмаганмикан? Энди бироз тажрибаси ошганидан у қомуснинг керакли жилдини тезгина топа қолди. “Клотильда, авл. — Бургунд қироли Хильпёркнинг қизи, франклар қироли Хлодвигнинг хотини”.

Том Клотильданинг қора терга ботиб ошхонадаги духовка ёнида тургани, ёш Ҳарольд амакининг яғир кийимларини юваётганини кўз олдига келтирди-ю, дили хуфтон бўлди. Бургунд қироли Хильпёркнинг қизи, франклар қироли Хлодвигнинг хотини... Болага исм беришда ота-оналар уларнинг келажаклари ҳақида тузукроқ ўйласа бўлармиди.

Кутубхоначи қиз столи олдидан ўтиб кетаётди у тўхтади.

– Раҳмат, хоним, — кейин дабдурустан сўраб қолди: — Айтинг-чи, мен бу кутубхонага аъзо бўлишим мумкинми?

Қиз унга таажжубланиб қараб қўйди, аммо барибир ҳам карточка олди ва унга Томнинг фамилияси, ёши ва манзилини ёзиб қўйди.

Улар ошхонада овқатланиб ўтиришибди, ҳар замон-ҳар замонда бир-бирига луқма ташлаб қўйишарди. Клотильда столни йиғиштира бошлаганида эса у жувонга яқин борди-да, уни қучиб деди:

– Клотильда — Бургунд қироли Хильпёркнинг қизи, франклар қироли Хлодвигнинг хотини.

– Нима, нима? — сўради жувон унга ҳайрат тўла кўзларини катта-катта очиб қараганча.

– Сенинг исминг қаердан келиб чиққанлигини билмоқчи эдим, — деди Том. — Мен кутубхонага кирдим ва қомусларни кўрдим. Сен қиролнинг қизи ва қиролнинг хотини экансан.

Клотильда унга узоқ тикилиб турди-да, сўнг манглайдан ўпди. Гўё совға учун миннатдорчилик билдиргандай.

## II

Ҳўл майса устидаги похол саватда иккита балиқча ялтирарди. Бойлан айтганидек, анҳорда ҳақиқатан ҳам форел мўл эди.

Рудольфнинг эғнида эски чийдухоба шим бўлиб, оёғига ёнғин ўчирувчилардек этик кийиб олганди. Этикнинг тутилганидан сотиб олганди, бунинг устига, оёқлари ичида ўйнаб ётарди.



Ўтган кечаси тинимсиз ёмғир ёғди, ҳозир ҳам, куннинг охирига келиб, ҳаво булутли бўлиб, нам ва зилдай эди. Лойқа сувда форел яхши чўқимайди, аммо атрофда сувнинг тошларга келиб урилишидаги чапиллашидан бошқа ҳеч қандай товуш ё тирик жон йўқлигининг ўзиёқ унга олам-жаҳон завқ бағишламоқда эди.

У анҳорнинг иккала қирғоғини улаб турган икки жимжимадор кўприкчалардан бири ёнида турарди. Кимнингдир қалам товушлари эшитилди. Қармоқни ғалтакка ўраб, у тошдек қотганча кута бошлади. Кўприкчада бошланг, аедарма чарм куртқада, ола-була бўйинбоғ таққан ва суворийлар шимида Бойлан пайдо бўлди.

– Салом, мистер Бойлан, – саломлашди Рудольф, бирдан у ўз таклифини эсидан чиқариб юборган ёки бунга ўшанда шунчаки ҳурмат юзасидан айтган бўлса-чи, деган хаёлда ўзини бироз ноқулай ҳис қилган ва ҳаяжонланган ҳолда.

– Хўш, муваффақиятлар қалай?

– Ҳа, ҳозирча иккита тушди.

– Бутунги мана бунақа ҳавода шу ҳам ёмон эмас, – деди Бойлан лойқа сувга тикилганча. – Сизга халақит бермайман. Мен шунчаки айлангани чиққан эдим. Шу йўлдан қайтиб кетаман, агар унганча шу ерда бўлсанг, уйимда бир қадаҳдан коньяк ичиб кетишга йўқ демасан.

У қўлини силтаб қўйди-да, йўлида давом этди.

Рудольф хўракни алмаштирди. Балиқ чўқилаши учун у қармоқни уч бора ташлашига тўғри келди. У тош ва сувўтларини четлаб ўтишга ҳаракат қилганча қармоқни эҳтиётлик билан тортар эди. Икки марта балиқ қармоқдан чиқиб кетаёзди. Ниҳоят, балиқча чарчагач, Рудольф матрабни олди-да, сувга тушди. Муздек сув унинг тиззасига урди. Балиқ матрабга келиб тушганида Рудольф Бойланнинг қайтиб келиб, кўприкда турганча уни диққат билан кузатаётганини кўрди.

– Зўр! – деди у Рудольф этиklarини шалоп-шулуп қилганча қирғоққа чиқиб келгач. – Тоза иш.

Рудольф форелни қармоқдан чиқарди-да, уни саватга ташлади.

– Мен ҳечам бундай қилолмаган бўлардим, – деди Бойлан. – Ўз қўли билан ўлдириш... – У қўлига қўлқоп кийиб олганди.

Рудольф жон деб этигини ечган ва ичидаги сувини тўкиб ташлаган бўларди, аммо оёғидаги пайпоғига ямоқ тушган бўлиб, Бойланга онаси тортган қўпол қатимларни асло намоёйиш қилгиси йўқ эди.

Унинг фикрини уқиб тургандек, Бойлан деди:

– Назаримда этикни ечиб, ичидаги сувини тўкиб ташлашинг керакка ўхшайди. Сув совуқ бўлса керак.

– Рост айтасиз, – маъқуллади Рудольф этигини тортаркан. Бойлан, афтидан, ҳеч нарсани сезмади. У фуқаролар уруши тугаши ҳамон унинг хонадони мулкига айланган қалин ўрмонга разм соларди.

– Илгари бу ердан уй яққол кўзга ташланиб турарди. Мана бу дарахтлар йўқ эди. Йил – ўн икки ой бу ерда боғбонлар ишлашарди, энди эса битта ҳам ёллаб бўлмайди... Дарвоқе, бунга ҳожат ҳам қолмаган... Ҳа, айтмоқчи, меникида аллақерда бир ботқоқ этиги ётибди. Уни қачон сотиб олганим ҳам эсимда йўқ. Агар у сенга лойиқ келса, олишинг мумкин. Уйга кирайлик, сен уни алмаштириб оласан.

Рудольф анҳордан тўғри уйига қайтмоқчи эди. Автобус бекатигача узоқ бўлиб, шоммаса бўлмасди, Жулининг ота-онаси уни меҳмонга чақирган, кейин эса Жули билан улар кинога боришлари керак эди. Лекин ботқоқ этиги... Унинг янгиси йигирма доллардан кам турмасди.

– Раҳмат, сэр, – деди у.

– Мени “сэр” деб айтма. Бусиз ҳам мен ўзимни жуда кекса ҳис қиламан. Кел, саватни мен кўтарай.

– У оғир эмас.

– Беравер. Балки шунда бугун бирон фойдали иш қилгандек бўларман.

Турган-битганинг бадбахтлик-ку, ҳайрон бўлиб ўйлади Рудольф. Худди ойижонимдек бадбахт. У саватни Бойланга берди, у эса уни елкасига илди.

Тепалик устидаги улкан уйни чирмовуқ қоплаб олган эди — йўнилмаган тошдан қурилган фойдасиз қалъа унинг яшовчиларини зирҳли қароқчилардан ва биржадаги даромаду буромаллардан ҳимоя қилишга мўлжалланганди.

— Кулгили-а, шундай эмасми? — гудраниб деди Бойлан.

— Ҳа.

— Сен жуда сергап ҳамсухбат чиқиб қолдинг, — деди кулиб Бойлан, залворли эман эшикни очар экан. — Кир.

Шу эшикдан опам кирган, ўйлади Рудольф; шартта қайрилиб, уйга кетишим керак.

Лекин у кетмади.

Улар ери мрамор қопламали ва юқорига олиб чикувчи кенг айланма зинали ҳайҳотдай, қоронғи танобий уйга кириб келишди. Шу заҳоти кулранг мовут пиджак кийган, капалакнусха бўйинбоғ таққан, кекса хизматкор пайдо бўлди.

— Салом, Перкинс, — деди Бойлан. — Бу мистер Жордах, бизнинг ёш дўстимиз.

Перкинс сезилар-сезилмас таъзим қилиб қўйди. У нимаси биландир инглизга ўхшарди. Унинг юзида қиролига ва вассал ватанига содиқлик акс этиб турарди. У Рудольфнинг қўлидан унниққан юнг шляпани олди-да, уни худди қирол қабрига гул қўйгандай девор ёнидаги узун столга авайлаб қўйиб қўйди.

— Перкинс, илтимос, аслаҳахонамга киринг-да, у ердан менинг ботқоққа киядиган эски этигимни олиб чиқинг. Мистер Жордах — балиқчи. Мана, кўриб қўйинг, — у саватни очди. — Ошпаз хотинга олиб боринг. Балки, у бундан кечкурунга бирон нима пишириб берар. Сен кечки чойга қоларсан, Рудольф, шундай эмасми?

Рудольф иккиланди. У Жули билан учрашувни қолдиришига тўғри келади. Ахир у Бойлан анҳорида балиқ овлади, тагин этикли ҳам бўлади.

— Сизнинг телефонингиздан қўнғироқ қилсам бўладими? — сўради у.

— Албатта. — Кейин Бойлан яна Перкинсга ўтирилди: — Илтимос, мистер Жордахга тузукроқ пайпоқ ва сочиқ келтирсангиз. У оёғини ивитиб олди. Ҳозир у ёш ва бу нарсаларга парво қилмайди, аммо ёши қирқдан ошгандан кейин сизу бизга ўхшаб бод орттириб, камингача базўр этиб борадиган бўлиб қолса, у бу кунни эслайди ҳали.

— Ҳўп бўлади, сэр, — жавоб берди Перкинс ва чиқиб кетди. Ошхонагами ё ҳалиги сирли аслаҳахонагами, Рудольф билолмади.

— Сен этикни шу ерда ечганинг маъқул. Ўзингни бемалолроқ ҳис қиласан, — деди Бойлан, гўё бу билан агар Рудольф бугун уйга меросхўр бўлса, бунга ҳайратда қолмаслигига шама қилгандай. Рудольф этикни ечди, ямоқли пайпоғи унинг бугун айбини баралла намоиш этиб турарди.

Танобий уйдан улар меҳмонхона бўлмага ўтишди. Рудольф умрида бундай катта хонани кўрмаган ҳам, ичида бўлмаган ҳам эди. Баланд деразаларга қирмизий бахмал пардалар таранг тортилган. Деворларда китобли токчалар саф тортган. Сувратлардан қўпи йўқ эди: ўн тўққизинчи аср либосидаги юзлари ол хонимлар, важоҳатли, серсоқол кекса ёшдаги эркаклар, юзини ўргумчак уясисимон ёриқлар қоплаган катта-катта мойбўёқ тасвирлар. Рояль устида альбом шаклидаги жилдланган ноталар тартибсиз сочилган, қўшни девор ёнида — бар. Кенг юмшоқ диван, бир нечта чарм ўриндиқ, устида бир талай журнали бор столча. Ҳаддан ташқари катта чўғдай форс гилами, у юз йиллар олдин тўқилган бўлиши керак, Рудольфнинг тажрибасиз кўзига у унниққан ва эскиргандек бўлиб кўринди. Уларнинг келишига Перкинс катта каминга олов қалаб юборганди. Йўғон темир панжара устидаги тарашалар ёқимли чирсилларди, бўлмадаги олти ёки еттига чироқ атрофга бир маромда нур таратиб турарди. Беихтиёр, Рудольф, бир кун келиб мен ҳам худди шундай хонада тураман, деб аҳд қилди ўзича.

— Ажойиб хона экан, — соддадилларча ҳаяжон билан деди у овоз чиқариб.

— Бир одамга катталик қилади, — деди Бойлан. — Мен иккаламизга виски қуяман.

— Раҳмат. — Опаси вокзалдаги барда ҳам виски буюрганди. Ҳозир у мана

шу одам туфайли Нью-Йоркда. Балки, бу яхшилик аломатидир? Гретхен, ниҳоят иш топдим, деб ёзганди. Театрда ўйнаяпти экан. Унга ҳафтасига олгиниш доллар тўлашаёпти экан.

– Сен кўнғироқ қилмоқчи эдинг, – эслатди Бойлан виски қуяётиб. – Телефон дераза олдидаги столда.

Рудольф гўшакни кўтарди.

У Жули уйда бўлмаса керак деб ўйлаганди, бироқ телефонга айна унинг ўзи келди.

– Руди! – севиниб кетди қиз. Рудольфнинг виждони азобланди.

– Жули... бугунги оқшом борасида... Баъзи-бир ўзгаришлар бўлиб қолди.

– Нима ўзгариб қолди? – деди Жули муздек бўлиб. Қизиқ, доим булбулигүёдек чақчақлаб турувчи қиздан, наҳотки мана шундай юрактешар чийиллаш овози ҳам чиқса.

– Мен ҳозир сенга тушунтиролмайман, аммо...

– Нима учун сен ҳатто менга тушунтиролмас экансан?

– Тушунтиролмайман дедим, вассалом. – Рудольф Бойланга қараб қўйди, аммо у унга орқа ўгириб турарди. – Хуллас, эртага қолдирайлик. Эртага ҳам шу фильм бўлади-ку... кейин...

– Бекорларнинг бешгасини айғибсан! – Қиз гўшакни отиб юборди.

Бир дақиқача Рудольф нима қилишини билмай туриб қолди. Қиз бола деган ҳам шунақа... шунақа шадлод бўладими?

– Бу бошқа гап, Жули, – деди у жим бўлиб қолган гўшакка, – демак, эртагача. Хайр. – Ёмон чиқмади ўйин. У гўшакни илди.

– Мана сенинг вискинг, – хонанинг нариги томонидан Бойланнинг овози келди, у телефондаги суҳбатга эътибор ҳам қилмаётганди.

Рудольф унинг олдига келди-да, стаканни олди.

– Сенинг соегифинга! – деди Бойлан вискини оғзига яқин келтириб.

Рудольф унга тақдидан “сизнинг ҳам соегифингизга” деб айтолмади, аммо ичиб, баданига бирдан илиқлик югурди, виски унга ёмон нарсадай бўлиб кўринмаётганди.

– Қолганинг учун раҳмат. Бир ўзим ичишни ёқтирмайман, ҳозир эса ичмасам бўлмасди. Бугун ёмон зерикаётгандим. Ўтирсанг-чи, – у камин олдидаги каттақон ўриндиқча ишора қилди. Рудольф ўтирди, Бойлан эса камин тахтасига ёнбошлаганча унинг рўпарасида туриб олди. – Галаба кундаги анови аҳмоқона ёнғин хусусида суғурта агентидан одамлар келишганди. Хоч қандай ёнганини кўрдингми?

– Шунақа деб эшитгандим.

– Қизиқ, нега келиб-келиб менинг мулкимни танлашган? Мен католик бўлмасам, негр бўлмасам, яҳудий бўлмасам. Куклукскланчиларни бошлаб тузлашган. Суғурта агентлари менинг душманларим бор-йўқлигига қизиқишди. Албатта бор, аммо улар менман деб айтишмайди-ку. Улар хочни уйга яқинроқ ўрнагишганда маъқулроқ бўларди – бу мақбара ҳам куйиб қулга айланганда хурсанд бўлардим. Бобом уни абадийликка қуриб кетганлар, мен эса энди бу ерда яшашга мажбурман. – Бойлан қулди. Кечир, жуда эзмаман. Аммо гапимни оз бўлса ҳам тушуниб тинглайдиган одам истаган пайтгинда топилавермайди.

– Унда бу ерда нега яшайсиз? – болаларча соддалик билан сўради Рудольф.

– Мажбурман, – жавоб берди Бойлан овозига мунгли оҳанг бериб. – Мен бу қояга парчинлаб ташланганман ва бургут жигаримни чўқилагани-чўқилагани. Бу ўхшатиш қаерданлигини биласанми?

– Прометей.

– Айтгин-чи, сизлар буни мактабда ўтганмисизлар?

– Ҳа, – Рудольф: “Мен бундан бошқасини ҳам биламан”, дегиси келиб-кетди.

– Хонадон кудратидан эҳтиёт бўлинг! – хитоб қилди Бойлан. У вискини ичиб бўлиб, ўзига қуйгани яна бар олдида борди. – Оила олдидаги мажбурият юки елкангдан босмаяптими, Рудольф? Орзуларини ушалтирмаслигинг мумкин бўлмаган ота-боболаринг борми?

– Менинг ота-боболарим йўқ.

– Ҳақиқий америкалик, – деди Бойлан. – Ана, этик ҳам келди.

Баланд ботқоқ этиги, сочиқ ва бир жуфт пайпоқ кўтарганча хонага Перкинс кирди. У этикни Рудольфнинг олдига қўйди, сочиқни ўриндиқ дастасига илди, пайпоқни эса шундоқ стол четига қўйди.

Рудольф ҳўл, ямоқ тушган пайпоғини ечди ва уни чўнтагига тикмоқчи бўлган эди, бироқ Перкинс шу заҳоти уни ундан олиб қўйди. Хушбўй ҳидли сочиқ билан оёғини артиб, Рудольф унга келтирилган пайпоқни кийди. Юмшоқ юнг пайпоқ. У турди-да, этикни тортиди. Бир тиззасида уч бурчак тешик кўзга ташланарди.

– Лопша-лойиқ экан. – Элик доллар, ўйлади у. Ундан кам эмас. Бу этикда у ўзини д’Артаньяндай ҳис қила бошлади.

– Мен уни, янглишмасам, урушдан олдин сотиб олган эдим, – деди Бойлан. – Хотиним кетиб қолганда. Балиқчилик қиламан деб ўйловдим... Ҳамроҳ бўлар деб баҳайбат ирланд бўрибосарини сақладим. Зўр ит. У меникида беш йил бўлди. Бир-биримизга қаттиқ ўрганиб қолдик. Кейин эса уни кимдир заҳарлаб қўйди. Ҳа, одатдаги менинг душманларим бор бўлса керак. Балки, кимнингдир товуқларига теккандир.

Рудольф этикни ечди ва нима қилишни билмаётгандек уни ушлаб турди.

– Ие, у йиртиққа ўхшайдими, – деди Бойлан.

– Ҳечқиси йўқ, мен уни таъмирга бераман, – шошиб деди Рудольф.

– Йўқ, мен Перкинсдан илтимос қиламан, уни ўзи тўғрилаб беради, – Бойлан столга яқин келди ва вискиси устига яна қўйди. – Уйни кўришни истайсанми?

– Ҳа, – жавоб берди Рудольф. Бойлан нима учун аслаҳахона деб атаётгани унга қизиқ туюлди.

– Юр. Ўзинг бобо бўлганинга бу сенга ёрдам беради. Зурёдларингнинг нима билан кўнглини олишни билиб оласан.

Танобий уйда катта бринч ҳайкал бор эди: тирноқларини ҳўкиз елкасига ботирган шер.

– Санъат, – деди Бойлан ўйчан. – Ватанпарвар бўлганимда уни эритиб замбарак куйдирардим. – У ўймақори нақшлар билан безатилган залворли эшикнинг иккала табақасини ланг очиб юборди. – Баллар зали. – Шундай дея у шу ердаги чироқни ёқди.

Хона уларнинг мактабидаги гимнастика залидан кичик эмасди. Баланд шифда чойшабга ўралган каттакон биллур қандил осиелик. Тўқ рангли ёғоч тахталардан ишлов берилган девор ёқалаб нилофланган стуллар сафи кўринарди.

– Отам менга бир кунни ойимнинг бу ерга етти юз одамни балга таклиф қилганини айтган эди. Оркестр вальслар чалиб турган. Қаторасига йигирма бешта вальс чалинган. Чакки эмас-а, тўғрими? – У чироқни ўчирди ва улар уй ичкарасига ўтишди. Бойлан кўплаб китоблари бор улкан хона эшигини очди. Бу ерда чарм ва чанг ҳиди димоққа урарди. – Кутубхона, Вольтер ва ҳоказо. Киплинг... Ниҳоят, бу аслаҳахона. – Бойлан кейинги хона эшигини ланг очди ва чироқни ёқди.

Қизил ёғочдан ишланган ойнаванд пешпахта ичида сочма ва ов милтиқлари турарди. Деворлар турли хил ўлжа – кийик шохи, узун рангдор думли тустовуқ тулуслари билан безатилган. Милтиқлар янги мойланганидан ялтиларди. Ҳаммаёқ чиннидай топ-тоза, гард ҳам кўринмасди.

– Отишни биласанми? – сўради Бойлан, чарм стулга эгарга мингандай ўтираркан.

– Йўқ. – Бу ғаройиб милтиқларни бир ушлаб кўриш иштиёқида Рудольфнинг қўллари қичишди.

– Истасанг, ўргатиб қўяман. Алғақерда менинг ликобчаларга қараб отадиган эски машқ стендим бор. Ҳозир, тўғриси, бу ерда ов қиладиган нарсанинг ўзи йўқ. Фақат куёнларни айтмаса, кийик онда-сонда бир кўриниб қолади. – У нигоҳи билан хонага кўз югуртириб чиқди. – Ўз жонига қасд қилиш учун боп жой. Ҳа, бир вақтлар бу мулкларда ажойиб шикорлар бўлар эди. Беданалар, какликлар, кийиклар. Лекин бу жуда олдин бўлган! Сўнгги марта милтиқдан қачон ўқ узганимни ўзим ҳам эслолмайман. Балки сенга ўргата бошласам ўзим ҳам ёшлигимни эсламан. Бу эркаклар спорти. Эркак зоти табиатан овчи бўлиб туғилади. Эҳтимол, қачонлардир келиб-келиб сенга яхши мерган фазилати қўл

келиб қолар. Коллежда мен Шимолий Каролинадаги энг бой меросхўр қизга уйланган бир йигит билан ўқиганман, ўтқир кўзи ва метин кўли туфайли шу қизга уйланганди. Исми Ривз эди. Камбағал оиладан бўлса ҳам, нияти яхши эди. Шу унга ёрдам берди. Сен бой бўлишни хоҳлармидинг?

– Ҳа.

– Коллеждан кейин нима билан шуғулланмоқчисан?

– Ҳозирча билмайман. Бир гап бўлар.

– Мен сенга юрист бўлишни маслаҳат берардим, – деди Бойлан. – Америка – юристлар мамлакати. Йилдан-йилга бунга эҳтиёж ортиб бормоқда. Янглишмасам, опанг менга сенинг мактабдаги дискуссия клуби жамоасининг сардори деб айтганди. Шу тўғрими?

– Тўғри. – Опасининг эста олинисидан у хўшёр тортди.

– Биз иккаламиз бир амаллаб Нью-Йоркка тушишимиз ва опангни кўришимиз керак. – Улар аслаҳахонадан чиқишди. – Мен Перкинсга шу ҳафтада стендни топиб, бир нечта каптар сотиб олиб кўйишни буюраман. Ҳаммаси тайёр бўлганида мен сенга кўнғироқ қиламан.

– Бизда телефон йўқ.

– Э-ҳа! Эсимда, бир гап телефон китобидан қидириб, тополмагандим. Унда хат ёзаман. Манзилинг эсимдан чиқмаган бўлиши керак. – У ўйчан ҳолда мрамар зиналарга кўз югуртириб чиқди. – У ёнда, тепада қизиқ нарса йўқ. Онамнинг меҳмонхона бўлмаси ва ётоғи... Кўпгина хоналар ёпиқ... Йўқ демасанг, бирров тепага чиқиб, кечки овқатга кийимларимни алмаштириб олай. Ўзингни уйдагидай ҳис қил. – Шундай дея у иккинчи қаватга кўтарила бошлади. Дарҳақиқат, опаси бокиралигини йўқотган каравотни кўришни айтмаса, у ёқда ёш меҳмонни қизиқтирадиган бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

### III

Рудольф меҳмонхона бўлмасига қайтиб келди-да, Перкинснинг камин олдидаги столга кечки дастурхонни қандай тузашини кузатди.

– Этик борасида кўнғироқ қилдим, сэр, – деди Перкинс. – Уни чоршанбага таъмирлаб кўйишади.

– Раҳмат, мистер Перкинс.

– Илғифотингиздан миннатдорман, сэр.

Сэр! Усти-устига икки марта-я!

Рудольф бир-бир хўшлар экан, алкоголь аллақачон таъсир қила бошлаганини ҳис қилди. Балки бир ажойиб кунда у бу ерга қайтиб келар-да, Перкинс ва бошқа ҳамма нарсани кўшиб бу уйни сотиб олар? Нима бўлти, ахир у Америкада яшайди!

Бойлан кирди. У бор-йўғи ағдарма чарм куртқасини чийдухоба пиджакка алмаштирган эди.

– Сени кутдириб кўймай деб ваннага тушиб ўтирмадим. Мени кечирарсан деб умид қиламан, – деди у барга яқинлашаркан. Бойландан қандайдир атир ҳиди келарди. – Ошхонада совқотиб қолган бўлардик, – деди у камин олдидаги столга қараб. – Бир вақтлар у ерда президент Тафт овқатланарди. Дастурхон олтиши кишилиқ қилиб тузаларди – барча олиймақом шахслар. – У рояль олдида борди, табуреткага чўкди, стаканни рўбарўсига кўйиб кўйди-да, бир неча пардани чертиб кўрди. – Мабодо скрипка чалмайсанми?

– Йўқ.

– Трубадан бошқа ҳеч нарса чалмайсанми?

– Умуман олганда – йўқ. Роялда у-бу нарса кўлимдан келади, албатта.

– Афсус. Биз икковимиз қандайдир дуэтларни айтишни машқ қилиб олардик. Бахтга қарши фортепьяно ва труба учун дуэтлар ҳақида бирон марта ҳам эшитган эмасман.

Бойлан чала бошлади. Унинг яхши чалишини Рудольф эътироф этишга мажбур бўлди.

– Бу қанақа куй, биласанми?

– Йўқ.

– Шопен. Нокторн ре-бемоль мажор.

Хонага Перкинс кирди.

— Дастурхон тайёр, сэр.

Рудольф қолганига пушаймон бўлди. Унга Бойлан уни тузоққа туширишга ҳаракат қилаётгандек туюлиб кетди.

Мураккаб одам экан бу Бойлан деганлари. Мана сента Шопен, ботқоқ этиги, виски, фалсафа, аслаҳахона, ёндирилган хоч, заҳарланган ит... Рудольф булар барчасига тайёр эмаслигини, Бойланга бас кела олмаслигини ҳис этди. Гретхен нима учун бу одамдан қочиш зарур деганини у энди тушунди.

Бойлан куй чалишни тўхтатди, ўрнидан турди, Рудольфни одоб билан тирсагидан тутди-да, стол олдига олиб келди. Перкинс қадаҳларга оқ вино қуйиб чиқди. Стол ўртасида чуқур мис идишда қандайдир масаллиқли қайнатма форел ётарди. Рудольфнинг таъби тирриқ бўлди — у қовурилган форелни хуш кўрарди.

Улар бир-бирига рўпарама-рўпара ўгиришди. Ҳар бирининг олдида уч турли қадаҳ ва пичогу санчқилар мажмуи. Перкинс қайнатилган картошкали кумуш идишда форел қўйиб чиқди ва Рудольфнинг олдига келиб ён томонида тўхтади. Рудольф эҳтиёткорлик билан идишдан форел бўлаги ва бир жуфт картошка олди. Кумуш идишларнинг кўплигидан у шошиб қолди, аммо саросимага тушганини билдирмасликка ҳаракат қилди. Бир мунча муддат улар жимгина тановул қилишди. Бойланнинг пичоқ ва санчқини ишлатишини Рудольф диққат билан кузатарди. Ўткир мерган, яхши ният...

— У иш топибдими? — сўради Бойлан, гўё улар суҳбатни бир зум ҳам тўхтатишмагандек. — У менга актриса бўлмоқчиман деганди.

— Билмадим. Ундан хат олмаганимга анча бўлди, — ёлфонлади Рудольф биланларини Бойлан билан ўртоқлашписи келмай.

— У бунинг уддасидан чиқади деб ўйлайсанми? — давом этди Бойлан. — Сенинча, унда истеъдод борми?

— Бор деса бўлади. Унда нимадир бор. Мактабда у саҳнага чиққанида, ҳамма йўталишдан тўхтаб қоларди. — Бойлан кулиб юборди ва Рудольф бу гапни болаларча йўсинда айтганини англади. — Айтмоқчиманки, томошабинлар фақат уни кузатар, унга қараб қолар эди, бошқа актёрлар билан ишлари бўлмасди. Балки, истеъдод деганлари шу бўлса керак.

— Маъкул. — Бойлан тасдиқ маъносида бош ирғади. — У ҳаддан ташқари чиройли қиз. Лекин сен ука бўлганинг учун ҳам бунинг фарқига бормаган бўлишинг мумкин.

— Нега, билар эдим.

— Ростданми? — лоқайд оҳангда деди Бойлан. Афтидан, суҳбатнинг унинг учун қизиғи қолмаганди. Идишларни ол дегандек у Перкинсга қўл силтаб қўйди-да, ўрнидан турди, каттакон радиола олдига бориб, Бранснинг Иккинчи фортепяно концертини қўйди. Мусиқа шу қадар баланд янгрардики, ширинликни улар бир оғиз гап-сўзсиз тановул этишди.

Кечки овқатланиш тугади. Бойлан ўзига бир қадаҳ коньяк қўйди-да, қандайдир симфонияли пластинкани қўйиб қўйди. Кун бўйи давом этган балиқ овидан Рудольф чарчаган эди. Икки қадаҳ винодан унинг кўзлари қизарган, уйку босмоқда эди. Бойлан ўзини жиддий, аммо бетоналардек тутарди. Гретхен ҳақида бир оғиз ҳам гапирмай Бойланнинг ҳафсаласини пир қилганини Рудольф англаб турарди.

Ўриндиққа чўккан, кўзларини юмган ҳолда коньякдан ҳўплар экан, Бойлан буунлай мусиқага берилиб кетганди. Ўзи ёлғиз ёки ирландия бўрибосари билан ўтирганида у мана шундай ҳузур қиларди. Балки у менга кўшпаги вазифасини таклиф қилмоқчидир, хафа бўлиб ўйлади Рудольф.

Пластинканинг тирналпан жойи бўлиб, тикир-тикир қилган овоз эшитилди, Бойлан жаҳли чиқиб чимирилди, ўрнидан турди-да, бориб радиолани ўчириб қўйди.

— Сени ҳозир уйингга элтиб қўйсам майлими?

— Ҳа, яхши бўларди, — ўрнидан турар экан, енгил нафас олиб деди Рудольф.

— Сен бундай кетолмайсан-ку. Этигинг эса ҳали қуримаган бўлса керак.

Шошмай тур, мен сенга бирон нарса топиб бераман. — У меҳмонхонадан чиқди-да, зинадан юқорига кўтарилди. Тезда у қайтиб келди, кўлида унча катта бўлмаган сафар халтаси ва бир жуфт тўққизил мокасин<sup>1</sup> бор эди. — Кийиб кўр-чи, — таклиф қилди Бойлан.

Мокасин кўҳна бўлса ҳам тоза сақланган эди. Чарм жиғали, тагчарми қалин. Рудольфга у лоп-лойиқ келди.

— Икки кундан кейин олиб келиб бераман, — деди у.

— Овора бўлмай қўя қол, — жавоб берди Бойлан. — Юз йил бўлган унга. Қачондан бери киймайман.

Қармоқ, сават ва матрап аллақачон “бюик”нинг орқа ўриндиғида ётарди, ўриндиқдан пастда эса Рудольфнинг ҳўл этиклари турарди. Бойлан сумкани балиқ ови анжомлари олдига ташлаб қўйди-да, машинага ўтирди ва радиони қўйди. Жаз овози янгради. Вандерхоф стритгача йўл бўйи улар чурқ этишмади.

— Мана, етиб ҳам келдик, — деди Бойлан машинани булочка дўкони олдига тўхтатиб.

— Ҳаммаси учун катта раҳмат, — ташаккур билдирди Рудольф.

— Сенга раҳмат, — жавоб берди Бойлан. — Мен чинакамига маза қилдим.

Чиқмоқчи бўлиб Рудольф эшик дастасидан тутган эди, Бойлан унинг тирсағидан тутди:

— Кечирасан, мен бир нарса илтимос қилсам бўладими?

— Албатта.

— Мана бу сумкада... — Бойлан елкаси оша орқа ўриндиққа имо қилди. — Опанг учун бир нима бор. Опанг шу нарсани олишини жуда-жуда истардим. Унга шу сумкани бир бало қилиб еткази оласанми?

— Очигини айтсам, уни қачон кўришимни билмайман, аммо имкон туғилди дегунча илтимосингизни бажараман, — ваъда берди Рудольф.

— Аъло иш қилган бўлардинг. — Бойлан соатига қаради. — Ҳали унча кеч эмас. Балки, бирон жойга кириб ичармиз? Ўша ҳувиллаган уйга қайтиб боришни ўйласам юрагим бир тутама бўлиб кетади.

— Бахтга қарши эртага эрта туришим керак, — деди Рудольф. У бир ўзи қолгиси, таассуротларини хаёлдан ўтказгиси ва бу одам билан танишшуви нимага олиб келиши мумкинлигини аниқлагиси келарди.

— Эрта — нечада? — сўради Бойлан.

— Эрталаб бешда.

— Эрталаб бешда? Бўлмаган гап! Қизиқ, шундай каллаи саҳарда одамнинг қандай иши бўлиши мумкин?

— Мен велосипедда отамнинг мижозларига булочка тарқатаман, — жавоб берди Рудольф.

— Тушунаман, — бош ирғади Бойлан. — Тўғри-да, кимдир булочкани элтиб бериши керак-ку. — У кулди. — Сен булочка элтувчига асло ўхшамайсан.

— Бу менинг асосий ишим эмас, — деди таъкидлаб Рудольф.

— Асосийси нима? — Бойлан хомушланиб машина чироғини ёқди. Булочка дўкони тағхонасидаги чироқ ўчиқ эди — отаси ҳали тунги ишларини бошламаганди. Қизиқ, агар бу саволни унга беришганида, нима деб жавоб қилган бўларди? Унинг асосий иши нима — булочка пиширишми?

— Ҳозирча билмайман, — деди Рудольф ва ўз навбатида ўчакишиб сўради:

— Сизники-чи?

— Мен ҳам билмайман. Ҳозирча. Сен нима деб ўйлардинг?

— Айтиш қийин, — мужмалгина жавоб берди Рудольф. Бу одам — бўёқлари чаплаб ишланган сувратининг ўзи. Рудольфнинг ёши сал каттароқ бўлганда, чапланган бўёқларни жой-жойига қўйиб, росмана қиёфага солиб қўйган бўларди.

— Аттанг. Ёшликнинг ўткир нигоҳи менда ўзим кўришга муваффақ бўлолмаган ниманидир пайқар деб умид қилгандим.

— Дарвоқе, неча ёшдасиз? — сўради Рудольф. Бойлан ўтмиш ҳақида шу қадар кўп гапиряпгики, гўё у ҳиндилар ва президент Тафт замонида яшагандек ва Рудольф унинг кўриниши каби у қадар кекса эмаслигини бирдан англаб қолди.

<sup>1</sup> Аёлларма чармли пойафзал (тарж.).

– Топишга уриниб кўр-чи, – қувноқ оҳангда таклиф қилди у.  
 – Билмадим... – Рудольф иккиланди. Ўттиз бешдан юқори барча эркаклар унга битга ёшдагидек кўринарди; албатта, ҳасса таяниб мункиллаб юрадиган пахмоқ соқоли чоллардан ташқари газеталарда ўттиз бешдагиларнинг ўлимлари ҳақидаги хабарларга кўзи тушганда ҳеч ҳам ажабланмасди.

– Элликмиди?

– Опанг инсофлироқ эди, – кулди Бойлан. – Анча-мунча инсофли эди. Яқинда қирққа тўлдим. Менинг бутун ҳаётим ҳали олдинда. – Сўнг киноя билан кўшиб қўйди: – Ҳайҳот.

Бу “ҳайҳот”ни айтишга журъат этиш учун одам ўлгудек ўзига бино қўйган бўлиши керак, ўйлади Рудольф.

– Қирққа кирганинга қанақа бўласан? Мендақами?

– Йўқ, – кескин жавоб берди Рудольф.

– Оқилона жавоб. Тушунимча, сен менга ўхшашни истамайсан. Қизиқ, нима учун?

– Мен ҳам сизнинг уйингиздай уйда яшашни истайман. Ўшанча мулким, китобларим ва мана бундай машинам бўлса дейман. Сиздек яхши гапиришни, сиздек кўп нарса билишни, Европага боришни истайман.

– Аммо...

– Лекин сиз ёлғизсиз. Бахтсизсиз.

– Демак, сен қирққа кирганинга ўзингни ёлғиз ва тушкин ҳис этмайсан, шундайми? Чиройли суюмли хотининг, бири биридан ёқимтой фарзандларинг бўлади, улар ҳам сени севишади ва сен уларни кейинги урушга элтиб қўясан...

– Бойлан шундай оҳангда гапирардики, гўё болаларга эртақ сўзлаётгандай.

– Мен уйланмоқчи эмасман, – унинг гапини бўлди Рудольф.

– Шунақами? Никоҳ ҳақида қандайдир қарорга келишга ҳам улгурдингми? Сенинг ёшингда мен бошқача эдим. Уйланишимни билардим. Хувилаган қалъам фарзандлар кулгисига тўлишини орзу қилардим... Аммо, сен ўйлаганингдай, мен бўйдоқман ва хонадонимда ҳеч қачон кулги янграмаган. Дарвоқе, ҳали ҳаммаси бой берилганича йўқ. – У тилла портсигаридан сигарета олди-да, чақмоқдошни чақди. Аланга ёдусида унинг сочлари янада оқроқ кўришиб кетди, юзида эса чуқур ажин излари тахланиб ётарди. – Мен опанга оғиз солган эдим. У бу ҳақда сенга айтганмиди?

– Ҳа.

– Нега йўқ деганини-чи, тушунтирмадимми?

– Йўқ.

– У менинг хушгорим эканини-чи, айтмаганмиди?

– Ҳа, айтганди.

– Сен мени ёмон кўрасанми?

– Ҳа.

– Нима учун?

– Сиз унга жуда кексалик қиласиз.

– Менга йўқ деб у ҳеч нарса йўқотгани йўқ. Мен эса – йўқотдим... Уни кўрсанг, айт, мен ўз ниятимдан қайтганим йўқ, Айтасанми?

– Йўқ.

Бойлан гўё унинг “йўқ” сўзини эшитмагандек эди.

– Сенга бир сирни очай. Ушса куни кечкурун мен бекорга “Жек ва Жилл”да пайдо бўлиб қолганим йўқ. Ўзинг биласан, бундай жойлар менга тўғри келмайди. Аммо мен сенинг қаерда куй чалишингни билишга қарор қилгандим. Сизлар Жули билан дансингдан чиққанларингда мен агайлаб изингиздан боргандим. Эҳтимол, кўра-била туриб мен опасидаги бирон нарсани укасида кўришга умид қилган бўлсам керак...

– Энди мен бориб ётишим керак, – кескин оҳангда деди Рудольф ва машинадан тушди.

– Сумка эсингдан чиқмасин, – эслатди Бойлан.

Рудольф ўзининг қармоғи, сават ва сумкани олди. Сумка худди бўм-бўшдай жуда энгил эди.

– Ажойиб кеча учун яна бир марта раҳмат, – деди Бойлан. – Бунда битга ўзим маза қилдиммикан деб кўрқаман. Бу ҳам бўлса энди менга асқотмайдиган



бир жуфт этик эвазига. Отиш стенди тиклангандан кейин ўзим хабар қиламан. Энди эса бора қол, ёш бўйдоқ булочка элтувчи. Эрталаб соат бешда мен сен ҳақингда ўйлайман.

У моторни юргизди ва машина жойидан шиддатли қўзғолди.

#### IV

Клотильда адёлга бурканиб ётарди, сочлари ёстиқ узра ёйилган, юзида энгил табассум жилва қиларди. Томас уни ўпиб қўйди, хайрли тун тилади ва эшикни товувсиз ёшиб чиқиб кетди.

Тор зинадан у овоз чиқармай чортоққа чиқди, хонаси эшигини очди ва чироқни ёқди. Унинг каравотида йўл-йўл пижамала Ҳарольд амаки ўтирарди.

Кучли ёруғдан кўзларини қисганча Ҳарольд амаки тишсиз оғзи билан жилмайиб турарди – унинг тишлари ясама бўлиб, тунда уларни олиб кўярди.

– Хайрли кеч, Томми, – “ш”лаб деди у. – Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Қарийб тунги бир. Қизиқ, қанақа дилхушликларга берилиб қолдинг?

– Шундай, шаҳар айландим, – жавоб берди Томас.

– Томми, бизникида ёмон яшаётганинг йўқ, шундайми? – тупук сачратиб сўради Ҳарольд амаки.

– Албатта.

– Сени худди ўз боламиздай боқаяпмиз ҳам, шундайми?

– Албатта. – Эльза холани уйғотиб юбормаслик учун Томас секин гапиришга ҳаракат қилаётганди. Бу суҳбатга унинг келиб кўшилиши муглақо ортиқча эди.

– Сен тоза, батартиб хонадонда яшаяпсан. Биз сенга ўз оила аъзоларидай муомала қиламиз, – эзмаланарди Ҳарольд амаки. – Сенинг ўз велосипединг бор.

– Мен ҳеч нимадан шикоят қилмайман.

– Яхшигина ишинг бор, катталар қанча олса, сен ҳам шунча оласан. Отанг кўнгироқ қилиб, сени ўзимга олишимни сўраганида мен сўзсиз рози бўлгандим. Ахир Порт-Филиппа қандайдир кўнгилисизликлар бўлган экан-ку, тўғрими? Лекин Ҳарольд амаки сендан ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамади, биз Эльза холанг билан сени шундоқ бағримизга олдик. – Унинг пижамаси тугмалари ечилиб кетиб, кўпчиган қорнининг қизғиш қатламлари кўриниб турарди. – Ёки мен булар ҳаммаси учун қўлингдан келмайдиган бир нарса талаб қилаяпманми? Миннатдор бўл деяпманми? Йўқ. Талаб қилганим арзимаган нарса: йигит киши деган ўзини яхши тутиб юриши ва вақтида ётиб ухлаши керак. Ўзининг тўшагида, Томми.

Мана, гап қаёқда, ўйлади Томас. Бу ифлос ҳаммасидан хабардор!

– Бизлар тагли-тугли одамлармиз, Томми. Бизнинг оиламизни ҳурмат қилишади. Холангни энг яхши хонадонларда қўлларини кўксига қўйиб қарши олишади. Банкда менга қандай кредит беришганини айтадиган бўлсам, оғзинг ланг очилиб қолади ҳайратдан. Гарчи Америкада туғилган бўлсам ҳам Огайо штати Қонун чиқариш ассамблеясига республикачилар партиясидан номзодим қўйилишини таклиф этишган ҳатто. Қизларимнинг кийиниши... Ҳеч бир қиз улардан яхши кийинмайди. Улар намунали ўқувчилар. Ҳар ҳафтада мен ўзим уларни машинада якшанбалик черқов мактабига олиб бораман. Мана шу фариштадай икки бокира, тоза қизим ҳозир мана шу уйда худди сенинг хонанг тагида ухлаяпти.

– Ҳаммаси равшан, – деди Томас. – Майли кекса овсар ичини бўшатиб олсин.

– Сен тунги соат биргача шаҳар айланганинг йўқ, Томми, – ҳазин оҳангда давом этди Ҳарольд амаки. – Сенинг қаерда бўлганингни биламан. Ичгим келиб, музлатичдан бир шиша пиво ичгани ошхонага бордим ва шовқинни эшитдим. Буни гапиришга тилим бормайи, Томми. Шугина ёшингда, қизларим яшайдиган уйда...

– Нима бўпти? – қоғоғини уйиб тўнғиллади Томас. У Ҳарольд амакининг эшик ортидан қулоқ солиб турганини кўз олдига келтирди-да, бу фикрдан кўнгли беҳузур бўлиб кетди.

– Нима бўпти! – такрорлади ортидан Ҳарольд амаки. – Менга айтмоқчи бўлган бор-йўқ гапинг шу, холосми? “Нима бўпти”ми?!

– Мен сизга нима дейишим керак? – Унинг: “Мен Клотильдани севаман! Менинг жирканч ҳаётимда содир бўлган энг ажойиб воқеа шу бўлди. Клотильда ҳам мени севади. Сал ёшим катгароқ бўлганида мен уни бу лаънати хонадондан, бу ҳурматли оиладан олиб чиқиб кетган бўлардим!” деб қичқиргиси келди. Аммо бундай деёлмаслиги аниқ эди. У умуман ҳеч нарса деёлмайди. У ночорликдан бўғилиб кетди.

– Ифлос алоқадан, жоҳил ва авом деҳқон қизи макри тузоғига илинганимдан уятдан, дейишингни истайман, – вишиллади Ҳарольд амаки. – Энди унга қўлимнинг учини теккизмайман деб ваъда беришингни истайман. Бу хонадонда ҳам, бошқа жойда ҳам.

– Мен ҳеч нарса деб ваъда бермайман.

– Яхши. Сен ҳеч нарса деб ваъда бермайсан, – гапни илиб кетди Ҳарольд амаки. – Кераги ҳам йўқ. Бу ердан чиқиб, унинг олдига кираман, у менга жуда кўплаб ваъдаларни беради, мени айтди дерсан.

– Сиз шунақа деб ўйлайсиз, – эътироз билдирди Том, аммо бу сўзлар унинг ўзига ҳам болаларча, бемаъни туюлиб кетди.

– Мен ўйламайман, биламан, Томми, – шивирлаб деди Ҳарольд амаки. – Мен нимани истасам у шуни ваъда беради. Унинг борадиган жойи йўқ. Агар уни ҳайласам, қаерга боради? Канадага қайтиб кетадими? Икки йилдан бери қидириб юрган арақхўр эрининг олдидами? Ўласи бўлиб калтак еганими?

– У ўзига бошқа иш топади. Унинг Канадага қайтиб кетишига асло ҳожат йўқ.

– Сен шунақа деб биласан. Оббо, жуда халқаро ҳуқуқлар бўйича мутахассис бўлиб кетибсан-ку! Сенингча, ҳаммаси осон экан-да? Мени полицияга мурожаат қилмайди деб ўйлабмидинг?

– Бу ерда полициянинг нима алоқаси бор?

– Сен ҳали гўдаксан, Томми. У балоғатга етмаган болани йўлдан урди. Бу жиноят, Томми. Жиддий жиноят. Америка – тараққий этган мамлакат, болалар ҳам бу ерда қонун билан ҳимояланган. Борди-ю, уни турмага тиқмасалар ҳам, бегона мамлакатда ёш болаларни йўлдан урапти деб ажнабий сифатида кетига тешиб, ҳайдашлари аниқ. Унинг фуқаролиги йўқ, Канадага қайтиб кетишдан бошқа чораси ҳам йўқ. Бу ҳақда газеталарда ёзишмади, эри эса уни кутади. Э-ҳа, нима деб ўтирибсан, у ҳамма нарсага ваъда беради, – такрорлади Ҳарольд амаки ўрнидан тураркан. – Сенга ачинаман, Томми. Сен айбдор эмассан. Сенинг қонингда бор. Отанг ҳар доим фоҳишаларга илашгани-илашган эди. Кўчада у билан кўришгани ор қилардим. Онанг эса, агар сен буни билмасанг, никоҳсиз туғилган. Уни етимхона роҳибалари тарбиялаган. Кези келганда, бир сўраб кўр-чи, ота-онаси ким эканини билармикан? Энди ётиб ухла. – У Томаснинг елкасидан шапатилаб қўйди. – Сен ёмон бола эмассан, мен сени одам қилишдан хурсанд бўлардим, оиламиз фахрланиб юрарди. Мен сенга яхшилик бўлсин дейман. Майли, ухла. – Шундай деб ўзига мос келмаган йўл-йўл пижамадаги пиво бочкаси – Ҳарольд амаки ўз яккаҳоқимлигини англаган ҳолда яланг оёқлари билан товушсиз одимлаганча хонадан чиқиб кетди.

Томас чироқни ўчирди, каравотга ётди ва куч билан ёстиққа мушт урди.

Эртасига эргалаб нонуштагача Клотильда билан гаплашиб олиш учун эртароқ турди, аммо пастта тушганда Ҳарольд амаки аллақачон овқатланадиган столда газета ўқиб ўтирарди.

– Салом, Томми, – сўрашди у қаҳвадан ҳўриллатиб ҳўнларкан.

Хонага Томас учун стаканда пўртаҳол шарбати билан Клотильда кириб келди. У Томасга қараб ҳам қўймади. Унинг чехраси хўмрайган ва тунд эди.

Нонуштадан кейин Том одатдагидек унга Клотильдадан бошқа ҳеч ким йўқлигида қайтиб келишга қарор қилиб, ишга кетди.

У гараждан фақат соат тўртгагина ситилиб чиқа олди. Эльза хола қизлари билан шу кунларда тиш докторига қатнаётган эди. Иккала қиз ҳам тишига шина қўйдириб олганди. Ҳарольд амаки – Том буни албатта биларди – ҳозир намойиш залида. Клотильда уйда бир ўзи бўлиши керак.

У велосипедда уйга яқинлашганда Клотильда шлангдан деразалар тагидаги чимзорга сув қуймоқда эди. Клотильда оқ халат кийиб олганди. Элиза хола чўрисининг ҳамширалардай юришини ёқтирарди. Бу олий даражадаги тозаликнинг ўзига хос намунаси эди. Шунақа, менинг уйимда ҳамма жой ёғ тушса ялағудай тоза.

- Клотильда, уйга кирайлик, гап бор, – деди Томас.
- Вақтим йўқ. – У сувни гулгожихўроз тўпига қараб тўғрилади.
- У кеча тунда олдинга кирдимми?.. Амаки?
- Ҳа, кирди.
- Сен уни қўйдингми?
- У уйнинг хўжайини-ку, – маънос жавоб қайтарди Клотильда.
- Сен унга бирон нарса ваъда қилдингми? – У деярли қичқириб гапирарди, аммо ўзини сира қўлга ололмаётганди.
- Мен ҳеч қачон сен билан ёлғиз қолмайман, деб ваъда бердим, – кескин деди жувон.
- Аммо бу шунчаки гап, холос, – энтикиб деди Томас.
- Йўқ, шунчаки эмас. – У қўлида шланг учини ўйнади. Бармоғида никоҳ узуги ялт-ялт қиларди. – Орамиз очик.
- Йўқ! – Томас уни тутгиси ва силкалагиси келди. – Қуриб кетсин бу хонадон! Бошқа иш топаман. Мен ҳам кетаман ва...
- Аҳмоқона гапларни гапирма, – шартга унинг гапини бўлиб деди Клотильда. – Сен менинг жиноятимни биласан-ку, – Ҳарольд амакига шама қилди у. – У мени мамлакатдан чиқариб юбора олади. – Сўнг ғамгин қўшиб қўйди: – Бизлар Ромео ва Жульетта эмасмиз. Сен ўқувчисан, мен ошиқ хотинман. Гаражга қайт.
- Наҳотки, унга бир оғиз бир нима демаган бўлсанг? – Томас ғазабда эди. У шу ернинг ўзида, Клотильданинг юз-кўзича хўнграб юборишдан қўрқмоқда эди.
- Нима дедим? У ваҳший одам. У рашк қилади, эркак одам рашк қилдими, унга гапир нимаю девор ё дарахтга гапир нима.
- Рашк қилади?.. – тушунмади Томас.
- У икки йилдан бери менга ҳиқиллайди, – хотиржам жавоб берди Клотильда. – Ҳар куни тунда, хотини уйқута кетиши билан келади-да, мушукдай эшигимни тирмалагани-тирмалаган.
- Семиз кўшпак! Кейинги сафар ўзим уни пойлайман.
- Йўқ, сен ундай қилма, – қайтарди уни Клотильда. – Кейинги сафар мен уни қўяман. Сен буни билиб қўйганинг яхши.
- Қўяман дейсанми? Уни-я?!
- Мен чўриман, – деди жувон. – Чўридай яшашга мажбурман. Мен ишимдан ажрашни, қамоққа тушишни ёки Канадага қайтиб кетишни истамайман. Унут ҳаммасини. Alles Карут!<sup>1</sup> Икки ҳафта зўр ўтди. Сен зўр боласан. Кечир, мен сени ёмон йўлга олиб кирдим...
- Бас! Бўлди! – қичқирди Томас. – Энди мен биронга ҳам аёлга қўлимнинг учини теккизмайман, токи...
- Унинг томоғи бўғилди ва гапини охиригача етказмай велосипедга ирғиб минди-да, йўлга қараб ўтирмай учиб кетди. У бирон марта ҳам орқасига ўтирилмади ва шу боис Клотильданинг қорача юзида думалаган аламли ёшларни кўрмади.

## 9-боб

### I

Саккизинчи кўчада метродан чиқиб, Гретхен аввал олти шиша пиво харид қилди, сўнг эса Виллининг костюмини олгани кимёвий тозалаш хонасига кирди. Чор-атрофга илк ноябр оқшоми чўкиб, ҳавода изгирин еларди. Одамлар пальтога бурканиб олишган ва шошиб одимлар эдилар. Гретхендан олдинда совуқдан жунжикканча шим ва шинель кийган бир қиз борарди. У бошига

<sup>1</sup> Ҳаммаси тугали! (Нем.)

шарф ўраб олганди. Гарчи ҳозир кеч соат олтилар бўлса-да, қизнинг авзойидан у тўғ ҳозир тўшакдан туриб келаётгандек кўринарди. Дарвоқе, Гринич-Виллиннинг фазили шунда эди: бу ердаги одамлар кун ва туннинг исталган соатида тўшакдан туриб келаварарди. Яна бир гўзал жиҳати — шаҳарнинг бу қисмида асосан ёшлар истиқомат қиларди.

Шинелли қиз Гретхенга яхши таниш “Коркоран” гриль-барига кирди, бу ҳам қўшни ўнлаб барларнинг биттаси эди: унинг ҳаётининг талай қисми барларда кечмоқда эди.

У одимларини тезлатди. Шинели қоғоз сумка қўлини узиб юборгудек бўлмоқда эди. Гретхен ҳозиргина тутаган репетициядан қайтаётган бўлиб, соат саккизларда у яна театрда бўлиши керак эди. Пьеса камтарона муваффақиятга эришаётган бўлса-да, июнгача туриб беришига шубҳа йўқ эди. Ҳар кун оқшом Гретхен чўмилиш кийимида бутун сахна бўйлаб уч карра юриб ўтади. Унга бир неча бор кечки зиёфатга таклиф қилинган галати хат ва телеграммалар олиб келинди, икки марта ҳатто у кимдандир атиргул ҳам олди.

Гретхен зинадан учинчи қаватга югуриб чиқди. Хонадон эшиги тўғри меҳмонхона бўлмасига қараб очиларди.

— Вилли! — қичқирди у. Хонадон кичкина, бор-йўғи икки хонадан иборат бўлиб, қичқиришнинг ҳолати йўқ эди. Аммо Гретхен унинг исмини овоз чиқариб айтишни ёқтирарди.

Титиғи чиққан диванда бир қўлида пиволи стакан тутганча Рудольф ўтирарди.

— Салом. — У ўрнидан турди-да, опасининг юзидан ўпди.

— Руди! Қандай шамол учирди сени? — деди қиз пиволи сумкани ерга қўяр ва Виллиннинг костюмини стул суянчигига илар экан.

— Мен кўнғироқ қилдим ва дўстинг киришимга изн берди, — жавобан деди Рудольф.

— Дўстинг кийинаяпти, — овоз берди Вилли қўшни хонадан. У кўпинча кун бўйи хонада халатда юрарди.

— Сени кўриб бошим осмонга етди, — Гретхен пальтосини ечди-да, укасини маҳкам кучоқлади. Сўнг унга тўйиб қараб олиш учун бир қадам орта чекинди. Илгари ҳар кун кўриб турганида унинг бу қадар хушрўй эканини билмаган экан: қорачадан келган, хушқомат, унинг туғилган кунда ўзи совға қилган зангори кўйлак ва спорт пиджагида. Ўйчан, тиниқ, яшилга мойил кўзлар. — Ўтирсанг-чи, — унинг енгидан тортди Гретхен, — гапир, у ёқда уйда қандай? Эй худо, сени кўриб турганимга сира ишонгим келмаяпти! — Унга овози бироз ғайритабиий чиқаётгандек туюлмоқда эди. Унинг келишини билганида унга Вилли ҳақида хабар қилган бўларди. Нима бўлганда ҳам йигит бор-йўғи ўн етти ёшда... Ҳеч гапдан хабари йўқ у опасини кўргани келган, келиб қарасаки опаси аллақандай эркак билан турибди.

— Уйда ҳаммаси эски ҳаммом, эски тос, — деди Рудольф. Борди-ю, дили гап бўлганда ҳам барибир билдирмаётганди. Сабр-тоқатни Гретхен укасидан ўрганса бўларди. — Энди бир ўзим қолгач, ҳамманинг кўрар кўзи битта ўзим бўлиб қолганман.

Гретхен кулиб юборди. Ташвиш қилишга бало борми. У укасининг қадрига етмаганди, холос — кап-катта одам бўлиб қолибди-ку.

— Ойим қандай?

— Ҳалиям... “Шамол учирганлар”ни ўқийдилар, — жавоб берди Рудольф.

— Касаллар. Врачлар флебитга чалинган дейишяпти.

— Булочка дўқонида ким ишлаяпти?

— Қандайдир Кудэхи деган хотин. Бева. Биз унга ҳафтасига ўттиз доллар берамиз.

— Дадам бундан хафа бўлсалар керак? — деди Гретхен.

— Ҳа, бундан унчям хурсанд эмаслар.

— Уларнинг ўзлари қандай?

— Ростини айтсам, агар улар ойимдан кўра жиддийроқ касал дейишса, ажабланмаган бўлардим. Сен кетганингдан буён улар дарёга бирон марта ҳам борганлари йўқ.

— Уларга нима бўлди? — Гретхен бу уни ростдан ҳам ташвишга солаётганидан ҳайрон бўлди.

— Айтиш қийин. Уларни ўзинг биласан-ку. Улар ҳеч қачон ҳеч нарса демайдилар.

— Мени ҳеч эслайдиларми ўзи?

— Йўқ, чурқ этмайдилар.

— Томасни-чи?

— Ўйламай ҳам қўйганлар. Ўшанда ўзи нима бўлганига сира ақлим етмайди. У, афтидан, хаг ёзмайди.

— Ана сенга оила, — деди Гретхен. Иккаласи гўё Жордахлар авлодини бир дақиқалик сукут билан хотирлагандай жимиб қолди.

— Бўпти, — бирдан ўзига келиб деди Гретхен. — Ошёнимиз сенга ёқдими?

Улар Вилли билан ушбу хонадонни бутун жиҳоз-анжомлари билан ижарага олишганди. Мебеллари худди чортоқдан олиб тушилганга ўхшарди, Гретхен бир нечта гулли гулдон сотиб олганди, деворларга эса туристик агентларнинг журнал ва реклама плакатларидан қирқимлар ёпиштириб ташланганди. Ортда хушманзара қишлоқча, олдда сомбреро<sup>1</sup> кийган ҳинди. Нью-Мексикага хуш келибсиз!

— Жуда зўр, — маъюс жавоб берди Рудольф.

— Ҳаддан ташқари овлоқ жой, албатта, аммо бир ажойиб афзаллиги бор — бу Порт-Филип эмас.

Йўл-йўлакай сочини тараганча хонага Вилли кириб келди. Гретхен уни атиги беш соатгина кўрмади, бироқ агар улар ёлғиз бўлишганида бир неча йилдан бери кўришишмагандек бир-бирининг кучоғига ташланишарди. Вилли диван узра жойлашди-да, Гретхеннинг юзидан ўчди. Рудольф одоб ила ўрнидан турди.

— Ўтиравер, ўтиравер, Руди. Унвоним бўйича мен сендан катта эмасман. Ҳа-а! — У кимёвий тозалашдан келтирилган костюмини кўриб қолди. — Биласанми, опанг билан танишган дастлабки кундаёқ мен унга сендан ажойиб хотин ва аъло она чиқади деб башорат қилгандим. — Сўнг табассум ила Гретхенга мурожаат қилганча сўзида давом этди. — Биз ҳеч нарсани яшириб ўтирмаймиз. Мен унга ҳаммасини тушунтириб бўлганман. Руди бизнинг гуноҳда фақат расман яшаётганимизни билади. Мен унга сенинг қўлингни сўраганимни, сен, худо хоҳласа, узил-кесил бўлмаса-да, рад этганингни айтганман.

Бу тўғри эди. У бир неча бор Гретхенга оғиз солганди. Гретхен ҳам унинг нияти поклигига деярли ишонч ҳосил қилиб улгурганди.

— Хотининг борлигини ҳам айтганмидинг? — сўради Гретхен. У Рудининг дилида унча-мунча шубҳа қолиши тарафдори эди.

— Албатта. Мен маҳбубаларимнинг ака-укаларидан ҳеч қачон ҳеч нарса яширмайман. Менинг уйланишим — бола ўйини. Вақтинчалик. Дастлабки шамол эпкинидай тарқаб кетувчи булут. Руди — ақлли йигит, ҳаммасини тушунади. У узоққа боради. У ҳали тўйимизда ўйнаб ҳам беради. Кексалигимизда бизга гамхўрлик ҳам қилади. Хўш, Руди, қайнаға бўлишга ярайманми?

— Бир нима дейиш қийин, — ўйчан яшилтоб кўзлари билан унга синчиклаб разм соларкан, жавоб берди Рудольф. — Мен сизни мулақо билмайман.

— Тўғри, Руди, ўзингни ҳеч қачон бутунлай очиб берма. Ҳамма бало шунда-да: мен ўта очиқман. Дилимда нима бўлса, тилимда ҳам шу. — Кейин яна Гретхенга юзланди: — Ҳа, мен уни сенинг театринга олиб бораман деб ваъда бергандим, кейин ресторанга борамиз-да, кечки овқатни бирга еймиз.

— Афсуски, бутун мен бандман. Бошқа бирор кун борармиз, — жавоб берди Руди. — Гретхен, мана бу сумкада сенга аталган бир нима бор. Мендан бериб қўйишимни илтимос қилишганди.

— Нима бу? Кимдан?

— Бойлан исмли одамдан.

— О! — Гретхен дивандан турди-да, сумка олдига борди. — Совғами? Қандай зўр! — Сумкани олиб, уни столга қўйди-да, очди. Ичидаги нарсани кўрди-ю, у олдиндан тусмол қилиб юрган нарса рўй берганини тушунди. — Э худо, бутунлай эсимдан чиққан экан, қиш-қизил-а, — кўйлакни юзига тутиб кўраркан, хотиржам оҳангда гапирди у.

— Ана, холос! — ҳаяжон билан деди Вилли.

<sup>1</sup> Ҳиндилар шляпаси (тарж.).

Рудольф уларни диққат билан кузатиб турарди.

– Менинг йўлдан урилган ёшлигимдан ёдгорлик, – деди Гретхен ва Рудольфнинг билагига шапатилаб қўйди. – Ташвишланма, Вилли мистер Бойлан ҳақида ҳамма нарсани билади.

– О, мен уни итдай отиб ташлайман. Бир кўрай уни. Агтанг, тўшончамни тошширмай турсам бўларкан.

– Уни олиб қолайми, Вилли? – иккиланиб сўради Гретхен.

– Ўз-ўзидан аён. Борди-ю, у Бойландан кўра сента кўпроқ ярашса агар.

– Уни сендан қандай қилиб ва нима учун бериб юборди? – сўради Гретхен, кўйлакни столга қўйиб кўяркан.

– Биз у билан тасодифан танишиб қолдик ва ўшандан буён гоҳ-гоҳ кўришиб турамиз, – жавоб берди Рудольф. – У мендан манзилингни беришимни илтимос қилди, лекин мен бермадим.

– Унга айтиб қўй, мен ундан миннатдорман, ҳар гал бу кўйлакни кийганда уни эслайман.

– Хоҳласанг, бу гапни унинг ўзига айтишинг мумкин. Мени бу ерга у олиб келди ва ҳозир Саккизинчи барда кутиб турибди.

– Дарҳақиқат, нега энди ҳаммамиз биргаликда у ёққа бормас ва бу нусха билан ичмас эканмиз? – деди Вилли.

– Мен у билан ичишни истамайман, – деди Гретхен.

– Шундай дейми унга? – сўради Рудольф.

– Ҳа, шундай де.

Рудольф ўрндан турди.

– Энди мен борай.

– Сумка эсингдан чиқмасин, – эслатди Гретхен ва укасига қизиқсиниб разм солди. – Руди, сен у билан тез-тез кўришиб турасанми?

– Ҳафтада икки марта.

– У сента ёқадими?

– Билмадим. Ундан кўп нарса ўргандим.

– Эҳтиёт бўл, – огоҳлантирди опаси.

– Хотиржам бўлинг. – Рудольф Виллига қўлини узатди. – Хайр. Вино учун раҳмат.

– Мана, йўлни ҳам билиб олдинг. Истаган вақтингда келавер. Сени кўргангидан хурсанд бўламан. – Вилли унинг қўлини самимий қисиб қўйди.

Гретхен унга эшикни очди. Руди гўё яна бир нима демоқчидай, тарадудланди, лекин охири уларга қўл силкиб қўйди-да, кетди.

– Зўр уканг бор экан. Қани энди мен ҳам унга ўхшаган бўлсам, – деди Вилли.

– Шундоқ ҳам ёмон эмассан.

– Ўз ёшига қараганда у анча катта кўринади.

– Анчадан ҳам кўпроқ, – деди Гретхен. – У ҳалдан ташқари режали... Мен келунимча нималар тўғрисида гаплашдиларинг?

– У менинг ишимга қизиқди... Афтидан, поччасининг кундузлари уйда ўтириши, опаси эса бу вақтда кундалик насиба топиши унга ғалати туюлди. Аммо унинг кўнглини тинчитдим, ҳар қалай.

Виллининг бир таниши яқинда ташкил этган янги журналда ишларди. Журнал радиога аталган мақолаларни чоп этарди, Виллининг асосий қиладиган иши кундузги эшиттиришларни тинглашдан иборат эди, – у бу ишини одамлар гиж тўла, сигарета тутунига кўмилган танг-тор хонада эмас, уйда қилишни афзал биларди. Унга ҳафтасига тўқсон доллар беришарди, Гретхен ишлаб келадиган олтмиш доллар бунинг устига устак эди, бу уларга бемалол етиб-ортарди, бироқ ҳар сафар ҳафта охирига келиб бир чақасиз қолишарди, чунки Вилли ресторанларни жонидан яхши кўрар ва барларда кечгача ўтириб қоларди.

– Сен унга драматург эканингни ҳам айтдингми? – сўради Гретхен.

– Йўқ. Кейин ўзи билиб олар.

Вилли ҳалигача унга ўз пьесаси ҳақида оғиз очмаганди. У ҳозирча атиги бир ярим пардасини ёзган бўлиб, барчасини қайтадан ёзиб чиқишга ҳозирланиб юрарди.

– Кўйлагингни кий. Кўрайлик-чи, у сента қандай ярашаркин, – таклиф

қилди у кўйлакни бераётди. Гретхен ётоққа қараб кетди. Ишга кета туриб у каравотни тартиб билан йиғиштириб қўярди, лекин ҳозир тўшаклари тўзиб ётарди: Вилли тушдан кейин ухлашни яхши кўрарди. Улар икки ойдан сал кўпроқ вақтдан бери бирга турмоқда эдилар, аммо Гретхен унинг одатларини миридан-сиригача ўрганиб олишга улгурганди. Унинг буюмлари бутун хона бўйлаб сочиб ташланган, корсети эса дераза олдида ерда ётарди. Гретхен жилмайди. Виллининг болаларча тўзимсизлиги унга хуш ёқарди. Нарсаларни йиғиштириш Гретхенга завқ бағишларди.

Кўйлак ширилдоғини қийинчилик билан тортиб, у ўзини ойнадаги аксига синчиклаб разм солди. Умизидаги ўйиқ ҳаддан ташқари чуқур эди. Ойнадан унга қараб турган қизил кўйлакли аёл ундан кўра каттароқ туюларди — у Нью-Йоркнинг ўз жозибadorлигига инонган ҳақиқий яшовчиси, рақобатдан кўрқмай, ҳар қандай эшикни очиб дангал кирадиган аёл эди. У меҳмонхона бўлмага қайтиб келганида пивонинг иккинчи шишасини очиб улгурган Вилли ҳаяжон ила деди:

— Ҳозир ташлаб юбораман!

— Жудаям баданим кўриниб қолмаяптими?

— Сени бу кўйлақда кўрган ҳар қандай эркак ўша заҳоти уни эгнингдан ечиб ташлашни истайди. — У яқин келди-да, Гретхеннинг орқасидан ширилдоқни ечди. — Айтмоқчи, бу хонада нима қилиб ўтирибмиз ўзи?

Улар ётоққа ўтишди-да, тезгина ечинишди. Ушанда бир мартагина у шу кўйлакни Бойланнинг олдида кийиб кўринганида ҳам худди шундай бўлганди. Барон Виллининг яқинлиги мутлақо бошқача эди: нафис, қувноқ, бегуноҳ — бу яқинлик табиий ва уларнинг биргаликдаги ҳаётининг узвий қисми эди.

Вилли аста орқасига айланиб ётди, улар болалардек бир-бирининг кўлидан ушлаганча жим ётар эдилар. Хона ичи қоронғи эди. Фақат меҳмонхона бўлманинг очик эшигидан ёғду тушиб турарди.

— Мана, сен мени бутунлай ўзингга бўйсундириб олдинг, балки энди гаплашсак бўлар? Бутунги кунинг қандай ўтди? — сигарета тутатаркан, сўради Вилли.

Гретхен иккиланиб қолди. Ҳозир эмас, кейин, ўйлади у.

— Ўша-ўша. Гаспар яна жиғимга тега бошлади. — Гаспар пьесада бош ролни ўйнарди. — У билан бир гаплашиб кўйсанг қалай бўларкин? Қизимни ўз ҳолига қўясанми, йўқми десанг-чи? Балки, башарасига айлангириб бир соларсан?

— У мени ўлдириб қўяди! — заррача ҳам уялмади Вилли. — У филнинг ўзгинаси-я.

— Келиб-келиб кўрқоқни севиб қолганим-чи. — Гретхен унинг қулоғидан ўпди. — Агар сента биронтаси кўзини сузиб қарасин-чи, шу жойнинг ўзида ўлдириб қўя қоламан.

— Бу аниқ, — кулди Вилли.

— Бутун театрга Николс келган эди. У келаси йил янги пьесада менга роль беришни ваъда қилди. Катта роль.

— Сен юлдуз бўласан, — деди Вилли. — Сенинг исминг афишаларда ярақлаб туради, мени эса эски калишдай ташлаб кетасан.

Ҳозир билди нимаю кейин билди нима, барибир эмасми, деб ўйлади Гретхен.

— Келаси мавсумда мен, ҳойнаҳой, умуман ишлаёлмасам керак.

— Нега бундай дейсан? — тирсагига суяниб хиёл кўтарилди-да, у ҳайрон бўлганча жувонга қаради.

— Мен эрталаб врач ҳузурда бўлган эдим, — деди у. — Мен ҳомиладорман.

Вилли ўтириб олди-да, сигаретасини кулдонда эзгилаб ўчирди.

— Бориб бир нарса ичай. — У кўполлик билан каравотдан турди-да, эгнига эски халатни ташлаб меҳмонхона бўлмага ўтди. Гретхен унинг ўзига пиво қуяётганини эшитди. У қоронғида ётаркан, ўзини ташландиқ ҳис этди. Унга айтмаслик керак эди, ўйлади у. Энди ҳаммаси тамом. Шу заҳоти ўзича, агар инкор этадиган бўлса, ҳомилани олдириб ташлайман деб айтаман дея аҳд қилди. У ҳеч қачон ҳомилани олдириб ташламаслигини биларди, лекин айтишга айтади.

Вилли ётоққа қайтиб келди. Гретхен каравот олдидаги чироқни ёқди. Бу

суҳбат ёруғда бўлгани маъқул: одамнинг ўзидан кўра кўзи кўпроқ нарсани айтади.

– Кулоқ сол. У кулоғинг билан ҳам, бу кулоғинг билан ҳам эшитиб қўй, – деди каравот чеккасига келиб қўнаркан, Вилли. – Мен ё сен билан ажрашаман, ё бу газандани ўлдираман. Кейин биз турмуш қурамыз, мен ёш оналар курсига кираман ва чақалоқларни йўргаклаш ва боқишни ўрганаман. Сиз гапимни тушундингизми, мисс Жордах?

Гретхен диққат билан унинг юзига қаради. У ҳазиллашмаётган эди.

– Мен гапингни тушундим, – секин жавоб берди Гретхен.

## II

Кўлида сумка билан Рудольф барга кириб келганида тивит пальто кийган Бойлан стаканга қараганча баланд стол олдида турарди.

– Сумка билан келибсанми? – сўради у.

– Гретхен уни олмади.

– Кўйлакни-чи?

– Кўйлакни олди.

– Нима ичасан?

– Пиво.

– Илтимос, битта пиво, – чақирди Бойлан барменни. – Менга эса яна виски. – Бойлан девордан тошойнада турган ўзига бир қур қараб қўйди. Қошлари ўтган ҳафтадагидан ҳам кўра оқроқ кўринарди. Юзи эса бир неча ойни алақаерда жанубда ўтказгандай бир текис қорайган. Рудольф бу қорайиш аслида кварц чироғи таъсиридан эканлигини билди. “Ҳатто сурункасига бир неча ҳафта биров билан кўришмаган тақдирда ҳам ҳар доим иложи борича кўркам кўринишга ҳаракат қиламан. Аввал ўзимни ҳурмат қиламан, сўнг бошқаларни”, – деган эди Бойлан бир гал. Рудольф ўзи қорачадан келган йигит эди, шу боис кварц чироқдан фойдаланмай туриб ҳам киши ўзини ҳурмат қилиши мумкин, деб ҳисобларди.

Бармен уларнинг олдида пиво ва вискини қўйиб кетди. Бойлан ўз стаканини олганда унинг бармоқлари хиёл титрарди. Қизиқ, қанча ичиб қўйди экан? – ўйлади Рудольф.

– Шу ерда эканимни унга айтдингми? – сўради Бойлан.

– Ҳа.

– У келадими?

– Йўқ. Унинг дўсти келиб, сиз билан танишмоқчи эди, лекин бу кўнмади.

– Ҳақиқатни яширишдан маъно йўқ эди.

– Улар турмуш қуришмаганми мабодо?

– Йўқ. Йигит ҳали ҳам оилалик экан.

Бойлан яна ойнадаги аксига кўз ташлаб қўйди.

– У қанақа одам экан ўзи? Сента ёқдими?

– Ёш, анча хушрўй ва тинмай ҳазил қилади.

– Ҳазил қилади... – такрорлади Бойлан. – Дарвоқе, ҳазил қилмай ҳам нима қилсин?.. Уларнинг хонадони тузукми?

– Лифтсиз, кўпқаватли уйда, икки хона.

– Опанг бойликдан қаттиқ нафрат қилади. Бир кун келиб, кўплаб одамлар каби у ҳам пушаймон ейди бундан.

– Назаримда, у бахтлидек кўринди, – деди Рудольф. Бойланнинг кароматлари унинг дилини хуфтон қилди, у опасининг бирон нарсадан пушаймон бўлишини истамасди.

– Таклифим ўз кучини сақлаб қолишини унга етказдингми?

– Йўқ. Менимча, бу гапни унга ўзингиз айтишингиз керак. Булардан ташқари, унинг йигити олдида бу гапни қандай айта оламан?

– Нега айта олмас экансан?

– Тедди, сиз жуда кўп ичар экансиз.

– Ҳа? Эҳтимол. Демак, сен унинг олдида яна бирров бориб келишни истамайсан, шундайми? Мен билан-а?

– Ўзингиз биласиз-ку, мен бундай қилолмайман.



– Ҳа, биламан. Сизнинг оилангизда ҳеч ким ҳеч нарсага қодир эмас.

– Шунақа денг. Мен шартта поездга ўтириб, уйга қайтиб кета оламан. Ҳозирнинг ўзида.

– Кечир, Рудольф. – Бойлан аста унинг қўлидан туртиб қўйди. – Шу вақт мобайнида мен шу ерда туриб, “Ана-мана у сен билан бирга кириб келади”, деб ўйловдим. У эса келмади. Мени кўполлигим учун кечир – мен бироз асабийлашган эдим. Кечир. Сен, албатта, бир ўзинг ҳеч қаёққа бормайсан. Сен билан иккаламиз эркин қушлармиз, кел, шундан фойдаланиб қолайлик, Нью-Йоркда бир тун ўзимизни хурсанд қилайлик. Бу ердан сал нарида тузуккина бир ресторан бор. Шундан бошлаймиз.

Рудольф ҳисоб-китобга қараб ўн икки доллардан ошиқроққа тушган кечки овқатдан кейин улар қайсидир тағхонада жойлашган бир тунги клубга киришди. У ерда ёшлар кўп эди, аксарияти негрлар. Аммо дурустгина чойчақага Бойлан чоққина рақс майдончасига тақалган столчани олди. Мусиқа қулоқни қоматта келтирса ҳам ёқимли эди. Оркестрдан руҳланган Рудольф бутун гавдаси билан олдинга эгилганча трубачи негрдан кўз узмасди, Бойлан эса ўзини стул суянчигига ташлаганча ўз хаёли билан банд, чекар ва виски ҳўшлар эди. Рудольф ҳам виски буюрди – бирон нарсага буюртма бериш керак эди-да, – аммо стаканига қўлини теккизгани ҳам йўқ, бугун Бойлан шунақанги кўп ичиб юборган эдики, қайтишда машинани унинг ўзи, Рудольф ҳайдашига ва мутлақо ҳушёр бўлишига тўғри келарди.

– Тедди! – уларнинг столи олдида билак ва елкалари очиқ калта кечки қўйлак кийган бир аёл келиб тўхтади. – Тедди Бойлан! Мен сени ўлиб кетганмисан деб ўйлагандим.

– Салом, Сисси, – жавоб берди Бойлан, ўрнидан тураркан. – Кўриб турганингдек, ўлгани йўқ.

Аёл уни қучоқлади-да, лабларидан ўпди. Бойлан энтикиб тескари бурилди. Рудольф нима қилишини билмай студдан турди.

– Шунча вақт қаерда яшириниб юрган эдинг? – Аёл Бойланнинг енгидан туганча бир қадам ортага чекинди. Янги йил арчасидек ҳамма ёғига осиб ташланган қимматбаҳо тақинчоқлари ялт-юлт қиларди. Рудольфга дам-бадам қараб қўяркан, у нуқул жиламарди. – Сени кўрмаганимга юз йил бўлди, – сўзида давом этди у жавобни кутиб ўтирмай ва ҳамон Рудольфга беҳаёларча қараб қўяркан. – Ҳеч куракда турмайдиган миш-мишларни эшитаман! Кетдик менинг столимга. У ерда барча улфатлар тўпланганмиз. Сузи, Жек, Карун... Улар сенга муштоқ бўлиб ўтиришибди. Кўринишинг чакки эмас. Ҳеч ҳам қаримабсан. Кетдик, мафтункор шерингнинг ҳам бирга ол. Негадир эшитмаган эканман, унинг исми нима, азизим?

– Мистер Рудольф Жордахни сен билан таништиришимга изн бер, – куруққина деди Бойлан. – Рудольф, бу миссис Сайкс.

– Дўстларим мени оддийгина Сисси дейишади, – қўшимча қилди аёл ва яна Бойланга ўтирилди. – Турган-битгани фусун-ку! Энди билдим булардан нега юз ўтирганингни.

– Жуда ҳаддингдан ошиб кетаяпсан, худо хайрингни бергур Сисси, – асабийлашиб деди Бойлан.

– Сен эса ўша-ўша жирканчсан, Тедди, – ҳиринглади аёл. – Даврамызга албатта кел. – Ишва билан қўл силкиб қўйди-да, у орқасига бурилди ва столларни оралаб-оралаб ўтиб залнинг нариги чеккасига йўналди.

Бойлан стулга чўкди ва Рудольфга ҳам ўтир дегандек ишора қилди. Рудольфнинг юзлари лов-лов ёнарди, аммо бахтига зал ичи қоронғи эди.

– Аҳмоқ хотин, – деди Бойлан, вискини сипқораркан. – Мен у билан урушгача юрар эдим. Жуда қарибди. – Сўнг Рудольфга қарамасдан таклиф қилди: – Юр, бу ердан кетамиз. Бу ер жуда сершовқин экан, қоратан оғайниларибиз ҳам ниж-биж. Булар барчаси менга қуллар кўзғолонидан кейинги қулдорлик давридаги кемани эслатапти.

Миссис Сайкс Бойланнинг танишлари ичидан Рудольфга таништирган ягона аёл эди ва агар унинг қолган танишлари ҳам шунга ўхшаган бўлса, унинг тепалик устида яқранг, яқнасақ яшашни афзал билганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Тўртинчи кўчага чиқиб, улар Бойлан машинасини қолдирган жойга одимлаб кетишди. Магазинларнинг қоп-қоронғи пешпахталари, барлар олдидан ўтиб боришар экан, ичкаридан мусиқа ва баланд овозлар қулоққа чалинади.

— Нью-Йорк жазавда, — деди Бойлан. — У нафси қонмаган жинни хотинга ўхшайди. Э худо, қанча вақтимни зое кетказдим-а бу ерда... Анови ялмоғиз учун мени кечир. — Бардаги учрашув уни бутунлай гангитиб қўйганди. — Одамлар — мол қатори... Кейинги сафар Нью-Йоркка келганимизда, қизингни олиб ол. Сенга ўхшаганлар ботқоққа тезгина ботиб қўя қоладилар.

— Яхши, мен уни таклиф қиламан, — жавоб берди Рудольф, гарчи Жулининг бунга ўла қолса рози бўлмаслигини билса ҳам. Қиз Бойлан билан дўстона муносабат ўрнатишни асло истамас, уни “йиртқич” ва “заҳарли маллавои” деб атарди.

### III

Гараж деворига орқаси билан суянган ва майсани чайнаганча Томас шалақ стулда ўтирар ва қаршидаги ёғоч омбордан кўзини олмас эди. Кун очик, қуёш чарақлаган, кузги япроқлар олтиндай товланарди. Соат иккигача бир мижознинг машинаси мойини алмаштириб бўлиши керак эди. Лекин Томас шоммаётганди. Кеча кечқурун мактаб боғида у мушгашганди. Бадани зирқираб оғрир, қўллари шишиб кетганди.

Ҳарольд амаки ёғ қуйиш станцияси ортидаги ўзининг мўъжазгина идорасидан чиқиб келди. Томас унинг устидан бир неча бор шикоят қилишганини ва мушгашув ҳақида чақишганини биларди, аммо Ҳарольд амаки бу ҳақда у билан бирон марта гаплашганича йўқ эди. Анчадан бери у Томасга умуман ҳеч қанақанги танбеҳ бермай қўйганди. Сўнгги кунларда Ҳарольд амаки қандайдир сирқовланиб қолганди. Унинг дўмбоқ қизғиш юзи саргайган ва шалвираган, унда гўё ҳар дақиқада бомба портлашини кутаётгандек бир хавотирли ифода акс этиб турарди. Бу бомба Томас эди. У амакиси билан Клотильда ўртасидаги муносабат ҳақида Эльза хола қулоғига шивирлаб қўйса бўлди, Жордахлар уйда чинакам қиёмат-қойим бошланди деяверинг. Томас, албатта, холаси қулоғига ҳеч нима айтмоқчи эмасди, аммо бундай ниёти йўқлигини айтиб, Ҳарольд амакисининг кўнглини тинчитмоқчи ҳам эмасди. Бир таъзирини еб кўрсин.

Томас уйдан нонушгалик олиб чиқишни бас қилганди. Уч кун кетма-кет у Клотильда тайёрлаган мева ва бутербродли пакетчаларни ошхонадаги столда қолдириб кетди. Жувон унга ҳеч нима демади, бироқ уч кундан кейин гап нимадалигини англади ва нонушгалик пакет стол устида бошқа пайдо бўлмади. Энди Томас гараждан сал наридаги ошхонада овқатланмоқда эди. Буни унинг ҳамёни бемалол кўтарарди: Ҳарольд амаки унинг маошини ўн долларга ошириб қўйганди. Ҳайвон.

— Мени сўрашса, мен намоёиш залида бўламан, — деди Ҳарольд амаки.

Томас жимгина йўлнинг нарёғига қарашда давом этди. Ҳарольд амаки хўрсиниб қўйди, машинага ўтирди-да, кетди.

Кўп ўтмай бензоколонкага мисс Дорнфильд “форд”ини гириллатиб келиб қолди. Томас эринибгина машинага яқинлашди.

— Салом, Томми, бакни тўлдириб қуй, илтимос, — деди мисс Дорнфильд. У ўтгиз ёшлардаги, болаларча мовий кўзи жавдироқ, пахмоққина малласоч аёл эди. Эри банкда кассир бўлиб ишларди ва бу ҳаддан ташқари қулай эди, чунки мисс Дорнфильд ҳар доим унинг иш вақтида қаерда бўлишини билиб турарди. — Бугун меникига ташриф буюрсанг, зўр илтифот кўрсатган бўлардинг. — У муттасил буни ташриф деб атар эди. У ҳаддан ортиқ қарашма билан гапирарди.

— Агар бу ердан бўшай олсам, — жавоб берди Томас, тушдан кейин кайфияти қандай бўлишини билмаган ҳолда. Гоҳо бундай “ташриф”лар учун аёлдан ўн доллар олар эди. Афтидан, мистер Дорнфильд хотинига умуман пул бермас эди.

Миссис Дорнфильдникига қилган “ташриф”идан кейин унинг ёқасида ҳар доим лаббўёқ доғлари қоларди ва у кирларини йигаётиб Клотильда кўрсин

учун атайлаб уларни ювиб қўймас эди. Аммо бу ёрдам бермасди. Умуман, ҳеч нарса ёрдам бермасди. На миссис Дорнфильд, на миссис Берримэн, на эгизаклар... Ҳаммаси итдан тарқаганлар, бошқа ҳеч нарса эмас. Улардан ҳеч бири уни Клотильдани унутишга мажбур қилолмасди. Томнинг имони комил эди: унинг қилмишлари ҳақида Клотильда ҳамма нарсани билади — бу бадбўй шаҳарда ҳеч нарсани яшириб бўлмасди — жувоннинг ҳам ўзи каби изтироб чекаётганига кўзи етиб турарди. Аммо жувон агар изтироб чекаётган бўлса ҳам ташқарига чиқармаётганди.

Томас бир бурда нон билан ликопчадаги масаллиқдан олаётганда ошхонага полициячи Жо Кунц кириб келди.

— Томас Жордахмисан? — сўради у Томасга яқин келиб.

— Салом, Жо, — жавоб берди Томас. Ҳафтада икки марта Кунц албатта гаражга кўз солиб кетар эди. У мудом полициядан кетаман деб айтарди — унинг маоши жуда кичкина эди.

— Сен Томас Жордах эканингга иқрормисан? — расмий оҳангда сўради Кунц.

— Сен, янглишмасам, менинг отимни билардинг-ку. Бу қанақа ҳазил бўлди?

— Юр мен билан, ўғлим. Менда сени ҳибсга олиш учун ордер бор. — У Томаснинг тирсагидан тутди.

— Мен яна пирог ва қаҳвага буюртма бериб қўйганман. Қўлингни ол, Жо, — тишининг орасидан деди Том.

— Пулини тўлаб қўй-да, шовқин кўтарма, ўғлим.

— Бўпти, бўпти, — Томас пешпахтага саксон беш центни қўйди-да, ўрнидан турди. — Жин урсин, Жо, бунақада қўлимни синдирасан-ку!

— Сен вояга етмаган қизларни зўрлашда айбланасан, — деди сержант Хорвас. — Мен амакингга хабар қиламан. У сенга адвокат ёллаши мумкин. Олиб кетинг уни.

Томасни елкасидан туртганча Кунц уни йўлакка олиб чиқди ва камерага жўнатиб юборди. У ерда ҳам бир маҳбус бор эди — эллик ёшлардаги, бир ҳафтадан бери соқоли қиртишланмаган, жулдур кийимли бир киши. Уни ноқонуний ов овлагани учун ҳибсга олишганди.

У кийикни отиб олганди. Мени йигирма учинчи марта ўтқазишаяпти, деди у Томасга.

#### IV

Ҳарольд Жордах платформада у ёқдан-бу ёққа асабий бориб-келарди. Жўртгага қиландек поезд айнан бугун кечикаётганди. Тун бўйи Ҳарольд мижжа қоқмади. Эльза йиғлар ва нукул шаҳарда одамларнинг кўзига қандай қараймиз, бу ҳайвонни уйингизга олишга рози бўлиб, фирт аҳмоқлик қилдингиз, деб зорлангани-зорланган эди.

Хотини ҳақ. У чинданам сўтак. Ҳаммасига сабаб — унинг оқ кўнгилиги. Қариндош бўлса нима қипти. — Аксель қўнғироқ қилган куни шартга йўқ дейиши керак эди. Ҳарольд бир нарсани ўйлаб қолди: у ерда, қамоқхонада Томас эс-ҳушини йўқотиб, уят ва номусни бир четга йиғиштириб қўйиб, ҳаммасини бўйнига олган ва фамилияларни айтиб берган. Ким билсин, у тагин нималар демайди ҳали? Бу ярамас жинқарча уни ёмон кўради. Чайқов бозорида бензин талонларини сотиб олгани, юз милдан ортиққа чиқолмайдиган узатиш қоробкали ёки автомашиналар сотгани, атиги бензинўтказгичга мой тикилиб қолган автомобиллардаги поршенлар ва клапанлар “таъмири” ва нарх-наво назорати ҳақидаги қонунни четлаб ўтиб янги машиналар савдоси билан шуғуллангани ҳақида валақлаб қўймайди деб кафолат бера олади? Борди-ю, у Клотильда ҳақида сўзлаб берса-чи? Бунақа болани уйингга қўйдингми, сен ҳам унга тайёр қул-да. Гарчи вокзал ҳавоси совуқ бўлиб, кучли шамол эсиб турса-да, Ҳарольд ҳатто терлаб кетди.

У Акселни унча-мунча пул олиб келади деб умид қилганди. Томаснинг гувоҳномасини ҳам. У Акселга менга қўнғироқ қил деб телеграмма юборди —

Акселниқида телефон йўқ эди. Яна ҳам ишончлироқ бўлиши учун телеграммани иложи борича жаранглироқ чиқадиган қилиб ёзди ва телефон жиринглаб, нариги учидан акасининг овозини эшитиб ҳатто ажабланди ҳам.

Ниҳоят, поезд келди, вагонлардан бир нечта одам тушиб, шошиб одимлаганча кўздан ғойиб бўлишди. Ҳарольдни бир зум ваҳима босди. Акселдан ном-нишон йўқ эди. Аксель ўзи шунақа — ҳамма балони унинг гарданига ташлаб кетаверади. Умуман Аксель галаги ота: у бирон марта на Томасга, на унга хат ёзди. Томаснинг онаси, бу калондимоғ қирчанғи, ҳаромдан бўлган манжалақи ҳам ўғлига бир энлик хат ёзмади, ҳеч бўлмаса анови иккала фарзанди ҳам. Бундай оиладан ҳар нарсани кутса бўлади.

Бирдан унинг кўзи Акселга тушди: драп пальто ва кепка кийган барзангидай бир одам, оқсоқланганича платформадан унга томон юриб келарди. Дурустроқ кийим ҳам тополмабди-да, ўйлади Ҳарольд. Қоронғи тушиб, атрофда одам камлигидан у хурсанд эди.

— Мана шунақа. Мен келдим, — деди Аксель. У лоақал укасига қўл ҳам узатмади.

— Салом. Энди келмассиз деб қўрққан эдим. Пул олиб келдингизми?

— Беш минг.

— Етиб қолса керак.

— Нима бўлганда ҳам менда шундан бошқа пул йўқ, — унинг сўзини бўлди Аксель. У жуда қариб қолганди ва касал кўринарди, чўлоқлиги эса яна ҳам билиниб қолганди.

— Овқатландингизми? Эльзанинг музлатгичида ул-бул топилиб қолар.

— Вақтни ўтказмайлик, — деди Аксель. — Пулни кимга беришим керак?

— Авлиё отага. Абрахам Чейсга. У шаҳарда энг обрўли одамлардан биттаси. Ўғлингиз бунақа тушиб қолади деб ким ўйловди. Фабрикачи қизлар, кўрмайсизми, унинг дидига ўтиришмайди, — бошини қаттиқ-қаттиқ чайқайди Ҳарольд. — Чейслар шаҳардаги энг кекса оилалардан бири. Агар у сиздан пулни олса, омадим чопди деяверинг.

— Бу аниқ.

Улар машинага ўтиришди-да, Чейснинг уйига йўл олишди.

— Мен унга қўнғироқ қилдим, — давом этди Ҳарольд. — Сизнинг келишингизни айтдим. У қани энди унаса. Уни тушуниш мумкин. Одам уйига келсаю бирдан қизи ҳомиладорлигини билса, бу ҳам майли-я, иккаласи баравар ҳомиладор бўлиб турса-чи!.. Бунинг устига унинг иккала қизи эгизак... Аммо бу ҳаммаси эмас. Томас Элизуимда ўн одамни дўшпослабди. — Томаснинг муштлашувлари ҳақидаги миш-мишлар Ҳарольдга бирмунча ошириб-тоширилган кўринишда етиб келарди. — Қизиги шундаки, нега уни шу пайтгача қамашмаган. Ундан ҳамма қўрқарди. Бу можаро чиққанда, табиийки, ҳаммасини унга ағдариб қўя қолишган. Бундан ким жабр кўрди? Мен ва Эльза.

— Айнан менинг ўғлим айбдорлиги қасддан маълум бўлган? — сўради Аксель укасининг сўнги гашига парво қилмай.

— Эгизакларнинг ўзлари бу ҳақда оталарига айтишган. Умуман, улар шаҳардаги барча йигитлар билан ётиб чиқишган, ҳатто катта ёшдаги эркакларни ҳам қўлдан қўйишмаган. Буни ҳамма билади. Бироқ ким айбдорлигини ҳал қилишга келганда, табиийки, биринчи бўлиб ўғлингизнинг номи тилга олинган. Ахир ким ҳам қўшнисининг олифта ўғли ёки полициячи Кунц, ёки ота-онаси брижда Чейс билан ҳафтасига икки марта ўйнаб турадиган Гарвард университети йигитчиси айбдор дерди. Улар илоннинг ёғини ялаган, бу иккала қанжиқ. Сизнинг Томасингиз эса қизаларнинг кўзини шамғалат қилиш учун ўн тўққизламадан деган. Менинг адвокатимнинг айтишича, ўн саккизга етмаган ўсмирни балоғатга етмаганларни зўрлаш учун қамашолмас экан.

— Унда нима гап ўзи? Мен унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини ола келганман.

— Афсуски, ҳаммаси сизу мен ўйлаганчалик оддий эмас, — деди Ҳарольд. — Мистер Чейс уни кичик ёшдаги жиноятчи сифатида қамоққа тикаман, то йигирма бирга тўлгунча ўтиради деб даъво қилаётти. Бу унинг қўлидан келади ҳам. Томас эса, устига устак, гўё бу қизлар билан ётган йигирматача одамни

биламан деб ишнинг пачавасини чиқараяпти, яна фамилияларини айтаяпти. Бу ҳамманинг газабини кўзғаяпти, холос. У бутун шаҳарнинг номини чиқарди ва бу унга қимматга тушса керак...

– Сенинг мана бу Абрахам билан ораларинг яхшими? – унинг гапини бўлди Аксель.

– Соф иш юзасидан. У мендан “линколн” сотиб олган. Умунан, бизлар турли доираларда айланамиз... Лаънати уруш. Юзада сақланиб қолиши учун мана шу тўрт йил менга қанчага тушганини билсангиз эди. Энди нафасимни ростладим, деб турганимда мана бу ташвишга бало бормиди.

– Афтидан, ишларинг у қадар ёмон кетмаётганга ўхшайди, – деди Аксель.

– Ташдан қараганда, – жавоб берди Ҳарольд. Агар акаси ундан пул олмоқ ниятида бўлса, чучварани хом санабди.

– Мендан пулни олгач, Абрахам болани қамоққа жўнатмаслигига кафолат борми? – сўради Аксель.

– Мистер Чейс – лафзли одам. Унинг олдида бутун шаҳар куллуқ қилади – полициячи ҳам, судьялар ҳам, мэр ҳам. Агар у сизга иш тинчийди дедими, демак, шундай бўлади ҳам.

Ака-ука катта-катта устунлари бор оқ уйга етиб келишди ва машинадан тушишди. Ҳарольд эшик тугмачасини босди. У шапкасини ечди-да, худди тантанали байроқ кўтарилишида иштирок этаётгандек, уни кўксига босди. Аксель кепкасида тураверди.

Эшик очилди. Бўсағада оқсоч турарди.

– Мистер Чейс сизларга мунтазир, – деди аёл.

## V

Камера эшигида Кунц пайдо бўлди.

– Чик, Жордах, – деди у. Томас Ҳарольд амаки ёллаган адвокатга Кунц ҳам эгизак опа-сингиллар билан ётганлар орасида борлигини айтгандан бери полициячи Томасга тескарироқ бўлиб қолганди. Кунц уйланган бўлиб, учта фарзанди бор эди.

Аксель, Ҳарольд амаки ва адвокат уни Хорваснинг кабинетига кутишарди. Том отасининг кўринишидан тоби йўқлигини дарҳол пайқайди. Ҳатто ўша куни, отаси уни урганида Акселнинг кўриниши ёмон эмасди.

– Томас, – унга мурожаат қилди адвокат, – сенга яхши хабар етказишдан хурсандман. Ҳаммаси кутилганидан ҳам яхши ҳал бўлди. Сен озодсан.

– Сени бу ерда ҳеч ким ушлаб тургани йўқ демоқчимисиз? – сўради Томас, кабинетга ўтирган эркакларга шубҳа билан бир-бир қараб чиқаркан. Уларнинг чехраларида севинчдан асар ҳам йўқ эди.

– Муғлақо тўғри, – жавоб берди адвокат.

– Кетдик. Бусиз ҳам мен сассиқ шаҳарда талай вақтимни йўқотдим. – Аксель кескин бурилди-да, оқсоқланганича чиқиб кетди. Кўчада куёш чарақлаб турарди. Камерада деразалар йўқ эди, у ерда ўтириб кўчада об-ҳаво қандайлигини билиб бўлмасди. Отаси ва Ҳарольд амакиси Томаснинг ҳар икки томонида кетиб боришарди ва у аввалгидек ўзини маҳбусдай ҳис қилмоқда эди.

Машинада Аксель олдинда укаси билан ёнма-ён ўтирди, Томас эса орқа ўриндиқда ёлғиз ўзи эди. У ҳеч нарса тўғрисида сўрамасди.

– Агар билиш сенга қизиқ туюлаётган бўлса, мен сени пулга сотиб олдим, – деди Аксель. У лоақал Томасга бурилиб қарамади ҳам ва тўғри олдинга қараб гапирарди. – Анови Шейлокка унинг бир парча гўшти учун беш минг тўладим. Қиз бола билан ярим соат ётганига ҳали ҳеч ким шунча тўламаган бўлса керак. Ҳеч бўлмаганда ўшанда жиндай маза қилганинг қолгандир.

Томас отасига бўлиб ўтган ишлардан пушаймонман ва вақти келиб бу пулларни қайтараман деб айтмоқчи бўлди-ю, лекин тили айланмади.

– Фақат буни мен сен учун ё амакинг Ҳарольд учун қилганим йўқ, буни хаёлингга ҳам келтирма... – давом этди Аксель. – Иккаловинг менга деса бутуноқ лаҳадга кирмайсанми, парвойимга келмасди. Мен буни оиладаги яккаю ягона муносиб инсон – аканг Рудольф учун қилдим. Катта ҳаётини маҳр ўрнига қамалиб чиққан укаси билан бошлашини истамайман. Биз бутун сен

билан сўнгги маротаба кўришиб турибмиз. Энди менинг сендай ўғлим йўқ. Ҳозир поездда ўтираман, уйга кетаман ва шу билан орамиз очиқ.

– Тушундим, – жавоб берди Томас.

– Сен ҳам бугуноқ шаҳардан кетасан, – титроқ товушда сўзни илиб кетди Ҳарольд амаки. – Бу мистер Чейснинг шарти ва унга тўла кўшиламан. Мен сени ҳозир уйга олиб кетаман, сен нарсаларингни йиғасан ва энди бир тун ҳам уйимда қолмайсан. Бунга ҳам тушундингми?

– Ҳа, ҳа, – жаҳти чиқиб деди Томас. Шаҳринг билан кўшмозор бўл. Кимга керак бу орқа тешик?

Улар ортиқ тапшашишмади. Ҳарольд амаки Акселни вокзалга элтиб қўйди, у машинадан тушди-да, бир оғиз ҳам сўз айтмай ва ҳатто машина эшигини ёпмай, оқсоқланганича узоқлашди.

Чорвоқдаги хоначада унинг каравоти устида эски, унниққан чемодан ётарди. Томас уни таниди. Чемодан Клотильдага қарашли эди. Каравотдан чойшаблар олиб қўйилган, мағрас эса ўроғлиқ эди. Эльза хола кетишдан олдин жиянининг бироз мизғиб олишидан кўрққан бўлса керак.

Томас тезгина ўзининг санокли буюмлари: бир нечта кўйлак, ички кийим, пайпоқ, икки жуфт туфли ва свитерини чемоданга ташлади. Сўнг уни ҳибсга олишган ишчи комбинезонни ечди-да, туғилган кунига Эльза холаси унга олиб берган янги кулранг костюмни кийди. Чемоданни ёпиб, у пастта тушди ва ўчоқбошига борди – у чемодан учун Клотильдага раҳмат айтиб қўймоқчи бўлди, лекин ўчоқбошида у йўқ эди.

Ошхонада Ҳарольд амаки тик турганча олма пирогининг қатта бўлагини емоқда эди, у титроқ бармоқлари билан пирогни пишиллаб оғзига тикарди. Асабийлашганда у ҳар доим овқат ерди.

– Агар Клотильдани қидираётган бўлсанг, овора бўлмай кўя қол, – деди Ҳарольд амаки. – Мен уни қизларим ва Эльзага кўшиб кинога жўнатдим.

Начора, ўйлади Томас, ҳеч бўлмаганда у кино кўрсин. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ.

– Пулинг борми? – сўради Ҳарольд амаки пирогни очкўзлик билан ютар экан. – Сени дайдиликда айблаб ҳибсга олишларини ва ҳаммаси бошидан бошланишини истамайман.

– Бор, – деди Томас. Унинг йигирма бир доллар ва бир оз майда пули бор эди.

– Жуда соз. Калитни бу ёққа ол.

Томас чўнтагидан калитни чиқарди-да, столга қўйди. У пирог қолдигини Ҳарольд амакининг башарасига айлангириб солгиси келиб кетди. Лекин бу билан бирон нима ўзгариб қолармиди?

Улар бир-бирларига қаттиқ тикилиб туришарди. Ҳарольднинг бақбақасида пирог увоқлари осилиб қолганди.

– Клотильдани мен учун ўпиб қўйинг, – деди у ва уйдан чиқиб кетди.

Вокзалда у Элизиумдан иложи борича узоқроққа кетиш учун йигирма долларга чипта олди.

## 10-боб

Тун бўйи мушук киприк қоқмай ундан ёвуз кўзларини узмайди. Унинг совуқ нигоҳи Рудольфнинг таббини тирриқ қилмоқда эди. Гарчи мушук бўлса-да, у қандайдир жонзотга ёқмаса, ўзини ожиз ҳис этарди.

У мушукнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилди. Қосага сугдан кўпроқ қўйди, “ўзимнинг қорамошим” деб эркалаб силади, аммо мушук булар бари хўжакўрсинга эканини биларди ва кулала бўлиб ётиб олиб, қотиллик режасини миясида пишитарди.

Отаси уч кун олдин кетди. Элизиумдан ҳеч қандай хат-хабар йўқ эди ва Рудольф тағхонасига ҳали неча марта тушишини, ун чанги ичида бозиллаган печ ёнида туришини ва увишган қўллари билан булочкали оғир қолипни айлангиришини билмасди. У отасининг йиллар оша бинойи умр бу азобга қандай чидаб келганини тушунмасди. Новвойхонада кечган уч тундан кейиноқ

Рудольфнинг бутунлай силласи қуриди, юзлари сўлгин тортиб қолди, кўз остиларида кўкиш доғ пайдо бўлди. Эрталаб аввалгидек соат бешда туришга ва велосипедда харидорларга булочка элтиб беришга тўғри келмоқда эди. Шундан кейин яна мактаб... Эртага математикадан имтиҳон бўлади, унинг эса тайёрлангани вақти йўқ.

Қора терга ботган, унга беланган, катта-катта мойли қолишлар билан жанг қиларкан, Рудольф ўз отасининг иккинчи қиёфасига айланганди, у отаси олти минг тун итоаткорлик билан чидаб келган жазо юки остида судраларди. Қобил, содиқ ўғил... Тупурди ҳаммасига. У новвойхонада айниқса кўп бўлиб турадиган байрам кунларида отасига ёрдам берганидан ва унинг касбини эгаллаганидан қаттиқ пушаймон қилди. Томас ундан кўра ақллироқ экан — оилага ўт тушиб кетмайдими. У тагин қандай ишқал чиқарган бўлмасин, Элизиумдан телеграмма олиб, Аксель Рудольфга ҳеч нарса айтмайди, ловиллаган иссиқ тағхонада ўғиллик бурчини адо этаётган акасига қараганда барибир Томаснинг ўлса ўлиги ортиқ эди ҳозир.

Гретхен тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади — ҳафтада уч марта шунчаки саҳнадан юриб ўтгани учун олтмиш доллар — қорнини оғритадими?..

Рудольф новвойхонанинг Жордахга техминан қанча даромад келтиришини хомчўг қилиб чиқди, ижара ҳақи ва ҳозир бетоб онаси ўрнига дўконда савдо қилиб турган беванинг ўттиз долларини қўшиб ҳисоблаганда бошқа чиқимларни чегириб ташласа, даромад ҳафтасига бор-йўғи олтмиш долларни ташкил этар экан. Шунда Нью-Йоркда Бойлаң ресторанда биргина кечки овқат учун ўн икки доллар тўлаганини эслади. Ўша кунни улар ичганларига яна қанча пул кетди!

У шиддат билан навбатдаги қолипни духовкага тикди.

У товушлардан уйғониб кетди. У уҳ тортди. Наҳотки, аллақачон соат беш бўлган бўлса? Шунча тез? Беихтиёр каравотдан ирғиб турди ва кийимда эканини кўриб ҳайрон бўлди. У гангиганча бошини силкиди — бу қанақаси? Хира кўзлари билан соатга қаради — бешдан чоракга ўтибди. Шундагина ҳуши жойига келди — ҳозир эрталаб эмас, кечқурун эди. Мактабдан қайтиб келгач, тунги меҳнат олдидадан бир оз ҳордиқ чиқариш мақсадида ўзини каравотга ташлаганди ва қандай кўзи илинганини сезмаганди. Отасининг овози қулоғига чалинди. Демак, у ухлаб ётганида отаси келган экан. Кўнглидан худбинона фикр ўтди: бугун тунда у ишламайди. У яна ётди.

Пастдан овозлар келарди. Бири баланд, ғазабнок, иккинчиси ниманидир уқдиришга ҳаракат қилаётгандек паст. У қаттиқ чарчаганди ва унга ҳаммаси бефарқ эди, аммо бошқа ухлай олмади ва беихтиёр кулоқ сола бошлади.

Мэри Пейс Жордах Гретхеннинг хонасига кўчиб ўтмоқда эди. Касал оёқларини базўр судраганча у йигирма йил нафрат қилиб келган ётоғидан нарсаларини олиб чиқиб, бир вақтлар Гретхен ётган каравотга ағдармоқда эди.

— Бўлди, — ўзининг охири йўқ дийдиёсини айтиб бобилларди у, — бу хона энди йўқ. Ҳа, йигирма йил кеч қолдим, лекин охири ундан кутулдим. Мен билан кимнинг неча пуллик иши бор ўзи. Бугундан қандай хоҳласам, шундай яшайман! Қаранглар-а, етти ёт бир бегона одамга беш минг доллар пулни ма деб бергани дунёнинг нариги чеккасига бориб келди-я! Бир умр қиртишлаб йиққан-терганини! Менинг умримни! Кун нима, тун нима билмадим, етти букилиб ишладим. Зиғирдай ҳаловат кўрмабман. Бу пулларни тўшлайман деб қариблар кетдим. Ўғлим коллежга кирмоқчи, одам бўлмоқчи эди. Энди у ҳеч қандай ўқишга киролмайди ҳам, ҳеч ким бўлолмайди ҳам. Чунки менинг худосифат эргинам ўзининг сахийлигини кўрсатгиси, долларни бергиси келиб кетгани-чи. Ишқилиб кадрдон укажониси бақалоқ хотинчаси билан ўзларининг “линколн”ларида операга кетаётиб қизариб қолмаса бўлди-да.

— Мен бунга укам учун ҳам, бақалоқ хотини учун ҳам қилганим йўқ, — деди Аксель Жордах. У иккала қўлини тиззалари орасида осилтирганча каравотда ўтирарди. — Мен сенга айтдим-ку, бунга Руди учун қилдим деб. Нарига бориб, қамалган укаси борлиги маълум бўлиб қолса, унинг коллежга киришидан нима маъно?

— Унинг жойи ўша ёқда. Уни қамашмоқчи бўлганда ҳар гал беш минг

доллардан бермоқчи экансиз, новвойхонани ташланг-да, яхшиси, нефть савдосига уриб кетинг, ё банкир бўлиб олинг. Бу одамга пул бериб ўзингизча савоб иш қилдим деб ўйладингизми? Қойиллатдим деб кўкрагингизга ургандирсиз? Бўлмасам-чи! Ўғлингиз. Бир олманинг икки палласи. Шундоқ отага тортган-қўйган. Бир қиз унга нима бўпти! Йўқ, ахир у Аксель Жордахнинг ўғли-да! Бирваракайига иккитаси керак! Агар Аксель Жордах тўшақда ўзининг зўр эркак эканлигини кўрсатмоқчи бўлса, яхшиси ўзига бир жуфт эгизак қизчалардан топиб ола қолсин. Бу уйда унга тушиб қолган бошқа иш йўқ. Мен унга энди хасми ҳалол эмасман.

– Э худо, – хўрсинди Рудольф. – Хасми ҳалол?

– Манжалақи! Қанжиқ! – чийиллаб қичқирди Мэри. – Авлодинга тортмай ўл! У қизмиди? Худонинг балоси эди – суюқоёқ! Кўрсатган хизматига бир эркакдан олган пулни кўрганман. Саккиз юз доллар! Ўз кўзгинам билан кўрдим. Китобнинг орасига яшириб қўйган экан. Саккиз юз доллар! Болаларинг ўзини жа қимматга сотаяпти! Бўлди, энди мен ҳам ўзимга нарх қўйиб оламан. Мендан сенга бир нима керак бўлиб қолса, дўконда савдо қилишимни хоҳласанг ё тўшақда мен билан ётмоқчи бўлсанг, – аввал ҳақини тўлайсан! Анови тулга ҳафтасига ўттиз доллар берамиз, у эса менинг ишимнинг ярмисини қилади, холос – тунда у ўзининг уйида ухлайди. Шунақа, менинг нархим – ҳафтасига ўттиз доллар! Тагинам мен инсоф билан айтаяпман. Аммо аввал бир шартим бор: йиғилиб қолган қарзингни тўлаб қўй. Йиғирма йил ичида ҳафтасига ўттиз доллардан – бу ўттиз минг доллар дегани. Аввал ўттиз мингни мана деб кафтимга қўясан, шундан кейин сен билан гаплашаман, унгача йўқ. – У буюмлар солинган охириги тугунни ушлади-да, ўқдай учиб Гретхеннинг хонасига кирди ва эшикни қарсиллатиб ёпди.

Жордах бошини чайқади, ўрнидан турди ва оқсоқланганча ўғлининг олдига кўтарилди. Рудольф шифта боққанча қаравотда ётарди.

– Ҳаммасини эшитгандирсан, ҳойнаҳой? – сўради Жордах.

– Ҳа.

– Кечир, – унга қарамасдан деди отаси. – Майли. Мен дўконга тушдим, қарай-чи, ишлар қалай экан?

– Мен кечкурун сизга қарашгани бораман, – деди Рудольф.

– Кераги йўқ. Ухла. У ерда сен қиладиган иш йўқ. – Шундай дея у хонадан чиқиб кетди.

## 11-боб

### I

Бадди Вастерманнинг ертўласидаги чироқлар гира-шира ёритиб турарди. Болалар бу ертўлани ўзларича бир исловотхонага айлантириб олишганди. Кўпинча кечкурунлари улар бу ерда гурунглашиб ўтиришарди. Бугун ҳам йиғирма чокли қиз ва йигит тўпланган. Уларнинг бир хиллари танца тушар, бир хиллари зим-зиё бурчақларда бир-бирининг оғушига кириб, кучоқлашишарди. Яна бир хиллари эса шунчаки мусиқага қулоқ солиб, жимгина ўтиришарди.

Хонанинг ўртасида бир-бирининг пинжига кириб кетган Алекс Дейли ва Лайла Белками бир маромда тебраниб рақс тушишяпти. Июнь ойида мактабни битиришгач, иккаласи турмуш қуришга аҳд-паймон қилган, буни ҳамма биларди. Отаси Элизиумдан қайтиб келган ўша оқшомда онасининг шанғилаб айтган гапларини плёнкага ёзиб олмагани Рудольфда алам қилиб кетди шу топда – уни бир қўйиб бериб, Алекста эшиттирганда жуда ажойиб иш бўларди-да! Умуман, ҳар қандай бўлғуси куёв бундай гапларни бир қарра эшитиб қўйса ёмон бўлмайди, кўзлари мошдай очиларди. Ўшанда улар бўйинларига олаҳуржинни осишга бунчалик шошмаган бўлишармиди.

Рудольф бурчақдаги шалоғи чиққан эски ўриндиқда ўтирарди, Жули эса унинг тиззасига қўнган. Ундан бошқа ҳам яна бир нечта қиз-йигитларнинг тиззаларига ўтиришарди, лекин Жулининг келиб-келиб ўшалардан ўрناق олиши Рудольфнинг энсасини қотирмоқда эди.



Аввало бошқаларнинг кўзига бундай ҳолатда кўринишнинг ўзи малол келаётганди, қолаверса, баъзи бировларнинг “бу йигитчанинг кўнглидан ҳозир нималар кечаётганикин”, дея бўлмағур тахминларга боришини асло истамасди. Ишқу муҳаббатда шундай пинҳоний нарсалар ҳам бўладики, уларни бировлар олдида ошқор этиш гирт бемаънилик ҳисобланади. Айниқса, Тедди Бойланнинг етти ёт бегоналар олдида тиззасида қиз болани шу тариқа ўтқазиб олиб ўтиришини Рудольф сира кўз олдига келтиролмасди. Бироқ бу тўғрида у Жулига оғиз очиб кўрсин-чи, нақ худонинг ғазабига учрайди.

Жули Беркард коллежига ҳужжат топширганди, у ўқишга кириб кетишига юз фоиз ишонарди, чунки мактабни нукул аёло баҳолар билан тамомлагандида. Рудольфга эса тинмай, “ҳужжатларингни Колумбия университетига топшир”, деб уқтиргани-уқтирган эди. Агар шундай қилса, улар Нью-Йоркда деярли бир жойда ёнма-ён бўлишарди. Рудольф эса аниқ бир жавоб айтмас, “билмай қолдим, қайси бирига топширсам экан, Гарвард университетигами ё Йел университетигами”, дея ҳайрон бўлгандек елка қисиб кўярди, холос. Аслида, ҳеч бир жойга кириб ўқиш ниятим йўқ деб Жули олдида очиқ-ойдин иқрор бўлишга юраги бетламаётганди. Жули боши билан йигитнинг иягини қитиқлаб, эркаланиб унга суйкалди ва мушукдай хуриллаб кўйди. Агар бу ҳолат уйда содир бўлганда, қизнинг бу қилигидан Рудольф кулиб юборган бўларди. Ҳозир эса ундай бўлмади, қизнинг боши оша у исловотхонага тўпланган йигитларга разм сола бошлади. Ўсмирлар ичида аёл зоти билан тўшақдош бўлмаган бир унинг ўзи қолибди, шекилли. Агар битта-яримтасининг аравани қуруқ олиб қочишини ҳисобга олмаганда, Бадди, Дейли, Кесслер сингари кўпчилик тенгқурлари аллақачон бу борада “кўзлари пишган”. Бироқ Рудольф улардан фақатгина ўзининг мана шу покдомонлиги билан ажралиб туради дейиш унчалик тўғри бўлмайди. У доим бир нарсага ҳайрон қоларди: зўрлаб турмада ётиб чиққанини, онаси эрга чиқмай бўйида бўлиб қолганию (тўсатдан туғиб қўйиб, шарманда бўлишининг олдини олиб, Рудольф бу тўғрида укасига хат орқали ўзи маълум қилганди) бир уйланган одам билан яшаётганини, онаси эса “то ўттиз минг долларни олиб келиб кафтимга тутқазиб қўймагунингча, мен билан тўшақда ётишни хаёлингга ҳам келтирма”, деб эрига шарт қўйганини билганларида, уни бу оқшом базмига таклиф қилишармиди ёки йўқми?

Ҳа, Жордахларнинг оиласи шунақа — ҳеч бир оилаларга ўхшамасди. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади.

Бу ерга тўпланган деярли ҳамма ўспиринлар аллақачон ўзларининг кейинги аниқ ҳаётий режаларини тузиб қўйишган. Кесслернинг отасининг ўз дорихонаси бор. Ота касбини эгаллаб, унинг ишини давом эттириш учун у доришунослик мактабига кириб ўқишни кўнглига туғиб юрибди. Смарретнинг отаси бўлса ғайр-манкула, яъни кўчмас мулкларни олиб-сотиб билан шуғулланади, мана, от изини той босар деганларидай, ўғли ҳам Гарвард университетига кириб ўқишни мўлжаллаяпти, уни битириб чиққандан кейин коммерсия-тижорат курсларига ҳужжат топширмоқчи. Лоусонлар хонадони азалдан ўзининг санюат концернига эга, шу боис ўғил-Лоусон инженерлик касби сирларини ўрганишга жазм қилган. Уни-буни қўйинг-у, мана бу овсаргина Дейлини қаранг, у ҳам ўзига бинойидек йўл танлаб олганини айтмайсизми: отасининг ёнига кириб, санитария-техник жиҳозлар ҳозирлаб бериш касби билан шуғулланаман, дейди.

Дўстларига шу алпозда бир-бир разм солиб қарар экан, Рудольф ҳавасдан юраги куяётганини ҳис қилди. Пластинкадан Бенни Гудмон ижросидаги кларнет садоси тараларди. Рудольфнинг унга ҳам ҳаваси келди. Бошқалардан кўра кўпроқ шунга ҳаваси кетган бўлса ҳам ажаб эмас.

Банкларга ким ғорат келтираётганини у энди тушуниб етганди. Бирдан Рудольфнинг тезда бу ердан кетгиси келиб қолди. Шу кунларда у қаттиқ чарчаганди. Болаларига қарайман деб анави бева ҳам энди кун бўйи ишлай олмайдиган бўлиб қолганди, шунинг учун Рудольф энди каллаий саҳарлабдан булочка тарқатиши етмай, мактабдан қайта солиб, соат тўртдан еттигача пештахта ортида туришга ҳам мажбур бўлмоқда эди. Мунозара клубидан воз кечгани каби энди ўз-ўзидан спорт машқлари билан ҳам хайрлашишга тўғри келганди. Дарсларни тайёрлашга ҳам кучи етмай, баҳолари пасайиб кетганди.

Дард устига чипқон дегандай, рождестводан кейин у қаттиқ шамоллаб қолганди, мана, қанча муддат ўтса ҳамки, ҳамон ўзига келолгани йўқ.

– Жули, кетдик уйга, – деб таклиф қилди Рудольф.

Жули ҳайратдан унинг тиззасида ўтирганча гавдасини тиклади.

– Нимага энди? Ҳали жуда эрта-ку. Шундай ажойиб базмни ташлаб-а?

– Ажойибликка ажойиб, – деди тоқатсизланиб йигит. – Лекин бирдан кетгим келиб қолди бу ердан.

– Ўзинг биласан, мен сени ушлаб турганим йўқ. Уйга мени битта-яримгаси олиб бориб кўяр, – деди жаҳли чиқиб Жули ва дик этиб унинг тиззасидан турди.

Шу чоғда Рудольф юрагидаги ҳамма дардини қизга тўкиб солгиси келди. Балки, шунда у йигитнинг дардини англаб етар?

– Вой тавба! – деди Жули. Унинг кўзларида ёш йилпилларди. – Неча ой-йиллардан бери озиб-ёзиб иккаламиз бир гал бир жойга борибмиз-у, бу ёқдан келмай туриб, бу ёқдан дарров кетгиси келиб қолгани-чи.

– Ҳайронман, негадир ўзимни ёмон ҳис қилаётирман, – деб жавоб қилди Рудольф, ўрнидан турар экан.

– Ажабо. Келиб-келиб сен билан иккаламиз бўлган оқшомда сен ўзингни ёмон ҳис қилиб қолсанг. Тедди Бойлан билан бўлганинда ўзингни яхши ҳис қилардинг, бу аниқ.

– Бойланни ўз ҳолига қўйсанг-чи, Жули. У билан кўришмаганимга ҳам худо биледи, қанча бўлди.

– Нега ундай дейсан? Унинг меҳр булоғи шунақа тез тиниб қолдимми?

– Жуда оқилона гап қилдинг, – ҳорғин деди Рудольф.

Жули орқасига бурилди-да, проигривател ёнида тўпланиб турган болалар томон кетди.

Рудольф пальтосини эгнига солди-да, ҳеч ким билан хайрлашмай, ташқарига қадам қўйди. Кўчада ёмғир қуярди. Дарё томондан изгиришли февраль шамоли эсарди. Рудольф томоқ қириб йўталди, бўйнидан ёмғир сувлари кираётганини сезиб, ёқасини кўтариб олди ва битта-битта уй томон юриб кетди. Унинг ҳўнграб йиғлагиси келарди.

Онаси ўттиз минг доллар тўғрисидаги ўзининг куракда турмайдиган сўзларини шанғилаб берган ўша кундан бери Рудольфнинг отасига раҳми ўн чандон ошганди. Шундан бери отаси ҳам ўзини бошқача тугадиган бўлиб қолганди. Илгариги шаҳди йўқ, худди оғир операциядан чиққан бемордай, уйда қадамларини авайлаб босиб юрар, иложи борица шовқин чиқармасликка тиришарди. Илгарилари қандай эди – Рудольфнинг назарида дунёда ундан кўра кучлироқ одамнинг ўзи йўқдай туюларди. Овози билан бутун уйни кўтариб юборай дерди. Ҳар бир ҳаракатидан ўт чақнарди – қатъий, чаққон. Энди бўлса, бугунлай шунинг акси: камгап ва хомуш бўлиб қолган эди, ҳаракатларида журъатсизлик сезилиб турарди, ҳатто олдига газета ёйиб қўяётганида ҳам ёки ортиқча шовқин чиқармасликка тиришиб, ўзига қаҳва қайнатаётганида ҳам унинг нимадандир хавотирланиб, ташвишга ботганлиги алайна-ошкор кўриниб турарди. Бирдан Рудольфнинг миясига: “Отамнинг ажали етганга ўхшайди!” деган машғум фикр келиб урилди. Даҳлизда ўйчан ҳолда турар экан, неча йиллар сўнгида Рудольф илк марта ўзига ўзи шундай савол билан мурожаат қилди: сен отангни яхши кўрасанми ёки йўқми?

Рудольф ертўлага тушди.

Аксель кўзларини печдан узмай, скамейкада ўтирарди. Ёнгинасида полда эса бир шиша виски турарди. Бурчақда ғужанак бўлиб мушук ётибди.

– Салом, дада, – деди Рудольф.

Ота секин орқасига бурилиб қаради ва бош ирғаб қўйди.

– Айтнинг, дада, ёрдам-пордам керак бўлиб қолса, мана, мен келдим.

– Кераги йўқ, – жавоб қайтарди ота ва пишани кўлига олиб, бир културм ютди. – Жикқа ҳўл бўлибсан, Пальтонгни ечиб қўй.

Рудольф пальтосини ечди-да, илгичга илиб қўйди.

– Ишларингиз жойидами, дада? – Рудольф илгарилари сира отасига бундай саволлар бермасди. Жордах босиқ оҳангда хохолаб қўйди-да, ҳеч нарса деб жавоб бермай, яна шишага тармашди. Бир зум сукутдан кейин шундай деди:

– Бугун олдимга бир меҳмон келувди. Мистер Гаррисон.

Мистер Гаррисон дегани унинг эгаси эди ва ҳар ойнинг учинчи кунда ижара ҳақини ундиргани ўзи келиб кетар эди.

– Бугун учинчи кун эмас-ку, – деди ҳайрон бўлиб Рудольф. – Нега келибди у?

– Уйни йиқитишар эмиш. Бу ерда янги маҳалла қурилармиш. Биринчи қавати магазин бўлармиш. Ҳа, ўелим, Порт-Филип ҳам энига, ҳам бўйига ўсапти-да. Тараққиётни тўхтатиб бўлмаскан. Мистер Гаррисон шундай деди.

– Ҳўш, бу ёғига нима қилмоқчисиз, дада?

– Билмадим, – елка учуриб деди Аксель. – Балки новвойхона Кёльнда зарурдир... Ёмғирли тунда дарё бўйида санқиб юрган битга-яримга ширакайф инглизга кўзим тушиб қолганида ҳам, эҳтимол мен Германияга қайтиб кета олган бўлар эдимми.

– Гапингизга тушунмадим, – деди ҳушёр тортиб Рудольф.

– Мен Америкага худди шундай келиб қолганман. Гамбургдаги бир барда Санкт-Паули туманида, қандайдир бир маст инглиз ҳадеб бир даста пулни қўлида ўйнатаверди. Кўчада мен у билан изма-из бораётган эдим, уни кувиб етдим-да, пичоғим билан дўқ урдим-да, пулини олдим, ўзини эса каналга улоқтириб юбордим.

– Дада, – деди Рудольф, – сизга бир маслаҳатим: бу гапни дуч келган жойда айтишингизнинг оқибати хайрли бўлмайди.

– Ҳой, нима дединг? Ҳали мени полицияга топширмоқчимисан? Бўлмасамчи. Ҳаёлим курсин, ахир сен олий чўққиларни кўзлаяпсан-ку.

– Дада, бу гапларни бир айтдингиз, иккинчи оғзингизга ола кўрманг! Ўлган илоннинг бошини кўзгашдан нима фойда?

– Э-э, буниси ҳолва, – деди Аксель ва ихтиёрсиз равишда шишани оғзига олиб борди, – Маасга чекина туриб ишгонимни булғаб қўйганимни айттайми сенга ёки госпиталда ётганимнинг иккинчи ҳафтасида оёғимнинг ириб-сасиб кетганини айттайми! Бу ёғини сўрасанг, Гамбург портида ҳар бир юз фунт келадиган какаоли қопчиқларни ташиб, елкамнинг яғири чиққан, оёғимнинг яраси очилиб кетиб, чак-чак қонлар томган, каналга улоқтирганим ҳалиги инглизнинг: “Бу сенинг қўлингдан келмайди!” деб қичқиргани ҳали-ҳали қулоғим тагидан кетгани йўқ. Шарманда қизлари келтирган иснод азобини енгиллатиш учун стол устига нақд беш минг долларни қўйган пайтимда Огайодаги Абраҳам Чейс деган одамнинг башараси қай тарзда ўзгариб кетгани шундоқ кўз олдимда турибди. – Аксель яна вискидан қултумлади. – Йигирма йил эшақдай ишладим, қириб-қиртишлаб йиққан-терганларимнинг ҳаммагинаси укангни турмадан олиб чиқишга кетди. Онанг бўлса, номаъкул иш қилдинг, деб бошимга маломат тошини ёғдирди. Балки, сен ҳам шундай деб ўйларсан?

– Йўқ.

– Энди сенга қийин бўлади, Руди, жуда қийин бўлади. Кечир мени. Мен қўлимдан келганича ўзимни ҳар хил ўтларга урдим.

– Ўйланманг, бир амаллаб йўлимни топиб оламан, – деб жавоб қайтарди Рудольф, гарчи бунга ўзининг ҳам кўзи етмаса-да.

– Пул йиғ, – давом этди Аксель. – Ўзингни ўзинг лақиллатиб қўйишдан эҳтиёт бўл. Газеталар дод солиб мақтайдиган ҳавойи бойликлар тўғрисидаги сафсаталарга асло ишонма. Бойлар, пулдан ҳазар қилинлар, у ярамас нарса деб камбағалларнинг қулоғига тинмай ваъз ўқишади. Бундай қилишларининг сабаби шуки, бу пулларни уларнинг ўзлари ҳазм қилмоқчи бўладилар, қолаверса, ўзларидан кўрққанлари учун ҳам шундай қилишади. Абраҳам Чейсдан ибрат ол. Ҳозир банкада қанча пулинг бор?

– Бир юз олтмиш доллар.

– Уни тишингнинг қавагида асра. Бир цент ҳам бировга бера кўрма. Агар очингдан ўлар ҳолатга етиб, олдинга мен бош уриб борганимда ҳам, бир бурда нонга еттулик чақа тилаганимда ҳам берма. Зинҳор-базинҳор!

– Кайфингиз ошиб қолибди, дада. Боринг ётинг. Ўрнингизда мен ишлаб тураман.

– Йўқ, бу жой сенга тўғри келмайди. Гап сотгани олдимга келиб туришинг мумкин, лекин нон қолишларга кўлингни теккиза кўрма. Сенинг бундан кўра қизикроқ ишларинг бор. Дарсларингни тайёрла. Миянга куйиб ол барисини! Кейин ҳар бир қадамингни ўлчаб, ўйлаб бос, Руди... Отангнинг гуноҳларини!... Неча пуштимизгача азоб тортишимиз керак? Гуноҳлардан ўзга мен сенга ҳеч нарса мерос қолдиролмайман, гуноҳларим бўлса ачиб-бижиб ётибди. Икки мурда. Бирга ётаним ҳамма манжалақлар. Онанга қилган жирканч қилиқларим. Уканг Томаснинг сассиқ алафдай бўлиб вояга етишига йўл қўйиб берганим. Ким билиб ўтирибди дейсан, ҳозир Гретхен нима кароматлар кўрсатиб юрган бўлса. Онаси у тўғрида унча-мунча нарса биладиганга ўхшайди. Ҳеч онанг билан кўришасанми? У нима иш қиляпти экан ўзи?

– Сиз бунга билмаганингиз яхши.

– Буни қара-я, худди ўзим ўйлагандай бўлиб чиқди, – деди ота. – Худо ҳаммасини кўриб турибди. Мен черковга қатнамайман, лекин мен биламан: худо ҳаммасини кўриб турибди!

– Нега бундай дейсиз, дада? – деди Рудольф. – Худо ҳеч нарсани кўриб тургани йўқ. – У ўша-ўша динга тиш-тирноғи билан қарши эди! – Фақат омадингиз қайтган, холос. Эртага ҳаммаси ўзгариб кетиши мумкин.

– Қилган гуноҳингнинг ажрини торт. Худонинг бандаларига айтадиган сўзи шу.

Рудольфга отаси уни эсидан чиқариб юборгандек туюла бошлади, борди-ю, шу пайтда у ертўлада бўлмаган тақдирда ҳам барибир отаси ўзининг хаста, дағал овози билан худди шу гапларни гапирган бўларди.

– Ажрини торт, гуноҳкор, – такрорлади Аксель. – Ўзингни ҳам, болаларингни ҳам қилмишларинг учун муносиб жазолайман. – У оғзини тўлдириб вискидан яна бир қултум ютди-да, жунжиккан елкалари билан бир учиб тушди. – Бор, ётиб ухла. Мен ҳали ишлашим керак.

– Яхши ётиб туринг, дада, – деди Рудольф ва илгичдаги пальтосини олди. Отаси қўлида шишани тутган кўйи ҳеч нарсани кўрмаётган кўзларини тўғрига қадаганча тош қотиб ўтирарди.

“Тавба, – кўнглидан кечирди Рудольф, зинадан кўтарилар экан, – мен бўлсам, оймни ақдан озган деб юрибман”.

## II

Аксель вискидан бир ҳўплади-да, ишга тутинди. Бир вақт ҳушига келиб қараса, оҳанги ўзи учун ҳам бегона бўлган аллақандай куйни хиргойи қилиб кўшиқ айтаяпти. Бу нарса уни ташвишлангириб қўйди. Кейин эса бу кўшиқни ошхонада ивирсиб юрадиган онаси айтиши бирдан эсига тушди.

Аксель паст товушда кўшиқни куйлай бошлади:

Ухла, болам, ухла,  
Отанг кўй боқиб юрибди,  
Онанг эчки боқиб юрибди,  
Биз болаларимизга алла айтамыз.

Она тили... Тақдир Акселни озмунча узоққа улоқтирмаганди. Ким билади, ҳали бу ҳам кифоя эмасдир унга?

Охирги булочкали нон қолишни столга қўйиб, у токча олдига борди ва ундан устига бош чаноғи ва суяклар шакли туширилган тунука банкани олди.

Кичкина қошиқчани ундаги толқон дорига ботирди-да, тўғри келган бир зувалани олиб, уни ёйди, хамирга ҳалиги толқон дорини қўшиб ийлади-да, кейин яна зувала қилиб, нонқолипта қўйди ва печка ичига суқди. “Ёруғ оламга менинг сўнги мактубим”, деб кўнглидан кечирди у.

Чанок олдига бориб, эгнидаги қўйлагини ечди, юзини, қўлларини ювди, қўкраklarини чайди. Ун қопининг бир парчаси билан артинди-да, кийимларини қайта кийди. Сўнг скамейкага ўтирди-да, деярли бўшаб қолган шишани оғзига олиб борди.

У печдан кўзини узмай, ҳали Аксель кичкина болалик пайтида онаси ошхонада айтиб юрадиган қўшиқни димоғи билан хуриллаганча хиргойи қила кетди.

Айни белгиланган вақтда Жордах нон қолипини печдан суғурди. Ҳамма булочкалар бирдай қизарганди. У печканинг газини ўчирди, пальтоси билан кепкасини кийди, кўчага чиқди-да, оёқларини судраб босганча дарё томон юриб кетди.

Саройга яқин борди-да, ичкаридаги чироқни ёқди. У ердан бир қайиқни кўтариб, бандаргоҳнинг шалоғи чиққан қўприкчасига олиб қўйди. Дарё нотинч эди, ошпоқ қўпикли тўлқинлар бир-бирини қувалаб чошганча, чалоп-чулуп қилиб қирғоққа урилади. Аксель қайиқни сувга туширди, енгил сакраб, қайиқнинг қуйруқ қисмига тушди, эшакларни бандларга жойлаштирди-да, қирғоқдан нари сузиб кетди.

Оқим шу заҳотиёқ қайиқни ўзи билан суриб олиб кетди. Аксель қайиқни дарёнинг ўрта қисмига қараб ҳайдай бошлади. Тўлқинлар шиддат билан қайиқ бортидан ошиб тушар, ёмғир тўғри юзига келиб уриларди. Ҳаял ўтмай қайиқ сувга чуқур ботган эди. Аксель ҳамон эшакларни бир маромда эшарди. Дарё жимгина уни Нью-Йоркка, қўлтиққа, океан сари олиб кетарди.

Эртасига қайиқни Айиқ тоғи унгуридан топиб олишди. Қанча қидиришмасин, Аксель Жордахнинг жасадидан ном-нишон топилмади.

*Давоми бор.*



Максимилиан ВОЛОШИН

## Олис кунлар дунёси

### ВАГОНДА

**Я**на йўл. Сехрли кучнинг туйғуси,  
Мени чулғаётган бу ҳолат таниш:  
Шовқин, юк ташувчи, чироқ ёғдуси,  
Қичқирик, хайр-хўш, хуштак ҳовлиқиш...

Вагонларда хира ёруғлик,  
Сояларнинг қора излари.  
Эгилиб мудрайди, мудраётир тик  
Одамларнинг чарчоқ юзлари.

Аниқ-тиниқ,  
Адоси йўқ, йўқ тини.  
Бир хилда тиқ-тиқ  
Филдираклар шовқини.

Фувиллар сарсари  
Уйқудаги шивир —  
Тубсиз дарё сари  
Олиб кетар сир...

*Русчадан  
Ойгул  
СУЮНДИҚОВА  
таржималари.*

Хаётлигидаёқ афсонавий шахсга айланган улкан рус шоири Максимилиан Волошин (1877-1932) Киевда туғилиб, унинг илк болалик чоғлари Таганрог ва Севастополда ўтди. Тўрт ёшидан бошлаб унинг ҳаёти Москва билан боғланди. Шоирнинг оиласи 1893 йилда Қримга кўчиб ўтгач, бу ердаги дала ҳовлиси “Шоирлар уйи”га айланди. Бу уйда ўша даврнинг не-не шоирлари, олимлари, бастакорлари, хуллас, аҳли ижод яшамади дейсиз!

Онасининг талаби билан Москва Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида 1900 йилда бошланган таҳсили (талабалар намоийишидаги иштироки учун) тугалланмай қолди. У ярим йилча Марказий Осиёда, кўп йиллар Парижда яшади. У ердан Ўрта денгиз бўйлаб саёҳатга чиқди. Шоир ўз ватанига қайтиб келди ва умрининг охирига қадар севимли “Шоирлар уйи”да — Коктебелда (Қрим) яшади, тоғнинг баланд жойидан ўзи васият қилган ерга дафн этилди. Максимилиан Волошин нафақат ҳассос ва теран фикрли шоир, ажойиб мўкалам соҳиби ҳам эди. Унинг қаламига мансуб ранг-тасвир асарлари шеърлар каби Ватани, дунё бўйлаб ўлимидан сўнг кезмоқда.

Шоирдан бой адабий мерос қолди. У ўз шеърларида инсон руҳияти кенгликларини, кечинмаларнинг мураккаб ва теранлигини, туйғуларининг тозаллигини, ўз замонасининг, замондошларининг ички ва ташқи қиёфасини, табиат гўзалликларини кенг қамровли ранглар билан ифодалади.

Ҳаёт... Тирикчилик...  
Кимдир қайгадир  
Ниманидир тўқ-тўқ  
Уради бир-бир.  
Та-та-та... та-та... та-та...  
Тинмай не ҳақдадир  
Уйқусида хаёл  
Суради кимдир.

Қулоқни тешгудай тақиллатади:  
Та-та-та... та-та-та... та-та-та...  
Шамол ноласига урилар хаёл,  
Поезд унга етиб, ўзиб кетай деб  
Ҳайқира бошлайди, ҳайқиради лол...

Яна Россияга йўл олдим чоғи...  
Ҳали олдиндадир минг-минг чақирим.  
Қаршимда нохуш тун очар кучоғин,  
Даладаги бекат... Чироқлар ёниб,  
Толғин-толғин, нозли кўзлар мисоли  
“Келгин... келгин...” дея шивирлайди жим.

Бу нима? Қўрқувми? Баломи? Ўйлар?  
Узоқлашар оқшом, яқинлашар тонг.  
Неки яшаб ўтди — ўтмишдан сўйлар,  
Неки суғурилди — ич-таши вайрон...  
Та-та-та... та-та-та... та-та-та...

Бу йўллар чеки йўқ кўринар гўё...  
Поезд кетиб борар тилсиз чўл бўйлаб.  
Нолалар, фиғонлар қуюни аро  
Қадимий-қадимий қўшиқлар куйлаб.  
Ҳар битта вагоннинг деворин дилгир  
Сирғалиб-сирғалиб санайди ёмғир.

Бу қўшиқ — ҳаётнинг интиҳосими,  
Бу қўшиқ — ҳаётнинг ибтидосими,  
Тинмас, сира тинмас Вақт садосими:  
Та-та-та... та-та-та... та-та-та...

Бу туганмас йўлда  
Саргардон дарвеш  
Қаби йиллар билан кезиб юраман.  
Интиламан, интилиб дилдан  
Яна бахт сасини сезиб юраман.

Фақатгина намхуш-намхуш тунларда  
Оғир-оғир ҳаво тўлқинларида  
Димоғимга Руснинг ҳиди келади,  
У ҳам олислардан мени билади.

Шамол ноласига урилар хаёл,  
Филдирак шовқини ноумид, ҳорғин  
Қуйилар, тақиллай бошлар бемалол:  
Та-та-та... та-та-та... та-та-та...

\* \* \*

Оқшом тушиб келди. Ол ранглар ўчди.  
Ўйлар чарақлади — кўнгил зиёси.  
Қандай қудрат билан кўзини очди  
Олис кунларимнинг унут дунёси!

Яшил хиёбоннинг қоронғусида  
Тушлар адашишди, эртақлар сўлим.  
Оқиб ўтаётган Вақт ёғдусида  
Кунлар ўсиб борди, тун қуйилди жим.

Бизлар нимагаки қўл урдик ногоҳ  
Хушбўйланиб кетди, гуллаб кетди, оҳ!  
Бизни ушлаб турган бу рангсиз олам —

Турманинг зах босган деворларидан  
Олдинга силжитдик дил торларида  
Бу азиз ҳаётни ҳамфикр, хуррам.

\* \* \*

Дунёни боладай кезиб ўтайлик,  
Шовдираган қиёқ товушин суйиб.  
Ўтган юз йилликлар нордон, югурик  
Ва англашнинг аччиқ таъмини туйиб.

Энг сирли тушларнинг узун галаси  
Кунларимиз рангин ўчирди гўё.  
Ўр оломон ичра ўтди, чамаси,  
Болакай — ҳеч ким кашф этолмас даҳо.

## ШЕЪРНИНГ ТУФИЛИШИ

*Бальмонтга*

Қалбимдаги дардим хушбўй, чақинли,  
Мовий қушлар каби чарх урар шуъла.  
Ёруғ деразалар очиқ, ёлқинли,  
Узайиб боради, тобора узун  
Дилтортар нола —  
Кўринмас тола...

Бу оқшом нечоғли нурли, сеҳргар,  
Сўзлар рақсга тушар, бирдан ловиллаб,  
Жуфтлашар суюмли, дилбар оҳанглар.

Англамоқ тубида — айланма йўлда  
Куюқлашар ҳуркак соялар, сирлар...  
Сунбул гул рангида туғилар дилда  
Энг оппоқ, энг маҳзун, муаттар шеърлар.

\* \* \*

Менга дунё тор келди, айланага қулфландим,  
Мангулик аҳён-аҳён ярқирар шуъла мисол.  
Кўзларимга урилар Вақт кучланди, учланди,  
Йиллар сор қушлар янглиғ учиб ўтар бемалол.



Паға-паға туманлар... яқин... ва йироқларим...  
Сезаман кўчаётган манзаралар нафасин.  
Мен идрокнинг чироғин қўлга олган чоғларим  
Кўтараман англашнинг мовий алангасини.

Яширин тубсизликлар тубсиз тубсизлик аро  
Синга бошлайди шаклу шамойил кенг самога.  
Қачондир қаердадир бирга ўлганмиз гўё,  
Гўёки бизлар ҳали келмаганмиз дунёга.

\* \* \*

О, нақадар тиниқ, бу дам бетакрор,  
Қадамларим енгил, ўхшар чақмоққа!  
Яна бир бор бола бўлиб қолгим бор,  
Мен кириб бораман қадрдон боққа...

Эшит, эртақларнинг шитирими бу?  
Мени англамоқнинг тубсиз иплари.  
Дарбадар йилларда билмасдан уйқу  
Ортимга қайтарди — болалик сари...

## ҚАДИМИЙ МАКТУБЛАР

Севаман — қадимий мактублар аро  
Қадимий сўзларнинг ҳорғин шивирини.  
Уларда сезинар жон берар раъно,  
Гуллардан сўнгги ҳид, сўнгги шитирини.

Севаман — бу гулдор ҳуснихатларда  
Майсалар шовуллаб тўқар сирларини.  
Ҳарфлар уча бошлар ҳур соатларда  
Оҳиста пичирлаб маҳзун шеърларни.

Юрагимга яқин улардан ним-ним  
Оқаётган чирой, жозиба, боли.  
Улар англамоқнинг дарахтидан жим  
Тўкила бошлаган гуллар мисоли.

\* \* \*

Бизлар бу дунёда адашиб кетдик,  
Бу тубсиз зулматга боладай ҳадик  
Ва қўрқув ичида кўз қиримизни  
Ташлаб, маҳкам қучдик бир-биримизни.

Ўлик дарё бўйлаб товуши ўктам  
Орфей ўз соясин чорлаётган дам.  
Кимдир итаради, ажратар, кимдир  
Бизни айлантира бошлайди гир-гир.

Фамнинг мадори йўқ, бесас ҳайқириқ,  
Қўллар қўлни сиқа бошлайди қаттиқ.  
Жуда олисларда ҳўлланган тошлар  
Эвридика номин гулдирай бошлар.

\* \* \*

Баҳор тунд, елмас сабо,  
Водийларда нам ҳаво.  
Мовий уфқлар қадар  
Туташир тик тераклар.  
Олис-олис тоғларда  
Қор товланар чоғларда  
Қуюқлашар ҳўл дала.  
Булутларга эшилиб,  
Жарликларга қўшилиб,  
Шамолнинг ноалари,  
Ёмғирнинг толалари,  
Тўқий бошлайди, денгиз  
Шовуллар бўғиқ, ёлғиз,  
Сўнгсиз қумликлар бўйлаб.

\* \* \*

Сувлар ялангликда тебрана бошлар,  
Кумушранг ҳошия билан ўралиб.  
Ҳаёл тундлашади, деворлар тишлар,  
Нурлар жимирлайди, кетар қуралиб.

Туманли кун очди олтин кўзини,  
Шарқдан кўтарилар кундуз бошоғи.  
Тўлқинда чайқалган нурлар ўзини  
Тубсизликлар узра кўришди чоғи...

Борлиқ танҳоликда ярқираб кетар,  
Марварид чақмоқда, қуёшда гўё  
Олмос гирдоб ичра ўргимчак титрар.

Нозик қўлларингни кўк сари кўтар —  
Айлан водийларнинг нилуфарига,  
Олов ва тупроқнинг кумуш-зарига!

\* \* \*

Олмос нурлар ичра кўркамлашди шарқ.  
Нурланади минглаб йўллар ва сўқмоқ.  
Олисларда сирли ва сирли қуйлаб,  
Дунёни кезсайди битта йўл бўйлаб!

Шу йўлда барини кўриб ва англаб,  
Шу йўлда барини туйиб ва танлаб,  
Олиб ўтсанг ўтли зиналар аро,  
Қанийди бир йўлга жам бўлса дунё!

\* \* \*

Бу йўлнинг ўйи оғир,  
Азиз Коктебель томон  
Кетиб бораман дилгир.  
Тоғ чўққисида хуррам  
Кумушранг бутазорлар,  
Тоғолча тугади дур.  
Водийда енгил нафас  
Билан гуллайди бодом.

Қора ридо ичида  
 Туйғулари ёниқ ер.  
 Сирғаламан тоғлардан  
 Тушган шағал тошларга.  
 Бўғилган тўлқинларнинг  
 Аччиқ нафаси бир-бир  
 Пешонамга урилиб,  
 Айланади ёшларга.  
 Салом, баҳор бағрида  
 Тантанавор, Коктебель!

\* \* \*

Мени алданг, алданг... буткул, бутунлай...  
 Ҳеч нарса ўйламай, эсламай қачон...  
 Алдовга ишонай бирор сўз демай,  
 Кетай зулмат сари таваккал, сарсон...

Ким келди, ким кўзим боғлади, чиқиб  
 Бўлмас айланага олиб кирди ким.  
 Кимнинг нафаслари ўтмоқда ёқиб,  
 Ким кўлимни қаттиқ сиқаётир жим...

Ўйғонганда туну туманни кўрсам  
 Ҳамки, мени алданг, ишонинг сиз ҳам...

## КАР-СОҚОВ ИБЛИСЛАР

Улар ер юзини юради кезиб,  
 Кўзлари кўр, тили соқов, қулоғи кар.  
 Оловли изларни чиқади чизиб,  
 Бағри кенг зулматда беқарор, бедор.

Улар тубсизликни ёритади жим,  
 Гарчанд ҳеч нарсани кўрмас, эшитмас.  
 Улар тақдиридан нолишмас, сим-сим  
 Куйлайди, куйлайди бетиним, бесас.

Ҳавоси дим тим қоронғу жаҳаннам  
 Кучоғига йўллар башоратгўй нур...  
 Уларнинг тақдири — Ҳақда мужассам,  
 Булутлар ичида тўкилади сир.

## ТЕРРОР

Улар тунда ишлар, тунда ўқишар  
 Хуфия маълумот, хуфия ишни.  
 Ҳукмларга шошиб имзо чекишар,  
 Ичишар, унутар чарчоқ, ташвишни.

Ҳали тонг ёришмай сармаст аскарлар.  
 Шомги қоронғулик чоғида бир қур  
 Рўйхат ўқилади, аёл, эркаклар  
 Зим-зиё ҳовлига ҳайдалар бир-бир.

Бор-бисот шилинди, қонталаш бўйра,  
 Пахта тойларига боғлашиб таранг,  
 Оғир аравага ортишди. Сўнгра  
 Соат, узукларни бўлишди аранг.

Тунда бу одамлар бедор, бемажол  
 Сирпаниб муз тошга, музлаган қорга.  
 Шимоли-шарқ ёқдан эсган тик шамол  
 Билан қувилишди харобазорга.

Йўлни ёритишиб қўлчироқ билан,  
Уларни бошлашди жарликлар томон.  
Ярим дақиқанинг ичида омон  
Қолмади ҳеч бир жон, қирилди ёмон.

Тепиб итаришди уларни охир  
Қазилган чуқурга, тупроққа кумиб.  
Йўл олишди уйга бамайлихотир  
Жўшқин рус қўшиғин руҳига чўмиб.

Худди шу жарликка тонг отар-отмас  
Тупланишди аёл, она, итларким,  
Ер ковлай бошлашди тирмашиб, бесас,  
Жонсиз таналарга лаб босишди жим.

*26 апрель. 1921. Симферополь.*

## ШОИРГА

### 1

Тоғларга тўк ғаминг, денгизларга соч,  
Овозинг баланд кўй, кўйла, қалбингни  
Юксакларга учир, одамларга оч.

### 2

Бу йўлда озмайин десанг, қулоқ сол,  
Сақлангин ҳатто дуст, ҳатто мухлисдан,  
Ев деб уйлаганинг дуст чиқса, не ҳол.

### 3

Шўҳрат бўлаклайди қаламингни жим,  
Кўеш қабр тошда эрийди сим-сим.

### 4

Оқимга қарши бок; тинч, қатъий, бесўз.  
Қара, қоя каби руҳингни ёвқур  
Тулқинлар босқини йиқар шафқатсиз.

### 5

Гарчанд сафдошларинг қулиб ўтмоқда,  
Кимнинг қулида тош, қай дилда ҳасад.  
Билки, сени ҳеч ким билмай ўтмоқда.

### 6

Вақт етиб, Ҳақиқат кўтарса қилич,  
Вақт етиб, қардошлиқ ўққа тутилса,  
Вақт етиб, ҳатто ишқ олса ҳамки уч —

### 7

Оломонни қўйгин, инсонга ишон.  
Ҳар бир қароқчига иблис ёр, инон.



Пу СУНГЛИНГ

# Хитой новеллалари

## ҚОРА ЧИГИРТКА

**М**инг сулоласи даврида, шаҳаншоҳдан тортиб вазирларгача қора чигиртка уриштириш ўйинига жуда ишқибоз эди. Ҳар йили улар фуқарога қора чигиртка солиғи солишарди. Хуаин уездида чигирткалар бўлмаса ҳам, уезд бошлиғи шаҳаншоҳга яхши кўриниш учун бир йили битта қора чигиртка тутиб тошширди. Бу қора чигиртка жуда ботир бўлиб, мусобақада албатта ютиб чиқарди. Шу пайтдан бошлаб Хуаин уездида ҳам ҳар йили чигиртка солиғи солинадиган бўлди. Уезд бошлиғи бу ишни фуқаро учун мажбурий ишга айлантириб қўйди. Шундай қилиб, нукул ишەқмас, текинхўр, ялқовлар чор атрофга югуриб, қора чигиртка тутишни ўзларига касб қилиб олдилар. Тутиб олинган, сараланган чигирткаларни қиммат-қиммат сотишарди. Чигирткани тута олмаган оддий фуқаро уни сотиб олишга мажбур бўларди. Бу эса ўлганнинг устига теппан билан баробар бўларди.

Чэнг Минг исмли бир жуда оддий, камтар одам бор эди. Унинг бирдан-бир орзуси Шю Сай<sup>1</sup> унвонини олиш эди. Лекин ҳар гал давлат имтиҳонини тошшира олмай йиқилгани-йиқилган эди.

Бир йили уезд маъмурияти фуқаролардан қора чигиртка солиғини тошширишни талаб қилибди. Чэнг Мингнинг чигиртка тутишга сира уқуви йўқ эди. Боз устига, бировдан сотиб олгани пули ҳам йўқ экан. У қаттиқ қайғуга ботибди. Туриб-туриб у “бундай яшагандан кўра ўлган яхшироқ” деб ўйларкан. Хотини уни тинчлантириш мақсадида: “Ўлим билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди-ку? Яхшиси, яна бир чигиртка тутишга ҳаракат қилиб

Хитой адабиёти уч минг йилга яқин тарихга эга бўлиб, ўзининг узоқ ривожланиш жараёнида турфа жанрдаги санъат асарлари яратилган, кўплаб адабиёт намояндалари ижод қилган. Шундай ижодкорлардан бири ҳикоянавис ёзувчи Пу Сунглингдир.

*Хитой тилидан Жасур  
ЗИЯМУХАМЕДОВ  
таржимаси.*

Пу Сунглинг 1640 йилда ХХРнинг Шандунг ўлкаси Зичуан туманида туғилиб, 1715 йилда 76 ёшида вафот этган. Пу Сунглинг ёшлигида жуда қобилиятли бўлиб, тезда ҳикоянавис ёзувчи сифатида танилган. Унинг ёзувчилик таҳаллуси Лю Чуанжюши ва Ляожай бўлган, лекин асарларининг кўп қисми Ляожай таҳаллусида чоп этилган. Пу Сунглингнинг асарлари асосан фольклор адабиётига, шунингдек, афсона ва ривоятларга асосланган. Ёзувчи афсона ва ривоятларга замон талабига мос равишда сайқал бериб, бадиийлаштирган. Шу сабабли, унинг ўзига Ляожай деб таҳаллус бериши бежиз эмас. Чунки бу исм хитой тилида “Сухбатхона” ёки “Нонушта вақтидаги суҳбат” маъноларини англатади. Ёзувчи ўзининг ҳар бир асарини кўп изланишлар жараёнида меҳнаткаш омма билан суҳбатлашиш ва унга ижодий ёндашишлар орқали яратган. Ривоятларни тўплаш тариқаси ҳам ғалати

<sup>1</sup> Қадимги Хитойда билим унвонининг дастлабки даражаси.

кўринг. Зора битта-яримта чигиртка тутиб қолсангиз” дебди. Чэнг Минг хотинининг гапига кириб уззу-кун чигиртка тутишга бел боғлабди. У эски деворлар тагини, майсалар орасини, думалаб ётган тошлар атрофини, хуллас, қора чигиртка яшириниб ётиши мумкин бўлган ҳамма жойни эринмай қидирибди. Тутиш учун қўл келадиган барча усулларни ишлатибди. Лекин уйга ҳар куни икки қўлини бурнига тиқиб қайтиб келаверибди. Уезд бошлиғи тайинлаган муддатта жуда оз қолибди, агар шу муддатдан ўтиб кетса, қора чигиртка топа олмаганлар жазоланарди. Чэнг Минг ҳам бу жазодан қутулиб қололмади, муддатдан ўн кун ўтиб кетгани сабаб, юз дарра калтак билан жазоланди. Даррадан икки оёғи қип-қизил гўшга айланиб, қора қонга бўялди. У тўшак устида ётиб, у ёқдан-бу ёққа аганар, уйкуси келмас, гоҳ аламидан ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлар эди. Шу пайт қишлоққа бир сеҳргар кампир келиб қолибди деган овоза тарқалди. Чэнг Мингнинг хотини ёнига бир оз пул олиб, кампирни қидириб кетди, сўраб-сўраб топди ҳам, борса, сеҳргар кампирнинг уйи ёш хотин-халажга тўла. Ичкари хона парда билан беркитилган бўлиб, ҳеч кимни у ерга киритишмаётган эди. Ташқари хонада битта стол бўлиб, унинг устига исирикдон қўйиб қўйилган эди. Кимки бирор нарса сўрамоқчи бўлса, аввал хушбўй тутун-пилик ёқиши, энкайиб чўқиниши лозим эди. Кампир эса тол ёнида бошини осмонга қаратиб ўтирар, лабларни қимирлатиб, нималарнидир шивирларди, одамлар эса бор вужудлари қулоққа айланиб, диққат билан унинг гапларини тинглар эдилар. Бироздан сўнг парда қимирлаб, ичкаридан битта қоғоз учиб чиқди. Талабгорлар сўрамоқчи бўлган нарсалар қоғозга жуда аниқ ва хатосиз битилган бўларди. Чэнг Мингнинг хотини аввал олиб келган пулларини столга қўйиб, тутатқи тутатиб тиз чўкди. Бирпасдан кейин, ичкари хонадан битта қоғоз отилиб чиқди. Қоғозни олиб қараса, унда ёзув эмас, расм чизилганини кўрди. Қоғознинг юқори қисмида катта ибодатхонага ўхшаш сарой тасвирланган, унинг орқасида жуда кўп харсанг бўлиб, харсанглар орасида ёввойи ўтлар ўсиб ётарди. Ўтлар орасида битта катта қора чигиртка бўлиб, унинг ёнида сакрамоқчи бўлиб турган қурбақа. Чэнг Мингнинг хотини расмга ҳар қанча синчиклаб қарамасин, ҳеч нарсага тушунмади, лекин расмдаги қора чигиртка унинг диққатини тортди. У сўрамоқчи бўлган нарса шу эканлигини тушунди ва расмни буклаб, эрига кўрсатгани олиб кетди.

Чэнг Минг расмга қараб туриб ўйлади: “Бу мени ўша ерга бориб чигиртка тут дегани эмасмикан?” У расмни яна бир бор диққат билан кўздан кечириб, ундаги сарой қишлоқнинг шарқ томонидаги катта бутхонага ўхшашини англади. У таёққа сузаниб зўрга ўрнидан турди ва бутхонага борди. Бутхона орқасида бир эски мазор бўлиб, уни ёввойи ўтлар қоплаб ётар эди. Мозорни айланиб юриб жуда кўп харсанг тошларни кўрди, тошлар эса қоғозга чизилгандагига жуда ўхшаб кетарди. У ёввойи ўтлар орасини титкилай бошлади. Узоқ қидирди. Оёқлари толиб, кўзлари тиниб кетди. Лекин қора чигирткадан

бўлган. Пу Сунглинг туғилиб ўсган Шангдунг ўлкасидаги қишлоқдан катта бир йўл ўтар, унинг уйи айнан шу йўл устида жойлашган эди. Ёзнинг иссиқ кунларида у бир неча кийимини бозорда пуллаб, ўрнига мош олиб келарди-да, ундан мошхўрда тайёрлаб, ўтган-кетган йўловчиларни мажнунтол тагига ўтқазиб мошхўрда билан сийларди. Фурсатдан фойдаланиб, йўловчини суҳбатга тортар ва ундан кўплаб ғаройиб ва пурмаъно ривоятларни билиб оларди, сўнг уларни қоғозга туширарди. Шу тариқа бир-биридан қизиқ новеллалар дунёга келарди. Унинг асарларини Хитой халқигина эмас, балки, бутун дунё адабиёт мухлисларининг қизиқиб ўқишининг сабаби шунда.

Пу Сунглинг асарлари орасида “Ляожай Жэйи”, яъни “Ляожайнинг ривоятлари” номли асари кўзга яққол ташланиб туради. Бу асар 16 жилддан иборат бўлиб, 491 ҳикояни ўз ичига олган ва биринчи мартаба 1766 йилда чоп этилган эди.

Пу Сунглинг ижоди Хитой жамиятининг энг оғир инқирозга юз тутган даврига тўғри келди. Бу даврда Хитойда Манжур-

дарак йўқ эди. У жон-жаҳди билан ўтларни титкилаб турганида тўсатдан бир қурбақа сакраб ўтиб қолди. Чэнг Минг дарҳол расмни эсга олди ва ҳайрат ичида қурбақанинг орқасидан юриб кетди. Қурбақани бир зум кўздан қочирмай кетиб бораркан, тўсатдан ўт устида бир қора чигиртка ётганини кўрди. У чигирткани тутмоқчи бўлиб қўл чўзган эди, чигиртка лип этиб тошлар орасига кириб кетди. Чэнг Минг чўп олиб тошлар орасини титкилай бошлади, лекин қора чигиртка чиқмади, шунда у кавакка сув қуйди, ниҳоят қора чигирткани чиқариб олди. Уни қўлида ушлаб, диққат билан кўздан кечирди. У жуда ҳам ажойиб чигиртка бўлиб, одатдагилардан анчагина катта эди. Чэнг Минг чигирткани уйга олиб келганда, уйдагиларнинг ҳаммаси худди бир хазинани кўлга киритгандай хурсанд бўлиб кетишди. Улар қора чигирткани пишага солиб боқа бошладиди. Унга яхши овқатлар беришар, ер-қўкка ишонмай, асраб-авайлашарди.

Чэнг Мингнинг тўққиз ёшли ўғли бўлиб, у ҳозиргина отаси тутиб келган қора чигирткани жуда кўргиси келди. Отаси уйда йўқлигидан фойдаланиб, пиша оғзини очди, чигиртка бир сакраб ташқарига чиқди. Болакай тутмоқчи бўлиб, иккала қўли билан уни ташпа босди, шўрлик чигиртканинг оёғи синиб, қорни ёрилди ва сал кейин ўлиб қолди. Буни кўриб бола кўрққанидан йиғлаб юборди. Онасига айтган эди, онасининг капалаги учиб, ранги қув оқарди, кейин ўғлини қаттиқ уришиб кетди: “Ҳой ярамас бола, отанг келса сени соғ қўймайди, битта сенимас, ҳаммамизни ўлдирарди”. Буни эшитиб бола кўрққанидан йиғлаб кўчага чиқиб кетди. Бир оздан сўнг Чэнг Минг ишдан қайтиб келди. У воқеадан дарак топди-ю бошидан бир челақ совуқ сув қуйгандек бўлди. Ҳазаб билан болани қидириб кетди, лекин уни ҳеч қаердан топа олмади. Охири уни қудуқдан топди, афсуски бола аллақачон жон таслим қилган эди. Бу кулфатдан Чэнг Минг қаттиқ қайғуга ботиб, ҳўнграб йиғларкан, фарёд уриб қичқирди: “Энди қандай яшайман?! Бундан кўра ўлпанам яхши!” Эр-хотин йиғлайвериш кўзларида ёш қолмади. Улар сўзлашмас, овқат ҳам ейишмас, бу фардан қандай қутулишни билмай, донг қотиб қолишди. Кечга яқин улар фарзандини дафн этишга тайёрланишди, тўсатдан унинг нафас олаётганини сезиб қолишди. Дарҳол тобутдан тўшакка олишди, ярим тунга бориб бола бутунлай ўзига келди. Буни кўрган эр-хотин хотиржам бўлишди, лекин бола жуда нимжон бўлиб, гоятда ҳолсиз эди. Аммо Чэнг Мингнинг кўзи қора чигиртка турган бўш пишага тушганда, юраги эзилиб, ўғлининг аҳволи ҳам эсидан чиқиб кетарди. У тун билан мижжа қоқмай, тонг оттирди. Шу топ қулоғига ташқаридан қора чигиртка овози чалинди. Югуриб чиқиб қараса, ҳалиги ўлган қора чигиртка экан. У дарҳол қўлини чўзди, лекин чигиртка сакраб нари қочди. У тутмоқчи бўлиб яна ташланди, ўзича тутгандек ҳам бўлди, лекин кафгини очиб қараса, қора чигиртка йўқ эди, у сал нарида турарди. Чэнг Минг яна интилди, чигиртка сакраб қочди. Шу тариқа, у бир девор тагигача етиб борди, шу ерда чигиртка кўздан гойиб

---

Чин сулоласи ҳукмронлик қилар эди. Шу сабаб мамлакатда миллий зиддиятлар авж олган, халқи феодал ҳукмронлар зулми остида оғир ҳаёт кечирарди.

Асли феодал оиласидан чиққан Пу Сунглинг бутун умрини қишлоқда ўтказади. У меҳнаткаш халқ дардини яхши тушунганидан асарларида жамиятдаги турли ноҳақликларни, порахўрликни, зўравонликни қоралайди, адолатни, меҳр-мурувватни, айниқса, ёшларнинг соф муҳаббатини жўшиб қуйлайди. Пу Сунглинг ўз асарларида аёл қиёфасини, унинг ташқи ва ички гўзаллигини очиб беришга ҳаракат қилади. Пу Сунглиннинг феодал Хитойда ҳукм сурган адолатсизлик, порахўрликка қарши ғазоби мазлум хитой халқининг ғазоби эди.

“Ляожай Жэйи” кўп тилларга таржима қилинган. Ҳарб ва рус адабиётшунослари ҳам Пу Сунглинг новеллаларига юқори баҳо берганлар ҳамда ёзувчининг юздан ортқ новелласини ғарб ва рус тилларига таржима қилганлар. Г.Жайлз ёзувчи асарларини “Минг бир кеча” эртақларига ўхшатади. Италия ёзувчиси Ди Гиура эса “Ляожай Жэйи”ни Хитой “Декамерон”и деб атайди.

*Таржимон.*

бўлди. Чэнг Минг ҳамма ёқни қидирди, охири девор устида бир қора чигиртка ўтирганини кўриб қолди, аммо буниси хийла кичик бўлиб, илгариги чигиртка эмас эди. Чэнг Минг барибир олдингисини қидириб топаман деб яна ўтлар орасини қидириб кетди. Шу пайт девор устида ўтирган чигиртка бир сакраб Чэнг Мингнинг елкасига кўнди. Чэнг Минг диққат билан чигирткага разм солар экан, йўқдан кўра шу ҳам бўлаверади деб, шуни тутиб олишга қарор қилди. Лекин уезд бошлиғига тошпиришдан аввал уни бошқаларнинг чигирткалари билан уриштириб, чигиртканинг қобилиятини синаб кўриши лозим эди.

Қишлоқда бир ёш йигит бўлиб, у битта қора чигиртка боқар ва уни тез-тез бошқа чигирткалар билан уриштириб турар эди. Унинг қора чигирткаси бирор марта ютқазмаган эди. Йигит уни бор-йўқ бойлигим шу деб, баҳосини жуда баланд кўяр эди. У Чэнг Мингнинг уйига қидириб келиб, чигирткаларни уриштирмоқчи бўлди. Чэнг Мингнинг чигирткасини кўрди-ю, энсаси қотди ва мийиғида кулиб қўйди. Йигитчанинг чигирткаси ҳам катта, ҳам бақувватлигини кўриб, Чэнг Минг чигирткасини уриштиришни истамади, лекин бунинг иложи йўқ эди. “Бунақа чигирткани боққандан нима фойда, яхшиси, уриштириб, бир хурсандчилик қилайлик” деб кўнглидан ўтказди. Чэнг Минг йигитчанинг таклифига рози бўлди. Чигиртка жанги бошланиб кетди. Лекин кичкина чигиртка қимир этмасди, кўриниши ҳам кичкина ҳашаротга ўхшар эди. Буни кўриб, йигитча Чэнг Мингнинг чигирткасини мазах қила бошлади. У қобон туки билан Чэнг Минг чигирткасининг мўйловига текканда ҳам у қимирламасдан ётаверди. Буни кўриб, йигитча бадгар масхара қилди ва тук билан гиж-гижлашда давом этди. Охири жаҳли чиққан кичкина чигиртка югуриб келиб, ҳалиги қобон тукини тишлаб олди-да, газаб билан чайнай бошлади. Сўнг бир сакраб, катта чигирткага ҳужум бошлади. Катта чигирткани бўйнидан тишлаб олди-да, бўғиб тураверди. Йигитча уларни дарҳол ажратиб қўйди. Кичкина чигиртка руҳланиб, худди ўз эгасига ғалаба ҳақида хабар бераётгандек мағрурланиб қичқириб юборди. Бундан Чэнг Минг жуда қувониб кетди. Шу пайт бир товۇқ пайдо бўлди-ю, миттигина чигирткани чўқимоқчи бўлди. Чэнг Минг кўрққанидан қичқириб юборди. Товуқ чигирткани қувиб борар, ҳар лаҳзада уни тутиб ейиши аниқ эди. Бу шундай тез содир бўлдики, Чэнг Минг чигирткани қандай қутқаришини билмай эсанкираб қолди. У қичқирар, ер тепиб депсинар эди. Лекин тўсатдан товуқ бўйнини олдинга чўзиб, гоҳ ўнганга, гоҳ чапга, гоҳ юқорига ва пастга силкига бошлади. Чэнг Минг яқин келиб қараса, ҳалиги чигиртка товуқнинг бошига ўтириб юмшоқ тожидан маҳкам тишлаб олган экан. Чэнг Минг ҳайратланиб, чигирткани яна ҳам яхши кўриб қолди ва уни дарҳол тутиб, шиша идишга солиб қўйди.

Эртаси куни Чэнг Минг чигирткани уезд бошлиғига олиб бориб тошпирди. Уезд бошлиғи чигиртканинг кичкиналигини кўриб, Чэнг Мингни бошлаб сўқди. Шунда Чэнг Минг бир кун илгари бу чигиртка билан бўлган воқеалар ҳақида уезд бошлиғига гапириб беришга мажбур бўлди, уезд бошлиғи ишонмади. Шунда Чэнг Минг чигирткани яна жангга қўйишга рухсат сўради, шунда ҳам чигиртка мўъжиза кўрсатди. Яна бир товуқни тутиб келишди, худди кечагидек чигиртка бу товуқнинг бошини эмас, балки бўйнидан тишлаб, ҳар томонга чўзиб, гангитиб ташлади. Буни кўрган уезд бошлиғи Чэнг Мингни талай нарсалар билан мукофотлади, чигирткани эса ўлка бошлиғига олиб бориб берди. Ўлка бошлиғи ўша заҳоти чигирткани олтин қафасга солиб, пойтахтга етказди. Саройда бу чигиртка жамики номи чиққан чигирткалар билан бирга бирма-бир жанг қилиб чиқди ва барчасининг устидан ғалаба қозонди.

Бу чигиртканинг одамлар ёқтирадиган яна бир ҳунари бор эди: ҳар сафар чанг овози эшитилиши билан у дарҳол мусиқа оҳангига монанд рақсга тушиб юборарди. Бундай чигирткага эга бўлган император беҳад қувониб, ўлка бошлиғини катта мансаб, яхши от ва либослар билан мукофотлади. Ўлка бошлиғи ҳам уезд бошлиғини эслан чиқармади, уни: “Жуда диди зўр амалдор” деб мақтади. Уезд бошлиғи эса жуда хурсанд бўлиб, Чэнг Мингга Шю Сай унвонини берди. Ўлка бошлиғи ҳам Чэнг Мингга бир қанча қимматбаҳо



совгалар тақдим қилди. Шу тариқа Чэнг Минг оиласининг аҳволи яхшилана бошлади. Лекин ўғлининг ақли борган сари заифлашиб борарди. Куни билан кўзини очмас, ўйқудан бош кўтармас эди. Бундан хавотирга тушган Чэнг Минг боласини табибларга кўрсатди, лекин болада ўзгариш бўлмади. Бир йилдан кейингина ўғли сал ўзига кела бошлади, яна озгина вақтдан сўнг у бутунлай яхши бўлиб кетди. Шунда ўғли: “Мен уришишга қобилиятли чигирткага айланиб қолганимга бир йилдан кўпроқ бўлди, мана энди ўзимга келдим”, – деди. Чэнг Мингнинг отаси унинг мушкулени осон қилган, бир йилдан кўпроқ ўзига келолмай ётган кичкина қора чигирткага мадад бўлиб, унинг танига ўтган, аслида ўғлининг руҳи эканлиги, энди бу руҳ ўз вазифасини бажариб бўлиб, яна ўғлининг танига қайтганлигини тушуниб етди ва севинчдан кўзларига ёш олди.

## ҲОЙИБДАН КЕЛГАН БОЙЛИК

Бир олим нуқул илм билан машғул бўлиб, китобдан бош кўтармас экан. Бир куни китоб ўқиб ўтирса, кимдир дарвозани тақиллатибди. Бориб дарвозани очса, қадимги замон кексалар кийимидаги бир қария турганини кўрибди. Олим дарров қарияни уйига таклиф қилибди. Шунда қария ўзини таништириб: “Менинг исмим Ху, тулки зотининг шири бўламан. Эшитишимча, сен билимнинг орқасидан қувиб, жуда кўп китоб ўқир экансан, шу боис, сенинг суҳбатингни олай деб келдим”, – дебди. Шу тариқа олим қария билан суҳбатга киришиб кетибди. Суҳбат асносида олим бу кексанинг билимдонлигига қойил қолибди, уни уйда қолишига ва суҳбатдош бўлишига кўндирибди.

Орадан бир неча кун ўтибди, икковининг суҳбати қизигандан-қизибди, бир пайт олим аста ўз дарди, мақсадига ўтиб, қарияга шундай дебди: “Сиз билан биз жуда ҳам яқин бўлиб қолдик, гапнинг очигини айтганда, менинг шарт-шароитимни кўриб турибсиз. Мен жуда камбағал яшайман, мана бу аҳволдан чиқиш учун сиз менга озгина ёрдам бериб юборсангиз ёмон бўлмас эди! Чунки, Сиз – тулкилар пирисиз, қўлингизни шундоқ силтасангиз бас! Олтин пуллар сизга ёмғирдай ёғади”. Буни эшитиб қария ўйга толибди ва бироз вақт ўтгандан кейин жилмайиб: “Албатта, бу ишнинг мен учун ҳеч қандай қийин жойи йўқ, фақат дастмояга ўн сар пул бўлса, кифоя,” деб жавоб қайтарибди.

Дастмояга олим дарров у айтган пулни топиб келибди. Бундан мамнун бўлган қария олим билан бир бўш хонага кирибди. Қария ўтирибди-да, кўзларини юмиб, дуо ўқиб, худога илтижо қила бошлабди. Кўп ўтмай олтин пуллар “жангир-жунгир” қилиб шаррос ёмғирдай ёға бошлабди. Бирпасда пуллар олимнинг тиззасига етибди. Пулнинг ичида кўмилиб қолмайин деб хавотирга, андишага тушган олим оёғини пулдан чиқарган ҳам эканки, олтинлар уни яна кўма бошлабди ва ҳаёл ўтмай сонигача етибди. Буни кўрган қария олимга қараб: “Бас, етади!” деб бақарибди. Олимнинг ҳўп имоси билан қария қўлини кўтариб бир силтаган экан, ёғаётган олтин тўхтабди. Қария ва олим хонадан чиқибди. Уйни қулфлар экан, олим бирданига шунча бойликни кўриб, “кўз очиб юмгунча давлатмандга айландим-а!” – деб ширин хаёлларга берилибди ўзича.

Эртаси куни эрталаб олим харажатта бироз пул олай деб хонага кирибди, қараса кеча кўзни олиб, ялтираб турган олтин пулларни кўрмабди. У ерда фақат ўзи дастмоя қилиб берган пулларгина қолган экан, холос. Бундан ғазабланган олим қарияни ҳақоратлай кетибди. Олимнинг бу жоҳиллигидан қариянинг жаҳли чиқибди ва хайр-хўшни ҳам насиа қилиб, олимнинг уйдан чиқиб кетибди. Кетатуриб унга: “Сени қидириб келишимнинг сабаби, сен билан бирор жиноятга қўл уриш эмасди, балки илм, фан ва ижод устида изланиш ва фикрлашиш эди. Сен эса мени ўзингнинг ёмон ниятларингни амалга ошириш учун гуноҳга чорладинг. Нафснинг кетидан юрмоқчи бўлсанг, ўзингга ўхшаганларни топ, мен сен каби нокасларга ёрдам беролмайман”, – дебди-да, йўлига равона бўлибди.

## БЕГУБОР ҚИЗ – ЙИНГ НИНГ

Қадим-қадим замонларда исми шарифи Ванг деган бир талаба бўлган экан. Уни кўпинча Ванг Шэнг деб ҳам атар эканлар.

Унинг отаси ёшлигида вафот этиб кетган экан. Яккаю ягонаси фарзанди бўлгани учун онаси уни еру кўкка ишонмас, ҳатто ҳеч ким билан ўйнагани ҳам кўймас экан.

Бир йили “Юан Шао байрами”<sup>1</sup> кuni Вангнинг булами<sup>2</sup> У Шэнг уни ўзи билан шаҳар чеккасидаги бир қишлоққа олиб бориб, байрамни нишонлашга таклиф қилибди. Улар қишлоққа етар-етмас, У Шэнгнинг уйдан бир одам келиб уни чақириб кетибди. У Шэнг ноилож уйга қайтишга мажбур бўлибди. У Шэнг кетгач, байрамни нишонлаб юрган тўда-тўда одамларнинг орасида Ванг Шэнгнинг бир ўзи қолиб кетибди. Унинг кайфияти чоғ, бу дунёда гўё ундан бахтли одам йўқдай экан шу топда.

Тўсатдан унинг кўзи жуда ҳам гўзал бир қизга тушибди. Қиз кўлида олхўрининг гуллаган шохини ушлаганича, табассум билан Ванг Шэнгнинг ёнидан ўтиб кетибди. Ванг Шэнг шу пайтгача бундай гўзал қизни ҳеч кўрмаган экан, шу ондаёқ лолу ҳайрон бўлиб қолибди. Қиз Вангнинг олдида ўтиб кетаётиб, йигитнинг ўзига тикилиб қолганини сезибди ва ёнидаги чўри қизга дебди: “Қара, анови йигит мунча менга тикилмаса, худди ўғриларга ўхшайди-я!” Шундай дея у кўлидаги олхўри гулли шохини ташлабдию, кулганча, нари кетибди. Ванг Шэнг қизнинг узоқлашганини кўриб, тезда ердан олхўри шохини олибди ва хаёлида бир қимматбаҳо нарсани йўқотгандек бўлибди. Ванг Шэнгнинг бутун қалбини севги оташи қамраб олибди. У чуқур ўйга ботиб, уйга қайтиб келибди. Ётоғига кириб, гул шохини ёстиғи остига беркитибди ва уйкуга кетибди. Орадан бир неча кун ўтибди, у ҳеч ким билан гаплашишни истамас, туз тотмас, ранги рўйи ҳам кун сайин саргайиб, озиб-тўзиб кетаверибди. Онаси унинг аҳволини кўриб жуда ҳам хавотирга тушибди ва табиб чақиртирибди. Табиб Ванг Шэнгнинг аҳволи ёмонлигини кўриб, нимага бундай бўлаётганини сўрабди ва барибир саволига жавоб ололмабди.

Кунлар шу тариха ўтиб бораверибди. Кунлардан бир кун У Шэнг келиб қолибди: онаси уни Ванг Шэнгдан ҳол сўрагани чақиртирган экан. Ванг Шэнг буламини кўрибдию кўз ёшлари юзларидан маржон-маржон тирқираб оқа кетибди. У Шэнгта ўша кuni гўзал қизни учратганидан кейинги аҳволни айтиб берибди. У Шэнг эшитиб, дарҳол овуга бошлабди: “Сен ҳам аҳмоқ экансан-ку. Арзимаган нарсага кўз ёши қилиб ўтирибсан. Ўша қизни топиб берганим бўлсин. Бу ишнинг сенга оғирлиги ҳам тушмайди. Агар у ҳали никоҳланмаган бўлса, ишимиз ўнгидан келишига ишончим комил. Лекин бунинг учун сен соелигингни ҳам ўйлашинг керак”. Ванг Шэнг бу гапларни эшитиб, беихтиёр табассум қила бошлабди ва ўзини анча енгил ҳис қилибди. У Шэнг уйга қайтгач, Ванг Шэнгнинг аҳволи кўз ўнгидан ҳеч нари кетмабди. Қандай қилиб унга ёрдам берсам экан, деб анчагача соҳибжамол ҳақида маълумот тўплаш билан машғул бўлибди. Лекин, барча ҳаракатлари зое кетибди.

Кунлар ўтаверибди, У Шэнг яна Ванг Шэнгни кўргани келибди. Ванг Шэнг буламидан ўша қиздан хабар бор-йўқлигини сўрабди. У Шэнг нима деб жавоб қилишини билмай, алдашга мажбур бўлибди. “Аллақачон тошган эдим, — дебди У Шэнг. — Биласанми у ким экан? У холангнинг қизи экан, сизлар қариндош экансизлар. Бир неча кундан сўнг мен совчиликка бориб, албатта ишни пишитиб келаман”. Ванг Шэнг бунинг эшитиб, жуда хурсанд бўлибди ва қизнинг уйи қаерда эканлигини сўрабди. У Шэнг нима деб жавоб қилишини билмай қолибди ва бир амаллаб бунинг ҳам йўлини топибди: “Қизнинг уйи бу ердан тахминан ўттиз чақиримча узоқликда — жануби-ғарбий томонда — тоғ этагида экан”. Ванг Шэнг қизнинг висолига тезроқ

<sup>1</sup> “Юан Шао байрами” — “Чироқлар байрами” қамарий тақвим бўйича янги йилнинг дастлабки 15 кунини ўз ичига олади.

<sup>2</sup> Амакивачча дегани.

етишни истабди. У сабрсизлик билан буламини иложи борича тезроқ совчиликка боришини сўрабди. Ванг Шэнгнинг саломатлиги тезлик билан яхшилана бошлабди, лекин булами нимагадир бошқа келмай кўйибди. Ванг Шэнгнинг юрагига гулгула тушиб қолибди ва буламига хат ёзибди. У Шэнг унинг сўзлари ёлғонлигини билиб, турли ишларни баҳона қилиб, уни кўргани келолмаётганини айтибди. Ванг Шэнг буламининг лоқайдлигидан жуда ҳам аччиқланибди ва ўзича тахмин қилиб, ўттиз чақирим йўл унча узоқ эмас, деган қарорга келиб, “Бировга ишониб нима қилдим”, – дебдию қуриб қолган олхўри гул шохини олганча, онасига ҳам лом-мим демай, ўша қизни қидиргани кетибди.

Ванг Шэнг ўттиз чақиримдан кўпроқ юргач, нафасини ростлаб олиш учун тўхтабди, ён-верига қараса, яланг бир тоққа келиб қолганмиш. Йўл сўрай деса, ҳеч бир тирик жон кўринмасмиш. Тўсатдан, кўзи тоғ этагидаги кичкинагина бир қишлоқчага тушибди. Қишлоқда яккаю ягона хонадон бор экан. Ванг Шэнг шу қишлоққа қараб йўл олибди. Хонадон дарвозаси олдида бир туپ тол дарахти ўсар экан, ҳовлисида эса сон-саноксиз шафтоли ва ўрик дарахтлари гуллаб ётган экан. Ванг Шэнг бу кимнинг боғи бўлди экан, деб ўйлабди. “Бирпас кутай-чи, битта-яримта чиқса, холамни қидириб юрибман деган баҳонада ҳаммасини сўраб оламан.” – деб ўйлабди, бориб дарвоза олдидаги катта ҳарсанг устига ўтирибди. Тўсатдан, кунботар томондан бир қиз келаётганини кўрибди, қўлида бир даста ўрикнинг гуллаган шохини бошига тақмоқчи бўлиб келаётган экан. Қиз бошини кўтариб қараган экан, Ванг Шэнгга кўзи тушибди. Бошига гулни тақмабди ҳам-у, кулганча қочиб ҳовлига кириб кетибди. Ванг Шэнгнинг кўз олди ёришиб кетибди, у кўзларига ишонмасдан: “Наҳотки бу ўша – кечалари билан ухламай, ўйлаб чиққан қизим бўлса?” дермиш. Хурсандлигидан: “Нимани баҳона қилиб, у билан кириб учрашсам экан? – деб ўйлаб қолибди, – агар, холамни кўргани келдим десам, илгари бир марта ҳам холамни кўрмаганман, танимай қолсам, нима деган одам бўламан?” У жуда қийин аҳволга тушиб қолибди. Ванг Шэнг овқат ейишни ҳам, сув ичишни ҳам эсидан чиқариб, дарвоза олдидан кетолмабди. Шу орада ҳалиги қиз дарвозани бир очиб қарабди ва яна ёпиб, кўздан ғойиб бўлибди.

Охири, қоронғи тушганда, дарвоза очилибди. Бир кампир чиқиб, Ванг Шэнгдан ҳол-аҳвол сўраб, дебди: “Эй яхши йигит, қаердан келдинг, билишимча, эрталабдан буён шу ерда экансан, бу ерда нима ишинг бор, қорнинг очмадимми?”

Ванг Шэнг дарҳол салом бериб: “Мен қариндошимни қидириб келдим” деб жавоб қилибди. Кампирнинг кулоғи оғир экан, йигитнинг гапини яхши эшитмабди, Ванг Шэнг баландроқ овозда гапини қайтарибди. Кампир яна сўрабди: “Қариндошининг исми шарифи нима?” Ванг Шэнг нима деб жавоб қилишини билмай, довдираб қолибди. Кампир кулиб туриб: “Қизиқ, исми шарифини билмасанг, яна қанақа қариндош излайсан?! Кўринишдан эсли-хушли болага ўхшайсан. Яхшиси, ичкарига кир, қорнингни тўйгазиб ол, менинг уйимда бир кеча ётиб қол. Эрталаб уйингга қайтиб борарсан, қариндошининг насабини билиб келарсан,” – дебди. Ванг Шэнг ҳақиқатдан ҳам қорни очганини сезибди ва дарҳол кампирга эргашиб, хонадонга кирибди. Улар ҳамма ерига гул экилган ҳовлидан ўтгач, катта бир меҳмонхонага кирибдилар. Бу ер кундузгидек ёруғ, ҳамма ёқ ёғ тушса ялагудек экан. Ўтиришгач, кампир ташқарига қараб, қаттиқ овозда: “Меҳмон келди, тезроқ егулик келгир,” деб кимнидир чорлабди. Шунда ташқаридан чўри қизнинг: “Хўп бўлади,” деган овози эшитилибди. Кампир эса Ванг Шэнгдан насабини, оилавий шароитини суриштирибди. Ванг Шэнг навбатма-навбат жавоб бера бошлабди. Тўсатдан кампир Ванг Шэнгнинг гапини бўлиб, сўрабди: “Онанинг фамилияси “У” эмасми?” Ванг Шэнг тасдиқ ишорасини қилибди. Кампир ҳайрон қолиб: “Ие, сен менинг жияним экансан-ку, сенинг онанг менинг туғишган синглим бўлади. Менинг уйимда эркак киши бўлмаганлигидан, қариндошлар билан анча йиллардан буён борди-келди қилмаётган эдим. Буни қара-я, сен жуда ҳам ўсиб кетибсан”, – дебди. Ванг Шэнг дарҳол: “Менинг келишимга сабаб – холамни кўриб, ҳолидан хабар

олиш эди. Келаётганимда жуда шошилганимдан онамдан сизнинг кимлигингизни сўраш эсимдан чиқибди”, – деб жавоб қилибди. Кампир: “Поччангнинг фамилияси Чин эди. Ҳозир менинг уйимда битта қиз бор, лекин уни мен туққан эмасман, уни эримнинг чўриси туққан. Поччанг оламдан ўтгач, мен чўрини узатиб юбордим, ўзим эса қизни олиб қолиб катта қилдим. Бу қиз жуда ақлли, лекин жуда эрка қиз. Кун бўйи шўхлик қилиб, гапга қулоқ солмайди. Бироздан сўнг уни кўрасан”, – дебди. Бу пайтда хизматкор қиз овқат олиб кирибди. Кампир унга Йинг Нингни чақириб келишни буюрди. Кўп вақт ўтмай, ташқаридан кулги товуши эшитилибди. Товуш тобора яқинлашиб келарди. Кампир ташқарига қараб, баланд овозда дебди: “Йинг Нинг, буламинг келибди!”

Эшик орқасидан тўхтовсиз кулги овози эшитиларди. Хизматкор қиз Йинг Нингни хонага етаклаб кирибди, у ўзини кулгидан тўхтата олмас, оғзини беркитиб олиб, тинмай ҳирингларди. Кампир қизга ўқрайиб қараб, дебди: “Уйга меҳмон келганда куланинг нимаси?!” Йинг Нинг ўзини кулгидан базўр тўхтатиб, онасининг ёнидаги кўрпачанинг бир четига омонатгина қўнибди. Кампир Ванг Шэнгни кўрсатиб, Йинг Нингга дебди: “Бу сенинг буламинг бўлади, холангнинг ўғли”. Ванг Шэнг кампирдан: “Синглим неча ёшда?” – деб сўрабди. Кампирнинг кулоғи оғир бўлганидан яхши эшитмабди. Ванг Шэнг баланд овозда гапини қайтарибди. Йинг Нинг Ванг Шэнгнинг бу сўроғини эшитиб, уялганидан бошини энгаштириб олибди ва яна кула бошлабди. Кампир Ванг Шэнгга дебди: “Мен сенга айтган эдим-ку, бу қиз шўх деб, кўриб турганингдек, аллақачон ўн олтига кирган бўлса ҳам, ёш боладан ҳеч фарқи йўқ”. Ванг Шэнг дебди: “У мендан бир ёш кичик экан-да”. Кампир сўрабди: “17 ёшга кирган бўлсанг, хотин олгандирсан?”<sup>1</sup>

“Мен ҳали бўйдоқман”, – деб жавоб қилибди Ванг Шэнг. Кампир ундан сўрабди: “Сен ақлли, тарбияли кўринасан, кап-катта йигит экансан, нимага ҳалигача уйланмадинг?” Ванг Шэнг жавоб қилмабди, у Йинг Нингга тикилибди. Чўри қиз Йинг Нингнинг кулоғига пичирлаб дебди: “Сен унинг ўғриларча қарашига боқ, ҳеч ҳам ўзгармаган”. Йинг Нинг бунини эшитиб, яна кулиб юборибди. Кулги аралаш чўри қизга: “Юр, боққа чиқиб, бирпас сайр қилиб келайлик”, – дебдию энги билан оғзини беркитганча, югуриб чиқиб кетибди. Эшикка етмасдан қаттиқ кулиб юборибди. Кампир ўрнидан тураётиб, Ванг Шэнгга: “Сен меникига шунча йўл босиб, овора бўлиб келибсан, бир неча кун меникида меҳмон бўлгин, кейин уйга қайтарсан. Бу ерда китоб ўқишинг, боғда дам олишинг мумкин”, – деб айтибди ва хизматкор қизга Ванг Шэнг учун хона тайёрлашни буюрибди.

Эртаси кун эрталаб Ванг Шэнг боққа сайр қилгани чиқибди. Боғда кўм-кўк ўтлар сабза урган, нафис турфа гуллар барқ уриб очилганди. Боғ шу қадар чиройли эканки, унга қараб кишининг баҳри-дили очилар экан. Ванг Шэнг боғнинг ўртасида сайр қилиб юрган экан, бирдан дарахт тепасидан кимнингдир шарпаси эшитилибди. У бошини кўтариб қараса, дарахтда Йинг Нинг ўтирган экан. У Ванг Шэнгни кўриб, кулиб юборибди ва сал бўлмаса, йиқилиб тушай дебди. Ванг Шэнг ҳовлиқиб бақирибди: “Кулма, эҳтиёт бўл, йиқилиб тушасан-ку, ахир!”

Йинг Нинг дарахдан тушаётиб, нуқул куларкан. Ерга етар-етмас, эҳтиётсизликдан йиқилиб тушибди. Энди унинг кулар ҳоли ҳам қолмабди. Ванг Шэнг унинг қўлтиғидан олиб, туришига ёрдамлашиб юборибди ва секин қўлини силаб қўйибди. Йинг Нинг яна кулиб чайқалиб кетибди ва дарахтга суяниб қолибди. Қиз кулгидан тўхтагач, Ванг Шэнг чўнтагидан олхўри гул-шохини олиб, унга узатибди, сўнг дебди: “Синглим, бунини ўша “Юан Шао байрами” кунини ташлаб кетган эдингиз, мен уни ҳозиргача ўзим билан олиб юрибман” – дебди, Йинг Нинг гул-шохини олиб: “Ие, бунингиз куриб қолибди-ку?!” – дебди. Ванг Шэнг бунга жавобан: “Мен бу билан сизга бўлган муҳаббатимни изҳор этмоқчи эдим. Сизни кўрган кунимдан буён тинчимни

<sup>1</sup> Ўрта асрларда, айнан Сунг сулоласидан то Чинг сулоласи ҳукмронлик қилган даврларда, яъни X асрдан XX асрнинг бошларигача Хитойда қонун бўйича эркаларнинг 16 ёшидан уйланишига, қизларнинг эса 14 ёшдан узатилишига рухсат берилган.

йўқотдим, сизни ўйлайвериб, ҳатто касал бўлиб қолдим. Мен сизни яна бир бор учратаман деб умид ҳам қилмагандим”, — дебди. Шунда Йинг Нинг: “Биз қариндошмиз, муҳаббат ҳақида гапирсак, қандай бўларкин? Кетар пайтингизда сизга боғдаги гуллардан бир даста бериб юбораман”, — дебди. Бу сўзни эшитган Ванг Шэнг: “Синглим, сиз нега бунча соддасиз-а?!” дебди.

“Мен соддаманми?” — кулибди қиз.

“Ахир мен гулни эмас, менга шу гулни тақдим этаётган қизни севаман”.

“Биз қариндошмиз, бусиз ҳам бир-биримизни севишимиз керак” дебди Йинг Нинг. Ванг Шэнг: “Мен айтган севги қариндошлар орасидаги севги эмас, балки эр-хотинлар орасидаги севгидир” — деб жавоб берибди.

“Бу икки севги бир-бирига ўхшаш эмасми?” — деб сўрабди Йинг Нинг яна. Ванг Шэнг унга: “Эр-хотин орасидаги севги бир ёстиққа бош қўйиш”, — деб жавоб берибди.

Бу гапни эшитган Йинг Нинг хаёлга чўмиб, бир оздан сўнг дебди: “Мен бегона одам билан ёта олмайман”.

Гап охирига етмай, Ванг Шэнг тўсатдан пайдо бўлган чўри қизга кўзи тушибдию шошилганча кетиб қолибди. Бироздан сўнг, у Йинг Нинг билан яна кампирнинг хонасида учрашиб қолибди.

“Қаерда эдинг?” — сўрабди кампир Йинг Нингдан.

“Буламим билан боғда суҳбатлашиб қолдик.”

“Нонушта аллақачон тайёр бўлган эди-ку, шунча кўп вақт нимани гаплашдинглар?”

Йинг Нинг иккиланмасдан: “Буламим мени у билан бирга ухлашимни хоҳлаяпти”, — деб жавоб қилибди. Бунга эшитган Ванг Шэнг қизга кўзи билан “бас қил” ишорасини қилса ҳам, Йинг Нинг кулимсираганча гапида давом этаверибди. Бахтига кампир яхши эшитмас экан, қизнинг гапларини илгаёлмабди, Ванг Шэнг секин Йинг Нингни туртиб қўйибди. Йинг Нинг сўрабди: “Ҳозирги айтганларингни айтиб бўлмайдими?”

“Бу фақат хилватда гапириладиган сўзлар-ку!” — деб шошиб жавоб қилибди Ванг Шэнг.

Йинг Нинг: “Ҳеч кимга айтиб бўлмаса, онамга ҳам айтиш мумкин эмасми? Дарвоқе, бирга ухлаш одатдаги иш-ку, шуни ҳам яшириш керакми?” — дебди. Ванг Шэнг унинг шу қадар содда эканлигидан жуда хафа бўлибди, бунга яна қандай қилиб бошқача тушунтиришни билмай қолибди.

Овқатланиб бўлгач, Ванг Шэнг қараса, хачир етаклаган бир киши пайдо бўлибди ва “Сизни уйга олиб кетгани келдим”, — дебди. Бу одамнинг гапига қараганда, Ванг Шэнг уйдан чиқиб кетган куни онаси уни кун бўйи кутибди. Ундан дарак бўлавермагач, бутун қишлоқни суриштириб чиқибди, лекин уни тополмабди. Шунда онаси У Шэнгнинг уйига бориб, суриштирибди. У Шэнг Ванг Шэнгга айтган ўша ёлғон гапини эслабди, ўша иш қандай бўлганини оқизмай-томизмай айтиб берибди ва тезроқ жануби-ғарб томондаги тоққа одам юборишни маслаҳат берибди. Шундай қилиб, Вангнинг уйдан келган одам Ванг Шэнгни топибди. Ванг Шэнг холасидан ўзи билан бирга Йинг Нингни бир неча кунга ўйнаб келгани юборишини сўрабди. Кампир Ванг Шэнгнинг таклифига жон деб рози бўлибди ва Йинг Нингни чақирибди. Йинг Нинг кулганча югуриб келибди. Кампир унга: “бўлар-бўлмаста ҳадеб кулаверасанми? Агар ҳадеб кулавермаганингда, аллақачон яхши қиз бўлар эдинг”, — дебди. Унга қараб яна “Буламим сени ўзи билан бирга олиб кетмоқчи, тезроқ тайёр бўл”, — деб айтибди.

Ванг Шэнгнинг уйдан келган киши овқатланиб бўлгач, кампир уларни кузатиб чиқибди ва яна Йинг Нингга қараб тайинлабди: “Жоним қизим, холангникига боргач, анча кун у ерда яшайсан. У ерда ўқи, урф-одатни, муомала қилишни ўрган. Келажакда турмушга чиқсанг, қайнота ва қайнонанинг хизматини қилишда керак бўлади, қизим, юзимни ерга қаратма. Холангга малол келса ҳам, сенга қуёв топсин”.

Йинг Нинг онаси билан хайр-хўшлашиб, Ванг Шэнг билан бирга кетибди. Нарироқ боргач, орқасига ўтирилган экан, кампирнинг хаёл сурганча уларга қараб қолганини кўрибди. Йинг Нингнинг қалби орзиқиб кетибди. У юрагининг бир парчасини ташлаб кетаётгандай бўлибди. Гўё у энди онаси билан бошқа кўришолмайдигандек ҳис этибди ўзини.

Улар уйга етиб келишгач, онаси ўғли билан бирга келган бир соҳибжамолни ҳам кўрибди. Кўрибдию, ваҳимага тушганини яшира олмай, шошилиб:

“Бу кимнинг қизи?” – деб сўрабди.

“Бу холамнинг қизлари”, – жавоб берибди Ванг Шэнг.

Онаси ҳайрон бўлиб яна сўрабди: “Буламнингнинг сенга айтган ҳамма гапи ёлгон экан. Менинг ҳеч қандай синглим йўқ, қандай қилиб у холамнинг қизи бўлсин?”

Йинг Нинг дебди: “Мен бу онадан туғилмаганман, отамнинг фамилияси Чин эди. Мен эндигина туғилганимда, отам оламдан ўтган экан, шунинг учун кўп гаплардан хабарим йўқ”.

Онаси унинг гапларини эшитиб, Ванг Шэнгга дебди: “Ҳақиқатан ҳам, менинг бир опам бўлган эди, у Чинлар оиласига турмушга чиққан эди, лекин у ёш ҳаётдан кўз юмган эди, сен уни қандай учратдинг?”

Ванг Шэнг ўша кампирнинг кўринишини тасвирлаб берибди. Онаси энди ўша аёл ўзининг онаси эканлигига ишонч ҳосил қилибди. Улар суҳбатлашаётган вақтда У Шэнг келиб қолибди. Йинг Нинг эса уялганидан дарров хонага кириб беркинибди. У Шэнг уларнинг сирли тарзда суҳбатлашиб турганини кўриб, ҳайрон қолибди. Онаси ўйланиб туриб, бирдан сўрабди: “Бу қизнинг исми Йинг Нинг эмасми?” Ванг Шэнг тасдиқ жавобини қайтарибди. Онаси: “Тавба, бу иш ҳайрон қоларли даражада ҳақиқатдир. Опам оламдан ўтгач, поччанг қайтиб уйланмади, лекин бир тулки аёл қиёфасига кириб, ҳадеб унинг олдига бораверар эди. Кейинчалик поччанг ҳам оламдан ўтди, тулки аёл эса бир қиз туғди. Қизнинг исми Йинг Нинг эди. Поччанг оламдан ўтгач, ўша ҳар куни қизини кўргани келиб турарди. Ҳар келганда тулки аёлни қувиб юборадиган бўлишди. Охири тулки аёл қизни олиб қочишга мажбур бўлибди. Балки, бу қиз ўша тулки аёл олиб қочиб кетган Йинг Нингдир?”

Ҳамма ҳайрон экан. У Шэнг Йинг Нингни кўрмоқчи бўлибди. Онаси уйга кириб булами қақираётганини Йинг Нингга айтибди. Буни эшитган Йинг Нинг деворга ўгирилиб, кулиб-кулиб олибди-да, ўзини босиб олгач, хонага кирибди. У Шэнгга таъзим қилиб, у билан танишибди, шундан сўнг қайтиб ичкарига кирибди-да, овози борича қаҳқаҳа уриб юборибди. Уйдагиларнинг ҳаммаси унинг бу қилигидан роса ажабланиб кулишибди.

Ҳар куни эрталаб бир вақтда туриб, холасига салом беришни Йинг Нинг ўзига одат қилиб олибди. Йинг Нинг бу хонадонга келганидан буён ўзини фақат яхши томонидан кўрсатибди. Унинг оёқ-қўли чаққон экан. Чеварликда қўли шу қадар гул эканки, ҳеч ким унинг олдига ип эшолмаскан. Ҳамманинг унга ҳаваси келаркан. Лекин бир одатини, яъни кулишини ҳеч ташламабди. Шунга қарамай, унинг кулиши ҳам самимий, ҳам ширали экан. Атрофдагиларга, айниқса, Ванг Шэнгнинг онасига ҳам унинг бу қилиғи жуда ёқаркан. Онаси уни ўз ўлига олиб беришни хаёлидан ўтказибди-ю, лекин бу бирон жодугар-подугар бўлмасин деб юраги дов бермаскан. Айтишларича, қоқ пешинда жодугарнинг сояси йўқолар эмиш. Онаси Йинг Нингнинг ҳовли ўртасига чиқишини пойлай бошлабди. Бир куни қараса, унинг сояси ҳамманики каби оддий эмиш. Шундагина унинг кўнгли жойига тушиб, ҳеч ҳайиқмай қизни келин қилишга аҳд қилибди ва тўй тараддудини бошлаб юборибди. Тўй куни унга жуда чиройли, нафис тўй кўйлагини кийгазишибди. Бу кўйлак унинг бир чиройига ўн чирой кўшибди. Лекин эгилиб, салом бериш кераклигини айтишса, Йинг Нинг ҳеч ўзини тутолмай, тинимсиз кулармиш. Шу сабабли эгилиб салом ҳам беролмабди.

Тўйдан сўнг бу хонадон янада тотувлашибди. Бунинг сабабчиси ҳам Йинг Нинг экан. У оғирни енгил қилар, низо чиқса баргараф этар, хафачиликни бости-бости қилар экан. Масалан, онасининг кайфияти нохуш бўлиб турган пайтларда Йинг Нинг келиб, бир кулиб юборса, ҳалиги нохуш кайфиятдан асар ҳам қолмас экан. Ёки бўлмаса, хизматкорлар бирон айб иш қилиб қўйсалар, жазодан кўрқиб, Йинг Нингдан онасини хурсанд қилишни сўрашаркан. Фурсаддан фойдаланиб, чўри қизлар бекаларидан узр сўрашар ва бека ҳар доим уларни кечираркан.

Йинг Нинг жуда ҳам гулларга ўч экан. Бир неча ой ичида ҳовли ранг-баранг, нафис, ҳузурбахш, анвойи гулларга бурканибди. Йинг Нинг, айниқса, ички ҳовлида ўсган гул дарахтини жуда ҳам яхши кўраркан. У доим дарахт

устига чиқиб, ундаги гулларни тераркан. Буни кўриб қайнонаси: “Дарахтга чиқиш одатингни ташла”, – деб койиб бераркан. Инг Нинг ҳам “Хўп” деркан-у, дарахтни кўрғанда яна онасининг гаплари эсидан чиқиб кетар экан.

Кунлардан бир кун Инг Нинг ўша дарахтдан гул тераётганда уни қўшни йигит кўриб қолибди. Инг Нингнинг ҳусн-жамолини кўриб, ақдан озай дебди. Устига-устак, Инг Нинг ҳам ҳандон отиб кулиб юборибди. Бу кулини қўшни йигит “Инг Нингнинг менда кўнгли бор экан”, деб ўйлаб, жуда хурсанд бўлибди. Қўшни бола Инг Нингнинг дарахт остига қараб-қараб, кулиб тушиб кетганини кўриб, у менга шу жойда кўришишни шарт қилди, деб ўйлабди. Хурсанд бўлганидан унинг боши осмонга етибди. Ярим кечада қўшни бола Инг Нинг билан кўришиш учун девордан ошиб тушибди ва қаттиқ инграб юборибди. Бу инграшдан ҳамма уйғониб кетибди. Югуриб келиб қарашса, қўшни бола дарахт остида ётган эмиш. Уни чаён чақиб олган экан. Уни ота-онаси уйига олиб кетишибди ва нима бўлганини сўрашибди. У бўлан воқеани айтиб берибди. Бироздан сўнг йигит оламдан ўтибди. Унинг отаси туман қозихонасига бориб, Ванг Шэнг устидан арз қилиб, унинг хотинини жодугар, у одам ўлдирди, деб айблабди. Туман қозиси эса Ванг Шэнгнинг яхши оиладанлигини, бундай ноҳўя иш унинг оила аъзоларига хос эмаслигини яхши биларкан. У қўшнининг гапига ишонмабди ва Ванг Шэнг устидан жиноий иш қўзғабди.

Бу воқеалардан сўнг онаси Инг Нингга насиҳат қилиб: “Қизим, энди бу шўхликларингни ташла. Шўхликларинг эртами-кечми бирор фалокат олиб келиши турган гап. Яхши ҳам бахтимизга туман қозиси инсофли киши, агар биронта аблаҳга дуч келганимизда, бошинг қозихонадан чиқмай қоларди. Унда одамларга қайси юз билан қарардинг?” дебди. Мана бу гаплардан сўнг Инг Нинг онасига қасам ичиб: “Бундан буён ҳеч ҳам кулмайман”, дебди. Онаси яна насиҳатини давом эттириб: “Қизим, дунёда кулмайдиган одам йўқ, ҳамма кулади, фақат ўз ўрнида ва вақти-соатида кулиш керак”, дебди.

Шундан кейин Инг Нингни жўртгага кулдиришса ҳам, ҳеч кулмайдиган бўлиб қолибди, аммо унинг чеҳрасида ҳеч қандай хафалик аломати кўринмаскан.

Бир куни кечкурун Инг Нинг тўсатдан ҳўнграб йиғлаб юборибди. Ванг Шэнг бундан хавотирга тушиб, бунинг сабабини сўраган экан, Инг Нинг шундай жавоб қилибди: “Илгари мен сизлар билан кўп яшамганимдан ҳақиқатни гапиришдан кўрқардим. Энди билдимки, сиз ва онам мени жуда яхши кўраркансизлар ва ишонаркансизлар. Шунинг учун мен сизларга ҳақиқатни гапириб бермоқчиман. Мен аслида тулкининг қизиман. Отам ўлгач, ўз онам бошқа эрга тегиб кетди. Мени эса бир соҳира<sup>1</sup>га беришди. Шу соҳира – сенинг ўлиб кетган холанг. У мени боқиб, тарбиялаб, мана шу ёшга етказди. Ҳозир эса менинг соҳира-онам қаровсиз, бир ўзи тоғлар орасида қолиб кетди. Шу соҳира-онам ўлиб кетган бўлса, унинг жасадини отамнинг ёнига кўмсанг, мени ҳам, соҳира-онамнинг руҳини ҳам шод этган бўлардинг. Унда менинг ҳам соҳира-онам олдида юзим ёруғ бўларди”. Ванг Шэнг рози бўлибди.

Эртаси куни Инг Нинг билан Ванг Шэнг жануби-ғарб томондаги тоққа боришса, ҳақиқатан ҳам Инг Нингнинг соҳира-онаси аллақачон оламдан ўтган экан. Унинг мазорини топиб, жасадини Инг Нингнинг отаси мазорига кўмишибди. Шундан кейин ҳар йили, “Чинг минг байрами”<sup>2</sup> кунларида эр-хотин ота-оналарининг мазорини зиёрат қиладиган бўлишибди.

Бир йил ўтгач, Инг Нинг ўғил туғибди. Бола кимни кўрса онасига ўхшаб нукул кулар экан.

<sup>1</sup> Яхшилик қилувчи пари.

<sup>2</sup> Қамарий тақвим бўйича апрелнинг дастлабки 15 кунини ўз ичига олади.



## Япон танкалари – ҳаёт қўшиғи

ОТОМО ТАБИТО

(665-731)

\* \* \*

Ўша боғда бир замон  
Севгилим-ла икковлон  
Эккан ниҳол бўй чўзиб  
Бўйимиздан ҳам ўзиб,  
Энди шох ёзмиш чунон!

\* \* \*

Мана, келди вақти ҳам  
Уйга қайтадиган дам...  
Лекин пойтахтда энди  
Кимнинг муаттар енги  
Болиш бўларди, эркам.

\* \* \*

Кусакаэ кўрфази  
Қамишзорида якка  
Балчиқ титган турнадай  
Мен ҳам ёлғиз... Эҳ, оғир!  
Дўстсиз кўп оғир, ахир!

ОТОМО ЯКАМОТИ

(718-785)

\* \* \*

Муҳаббатинг - изтироб,  
Фироққа беролмам тоб.  
Яшма бўлганим маъқул,  
Уни тақиб мен билан  
Қолар эди моҳитоб!

\* \* \*

Мунча йироқсан, пойтахт!  
Дилдор ҳам олис жуда...  
Минг севаман десам-да,  
Кўролмаيمان уни ҳеч  
На тушим, на уйқуда!



\* \* \*

Бўрон шабадасидан  
Олча гули тўзгандай,  
Дарак бердинг пайдар-пай...  
Севгим қайта уйғонар,  
Шодман, садағанг кетай!

\* \* \*

Ўтди ғозлар галаси  
Булутдан баланд ҳатто.  
Сен ҳам олисда пари...  
Васлинг излаб, овора  
Бўлдим топгунимча то!

## ОНО-НО КОМАТИ

(IX аср)

\* \* \*

Нигоҳлардан панада  
Сарғайиб, сўлар тайин -  
Муҳаббатинг ҳаввойи  
Гули сенинг бетайин,  
Беқарор юрагингда.

\* \* \*

Ой чиқмаган ўша тун  
Беҳуда кутдим сени  
Кипригимни қоқмай жим.  
Кўксимда истак ёнди -  
Оловланди юрагим...

## ИДЗУМИ СКИБУ

(X аср)

\* \* \*

Ёстиқ узра сочимнинг  
Толалари паришон -  
О, уларни эркалаб  
Текислаш-ла банд ёрим  
Қўйнимдан чиқиб шу он!

\* \* \*

Айтдим ҳаётга видо...  
Бу дунёдан ўзим-ла  
Олиб кетмоқ бўлган ёр -  
Кўрмоқ истайман жуда,  
Васлин насиб эт, худо!

САЙГЁ  
(1118-1190)

\* \* \*

Тақдир айирди бизни,  
Лекин унинг сиймосин  
Унутолмам ҳеч қачон.  
Қолдириб кетди ойни  
Хотира учун посбон.

\* \* \*

Гуллаган олча шохин  
Шудрингига ҳавасда,  
Ундаги ой шуъласи,  
Чирилдоқ ашуласи  
Билан узаман аста.

\* \* \*

Бирдан хўрозлар бевақт  
Қичқиришди тун чоғи.  
Уларни алдаб қўйди  
Ойдин куз кечасида  
Ойнинг ёруғ шафағи.

\* \* \*

Тонг отар пайти ҳилол  
Эслатди айрилиқни.  
Шошиб, бўлиб қолдим лол!  
Шундай шамол-ла кетар,  
Булут тонг шафағида.

\* \* \*

Дилдор келмади яна  
Ҳолбуки шамолларда  
Эшитилар тун саси.  
Унга ҳамоҳанг ўтар  
Қичқириб ғоз галаси.

\* \* \*

“Бадбахтсан!” - деяпсанми?  
Қани эди қалбингни  
Қийнасайди изтироб!  
Муҳаббатнинг дардидан  
Юрагинг чекса азоб.

\* \* \*

Мен ўзимни биламан,  
Сен айбдор барига,  
Деб ўйламам бошидан.  
Юзинг таъна қилса-да,  
Енглар ҳўл кўз ёшидан.

\* \* \*

Мени ташладинг кетдинг...  
Афсусларим бехуда,  
Ахир бир вақтлар сени,  
Билмас эдим аслида.  
Сен ҳам билмасдинг мени.

ТЭЙКА  
(1162-1241)

Дединг: “Тонг отиб қолди!”  
Туриб тез бўлдинг ғойиб.  
Изинг топилмас тайин.  
Йўқолиб кетар бари  
Тонгги қор ёққан сайин.

\* \* \*

Кузнинг рангига ўхшар  
Паришон муҳаббатинг!  
Мени адо қилар ғам.  
Худди шундай ўчирар  
Шабнамларни қуюн ҳам.

\* \* \*

Айриларкан тонг чоғи  
Кўзимиз йиғлади қон,  
Қолмади қўллар ҳоли.  
Музлатди қалбимизни  
Маҳзун кузнинг шамоли.

\* \* \*

Қандай силардим бир пайт  
Ёр сочиға босиб лаб!  
Энди ҳар толасини  
Ёлғиз ётоғим ичра  
Эркалайман хотирлаб.

*Рус тилидан  
ФАЙЗИ ШОҲИСМОИЛ  
таржималари.*



Дайсаку ИКЭДА

# Менинг Буддам

Эссе

## ШАКЪЯМУНИ – МУРАББИЙ

**К**ОНУННИ ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ЖАҲД. Орифликка эришгандан сўнг, Шакъямуни бутун ҳаётини Дҳармани ёки бутун Коинотда амал қиладиган Қонунни тарғиб қилишга бағишлаганга аҳд қилди. У дабдурустдан бундай қарорга келгани йўқ. Қадимги матнларда айтилишича, орифлик мақомига эришганидан кейин Шакъямунининг олдида борлиқнинг ардоқли қонунини жаҳонга ошкор қилиш керакми-йўқми деган масала кўндаланг бўлди.

Агана сутраларида орифликка эришиш босқичлари қуйидагича тасвирланган: аввалига Шакъямуни унга нозил бўлган нурдан бағоят катта роҳат олган, кейин унинг вужудини ваҳимали ҳадиклар қамраб олган. Шу пайтда унинг қаршисида иккита илоҳ – эзгулик худоси Браҳма билан ёвузлик шайтони Мара пайдо бўлган. Улар Будда қалбининг икки хил ҳолатини тажассум этганлар. Қонундан кўрқиб ва уни тарғиб қилишни истамаслик Мара тимсолида намоён бўлган. Шакъямуни бу вос-восни енгиб ўтади ва Марани ўзидан нарига қувлайди. Шунда унинг қалбида ҳар қандай қилиб бўлса-да, бутун инсониятга билимни тарғиб қилиш ишгиёқли қолиб чиқади. Қадимги матнлар бу фурсатни “Браҳманинг илтимоси” унинг қулоғига етиб борган фурсат деб атайди.

Хонадони ва оиласидан воз кечган Шакъямуни бутун инсониятни халос этишни чуқур англаган ҳолда диний изланишлар йўлига қадам қўйган деб ўйламайман. Эҳтимол, у ҳаётнинг мангу оқимини изоҳлаб берадиган алланечук энг муҳим ҳақиқатни очмоқдан умидвор бўлгандир. Табиатан синчков ақлидрок эгаси бўлган, ўзгаларнинг дардларини ғоятда зийраклик билан ўткир ҳис қиладиган иқтидорли шахсларнинг кўпчилиги шунақа ҳолатни бошидан кечирилади. Улар фидокорлик ва беғаразлик билан ҳақиқат сари интиладиларда, ўзлари учун ҳам кутмаганлари ҳолда излаган нарсалари ўрнига беқиёс даражада улутроқ нарсаларни кашф этадилар. Маънавий балоғатга эришадиганларида улар зиммаларидаги олижаноб вазифани англаб этадилар ва қолган ҳаётларининг ҳаммасини тўлалигича шу вазифани бажаришга бағишлайдилар. Айни ана шунақа одамлар асрлар мобайнида буюк мутафаккирлар ва дин арбоблари деган шухратга эга бўладилар. Шакъямуни ҳам маънавий изланишларнинг ана шу йўлидан борган эди.

Бир қатор олимлар Шакъямуни ҳаётининг бу босқичини дзикай деб аталмиш назарияга, яъни “ўнта дунё – ҳолат” ҳақидаги таълимотга таяниб, кўриб чиқишга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, нурнинг нозил бўлиш дақиқаларида Шакъямуни пратъека будда ҳолатида ёки энгаку ҳолатида, яъни мустақил равишда орифликка эришган одам ҳолатида бўлган. Қонунни тарғиб қилиш ҳақида қарор қабул қилгандан кейин эса у юксакроқ онг даражасига – бодхисатва даражасига кўтарилган. Бу нуқтаи назар маҳаяна буддавийлиги

---

Охири. Боши ўтган сонда.

ғояларини акс эттиради. Бу таълимотда бодхисатва фигурасига ва диний амалиёт тақозоларига риюя қилишга жуда катта аҳамият берилади. Қонун ҳақидаги билимни касб этишнинг ўзи кифоя қилмайди, бошқаларни қутқаришга ҳаракат қилиб, ундан амалда фойдалана билиш ҳам муҳимдир. Буддавийликнинг маҳаяна тариқати мантиғига кўра, Шакьямуни Қонунни тарғиб қилишга аҳд қилиб, пратъекабудда ҳолатидан бодхисатва ҳолатига ўтган. Бошқа бир фикрга қараганда, Шакьямуни оиласини тарк этиб, зуҳдийетнинг бешафқат амалиёти билан шуғулланишга қарор қилгандаёқ бодхисатва бўлган. Кейинчалик, орифликка эришган чоғларидагина у Будда бўлган.

Буддавийликнинг япон тадқиқотчиси Фунио Масугани Қонунни тарғиб қилиш тўғрисидаги бу қадар муҳим қарорни қабул қилиш олдидан Шакьямунидаги ички иккиланишлар ва тараддулларни “чинакам орифликка эришган шахснинг” ёлғизлиги деб атайди. Дҳарма қонунининг моҳияти фақат унгагина намоён бўлган эди; Шакьямуни бандалар орасида ҳақиқатта эришган ёлғиз одам эди. Ўз қалбида кенг қанот ёзган порлоқ донолик дунёси билан қолган дунёнинг маҳдудлиги ўртасида нечоғлик катта чоғ ётганини ҳис қилган Шакьямуни ўзини беқийёс даражада ёлғиз ҳис қилади. Ўзи билан одамлар ўртасида бир-бирини англашга имкон берадиган нурли кўприк қуриш кўлидан келармикин? Бу савол унинг қалбини ўртамоқда эди.

Ориф одамнинг дардлари ёлғиз унинг ўзигагина маълум. Ёлғиз угина ҳақиқатни кўради ва зиммасидаги улуг даъваткорлик вазифасини англайди. Бу туйғу атоқли одамларнинг ҳаммасига таниш. Фақат ўз онгини ўзгартиргандан кейингина орифликка эришган одам ўзи етишган доноликдан бошқаларни баҳраманд қила олади ва бу доноликка уларнинг қалбларида акс-садо тўғдира олади. Шунда, фақат шундагина том маънода орифликка эришган шахс ўз танҳолигини енгиб ўта олади.

**ҚОНУН ФИЛДИРАГИНИНГ БУРИЛИШИ.** Шакьямунининг Буддха-Гайада орифликка эришган дақиқасидан бошлаб Банорас шахри яқинида жойлашган Сарнатҳа шахрида ўтказган биринчи ваъзхонлиғига қадар бир ойдан бироз кўпроқ вақт ўтади, холос. Буддха Гайадан Банорасгача тахминан 130 мил келади. Бизнинг давримизда бу масофани поездда тўрт соатда босиб ўтса бўлади. Шакьямуни эса уни пиёда ўн кунда ўтган. Айни Банорасга аввалроқ Сен қишлоғидан бешта қоҳин (бҳиккху) жўнаб кетган эди. Улар Шакьямунининг шафқатсиз зуҳдийёт амалиётидан нима учун воз кечгани сабабларини тушунмаган эдилар. Ҳозир улар Шакьямуни бу дунёнинг ҳузур-халоватига бино қўйишда айблamoқчи эдилар. Шакьямуни уларнинг ҳузурига очик кўнгил билан, билганларининг ҳаммасини улар билан баҳам кўриш истагида бормоқда эди. Бу қоҳинлардан бири Аньятта Каунданна бўлгани аниқ маълум.

Аммо зоҳидлар ўзларининг зиёратгоҳлари сифатида нима учун Банорасни танлаганлари маълум эмас. Эҳтимол, Магадҳа ўхшаб, Банорас ҳам янги прогрессив ғояларнинг маркази ҳисоблангандир. Зуҳдийёна амалиёт тарафдорлари бошқа зиёратчилар билан бирга Кийик дарани қароргоҳ қилишган эди. Кийик дара ёввойи кийиклар ўглаб юрадиган кенгина даладан иборат эди. Шарқда бир эътиқод бор – унга кўра кийиклар алоҳида бир туйғуга эга – бу туйғуни покиза ёки авлиё нарсаларга интилиш деб аташ мумкин. Айни шунинг учун ҳам ўз ҳаётини диний изланишлар йўлига бағишлаганлар Кийик дарани ўзларининг амалиётлари ва дам олишлари учун танлаб олган бўлишлари ҳам мумкин. Шу ерда Шакьямуни одамларга биринчи марта ваъз билан мурожаат қилади. Унинг ваъзини биринчи бўлиб тинлаган одамлар биз юқорида зикр этган қоҳинлар бўлган эди. Шакьямуни яхши англар эдики, орифликка эришаётган дақиқада унга намоён бўлган ҳақиқатни дабдурустан инсониятнинг мулкига айлантириш осон эмас. Бунинг учун у диний амалиёт тажрибасига эга бўлган, кўп йиллар мобайнида батавфиқ ҳаёт кечирган одамларни гапларининг чинлиғига ишонтира билмоғи керак.

Қоҳинлар ўзларига яқинлашиб келаётган Шакьямунини кўриб, атайин унга совуқ муомала қилдилар. Улар бир-бирларига гап сотишдан тўхташмади: “Ана

бизнинг собиқ дўстимиз Гаутам келяпти. У ҳақиқатга элгидиган машаққатли йўлни ёлғон лаззат ва ҳузур-ҳаловат дунёсига алмаштирди. У қаҳрли синовлардан ва курашдан юз ўтирди, уларнинг ўрнига бу фоний дунёнинг ўткинчи лаззатларини ва ҳашаматини афзал кўрди. У бизнинг ҳурматимизга муносиб эмас. Биз уни муборакбод қилмоқ учун ўрнимиздан турмаймиз. Биз ундан на бирон либос, на садақа йиғмоқ учун кашкул қабул қиламиз. Бироқ у истаса, майли, қаторимизда ўтириб, дамани олсин”.

Шакьямуни уларнинг Татҳагатга, яъни “орифи мутлаққа” нисбатан одобсизлик қилаётганларини айтиб, юмшоққина таъна қилади. У олижаноб сиполик билан, мағрур ва хотиржам ҳолда зоҳидларга ҳаётнинг мангу қонунининг ардоқли моҳиятини одамларга инқишоф этиб бериш ниятида эканини маълум қилади. Ҳар хил эътирозлар ва ноўрин баҳсларнинг олдини олиб, Шакьямуни улардан “авваллари менинг чеҳрам ҳозиргидек шоду хуррамликдан нурланиб турганини, гапларим эса ҳозиргидай теран ишончга ва эътиқодга тўла бўлганини кўрганмидинлар?” деб сўрайди. Шакьямунининг ичидан уфуриб турган қудрат унинг ўз сўзларининг ҳақиқатига комил ишончи бешта қоҳинни ўзига ром этади ва уларни ваъзни тинглашга мажбур қилади. Аммо адолат юзасидан таъкидламоғимиз жоизки, улар Шакьямуни келтирган далилларни дабдурустан қабул қилганлари йўқ. Аввалига Шакьямуни ва бешта қоҳин Сарнатҳда яшай бошлайди. У қонунни иккита ё учта қоҳинга тарғиб қила бошлайди, қоҳинларнинг қолганлари бу вақт мобайнида ҳаммалари учун садақа йиғишган.

Уларнинг ҳаётлари шу маромда кечмоқда эди. Кейин бирдан Аньятга Каунданна “Драҳма нигоҳи” деб аталмиш нигоҳни, яъни назаркардалик хислатини касб этади ва бунинг оқибатида у Шакьямуни таълимотини тўлалигича қабул қилиш имконига эга бўлади. У Будданинг биринчи том маънодаги тарафдори бўлади. Орадан кўп ўтмай қолган қоҳинлар ҳам бирин-кетин “Драҳма нигоҳи”ни касб этадилар. Уларнинг ҳаммаси биргаликда биринчи сангҳа нобуддавий қоҳинлар жамоасини ташкил қилишади.

Дҳарманинг, яъни Шакьямуни ўзининг биринчи шогирдларига тарғиб қилган қонуннинг моҳияти нимада? Одатда ҳисоблашадикки, у “ўрта йўл”ни тушунтиришдан бошлаган, гедонизм ва зухдиётнинг бир томонламаликларидан воз кечишига даъват этган, кейин “тўрт олижаноб ҳақиқат”ни ва “саккиз томонлама йўл”ни талқин қилишга киришган. Аммо шу нуқтада буддавийлик тадқиқотчиларининг фикри бир-биридан кескин фарқланади. Баъзи бир олимларнинг тасдиқлашича, Будда фақат “саккиз томонлама йўл”ни тушунтириб берган. Бошқаларнинг тахминича, у “тўрт олижаноб ҳақиқат”ни тарғиб қилишдан бошлаган, “ўрта йўл” ва “саккиз томонлама йўл” тўғрисидаги таълимот эса кейинроқ илова қилинган. Бу тахминлардан қайси бири тўғрироқ эканини айтиб бериш анча мушкул. Фақат бир нарса равшан: Дҳарманинг энг олий ҳикматлари одамларнинг тушунмоғи осонроқ бўлсин учун Будда ўз биланларини қандай шаклда етказиш тўғрисида пухта ўйлаган.

Фараз қилайлик, Шакьямуни “тўрт олижаноб ҳақиқат”нинг маъносини тушунтиришдан бошлаган. Улар баъоят юксак даражадаги реалистик ва амалий назариялардир. Буларда тасдиқланишича, (1) ҳар қандай мавжудлик изтиробдан иборатдир, (2) бу изтироблар худбин иштиёқлар туфайли вужудга келади; (3) ундан халос бўлмоқ мумкин; (4) буни “саккиз томонлама йўлдан” бориб, амалга ошириш мумкин. “Саккиз томонлама йўл” тушунчаси ўз ичига қуйидагиларни олади: (1) тўғри қарашлар; (2) тўғри тафаккур; (3) тўғри нутқ; (4) тўғри хатти-ҳаракатлар; (5) тўғри турмуш тарзи; (6) тўғри интилишлар; (7) тўғри хотиротлар; (8) тўғри медитация... Соддалиги ва тушунишга осонлиги туфайли Шакьямунининг ваъзларини зоҳидлар тез қабул қилишди. Уни қабул қилишнинг осонлиги маҳаяна тарафдорлари учун Шакьямуни таълимотининг бошланғич қоидалари ёритилган Агана суграсини Қонуннинг олий тамойилларини идрок этиш йўлида бошланғич босқичлар деб ҳисоблашга асос бўлди. Шакьямунининг биринчи ваъзи аслида диний амалиётнинг дастуридир.

Хитой буддавий мактаби Тяньтайнинг вакиллари Будда таълимотини беш қисмга бўладилар. Бундай ёндашув Шакьямуни фалсафасининг теранлигини

унинг Сарнатҳдаги биринчи ваъзида олдинга сурилган амалий тавсиялар билан фикран таққослашга имкон беради. Тяньтай тарафдорларининг тушунтиришларига кўра, Будданинг ilk кашфиётлари Сарнатҳда эмас. Буддха-Гайада орифликка эришгандан кейин дарҳол эълон қилинган ва Аватамсакасуграда муҳрланиб қолган. Бу сутра Шакьямуни орифлигининг моҳиятини том маънода акс эттиради. Аммо унинг ваъзларининг тили тингловчиларга тушунарли эмасди ва Шакьямуни унга инкишоф бўлган ҳақиқатларни тушунарлироқ шаклда тарғиб қилмоқ учун Сарнатҳга йўл олади. Бу ваъзлар Агама сутрасининг мазмунини ташкил қилади. Шакьямуни таълимотининг қарор топишидаги дастлабки икки босқич ана шундай. Учинчи босқич “вайпуля” деб аталади. Махаянанинг кўпчилик сутралари шу босқичга оиддир. Пражня – парамита ҳақидаги сутралар ва ниҳоят Нилуфар гули ҳақидаги Сутра сўнгги икки даврга мансубдир.

Аммо Шакьямунининг Сарнатҳдаги ваъзи масаласига қайтайлик. Моҳиятан, бу янги диннинг эълон қилинишига баробар эди, шунинг учун ҳам биринчи ваъзни кўпинча “Қонун гилдирагининг биринчи бурилиши” деб атайдилар. Қадимги Ҳиндистонда Коинот гилдирагини айлантириб, ҳақиқатнинг олий қонунини тушунтириб берадиган донишманд ёки авлиё ҳақида ривоят юради. Биз юқорида чакраварти-ража деган тушунча билан танишган эдик. Эсингизда бўлса, у “гилдиракни айлантирувчи подшо” деган юксак унвонни билдирар эди. Бу унвон Қадимги Ҳиндистондаги ана шу одат билан боғлиқ равишда пайдо бўлган. Будда образи ҳам худди шундай – у қонун гилдирагини айлантирувчи ва Коинотнинг ардоқли ҳақиқатларини инкишоф этувчи олий мавжудотдир. Эҳтимол, гилдиракнинг айланиши чиндан-да, қандайдир маънода рамзий шаклда янги даврнинг бошланишини билдирар? Худди шунингдек, одамларга инсон мавжудлигининг теран қонунларини очиб берган Шакьямунининг пайдо бўлиши ҳам фалсафа ва дин тарихида янги давр бошланганидан дарак берган муҳим бир белгидир.

**ШАКЪЯМУНИНИНГ ШОГИРДЛАРИ.** Шакьямунининг биринчи ваъздан сўнг ва бешта қоҳин буддавийликни қабул қилганидан кейин янги таълимотнинг тақдири қандай бўлди? Расамдаги буддавийлик адабиёти янги диннинг тарқалиш тарихини бутун Ҳиндистон бўйлаб тантанали юриш сифатида тасвирлайди. Баъзи бир манбаларнинг тасдиқлашича, бир неча йил мобайнида Шакьямуни таълимотига тарафдорлар сони 1000 кишидан ошиб кетган.

Нима учун янги таълимот одамлар қалбида жонли акс-садога эга бўлди? Даставвал, шунинг учунки, бизнинг кунларимизда ўз-ўзидан англашиладиган индивидуализм дунёқараш сифатида Қадимги Ҳиндистон аҳолиси ўртасида унчалик расм бўлмаган эди. Шу ваздан, агар оила бошлиғи ёки балоғатга етган меросхўр буддавийлик динини қабул қилса, бутун оила аъзолари унинг кетидан буддавийликка кирарди. Бундан ташқари, ҳиндлар ҳаминша фалсафа ва диний таълимотларга теран қизиқишлар билан қараб келишган. Бу, айниқса, Шакьямуни замонларида аниқ кўринади. Масалан, бирон одам янги таълимотни қабул қилади, унинг ошна-оғайнилари ва танишлари эса ё руҳий чанқоқликларини қондириш учун ёки шунчаки қизиққанлари вазидан у билан бирга Шакьямунининг маърузасини эшитгани келади. Биринчи тарафдорлар орасида подшо Бимбисаро ва бадавлат савдогар Судаттнинг оила аъзолари ҳам бўлган.

Бир неча муддат мобайнида Шакьямуни ўзининг биринчи шогирдлари билан бирга қудратли Коший давлатининг пойтахти Банорасда қолади. Гуллаб-яшнаётган шаҳар марказий Ҳиндистонда, Магадҳнинг шимоли ғарб томонида, қуруқликдаги йўллар ва сув йўллари кесишган ерда жойлашган эди. У на фақат йирик шаҳарлар билан, балки узоқ-яқиндаги катта-кичик давлатлар билан ҳам савдо алоқаларига эга эди. Худди Магадҳнинг пойтахти Ражагриҳдаги каби Банорасда ҳам бадавлат савдогарларнинг янги тоифаси қарор топади. Бешта қоҳиндан кейин буддавийликка биринчилардан бўлиб кирган одам банораслик бадавлат савдогарнинг ўғли Яс бўлган эди.

Ясининг маънавий камолот йўли нафақат саргузаштларга бой, балки бизнинг

кунларимизда ҳам ибрат бўла оладиган йўлдир. Яснинг мисоли яна бир бор ўз-ўзича олганда бойлик инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қаноатлантира олмайди деган фикрни яна бир марта тасдиқлайди. Яснинг буддавийликни қабул қилишдан аввалги ҳаёти ҳам худди Шакьямунининг ёшлик йиллари каби рамзий тарзда китобларда баён этилган. У бадавлат оилада фаровонлик ва ҳашамат ичида ўсиб-улғайган ва тарбия кўрган, унинг қишки, ёзги ва ёмғирлар фаслида яшайдиган учта уйи бўлган; Унинг хизматкорлари ва мулозимлари, канизак ва жориялари жуда кўп бўлган. Унинг кунлари байрамга ўхшар, куй-қўшиқларга, рақсларга, турли хил эрмакларга тўла тарзда ўтарди. Шундай бўлса-да, Яс ўзини бахтиёр ҳис этмасди. Ҳашамат ҳам, ҳар хил лаззатли эрмаклар ҳам уни ортиқ бездирган эди. У аста-секин ўз ҳаётидан ҳам кўнгли тўлмай, ҳафсаласи пир бўлиб борган ва теварак-атрофида шоду хуррамлик қанча жўш урса, унинг руҳий изгироблари шунча кучая борган. У кўнгли ҳувиллаб қолганини ҳис қилган: йигитни ночорлик ва иложсизлик тўғриси ўз исқанжасига олади. Ана шундай кунлардан бирида ярим тунда у махфий равишда уйдан чиқиб кетади ва руҳий хотиржамлик излаб, ёруғ дунё бўйлаб дарбадар кеза бошлайди. Сарнатҳда у Шакьямуни билан учрашиш бахтига муяссар бўлади. Будда ёш йигитнинг ғам-андуҳга тўла ҳасратларини тинглаб, уни ўз паноҳига олади. У Ясни ўзининг ғам-андуҳларини енгиб ўтиши мумкинлигига ишонтиради ва Будда йигитга Қонуннинг ибтидосини баён қилиб беради. Шу пайтгача руҳий қашшоқликдан азоб чекиб юрган Яс Будданинг сўзларини хуррамлик билан тинглайди ва янги динни қабул қилади.

Яс инкишоф этган ҳақиқатлар карма қонунининг асосини ташкил қиларди. Уларни тан олиш Ҳиндистонда соғлом ақлнинг белгиси деб ҳисобланарди. Аммо Шакьямуни карма қонунига сабабиёт ва оқибат ҳақидаги буддавий тасаввурлардан келиб чиқиб қарар, шунингдек, беҳисоб эврилишлар чархпалаги билан ҳамқадам юрадиган изгиробларни енгиб ўтиш заруриятидан келиб чиқиб ёндашарди. Одамларга чин ҳақиқат йўлини кўрсатар экан, Шакьямуни буддавийлик таълимотини ҳаммага тушунарли шаклда тарғиб қилишга интилиб, сабабиёт қонунлари атамаларига мурожаат қилади ва ўша пайтларда ҳукмронлик қилган упанишад фалсафаси атамаларидан кенг фойдаланади.

Шуниси ҳам борки, Будда икки таълимот ўртасидаги тамойилӣ фарқларни ҳам кўрсатиб беради. Таниқли буддавий файласуф Нагаржун Шакьямунининг ваъзларини тўрт тоифага ажратади: биринчи тоифа тингловчиларнинг кундалик оддий талабларига мос келади, иккинчи тоифасида у тингловчиларнинг зехнига мурожаат қилади, учинчисида – гуноҳлар, иллатларни муҳокама қилади ва уларни тузатиш йўлларини кўрсатади. Ниҳоят, тўртинчиси – мутлақ ҳақиқат тарғиб қилинган ваъзлар. Бу тоифадаги ваъзларини Шакьямуни тингловчиларнинг тайёргарлиги Қонунни қабул қила оладиган даражага етгандан кейингина ўқитган. Яс билан мулоқотда Шакьямуни дастлабки икки тоифа ваъздан фойдаланган. У ёш йигитни қизиқирган саволларга тушунарли жавоблар беришга ҳаракат қилган.

Шакьямунининг сўзлари Ясга жуда чуқур таъсир қилди ва у Будда шогирдлари қаторига қўшилишга аҳд қилди. Шу тарзда Будда олгинчи шогирдга эга бўлди. Бу орада севимли ўғли Яснинг кўққисдан ғойиб бўлиб қолганидан ташвишга тушган ота уни қидиришга отланади. У ҳам Шакьямунининг панд-насихатларини эшитиш бахтига мушарраф бўлади. Қонун ҳикматлари ғоятда пурмаъно эди ва Яснинг отаси ҳам Будданинг шогирдларидан бирига айланади. У Буддани ўз уйига таклиф қилади ва Будда у ерда унинг оила аъзоларига ўз таълимотининг ардоқли ҳақиқатларини ошкор этади. Улар оила бошлиғининг ортидан буддавийликни қабул қилдилар. Кейин, Яснинг ўткир ақли ва меҳрибон қалби учун яхши кўрадиган дўстлари ҳам ундаги ўзгаришларнинг боисига қизиқиб қолишади. Будданинг ваъзини эшитиб, уларнинг ҳаммаси жамоага киришади ва қадимги матнларнинг гувоҳлик беришича, буддавийлик динига кирганларнинг сони 54 кишига етади.

Бу воқеа шундан далолат берадики, агар мугафаккир, илҳомбахш одам имони мустаҳкам бўлса, ҳатто ёлғиз ўзи бўлган тақдирда ҳам ўз яқинларига жуда катта таъсир кўрсата олади. Шу тарзда Шакьямуни шогирдларининг



камсонли гуруҳи аста-секин ўз сафларини кенгайтириб борди. Диний жамоага асос солгандан кейин Шакьямуни Банорасни тарк этди ва Урувелуга йўл олди. Урувелу — орифликка эришган жой эди. Узоқ давом этган бу машаққатли сафардан кўзланган мақсад — йўл-йўлакай, Шакьямунининг қадами етган жойларнинг ҳаммасида — жамики қишлоқлар ва шаҳарчаларда Қонун ҳақидаги билимларни тарқатишдан иборат эди. Шакьямуни ёлғиз ўзи сафар қилган. Унинг Банорасдаги шогирдларининг сони 60 дан ошиб қолган эди. Шакьямуни уларни мамлакатнинг турли қисмларига жўнатди. Уларнинг зиммасига олижаноб бир вазифа юклатилган эди — улар оддий одамларнинг ҳаётига тинчлик ва хоғиржамлик олиб киришга қодир бўлган улуг таълимотни жамики ташна қалбли одамлар ўртасида тарғиб қилмоқлари даркор эди. Шакьямунининг фикрича, таълимот моҳиятини англаш даражасига етган шогирдларга ҳар битта одамнинг қалбига бошқа-бошқа йўл топиб бориш ва маънавий камолот излаганлардан имкон қадар кўпроғига билимларни сингдириш тавсия қилинганди. Биринчи қарашда шундай кўриниши мумкинки, Шакьямуни ўз шогирдларини зиммаларидаги юксак вазифани бажаришга чорлаб, одамларга панд-насиҳатлар қилмоқ учун ҳар битта одамнинг ҳузурига биттадан шогирдини юборишга аҳд қилган экан, бу билан у анча қаттиққўллик қилган бўлиши мумкин. Аслида эса шогирдларига ўз таълимотини тушунтириб берар ва уларни интизомга қатъий риоя қилишга чорлар экан, Шакьямуни бу билан уларни бўлғувси синовларга тайёрлашни кўзда тутган эди. Шакьямуни Қонун тўғрисидаги билимларни ўзлаштирган шогирдлари тобора ўз тушунчаларини чуқурлаштириб бориб, билимларни имкони борича кенгроқ тарқатишларини истаган. Менимча, Будданинг ilk тарафдорларининг бу тарзда тарбия қилингани бизга ҳозирги замон буддавийлигини тушуниш учун қалит беради.

Буддавийлик — шунчаки жўн бир фалсафий тизим эмас, у ҳаётини тинчгина мулоҳазалар билан яшаб ўтишни истаган одамларнинг дини ҳам эмас. Бу дин шуни ўргатадики, чин йўлни топган ҳар бир одам ўз билимини кенг ёймоғи даркор, токи бу билан ҳар бир фикрловчи одамнинг қалбига акс-садо берсин. Фаол ҳаётий мавқе, мулоқотга тайёр туриш буддавийлик таълимотининг асосини ташкил қилади. Буддавийлик амалиётининг мақсади “Ер юзида ялпи тинчлик ва бахтга эришмоқ” мақсадида Қонунни тарғиб қилишдир. Шакьямуни замонларидан то ҳозирга қадар ҳамisha шундай бўлиб келган.

**УРУВЕЛУДАГИ ВАЪЗХОНЛИК.** Шогирдларини тарк этиб, Шакьямуни Урувелуга йўл олади. У ерда унинг тарғиботчилиги фаолиятидаги энг муҳим босқичлардан бири бошланди. Урувелудаги янги динга кирганлар ичида нуфузли одамлар кўп эди — улар буддавийлар жамоасининг ўсишига катта ёрдам бердилар. Уларнинг орасида Магадх подшоси Бимбисаро, юқорида номлари зикр этилган шогирдлари Шарипутр, Маульгальяян ва Маҳакашьяплар, шунингдек, Кашьяп уруғига мансуб яна уч оға-ини ҳам бор эди. Шакьямунининг Урувелудаги ваъзлари исзиз ўтиб кетмади, унинг янги таълимоти ўз даврининг фалсафаси ва динидан қаноат ҳосил қилмаган зоҳидлар орасида жуда катта акс-садо берди. Қадимги матнларда бу даврдаги ҳодисаларнинг кўплаб тасвири мавжуд. Энг қизиқарли воқеалардан бирида Шакьямунининг Урувелуга кетатуриб йўлда 30 жуфт эр-хотинни қандай қилиб буддавий динига киритганидир. Бу воқеа қуйидагича бўлган экан. Будда қалин бир ўрмон ичида медитацияга берилиб ўтирган экан. Айни шу чоқда бу ерга бир гуруҳ эркак-аёллар келиб қолипти. Уларнинг орасидаги бир йигитчадан бошқа ҳаммалари эр-хотинлар экан. Йигитнинг ҳамроҳи бир суюқоёқ қиз экан. У йигитнинг буюмларини қўлтиғига олиб, ғойиб бўлиб қолипти. Йигитчанинг дўстлари энгилтак қизни излашга киришибдилар ва тасодифан Буддага рўпара келишипти. Шакьямуни уларнинг гапларини диққат билан эшитибди-да, қуйидаги сўзлар билан уларга мурожаат қилипти:

“Энгилтак қизни излашга вақт сарфлашнинг нима ҳожати бор? Ундан кўра ўз-ўзимизни таниб олганимиз, ўзимиз сари олиб борадиган йўлни топганимиз маъқул эмасми?” Шундан кейин у Қонун тўғрисида гапириб берган ва ёшлар чин дилдан унинг таълимотини қабул қилишган.

Яс ва ёш эр-хотинларнинг буддавийлик динига кириши ҳақидаги ҳикоя ҳиндларнинг мутафаккирларга, зоҳидларга ва қоҳинларга ҳурматидан далолат берувчи мисолдир. Айни чоқда бу воқеа Шакьямунининг одамларга бахт сари олиб борадиган йўлни кўрсатишда ҳар бир имкониятдан фойдаланганидан гувоҳлик беради. Бу воқеа она Будданинг бениҳоя жозибадор бўлганини ҳам кўрсатади. Афтидан, Буддага рўпара келган ҳар қандай одам унинг бу жозибасидан бебаҳра қолган эмас.

Яс ёхуд ўттиз жуфт навқирон эр-хотинлар каби буддавийликнинг дастлабки тарафдорлари бадавлат оилалардан чиққан одамлар эди. Аммо Шакьямуни табақалар ўртасидаги тафовуларга аҳамият бермасди. У шоғирдларга беғараз муносабатда бўлар, уларнинг ирқий мансублигига, қайси ижтимоий табақага мансублигига ва моддий аҳволига эътибор бермас эди. Шакьямуни кўпгина бадавлат илмли одамларни ўзига жалб қила олган эди, бу унинг ақл-заковати жуда кучли, истараси иссиқ одам бўлганидан далолат беради.

Урувелуга келгандан кейин Шакьямуни браҳманпарастликнинг садоқатли тарафдорлари билан ва, айниқса, Кашьяп уруғига мансуб, халқ ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган уч ака-ука билан баҳслашмоқ имконини излади. Ака-укаларнинг исмлари Урувелу Кашьяп, Нади Кашьяп ва Гайа Кашьяп эди. Улар сочларини анъанавий тарзда браҳманча турмаклар, ўриб, орқасига туғиб қўяр, барча расм-русумларни бажо келтиришар ва диндорлар ўртасида катта обрў-эътиборга эга эдилар. Улардан бирининг 500, иккинчисининг 300, учинчисининг 200 тарафдори бор эди.

Ака-укаларнинг машҳурлиги шу даражада эдики, Шакьямуни, ҳойнаҳой, улар тўғрисида аввал ҳам эшитган бўлиши керак, Урувелуга биринчи марта келиб, зуҳдиёна амалиётга берилиш учун ўрмон қаърига чекилганида улардан воқиф бўлган бўлса керак. Ака-ука Кашьяплар олов худосига тошинардилар ва Шакьямуни ўз вақтида уларнинг дини унга орифликка эришишдан ёрдам бермаслигини англаган ва уларнинг жамоасига кирмаган.

Олий доноликка эришгач, у буддавийлик таълимотига таяниб туриб, ака-укаларнинг назариясини рад этишга қарор қилади. Баҳсда ютиб чиқса, у браҳманларнинг бутун бошли бир мазҳабини ўз динига киритиши мумкин бўларди. Бу буддавийликни бутун Урувелуда тарқатишни тезлаштиришга ёрдам беради.

Матнларда Шакьямуни билан уч оға-ини ўртасидаги рақобатнинг драматик тафсилотлари келтирилади. Оға-иниларнинг тўнғичи, улар орасида энг нуфузлиги Урувелу Кашьяпнинг олдига келиб, Шакьямуни унинг уйида — Муқаддас Олов хонасида бир кеча тунашга рухсат сўрайди. Уч оға-ини шу Муқаддас Оловнинг асровчилари эди. Бироқ бу ерда ёвуз илон яшашини айтиб, уни огоҳлантиришади. Бироқ Шакьямуни илтимосидан қайтмайди ва охир-пировардида, уй эгалари рози бўлишади. Чиндан ҳам кечаси маккор махлуқ Шакьямунига ҳужум қилишга уриниб кўради, бироқ у пинагини бузмайди, унга ҳалсиз лоқайдлик билан қарайди, буни кўриб, илон шаҳдидан қайтади. Эрталаб Урувелу Кашьяп кечаси бўлган воқеаларни эшитиб, бу одамнинг қудратига ҳайрон қолади, лекин шундай бўлса-да, Будданинг устунлигига узил-кесил ишонч ҳосил қилмайди. Шунда Шакьямуни ўзининг илоҳий қудратини намойиш этиб, турли мўъжизалар кўрсата бошлайди. Ниҳоят, донгдор браҳман бу мўъжизаларни кўриб, Будданинг қудрати чиндан-да чексиз эканига имон келтиради, шундагина Шакьямуни мўъжизалар кўрсатишни бас қилади. Шундан кейин матнда ёзилишича, Урувелу Кашьяп Буддага шоғирд бўлмоқ учун ижозат сўрайди, аммо Шакьямуни уни қайтаради: “500 та шоғирди бор одамга бунақа шошқалоқлик билан бундай муҳим қарор қабул қилиш ярамайди”.

Урувелу Кашьяп ўзининг ҳамма шоғирдлари билан маслаҳатлашиб чиқади ва уларнинг ҳаммаси ўриб орқаларига ташлаб олган кокилларини қирқиб, дарёга ташлашади ва Будданинг устунлигини тан олишади. Унинг икки укаси ҳам шоғирдлари билан бирга шундай қилади. Шундай қилиб 1000 кишига яқин аъзолари бўлган браҳманлар мазҳаби Шакьямуни жамоасига қўшилди. Бизнинг кулларимизда бирор динга бундай оммавий киришни тасаввур қилиш қийин. Аммо бу ҳодиса ўша кезларда буддавийликнинг, айниқса, Магадҳда

кент тарқалишига ёрдам берди. Шуниси ҳам борки, Магадҳда кўпчилик ака-ука Кашьяпларга бўлган ҳурмат-эҳтиромлари юзасидан ҳам янги таълимотни қабул қилган эдилар.

Янги динга ўтганлар орасида энг йирик сиймо Магадҳ ҳукмдори подшо Бимбисаро эди. Эслатиб ўтамиз — биринчи учрашувлари чоғида подшо Шакьямунини бу дунёнинг ноз-неъматлари билан ёхуд бирон зўр лавозимни ваъда қилиб, йўлдан қайтариш ёки ўзига оғдириб олиш мумкин эмаслигини англаган эди ва бўлгувси Буддага ҳаётнинг олий ҳақиқатини топганида ундан ўзини ҳам баҳраманд қилишни илтимос қилганди.

Ривоятларга кўра, Бимбисаронинг Будда билан иккинчи учрашуви ака-ука Кашьяпларнинг янги динга кирганларидан кейин содир бўлган. Шакьямуни шогирдлари билан Ражагриҳга келганини эшитиб, подшо Бимбисаро сарой аъёнлари ҳамроҳлигида унинг истиқболига пешвоз чиқишга ошиқади. Шакьямунининг орифликка эришгани тўғрисидаги овозалар подшонинг қулоғига ҳам етиб борган эди ва Будда ваъдасини унутмаганини билиб, жуда хурсанд бўлди.

Бимбисаро Шакьямуни ва унинг шогирдларига буддавийлар эҳроми ва монастирини қуриш учун бамбукзордан катта ер ажратиб беради. Албатта, у замонларда “Бамбукзор” монастири шаҳарнинг шимолий дарвозаси ташқарисида жойлашган бўлиб, ёғин-сочинлардан асрагувчи хокисоргина бир кулба эди. Аммо Шакьямуни ва унинг шогирдлари вақтларининг кўп қисмини садақа йиғиб ёки дарбадар кезишларда ўтказганлари учун монастирдан фақат ёмғирлар фаслида дам олиш ва медитация учун фойдаланар эдилар.

Буддавийларнинг биринчи монастири бошқа эҳромлар қуриш учун меъморий намуна вазифасини ўтаган эмас. Аммо унинг подшо Бимбисаронинг буддавийликни қабул қилиши билан боғлиқ равишда қурилгани янги таълимотнинг тарқалиш тарихида муҳим бир тармоқ бўлиб қолди.

## ШОГИРДЛАР ЖАМОАСИ

**ШАРИПУТР ВА МАУДГАЛЯЯН.** Магадҳда янги динни нафақат Бимбисаро қабул қилди, яна бошқа анча одам бу динга кирган эди. Уларнинг баъзи бирларига кейинчалик буддавийлар жамоасининг қарор топишида ва мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаш насиб этган эди. Уларнинг орасидаги энг йирик сиймолар — Шакьямунининг “ўнга асосий” шогирдларининг учтаси — Шарипутр, Маудгальяян ва Маҳкашьяп бўлган эди.

Шарипутр билан Маудгальяян магадҳлик браҳманлар оиласидан чиққан эди. Улар болалиқдан қалин дўст бўлишган. Улар ёшлиқ йилларидаёқ браҳманизмнинг асосий ҳикматларини ўзлаштириб олган ва ўзларининг иқтидорлари билан катта шухрат қозонган эди. Фалсафий назариялардаги расмиятчиликдан кўнгиллари қолгач, улар олий билимларни ўзлаштириб, ҳақ жамолига эришмоқ умидида ўзларига янги устоз қидиришга киришган эдилар. Уларнинг қулоғига Санжай Валпаттхипуттаннинг доврўғи етиб келади. У “олтита нобуддавий устозлар”дан бири бўлиб, Магадҳда ваъзхонлик қилар эди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, скептик ва нигилист Санжай браҳманизмнинг кўпгина асосий қоидаларини шубҳа остига олар ва ҳатто бутунлай инкор ҳам қиларди. Шарипутр ва Маудгальяян унинг 250 та тарафдори сафига қўшилади ва машғулотларга киришади. Орадан кўп ўтмасдан энг яхши шогирдлар қаторидан ўрин олишади. Санжай уларни ўзининг ворислари қаторида кўради. Бир қанча вақт ўтиши билан улар устозларининг скептицизми важдан пайдо бўлган бўшлиқ аламини яна ҳис қила бошлайдилар, уларнинг қалби нурли ва ижобий ҳақиқатга интиларди. Дўстлар ўзаро аҳдлашиб, қайси бирлари биринчи бўлиб ҳақ жамолига эришиш бахтига муяссар бўлса, билимларини бошқалари билан баҳам кўришга қасамёд қилишади.

Улардан бири — Шарипутр олий ҳақиқатни излаб, дарбадар кезиб юрганида ўз йўлида Ассажини учратиб қолади. Ассажи Шакьямунининг шогирди бўлиб, Ражагриҳда садақа йиғиб юрарди. Ассажи Шакьямунининг биринчи ваъзини

тинглаган бешга қоҳиннинг (бҳиккху) бири эди. Ассажининг қиёфасидаги олижаноблик ва улуғворликдан мутаассир бўлгач, ундан уфуриб турган пурвиқорликни ҳис этиб, Шарипутр устозининг ким эканини ва у қайси динни тарғиб қилишини сўрашга журъат қилади. Ассажи Шакьямунининг шогирди эканини айтади ва буддавийлар жамоасига яқинда қўшилганини, шунинг учун ўз устозининг ғояларини ташна қалбли одамга тўла-тўқис баён қилиб беришдан ожизлигини илова қилади.

Шарипутр ҳатто жиндай тушунтиришга ҳам қаноат қилишга тайёр эди, шунинг учун у ўз мураббийининг қарашлари тўғрисида бирон нарса гапириб беришини сўраб, яна Ассажини қистайди. Шарипутрнинг қистовлари ва самимиятидан хурсанд бўлган Ассажи ўзи ўзлаштирган нарсаларни айтиб беришга рози бўлади.

Жамики мавжуд нарсанинг сабаби бор,

Татҳагат бу сабабиётни баён қилиб берган.

Ва мавжуд нарсанинг қандай ғойиб бўлишини ҳам айтиб берган.

Бу сўзлар Шакьямунининг биринчи панд-насиҳатининг қисқа мазмунини ифодаловчи формулалар эди. Уларнинг маъноси “сабабият қонуни”ни изоҳлаб беришга қаратилган. Бу қонун Коинотнинг мангу сиридир. Унда ҳамма нарса доимий ҳаракатда, бирор нарса йўқолса, яна қайтадан бино бўлиш учун йўқолади. Ассажининг ўрнида бошқа биронта енгилпақроқ ва шуҳратпарастроқ одам бўлганида, ўзи етарли даражада ақли етмаган Қонунни тушунтириб беришга уриниб кўрган бўлиши ҳам мумкин эди, албатта. Аммо Ассажи суҳбатдошининг бошини узундан-узоқ мулоҳазалар билан қотириб ўтиришни истамайди, негаки, Будданинг донишмандлигига бўлган теран эҳтиром бунга йўл қўймайди. Шу билан бирга у устозининг буюк таълимотини бузиб талқин қилишдан ҳам чўчийди. Қонуннинг қамрови кенг, унинг теран мазмунини бир зумда ўзлаштириб олиб бўлмайди, бу ишга одам бутун ҳаётини бағишламоғи керак.

Шарипутрни Ассажида ўзига жалб қилган нарса нафақат унинг сўзамоллиги ва ақл-заковати бўлди, айнаи чоқда унинг руҳиятидаги улуғворлик ва ўз устозига бўлган мустаҳкам ишонч ҳам қойил қолдирди. Зиммасига буддавийлик таълимотини тарғиб қилишдек юксак вазифа юклатилган одам, афтидан, ўзини айнан ана шундай тутмоғи жоиз бўлса керак. Ассажининг гапларини эшитиб, Шарипутр кўлдан бери машаққатлар чекиб излаб юрган буюк ҳақиқатини топганига ишонч ҳосил қилди. Табиатан иқтидорли мутафаккир ва файласуф бўлган Шарипутр Ассажи билан биринчи суҳбати вақтидаёқ Қонуннинг улуғлигини ҳис қилди. Буддавий атамалар тили билан айтганда, Шарипутр шраваклар тоифасига мансуб эди. Яъни, у назариянинг асосий қоидалари тушунтириб берилётганда, уни тинглаб ўтириб ҳам орифликка эришмоққа қобил эди. Шунинг учун ҳам вақти-соати келганда у Шакьямунининг шогирдлари орасида “доноларнинг доноси” сифатида донг қозонган бўлса, бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ.

Ассажи билан учрашгандан кейин ўз вадасига содиқ қолган Шарипутр Маудгаляянга ўзи касб этган билимлар тўғрисида гапириб берди. Бу олий кашфиётни эшитиб, унинг дўсти ларзага тушди. Шундан кейин улар Шакьямунига шогирд тушишга аҳд қилишади. Эслатиб ўтамиз – Шарипутр билан Маудгаляян Санжайнинг севимли шогирдлари эди. Санжай уларга ўзининг 250 та шогирдига ғамхўрлик қилишни ишониб топшириб қўйган эди. Шакьямунининг таълимоти ҳақидаги гапларни эшитиб уларнинг ҳаммаси буддавийлар жамоасига киришга қарор қилишади. Санжай уларнинг фикрини ўзгартиришга ва йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади, бироқ унинг ҳамма ҳаракатлари беҳуда бўлиб чиқади.

Бу ҳодиса фавқулудда муҳим аҳамиятга эга бўлди – у жамиятнинг маърифатли гуруҳларида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб келган фалсафий мактабнинг ҳалокатини билдирар эди. “Олтита нобуддавий устоз”нинг назарияларига қарама-қарши турган янги диннинг туғилиши ана шундай содир бўлган эди. Унинг ривож ва тарқалиши анъанавий дунёқарашни барбод этиб, одамлар учун билимнинг янги уфқларини очиб берган эди.

Буддавийликни тадқиқ қилувчи олимларнинг тахминича, Шарипутр билан

Маудгалаяннинг янги динга кириши буддавийликнинг ўша пайтдаги фалсафий оқимларда ҳукмронлик қилган скептицизм ва нигилизмга қаршилиқ қила олиши мумкин эканини кўрсатади. Гарчи баъзан буддавийлик мутелик ва ҳатто нигилизмни тарғиб қиладиган дин сифатида қаралса-да, унга Санжайнинг тарафдорлари киргани бунинг тескарисини исбот қилади. Санжайнинг кўнгли қолгани скептицизмни унинг шоғирдларининг яна қайтадан янги ҳақиқатларни қидира бошлашга ундади ва кейин эса янги динни қабул қилишга олиб келди. Баъзи бир манбаларнинг гувоҳлик беришича, гарчи Шарипутр ва Маудгалаян Шакьямунининг ҳузурига ўзларининг 250 та толиб ўртоқлари билан бирга келиб, уларни сангхута қабул қилишни илтимос қилишган бўлсалар-да, Будда бу икки толибнинг ўз тарафдорлари орасида биринчи ўринларни эгаллашини башорат қилган экан. Уларнинг истиқболини олдиндан кўра олган Будда бу шоғирдларига жуда катта умидлар боғлаган ва бу билан баъзан бошқа қоҳинларнинг рашкига, ғайирлигига ҳам сабаб бўлган.

Бир ривоят бор: унда Шарипутрнинг “Дҳарма нигоҳи”ни қандай касб этганлиги ва шравака ҳолатига эришганлиги ҳикоя қилинади. Бу ҳолатга ҳақиқатга талабгор одамгина эришади. Бу — брахманлардан бирининг Шакьямуни билан скептицизм тўғрисида суҳбатлашиб ўтирганида рўй берган экан. Брахман ҳар қандай ҳақиқат нисбийдир, бинобарин, мулқ ҳақиқатнинг бўлиши мумкин эмас, ҳар қандай ғоя эса моҳиятан субъектив мулоҳазадан ўзга нарса эмас, деган қарашни исбот қилишга уринаётган экан. Шакьямуни эътироз билдириб, бу мантиқий мулоҳазалар тизими зиддиятли эканини айтипти, негаки, ҳар қандай ҳақиқатнинг субъективлигини ёки нисбийлигини тасдиқлаш — мулоҳазаларнинг алланечук абсолют асоси мавжудлигини намоён этади. Ана шу аниқ ва равшан силлогизм билан Шакьямуни нафақат ўша пайтларда анча кенг тарқалган скептикларча бир қарашни рад этган, балки бундай масалаларни ҳал этишда буддавийлар қўллайдиган методни ҳам намойиш этган. Шарипутр баҳсда қатнашмаган, аммо Шакьямунининг далиллари унга жуда қаттиқ таъсир кўрсатган ва шу чоғда у орифликка эришган. Скептик брахман Шакьямунининг мантиқи устунлигини тан олган ва унинг тарафдорларидан бири бўлиб қолган.

Ҳар қандай янги фалсафий тизим даврнинг энг муҳим муаммоларини янгича ҳал қилиш усулларини таклиф қилар экан, ғоявий рақибларининг тан олинган назарий қарашларини рад этади. Шакьямуни томонидан олға сурилган буддавий қарашлар тизими унинг шоғирдлари ўртасида мантиқий фикрлаш қобилиятининг ўсишига, ўз фикрларини ҳар томонлама асослаб беришга ўргатган. Унинг шоғирдларининг кўпчилиги ва айниқса, ака-ука Кашьяп, Шарипутр ва Маудгалаян сингарилари ўз даврининг атоқли мутафаккирлари бўлиб етишдилар.

Шакьямунининг ғоялари ҳеч қандай ҳужумларга учрамаган, деб ўйлаш керак эмас. Уни ҳатто жамият асосларини барбод қилишда ҳам айблаган. Ражагриҳ ва бошқа шаҳарлардаги кўпгина нуфузли брахманлар ва зодагон оилаларга мансуб истеъдодли йигитлар буддавийлар жамоасига кирган. Шакьямунининг душманлари уни “оилаларга нифоқ солиб, ота-оналарни ўғилларидан, хотинларни эрларидан жудо қилишда айблаган. Даргазаб мухолифлар ундан “Буёқ Санжай шоғирдларидан кейин энди кимлар янги дин ақидалари билан оғуланар экан?” деб сўраганлар.

Шубҳа йўқки, Магадҳда янги таълимотнинг тез тарқалиши эски маросимлар ва динларнинг садоқатли тарафдорлари ўртасида муайян безовғалик туғдирмай қолмаган. Улар буддавийлик сиймосида аллақачон барқарор тус олган ҳаёт тарзи ва оилавий анъаналарга қарши қаратилган хавф-хатарни кўришган. Аммо Шакьямуни бундай таъна дашномларни вақтинча деб ҳисоблаган ва уларга кўп ҳам эътибор бермаган. Дарҳақиқат унинг ўзи башорат қилганидай, орадан кўп ўтмай, буддавийликни қоралашлар чиппака чиқди. Шакьямуни—Будданинг ўзини эса жуда донгдор ва теран дин арбоби сифатида ҳурмат қила бошладилар. Бироқ бу давомли жараён бўлган эди. Ҳамма даврларда ҳам чинакам Қонунни рад этувчи ёки қоралашга интилувчи одамлар топилади. Қонунни тарғиб қилиш Шакьямунига шон-шараф олиб келди — уни ҳаётлигидаёқ чинакам Ориф деб бошларига кўтаришди. Аммо рақибларининг

душманлиги ва ҳасади “Будданинг тўққизга улуғ синови” деб аталмиш нарсада ифодаланди. Бу тўғрида биз кейинроқ ҳикоя қиламиз. Ўзининг 45 йиллик тарғиботчилик фаолиятида Шакьямуни бир неча марталаб теварак-атрофидагиларнинг нохуш муносабатига, тушунмаслигига рўпара келди. Бироқ бу ҳам унинг таълимотига чинакамига оламшумул дин даражасига кўтарилишига халақит беролмади.

**МАҲАКАШЯП.** Шакьямуни шогирдлари орасида Маҳакашяпни “зуҳдиёт амалида биринчи одам” деб аташарди. У одамлар билан мулоқотда оддийлик ва камтарлик йўлини тинмай излагани учун шундай фахрли унвонга сазовор бўлган эди. Эслатиб ўтамиз, Шакьямунининг ўзи зуҳдиётнинг энг талабчан шаклларида бефойдалиги учун воз кечган эди, лекин дхўтий амалиётига, яъни либосда ва таомда нафсини тийиб иш кўриш, садақа йиғишда беш кўлни оғизга тикмаслик каби зуҳдиётнинг “юмшоқроқ” қоидаларига амал қилиш керак, деб ҳисобларди. Маҳакашяп айнани ана шу қоидаларга сидқидилдан амал қиларди. Шакьямуни билан учрашишдан олдин Маҳакашяп ҳам унинг бошқа кўпгина шогирдлари каби брахманизм тарафдори бўлган эди. Маҳакашяп Магадхда устознинг ваъзини эшитиш бахтига муяссар бўлгандан кейин буддавийликни қабул қилган деб ҳисобланади. Жамоага аъзо бўлиб киргандан кейин у янги мақомга эришди, яъни унинг номига “маҳа” (“улуғ”) деган сифат кўшиб айтиладиган бўлди, шундан кейин у бошқа ака-ука Кашяплардан фарқ қилароқ, “Маҳакашяп” деб аталадиган бўлди. Маҳакашяпнинг номи билан анча-мунча ривоятлар боғлиқ. Уларда унинг ақл бовар қилмайдиган зоҳидлиги, ирода кучи, батавфиқ ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу сифатлар жамоанинг бошқа аъзолари ўртасида мақтовга ҳам сазовор бўлган, таъна-дашномларга ҳам учраган. Ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, энг олий даражадаги авлиёликни билдирадиган арҳат ҳолатига эришгач, Маҳакашяп ўз миннатдорлигининг белгиси сифатида Шакьямунига ўз либосларини совға қилган, ўз навбатида, Будда ҳам ўзи кийиб юрган кийимларини шогирдига туҳфа этган. Маҳакашяп уларни то эскириб яроқсиз ҳолга келгунга қадар кийиб юрган. Бу ҳодиса Маҳакашяпнинг устозга ва унинг ғояларига садоқатидан далолат беради. Жамоанинг бошқа аъзолари Будда шогирдининг юксак руҳиятини тушунадиган ва баҳолайдиган даражага етган эмас эдилар ва унинг кийиниш тарзига ижирганиб қарардилар.

Бошқа бир ривоятда Маҳакашяпнинг садақа тилаб юрган кезларида ўзини қандай тутгани тўғрисида ҳикоя қилинган. Садақа йиғиш жамоа аъзоларини озиқ-овқат билан таъминлар эди ва айнани чоқда художўйларга Будданинг хизматини бажо келтириб, туҳфалари ва совға-саломлари орқали ундан миннатдорликларини ва эҳтиромларини намойиш этишга имкон берарди. Жамоанинг шундай қойдаси бор эди – коҳинлар уларга тақдим этилган ҳар қандай таомни миннатдорлик билан қабул қилиб, тановвул қилмоқлари керак эди. Шунга қарамай, тиланчилик билан кун кўрадиган коҳинларга инсоний заифликлар бегона эмас эди ва кўпинча камбағаллар садақа қилган таомлар уларга кўп ҳам лаззатли кўринавермасди. Бунинг таажжубладиган жойи йўқ, чунки кўпгина коҳинлар ўзига тўқ, бадавлат оилалардан чиққан эди. Улар бадавлат хонадонларнинг ёнидан ўтаётганда уй эгаларининг диққатини жалб қилиш мақсадида қадамларини секинлатишни одат қилишган ва, аксинча, камбағалларнинг кулбалари ёнидан шитоб билан ўтиб кетишарди. Маҳакашяп ўзини бутунлай бошқача тутарди. Ўзининг юксак руҳиятига ва буддавийлик талабларига садоқат сақлаган Маҳакашяп на бадавлат одамларни, на қашшоқларни бир-биридан устун кўрмай, ҳаммаларига бирдай ёндашиб, садақа сўрарди. Оддий одамлар матонатли, хиёнат йўлига кирмайдиган олижаноб одамларнинг ҳақиқий туйғуларини ҳамма вақт ҳам тушунавермайдилар ва уларнинг қилмишларини белгилайдиган чинакам сабабларни ҳаммиша ҳам ҳурмат қилиш қобилиятига эга эмаслар. Бу олижаноб одамларнинг қилиқлари ва қилмишлари кўпинча уларнинг ғашини келтиради. Маҳакашяп ҳам бир неча марталаб ўзига нисбатан шунақа муносабатларга рўпара келган.

Айтишларича, Маҳакашяп ваъзхонлик иқтидорига эга бўлмаган экан, аммо

Шакьямуни уни ўзининг энг яхши ўнта шоғирдидан бири деб жуда ҳурмат қилар экан. Менинг назаримда, Шарипутр билан Маудғалаян ўзларини янги диний таълимотнинг теран тафсирчилари сифатида намоён қилганлар, Маҳакашяп эса ҳаётда Будда таълимотига жонбозлик билан амал қилиб, Шакьямунига садоқати билан ажралиб турган. Менинг назаримда, у жамоа ҳаётининг укувли ташкилотчиси бўлган. Шакьямунининг вафотидан кейин айти шу одам браҳман қоҳинлар мажмуига бошчилик қилган ва таълимот ақидаларини тартибга солиш ишига бошчилик қилган.

Ривоятда айтилишича, кунлардан бирида Шакьямуни жамики шоғирдларини бир жойга йиғишти ва йиғинда Маҳакашяпни кун сайин бошига ёғилаётган таъналар ва маломатлардан ҳимоя қилмоқчи бўлишти. Будда уни ўз ёнига ўтқазипти ва бу билан айти шу шоғирдига ҳурмати нечоғлик баланд эканини ҳаммага намоён этмоқчи бўлишти. На аввал, на кейин ҳеч ким бунақа ҳурматга сазовор бўлмаган экан. Ўз тарафдорларининг феъл-атворларидаги тафовутларни аниқ баҳолаган Шакьямуни шундай бир муҳит яратганки, бу муҳитда ҳар бир одам бошқаларнинг ғашлиги ёхуд ғайирлигидан чўчимай, ўзининг олижаноб, эзгу фазилатларини яна такомиллаштира бериши мумкин эди.

Маҳакашяп тўғрисидаги ҳикоялар буддавийликнинг жуда муҳим бир хусусиятини очиб беради: унда темир ақидалар, ашаддий талаблар, бир томонлама муносабатлар тизими йўқ. Буддавийлик ўз тарафдорларидан олдиндан белгилаб қўйилган бир шакл-шамойилига қатъиян мос келишни талаб қилмайди, ҳар кимнинг ички қобилиятлари имкон қадар тўла намоён бўлишини маъқуллайди, айти чоқда, уларни бир мақсад сари йўналтириб туради.

Маҳакашяп ва Шакьямунининг номлари юқорида зикр этилган асосий шоғирдларидан ташқари ҳам Магадҳда буддавийликни бошқа кўпгина одамлар қабул қилди. Уларнинг ораларида қашшоқлар ҳам, бадавлатлар ҳам, аёллар ҳам, эркаклар ҳам бор. Хуллас, улар турфа хил табақаларнинг вакиллари эди. Улар янги динни қабул қилган подшо Бимбисаро, ака-ука Кашяплар ва Санжайининг шоғирдларидан ўрнак олишган эди.

Шак-шубҳасиз, Шакьямунининг таълимоти Магадҳда одамларнинг ақлини жунбушга келтирган, одамлар муайян руҳий кўтарилишларни ҳис этганлар. Биз юқорида подшо Бимбисаро билан Шакьямунининг иккинчи учрашуви тўғрисида гапириб ўтгандик. Шакьямуни Будда бўлганидан сўнг ака-ука Кашяплар ҳамроҳлигида Ражагриҳга қайтади. Сарой аҳли Шакьямунини шонли ака-ука Кашяпларнинг шоғирди деб ўйлашади ва аҳвол бутунлай бунинг тескариси эканини билиб, роса ўсал қолишади. Шакьямунининг насиҳатларини тинглаган Магадҳ аҳли ўзини янги диннинг туғилишида иштирок этаётгандай ҳис қилади. Содир бўлажак ўзгаришларни интиқиб кутиш муҳити Магадҳда буддавийликнинг тарқалишида жуда қўл келди.

**СУДАТТ.** Шакьямунининг шоғирдлари ва янги динга кирганлар ҳинд жамиятининг ҳамма табақаларига мансуб эдилар. Сангҳда, яъни буддавийлар жамоасида улар авваллари қандай мақомга эга бўлганларидан қатъи назар ҳаммалари барабар эдилар. Буддавийликнинг тарқалишида, айтиқса, кшатрийлар, яъни ҳарбий зодагонлар ва бадавлат савдогарлар катта роль ўйнади. Ижтимоий тузумда мавжуд бўлган чеклашлар савдогарларни камситар эди. улар ижтимоий ҳаётда фаолроқ иштирок этишни хоҳлашар, шунинг учун ижтимоий эркинлик ва мустақилликнинг кўпроқ бўлишини истар эдилар. Шу вадан улар буддавийликка тарафдор бўлдилар, чунки браҳманшаристликдан фарқ қилароқ, буддавийлик уларга эркинликка кўпроқ мойил ва анча қулайроқ таълимот бўлиб кўринди. Буддавийлик турли-туман дунёвий ишлар ва касб-ҳунарларни тақиқламас, қолаверса, бундай фаолиятнинг муҳимлиги ва зарурлигини таъкидларди. Дунёвий ҳаётни тарк этишни истаган, оилаларидан кечиб, тиланчилик билан шуғулланадиган қоҳин бўлишни хоҳлаганлар фақат садақалар ҳисобига яшар эдилар. Дунёвий ҳаётни тарк этмаганлар эса ўзларига яқин одамларнинг фаровонлигини таъминлаш учун меҳнатсевар ва тежамкор бўлмоқлари керак эди. Будда таълим берадики, қонун билан кундалик воқелик ҳар хил кенгликларда яшайди, лекин шу

билан бирга уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Дин одамларга ижтимоий фаолиятни амалга оширадиганларга маънавий таъсир кўрсатади, холос. Буддавийлик ҳинд жамиятининг энг фаол ижтимоий гуруҳи бўлмиш — бадавлат савдогарлар онгининг ўсишига катта ёрдам берди. Бу китоб саҳифаларида юқорида буддавийликни қабул қилган ва Шакьямунига катта мадад берган энг машҳур савдогарлардан бири Судаттнинг номи тилга олинган эди. Судатт ўша пайтдаги энг қудратли давлатлардан бири бўлмиш Шимоли-Гарбий Ҳиндистонда жойлашган Кошалнинг пойтахти аватҳида истиқомат қилар эди. У буддавийлик тўғрисида эшитади ва янги динга Магадҳ пойтахти Ражагрхда киради.

Ривоятларга кўра, Судатт Ражаграҳга савдо ишлари билан келади ва бу ерда дўстиникида тўхтади. Дўсти Шакьямунининг ихлосмандларидан бўлади. Судатт дўстининг меҳмон кутиб турганидан воқиф бўлиб қолади. Меҳмонни кутишга оила аъзолари ва хизматкорлар билан бирга уй эгасининг ўзи ҳам жуда ҳафсала билан тайёргарлик кўришадиганини пайқаган Судатт дўстидан қанақа одамни кутаётганини сўрайди. Уй эгаси “эртага эрталаб уйимизга Будда қадам ранжида қилади” деб жавоб беради.

Будданинг номини эшитиши биланоқ Судатт қаттиқ ҳаяжонга тушади. Судатт жуда бадавлат ва ўта сахий одам эди. У доимо камбағалларга ёрдам берар ва шу важдан Анатҳиндад, яъники “муҳожар мададкори” деган номга сазовор бўлган эди. Судатт том маънода диндор одам бўлгани учун ўзи тўхтаган уйга Будданинг ёхуд Орифликка эришган одамнинг келишини билгандан кейин индамай қараб туролмас эди. Тонг ёришиши биланоқ Судатт шу яқин ўртадаги бутазорга йўл олади ва у ерда таваллога чўмган Шакьямунини учратади. Ривоятларга қараганда, Будданинг ваъзидан кейин Судатт янги диннинг энг содиқ тарафдори бўлиб қолган. Бу воқеа янги диннинг Кошалда кенг тарқалишига таъсир кўрсатмай қолмас эди. Судатт Сватҳида буддавийлик жамоасига бир боғ билан монастир совға қилади. Судатт бу монастирни Кошал ҳукмдорининг ўғли валиаҳд шаҳзода Жетидан олган ерида қурдирган эди. Шунинг учун монастир Жетаван деб аталадиган бўлди. Бу монастир япон матнларида Гион-сёдзя номи билан юритилади. Унинг номи “Хэйкэ ҳақидаги қисса” деган машҳур асарнинг муқаддимасида ҳам тилга олинган. Унда Гион-Сёдзянинг кўнғироқлари ҳақда гап кетади — бу кўнғироқлар жанрнинг одамларга бу дунёнинг фонийлигини эслатиб турар эмиш. Адолат юзасидан қайд қилмоқ лозимки, баъзи олимларнинг фикрига кўра, Шакьямуни замонида буддавий эҳромларида кўнғироқлар бўлган эмас.

**ШАКЪЯМУНИНИНГ КАПИЛВАСТУГА БОРГАНИ.** Кошалдаги энг бадавлат одам бўлмиш Судаттнинг буддавийликка кириши қўшни мамлакатларда ва биринчи навбатда, шакьялар мамлакатида муайян акс садо бермаслиги мумкин эмас эди. Биз биламизки, шакьялар мамлакати ўзининг қудратли кўнғирларга қарам эди. Шакьямунининг таълимоти унинг мамлакатида қай тарзда тарқалган?

Шакьямуни ўзининг 40-50 йиллик тарғиботчилик фаолияти давомида Капилвастуга бир неча марталаб келиб кетган. Манбаларда Шакьямунининг орифликка эришгандан кейин ўзи туғилиб ўсган шаҳарга келиши тўғрисида гапирганда икки йил, олти йил ва ҳатто ўн икки йилдан кейин келган деб, ҳар хил саналар кўрсатилган. Шакьямунининг ватанига биринчи марта қайтиши тарихий аҳамиятига кўра ва унинг ўзига ҳамда яқинларига кўрсатган ҳиссий таъсирига кўра унинг кейинги келишларининг ҳаммасида беқиёс юқори туради.

Агар биз Шакьямунининг дунёвий ҳаётни 29 ёшида тарк этгани ва орифликка эришгандан кейин икки йил ўтгач, уйига қайтгани ҳақидаги тахминни қабул қилсак, бундан келиб чиқадиги, у Капилвастуга қайтишга қарор қилишдан аввал амида саккиз йил дарбадарликда ҳаёт кечирган. Бошқа маълумотларга қараганда, унинг ватанида бўлмаган муддати бундан ҳам кўпроқдир. Ҳукмдорнинг ўғли, собиқ валиаҳднинг орифликка эришгани тўғрисидаги хабар, афтидан, туғишган шаҳрига унинг ўзидан аввал етиб келган.



Шакьямунининг оиласи ва унинг қабиладошлари собиқ тахт ворисини хушнудлик билан кутиб олишади, бироқ у тарғиб қилган таълимотга тузукроқ эътибор бериб қарашмади.

Шакьялар ўзларининг феъли-атворларига кўра анча консерватив одамлар эди. Улар анъанавий диний қарашларга, сингишиб кетган расм-русум ва одатларга матонат билан амал қилиб келишган. Фақат Будда ўзининг гайритабiiий қобилиятларини намойиш қилгандан кейингина теварак-атрофидагилар унинг панд-насиҳатларига жиддийроқ қарай бошлайдилар.

Биринчи бўлиб буддавiiйликни Шакьямунининг отаси подшо Шуддходан, туғишган укаси Нанди, Шакьямунининг ўғли Рахуллар қабул қилишди. Шакьялар салтанатига сўнги бор келганида эса Будда тарафдорларининг сафи янада кенгайди. Упалл, Анируддх, Ананд ва Девдатт шулар жумласиданки, улар тўғрисидаги ҳикоямизни кейинроқ баён этамиз.

Рахул янги динни қабул қилаётган кезларда ҳали ўспирин йигитча эди, кейинчалик у Будданинг атоқли шогирдларидан бирига айланди, ҳатто уни “ўз-ўзини интизомга солувчилар ўртасида энг пешқадами” деган мақтовларга сазовор бўлди. Шакьямуни оиласини тарк этиб, Капилвастудан чиқиб кетган кезларда Рахул гўдак эди, шунинг учун унинг хотирасида отаси тўғрисида ҳеч қандай эсдаликлар сақланиб қолмаган. Рахулнинг отаси билан учрашувини Яшўдхар ташкил қилган эди, лекин унинг ўзи собиқ умр йўлдоши билан учрашишдан воз кечган. Шакьямуни ўғлига ғамхўрлик қилишни ишониб Шарипутрга топшириб қўйди ва Рахул жамоада муллавачча мақомида яшай бошлади. Кейинчалик отаси билан биргаликда Қонунни тарғиб қилади ва янги диннинг тарқалишида жуда катта роль ўйнайди.

Шакьямунининг буддавiiйликни қабул қилган учинчи яқин қариндоши туғишган укаси Нанд бўлди. Шакьямуни дунёвий ҳаётдан воз кечгандан кейин Нанд валиаҳд бўлади. У жуда гўзал бир қиз – малика Сундарикага уйланиш тараддудига тушади, бироқ шу пайтларда Капилвастуга Будда қайтиб келади. Қандай шароитда Нандни тахтдан воз кечишга ва бўлай деб турган никоҳ тўйини бекор қилишга кўндирганлари бизга қоронғи. Шундай бўлса-да, акасининг қайтиб келиши билан ҳаёти кескин тарзда ўзгариб кетган йигитга ҳамлард бўлмасликнинг иложи йўқ. Ривоятда айтилишича, коҳинлик ридосини кийгандан кейин ҳам Нанд анча вақтгача Сундариканинг порлоқ сиймосини унуга олмай юрган ва дунёвий ҳаётнинг шоду-хуррамликлари ҳақидаги ўйлар уни тарк этган эмас. Танлаган йўлининг тўғри-нотўғрилиги ҳақидаги шубҳа-гумонлар уни қийнашда давом этади, бу эса унинг жамоага кириш тўғрисидаги қарорни пухта ўйламай қабул қилган дейиш учун асос беради. Кейинчалик у Шакьямунининг доно маслаҳатлари билан дунёвий ишгиёқлардан халос бўлишга муваффақ бўлади ва ўзининг бутун куч-қудратини буддавiiйликни тарқатишдек улуг вазифага бахш этади.

АНАНД. Вақти-соати келиб, Шакьямунининг кўпгина қабиладошлари унинг мухлисларига ва садоқатли тарафдорларига айланади. Биз юқорида Ананд, Анируддх ва Девдаттларни тилга олган эдик. Улар Шакьямуни Капилвастуга қайтгандан кейин унча кўп ўтмай жамоага кирган эдилар. Уларнинг ҳаммалари Будданинг жиянлари эди. Ананд билан Девдаттлар эса ўзаро яқин қариндошлар эди. Тахмин қилиш мумкинки, Капилвастудаги зодагон оилалардан чиққан кўпгина йигит-яланглар буддавiiйликни қабул қилишган.

Уларнинг орасида энг атоқли сиймо Ананд эди. У Шакьямунининг энг севимли шогирдига айланди ва Будда умрининг сўнги 25 йили давомида унинг доимий ҳамроҳи бўлди. Анандни “Қонунни муҳофаза қилувчиларнинг пешвоси” деб атар эдилар. Унинг хотираси жуда зўр эди – у Будданинг ҳамма ваъзалари ва панд-насиҳатларини деярли сўзма-сўз қайтадан айтиб бера оларди. Ананднинг буддавiiйликни қабул қилиши Шакьямунининг Капилвастуга биринчи бор келганида содир бўлмаган бўлиши керак. – У пайтларда Ананд ҳали жуда ёш бўлган бўлиши керак.

Ҳойнаҳой бу воқеа Шакьямуни орифликка эришгандан кейин 30 йилларча ўтгач, Ананд умрининг ўттиз йиллик босқичини ўтгандан кейин юз берган

бўлиши мумкин. У Шакьямунининг энг атоқли шогирдларидан бирига айланди ва унинг номига кўпгина ривоятлар ҳамда афсоналар яратилди. Шакьямуни нирванга қадам кўйганидан кейин у Маҳакашьяп билан бирга жамоага бошчилик қилди. Булардан ташқари, Ананд яна шуниси билан машҳурки, биринчи буддавийлар жамоасида у Будданинг ҳамма ваъзларини ёддан айтиб беради. Шуниси эътиборга сазоворки, аввалига Анандни жамоага киритмайдилар, негаки жамоага келган Будданинг 500 шогирди ичида Ананд арҳат ҳолатига эришмаган ягона коҳин экан. Ижмо – устознинг ҳамма ваъзлари ва панд-насихатларини жамулжам қилиб бир жойга йиғишни мақсад қилиб кўйганди. Бундан жуда қаттиқ изтиробга тушган Ананд зудлик билан медитацияга ўтиради ва Ижмо очиладиган куннинг арафасида арҳат ҳолатига эришади. Бундан хабар топган Маҳакашьяп Анандга Ижмо ишида иштирок этишга ижозат беради.

Бу шундан далолат берадики, буддавийларнинг тўнғич авлодларининг Анандга муносабати анча-мунча совуқ бўлган.

Талабчан Маҳакашьяп Анандга таъна қилади – Будданинг энг яқин одамларидан бири бўлган ҳолда унга муносиб ҳурмат кўрсата олмаган ва унинг талаби билан жамоага аёлларни ҳам қабул қила бошлаган эдилар.

Албатта, Ананднинг ҳулқида ва шахсиятида бундай танқиднинг юзага келишига ваз бўладиган жиҳатлар бўлган бўлиши мумкин. Бироқ мен бироз бошқачароқ фикрдаман: менимча, жамоа оқсоқолларининг совуқ муносабатларини Ананднинг Девдатга яқин қариндошлиги билан изоҳлаган маъқул. Кейинроқ яна батафсилроқ гапирамиз – Девдат шахсан Шакьямунига ҳам, бутун жамоага қарши ҳам анча нохуш ишлар қилган. Унинг шуҳратпарастлиги шу даражага бориб етганки, у ҳатто Будданинг ҳаётига суиқасд қилишдан ҳам тоймади. Оқсоқоллар хоиннинг туғишган укасига ишончмас ва уни ёқтиришмасди. Ундан ташқари, улар Анандни Будданинг ўзидан рашиқ қилардилар. Буддавий матнларда бир қатор ўринларда Ананднинг Буддага аёллар тўғрисида қандай саволлар бергани эса олиб ўтилади, ахир, айти унинг талаблари билан аёлларни ҳам жамоага аъзо қилиб ола бошладилар ва эркак коҳинлар – бхиккхулар билан бир қаторда бхиккхунилар – буддавий коҳин аёллар ҳам пайдо бўла бошлади. Уларнинг орасида Ананднинг ҳурмати катта эди ва унга диққат-эътибор билан қарар эдилар. Бу эса шундоқ ҳам оқсоқолларнинг унга бўлган совуқ муносабатини илтиҳа олмас эди.

Шунга қарамасдан, Ананд ўз биродарлари – коҳинлар ўртасида ҳар қанча уларнинг совуқ муносабатлари ва ғайирликларига сазовор бўлмасин, барибир, Шакьямунининг энг яхши шогирди бўлиб қолаверган. Ананднинг аёлларга муносабати, унда ўзини тутиб муомала қилишнинг йўқлиги масаласидаги таъна-дашномлар унинг ҳулқида анъанавийликнинг йўқлигидан далолат беради. Шунга қарамай, менинг ишончим комилки, у гоётда сезир ва оққўнгил одам бўлган, ақс ҳолда у 25 йил мобайнида Шакьямунининг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қололмасди. Анандгача ҳеч ким бу мансабни бу қадар узоқ эгаллаб турган эмас. Шубҳа йўқки, Будда айти шу одамга ҳаммадан кўпроқ ишонган ва уни кўпроқ хуш кўрган.

**УПАЛИ ВА АНИРУДДҲ.** Шакьямунининг энг атоқли тарафдорлари орасида Упали билан Анируддх ҳам бор эди. Улар ҳам шакьялар қабиласидан чиққан бўлиб, уларни ўнта асосий шогирдлар қаторида ҳурмат қилишарди. Упали винайда, яъни коҳинлар ҳаётини батартиб қилишда биринчи одам сифатида, Анируддх эса “чинакам орифлик”да биринчи сифатида шуҳрат қозонган эди.

Одатда Шакьямунининг шогирдлари шакья қабиласига мансуб браҳманлар оиласидан чиққан одамлар бўларди. Упали, аксинча, паст табақадан чиққан эди. Дунёвий ҳаётида у Капилвастанда сарой сартароши лавозимида ишлар эди. Шакьямуни Упалининг фазилатларини жуда юксак қадрлар ва уни ҳурмат қиларди. Хиромото Мидзуно ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, Будда Упалига бўлган ҳурмати атайин ҳаммага кўз-кўз қилар ва уни ҳимоя қиларди. Будда оддий табақа вакиллари ўртасида мавжуд бўлган

мутакаббирликка ва манмансирашларга қарши курашарди. Будда менинг таълимотимга амал қилувчилар ўртасида табақавий ва ижгимой тафовулар ҳеч қанақа аҳамиятга эга бўлмаслиги керак деб тарғиб қиларди.

Коҳинлар ўртасида обрў-эътибор қозониш ва оқсоқолликка эришишнинг ягона меъёри жамоага қанча вақтдан бери аъзолиги билан ўлчанар эди. Шакьямунининг тарғиботчилик фаолияти бошланган дастлабки даврларда келган коҳинлар жамоага кейинроқ қўшилган коҳинларга қараганда кўпроқ ҳурмат-эътиборга эга бўлганлар. Анируддх Ананд ва Девдатга қараганда Упали буддавийликни аввалроқ қабул қилган эди, шунинг учун уларга қараганда, унинг ҳурмат-эътибори каттароқ эди. Шакьямуни жамият ҳаётида буддавийликнинг энг асосий қойдаси бўлмиш – тенглик ақидасига қаттиқ амал қилишни талаб қиларди. Шакьямунининг ишончини оқлашга ҳаракат қилган Упали устозининг кўнглини қолдирмасликка ҳаракат қиларди. У Будданинг атоқли шогирди ва тарафдори бўлди, у, айниқса, винайга, яъни коҳинлар низомнасига қатъий риоя қилишда ном чиқарган эди.

Шакьямунининг яна бир шогирди – сўқир Анируддхнинг шахсияти ҳам бизнинг диққат-эътиборимизга сазовор бўлса арзийди. Уни “ҳаққа эришишда биринчи” деб номлашар эдилар. Унинг қандай қилиб кўр бўлиб қолгани тўғрисида бир ғаройиб ривоят бор. У Шакьямунининг жиёни бўлганини эслатиб ўтамиз. Жамоага киргандан кейин Анируддх коҳинлар ҳаётини тартибга солиб турадиган ҳамма қойдалар вивавлияларга сидқидилдан риоя қила бошлади. Бироқ кунлардан бирида Будданинг ваъзини эшитиб ўтириб, у бироз пинакка кетиб қолди. Шакьямуни шогирдини қаттиқ койиб берди. Хижолатга тушган Анируддх бунақа ишнинг қайта такрорланмаслигига ваъда беради. Устознинг ваъзлари вақтида пинакка кетиб қолмаслик учун Анируддх нима тadbирлар кўргани бизга қоронғи. Тахмин қилиш мумкин – у кўрган чоралари оқибатида сўқир бўлиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Билмадим, бу ривоятга ишониб бўладими-йўқми? Аммо у рост бўлса, шубҳа йўқки, бу ривоят Анируддхнинг чиндан ҳам иродаси зўр бўлганидан ва унинг Қонунга риоя қилишга иштиёқи катта бўлганидан далолат беради.

Буддавийлар жамоасига шакьялар қабиласининг бошқа вакиллари ҳам кирган. Жумладан, Шакьямунининг туғишган холаси Маҳапрад жапати, унинг жиёни, кейинчалик Буддага қарши курашишгача бориб етган Девдатт. Биз улар тўғрисида кейинги бобларда ҳикоя қиламиз.

## БУДДАВИЙЛАР ЖАМОАСИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

ПУРН, КАТЯЯН ВА СУБҲУТИ. Шакьямунининг ўнта асосий шогирди ўртасида Пурн, Катяян ва Субхутилар ҳам бор эди. Пурн ўзининг сўзамоллиги билан шуҳрат қозонган эди. У, айниқса, буддавийлик таълимотининг тамойилларини баён қилганда жуда чечан бўлиб кетарди. Одамлар уни “нотиқлик санъатида ва панд-насиҳатларда пешво” деб атарди. Ўтмишда омади юришган ва бадавлат бўлган Пурн ҳозирги Мумбай (Бомбай)нинг шимол томонида жойлашган бандаргоҳ шаҳрида яшаган. Шаҳар Шакьямуни тарғибот ишларини олиб борган Марказий Ҳиндистон туманларидан анча узоқда жойлашган. Кунлардан бирида Пурн Кошал салтанатининг пойтахти Саватҳидан келган савдогарлар билан учрашади. Улар Пурннинг савдогарлиги тўғрисида ва ўта ҳалоллиги ҳақида кўп гаплар эшитган эдилар. Улар Пурнни ўз сафларига қўшилишга таклиф қилишади – улар Пурннинг савдо-сотик ишларидаги жуда катта тажрибаси уларга зўр даромад олишга ёрдам беради деб ҳисоблаган эдилар. Пурн рози бўлади ва улар олис сафарга йўл олишади.

Саватҳилик савдогарлар буддавий эдилар. Йўлда улар диний расм-русумларга қаттиқ амал қилдилар, тўғривоғи, Шакьямунининг панд-насиҳатларини канда қилмай ўқиб кетдилар. Пурн уларнинг динига қизиқиб қолди ва савдогарлар унга Шакьямуни тўғрисида, унинг таълимоти ҳақида гапириб беришди. Уларнинг гапларини эшитиб, Пурн жуда қаттиқ ҳаяжонга тушди. Саватҳига

етиб боришгач, Пурн Будданинг ўз оғзидан панд-насиҳатларини эшитди ва бунинг таъсирида жамоага киришга аҳд қилди.

Кейинги йилларда Пурн Қонунни мустақил тарғиб қила бошлади ва бунда унга савдогарлик қилиб юрган пайтида орттирган ҳаётий тажрибаси жуда қўл келди. У тақдир рўпара қилган одамларнинг фикрларини билиб олиш қобилиятига эга эди. Эҳтимол, Пурн ваъзларининг ўзига хослиги шунда бўлган бўлиши мумкинки, оддий одамлар орасида ўсиб улгайган, ўз тирикчилигини ўзи қилган Пурн Будда таълимотини изоҳлаб бермоқ учун оддий ва ишончли сўзларни топа олган бўлса керак.

“Будда нутқларини талқин қилиш пешвоси” деб Катаянни ҳисоблашарди. У ҳам худди Пурн каби буддавийликни Саваттҳида қабул қилган эди. Аванти салтанатининг пойтахти, Ужжайн шаҳридан чиққан браҳман Катаян диний масалаларда ҳукмдорнинг маслаҳатчиси бўлган. Марказий Ҳиндистоннинг гарбий қисмида жойлашган Аванти салтанатида Шакьямуни бўлганми, йўқми – биз буни билмаймиз. Аммо бу салтанатнинг номи сутраларда ва бошқа буддавий асарларда тез-тез учраб туради. Тахмин қилиш мумкинки, бу эслашлар Авантида биринчи бўлиб буддавийликни қабул қилган Катаяннинг тарғиботчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. У Жетаван монастырида Будданинг нутқини эшитиш бахтига мушарраф бўлган ва унинг таъсирида буддавийлик жамоасига кирган. Шакьямуни уни Аванти салтанатига жўнатган ва Катаян у ерда подшоҳи ҳамда бошқа яна анчагина одамни буддавийликка киритишга муваффақ бўлган. Катаян буддавийликнинг назариячиси сифатида шуҳрат қозонади: у Будданинг фикр-мулоҳазаларини аниқ-равшан ва тугал бир шаклда келтириб, тартибга солган одамдир.

Шакьямунининг ўнта асосий шогирди орасида сўнггиси бўлмиш Субҳути ёрқин кўриниб турадиган қобилият ва иқтидорларга эга бўлган эмас. Унинг номи билан боғлиқ бирон-бир тайинли воқеа ва ривоят ҳам йўқ, унинг қандай қилиб Будданинг ўнта асосий шогирди қаторига кириб қолгани ҳам маълум эмас. Кейинчалик уни шунятани тушунишнинг, яъни буддавийликнинг “бўшлиқ” назариясини тушунишнинг пешвоси” деб атаганлар.

Пражня – парамита ҳақидаги сутраларда бу назария баён қилинган. Унда Будда Субҳутига “бўшлиқ” назариясини энг чуқур англаб етган одам сифатида мурожаат қилади. Шунга қарамаздан, Шарипутр ва Маудгальяндан фарқ қилароқ Субҳути “шунята”ни англашнинг пешвоси” бўлганига ишониш қийин.

Буддавийликнинг таниқли тадқиқотчиси Фумио Масутани бошқа бир тахминни олға суради – Субҳути теран метафизик назарияларни тушуниб етишда эмас, балки феъл-атворининг босиқлиги билан ажралиб турган бўлса керак. Субҳути буддавийларга Саваттҳидаги монастырни совға қилган бадавлат савдогар Судаттнинг жияни бўлган эди. Субҳутининг ўзининг жамоада ўйнаган роли анча кичкина бўлган бўлиши керак. Эҳтимол, Шакьямунининг феъл-атвори ярқ этиб кўриниб турган бири-биридан зўр шогирдлари орасида Субҳути сабр-қаноати ва муомалада юмшоқлиги билан камсукумлилик ва ички саришталликнинг намунаси бўлиб хизмат қилгандир.

Қадимги ривоятлар ва афсоналардан олинган маълумотларни бир жойга жамлаб, биз шуни қайд қила оламизки, ўнта асосий шогирднинг феъл-атвори бири-бирига ўхшамаган бўлган, уларнинг қобилиятлари ҳам ҳар хил бўлган, фаолиятлар доираси ҳам бири-биридан фарқ қилган. Инсон табиатини кенг кўламада тушунишга таяниб иш юритган Шакьямуни ҳақиқий маънавий устоз сифатида ўз шогирдларининг ички имкониятларини рўёбга чиқаришни ўйлаган ва уларнинг хилма-хил истеъдодларидан, ҳар хил иқтидорларидан ва майлларидан кенг фойдаланган.

**САВАТТҲИ ШАҲРИ.** Кошал деган қудратли давлатнинг пойтахти Саваттҳи шаҳри эди. Буддавий матнларнинг хитойча таржималарида “Саваттҳининг уч юз минг аҳолиси” тилга олинади. Уларнинг учдан бир қисми – Шакьямуни ваъзларига қатнаб туришар экан, яна аҳолининг учдан бир қисми Будданинг панд-насиҳатлари тўғрисида эшитган-у, лекин устознинг ўзини ҳеч кўришган эмас, ниҳоят, шаҳар аҳолисининг қолган қисми на Будда тўғрисида, на унинг

таълимоти тўғрисида ҳеч қачон ҳеч нарса эшитилган эмас. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ё шаҳарнинг ярмидан кўп аҳолиси, ё буддавийлар бўлган, ёки янги таълимотга хайрхоҳ муносабатда бўлишган. Бу – буддавийлар жамоасининг шаҳар ҳаётига жуда катта таъсир кўрсатганидан далолат берувчи ишонарли далилдир.

Нима учун Саваттҳида янги таълимот бу қадар хайрхоҳлик билан қабул қилинди ва бу қадар кенг шухрат қозонди? Эслатиб ўтамиз – аввалига Шакьямуни ва унинг тарафдорлари буддавийликни Магадҳининг пойтахти Ражагриҳада тарғиб қилишга катта эътибор берган эдилар. Бундан анча ўтгандан кейингина улар бу салтанатдан шимолда жойлашган Саваттҳи шаҳрида пайдо бўлдилар. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрича, Саваттҳида буддавийликнинг кенг тарқалишига сабаб кўп жиҳатдан савдогар Судатнинг таъсирига боғлиқ бўлган. У валиаҳддан ер сотиб олган ва бу ерда Жетаван монастирини қурган, кейинчалик бу монастир ёмғирлар фаслида буддавий коҳинларга бошпана бўлиб хизмат қилган. Шакьямунининг шогирдлари совуқ қиш фасллари шу монастирда ўтказишган ва у аста-секин шу тарзда диний буддавий амалиётнинг марказига айланган.

Ўзининг таълимоти Саваттҳида ҳукмрон динга айлангунга қадар анчагина қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келган. Ўзининг бутун умри мобайнида у неча марталаб қувғинларга ва ҳужумларга учраган. Буларнинг орасида “тўққиз имтиҳон” деб аталмиш синовлар энг машҳури бўлган эди. Бу – Деваттининг хиёнати ҳам (бу тўғрида кейинроқ муфассал гаплашамиз), жамоанинг қарор топишидаги дастлабки босқичларда браҳманларнинг душманлик ҳаракатлари ҳамдир. Саваттҳида Шакьямунининг таъқиб қилинишининг сабаблари турфа хил эди. Шубҳа йўқки, биз янги таълимот билан Кошал салтанатида амал қилган диний қарашлар ўртасидаги нифоқ тўғрисида гапиришимиз мумкин. Кошал ҳам, Магадҳ ҳам Шакьямуни туғилгандан бироз аввал Ҳиндистоннинг сиёсий ҳаётида олдинги ўринларга чиқа бошлаган эди. Ҳар икки пойтахтда ҳам браҳманлар мазҳабларининг раҳбарлари, хусусан, “олти нобуддавий устоз”, шунингдек, дарбадар зоҳидлар ва фидойилар бориб туришган. Гарчи ўша пайтларда маънавият соҳасида янги ғояларнинг туғилиш ва шаклланиш жараёни давом этаётган бўлса-да, браҳманлар аввалгидек сарой доираларида ва юқори табақалар орасида ҳамон ҳурмат ва эътиборга эга эдилар. Албатта, браҳманларнинг роли қай бир даражада расмий эди ва диний расм-русумларни амалга оширишдан иборат эди, аммо шундай бўлса-да, Шакьямуни ошқора тўсқинликларга ва ўз таълимотини хушламаслик ҳолларига рўпара келди.

Шакьямуни ва унинг шогирдлари теварагидаги муҳит жуда ҳам ёмон эди. Браҳманлар янги таълимотни бадном қилишга ва унинг Саваттҳида мустаҳкамланишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар хил бемаъни миш-мишларни тарқатдилар. Масалан, уларнинг идаоси билан Синка деган бузуқ аёл ўзини Шакьямунидан ҳомиладор деб эълон қилди. Бошқа бир гал браҳманлар Сундарий деган бузуқ аёлни ўлдиришди. Уни ўлдиришдан аввал унинг Шакьямуни билан ҳаром алоқалари тўғрисида миш-мишлар тарқатдилар, кейин бу қотилликни буддавий коҳинлар бўйнига ағдардилар. Улар ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун ҳар қандай қабиҳ ишларга ҳам тайёр эдилар, аммо Шакьямунининг қатъияти ва донолиги қора кучларнинг дағдағасини ва нафратини енгиб ўтишга ёрдам берди. Ўз ақл-идрокининг кучи билан, ҳақиқатнинг кучи билан душманларини енгиб ўтар, тўсиқлар устидан голиб чиқар экан, у Қонуннинг бутун мамлакат бўйлаб тарқалиши учун ҳам янги имкониятлар очди.

Бизга инқилобнинг доимий муҳолифи маълум – бу аксилинқилобдир. Инсонпарварлик ғоялари муқаррар тарзда жамиятдаги ҳукмрон кучларнинг хилма-хил тўсқинликларига учрайдилар. Саваттҳида буддавийлик кенг тарқалган экан, бунда Шакьямуни ва унинг шогирдларининг хизмати катта.

Мен яна битта мисол келтиришни истаيمان. У ҳам анъанавий диний гуруҳларнинг янги ғояларга нисбатан салбий муносабатларини яхши намоёниш қилади. Саваттҳида Агни деган олов тангрисида топинадиган бир браҳман бор эди. Жамиятнинг ижтимоий ва табақавий тузилмаларига доир ҳар қандай масалада қотиб қолган ақидаларга қаттиқ амал қиларди. Садақа йиғиб юрган

Шакьямунини кўриб, уни “ифлос тиланчи, пасткаш” деб ҳақорат қилади. Браҳман бўлмаган қоҳинларни кўрганида у ҳар гал шунақа қилар экан. Шакьямуни унинг сўкишига куйидаги сўзлар билан жавоб берад экан: “Ҳеч ким браҳман бўлиб туғилмайди. Ҳеч ким дахлсиз бўлиб туғилмайди. Одамни браҳман қиладиган ҳам, дахлсиз қиладиган ҳам унинг ишларидир”.

Кўрамизки, буддавийлик бундан 25 аср олдин эълон қилган ахлоқий нормалар бугун ҳам ўзининг қимматини йўқотган эмас. Шахсининг ҳақиқий қадри, шахсиятнинг бойлиги инсоннинг қайси ижтимоий табақага мансуб оилада туғилгани билан белгиланмайди, балки унинг турмуш тарзи ва руҳий дунёси билан белгиланади. Баъзи бир тадқиқотчилар Шакьямунининг ҳинд жамиятида қарор тошган ижтимоий табақаланишни ва табақаларга ажратишни тан олмаган дейишади. Хўш, нима учун у анъанавий муносабатлар тизимини парчалаб ташламаган. Будданинг зиммасидаги чинакам вазифасини теран англамаслик оқибатида бу масаланинг сабабини тушунмаслик кучаяди. Шунини унутиш керак эмаски, Шакьямуни ҳаётнинг ташқи шакллари ўзгартиришга интиланган ислоҳотчи ёки исёнкор бўлган эмас. У олдинга сурган гоёлар инсоннинг ички дунёсини ўзгартирмоғи керак эди. Бу гоёлар инсониятни эзиб келган ёвузлик табиатини англаш ёрдам берган ва изтироблардан қутулишнинг муайян йўллари кўрсатиб берган. Буддавийлик ҳақиқатлар ва этик қадриятларнинг шундай бир тизимини таклиф қилганки, бу тизим моҳиятан, вақт ҳукмига бўйсунмайдиган тизим бўлган.

Биз бирон-бир атоқли шахсни шу шахс яшаган давр ва ижтимоий тузум билан қиёслашга ўрганиб қолганмиз. Буддага – орифликка эришган инсонга, қолаверса, бошқа улғу диний арбобларга ҳам бундай ёндашиш тўғри эмас. Бунақа кўламдаги шахслар долзарб сиёсий ва ижтимоий масалалар ечимини таклиф қилмайди, улар борлиқнинг мангу муаммоларини идрок этадилар.

Шакьямуни анъанавий ижтимоий ва табақавий тафовутларни қабул қилмаслигини ошқора айтган ва шунинг учун буддавий жамоа аъзолари ўртасида қатъий тенглик тамойилини жорий қилган. Унинг учун одамнинг ўтмишида браҳман ёки кшатрий, вайшя ёхуд шудра бўлганининг мутлақо аҳамияти йўқ эди. Жамоага уюшган қоҳинлар мутлақо тенг эдилар. Буни ҳинд жамиятининг келажакда амалга оширилиши эҳтимол бўлган лойиҳаси деб қараш мумкин.

Буддавийларнинг Саваттҳидаги фаолияти тўғрисида кўпгина ҳикоялар сақланиб қолган. Улардан бирида Мригара-матри тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу аёл Анг салтанатида бадавлат бир одамнинг оиласида дунёга келган ва уни Вишакҳа деб номлашган эканлар. У ёшлик чоғларидаёқ Будданинг ваъз-насихатларини тинглаган ва янги таълимотни чин дилидан қабул қилган экан. Кейинчалик у Саваттҳида яшайдиган, Мригара уруғига мансуб бир бадавлат савдогарга турмушга чиқади. Тўй кунини куёвнинг ота-оналари уйларига 500 та яланғоч браҳман-зоҳидни таклиф қилишади – улар шу йўл билан тўйнинг янада тантанаворроқ бўлишига эришмоқчи бўлишади. Келин бунга қаршилик қилади ва браҳманларни қайтариб юборишга тўғри келади. Вишакҳа куёвга ва унинг ота-оналарига Будданинг оғзидан эшитганларини айтиб беради. Уларнинг ҳаммаси янги таълимотни қабул қилади.

Келтирилган ҳикоя шундан далolat берадики, Вишакҳа, шак-шубҳасиз, одамларга ўз гапини уқдира оладиган иқтидорга эга бўлган. Кейинчалик эрининг қариндошлари Вишакҳага эҳтиром кўрсатиб, Мригара-матри (санскритда “матри” – она дегани) деб аташган ва бу билан унинг диний масалалардаги ҳурмат-эътиборини таъкидлаб кўрсатишган.

Саваттҳи аҳли ҳам уни Мригара-матри деб атаган. Қалби Буддага миннатдорлик туйғулари билан тўлиб-тошган Мригара-матри жамоага совға сифатида кичикроқ бир бинони тухфа қилади, кейинчалик уни “Мригара-матрининг кулбаси” деб атай бошлайдилар.

Буддавийлар динининг Судатт ва Мригара-матри каби садоқатли тарафдорлари томонидан буддавийлар жамоасининг қўллаб-қувватланиб тургани вақти-соати келиб браҳманларнинг қаршичилигини енгиб ўтишга ёрдам берди ва Саваттҳи аҳолиси ўртасида буддавийликни тарғиб этишни давом эттиришга имкон туғдирди. Бунга подшо Пасенадининг янги динга кириши

хам катта ёрдам берди. Пасенади Кошал ҳукмдори эди, кейинчалик Шакьямунининг энг қудратли ҳомийларидан бири бўлиб қолди.

Анбанага кўра, қадимги Ҳиндистонда энг олий ҳурматга сазовор бўлган одамлар подшоҳлар билан браҳман-қоҳинлар бўларди. Шакьямунига кўрсатилган ҳурмат ва муҳаббат подшоҳларга кўрсатиладиган ҳурмат ва эътиборни орқада қолдириб кетди. Пасенади буни муносиб баҳолади ва орадан кўп ўтмай унинг қалби Буддага нисбатан эҳтиромга тўлиб-тошди, чунки орифликка эришганининг панд-насихатлари ҳокимият ва бойликка қараганда қалб ва ақлни кўпроқ жалб қиларди.

Бағри тош қароқчи Ангулиналининг буддавийликни қабул қилиш тарихини келтириб ўтмоқчиман. Хитойча матнларда уни Чжиман деб атайдилар. Бунинг маъноси — бармоқлардан ясалган маржон деганидир.

Бўлажак қароқчи браҳман оиласида туғилади ва анбанавий тарзда таҳсил кўради. Шундай бўладики, Ангулиналини ўзининг муаллими ва унинг хотинини алдайди. Бу алдов йигитни гуноҳлар чоҳига ботиради, у қароқчи ва қотилга айланади, унинг ёвузликлари одамлар қалбида кўрқув ва даҳшат туедиради. Будда билан учрашиб, у Буддага ҳужум қилишни кўнглига тутади. Аммо Будда илоҳий қудратини намойиш этади ва қароқчининг устидан ғолиб келади, негаки унинг бу осий бандани ёвуз кучлар асоратидан қутқаришга аҳди жуда қаттиқ эди. Будданинг панд-насихати Ангулиналининг қалбига етиб боради. Бу эса ҳамдардлик ва меҳр-шафқатнинг қудрати нақадар буюк эканидан далолат беради. Биз бемалол айтишимиз мумкин — чинакам имон нафақат қалбга хотиржамлик бахш этади, балки у шундай улуг бир қудратдирки, бу қудрат инсонни изтироблардан холис этишдай юксак мақсадга хизмат қилади.

**ЖАМОАНИ БОШҚАРИШ.** Жетаван монастири буддавийлар жамоаси — сангҳининг йиғинлари ва диний амалиёти ўтадиган жой бўлиб қолди. Сангҳининг таъсири Саватҳи ва Ражагриҳ ҳудудларидан чиқиб, анча олисларга етиб борган эди. Янги таълимот Сикетда, Банорасда, Вайшалида, Косанбида ва Ужжайнда борган сари кучга кириб бормоқда эди. Булар, асосан, Марказий Ҳиндистонда, карвон йўллари бўйларида, Ганга дарёсининг ўрта оқимида жойлашган эди. Бу шаҳарларнинг аҳолиси гарчи Саватҳидагидек бўлмасда, ҳар ҳолда, Шакьямуни ва унинг шогирдларига кўп ёрдам бердилар. Айрим кишилар жамоага бир неча монастир тортиқ қилишди: Саггапарна-гуҳа (“Етти япроқ юри”) Ражагриҳда бўлиб, кейинчалик буддавийларнинг биринчи ижмоси шу ерда ўтказилган эди; Вайшали яқинида жойлашган “Улуғ ўрмон” монастири, Банорасдаги “Кийик дара” монастири шулар жумласидан эди. Буддавийликни қабул қилганларнинг сафлари кенгая борди, Будда таълимоти одамлар қалбини ром қилган эди.

Аввал бошида сангҳа қоҳинларнинг шунчаки биродарлиги эди; кейин аёл қоҳинлар ва эркак буддавийларнинг жамоалари майдонга келди. Шу тарзда сангҳи тўрт гуруҳдан ташкил топа бошлади — биринчи гуруҳ бҳиккху ёки қоҳинлар, иккинчи гуруҳ — бҳиккхуни ёки аёл қоҳинлар, учинчиси — упаъсак, яъни эркак буддавийлар ва ниҳоят, тўртинчи гуруҳ — упаъсик — яъни аёл буддавийлардан иборат бўлган. Жамоа ҳаётини тартибга солиб турадиган низомномани ишлаб чиқиб, қабул қилиш зарурияти туғилди.

Мавжуд манбаларда тавсиялар мажмуасининг салобатли рўйхатлари сақланиб қолган. Уларда — эркак қоҳинлар учун 250 ва аёл қоҳинлар учун 500 қоида мавжуд. Назаримда, Шакьямуни ҳаётлик чоғида низомнома бунақа даражада салобатли бўлмаган бўлса керак. Лекин у пайтларда эркак ва аёл буддавийларнинг қоҳинликка қабул қилиниш тартиблари, турфа хил тантанали маросимлар ва диний расм-русумлар анча-мунча батафсил ишлаб чиқилганига шубҳа йўқ, албатта. Қоҳинларнинг ҳаёти теран медитация амалиётидан (дхян) ва доноликка эришмоқ учун доимий интилишдан (пражня) иборат бўлган; уларга “буддавийликнинг уч буюк хазинаси” деб аталмиш нарсаларга, яъни Буддага, Дҳармага ва сангҳага чексиз иззат-икром ва эҳтиром кўрсатиш тавсия қилинган. Оддий буддавийлар учун эса юқорида тилга олинган бешга асосий қоида ёки аҳд белгилаб қўйилганди. Булар — тирик махлуқларга озор

етказмаслик, сеники бўлмаган нарсани қўлга олмаслик, эҳтирослар таъсирида юз берадиган ёмон хулқдан сақланиш, ёлгон гаплардан ўзини тийиш, ичкилик ичмаслик. Булар одамларнинг юриш-туришларини белгилайдиган ахлоқ нормалари эди, диний амалиётда эса улар доимий равишда Қонун ҳақида мулоҳаза юритмоқлари ва ўз-ўзларини мукамаллаштирмоққа интилмоқлари керак бўлган.

Одамларнинг қалбини яхши пайқайдиган ва уларга ўз таълимотини эринмай бардош билан уқдирадиган Шакьямуни ўз қавмига бундай тавсияларни раво кўргани эҳтимолдан узоқ. Аксинча, орифликка эришгач, бу дунёни тарк этиб, нирванага рихлат қилганидан кейин Будданинг тарафдорлари бу қоидаларни ишлаб чиққан бўлишлари мумкин. Улар шу йўл билан буддавийлар жамоасида интизомни зарур бўлган даражада ушлаб туриш мумкин деб ўйлаган бўлсалар керак.

Қоидаларнинг бу залворли мажмуи буддавийликни нотўғри тасаввур қилишга сабабчи бўлган. Кўп ҳолларда буддавийлик ўзига эътиқод қўйган одамлардан ўта қатъий тақиқларга риоя қилишни ва сўзсиз итоаткорликни талаб қилувчи дин деб қаралган. Бу Шакьямуни тимсолига ҳам, унинг даъваткорлик услубига ҳам зиддир. У ҳеч қачон одамларни дунёвий ишғиёқларнинг ҳаммасидан воз кечишга мажбур қилмаган, аксинча, ҳамма вақт соғлом ақл билан иш юритишга чақирган. Шакьямуни ҳамиша гедонизмнинг ҳам, бағри тош зухдиётнинг ҳам бир томонламаликларидан огоҳ қилиб келган ва ўзи “ўртача йўл” тамойилини эълон қилиб, бутун умри давомида шунга амал қилиб келган.

Шакьямуни Қонунни тарғиб қила бошлаган кезларда аёлларнинг жамоа ҳаётида иштирок этиши қатъиян рад этиларди. Кейинчалик Ананд аҳволни ўзгартиришга муваффақ бўлди ва Шакьямунининг туғишган холаси, унинг болагига онаси ўрнига она бўлган Маҳап्राжапати жамоага кирган биринчи аёл бўлган. Шакьямунининг аёлларга муносабати қандай бўлган? Бу саволга лўнда қилиб, бир сўз билан жавоб бериш қийин. Будданинг ваъзларида биз аёллар ҳақидаги мулоҳазаларни учратмаймиз, унинг эркаклардан кўра аёлларга бошқачароқ муносабатини бевосита ёки бавосита кўрсатадиган далилларга рўпара келмаймиз.

Мана, Будданинг эр-хотин зиммасидаги вазифалар тўғрисида айтган баъзи мулоҳазалари: Хотин – деб ўргатади у, – моҳирлик билан рўзгор юритиши, эрнинг дўстлари ва танишларини ҳурмат қилиши, хушфеъл бўлиши, бокиралигини сақлаши керак. Эрнинг вазифасига хотинига садоқатли бўлиш, хушмуомилалик билан унинг қўнглини олиш киради. Эр хотинига ғамхўрлик қилмоғи, уни ясантириб ва безантириб қўймоғи, унга қувонч бағишлаб, ҳузур-ҳаловатини таъминлаб турмоғи лозим. Шу сўзларга қараб, Шакьямунининг аёлларга нисбатан ёмон муносабатда бўлгани тўғрисида хулоса чиқариш мумкинми? Йўқ, оилавий иттифоқда аёлнинг роли тўғрисидаги унинг қарашлари оқилона ва олижаноб қарашлардир.

Яна бир нарсани эслатиб ўтиш зарур кўринади: қадимги Ҳиндистонда аёллар иккинчи навдаги махлуқлар қаторида саналган, ҳатто бадавлат хонадонларда ҳам уларга қуллардан кўра жиндай тузукроқ муомала қилганлар, холос, айниқса, у туғмай қўйгандан кейин унга муносабат янада ёмонлашган. Агар оилада меросхўр ўғил бўлмаса, эр хотинини қўйиб юборишга ҳақли бўлган. Шунинг учун эркакнинг устунлигини таъкидлаб яшайдиган жамиятда Шакьямунининг қарашлари ноанъанавий бўлган ва уларни шак-шубҳасиз тараққийпарвар, илғор деб баҳолаш лозим. Шундай бўлишига қарамай, Шакьямуни аёлларни жамоага қабул қилишга эътироз билдирган. Эҳтимол, у ўз шогирдларини кундалик турмушда эркак ва аёлнинг ўзаро мулоқотлари жараёнида туғилиши мумкин бўлган васваслардан асрамоқчи бўлгандир. Шакьямуни учун энг муҳими ардоқли ҳақ жамолига эришмоқ учун бу дунё неъматларидан воз кечиб, таркидунё қилганларга ёрдам беришга интилиш бўлган. У шогирдларининг ҳам худди ўзи каби юксак орифлик даражасига эришмоғини истаган. Донолик чўққилари сари элтувчи йўл машаққатли ва қийин йўлдир, у одамдан тиниқ тафаккурни ва матонатли иродани талаб қилади. Шунинг учун ҳам Шакьямуни жамоага аъзо бўлган



ҳар бир одамнинг бирдан-бир мақсади қонунни идрок этишга бўйсундирилган бўлиши керак деб ҳисоблаган.

Буддавий матнларда кўпинча аёллар “ҳайвоний руҳнинг тажассуми” сифатида ёки “беш тўсиқ сабабкори” тарзида тилга олинади. Тахмин қилиш мумкинки, бу таърифлар буддавий-браҳманлар томонидан ёшроқ қоҳинларни аёлларнинг ёмон таъсиридан асраш учун ўйлаб топилган. Ўша кезлардаги ҳинд адабиётида аёллар гоёда шаҳватпараст ва маккора махлуқлар сифатида кўрсатилган. Бундан ташқари аёлларнинг оиладаги таҳқирли ҳолати уларнинг табиатидаги энг яхши сифатларнинг намоён бўлишига ёрдам берган эмас. Шундай бўлишига қарамай, Шакьямуни умрининг сўнггида аёлларнинг сангҳига киришига ижозат беришни мумкин деб ҳисоблаган, уларнинг табиатида теран ўзгаришларни барпо этиш орқали уларнинг чинакам бахтга эришмоғи мумкин деб ўйлаган.

Буддавийлик таълимоти нуқтаи назаридан аёллар диний ҳаётга эркакларга нисбатан камроқ қобил эмаслар. Буддавийликнинг маҳаяна тариқатига мансуб қадимги матнларда, айниқса, Нилуфар гули тўғрисидаги Сутрада аёллар ҳам будда ҳолатига эришишлари мумкинлиги тўғрисида аниқ гапирилади. Бу — Шакьямунининг фикридир. Шакьямунининг туғишган ҳолати Маҳапражапати жамоага киргандан кейин сангҳи ривожда янги босқич бошланди. Аёл қоҳинларнинг сони аста-секин ортиб борди. Уларнинг орасида энг машҳурлари подшо Бимбисаронинг хотини Кҳема (уни “донолар доноси” деб атаганлар) саваттҳилик савдогарнинг қизи Ушпалаванна, “ваъзхонлик санъатининг пешвоси” деб ҳисобланган Даммадина каби аёллар эди.

**ДЕВДАТТ БИЛАН БУДДА ЎРТАСИДАГИ ИХТИЛОФ.** Девдатт билан Будда ўртасидаги ихтилоф номи билан маълум бўлган воқеалар тасвирига ўтайлик. Девдаттни ўз устозига қарши бош кўтаришга мажбур қилган нарса нима?

Юқорида эслатиб ўтилганидек, Девдатт донгдор уруққа мансуб эди ва у шакьялар қабиласининг бошқа вакиллари билан бирга буддавийликни қабул қилганди. Улар Шакьямунининг Капилвасту шаҳридаги ваъзини эшитиб, шу қарорга келишган.

Девдатт Шакьямунига туғишган жиян бўлар ва Будданинг сеvimли шогирди Ананднинг укаси эди. Ака-укаларнинг ёши 30 лар атрофида бўлиб, улар улуг устозларидан икки барабар ёш эдилар. Девдатт ва буддавийликни янги қабул қилган унинг дўстлари жамоа ҳаётига ёшларга хос бўлган жўшқинлик ва некбинлик олиб киришди.

Кунлардан бирида Шакьямуни Косамбига йўл олди — бу шаҳар Ҳиндистоннинг шарқида жойлашган эди. Авваллари у бу шаҳарда бир неча марта бўлган эди. Бу бориши эса орифликка эришганидан ўттиз йил ўтгандан кейинги бориши эди. Ҳамиша диний изланишлар денгизига чўмиб, ювошгина юрадиган Девдатт бу гал эҳтиромларга берилиб, давлат ва шуҳрат иштиғоқига тушиб қолганди. Шуҳратпарастлик алангаси баъзан инсоннинг ақлини ҳам, қалбини ҳам куйдириб кул қилади. Девдатт ҳам бу иштиғоққа қаршилиқ кўрсата олмади. Девдатт Бимбисаронинг ўғли Ажаташатру билан тил бириктирди. Девдатт шаҳзоданинг ҳукмдор бўлмоқ ниятини биларди ва давлатни бошқариш жиловини бермаётгани учун Бимбисародан норози экани ҳам қулоғига келиб етганди. Шунинг учун Девдатт унинг ишончини қозонади ва унга кўмаклашишга ваъда беради. Ажаташатру миннатдорлик юзасидан унга кўпдан-кўп совға-саломлар беради. Буни кўриб, бошқа роҳибларнинг ҳасади ўт олади. Бундан хабар топган Шакьямуни ожизликлари учун шогирдларига дашном бериб уялтиради ва шон-шуҳратга, молу-дунёга ҳирс қўйиш буддавийлик таълимотининг юксак ақидаларига тўғри келмаслигини уқдиради. Шакьямуни шаҳзоданинг совға-саломлари Девдаттни йўлдан уришини ва ёвузликнинг қўлидаги қуролга айлантириб қўйишини башорат қилган эди.

Кўрамизки, Девдаттнинг феъли-атвори ва яширин ниятлари ўша вақтлардаёқ Шакьямунига аён бўлган. Буддага ҳасад қилиш унинг қалбида нафрат ва ёвузликни туғдирган. Эҳтирослар қуёнида қолган Девдатт Шакьямунидан очиқчасига сангҳига раҳбарликни ихтиёрий равишда унга

топширишни талаб қилган. Бу воқеа Будданинг кўшига шоғирдлари кўз ўнгида рўй берган. Шакьямуни жамоани бошқариш ишини ҳатто Шарипутр ва Маудгальян каби атоқли шоғирдларига ҳам ишонмаган бўлардим деб, Девдаттнинг идиоларини рад этади. Шарипутр билан Маудгальянни “ақл-заковатнинг порлоқ машғаллари” деб атаб, Девдаттни эса “тунда милтираб турган сўник шам”га қиёс қилади, бу билан Шакьямуни Девдаттнинг иззатнафсига жуда қаттиқ теккан эди. Бундан қаттиқ дарғазаб бўлган Девдатт ўзини бошқара олмай қолади ва Будда билан тикка олишувга киришиб, уни буткул йўқ қилишга қасд қилади.

Девдаттнинг бу борада қўйган биринчи қадами шу бўладики, у Ажатшатрунинг Бимбисарога қарши кўтарган исёнига яқиндан ёрдам беради. Маълумки, Бимбисаро Шакьямуни ва унинг тарафдорларининг нуфузли ҳомийси эди. Бир тахминга қараганда, Ажатшатру отасини зиндонга ташлаган, ота у ерда очликдан ўлган, исёнкор ўғил эса тахтни эгаллаган. Бошқа бир тахминга кўра Бимбисаро ўғлининг ҳокимиятга эришиш учун бу қадар ишғиёқ билан ҳаракат қилаётганини кўриб, ўзи ихтиёрий равишда тахтдан воз кечган. Магадҳнинг янги ҳукмдори мақсадига эришгач, Девдаттга ҳомийлик қила бошлаган.

Девдатт қилган ёвузликлар ичида навбатлагиси Будданинг ҳаётига қилинган суиқасд эди. Девдатт Ажатшатруни қотиллар ёллаб, уларни Шакьямунини ўлдиришга юборишга кўндиради. Аммо юборилган қотиллар орифликка эришган устозни кўришлари биланоқ унинг оёғига йиқилиб тавба қилишади. Суиқасд барбод бўлгач, Девдаттнинг ўзи Буддани ўлдирмоқчи бўлади. Шакьямуни Гридҳаркут тоғида – лочин чўққи пойларига ибодат қилиб ўтирган пайтда Девдатт унинг бошига тош ташлайди. Иттифоқо, тош унинг бошига тегмайди, оёғини бироз шикастлантиради, холос. Бошқа бир ривоятга қараганда, Девдатт Шакьямуни садақа йиғиб келаётган кўчага қутурган филни қўйиб юборган экан. Бироқ қутурган фил Буддани кўриш билан бирдан ювош бўлиб қолган ва унга ҳеч қанақа зиён-заҳмат етказмаган. Девдаттнинг энг катта ёмонлиги шу пайтга қадар аҳил ва иттифоқ бўлиб яшаб келган сангҳига нифоқ уруғларини сепиш бўлган. Девдатт коҳин биродарларига “буддавий роҳибнинг беш аҳдини” таклиф қилади ва уларни оғишмай бажо келтиришни талаб қилади. Девдатт ишлаб чиққан қоидалар қуйидагича эди: 1) коҳинлар шаҳарлар ва қишлоқлардан олисда истиқомат қилмоқлари керак; 2) мўл-кўл тортиқлардан воз кечиб, фақат арзимас совға-саломларнигина олмоқлари жоиз; 3) янги либослар киймай, фақат йиртиқ-ямоқ ва чувринди либослар киймоқлари зарур; 4) ўрмонда яшамоқлари шарт, одамлар яшайдиган уйларнинг остоналаридан ҳатлаб ўтмасликлари керак; 5) гўшт ва балиқ истеъмол қилмасликлари зарур. Бу беш аҳднинг биринчиси ёмғирлар фаслида одатда коҳинлар учун бошпана бўладиган “Жеватан”, “Бамбуқдара” ва бошқа монастырларга қарши йўналтирилган эди. Бадавлат ва нуфузли художўйлар жамоа фойдасига борган сари мўлроқ ва созроқ тухфа-инъомлар қила бошлаган эдилар. Иккинчи аҳд ана шуларга қарши йўналтирилган эди. Девдатт ўзини коҳинларнинг беғараз фидокорлиги учун қурашаётгандай кўрсатишга ҳаракат қилиб, ўзи таклиф қилаётган қоидаларни қабул қилишга ундар эди. Бу ғоятда маккорлик билан қурилган режа эди – у зуҳдиётнинг ҳар қандай биртомонламаликларига қарши чиқадиган Шакьямунининг бундай янгиликларни қабул қилмаслигига мўлжалланган эди. Амалда шундай бўлиб ҳам чиқди. Шунда Девдатт гўё поймол қилинган адолат учун қурашаётгандай, Будда билан бўлаётган бу баҳсда ёрдам беришларини сўраб коҳинларга мурожаат қилади. Буддавийликни яқинда қабул қилганлардан 500 киши Девдаттнинг ваъзларига маҳдиё бўлиб, унинг томонига ўтишади ва сангҳини тарк этиб, унинг кетидан Гайасисута йўл олади. Бу – буддавийлар жамоаси тарихидаги биринчи нифоқ эди.

Бир ҳақиқат яхши маълум – одам тўғрисида фақат унинг гап-сўзларигагина қараб ҳукм чиқариб бўлмайди. Кўпинча ҳокимликка муккасидан кетган одамлар ўзларининг олий ақидаларга содиқ эканликлари тўғрисида жар солиб, имонларининг бақувватлиги ва софлиги жиҳатидан бошқалардан устун туришларини даъво қилишади-ю, аслида эса лақма ва гўл одамларни алдаш

билан шуғулланадилар. Ҳар қанча ачинарли бўлмасин, эътироф этмоғимиз керакки, инсоният ўз тарихида бунақа маккорлик ва мунофиқликка кўп маргалаб рўпара келган.

Одамларда учраб турадиган заифликлардан фойдаланиб, Девдатт жамоанинг бўлиниб кетишига эришди. Шунда Шакьямуни хиёнаткорлар хузурига ўзининг энг яхши шоғирдларини жўнатди. Шарипутр ва Маудгалаян Девдаттнинг даъватлари ва хатти-ҳаракатлари замирида ҳақиқатда нималар ётганини коҳинларга тушунтириб беришади. Натижада 500 та коҳин жамоа бағрига қайтади. Ривоятларга қараганда, Девдатт буни эшитгач, шунақа дарғазаб бўладики, ҳатто оғзидан қон кела бошлади. Охир-оқибатда, унинг жони узилади.

Девдаттнинг ҳомийси ва ҳамкори Ажатшатрунинг аҳволи нима бўлди, дерсиз. Ўзи амалга оширган жиноятлар оқибатида у оғир хасталикка учради, аммо қилмишларига чин дилдан пушмон бўлгани учун дардига шифо топди. Шундан кейин у буддавийликнинг содиқ тарафдорига айланди. Шакьямунининг вафотидан кейин Ажатшатру таълимотни тарқатишда давом этди ва кейинчалик буддавийлик қонун-қоидаларини бир жойга жамлашда сезиларли роль ўйнади. Ажатшатру ҳаётининг можаролари кўпгина асарларда акс этган. Булар ичида, айниқса, Маҳапаринирвана сутра, яъни “Паринирвана ҳақида сутра” деган асар ажралиб туради.

Нилуфар гули ҳақидаги сутрада Девдатт нафақат тарихий шахс сифатида тасвирланган, балки унинг тимсолида одамларга хос бўлган иллатлар ва салбий хусусиятлар умумлаштириб берилган. Манманлик ва очкўзлик, шуҳратпарастлик ва бадқирдорлик, ҳасад ва ёвуз ниятлар — Девдаттни Буддага қарши кураш олиб боришга ундаган иллатлардир. Улар ҳар қандай одам онгининг қаърида пинҳона ётадиган иллатлардир. Нилуфар гули ҳақидаги Сутрада шундай дейилади: ўз-ўзини мукамаллаштиришдек юксак ва олижаноб ниятга ўзини бағишлаган одам будда ҳолатига эришмоғи мумкин. Негаки, бу ҳолатнинг манбаи инсоннинг ботинидадир. Ўз ҳаётини ва ўзининг чин “мен”ини англашда ҳар қандай одамга ёрдам берувчи буддавийлик таълимотининг асоси ҳам ана шунда.

## НИРВАНАГА ТАШРИФ

**ШАКЪЯМУНИ ҲАЁТИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИДАГИ ҚАЙГУЛИ ҲОДИСАЛАР.** Шакьямуни вафотининг тафсилотлари ёки унинг нирванага риҳлат қилгани Маҳапаринирвана-сутрада баён қилинган. Ражагриҳ яқинидаги Лочин тоғ ёнбағирларидан тушганидан кейин Шакьямуни садоқатли Ананд ва 500 та шоғирди ҳамроҳлида шимолга йўл олади. Будданинг фоний дунёдаги умри Кушинагар атрофларидаги боғлар бағрида малл қабиласи истиқомат қиладиган жойларда ниҳоясига етди.

Ривоятларда Будданинг фоний дунёдаги ҳаётининг сўнгги олти оғи, шунингдек, унинг жасади қандай ёндирилгани ва хоки шоғирдлари ўртасида қандай тақсимлангани ҳақида ҳикоя қилинган. Қайд қилмоқ керакки, Будданинг сўнгги сафари олдидан иккита ҳодиса содир бўлган эдики, бу ҳодисалар Шакьямунининг қаттиқ қайғуларига сабаб бўлган эди. Булардан бири — унинг икки шоғирди — Шарипутр билан Маудгалаяннинг вафоти, иккинчи қайғули воқеа — шакьялар қабиласининг бўйсундирилиши бўлганди.

Шарипутр билан Маудгалаяннинг роли шу қадар катта бўлган эдики, қадимги матнлардан бирида буддавий коҳинлар жамоасининг бошлиғи сифатида Шакьямуни эмас, Шарипутр тилга олинган. Ҳаётининг сўнгги йилларида Будда уларга шу қадар ишонганки, ҳатто ўз таълимотининг тафсири ва тарғиботини ҳам уларга ишониб қўйган. Жамоа ҳаётидаги жуда жиддий биринчи таназулни — Девдатт бошлаб берган нифоқни бошидан кечираётганда бир-бири билан чиқишмаётган томонларни яраштиришни Будда Шарипутрга

ва Маудгалаянга топширган. У ҳеч қачон ўзининг ворисларининг номини тилга олган эмас, эҳтимол, шогирдлари ичида ворисликка энг муносиби деб шу икки шогирдни ҳисоблаган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бу икки ажойиб инсоннинг бевақт ўлими Шакьямунини қаттиқ изтиробга солади. Шарипутр ўзи туғилиб ўсган Нарак қишлоғида вафот этган, Муадгалаянни эса жамоа учун садақа йиғиб юрган вақтида бир браҳман ўлдирган. Бу икки содиқ дўстнинг қисматини алланечук сирли бир ришта бир-бирига боғлаб турарди. Уларнинг вафоти ҳам деярли бир вақтда содир бўлди. Севимли шогирдларининг вафоти муносабати билан Шакьямуни чеккан ҳадсиз алам ва ғусса ҳақида ҳикоя қилар экан, ривоятда Будданинг ўзининг қуйидаги сўзлари келтирилади: “Ўлим Шарипутр ва Муадгалаянни олиб кетди. Дунё назаримда ҳувиллаб қолгандай совуқ кўринади”. Будданинг ўз шогирдларига муҳаббати нечоғлик катта бўлса, унинг қайғуси ҳам шу қадар ҳадсиз ва теран бўлганди. Шогирдларининг ҳар бирининг назарида Будда гўё аини унинг қисмати учун қайғураётгандай туюлган эди. Аммо Шакьямуни дунёвий ғам-ғуссалардан юқори турарди, у яна бир ғайрат қилиб, шогирдларининг руҳини ва матонатини қуйидаги сўзлар билан мустаҳкамлайди: “Нега сиз қайғуга ботгансиз ва ҳасрат чекапсиз? Шарипутр вафот этган бўлса, Қуёш сўнгани йўқ, Замин кукунга айланиб кетмаган-ку!”

Ҳаёт ўзгарувчан, унинг оқимини олдиндан айтиб бериб бўлмайди. Баъзан у пўртанали денгиздай одамларни синовдан ўтказди. Фақат букилмас имон, ишонч ва мардликкина ҳаёт кемасининг ардоқли манзилга етиб боришини таъминлайди. Буддавийлик назарияси шундай деб таълим беради ва Шакьямуни Қонунни тарғиб қилиш меҳнатини зиммасига олган шогирдларининг Қонун қудратига теран ишонишларига эришмоққа интиларди. Будда бу фойий дунё билан видолашиш онлари яқинлаб қолганини ҳис қиларди, ҳадемай унинг шогирдлари ҳам устозларидан ажраб, ёлғиз қолишганини ҳис қилишарди.

Будданинг ҳаёти катта-кичик ташвишларга тўла эди. Ҳатто сўнгги йиллар ҳам унга хотиржамлик келтирмади. Шарипутрнинг ўлими ва Маудгалаяннинг ҳалокати тўғрисида хабар билан деярли бир вақтда Будда шакьялар давлатининг Кошалнинг янги ҳукмдори подшо Видудабх томонидан босиб олингани ҳақидаги хабарни эшитди. Шакьялар салтанатининг қулаши ўз тарихига эга. Биз биламизки, Шакьямуни тахтдан воз кечмасдан олдиноқ Кошал салтанати подшо Пасенади ҳукмронлик қилган даврда ўз қудратини мустаҳкамлади ва анча юксалди. Пасенади ўз сулоласининг обрўйини кўтариш мақсадида шакьяларнинг жуда қадимий ва зодатон қабиласидан чиққан бир қизга уйланмоқчи бўлади. Шакьялар подшосининг қариндош-уруғлари Кошал ҳукмдорини ўзига номуносиб ҳисоблаб, уни унча хушламаас экан. Аммо бақувват қўшинга қарам бўлганлари учун Кошал ҳукмдорининг уйланмиш ҳақидаги ниятларига тўсқинлик қила олмапти. Шунда шакьялар ҳукмдори тагдор бир ҳазилни ўйлаб топибди: Пасенадига подшонинг никоҳсиз туғилган қизини беришибди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Пасенади жуда катта тўй-томошалар қилиб, қизга уйланади, вақти-соати етиб келиб, хотини ўғил туғиб беради. Шу тарзда валиаҳд шаҳзода Видудабх дунёга келади. Улғайганда Видудабх дағал ва сержаҳл, бағритош ва совуқ одам бўлиб етишади. Шакьялар ундан ҳазар қилар ва унинг келиб чиқишидаги нохуш жиҳатлар устидан куларди. Бунинг учун эса Видудабх шакьяларни бутун вужуди билан ёмон кўрарди. Капилвастуда таҳсил кўрган Видудабх душманларининг таъзирини бериб қўйиш учун кулай имкониятни кутиб юрган. Шундай кулай фурсат келиши биланоқ у мамлакатда ҳокимиятни босиб олган. Бу пайтларда унинг отаси подшо Пасенади 80 ёшга кирганди. Содир бўлган воқеалардан қаттиқ изтиробга тушган Пасенади ёрдам сўраб Ражагриҳга жўнайди, аммо йўлда у қўққисдан вафот этади. Кўрамизки, Шакьямунининг иккала ҳомийси ҳам ҳаётнинг қахру газабидан бенасиб қолган эмас. Пасенади ҳам, Бимбисаро ҳам қариганда бир қисматга рўпара келдилар — уларнинг иккови ҳам ўз

Ўғилларининг хиёнатидан ва бағритошлигидан жабр кўрдилар. Отасининг тахтини босиб олган Видудабх кўп сонли қўшин билан шакьялар устига юриш қилади. Биринчи сафар вақтида у ўз юртида ваъз ўқиб юрган Шакьямуни билан учрашади. Будда қасоскор ҳукмдорни шакьялар салтанатининг чегарасини бузмасликка кўндиради. Бир неча марта Будданинг мўъжизакор сўзлари ватандошларининг бошидан қора булутларни аритди. Лекин кўпинча шундай бўладики, мияси нафрат ва ҳокимиятпарастлик оғулари билан заҳарланган одам қалбидаги чинакам бахт куртакларини маҳв этаётганини англамаган ҳолда теварак-атрофидаги ҳамма нарсани барбод қилишга ҳаракат қилади. Шакьямуни ўз ватанининг қисмати ёмон бўлишини сезган, унинг қайғули хотимасини олдиндан кўра билган. Шундай бўлиб ҳам чиқди. Будда янги сафарига отланиши биланоқ Видудабх шакьялар давлатининг ҳудудига бостириб киради ва бу давлатни ер юзидан супуриб ташлайди.

Минглаб йиллар аввал содир бўлган бундай воқеалар тўғрисида ўқир эканмиз, буюк устозни умрининг охирида кўплаб қора кучлар ҳуршаб олганига ишонч ҳосил қиламиз. Унинг тақдирида неча мартадаб ҳаётнинг бевафолиги намоён бўлган! Ҳолбуки у орифликка эришган чоғларида бу ҳаётнинг моҳиятини англаб етган ва умрининг охиригача англаганларини одамларга етказишга ҳаракат қилган эди.

**СЎНГГИ САФАР.** Шакьялар салтанати йиқилгандан кейин Будда Ражагриҳга қайтади ва бир неча вақт ўша ерда қолади. Одатда Ражагриҳда у “Бамбуқзор” монастирида паноҳ топар, ёмғир фасли ўтгандан кейин эса Гридхрукот тоғига йўл олар, у ерда Лочин чўққи этакларида шоғирдлари билан бирга диний амаллар билан машғул бўларди.

Лочин чўққи унча баланд эмас эди – унинг тепасига чиқиш Шакьямуни учун унча ҳам машаққатли кечмас эди. Бу тоғнинг шакли лочиннинг шакли-шамойилини эслатарди, шунинг учун унинг номи Лочин чўққи бўлиб кетганди. Унинг ёнбағирлари – тошлоқ, шу яқин ўртада суви иссиқ булоқ ҳам бор эди – бунақа булоқлар Ҳиндистонда жуда ноёб ҳисобланади. Тоғ тепасидан қаралса, теварак-атрофдаги қалин ўрмонзорларнинг улғувор манзараси очилади. Бу ерлар ибодат учун жуда мос жойлар эди. Будда Нилуфар гули ҳақидаги Сутрада баён қилинган таълимотини дунёга айни шу тоғда туриб эълон қилган, ўзининг сўнги сафарига ҳам у шу тоғдан жўнаган.

Шакьямунининг 80 ёшда эканини эслатиб ўтгандик, лекин у шу ёшда ҳам Қонунни тарғиб қилишда давом этади. Бу ҳол бутунга қадар ҳам унинг тарафдорларига илҳом бағишлайди. Ниятларининг поклиги ва бир мақсадга йўналтирилгани унга қариган йилларида ҳам бардамлик бахш этди ва руҳини тетик сақлаб қолишга имкон берди. Бироқ у жисмонан мункиллаб қолган эди – буни унинг ўзи ҳам кўриб турарди. Матнлардан бирида Шакьямунининг сўнги сафарига ҳамроҳлик қилган Анандга қарата айтган гапи келтирилади: “Мен қариб мункиллаб қолдим, Ананд. Менинг фоний дунёдаги йўлим охирида қолди. Кунларим ҳам санокли қолди, негаки, ёшим 80 га етди. Мен ҳаёт йўлларида имиллаб, гижирлаб кетаётган шалақ аравага ўхшайман”.

Лочин чўққидан у Потали қишлоғига борди, у ерда Ганга дарёсидан ўтиб, ваджялар юртига борди. Одатда у Қонунни тарғиб қилар ва жуда кўп одамлар унинг панд-насиҳатларини қалбан қабул қиларди.

Шакьямуни Ваджя салтанатининг пойтахти Вайшала шаҳри яқинидаги ўрмонда панд-насиҳатлар қилган. Бу ўрмон Амбапали деган бир суюқоёқ аёлнинг тасарруфига экан. Аёл буддавийликни қабул қилган экан. Бу аёл ўрмонида Будда тўхтаганидан хабар тошиб, унинг ҳузурига ошиқади. Сўнг унга ҳурматини изҳор этиб, бирга тамадди қилишга таклиф қилади. Будда унинг таклифини қабул қилади. Будда уни муборакбод қилгани келган зодагонларга қандай ҳурмат-эътибор билан муомала қилган бўлса, Албапаянга ҳам шундай муомала қилади. Кейинчалик зодагон одамлардан бири Шакьямунини зиёфатта таклиф қилади, лекин Будда аввалроқ Амбаланининг

таклифини қабул қилганини айтиб, унинг таклифини қабул қилмайди. Эртаси куни Шакьямуни Амбапалиникига келади ва тамаддидан кейин у билан узоқ суҳбатлашади. Будданинг донолигига қойил қолган аёл жамоага ўрмони ва уйини туҳфа этади.

Шакьямуни ёмғирлар фасли ўтиб кетгунча Ананднинг ҳамроҳлигида “Бамбуқзор” монастирига чекилади. Бошқа шогирдлар бошпана излаб ҳар томонга тарқалиб кетади. Монастирда Шакьямуни оғир хасталикка чалиниб қолади. Дарднинг азоби жуда зўр эди; фақат ирода кучи билан ва Қонунни тарғиб қилишга бўлган жуда зўр иштиёқ туфайлигина Будда дарднинг азобларига дош беради. Саросимага тушиб қолган Ананд устозига нима билан ёрдам беришни билолмай қолади. Лекин баъзи бир матнларда кўрсатилишича, Ананд хотиржам бўлгану жамоага ва шогирдларига кўрсатмаларини тартибга келтириб бўлмагунча Шакьямунининг бу дунёни тарк этмаслигига астойдил ишонган.

Ўлимнинг яқинлашиб қолган шарпасини сезган Шакьямуни сеvimли шогирдига шундай деб мурожаат қилади: “Жамоа мендан яна нима кутияпти, Ананд? Мен таълимотнинг ошкора ва хуфия тарафдорларини бир-биридан ажратмай, Қонунни ўргатдим. Орифликка эришган мураббий ҳеч қачон ўз шогирдларидан ниманидир яширадиган устозга ўхшамайди”. Жамоа тўғрисида у шундай деган экан: “Агар кимдир мен “сангҳани ортимдан эрташтираман” деса ёки “сангҳа менга қарам” деб ўйласа, майли, у бхиккхуга кўрсатмалар берсин. Лекин Татхагата бундай деб ўйламайди”. Бу сўзлар Будданинг фоний дунёдаги умрига яқун ясайди. У ўзини сангҳа аъзоларидан бири деб атаган, қолганлар билан баравар ҳақ жамолини излаган деб ҳисоблаган. У ўз шогирдларининг қалбидаги устозга қарамлик туйғусини заифлаштиришга ҳаракат қилган, негаки, Будда Қонундан кўра буюкроқ устоз йўқ деб ҳисоблаган.

Ўлими яқинлашаётганини сезган Будда жамоага шундай панд-насихатларини қолдирган: “Шундай қилиб, сизлар ўз-ўзларинг учун бир жазирамага айланмоқларинг керак. Паноҳни ўзларингдан топинглар. Бошпанани ўзларингдан ташқаридан бирор жойдан излаб овора бўлманглар. Жазирамадай Қонуннинг этагидан маҳкам тутинглар ва ўзларингдан ташқаридаги ҳеч нарсадан паноҳ изламанглар”. Бу сўзлар таълимотнинг юксак руҳи билан сугорилган, уларда ҳаётда ўзига таяниб ва ўзига ишониб ҳурмат қилишга даъват бор. Инсоннинг ўзлиги, бизнинг назаримизда, Коинотнинг ҳудудсиз ва адоқсиз бўшлиқларида чирпирак бўлиб учиб юрадиган заиф ва ожиз бир заррадек туюлади. Лекин Будда бошқа нарсани гапирди — у қундалик ҳаётий шароитлар таъсирида ўзгариб турадиган инсоннинг ички ўзлиги ҳақида гапирмайди, балки шундай бир ички ўзлик ҳақида гапирдики, у ўзида Қонунни кашф этган, унинг моҳиятини англаган ва ўзини яхлит дунёнинг ажралмас бир қисми деб англаш даражасига кўтарилган. Фақат шуни англагандагина инсон ўз ҳаётини одамларга бағишлайдиган даражага этади.

Буддавийлик инсон онгини тозалашга ҳаракат қилади, уни кўзгудек мусаффо қилишга интилади, унинг доғ тушмаган сатҳида теварак-атрофдаги олам акс этмоғи керак. Ҳақиқат излайдиган инсон Қонуннинг моҳиятини теран тушунишига таянади, негаки, бу Қонун унинг ўзини мукамаллаштириш воситасидир. Менимча, Хитой буддавийлик мактабининг асосчиси Тяньбай буддавийликнинг асосий ақидасига таъриф берар экан, шуларни ўйлаган бўлиши мумкин: “Будданинг таълимоти фақат Қонунни қабул қилган ва унга амал қилувчи инсоннинг онгидагина вожиб бўлмоғи мумкин”.

**ТЕМИРЧИ ЧУНДА.** Юқорида зикр этилганидай, Шакьямуни ҳаётидаги сўнги ёмғирли фаслини “Бамбуқзор” монастирида ўтказди. Кунлардан бирида Будда чапал дарахти остида дам олиб ўтириб, хитоб қилипти: “Олам гўзал ва лол қоларликдир, шунинг учун ҳам унда яшамоқ бу қадар қувончли!” Бу иборанинг хатта тушганини ўқисангиз, унчалик катта таъсир кўрсатмаслиги

мумкин, лекин шундай бўлса-да, Шакьямуни ҳаёт йўлига назар ташлаб, уни сарҳисоб қилганида қўнглидан кечган туйғуларни ифодалайди. Абадият остонасида турган одамлар оламни қандай тасаввур қилишини билиш биз учун ҳамиша мароқлидир. Таниқли япон ҳикоянависи Рюноскефэ Акутагава ўз ихтиёри билан бу дунёни тарк этиши арафасида деган экан. “Табиат мени ҳар қачонгидан ҳам ортиқроқ ошпуфта этмоқда, чунки мен дунёга сўнги марта боқмоқдаман”.

Шакьямуни ҳам теварак-атрофида ўша Акутагава кўрган гўзалликни кўрган, бироқ унинг сўзларида қайғу-ҳасрат йўқ, муқаррар тарзда ҳаётдан маҳрум бўлиш вазидан афсусланиш йўқ. Аксинча, уларда мамнуният бор, ўзининг фоний дунёдаги ҳаёти беҳуда ўтмаганини англаш бор. Шакьямуни ҳақиқий донишмандларга хос тарзда яшаган умридан, ҳаётдан рози бўлиб кетди.

Шакьямуни Ананд ҳамроҳлигида шимол томонга сафарини давом эттирди. Улар бир қанча қишлоқлардан ўтди, Пава қишлоқчаси яқинидаги анбаҳзорда дам олиш учун тўхташди. Анбаҳзор темирчи Чунданики эди. Чунда Шакьямунини шоду хуррамлик билан кутиб олди, устозлик панд-насихатларини мафтун бўлиб тинглади. Ўзига нисбатан кўрсатилган иззат-икромли муносабатдан қаттиқ ҳаяжонга тушган ва миннатдорлик туйғуларига тўлиб-тошган Чунда Буддани дастурхонига таклиф қилади. Темирчи гоятда ҳафсала билан кўзиқоринли таом пиширади. Шакьямуни зиёфатни мамнуният билан қабул қилади ва темирчи билан бамисоли шаҳзода ёки браҳмандай камоли эҳтиром билан гаплашиб ўтиради. Бироқ бахтга қарши Шакьямуни орадан кўп ўтмай қорнида – ошқозонида жуда қаттиқ оғриқ сезади ва бироздан сўнг ётиб қолади.

Рўй берган воқеадан қаттиқ қайғуга тушган Ананд Чундани сўкиб, уриша бошлайди. Бироқ Шакьямуни уни куйидаги сўзлар билан шаҳиддан қайтарган: “Чунда чин дилдан қилган зиёфати учун савобга қолади, лекин таом менинг хасталигимни зўрайтириб юборган бўлса, бунда унинг айби йўқ-ку!” Шакьямуни одамлар темирчига, албатта, дашном бериб, қоралашларини олдиндан билган эди ва адолатсиз айбловларнинг олдини олиш учун шу гапни айтган эди.

**ПАРИНИРВАНА.** Даҳшатли оғриқларга қарамай, Шакьямуни сафарни давом эттиришни талаб қилиб туриб олди. Садоқатли Ананд устозини бир дақиқа ҳам ёлғиз қолдиргани йўқ. Аммо қарилик ва хасталик Буддага Кушингардан нарига боришга йўл қўймади. Бу шаҳар Будданинг фоний дунёдаги сўнги бекати бўлди.

Кушингар шаҳри Капилвасту шаҳарининг жануби-шарқ томонида жойлашган. У ерда боғлар қўйнида сершоҳ дарахтларнинг соя-салқинларида унга жой қилиб беришади, Шакьямуни аҳволи нима кечаётганини яхши билиб турарди. У Ананддан шаҳар аҳлига – “Будда мангулик бўсағасида туришти” деб хабар қилишни илтимос қилади. Маллар қабиласининг одамлари Татҳагат билан видолашгани келишди. Уларнинг орасида бир қоҳин ўзини видолашмоқ учун Будданинг олдига киритишларини илтижо қилади. Унинг Буддадан сўрайдиган бир нечта саволи бор экан. Хавотирга тушган Ананд унинг илтимосини рад қилмоқчи бўлади, икковининг орасида гап қочиб қолади. Уларнинг ғалвасини эшитиб, Шакьямуни қоҳинга яқинроқ келишга ишора қилади. Будда унинг Қонун ҳақидаги бир қанча саволига жавоб бериб, сўнг ўзини жамоага қабул қилади.

Шундан кейин Шакьямуни теварагида турган одамларга мурожаат қилади: “Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, фақат тушунлигини боқийдир. Ҳамиша ўз-ўзингизни мукамаллаштириш сари толмасдан интилинг!” Шу тарзда Шакьямуни энг сўнги нафасига қадар Қонуннинг моҳиятини кашф этишда давом этди.

Ўша кунни ярим кечага бориб, буддавийликда, паринирвана деб аталган

нарса, яъни сўнги нирвана содир бўлди. Японияда 15 феврал куни ҳар йили Будданинг нирванага кетиши нишонланади. Бу сана ривоятдан олинган. Унга кўра, Шакьямунининг орифликка эришиши ҳам, нирванага кетиши ҳам вайшакҳа ойининг энг тўлин ойли туни сўнгида содир бўлган. Матнлардан бирида Будданинг нирванага кетиш дақиқаси куйидагича тасвирланган. “Боғлардаги дарахтларда қутилмаганда қуртаклар гул ёзди. Дарахтларнинг новдалари Татҳагат устига маҳзун эгилдилар. Кўкнинг тарнови очилиб кетди – замин устига ложувард гул барглардан шаррос ёмғир қуйди. Улар сўнги видолашув фурсатида сўнги эҳтиромларини намойиш этаётгандек, Татҳагат жасадини қоплаб олди. Олам чўққисини яшин қулатган емирилган тоққа ўхшаб қолди. Олам куёшини йўқотган самодек етимсаро бўлиб қолди”. Ривоятда шундай дейилган. Коинот ардоқлаган, назокат, хотиржамлик ва уйғунлик бахш этган улуг инсоннинг умри ана шундай хотима топди. Мотамсаро шогирдлар уни дафн этмоқ учун улкан гулхан қаладилар ва вафотидан етти кун ўтгач, Будданинг жасади ёндирилди. Унинг хокини муқаддас ёдгорлик сифатида шогирдлари ва мухлислари бўлишиб олишди. Улуг одам вафот этгандан кейингина биз ўзимизга ўзимиз: “Бу одам фақат ўзининг шон-шухратини деб яшаганмиди ёки ўзини борлиқнинг мангу ҳақиқатини излашга, бутун инсониятнинг чинакам бахт-саодатини топишга бахшида этганмиди?” деган саволни берамиз. Шак-шубҳа йўқки, Шакьямуни бутун инсониятни янги маънавий билимлар билан нурафшон қилган буюклар сирасига мансубдир. Унинг таълимоти асрлар қаърига кўмилиб йўқ бўлиб кетмади, балки буддавийлик тарафдорларининг қалбидан қалбига ўтиб, асраб-авайлаб келинди. Лекин бу жуда катта ва мураккаб мавзу – бу тўғрида алоҳида гаплашмоқ жоиз. Буддавийлик тарихи давом этмоқда. Мен фақат унинг манбалари ҳақидагина сўзлашга ҳаракат қилдим, бу буюк таълимот асосчисининг фоний дунёдаги ҳаёт йўлини ёритишга интилдим.

*Тамом.*

*Русчадан  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
таржимаси.*





## Ўзбекистон Германия қомусларида

Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсон, миллати ва ёшидан қатъи назар, буюк неъматимиз ҳисобланган мустақилликнинг қадрига етмоғи, уни авайлаб асрамоғи, камтарона меҳнати, меҳр-оқибати ва ниҳоят, маънавияти билан мустақамлаши керак. Зеро, мустақиллик — бу ажодлар, ота-боболар асрий орзуларининг рўёбга чиқишидир. Мустақиллик — бу ўзлигимизни англаш, жаҳон давлатлари олдига ўзига хос ўринга эга бўлиш ва уни кўз-кўз қилишидир, тилимиз ва адабиётимизни, тарихимиз ва маданиятимизни чуқур ўрганишидир.

Биз бугунги кунда ажодларимиз эришган ютуқлар билан чегараланиб қолмасдан, балки улар эришолмаган орзу-истакларни ҳам амалга оширишимиз, ишғол қилолмаган чўққиларни эгаллашимиз, улар анъаналарини давом эттиришимиз ва бойитишимиз, ниҳоят ҳар жиҳатдан жаҳон даражасига етиб олиш учун ҳаракат қилмоғимиз даркор.

Ҳар қандай халқ ўз тарихига эга. Тарихсиз халқ бўлмаганидек, тарих ҳам халқсиз бўлмайди. Тарихни халқ яратади. Шунинг учун ҳам тарих халқни, миллатни белгилайди. Аниқроқ айтганда, ҳар бир халқнинг дунё миқёсида туган ўрни унинг тарихи билан ўлчанади, унинг ўз тарихи давомида жаҳон маданияти, фани ва техникасида яратган янгилликлари, етиштирган буюк алломалари билан белгиланади.

Ўзбек халқи ҳам жаҳоннинг энг қадимий ва кенг тарқалган миллатларидан бири бўлиб, ўзининг бой ўтмишига, кўҳна тарихига эга. Бу халқ жаҳон маданияти, фани ва техникаси ривожига ўзининг муносиб улушини қўшиб келган ва қўшмоқда. Абу Али ибн Сино, Исмоил Бухорий, Беруний, Хоразмий, Амир Темур, Навоий, Бобур, Баҳовуддин Нақшбандий каби дунё тан олган алломаларни етиштирган миллатдир бу.

Афсуслар бўлсинки, Ўзбекистон за-

минида тугилиб вояга етган, жаҳоний шуҳратга эга бўлган шу азиз ватан ўғлонлари ва унинг шаҳарлари ҳақида гарбда, жумладан, Германияда чоп этилган қомусларда баъзан нотўғри, хато талқин этилган фикрлар учрайди. Биз фикримизнинг исботи учун ва қиёслаш мақсадида Германияда турли йилларда чоп этилган иккита қомусни олдик. Улардан бири 1972 йилда чиққан “Майёрнинг янги лексикони” (“*Meiers neues Lexikon*”) бўлса, иккинчиси 1987 йилда чоп этилган “Қисқа қомус” (“*Elementar Lexicon*”)дир. Бу қомусларга соҳибқирон Амир Темур ҳам киритилган. Аввало шунини айтиш керакки, унинг номи тўрт хил шаклда берилган: Тимур, Темур ланк, дер ламе Тимур ва ниҳоят Тамерлан (Темур чўлоқ, Темур оқсоқ, чўлоқ Темур маъноларида. — С.С.) “У, — дейилади ҳар иккала қомусда ҳам, — мўғулларнинг саркардаси, лашкарбошиси, 1370-йилдан Самарқанд ҳокими. Ўрта Осиё, Эрон, Закавказие ва Ироқни бирлаштириб, қудратли империя тузган” (512-бет 2-қисм ) (Қиёс қилинг: *Tamerlan Heerfuhrer der Mangolen, Herrscher in Samarkand seit 1370; schuf ein gewaltiges Reich, das Mittelasien, Persien, Transkaukasien und Irak umfasste*) (G7 512. B.2).

Хўш, асли Шаҳрисабз яқинидаги Кеш қишлоғида туғилган, кейинчалик ўз ҳаётини Самарқандда ўтказган, Ўрта Осиёда марказлашган қудратли давлат тузган, жанг қилиш тактикаси ва стратегиясини яхши билган Амир Темурни “Мўғуллар саркардаси” деб айтиш мумкинми? Наҳотки, Амир Темурнинг туғилган ери Кеш ва бир умр Самарқандда амирлик қилганлиги германиялик қомус тузувчиларга маълум бўлмаса? Ахир Амир Темур ўзи ҳақида: “Бизким, мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Бизким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, Туркнинг бош бўғинимиз”, деб

айтан-ку. Наҳотки шу гапдан унинг миллатини ва ватанини билиш мумкин бўлмаса! Наҳотки янги далиллар талаб этилса?

Тўғри, тарихий манбаларда, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Амир Темурнинг Чингизхонга уруғ жиҳатдан яқинлиги, авлод эканлиги кўрсатилган. (қаранг; Амир Темур аждодлари. Форс тилидан таржима. Кириш сўз ва изоҳлар муаллифи О.Бўриев. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти. 1992.) Бироқ бу нарса улар бир хил одам дегани эмас. Бир уруғдан минглаб кишилар тарқалган бўлади. Замон ва даврлар ўтиши билан уруғдошлик, авлодлик белгилари эскириб бораверади. Бунинг устига, худудлар бир-биридан узокда жойлашган бўлса, бу жараён янада тезлашади. Амир Темур билан Чингизхон ўртасидаги уруғдошлик худди ана шундай характерга эга.

Бас, шундай экан, авлодлик белгиларига кўра Амир Темурга нисбатан “Мўғуллар саркардаси, лашкарбоши” дейиш ва мўғулларга, шахсан Чингизхонга хос бўлган барча белгиларни унга кўчириш, бизнингча, ўринсиздир.

Мазкур қомусда Бобур ҳақида ҳам фикр билдирилган. Айтиш керакки, бу алломанинг номи ҳам бир неча кўринишда берилган: Бабер, Бабур, Бабор, Бобер. Номнинг тўрт хил берилиши ва ҳар гал бузиб кўрсатилиши, шубҳасизки, фарб шарқшунос ва тарихчиларининг эътиборсизлигидан келиб чиққан.

Қомусда Бобурнинг Фарғонада туғилиб, Аграда вафот этганлиги, ўз саргузаштларини шарқ халқлари ўтмишини ўрганишда асосий тарихий манба бўлиб келаётган, шарқий турк (ўзбек) тилида ёзилган “Бобурнома” асарида баён этганлиги, Фарғона ҳокими бўлганлиги, кейинчалик ҳинд феодал султонларининг ўзаро ички келишмовчиликларидан фойдаланиб, 1524 йилда Лохурни, 1526 йилда эса Панишат яқинида Деҳли султони устидан ғолиб келиб, шимолий Ҳиндистоннинг катта қисмини ўзига бўйсундирганлиги ва шу асосда Ҳиндистонда “Буюк мўғуллар империяси” ни ташкил этганлиги кўрсатилган (691-бет). Биз бу ўринда Фарбий Европа шарқшунослари ва тарихчилари томонидан Бобурга ва унинг салтанатига нисбатан ноҳақ қўлланган ва қўлланиб келаётган “Мўғуллар”, “Буюк мўғуллар” каби иборалар ҳақида фикр билдирмоқчимиз.

Кўриниб турибдики, фарб шарқшу-

нослари бу масалани ечишда ҳам авлодлик ақидаларига таянганлар. Бобур Темурнинг эвараси, Темур Чингизхон билан авлод бўлгач, ҳам ўша авлод киши-си тасавури билан Бобурийларни “мўғуллар”, уларнинг салтанатига нисбатан эса “Буюк мўғуллар” ибораларини қўллаганлар ва ҳозир ҳам қўллаб келмоқдалар.

Бу ҳақда машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольднинг “История изучения Востока в Европе и в России” (2-изд. М.1926) китобида: “Европаликлар Темур ва унинг ўғиллари ҳамда невараларини мўғулдан тарқалган деб ҳисоблаб, Темур ва Бобур салтанати учун “Буюк мўғуллар” деган хато ном тўқидилар. Бу нарса Европадан Ҳиндистонга “кўчган” бўлиб, ҳиндлар орасига инглизча китоблар орқали тарқалган” деб аини ҳақиқатни айтган. В.В.Бартольд ўз фикрини давом этдириб, “Буюк мўғуллар” деб қўлланиб келаётган ибора ўрнига: Темурийлар, Бобурийлар ибораларини қўллаш мақсадга мувофиқдир” деб ёзади. Шунга кўра, ҳозирги вақтда илмий адабиётларда “Темурийлар, Бобурийлар”, ҳамда “Темурийлар, Бобурийлар салтанати” дейилган тарихий жараённи ҳаққоний акс эттирадиган атамалар кўпроқ қўлланмоқда.

Бироқ, айтиш керакки, Фарбий Европа шарқшунослари ҳамон ҳам Темур ва Бобурга, шунингдек, улар салтанатига нисбатан ўша эски, нотўғри атамаларни қўллаб келмоқдалар.

Қомусларда ватандошларимиз Абу Али ибн Сино ва Беруний ҳақида ҳам фикрлар зикр этилган. Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги хизматлари, айниқса, “Тиб қонунлари» асари алоҳида қайд қилиб ўтилган. Бироқ: “У араб файласуфи ва ҳакими” (500-бет) дейилганки, бунга асло қўшилиб бўлмайди. Тўғри, шарқда ўша пайтларда араб тили кенг тарқалган, фан ва маданият тили ҳисобланган. Бу тил жаҳон фанига чиқиш учун кўприк вазифасини бажарган. Табиийки, Абу Али ибн Сино араб тилини яхши билган ва ўз асарларини шу тилда ёзган. Бироқ, бу Абу Али ибн Сино “араб файласуфи, ҳакими” дегани эмас-ку?! Абу Али ибн Синони вояга етказган халқи, ватани бор-ку, ахир!

“Беруний, — дейилади Майёрнинг янги лексиконида, — кўп қиррали араб олими” 1973 йилда Хивада туғилиб, 1048 йилда Газнада вафот этган. Унинг “Шарқ халқлари хронологияси” ва араб тили-

даги адабиётлар ичида ягона манба саналган “Ҳиндистон” асари унга ислом оламининг машҳур олими сифатида жаҳоний шухрат келтирди.” (351-бет, 2-қисм). Табиийки, Беруний ҳам Ибн Синога ўхшаб ўз асарларини шу тилда ёзган. Ибн Синодек Берунийни ҳам воёга етказган ўз ватани, халқи бор! Бу ватан Ўзбекистон, бу халқ эса ўзбек халқидир.

Ҳар иккала қомусда ҳамшаҳаримиз Имом Исмоил Бухорий ҳақида илиқ фикрлар айтилган. Унинг урф-одатларга бағишланган Ҳадислари жуда катта қимматга эга бўлиб, шарқда Қуръон билан тенг қўйилади”, дейилади (603-бет). Афсуски, “Исмоил Бухорий – ислом ёзувчиси,” келиб чиқиши форс” дейилган.

Ажабо, ислом миллати йўқ. Шундай экан, Исмоил Бухорий қандай қилиб йўқ миллатнинг ёзувчиси бўлиши мумкин?! Аввало у ёзувчи эмас, балки ҳадиснавис, унинг ҳадислари чиндан ҳам Қуръон билан ёнма-ён қўйилади. Шунга кўра уни “ҳадис ёзувчи” деса бўларди-ку! Ахир унинг исми жисмини, ватанини айтиб турибди-ку!

Даҳо шоиримиз Алишер Навоий учун ҳам қомуслардан алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, унинг “Буюк ўзбек шоири, сиёсатшунос, давлат арбоби эканлиги, ўрта асрларда гуманист сифатида схоластика, деспотизмга қарши курашганлиги талқин этилади. Бироқ Навоий ўзининг беш дostonдан иборат “Хамса”сини яратишда Низомий Ганжавийга эргашган” (145-бет) деб айтилган гаплар ҳам борки, бу нарса Ғарбий Европада эскидан А.Навоий ҳақида нотўғри тарқалган “тақлидчи шоир” деган фикрга бориб тақалади. Ҳолбуки, А.Навоийнинг “тақлидчи шоир” бўлмаганлиги XVII асрнинг охири, XVIII асрнинг бошларидаёқ исботланган. (Кенгроқ маълумот олиш учун шу сатрлар муаллифининг “Ғарб Шарққа боради” мақоласига қаранг. “Шарқ юлдузи” №5-6. 1993. 189-191- бетлар). Афтидан, германиялик шарқшуносларнинг ўзлари бундан воқиф эмаслар шекилли, акс ҳолда ўз қомусларида А.Навоийга нисбатан бундай демаган бўлур эдилар.

Ўзининг 2500 йиллигини нишонлаган, жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Бухоро ҳақида ҳам немис дўстларимиз ўз китобларида илиқ фикрлар билдирганлар. Қомусларда Бухоронинг Ўрта Осиёда савдо ва маданият маркази бўлганлиги, IX-X асрларда гул-

лаб-яшнаганлиги, турли даврларда араблар ва мўғуллар томонидан босиб олинганлиги, ҳозирги пайтда энгил саноат, айниқса, пахтачилик, қоракўлчилик тараққий этганлиги, газ ва нефть конларига бойлиги қайд қилинган. Шу билан бирга: “1976 йилда Бухорода бўлган zilзила оқибатида шаҳар қайта қурилган” (172-бет) (... autbau nach Erdbebenzerstörung) деб ёзилганки, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Нега деганда, аввало zilзила Бухоро шаҳрида бўлган эмас, иккинчидан, унинг оқибатида шаҳар қайта қурилган ҳам эмас.

Тўғри, 1976 йилда Бухоро вилояти ҳудудида ер қимирлагани рост. Бироқ, унинг маркази Бухоро шаҳридан 150 километр узоқда жойлашган Газлида содир бўлган. Шунинг учун ҳам шаҳар, хусусан, унинг тарихий обидалари, zilзиладан зиён кўрмаган эди. Фақат айрим нураб қолган иморатлардан, кейинги йилларда сифатсиз қурилган уйлар дарз кетганди холос. “Бухорода 1976 йилда zilзила бўлган, шунинг оқибатида шаҳар қайта қурилган” деб айтишнинг ўзига хос салбий томони шундаки, бу фикр мустақил Республикаимизнинг иқтисодий дини кўтаришда катта аҳамиятга эга бўлган халқаро туризмнинг ривожига маълум даражада тўсиқ бўлади. Нега деганда, ғарбий европалик ҳар бир фуқаро, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, бирор мамлакатга саёҳат қилмоқчи бўлса, энг аввало режалаштирган мамлақати ҳақидаги материаллар билан қисқача бўлса-да, танишиб чиқади. Сўнгра маълум фикрга келади. Табиийки, қомуслардан Бухоро ҳақида юқоридаги фикрни ўқиган ҳар бир европалик маълум даражада ўйлашиб қолади. “Zilзила оқибатида бузилган, қайта таъмир қилинган обидаларни ва замонавий панел уйларни кўришга бораманми?” деган хулосага келади. Кўринадики, турли йўллар билан бу нарсанинг олдини олишга тўғри келади.

Ниҳоят, қомусларни тузишда немис дўстларимиз ҳаммавақт ҳам ўз ишларига маъсулият билан қараганлар, ҳар бир фактни синчковлик билан текшириб чиққанлар деб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар иккаласида ҳам нотўғри фикрлар учрайдики, уларни жузвий камчиликлар деб бўлмайди. Жумладан, юртдошимиз С.Айний ҳақида “1951–54-йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти лавозимида ишлади” дейилганки, бу ҳақиқатдан анча йироқ-

дир. Нега деганда, Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти этиб Т.Қори Ниёзов сайланган. С.Айний эса Академиянинг фахрий аъзоси бўлган. У умрининг охириги йилларини Тожикистонда ўтказган. 1951 йилда у ерда Фанлар Академияси ташкил этилиши билан С.Айний унга биринчи президент этиб сайланган ва 1954 йилгача ишлаган.

Қисқа қилиб айтганда, юқоридагидек мисолларни яна қўшлаб давом эттириш мумкин. Бундай нотўғри талқинларни тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимиз, тарихий обидаларимиз тўғрисидаги мақолаларда ҳам учратиш мумкин.

Бизнинг бундан кейинги вазифамиз жаҳон давлатлари қомусларида, илмий манбаларида Республикамиз фани, маданияти, адабиёти, шаҳарлари, атоқли кишилари тўғрисида билдирилган фикрларни ўрганиб чиқишдан ва уларни галвирдан ўтказишдан иборат бўлмоғи керак:

Бунинг учун эса, чет тилларни яхши биладиган олимларимизни тарихчиларимиз, санъатшуносларимиз, адабиётчиларимиз билан ҳамкорликда ишлашга чақирган бўлардик: Нега деганда, биз-

да зўр-зўр адабиётшунослар, тарихчилар, санъатшунослар бор-у, чет тилини яхши билмайдилар, чет тилини яхши биладиган олимларимиз эса тарихимиз, маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни яхши билмайдилар. Агар улар ҳамкорлик қилинса, жаҳон тилларидан бирида ўз ишларини ёзишлари ва истаган мамлакатнинг газета, журнал, илмий тўпламларида уларни чоп эттиришлари, у ёки бу масала бўйича ўз фикр-таклифларини, мулоҳаза-эътирозларини билдиришлари мумкин бўлади. Шу асосда Республика миқёсидан жаҳонга чиқиш имконияти туғилади.

Бунинг устига, чет тилини яхши биладиган олимларимиз хорижий давлатларга юборилса, у ердаги эски ва бой кутубхоналарда ишлаб, маънавий мулкимизга доир билдирилган маълумотлар тўплаб келинса ва улар қайта ишланса, нур устига аъло нур бўлади.

Шундай қилингандагина, биз ўз маънавиятимизни қайта тиклаш, унинг шу вақтгача очилмаган қирраларини излаб топиш, нотўғри талқинларни исботлаш имкониятларига эга бўлардик.

*Сано САИДОВ,  
Бухоро Давлат университети  
немис филологияси кафедраси  
муdiri, профессор,  
Хайрулло САИДОВ,  
шу университет талабаси.*



## Тарих сабоқлари

“Туркистон қайғуси”, “Шарқ” НМАК.Т, 2003 йил.

**И**нсонга хос бўлган энг улуғ туйғулардан бири бу Юрт қайғусини чекмоқдир. Буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг миллатимиз учун энг долзарб бир пайтда – 1917 йилда ёзган мақоласи ҳам, айнан шундоқ – “Юрт қайғуси” деб номланган эди. “Эй муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмайтур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма. Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ – менинг ўлимим. Сенинг учун ўлмоқ – тириклигимдур...” – деган ўтли сўзлар бор эди ўша мақолада... Халқимизнинг бошқа бир маърифатпарвари, Туркистон тарихининг зукко билимдонларидан Алихонтўра Шокирхўжа ўғли Соғунийнинг яқинда эълон қилинган янги китоби<sup>1</sup> худди Фитратнинг ўша сўзларини давом этдираётгандай туюлади – ўша туйғу, ўша ёниш, ўша изтироблар... Китобнинг номи ҳам уйқаш – “Туркистон қайғуси”... Бу табиий ҳол. Чунки юрт учун куйиб-ёнмоқ миллатнинг чинакам ўғилларига хос бўлган фазилатдир.

Бироз чекинчи қиламиз. 1967 йилда “Темур тузуқлари”нинг “Гулистон” журналида эълон қилиниши маданий ҳаётимизда катта ҳодиса бўлган, миллатни уйғотишда қутлуғ хизмат кўрсатган эди. “Тузуқлар” таржимасини кўплаб тарихий, илмий-маърифий китоблар муаллифи Алихонтўра Соғуний амалга оширганди. Очиғини айтиш керак, Амир Темурнинг номи, у ҳақда ёзилган китоблар ўз юртида қатағонга учраб турган ўша пайтларда, табиийки, ушбу нодир ёдгорлик ҳақида жамоатчиликда етарлича тushунча ҳам йўқ эди. Алихонтўра Соғунийнинг ушбу асарни шиддат билан таржима қилиб, саъи ҳаракат кўргазиб эълон эттириши унинг миллат олдидаги катта хизматларидан деб қаралиши жойиздир..

Алломанинг “Тарихи Муҳаммадий” китоби аҳамияти ҳам жуда катта. Расулиллоҳ ҳақида араб ва форс тилларида кўп китоблар ёзилган, улар тилимизга таржима қилинган. Бу ҳақдаги маърифий билимларини биз кўпинча ана шу таржима китоблардан олиб келдик. Носириддин Рабғузийнинг китоби ҳам яқинда қўлларга тегди... Масаланинг яна бошқа томони борки, пайғамбаримиз ҳақида батафсил ва тўлиқ тасаввур бера оладиган, ўз тилимизда, ўз адибларимиз томонидан ёзилган китоблар жуда кам. Шу маънода ҳам қадрли бўлган, 1971 йилда ёзиб тугалланган “Тарихи Муҳаммадий” китоби зўр қизиқиш билан ўқилади ва китобхонда Маҳаммад алайҳиссалом ҳақидаги илмий-маърифий ҳужжатли роман сифатида таассурот қолдиради. Китобхон пайғамбаримизнинг насаблари ва тугилишларидан то вафотларигача бўлган воқеаларни, буюк зотнинг шиддатли умр пиллапояларини бир-бир кузатиб чиқади. Расулиллоҳнинг эллик икки мўъжизаси, тан тузилишлари, ахлоқлари, аҳли аёллари, қуроллари ҳақидаги саҳифалар бағоят жозибали ва сеҳрлидир. Асар, айниқса, ёш авлод учун фойдали, чунки уни ўқиб, нафақат пайғамбаримиз ҳаёти билан танишадилар, балки Ислом дини тўғрисида ҳам кенг ва тўғри маълумотга эга бўладилар.

“Туркистон қайғуси” китоби 1966-1973 йилларда Тошкентда иншо этилган. Бу пайтда муаллиф саксондан ошиб қолган эди. Китобни нашрга тайёрлаган, унга изоҳлар ёзган ва муҳаррирлик қилган Увайсхонтўра Шокиров китоб бошида берилган “Улуғ бобом ва “Туркистон қайғуси” асари ҳақида мақоласида шундай ёзади: “Бу асарда у кишининг (Алихонтўранинг – М.А.) йигитлик ва камолотга етган

<sup>1</sup> Алихонтўра Соғуний. “Туркистон қайғуси”, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Т., 2003 йил.

даври хотиралари асосида ўз эътиқоди, дунёқараши, қайси ғоялар учун жонфидо бўлиб курашганлари, нима-ларга Ватан аҳлини даъват қилган-ликлари, суюкли Ватанимиз сабоқлари, келажак бўғинлар улардан қандай хулосалар чиқармоқлари кераклиги, Ватанимиз мустақиллиги муқаррар равишда қўлга келиши башорати, уни мустаҳкамлаш учун нима-лар қилмоқ зарур эканлиги тўғрисида чуқур ўй-фикрлар ўз ифодасини топган ва баён этилган...”

Изоҳлар, кириш сўзи муаллифи ва муҳаррир, алломанинг набираси Увайсхонтўра Шокиров асар моҳиятини яна шундай тасаввур этади. Чиндан ҳам, “Туркистон қайғуси” китобини тарих сабоқлари дейиш мумкин. Муқовадаги каллақлаб ташланган дарахт сурати китоб ҳақидаги тасаввурни яна ҳам бойитишга хизмат қилади.

Ушбу китобни ёзишга киришар экан, Алихонтўра Соғуний тарих илмига меҳр қўйганини айтиб ўтади, “ўтмишдаги тарихини унутиб, энди-ги тарихини туймаган бир миллат, қоронғуда қолган, қўлида таёғи йўқ кўр киши каби бўлиб қолади”, дейди. Аллома фикрича, улуғ руҳлик кишилар, тўлиқ ақллик инсонлар маслаҳатига қулоқ тутмоқ керак, яъни ҳар бир одам ўзида бор яхши фазилатлардан, ҳаётий тажрибалардан китоб ёзиб қолдирмоғи жоиз, токи ўзгалар ундан ибрат олсунлар ва ўз турмушларида нафлансунлар. Лекин тарихни ёзишда ҳам ёзиш бор. “Чунки тарихда кўрилган ишларнинг яхши-ёмони демай, кўрган-билган нарсаларнинг барини қолдирмай қаламга олиш тарихчи устига юкланган муқаддас вазифа ҳисобланади”, деб таъкидлайди аллома китобнинг 57-бетиди. Муаллифнинг ўзи ҳам шу маслаҳатга амал қилади: узоқ умрининг айрим паллаларини қаламга олади – 1917 йилдан то 1931 йилгача бўлган даҳшатли-ваҳшатли кунлардан сўз юритади, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашади ва ўз ёзганини “хирмондан бир дона, балки денгиздан бир қатра” сифатида баҳолайди. Бу паллалар Алихонтўра Соғуний ўз туғилган шаҳри Тўқмоқда бесаранжом бўлиб Қошғарга отланган паллалар эди.

“Туркистон қайғуси” китоби шунчаки бир хотиралар китоби ёки муаллифнинг таржимаи ҳолидан иборат эмас. Аслида хотиралар, таржимаи ҳолга оид маълумотлар тарих ҳақида

хулосалар чиқариш учун бир восита ҳолос. Улар ёрдамида аллома қадим она юрт Туркистон ҳақида чуқур ўйларга берилади. Унинг ўтмиши, келажаги ҳақида ҳаёлларга ботади, қайгуради. Қайси шаҳарга борар экан, албатта бу шаҳар тарихи билан боғлиқ нодир воқеа ва фактларни келтириб ўтади, шарҳлайди. Масалан, Болосоғунга келганда, бу шаҳар билан Бешболиғда исломдан илгари ўғуз турклари яшаганлиги, бу шаҳарларга ким подшоҳ бўлса унга “Эдикут” лақаби берилишини ёзади. Аслида, Болосоғун ва Бешболиғ шаҳарлари Туркистоннинг бешиги, турк хоқони Афросиёб, туркча номи Дўқухоннинг учинчи пойтахтидир, деб таъкидлайди аллома ва сўзининг исботи учун, шаҳар четидидаги кенг майдон харобаси маҳаллий халқ оғзида ҳозир ҳам “Афросиёб” деб аталишини келтириб ўтади.

Тарихий Олмалиғ шаҳри ҳақида аллома қизиқ фактларни келтиради. Шаҳар хоқон авлодлари, яъни “ўзи ислом динига кирмаган бўлса ҳам, уни яхши кўрганликдан бошқаларга тўсқинлик қилмаган” Чигатойхон даврида атрофдан келган ислом уламолари ва олимлар билан обод эди. “...Болосоғунлик “Суроҳ” тарихий асар эгаси Жамол Қарший, – деб ёзади муаллиф. – Олмалиғ хони саройида илмий хизмат кўрсатиб турганини ўз саёхатнома китобида ёзмашдир...” (153-бет). Умуман, муаллиф қадами етган жойда ўтган азиз-авлиёлар, олимлар ҳақида ажойиб маълумотлар келтиришга ҳавасманддир. Масалан, Оксув - Учтурфан йўлида жойлашган Сайрам қишлоғига келар экан, унинг тарихига тўхталиб, шундай сўзларни битади: “Ёқуббек тарихини ёзган ва ҳам ўзи унинг хизматида бўлган Мўсо Сайрамий шу биз ёзаётган Бой-Сайрамлик кишидир. Тарихга қизиқувчилар у кишининг чигатой туркча ёзилган “Тарихи Аминия” асарини топиб ўқусунлар...” (233-бет).

Маълумки, ҳозирги Фулжа шаҳридан саксон қақиримча масофада жойлашган қадимий Олмалиғ шаҳри Чигатой хонларига пойтахтлик вазифасини бажариб келган, жумладан, у Туғлуғ Темурхоннинг ҳам пойтахти эди. 1361 милодий йилда Туғлуғ Темурхон Туркистонга ўз ўғли Илёсхўжани хон қилиб тайинлайди, Темурбекни унга вазир сифатида белгилайди. Алихонтўра Соғуний шу давр ҳақида ёзар экан, “диёнатпарвар, адолатсе-

вар, жаҳон қаҳрамони султон Темур” фаолиятига тўхталади. Ўттиз олти йиллик салтанат даврини сурган Амир Темурнинг ўз таржимаи ҳолини туширганлигини айтиб, “...унга қўшимча қилиб давлат юритиш тартиблари, аскарий ясоқ-интизом қонунлари тўпламини ҳам ёзиб, уни “Темур тузуқлари” деб атамишдир”, дея эслатиб ўтади, батафсил маълумотлар келтиради. Аммо муаллифнинг Амир Темурнинг фаолияти ҳақидаги айрим фикрлари баҳсалаб эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Китобда келтирилишича, гўё Темур “душманларни тор-мор қилиб, ғолибият байроғини кўкка кўтарган ҳолда” Олмалиғ хон ўрдасига келиб тушади... Афсуски, бу қайси йилда юз берганлиги кўрсатилмаган. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур “Хонлар Чингиз авлодидан бўлади”, деган бутун турк улуслари олдида бузилмас қонун ҳукмини олган сўз кучини юмшатиш учун, Туғлуқ Темурхоннинг бекачасини шонлиқ тўй-томошалар ўтказиб, ўз никоҳига олади. Унинг ўз ўрнида қилган шу тадбири билан мўғуллар душманликлари дўстликка айланиб, хон қизини олгани учун Темур султонни “Кўрагон” деб атайдиларки, мўғулча куёв демақдир. ... Янги хоним Туркон оғачани, сеп-седри, зеб-зийнатлари билан пойтахт Самарқандга олиб қайтмоқчи бўладилар...” (149-бет).

Самарқандни пойтахт дейилишидан, воқеа 1370 йилдан кейин юз берган деб тахмин қиламиз. Аммо тарихий китобларда Амир Темурнинг Олмалиғига бориб Туғлуқ Темурхон қизига уйлангани ҳақида маълумотлар учрамайди. Туғлуқ Темурхоннинг ўзи 1363 йилда оламдан ўтган эди. Соҳибқироннинг “Кўрагон” бўлганлари тўғри, бироқ, у Туркон оғачага эмас, (бундай аёл борлигини билмаймиз, аммо Улжой Туркон оқа деган хотини бор, у Амир Қозоғоннинг набираси эди), балки чингизий Қозон Султонхоннинг қизи Сароймулкхонимга уйлангани учун куёв мартабасига эришади.

Китобнинг 200-бетида муаллиф Амир Темурнинг Юлдуз яйловида мўғуллар салтанатига охирги зарба берганини айтади, мўғул аскарлари енгилиб, Илёсхўжа ўғли Ўғлонхонни

олиб қочиб қоладилар. Бироқ, китобда ёзилганидек, Мирзо Улуғбекнинг “ўн минг шипирма қилич”га бош бўлиб, улар ортидан Иртишгача қувиб, “бобоси олдига улуғ Юлдуз яйловига қайтиб келиши”, афсуски, анахронизмдан бошқа нарса эмас.

Кўрсатилган айрим жузъий камчиликлар “Туркистон қайғуси” китоби баҳосини пасайтира олмайди, албатта.

Келажакка фақат ўтмиш йўл кўрсатади, деб уқтиради аллома ва келгуси авлодларга жўяли кенгашларини раво кўради. Чиндан ҳам, жамият ва Ватан тараққиёти учун, “Форобийлар, Ибн Синолар чиққан бу улуғ Ватаннинг ва миллатнинг келгуси истиқболи учун” қайғурмоқ керак, жонфидалик кўрсатмак лозим. Бу авлодлар бурчи, зиммасида турган залворли юк. Агар авлодлар хушёр бўлмасалар, онгсизлик, билимсизликларга йўл қўйсалар, инсоний ҳуқуқларидан бутунлай ажраладилар.

Ҳақиқий исломиятдан баҳра топмоқ эса саодатдир. Мусулмонлар Қуръон ҳукмларини амалга оширсалар кўп оғирлари енгил бўлишига диққатни қаратар экан, аллома Қуръон ҳукмлари, асосан, уч ишга тўхталади, дейди: “1. Иттифоқлик; 2. Замонавий илм-ҳунарни ўрганиб, ҳар ишнинг сабабларини имконият борича талқинлаш; 3. Душман қаршисида ўлимдан қўрқмаслик. Мана шу уч нарсага ҳаёт оламида ҳар ким эга бўлар экан, ўз Ватанларини, бутун инсоний ҳуқуқларини босқинчи душманлар хужумларидан, албатта, сақлай оладилар...” (47-бет.) Бошқа жойда: “Миллий ҳисни йўқотиб, ўз миллатидан ажраш Қуръон ҳукми бўйича ҳаромдир”, (58-бет) деб таъкидлайди аллома...

Комил инсон, халқимизнинг зукко фарзандларидан бири Алихонтўра Соғуний қаламига мансуб “Туркистон қайғуси” китобининг нашр этилиб, ўқувчилар қўлига етиб бориши маданий ҳаётимизда қутлуғ ҳодиса сифатида тақдирланмоғи шубҳасиздир. Бу бағоят савоб ишдир. У яқин, олис тарихимизни билиш ва англашда холис хизмат қилади, оқибатда, Ватанни ва миллатни севиб ардоқлашга, қадрига етишга ундайди.

МУҲАММАД АЛИ.

Пьер БУЛЬ

# Маймунлар сайёраси

*Роман*

## БИРИНЧИ ФАСЛ

### *Биринчи боб*

**Ж**инн ва Филлис одамзод яшайдиган бурча дунёлардан узоқ-узоқлардаги космосда қилган сайру-томошаларидан ҳузурланишарди.

Сайёралараро саёҳатлар ҳозирданоқ одатга айланиб қолди, бошқа юлдузларга учишлар эса ҳеч қандай шов-шувларга сабаб бўлмасди. Юлдузларга мунтазам учадиган кемалар Сириуснинг афсонавий шаҳарларига сайёҳларни олиб борар, молия соҳасидаги таъсири зўр кишиларни Артур ва Альдебараннинг машҳур биржаларига етказиб қўярди. Лекин бадавлат бекорчилар бўлган Жинн ва Филлис жуфтлиги ўзларининг жуда галати, таъриоддий қизиқишлари, романтикага мойилликлари билан ном таратишганди. Шунинг учун ҳам улар ўз хоҳишларини қондириш умидида коинот кенгликларидан сайр этиб юришарди. Уларнинг космик яхтаси доирасимон шаклга эга бўлиб, устки қобиғи фавқуллодда юпқа эди. Енгил кема ёруғлик нури босимидан гоҳ кенгаяр, гоҳ тораяр, коинотда қалқиб юрарди. Бордию бу кема бирор юлдузга яқинроқ масофада, унинг тортиш кучидан узоқроқ бўшлиқда бошқарувсиз қолгудай бўлса, ўз қуёшидан тўппа-тўғри йўл бўйлаб узоқлашган бўларди. Лекин Жинн ва Филлиснинг юлдузлар тизимида бир эмас, бутун бошли учта қуёш бўлиб, улар ўзаро бир-бирларига анчагина яқинликда жойлашишганди. Шунинг учун ҳам қуёш шамоллари турли томондан ва ҳар хил бурчаклар билан эсарди. Жинн бўшлиқда ҳаракат қилишнинг ҳақиқатда ҳам гаройиб йўлини ўйлаб топди. Унинг доирасимон кемасида кўпгина қора пардачалар бўлиб, улар бошқарувчининг хоҳиши бўйича турли томонга буриларкан. Бошқарувчисининг бундай ҳаракати тўфайли кеманинг ҳолати, шу билан бир вақтда нур оқимининг кемага таъсир кучи ҳам ўзгарарди. Бундан ташқари эластик доира – кема командага қараб чўзилиши ёхуд қисқариши мумкин. Агар Жинн учишни тезлашгирмоқчи бўлса қобиқ диаметрини охиригача оширарди. Шунда елканнинг улкан майдони нур оқими таъсирида шишар ва кема коинот қаърига мислсиз тезлик билан

*Русчадан  
Раҳматилла  
ИНОФОМОВ  
таржимаси.*

Пьер Буль – XX аср француз адабиётининг йирик намояндаларидан бири. Авиньонеда туғилган, шу шаҳардаги лицей, Париждаги Олий электротехника мактабини тугатган Пьер Буль мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. 1936 йилда ишлаш учун Малайзияга кетади, сўнгра Хиндихитойдаги француз армияси сафида хизмат қилади. Кейинроқ Қаршилик ҳаракатида иштирок этади, японларга қарши Бирма, Хитой, Хиндихитойдаги жангларда қатнашади, асирга тушади. 1944 йилда асирликдан қочиб, ўз Ватанига келишга муваффақ бўлади.

“Жаноб худонинг хунари”, “Жаллод”, “Оқ одамлар синови”, “Сураткаш” сингари романлар, “Абсурд эртаклар” каби кўплаб тўпламлар муаллифи бўлган Пьер Буль – қатор адабий мукофотлар соҳиби. “Квай дарёси устидаги кўприк”, “Маймунлар сайёраси” асарлари адибнинг энг машҳур асарларидан ҳисобланади.



кириб борарди. Бундай тезликдан Жинн ва Филлиснинг бошлари айланар, бир-бирларини кучоқлаб, қаршиларига чошиб келаётган космоснинг тубсиз жарликларига тикилганча қотиб қолишарди. Агар Жинн тезликни пасайтирмакчи бўлса, бошқа тугмани босарди. Доирасимон елкан шунчалик тораардики, кабинага фақат бир-бирига ёпишиб ўтирган ҳолда сиғиш мумкин эди. Нур оқими жажжи шарчага деярли таъсир этмас, ўз ҳолига ташлаб қўйилган шар – кема бўшлиқдаги кўринмас ишга осиб қўйилганга ўхшарди.

Вақт гўё қотиб қолгандай. Икки ёшнинг бир-бирига суқилишиб ором олишлари уларни маст қилаётгандай. Жинн узоқ соатлар мобайнида ўтиришадиган ўзлари учун ясалган бу торгина оламни чексиз уммонларда салгина шамолга қалқиб юрадиган елканга ўхшатади, Филлис эса уни ўргимчак уясидаги сув томчисига қиёс қилади.

Жинн фазовий яхтачилар энг мураккаб деб ҳисоблайдиган ҳаракатлар, масалан, сайёра ёхуд қандайдир йўлдош соясидан фойдаланган ҳолда кемани зарур томонга буриш сингари ниҳоятда мураккаб ҳаракатларни ҳам гоят элчилик билан бажарарди. У ўз билим ва малакасини Филлис билан эринмай ўроқлашиб борарди, шу боис Филлис кемани бошқаришни мукамал ўрганиб олди, натижада уни худди Жинн сингари моҳирона бошқара бошлади, ҳатто унга қараганда дадилроқ ҳайдарди. Филлис рулни ўз қўлига олган пайтларида азбаройи берилиб кетганидан шундай курени танлардики, кема қуёш системасининг магнит бўронлари нур оқимига таъсир этаётган чегараларига яқинлашиб борар ва кемани ёнғоқ пўчоғидай қилиб пирпирак қилиб юборарди. Жинн бунақа пайтларда чўчиб ўрнидан қўзғалар, дарҳол рулга ёпишиб, Филлиснинг қўлидан тортиб оларди. Баъзида эса яқин портга етиб олиш учун энг хавфли ҳолатлардагина ёқиш мўлжалланган қўшимча ракеталарни ҳам (гарчи бу нарса фазовий яхтачилар учун уят саналса-да) ишга туширарди.

Ўша куни Филлис ва Жинн ҳеч нарсанинг ташвишини қилишмас, ўз кемаларидаги уячаларида ёнма-ён ўтиришар, уч қуёш нурларида товланишарди. Жинн кўзларини юмиб олганча Филлисни ўйлар, уни нақадар севиши ҳақида хаёл сурарди. Филлис ёнбошлаганча поёни йўқ коинотта боқиб маҳдиё бўлар, чексиз-чегарасиз бўшлиқ ўзини сеҳрлаб қўяётганини ҳис этарди. Бундай ҳолат у билан илгари ҳам бўлиб турарди.

Филлис кутилмаганда, худди уйқудан қўққисдан уйғонгандек титраб кетди ва ўтириб олди. Тубсиз бўшлиқ ичида ғалати учқун кўринган эди унга. Филлис бир неча сония кутиб турди, худди ялтироқ нарсанинг нури акс этгандай ҳалиги учқун яна пайдо бўлди. Фазовий кемаларда учиш пайтларида орттирган малакаси, олгинчи туйғуси уни алдаши мумкин эмасди. Бунинг устига, Жинн ҳам унга қўшилди, ҳамроҳи эса бунақа пайтларда хато қилмасди. Кемадан унча узоқ бўлмаган жойда – бунақа пайтда орадаги масофани аниқ белгилаш қийин бўлади – коинот узра йилтиллаб турган қандайдир жисм сузиб юрарди. Жинн сирли жисмни яхшироқ кўриш учун дурбинга ёпишди. Филлис ҳаяжонланиб, ҳамроҳининг елкасига бош қўйди.

– Жисм унчалик катта эмас, – деди Жинн. – Ойнадан ясалганга ўхшайди... Тўхтаб тур, яхшилаб кўриб олай!.. У биз томонга яқинлашиб келаётир. Назаримда, унинг тезлиги бизнинг тезлигимиздан каттароқ...

Унинг юзи жиддий тус олди, дурбинни беҳосдан тушириб юборди, Филлис шу ондаёқ дурбинни ушлаб қолди.

– Азизим, бу нималигини биласанми? Шиша бу.

– Шиша дейсанми?

Қиз ҳам дурбинни кўзига тутди.

– Ҳа, шиша. Мен уни аниқ кўриб турибман. У ялтирайдиган ойнадан ясалган экан. Оғзи беркитилган, тиқинини кўраяпман. Ичида қандайдир оппоқ нарса бор. Эҳтимол, қоғоздир... хатдир! Жинн, уни ушлаб олишимиз керак!

Жинн ҳам, чамаси, шундай фикрда эди. Зеро, у ғалати нарсани тутиб олиш учун кемани усталик билан маневр қила бошлади. У кема йўналишини ўзгартиришга, тезлигини пасайтиришга муваффақ бўлди. Шундай қилинганда қаршидан келаётган нарса ёнларидан ўтиши мумкин эди. Жинн кема йўналишини ўзгартираётган маҳалда Филлис скафандрни кийиб, икки қаватли

камера орқали кема ташқарисига чиқишга улгурди. Филлис ташқарига чиққач, ўзини темир арқонга боғлаб, бўшлиқда осилиб, шишани тутишга тайёрланиб, матрапни ушлаб турди.

Улар авваллари ҳам матрап билан фазодаги турли нарсаларни ушлаб олишганди. Фазода оҳиста сузиб юрган ёхуд бўшлиқ узра қимирламай осилиб турган маҳалинда кўпгина ғаройиб нарсаларни кўрасан, юлдузлараро учиб кетаётганлар учун номаълум кашфиётлар қиласан. Филлис ўз матрапи билан портлаб кетган сайёра парчаларини, бошқа галактикалардан учиб келаётган метеор бўлақларини, фазони ўзлаштиришнинг дастлабки пайтларида учирилган сунъий йўлдошларнинг синиқларини ушлаб олганди. У тўплаган буюмларидан фахрланарди, лекин шишага, ичида қўлёмаси бор шишага — бунга Филлис шубҳа қилмасди — биринчи бор дуч келаётганди! Бутун вужуди сабрсизликдан қалтираб кетди. У худди ўргимчак сингари темир арқонда лапанглаб юрганча шеригига микрофондан бақирди:

— Секинроқ, Жинн!.. Йўқ, сал тезроқ, акс ҳолда ёнимиздан тез ўтиб кетади... Рулни ўнгга ол! Сал чапроққа! Тўғрига... Бўлди, мен уни ушлаб олдим!

Қиз голибона қичқариб, кема ичига кирди. Шишанинг ичида букланган қоғозлар кўринарди. Филлис ҳаяжонланиб, Жиннга ялинарди:

— Шишани синдир! Бўлақол, тезроқ! Илтимос!

Жинн бамайлихотир шишанинг оғзидаги мумдан ясалган тиқинни очди. Лекин барибир унинг ичидаги зичлаб ўралган қоғозларни чиқариб олишнинг иложи йўқ экан. Шу туфайли сабри чидамаётган ҳамроҳининг илтимосини инobatга олиб, шишани болға билан синдиришга тўғри келди. Қафасдан қутулган қоғоз ўрамининг ўзи ёйилиб кетди. У майда ҳарфлар билан нималардир ёзилган юпқа қоғозлардан иборат экан. Қўлёмза ерликларнинг тилида ёзилганди. Жинн бир неча йил шу сайёрада ўқиган ва шу боис бу тилни мукамал биларди. Лекин қандайдир тушунтириш қийин бўлган хавотир уни ушлаб турарди. Азбаройи ҳаяжонланиб кетганидан ўзини йўқотиш даражасига келган Филлиснинг илтижолари бўлмаганда эҳтимол қўлига тасодифан тушиб қолган бу ҳужжатни ўқимаган ҳам бўлармиди.

Лекин Филлис ерликлар тилини яхши тушунмас ва унинг ёрдамига муҳтож эди.

— Жинн, сендан илтижо қилаяпман, ахир!

Жинн кеманинг елканларини иложи борича қисқартирди. Бу ҳолат кеманинг бўшлиқда осилиб туришига имкон берарди. Рўбарўда ҳеч қандай тўсқинлик йўқлигига амин бўлгач, ҳамроҳининг ёнига ўтириб, хатни ўқишга тушди.

### *Иккинчи боб*

Мен коинотнинг бу қўлёмасини ёрдам сўраб жўнатаётганим йўқ. Ягона умидим — менинг ҳикоям инсоният бошига тушиши мумкин бўлган даҳшатнинг олдини олишга эҳтимол ёрдами тегиб қолар.

— Инсоният бошига дейсизми? — ҳайрон бўлиб сўради Филлис.

— Ҳа, бу ерда шундай ёзилган, — тасдиқлади Жинн. — Фақат ўқишни бошлашим биланоқ ҳар бир сўзимни бўлиб турма!

Шундай деб ўқишда давом этди:

... Мен, Улисс Меруга келсак, ўз оилам билан космик кема бортидаман. Биз узоқ йиллар мобайнида бемалол ҳаёт кечиришимиз мумкин. Кемамизда боғ, сабзавот экадиган майдончамиз, ҳайвонот бўлимимизда турли ҳайвонлар бор. Ҳеч нарсдан камчилигимиз йўқ. Эҳтимол, қачонлардир меҳмондўст бирор сайёрани топишнинг уддасидан чиқармиз. Лекин бу тўғрисида мен фақат орзу қилишим мумкин. Шу туфайли ҳам қуйида бошимдан ўтганларини батафсил ва ҳис-ҳаяжонга берилмасдан изҳор қилмоқчиман.

2500 йилда ёши каттароқ икки ўртоғимдан кейин мен ҳам космик кема бортига чиқдим. Бу кема ҳаддан ташқари маҳобатли Бетельгейзе кўёши нур сочиб турган сайёралар туркумига йўл олган эди.

Бу Замин аҳли ўз тарихи мобайнида амалга оширмоқчи бўлган энг дадил

ва қахрамонона ният эди. Бетельгейзе юлдузи, яъни бизнинг астрономларимиз таърифлашгича, Орион альфаси бизнинг сайёрамиздан қарийб уч юз ёруғлик йили узоқликда. У қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу аввало унинг ҳажмида кўзга ташланади. Зеро, бу юлдузнинг диаметри Бизнинг Куёшимиздан уч юз, эҳтимолки, тўрт юз маротаба катта эди. Бошқача айтганда, агар бу сайёра Куёшнинг ўрнини эгаллагудек бўлса, унинг тепаси Марс орбитасига етади. Нурининг кучи билан ҳам ажралиб туради. Зеро, у – Орион туркумидаги энг ёруғ юлдуз. Ўртадаги масофа ниҳоятда катта бўлишига қарамай, Ерда турган ҳолда оддий кўз билан кузатиш мумкин. Сўнгра нур спектри жиҳатидан ажралиб туради. У ҳеч нарсага солиштириб бўлмайдиган қизил ва сарғиш нурлар тарқатади. Ниҳоят, у гоҳ ёруғлашиб, гоҳ хиралашиши билан ҳам ажралиб туради. Бетельгейзе – кучайиб-заифлашиб турадиган юлдуз. У тарқатадиган нурнинг кучи диаметрининг ҳолатига қараб ўзгаради.

Куёш туркумидаги барча сайёраларда ҳаёт йўқлигини билатуриб, нима сабабдан биринчи юлдузлараро сафарга шунчалик узоқ жой танланди? Экспедициянинг асосий ташкилотчиси ва раҳбари, мазкур сафар учун жуда катта мулкнинг деярли ҳаммасини сарфлаган профессор Антель шундай қарорга келади. Космик кемамизнинг лойиҳасини ҳам унинг ўзи яратган, қурилишини ҳам ўзи кузатиб турди. Профессор нима учун бу сайёрани экспедиция учун танлаганини кейинроқ, парвоз вақтидагина менга айтиб берди.

– Муҳтарам Улисс, – деди у, – Бетельгейзеге сафар моҳият эътибори билан яқинроқ юлдузларга, масалан, Центавр Проксимасига қилинадиган сафардан қийин эмас, фақат учиб муддати узоқроқ.

Лекин мен ўзимнинг яқинда ўзлаштирган астрономик билимларимни намоён этишни бурчим деб ҳисоблаб, эътироз билдиришга жазм этдим.

– Сал узоқроқ-да! Шундай эмасми? Ахир Центавр Проксимасига бор-йўғи тўрт ёруғлик йилида етилади, Бетельгейзеге эса...

– ... уч юз ёруғлик йилида, буни мен яхши биламан. Шундай бўлса ҳам Центавр Проксимасигача биз қандайдир яна икки йиллар ичида етишимиз мўлжалланаётган Бетельгейзе сайёрасигача бўлган масофага қарийб тенг ёхуд сал камроқ учган бўлардик. Бу нарса сизга, табиийки, ишониб бўлмайдиган нарсадай туюлар. Чунки сиз бизнинг сайёралараро саёҳатларимизга ўрганиб қолгансиз. Бундай саёҳатлар жуда оз фурсат давом этади, уларнинг тезлиги ҳам ҳозирги бизнинг тезлигимизга қараганда кулгили даражада кам. Энди бизнинг юлдузлараро кемамиз қандай ҳаракат қилаётганини тушунтириб берадиган пайт келди, шекилли.

Мен ихтиро этган космик кемадаги ракеталарнинг мукамаллашганлиги туфайли, бизнинг кемамиз инсон танаси чидаши мумкин бўлган олий даражадаги тезликка эришишга муваффақ бўлинди. Бу ёруғлик тезлигига яқин тезликдир.

– Ёруғлик тезлигига?

– Айтмоқчиманки, бизнинг тезлигимиз ёруғлик тезлигига яқин келади, агар тушуна олсангиз ундан бор-йўғи миллиарднинг бир бўлагича кам ҳолос.

– Шундай ҳам дейлик, – деди у. – Бу менга тушунарли.

– Лекин сиз, шунингдек, бизнинг тезлигимиз ердаги тезликдан фарқ қилишини билиб олишингиз керак. Биз қанча тез учсак, бу фарқ шунчалик ортиб бораверади. Масалан, ҳозир биз гаплашиб турганимизда юлдузлараро кемамизда бор-йўғи бир неча дақиқа ўтди, ерда эса ўнлаб ойлар ўтиб кетди. Олий тезликка эришган пайтимизда эса вақт биз учун деярли тўхтаб қолади, буни биз ҳатто сезмаймиз. Шунда сиз ва мен учун икки сония, юрагимизнинг икки маротаба уришига кетган вақт бизнинг сайёрамизда қолганлар учун кўшгина йилларга тўғри келади.

– Бу нарса ҳам менга тушунарли. Баайни ана шу нарса кексаликдан ўлиб кетмасимиздан кўзлаган манзилимизга етиб олишимизга умид билдиради. Нега бўлмаса бизнинг саёҳатимиз икки йил давом этади? Бир неча кун ёки соат эмас?

– Мен айни шу масалага яқин келаяпман. Ҳаммаси жуда ҳам жўн: вақт деярли тўхтаб қоладиган энг олий тезликка чиқиб олишимиз учун бизга бир йилга яқин вақт зарур. Чунки бизнинг организмимиз бундан ортиқроқ

тезлашишни кўтара олмайди. Яна бир йил секинлашишимизга кетади. Энди сиз бизнинг учиб тартибимизни тасаввур этаяписми? Ўртадаги бир неча соат мобайнида эса йўлнинг асосий қисмини босиб ўтамиз. Агар шу нарсани тушунган бўлсангиз, Бетельгейзегга учиб Центавр Проксимасига учибга қараганда озгина кўпроқ вақтни олиши ҳам сизга аён бўлади. Центавр Проксимага учган тақдиримизда ҳам олий тезликка эришиш учун бир йил сарфлаймиз, яна бир йил секинлашишга кетади, орада эса Бетельгейзегга учган пайтимиздагидек бир неча соат эмас, балки бир неча дақиқа вақт бўлади. Ўртадаги фарқ эса арзимайдиган даражада. Лекин мен қартайиб қоляпман, яна бир экспедиция уюштиришга улгурмайман, шекилли. Худди шу туфайли ҳам бирданига коинотнинг энг узоқ жойига сафар уюштиришга қарор қилдим. У жойларда бизнинг дунёмыздан тамомила фарқ қиладиган оламларни топишга умид қиляпман.

Бундай суҳбатлар бўш вақтларимизни кўнгилли ўтказишга ёрдамлашар, донишманд профессор Антелга муҳаббатим ва ҳурматимни янада ортирарди. Фанда у беҳабар бўлган бирор соҳа йўқ эди. Бизнинг далил ва қалтис сафаримизга шундай киши раҳнамолик қилаётганидан гоят бахтиёр эдим.

Профессор Антель олдиндан башорат қилганидек юлдузлар йили билан ўлчанганда икки йилга яқин вақт кетди. Бу фурсат ичида Ерга камида уч ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгандир. Бундай узоқ сафарнинг ягона ноқулай томони шунда эдики, Ерга омон-эсон қайтган тақдиримизда ҳам она сайёрамиз етти юз-саккиз юз йилга кексайган бўлади. Лекин биз ҳозир бу тўғрисида ўйламасдик. Ўз авлодидан ўзиб кетиш, узоқлашиш туйғуси, назаримда, айниқса, профессорни мафтун этаётганди. У одамлардан кўнгли қолганини бир неча бор таъкидлаганди...

– Одамлар, ҳаммавақт одамлардир... – деди яна Филлис.

– Ҳа, одамлар шунақа, – тасдиқлади Жинн. – Худди шундай ёзилган.

... Бутун учиб мобайнада бирор маротаба ҳам жиддий кўнгилсизлик рўй бермади. Биз Ойдан кўтарилдик. Ер ва бошқа сайёралар тез орада кўзимизга кўринмай қолди. Қуёш тобора кичрайиб борарди, у олдинига апельсиндай шарга айланди, кейин олхўридан ҳам кичиклашди, бора-бора йилтираб турган нуқтага айланди. Уни энди фақат ҳамма нарсани биладиган профессор Антелина Галактикадаги сон-саноксиз юлдузлар орасидан топа оларди, холос.

Шундай қилиб, биз энди Қуёшсиз яшаётгандик. Лекин бу бизни ташвишга соломасди. Зеро, биз етарли даражада ёруелик манбаларига эга эдик. Зерокиш ҳам йўқ эди. Профессорнинг суҳбатлари ҳайрон қоладиган даражада қизиқ эди. Шу икки йиллик вақт мобайнида бутун умрим давомида ўрганган нарсаларимдан кўра кўпроқ билимни билиб олдим. Бундан ташқари юлдузлараро кемани бошқаришнинг зарур малакасини ҳам ўзлаштирдим. Бу фавқулудда осон иш экан: электрон асбобларга вазифа беришнинг ўзи кифоя, улар зарур барча ҳисоб-китобларни ўзлари бажариб, учибни бошқараверишар экан.

Боғимиз кўнглимизни анча равшан қилиб турарди. У кемамизда анчагина ўринни эгалларди. Профессор Антель бошқа кўпгина қизиқишларидан ташқари ботаника ва қишлоқ хўжалиги билан ҳам қизиқар ва табиийки, баъзи ўсимликларнинг космик шароитдаги ривожига тўғрисидаги айрим назарияларини текшириб кўрмоқчи эди. Ҳар томони ўн метрдан иборат куб шаклидаги боғ тажриба майдони вазифасини ўтарди. Кетма-кет ўрнатилган очиқ жавонлар бу жойни бутунлай қоплаб олганди. Тупроқ қимёвий ўғитлар билан доимо янгилаб туриларди. Парвозимиздан икки ой ўтар-ўтмас эгатларда турли-туман сабзовотлар етишга бошлади: шу даврдан эътиборан “космик боғимиз” туфайли витаминларга бой янги неъматларга сероб бўлиб қолди. Лекин фойдали иш билан бирга ёқимли машғулот ҳам эсан чикмайди: тажриба майдонининг бир қисмини гуллар учун ажратганмиз. Профессор уларни алоҳида меҳр билан парвариш қиларди. Ўзига хос феъл-атворли раҳбаримиз бир неча қуш, капалаклар ва ҳатто кичкинагина маймун-шимпанзени олишни ҳам унутмаганди. Бутун сафар мобайнида бизни ўз қилиқлари билан қулдириб келаётган маймунни Гектор деб атадик.

Донишманд профессоримизни одамларга нафрат билан қарайди дейишга

тилим бормаса-да, лекин бошқаларни унчалик эркалатиб ҳам қўймасди. У кўпинча инсон зотидан яхшилик кутавермайман, дерди.

– Инсонларга нафрат билан қарайдими? – деб қайта сўради Филлис.

– Инсон зотини-я?

– Агар ҳар бир сўзимдан кейин гапимни бўлаверсанг, ҳеч қачон охирига етолмаймиз, – деди Жинн.

– Жим тур ва мен сингари бирор нарсани тушунишга ҳаракат қил.

Филлис Жинн хатни ўқиб бўлгунча оғзини очмасликка онт ичди ва сўзида турди.

...Бир неча оила бемалол жойлашиши мумкин бўлган улкан кемамизда турфа хил ўсимликлар, ҳайвонларнинг бой коллекциясию бор-йўғи уч йўловчи ўрин олганди: Антелнинг ўзи, унинг истиқболи порлоқ шоғирди – ёш физик Артур Левэн ва профессорнинг интервьюси вақтида унга тасодифан рўбарў келиб қолган бошловчи журналист, мен – Улисс Мерудан иборат эдик. Ўша куни улуг олим мен ҳали оила қурмаганимни ва шахматни дурустгина ўйнашимни билгач, экспедицияда қатнашишга таклиф этди. Номини ҳеч ким эшитмаган журналист учун бу мисли кўрилмаган омад эди. Агар менинг репортажларим саккиз юз йилдан кейин эълон қилинган тақдирда – сирасини айтганда, баайни шунинг учун ҳам – бу ҳужжатлар мислсиз аҳамият касб этган бўларди. Мен таклифни зўр завқ-шавқ билан бажонидил қабул қилдим.

Шундай қилиб десангиз сафар ҳеч қандай воқеаларсиз давом этаётганди. Фақат тезлик ошаётган ва секинлашаётган вақтларда танамизнинг оғирлашиб боришигина нокулайлик туедираётганди холос. Танамиз ердагига қараганда тахминан бир ярим баробар оғирлашишига кўникишдан бошқа илож йўқ эди. Аввалига биз жуда тез чарчай бошладик, лекин орадан бироз вақт ўтгач, бунга эътибор бермай кўйдик. Тезликнинг кучайиши ва секинлаштирилиши жараёни давом этаётган вақтлардан бошқа пайтларда эса тўла вазнсизлик ҳолатида бўлардик. Вазнсизлик ҳолатидан келиб чиқадиган барча ғалати ва кулгили оқибатларни бошимиздан кечирардик. Лекин бу бир неча соатгина давом этар ва бизга ҳеч қандай зарар етказмасди.

Мана, анча ойлар учганимиздан кейин, ниҳоят, Бетельгейзе юлдузига илк маротаба ҳаяжон билан кўзимиз тушган кунга ҳам етиб келдик. У тобора бизга яқинлашиб келар ва катталашиб борарди.

### Учинчи боб

Бундай манзара кишида қандай туйғулар уйғотишини тасвирлашнинг сира имкони бўлмаса керак. Кечагина ўзи сингари сон-саноқсиз юлдузлар орасида йилтиллаб турган нуқта энди кўз ўнгимизда қоп-қора чексиз коинот бўшлиқлари ичида тобора ёрқинлашиб, катталашиб, маълум шаклга кириб борарди. Аввалига йилтиллаб турган нўҳотдай кўринган юлдуз кейин маълум ранг ола бошлади, апельсиндай катталашди, ниҳоят космик бўшлиқ ичра бизнинг қуёшимиздек ярақлаб кўрина бошлади. Биз учун янги қуёш пайдо бўлди. У худди Ер Қуёшининг ботаётган вақтидагидек қизғишроқ эди. Биз унинг ҳароратини ва торғиш кучини сеза бошладик.

Бу вақтга келиб кемамиз ўз тезлигини кескин пасайтира бошлади. Бетельгейзе юлдузига то у экранимизни бутунлай қоплаб олгунигача, биз кузатган осмон жисмлари ичида энг маҳобатлисига айлангунича яқинлашавардик. Худди эртақлар оламига кириб қолгандай таассуротларимиз мислсиз эди! Антель роботларга янги топшириқлар берди ва биз ўта улкан юлдуз атрофида айлана бошладик. Шундан сўнг профессор астрономик асбобларни созлади ва юлдузни кузатишга киришди.

Олим тез орада тўртта янги сайёрани топди ва марказий ёритгич атрофида айланаётган бу сайёраларнинг диаметри ҳамда орбиталарини аниқлади. Бу сайёраларнинг биттаси, Бетельгейзедан кейинги иккинчиси ер орбитасига яқин орбитада ҳаракат қиларди. Сайёранинг катталиги ҳам тахминан Ердай келарди, унда кислород ва азотдан иборат атмосфера мавжудлиги маълум бўлди. Бу сайёра билан Бетельгейзе ўртасидаги масофа Ер билан Қуёш ўртасидаги масофага қараганда ўттиз маротаба узоқ бўлса ҳам тахминан худди бизнинг

сайёрамиздагидек энергия нуруни оларкан. Бу бир томондан ўзига нур бераётган юлдузнинг ҳаддан ташқари катталиги бўлса, иккинчи томондан ҳароратининг у қадар баланд эмаслиги натижаси экан.

Биз аввало ана шу сайёрани кузатишга қарор қилдик. Роботлар янги вазифа олишди ва кемамиз тез доимий орбитага ўтиб олди. Энди моторларни ўчириб, ўзимиз учун янги оламни бамайлихотир кузатишимиз мумкин эди. Пастда денгизлар ва қитъалар кўзга ташланарди.

Бизнинг кемамиз бошқа сайёрага қўнишга унчалик мослашмаган эди. Лекин бизнинг космик кемачалар деб атайдиган кичик ҳажмли учта ракетопланамиз бор эди. Уларнинг бирига уччаламиз ўрнашдик, ўзимиз билан бирга баъзи ўлчаш асбобларини ва Гекторни олдик. Шимпанзе ҳам худди биз сингари скафандрда бўлиб, у устидаги ғайритабиий кийимга обдон ўрганган эди. Катта кемамизни оладиган бўлсак, уни сайёра яқинидаги доимий орбита атрофида айланадиган қилдик. Бу орбитада у бежавотирроқ бўларди. Зеро, ундаги роботлар кеманинг танланган йўлдан четга чиқишига йўл қўймасди.

Космик кемачамизнинг танлаган сайёрамизга қўниши унчалик қийинчилик тудирмасди. Биз атмосферанинг қалин қатламларига киришимиз билан профессор Антель ҳаво намуналарини олиб, уларнинг таркибини текширишни бошлаб юборди. У бу баландликдаги ҳаво таркиби ердаги ҳаво таркиби билан мослигини билиб олди. Мен бундай гаройиб уйғунликнинг аҳамиятини англолмай қолдим. Сайёра бизга жуда тез яқинлашарди, тез фурсатда ўртадаги масофа эллик километрдан ҳам кам қолди. Барча ҳаракатлар автоматик тарзда бажарилаётгани туфайли, мен иллюминаторга қараб бизни кутаётган кашфиётлардан маст ҳолда бу номаълум оламни кузата бошладим. Азбаройи ҳаяжонланганимдан юрагим гурсиллаб урарди.

Мазкур сайёра ҳайрон қоларли даражада Ерга ўхшаб кетарди. Бундай таассурот ҳар сония сари кучайиб борарди. Энди мен шундоққина кўзим билан қитъаларни аниқ кўраётгандим. Ҳаво кўм-кўк, тиниқ, яшилга мойил эди, баъзи жойлар эса бизнинг сайёрамизда қуёш ботаётганда бўладиганидек сарғиш тус олганди. Океан ҳам яшилга мойил кўм-кўк эди. Унинг қирғоқлари эса мен ерда кўриб юрган кўринишларга сира ўхшамасди. Бошқа нарсаларда талай ўхшашликлар бор эди. Лекин надоматлар бўлсинки, шу билан монанд томонлар тугарди. Сайёранинг ҳам иккала ярми биздаги Эски ва Янги Дунёга сира ўхшамасди.

Сира дейсизми? Кечирасиз, энг муҳим нарсада улар бир-бирига ўхшаш эди. Сайёрада ҳаёт бор эди. Биз шаҳар устидан, шаҳар бўлганда ҳам каттагина шаҳар устидан учиб ўтдик. Чеккаларига дарахтлар экилган йўллар ҳар томонга кетган бўлиб, уларда машиналар гизиллаб қатнарди. Шаҳарнинг умумий кўринишини, кенг кўчаларини, баланд деворли ошпоқ биноларнинг тарҳини бир зумда эслаб қолдим. Бу шаҳардан анча узоқроқ жойга қўнишга муваффақ бўлдик. Биз аввалига экинзорлар устидан, кейин қалин, бироз сарғимтил, ер экватори яқинидаги чангазорларни эслатувчи ўрмон тепасидан учиб ўтдик. Қўнадиган жойимизга анча яқинлашиб қолган эдик. Қаршимизда анчагина катта ўтлоқзорлари бор ясси тоғлар ястаниб ётар, ундан нарироқда эса ўнқир-чўнқир жойлар кўзга ташланарди.

Экспедициямиз раҳбари шу сайёрада бахтимизни синаб кўрмоқчи бўлди ва электрон аппаратларга охириги буйруқларни берди. Тўхтатувчи ракеталар ишга тушди. Кемамиз худди ўлжасини мўлжалга олаётган лочиндай ўтлоқзор устида бир неча сония муаллақ қотди.

Кейин эса Ердан учганимиздан икки йил ўтгач, кемамиз оҳиста пастлашиб, ясси тоғнинг ўртасига, норманд текисликларини эслатувчи юмшоққина майсазор устига қўнди.

### ***Тўртинчи боб***

Анча вақтгача индамасдан қимирламай ўтириб қолдик. Шунчалик узоқ учишдан кейин индамай ўтиравериш жуда ғалати туюлиши мумкин, лекин биз бироз куч тўшлаб, ўзимизга келиб олмоғимиз лозим эди. Биз гоёта таваккал сафарни, биринчи денгиз саёҳатчиларидан кўра минг маротаба

ғалатироқ, шоирлар тушларида кўришни ҳам орзу қилишмаган саёҳатни бошлаб кўйган эдик. Тамомила номаълум оламга қадам босишга тайёрланаётгандик.

Мўъжизалар ҳақида гапирилгудай бўлса, энг ажойиб мўъжиза шундан иборат эдики, биз ҳеч қандай қийинчилик ва саргузаштларсиз худди ўзимиздагидек океанлари, тоғлари, ўрмонлари, экинзор майдонлари, шаҳарлари ва эгалари бўлган сайёра майсазорига омон-эсон кўниб олган эдик. Лекин бизнинг кемамиз кўнишдан олдин чангалзорлар устидан анча масофани учиб ўтганини ҳисобга олгудек бўлсак, тўхтаган жойимиздан маданий ҳаёт ҳукм сураётган жойларгача анча масофа борлигини тахмин қилиш мумкин.

Ниҳоят, сергак тортдик. Скафандрларга ўралган ҳолда кема илломинаторини оҳиста очдик. Ҳеч қандай шамолдан асар йўқ. Кема ичидаги атмосфера босими билан ташқаридаги атмосфера босими ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ эди. Ўтлоқзор атрофини худди қалъа деворларидек ўрмонзор қоплаганди. Ўрмон шамол йўқлигидан қилт этмасди. Ҳеч нарса атрофдаги сукунатни бузмасди. Кун анчагина иссиқ бўлишига қарамай, чидаса бўларди — цельсия бўйича йигирма беш даражалар атрофида эди.

Биз кемадан ташқарига Гектор билан бирга чиқдик. Профессор Антель аввало атмосферани муфассал ўрганишга қарор қилди. Анализ натижаси умидбахш эди: ҳаво таркибини Ерлагай деса бўларди. Унинг таркибидаги ноёб газлар нисбатигина бундан мустасно эди. Шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши, тажрибани шимпанзедан бошлашга қарор қилдик.

Гекторни скафандрдан бўшатганимизда жуда хурсанд бўлиб кетди, ўзини сираям ёмон сезмади. Аксинча, заминга қадам қўйгач, худди сармаст одамдай хурсандчилик билан бир неча бор сакради, чошиб бориб дарахтга чиқди, шохдан шохга сакради. Тез орада у кўздан йўқолди, зўр бериб қилган имо-ишораларимизга қарамай, қораси кўринмай кетди.

Шунда биз ҳам эркинроқ гаплашиш учун скафандрларимизни ечдик. Овозимиз негадир ўзимизга жуда ғалати туюлди. Кемамиздан узоқ кетишни истамай атрофида айланаётгандик.

Биз ерга жуда ўхшаш сайёрага тушиб қолганимиз аниқ эди. Бу ерда ҳаёт бор эди. Ўсимликлар дунёси, айниқса, турли-туман бойлиги кўзга ташланарди: баъзи дарахтларнинг баландлиги қирқ метрдан ошарди. Тез орада ҳайвонлар дунёсининг биринчи вакиллари ҳам учратдик. Биздаги калхатларга ўхшаб кетадиган қоп-қора баҳайбат қушлар осмонда жавлон уришарди, бошқалари, биздаги тўтиқушларга ўхшаб кетадиганлари чийиллаб, бир-бирларини қувишарди. Аввалроқ айтганимиздек, сайёрага яқинлашган вақтимиздаёқ маданийлашган ҳаёт белгиларини аниқлаган эдик. Онгли мавжудотлар — биз ҳозирча уларни одам дейишга журъат этолмаётгандик — сайёранинг қиёфасини ўзгартириб юборишганди. Лекин биз турган бу жойлар, чор атрофимиз ҳали ўзлашмаган эди. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, зеро, биз осмондан Осие чангалзорларининг ўртасига тасодифан тушиб қолгудай бўлсак, ўша жойларнинг бийдай дала экани ва ҳеч ким йўқлиги бизни ҳайрон қолдирган бўларди.

Бирор ишга киришишдан олдин ўзимиз кўнган сайёрага ном қўймоқчи бўлдик ва уни Сорора<sup>1</sup> деб атадик. Мазкур сайёранинг Ерга ҳайрон қоладиган даражада ўхшашлиги учун шундай деб номладик.

Шундан кейин вақтни беҳуда ўтказмаслик мақсадида разведкани бошлаб юбордик. Мана уччаламиз табиий сўқмоқ бўйлаб ўрмон ичкарисига кириб кетдик. Мен ва Артур Левэн милтиқлар билан қуролангандик. Профессорга келадиган бўлсак, у ақл-идрок ишига ёрдам берадиган асбоб-ускуналардан ташқари ҳар қандай қирғин қуролига нафрат билан қарарди. Биз фавқулодда енгил ва тез юрардик, бунинг сабаби тортиш кучининг камлиги учун эмасди, — Сорора бу жиҳатдан ҳам Ердан фарқ қилмасди. Кемада учаётган вақтимизда вазнимиз икки маротаба оғирлашиб, эндиликда рисоласидаги ўз вазнимизга қайтгач, эчкилардек сакрашга тайёр эдик.

Биз баъзи-баъзида Гекторни чақириб, кетма-кет борардик, лекин у ҳамон кўринмасди. Олдимизда кетаётган Левэн тўсатдан тўхтаб қолди ва атрофга

<sup>1</sup> С о р о р а — лотинча она-сингил маъносини англатади.

қулоқ солишга имо қилди. Ҳақиқатан ҳам қаердандир худди шаршаранинг овозига ўхшаб кетадиган шовқин эшитилаётганди. Биз овоз келаётган томонга қараб юрдик. Тез орада эса шалолаларнинг овози аниқроқ ва қаттиқроқ эшитила бошлади. У ҳақиқатан шаршара экан. Уни кўришимиз биланоқ Сорорадаги бундай манзарага мафтун бўлиб қолдик. Тепаликдаги тик қоядан тоғ дарёларимизда оқадиганидек топ-тоза сув оқими пастга шиддат билан отилар, кичик кўлчадаги тошларга урилиб парчаланиб кетарди. Шалола тушаётган тошларнинг усти худди шу дамларда энг тепага кўтарилган улкан Бетельгейзедан тушаётган нурлар туфайли камалак ранглиридек товланарди.

Кўлча қирғоқлари шағалли ва қумли пляжлардан иборат табиий ҳовузга жуда ўхшарди. Суви эса ҳавасни келтирадиган даражада мафтункор эди. Левэн иккаламиз дарҳол шу ҳақида ўйлаб қолдик. Ҳаво эса тобора исиб бораётганди. Биз кийимларимизни ечиб ташлаб, дарҳол кўлчага ўзимизни отмоқчи бўлдик. Лекин профессор Ангель бизни тўхтатди. Бетельгейзе тизимидаги номаълум сайёрага тушган заҳотиёқ таваккалчиликка йўл қўйиб бўлмайди, деди. Мабодо бу сув бўлмасдан, қандайдир номаълум суюклик, ҳатто заҳарли бўлса-чи? Ўзи эса соҳил яқинига секин-аста юриб келди-да, бир бармоғини эҳтиёткорлик билан кўлга тикди. Кейин у шубҳали туюлаётган сувдан озгина олиб кафтига ёйиб кўрди, ниҳоят, тилининг учи билан сувнинг мазасини синади.

— Чамаси, бу сув, бошқа ҳеч нарса эмас, оддий сув, — минғирлаб қўйди профессор Ангель.

У кўлини кўлга тикиш учун олдинга чўзилди-да, бирдан тош қотиб қолди. Кейин унинг ҳайронликдан нола қилгани эшитилди, профессор бармоғи билан қумдаги изга ишора қилди. Мен бутун умрим мобайнида бундан кўра кучлироқ ҳаяжонни бошимдан кечирмагандим! Тепамизда арғувон рангли улкан Бетельгейзе нур сочар, ёнгинамизда нам қумликда эса инсоннинг изи аниқ кўриниб турарди.

### **Бешинчи боб**

— Бу аёл киши оёғининг изи, — деди қатъий ишонч билан Артур Левэн. Овози тўлқинланиб чиқаётган Артурнинг бундай қатъияти мени ҳайрон қолдирмади. У гўё менинг ҳам туйғуларимни ифодалаётгандай эди. Қумдаги изнинг нозик ва фавқулудда бежиримлиги мени ниҳоятда ҳаяжонга солди. Инсон оёғининг изи эканлигига заррача шубҳа йўқ эди. Эҳтимол, бу ердан бирор ўспирин ёхуд паст бўйлик эркак ўтандир, лекин ҳақиқатга яқинроғи — бу ерда аёл киши бўлганлиги. Бунга бутун қалбим билан ишонардим.

— Бундан чиқди, Сорорада одамлар яшар экан-да, — минғирлаб қўйди Антель.

Унинг овозида беҳосдан тилига чиқиб кетган умидсизлик оҳанглари ҳам сезилди. Профессор елкасини қисиб, биз билан бирга кўлча атрофларини текширишга тушиб кетди. Биз яна ҳалиги мавжудот томонидан қолдирилган бошқа изларни ҳам топдик. Кўлчадан нарироққа кетган Левэн тез орада қуруқ қумдаги изни топди. Бу издаги нам ҳали қуримаганди!

— Из қолдирган аёл бу ерда бундан беш дақиқача олдин бўлган! — хитоб қилди ёш физик. — У бу ерда чўмилган, овозимизни эшитгач эса қочиб кетган.

Изнинг эгаси аёл зотидан бўлганлиги биз учун, шубҳасиз, далилга айланди. Нафасимизни ичимизга ютиб, ўрмонни кузата бошладик. Лекин ўрмонда бирор шох қимирламас, шох-шаббаларнинг оёқ остида синиши ҳам эшитилмасди.

— Ҳали танишишга улгурамиз, — деди профессор Антель яна елкасини қисиб. — Ҳамонки бу кўлчада инсон зоти чўмилган экан, демак, биз ҳам ҳеч нарсдан хавфсирамай чўмилаверсак, энгиллашиб олсак бўлади.

Мўътабар олим бетакаллуфлик билан уст-бошларини ечиб ташлади, озгин гавдасини кийимлардан халос этди-да, дарҳол кўлга тушди. Узоқ училардан кейин сув шу қадар оромбахш туюлдики, биз кашфиётимизни деярли унутиб қўйдик. Фақат Артур Левэн мулоҳазакорлиги ва жиддийлигини йўқотмаганди. Мен эндигина унинг гашига тегмоқчи бўлиб турганимда тўсатдан шундоққина тепамизда — шалолалар оқиб тушаётган қоялар устидаги аёлга кўзим тушиб қолди.



Бу манзара менда уйғотган таассуротни ҳеч қачон унутмасам керак. Бетельгейзенинг қон янглиғ нурлари туфайли камалакдек товланаётган шалолалар фонидоги Сороранинг гўзал малагини кўришим биланоқ, нафасим ичимга тушиб кетай деди. Башарти у тоғ оқимининг илоҳаси бўлмаган тақдирда ҳам аёллиги, тўғрироғи, ёш қизча эканлиги шубҳасиз эди. Ширяланғоч бўлган бу гўзал малак ўзининг бутун малоҳатини кўз-кўз қилаётгандай нурлар оқими ичра турарди. Елкаларигача тушиб турган узун сочларигина унинг ягона либоси эди. Табиийки, биз икки йилдан бери аёл зотини кўрмагандик ва шу боис уни бирор бошқаси билан таққослай олмадик. Қаршимиздаги малак эса рўё эмас, ҳақиқат эканлиги ҳам рост эди. Суша устидаги ҳайкалдек қимир этмай турган бу номаълум фаришта Ер ҳайкалтарошлари орзу қилиши ҳам қийин бўлган бекаму кўст қадди-қоматга эга эди. Левэн иккаламиз азбаройи ҳайратланганимиздан нафас олишга кўрқардик, ҳатто профессор Антель лол қолганидан нима қилишини билмасди.

Биз томонга озгина энгашиб, қўлларини сал орқароққа қилиб турган, худди сувга сакрашни мўлжаллаётган аёл ҳам чамамда биз каби ҳайратда эди. Аввалига азбаройи қаттиқ ҳаяжонланганимдан унга дурустроқ разм сололмадим. Ташқи кўринишиёқ мени ўзига маҳдиё қилиб қўйган экан. Бир неча сониядан кейингина унинг оқ танли эканлигини фаҳмладим. Чунки танаси бугдой рангдан кўра оққа мойилроқ эди. У баланд бўйлик, лекин унчалик новча ҳам эмасди, қадди-қомати ниҳоятда келишганди. Кейин мен унинг фақат гаройиб тушлардагина кўриш мумкин бўлган ғоят тоза ва тиниқ чеҳрасига кўзим тушди. Ниҳоят, нигоҳларимиз бир-бири билан тўқнашди.

Шу дақиқаларда бутун диққат-эътиборим, кузатувчанлигим ўзининг авж пардасига кўтарилди, титраб кетдим. Зеро, мен унинг нигоҳидан одатдан ташқари, фавкулудда маънони уқдим. Биз ўзга оламларга отланар эканмиз, барча нарсга тайёр туришни ўзимизга аҳд қилиб олган эдик. Лекин ҳозирги ғалати ҳолатнинг нимадан иборатлигининг фаҳмига етолмасдим. Бизнинг мавжуд борлиқни қабул қилишимиз одатдагидан бутунлай тескари эканлигини ҳис этаётгандим. Бу ҳолат тепамиздаги аёл кўзларининг Ерда жуда кам учрайдиган кулранглиги учунгина эмасди. Ғалатилик кўз қарашларининг ифодасида эди. Бу қараш ҳеч нарсани ифодаламас, унда на маъно, на туйғу бор эди. Унинг кўз қарашлари мен қачонлардир кўрган бахтсиз телба аёлнинг қарашларини ёдимга туширди. Йўқ, бу телба одамнинг кўзлари эмасди. Бу қарашларда телбаликдан ҳам даҳшатлироқ нимадир бор эди.

У ўзини кузатиб туришганини сезгач, тўғрироғи, менинг нигоҳим қизнинг нигоҳи билан тўқнашгач, худди бир нарса ургандек, нимадандир чўчиган жонзотдек беихтиёр орқага ўтирилди. Бу қизлик шаъни ҳақоратланган одамнинг ҳаракатларига асло ўхшамасди. Мен унда бундай туйғунинг ўзи бутунлай йўқлигига ишондим. У шунчаки, менинг кўзларимга қарай олмас ёки қарашни истамасди. Нариги томонга ўтирилиб олган қиз энди кўз қири билан бизни кузатарди.

– Мен сизларга ҳалиги изнинг эгаси аёл киши эканлигини айтгандим-ку, – минғирлаб қўйди Артур Левэн.

У бу сўзларни азбаройи ҳаяжонланганидан деярли шивирлаб айтди, лекин шунга қарамай унинг овозини юқоридоги қиз эшитди. Ёш физикнинг овози унда кутилмаган таассурот уйғотди, шекилли, чўчиб орқасига тисарилди. Унинг бу ҳаракати бир нарсадан чўчиб чопишга шай турган ҳайвоннинг ҳолатига ўхшарди. У икки-уч қадам орқага чекинди, деярли бутун гавдаси қоятош ортида қолди. Энди унинг пешонаси ва бизни диққат билан кузатиб турган бир кўзигина кўриниб турарди.

Биз қимирлашга кўрқардик, биринчи ҳаракатимиз биланоқ қочиб қолишидан ҳайқардик. Ўзимизни тутишимиз уни хотиржам қилди. Орадан бироз вақт ўтгач, у яна қоятош олдида пайдо бўлди. Лекин ҳаммамиздан ёшроқ Левэн ҳиссиётларини тизгинлаб ололмади.

– Умрим бино бўлиб бунақасини кўрмаганман... – у шундай деб гапини бошлади-ю, эҳтиётсизлик қилиб қўйганини фаҳмлаб лабини тишлаб қолди.

Шаршара малаги инсон овозидан чўчиб тушгандай яна ўзини панага олди. Шунда профессор жим бўлишга ишора қилди-да, ҳеч нарсга эътибор

бермай чўмилишни давом эттирди. Биз ҳам унинг кетидан шундай қилдик. Бу усул дарҳол ўз самарасини берди. Лекин бу жуда галати самара эди.

Шаршара малаги фақат кўл тепасига яқинлашиб келдигина эмас, балки бизнинг чўмилишимиз ва калла ташлашларимизга ҳам алоҳида эътибор бера бошлади, бу ҳолат унга қизиқишимизни янада оширди.

Сиз хўжайини чўмилаётганда пляжда у ёқдан-бу ёққа чошиб юрган кучук боласини қачонлардир кўрганмисиз? У хўжайини кетидан ўзини сувга ташлашни жуда-жуда истайдию, лекин кўрқади. Аввалига у ўзини сувга отмоқчи бўлади, кейин орқага тисарилади, вовуллаб қўяди. Шаршара малаги ҳам ўзини худди шундай тугаётганди.

Шунда кутилмаганда унинг овозини эшитиб қолдик. Лекин унинг оғзидан чиққан товуш ҳайратимизни оширди, бу товуш қандайдир ҳайвонга хослиги ҳақидаги таассуротимизни мустаҳкамлади. Аёл шу вақтда қояли тепаликнинг шундоққина тепасида кўлга калла ташламоқчи бўлгандай бир алпозда турарди. Лекин қандайдир бир дақиқада кучук боласидек басарамжомлигини бас қилди, оғзини очди. Мен шу вақтда унинг назаридан чеккароқда турардим ва шу боисдан ҳозирги манзарани бемалол кузатишим мумкин эди. У ҳозир бизга қараб бирор нарса айтади ёхуд қичқиради деб ўйладим. Унинг бизга мурожаат қилишини кутардим. Мен унинг лафзидан ибтидоий тилдаги бирор оддийроқ сўз чиқишидан умидвор эдим. Лекин атрофга тарқаган галати товушлар унинг томоғидан чиқаётганди. Зеро, оғиз ёхуд тил билан бундай чийиллаш ёхуд миёвлашга ўхшаш товуш чиқарилиши амри маҳол эди. Бундай овозни бизнинг ҳайвонот боғларимиздаги ҳали шароитга унча кўникмаган маймун-шимпанзеларгина чиқариши мумкин.

Ўзимизни унга муғлақо эътибор бермаётгандай кўрсатишга ҳаракат қилиб кўлда чўмилавердик. Ниҳоят, у бир қарорга келди. Аввалига у ўтириб олди-да, тошларни ушлаб биз томон туша бошлади. Ҳаракатларининг чаққонлиги ва пухталиги бизни ҳайрон қолдирди. Унинг қуёш нурлари тушиб турган қадди-қомати фавқулудда келишган бўлиб, шаршаранинг юпқа кўзгуси ортидан афсонавий кўриниш касб этарди. Бошни айлантирадиган даражадаги баландликдан тошларни ушлар-ушламас бир неча сонияда кўлнинг шундоққина қирғоғига тушди-да, ясси тошга оёқларини йиғиб ўтириб олди. У бир неча дақиқа бизга тикилиб турди, кейин сувга шўнғиди ва заррача ҳайиқмай биз томон сузиб кела бошлади.

У биз билан ўйнашмоқчи бўлаётганини тушундик, уни чўчитадиغان ҳаракатлар қилмасликка интилиб, у ёқдан-бу ёққа суза бошладик. Пировардида, икки ўртада ўйин бошланди. Ўйин қонун-қоидаларини эса ўзи ҳам англамаган ҳолда шаршара малаги белгилаганди. Бу ҳақиқатан ҳам ҳовуздаги тюленлар ўйинини эслатадиган томоша эди. Ўшандай томошаларда тюленлар бир-бирларини қувишади-да, етай-етай деганларида кутилмаганда ҳар томонга тарқаб кетишади. Албатта, ҳозирги қилиқларимиз болаларнинг бебошлиқларига ўхшаб кетарди. Лекин гўзал нотаниш аёлни ўзимизга ўргатиш учун ҳамма нарсага тайёр эдик. Ҳатто профессор Антель шундоққина кўриниб турган мамнуният билан ўйинимизда иштирок этаётганди.

Сувдаги ўйинларимиз анчагача давом этди, чарчай бошладик. Шунда тўсатдан нотаниш қизнинг ҳозирги дақиқадаги юз ифодаси мени ҳайратга солди: у тамомила жиддий эди. Қиз биз билан жон-жон деб сувда сузди, ўзи таклиф этган ўйин билан овунди, лекин на юз ифодасида ва на лабларида кулгининг асорати бор эди. Бундан бир неча дақиқагача оғир туйғуларни бошдан кечирдим, лекин бунинг сабабини билолмасдим. Сабабини аниқлаганимдан кейин эса енгил нафас олдим. У кулмас, лекин аҳён-аҳёнда томоғидан секингина чийиллашга ўхшаш овоз чиқарар, шу асно ўз қувончини ифодаларди.

Мен тажриба ўтказишга қарор қилдим. У мен томонга худди кучукларга ўхшаб кўл ва оёқларини тез ҳаракатлантириб сузиб келарди, сочлари эса бамисоли комета думи каби орқасидан осилиб юрарди. У менинг олдимга яқинлашганда нигоҳини бошқа томонга олишга улгурмасидан кўзига тик қарадим-да, кўлимдан келганича самимият билан дўстона кулишга ҳаракат қилдим.

Бунинг натижаси мени лол қолдирди. Қиз сузишдан тўхтаб, бир жойда туриб олди. Кўлнинг бу жойининг чуқурлиги унинг белидан келарди. Тирноқлари ўсиб кетган қўлларини кўтариб худди ўзини ҳимоя қилаётган одам қиёфасига кирди. Кейин тескари ўтирилиб қирғоққа қараб илдам юриб кетди. Қирғоққа етгач, биз томон ярим ўтирилган ҳолда қотиб қолди, ҳали шаршара тепасида турган вақтидагидек бирор хатарни сезган ҳайвон сингари бизга хавфсираб қараб турарди. Эҳтимол, мен кулишдан тўхтаб, ҳеч нарса содир бўлмагандек яна суза бошлаганимда аввалги ҳолатига қайтган бўлармиди? Лекин шу дақиқада рўй берган янги ҳодиса уни янада кучлироқ чўчитиб юборди. Аввалига чангалзор орасидан қандайдир шовқин эшитилди, кейин эса қаршимизда бизнинг Гектор маймунимиз пайдо бўлди. У даракт шохларидан сакрай-сакрай ерга тушди, ниҳоят, бизни топганидан хурсанд бўлиб кетди ва ўзини сувга ташлади. Маймунни кўриши билан ғазаб ва даҳшатдан қизнинг ранги бўзариб кетганини кўриб мен лол қолдим. У худди тошлар билан уйғунлашиб кетгандай мушаклари таранглашди, сакрашга тайёрланаётгандай оёқлари эгилди. Буларнинг барчаси ўз қилиқлари билан бизни кулдирмоқчи бўлаётган кичкинагина маймун туфайли бўлаётганди.

Кейинги ҳодисалар яшин тезлигида содир бўлди. Гектор қизнинг борлигини сезмай унинг олдига яқинлашиб қолди. Қиз қўллари билан маймуннинг бўйнига ёпишди, оёқлари билан эса жониворнинг танасини омбурдай қисиб олди. Маймун қимир этолмай қолди. Хужум шунчалик тез амалга оширилдики, биз ўртага тушишга улпура олмай қолдик. Гектор сапгина қимирлади-да, тош қолди. Бир неча дақиқадан кейин қиз маймунни отиб юборганда у ўлган эди. Яратганнинг бу гўзал маликаси — мен ёруғ юлдуздан ҳам ёрқинроқ бу фаришгани Нова деб атагандим — безарар, қўлга ўрганган махлуқни бирпасда бўғиб кўяқолган эди.

Биз ниҳоят ўзимизга келиб, Гекторга ёрдам беришга шошилганимизда кеч бўлган эди. Нова бу томонга ўтирилди, қўлларини олдинга қилиб бизга ҳам ёпишмоқчидай ҳолатга кирди, устки лабини кўтарган эди, қозиқ тиши кўриниб кетди. Унинг кўриниши шу қадар даҳшатли эдики, биз беихтиёр турган жойимизда қотиб қолдик. Кейин қизнинг ноласи эшитилди. Бу нолани зафар қўшиғи ёки ғазаб айюҳанноси сифатида қабул қилиш мумкин эди. У шундан кейин чакалакзор сари шаҳдам юриб кетди. Шундан кейин унинг олтинранг танаси дарактлар орасидан охириги маротаба кўринди-да, кўздан бутунлай йўқолди. Биз яна сокин ва сирли ўрмон қаршисида қолдик.

### *Олтинчи боб*

— Бу ёввойи, — дедим мен ниҳоят. — Эҳтимол, у қандайдир қоқоқ қабилага мансубдир? Янги Гвинея ёхуд Африка ўрмонларида сақланиб қолган ёввойи одамлардек. Айтаётган бу сўзларимга ўзим ҳам унчалик ишонмасдим. Артур Левэн ҳам мени дарҳол мотга тутди. Қайси қоқоқ қабилаларда бу қадар бенуқсон қомату ҳаракатлар пухталигини кўргансан, деб сўради ғазабкор оҳангда. Мен унга нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолдим: у минг маротаба ҳақ эди. Профессор Антель чуқур ўйга толганди, лекин бизнинг гапларимизни эшитиб турганди.

— Ердаги энг қоқоқ қабила одамлари ҳам гапира олишади, — деди у. — Бу ёввойи эса гапира олмайди.

Биз ёввойи қизнинг изини қидириб кўлнинг атрофини тит-питини чиқариб юбордик. Шундан кейин космик кемамиз қўнган катта ўтлоқзорга келдик. Профессор Антель маданийроқ жойга қўниш учун дарҳол бу ердан учиб кетишни хошлаётганди. Лекин Левэн лоақал йигирма тўрт соат кутишни, чангалзор эгалари билан алоқа ўрнатишга уриниб кўришни таклиф этди. Мен унинг таклифини қўллаб-қувватладим, ниҳоят бу таклиф қабул қилинди. Гўзал нотаниш қизни яна бир маротаба кўриб қолиш умиди бизни бу ерда ушлаб турганини бир-биримизга айтишга журъат этолмасдик.

Кун фавқулодда воқеаларсиз ўз поёнига етаётганди. Кун ботиш соати етиб келди, биз эса уфқ томон узоқлашаётган улкан Бетельгейзени кўриб

завқланардик. Инсон зотининг хаёли бундан кўра афсонавийроқ ва маҳобатлироқ томошани кўришини тасаввур этиш амри маҳол эди. Лекин биз кейинроқ атрофимиздаги нималардир ўзгариб қолганини сездик. Чангалзор сирли товушлар ва шитирлашлар билан тўлиб кетди. Кўзга кўринмас мавжудотлар шох-шаббалар орасидан бизни кузатишаётгандай туюлаётганди. Лекин шунга қарамай тун осойишта ўтди: биз кемамизнинг ичидан беркитиб олиб, эрталабгача галма-галдан навбатчилик қилдик. Тонг отгандан кейин таъқиб қилишаётгани тўғрисидаги нохуш туйғу кучайди. Менга ҳатто ўрмон ичидан кеча Новадан эшитганимизга ўхшаш қисқа ўткир чинқиришлар эшитилаётгандай бўлди. Биз ўрмон ичи қандайдир кўринмас мавжудотлар билан қайнаётганини тасаввур этаётгандик. Лекин уларнинг бирортаси рўбарўмизда пайдо бўлмаётганди.

Бироз фурсат ўтгач, яна бир маротаба шаршарага боришга қарор қилдик. Бутун йўл бўйи чор-атрофдан қандайдир мавжудотлар тинимсиз кузатиб боришяпти, лекин бизнинг кўзимизга кўринишга журъат этиша олмаяпти деган одамни эзадиган туйғу бизни тарк этмади. Бундай десак, ахир кеча Нова биздан кўрқмади-ку!

– Эҳтимол, уларни бизнинг кийимларимиз чўчитаётгандир, – деб қолди Артур Левэн.

Ҳамроҳимнинг гапидан кўзим мошдай очилди. Кеча Нова бечора маймунни ўлдириб қочиб кетаётганда бизнинг кийимларимиз уюлиб ётганини кўриб бирданига қотиб қолганди. Кейин сесканиб тушди ва чўчиб кетган отдай кўздан йўқолишини аниқ эсладим.

– Ҳозир синаб кўрамиз! – дедим мен. Биз қипяланғоч бўлиб ечиндик-да, ўзимизни кўлга ташладик, ҳеч нарсага парво қилмаётган одамлардай шўхлик қила бошладик.

Синаб кўрилган ҳийла ўз самарасини берди. Бир неча дақиқадан кейин қоя тепасида қиз пайдо бўлди. У ерга қандай чиқиб олганини пайқамадик ҳам, эшитмадик ҳам. Лекин бу сафар у ёлғиз эмасди. Унинг ёнгинасида гавдаси худди Ердаги одамларга ўхшаб кетадиган қипяланғоч эркак ҳам турарди. Унинг ёши бир жойга бориб қолган бўлиб, кўриниши бизнинг малагимизга жуда ўхшаб кетарди, шу туфайли у одам Нованинг отаси бўлса керак деб ўйладим. У ҳам қиз сингари бизга ҳадик ва ҳайрат билан боқарди.

Вақт ўтиши билан бу ерда бошқа анча одам тўпланиб қолганини кўрдик. Уларга эътибор бермаган киши бўлиб, ўз ўйинимизни давом эттираётган бўлсак ҳам, улар ўрмондан чиқиб, ҳар томондан кўлга яқинлашиб келишаётганини кўриб турардик. Уларнинг ҳаммаси – эркаклару аёлларнинг барчаси ниҳоятда келишган, баданлари олгинранг эди. Тез орада биз ниҳоятда ҳаяжонланаётган Сорора аҳолиси ўртасида – ҳалқа ичида қолиб кетдик. Улар ўзаро нималарнидир имо-ишора қилишар, ора-чора қисқа қичқириб қўйишарди.

Ҳар томонимиздан ўраб олинганимиздан кейин ташвишлана бошладик: шўрпешона Гектор билан рўй берган воқеа бизни беихтиёр хавотирга солаётганди. Лекин уларнинг ўзларини тутишларида ҳеч қандай таҳдид сезилмасди. Чамаси уларни ҳам худди Нова сингари бизнинг қилиқларимиз қизиқтираётганди.

Худди ўйлаганимиздек бўлиб чиқди. Тез орада эски танишимиз Нова ўзини кўлга ташлади. Ундан кейин бироз иккиланиб туришгач, бошқалар ҳам сувга туша бошлашди. Энди одамлар сувда эди. Энди биз кечаги томошаларимизни қайтадан бошладик, тюленлар сингари бир-биримиз билан қувлашмачоқ ўйнадик. Фарқи шунда эдики, бугун атрофимизда камида йигирмата тушуниб бўлмас тирик зотлар чўмилишар, пишқиришарди. Уларнинг ғоят жиддий башаралари эса болаларча қилиқларига асло мос тушмасди.

Орадан чорак соатча вақт ўтди, бу ўйин кўнглимга тега бошлади. Наҳотки биз фазонинг чексиз кенгликларидан шунча йўл босиб, Бетельгейзега болаларча қилиқлар қилиш учун келган бўлсак? Ўз-ўзимиздан уялиб кетдим, донишманд профессоримиз Антель болаларча бу ўйинга завқ-шавқ билан берилиб кетганини кўриб янада алам қилди. Лекин бундан бошқа нима ҳам

қила олардик? На сўзлашни, на қулишни биладиган мавжудотлар билан алоқа ўрнатишни ким ҳам тасаввур эта оларди. Мен имо-ишоралар қила бошладим, ҳар бир ҳаракатимда маълум маъно англатишга ҳаракат қилдим. Жуда дўстона қиёфада кўлларимни кўкрагим устига қўйиб кўрсатдим. Хитойликларга ўхшаб таъзим бажо келтирдим. Уларга ҳаводан бўсалар юбордим. Лекин менинг барча ҳаракатларим зое кетди, жавобсиз қолди. Уларнинг кўзларидан бу имо-ишораларнинг бирортасига тушунганликларининг заррача аломатини топа олмадим.

Бу томонларга учиб келаётганимизда янги мавжудотлар билан учрашиб қолишимиз эҳтимоли борлигини кўп маротаба муҳокама этган эдик. Одамларга бутунлай ўхшамайдиган турли ажойиботларни учратишимизни ўйлагандик, лекин негадир уларда, албатта, ақл бўлади деган тасаввурда эдик. Бу ерда, Сорорада эса ҳеч қутилмаган нарсалар билан тўқнаш келаётгандик. Ўйлаганларимизнинг барчаси барбод бўлаётганди: бу ерда жисмоний жиҳатдан Ердаги одамларга тамомила ўхшайдиган, лекин, чамаси, тариқча ҳам ақли йўқ мавжудотларга дуч келгандик. Биринчи кўрганимизда мени мафтун этган Нова нигоҳининг маънисизлигини фақат шундай изоҳлаш мумкин эди. Энди эса бундай маънисиз нигоҳни унинг қабиладошларида ҳам кўриб турибман. Уларда онг, фикр ва қалб бутунлай йўқ эди.

Уларни фақат ўйин қизиқтирарди, холос. Ўйин бўлганда ҳам энг ибтидоий, энг аҳмоқона ўйин. Ўйинни салгина мураккаблаштириш, уларни ҳам бу ўйинга тортиш учун сув белимизгача келадиган жойда доира шаклида туриб олдиқ-да, ёш болаларга ўхшаб қўлларимизни юқорига кўтариб, пастга тушириб ўйнай бошладик. Лекин бу нарса ҳеч кимни қизиқтирмади. Одамларнинг кўпчилиги нарироққа кетиб қолишди. Бошқалари эса бирор маъно англатмайдиган нигоҳ билан бизга тикилишиб туришарди. Бундан биз ҳайратга тушдик, эсанкираб қолдик.

Ҳайрат ва эсанкирашимиз шунчалик кучли эдики, бу ҳалокатга олиб келишига оз қолди. Уч салобатли эркак, буларнинг бири жаҳоншумул олим қўлларимизни ушлашиб ўзимизни болалардек тутаётганимизнинг бемаънилигини тўла англаб етганимиздан кейин асабларимиз дош беролмади. Биз ўзимизни қўлга олишга қанчалик уринмайлик зўриқиш ўз ишини қилди. Биз қўлларимизни қорнимизга қўйиб телбаларча кулиб юбордик. Шу қадар қаттиқ ва кўп қулдикки, ҳеч ўзимизга келолмасдик.

Фақат ўз-ўзидан босиб келган шу телбаларча кулигина Сорора одамларига таъсир этди. Лекин бу биз кутган таъсир эмасди. Гўё қўл узра бўрон тургандай бўлди. Одамлар шу қадар ваҳима ичида ҳар томонга қочишардики, бошқачароқ шароитда бу жуда қулғили ва аҳмоқона туюлган бўларди. Бир неча дақиқадан кейин сувда фақат ўзимиз қолдик. Сорора одамлари қўрқув ва ғазабдан қалтираб қўлнинг нариги томонидаги қирғоқ олдида тўпланишди. Уларнинг баъзилари қўрқув аралаш қичқаришар, бошқалари эса таҳдид билан қўлларини ликиллатишарди. Уларнинг юзларидаги ғазаб алангасини кўриб Левэн иккаламиз кўрққанимиздан қуролга ёпишмоқчи бўлдик. Фақат донишманд Антелгина хотиржамлигини йўқотмади, улар биздан шунчалик масофада туришган пайтда қурол ишлатиш эмас, уни қўлга олиш ножоизлигига шивирлаб туриб бизни ишонтирди.

Улардан кўзимизни узмаган ҳолда тезгина кийина бошладик. Лекин шимимизни кийиб улгурмасимизданоқ, улардаги ғазаб жазавага айлана бошлади. Чамаси кийим кийган одамларни кўришга уларнинг асло тоқати йўқ эди. Баъзилари шаталоқ отиб қочишди, қолганлари эса қўлларини акашак қилганча биз томон таҳдид билан кела бошлашди. Мен милтиқни кўлимга олдим. Қанчалик ажабланишарли бўлмасин, ҳеч нарсага ақли етмайдиган бу одамлар менинг ҳаракатимни тушунишди: улар ҳар томонга қочишди, бир сония ўтар-ўтмас дарахтлар орасига беркинишга улгуришди.

Биз космик кемамизга етиб олишга шошилдик. Кемага қайтарканмиз бирор дақиқа бўлсин Сорора одамлари орқамиздан таъқиб этиб, кузатиб келишаётгани ҳақидаги ёқимсиз туйғу бизни тарк этмади.

## Еттинчи боб

Хужум шу қадар қутилмаганда содир бўлдики, ҳимоя тўғрисида ўйлашга ҳам улгурмадик. Майсазорга яқинлашиб қолганимизда Сорора одамлари бамисоли бўрилар тўдасидек тўсатдан чангалзордан чиқишиб, қуролни қўлимизга олишга улгурмасимиздан бизга ташланишди.

Бу ҳужумнинг энг қизиқ жойи шунда эдики, у бевосита бизга қаратилмаганди. Мен буни дарҳол фаҳмладим ва тахминим тез орада тасдиқланди. Одамлар бизнинг ҳаётимизга эмас, кийимларимиз ва қурол-яроларимизга ҳужум қилишаётганди. Бир сониядаёқ бизни ерга ётқизишди, ўнларча қўллар шоша-пиша қуролларимиз, ўқ-дорилар, рюкзакдаги нарсаларни ҳар томонга улоқтирар, шим ва қўйлақларимизни зўрлаб ечиб ташлар, шу ондаёқ уларни парча-парча қилиб ташлашарди. Фақат шу нарсаларимиздан уларнинг газаби кўзгаётганини сезиб, қаршилиқ кўрсатмадим. Натижада бир неча жойим тасодифан тирналганини эътиборга олмаганда мен деярли зарар кўрмадим. Антель ва Левэнлар ҳам мендан ўрнак олишди, шу боис ҳеч ким зарар кўрмади. Тез орада биз атрофимизни ўраб олган яланғоч эркак ва аёллар сингари онадан туғилган қиёфада қолдик. Бирдангина улар хотиржам тортишди ва атрофимизда шўхлик қила бошлашди. Лекин бир қадам ҳам у ёқ-бу ёққа силжишимизга йўл қўйишмасди. Қочилишнинг эса иложи йўқ эди.

Эндиликда ўрмон чеккасида юздан кам бўлмаган бундай ғалати одамлар тўдаси йиғилиб қолганди. Уларнинг баъзилари бизни ўраб туришар, бошқалари эса космик кемамизни ҳозиргина кийимларимизни қандай қаҳру газаб билан йиртиб ташлашган бўлса, шундай газаб билан бузишарди. Мен алам билан бебаҳо аппаратларимизни бузиб ташлаётганини кузатиб турардим, миям эса тўхтовсиз ишлашда давом этарди. Назаримда энг муҳим нарсани фаҳмлагандим: турли ашёлар уларнинг газабини кўзгатаётганди! Сунъий ясалган барча нарсалар борки, жазавога келтираётган, шу билан бир вақтда кўрқитаётганди. Уларнинг қўлларига бирор асбоб тушар-тушмас синдиришар, пичоқлаб ташлашар, худди қўлларини куйдираётгандай иложи борича узоққа улоқтиришарди. Мабодо қўлларига яна олғудай бўлишса ҳам, узил-кесил мажақлаш учун олишарди. Бу одамлар менга илонларга ўч мангустларни, каламушларни қийқиратадиган мушукларни эслатди. Мушукларнинг назарида ярам ўлик каламушлар хавфли туюлганидек, атрофдаги турли ясама предметларни тамомла дабдала қилмагунча тинчишмаётганди. Уларга қараб туриб қизиқ бир нарсага амин бўлдим: Ҳеч қандай қурол, ҳатто таёқ ишлатмай, яланғоч қўллари билан ҳам суробимизни тўғрилаб қўйишлари аниқ эди.

Қўлимиздан ҳеч нарса келмаслигини билган ҳолда алам билан Сорора одамлари кемамизни дабдала қилишаётганини кузатиб турардик. Кема эшиги уларнинг ҳужумига дош беролмади. Ичкарига ёпирилиб киришиб, синдириш ва яқсон қилиш мумкин бўлган барча асбобларни, жумладан, кемани бошқарадиган барча қимматбаҳо асбобларни майдалаб ташлашди. Кема қўнган майсазор турли асбобларнинг бўлақлари билан тўлиб кетди. Бу босқич анчагача давом этди. Ниҳоят, кеманинг металл корпуси қолгандагина босқинчилар тинчиб, бизнинг ёнимизга қайтишди. Қўлларимиздан силтаб ёввойи одамлар бизни ўз орқаларидан ўрмонга эргаштириб кетишди.

Аҳволимиз тўбора ёмонлашаётганди. Барча нарсаларидан мосуво бўлган, ечинтирилиб, қуролсизлантирилган ҳолда тўда орқасидан югургилашга мажбур бўлдик. Бир-биримизга бирор сўз айтиш, ҳатто шикоят қилиш имконига эга эмасдик. Гаплашиш учун уринишимиз ҳар сафар уларнинг газабини кўзгатар, таҳдидларини кучайтирарди. Биз бир-биримизга маъносиз тикилишиб жим қолишга мажбур бўлардик. Бизни худди ўзимиз сингари одамлар ўраб олишган эди-ку, ахир! Яхшилаб ювиб-тараб кийинтирсанг, бизнинг Еримиздаги одамларимиз уларга ҳатто эътибор беришмаган бўларди. Тўғри, бу сайёрадаги барча аёллар чиройли бўлишса-да, гўзалликда Новага тенглаша олмасдилар.

Нова ҳам шундоққина орқамиздан эргашиб келарди. Ҳар сафар менга қўпол муомала қилишганда қизнинг юзига қараб қўярдим, раҳми келаётгани ёхуд келмаётганини билишга ҳаракат қилардим. Бир сафар назаримда унинг раҳми

келгандай бўлди. Эҳтимол, шундай бўлишини азбаройи истаганимдан менга шундай туюлгандир. Кўзларим унинг кўзларига тушиши биланок нигоҳини олиб қочарди, афтидан, бирор маънони уқиш мумкин эмасди.

Бизнинг салиб юришимиз анча соат давом этди. Азбаройи чарчаганимдан йиқилай-йиқилай дердим, оёқларимдан қон оқарди, бутун баданимни қуруқ шох-шаббалар тирнаб ташлаганди. Сорора одамлари эса бундай шох-шаббалар орасидан худди илондек эгилиб ўтиб кетишар, ўзларига заррача зиён етказишмасди. Ўртоқларимизнинг аҳволи ҳам меникидан яхши эмасди. Аҳмоқона саёҳатимиз охирига етай деб қолганда профессор Антель ҳар қадамда қоқиладиган аҳволга тушди. Ўрмон сийраклашиб, дарахтлар ўрнини буталар эгаллади. Шу ерга келганда кузатиб келганлар бизни ҳоли қолдиришди, гўё бизнинг бу ердалигимизни унутиб қўйгандек, бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнашга берилиб кетишди. Бу нарса уларнинг ҳаётидаги ягона машғулотлари эди. Биз эса азбаройи чарчаганимиздан ўтлар устига чўзилдик ва фурсатдан фойдаланиб шивирлаб ўзаро маслаҳатлашишга тушдик.

Левэн иккаламиз обдон умидсизликка тушгандик. Отахонимиз бизнинг руҳимизни кўтариш учун бутун донишмандлигини ишга солди. Қоронғи туша бошлаганди. Биз, албатта, ёввойиларнинг анқовлигидан фойдаланиб, жуфтакни уриб қолишимиз мумкин эди. Лекин қаёққа ҳам борардик. Кемамизгача етиб борадиган йўлни топиб олган тақдиримизда ҳам фойдасиз эди. Ҳозирча шу ерда қолиш, тушуниб бўлмайдиган бу одамларнинг раҳмини келтиришга ҳаракат қилмоғимиз маъқулроқ эди. Бунинг устига, очлик азоб бера бошлаганди.

Биз ўрнимиздан туриб, журъатсизгина ўрмонни кеза бошладик. Одамлар эса телбаларча ўйинларини давом эттиришар, бизга заррача эътибор беришмасди. Фақат Нова, чамаси, бизни эсидан чиқармаганди. У сал нарироқда орқамиздан келарди. Биз ҳар сафар унга қараганимизда нигоҳини олиб қочарди. Ўтлоқни бироз кезганимиздан кейин биз ўзига хос қўноқ жойда эканлигимизни аниқладик. Фақат кулбалар ўрнига шундоққина ер ёхуд пастки шохларнинг бир-бири билан чирмашиб кетган жойларга қандайдир уялар қуриб ташланганди. Бу Африка ўрмонларида катта маймунлар ўзларига қуриб олган уяларга ўхшарди. Баъзи уялар банд эди. Эрақлар ва аёллар уяларда якка-ёлғиз ёхуд совуқ вақтларда гужанак бўлиб ётган итлардек бир-бирларига қапишиб ётишарди. Каттароқ уяларга эса бутун оилалар жойлашганди: ухлаб ётган болаларга ҳам кўзимиз тушди. Менга бу болалар жуда бақувват ва гўзал кўринди.

Лекин буларнинг ҳеч қайсиси бизнинг очлигимизга даво бўлолмасди. Тўғри, бир дарахт тагида овқатланаётган оилага кўзимиз тушди. Лекин уларнинг овқати бизни қизиқтирмади. Ҳеч қандай овқатланиш анжомлари ёрдамисиз, тишлари ва тирноқлари билан кийикка ўхшаш қандайдир йирик ҳайвоннинг танасини бўлақларга бўлишарди. Қон сизиб турган гўшт бўлагини Сорора одамлари тўғри оғзиларига тиқишар, гўшга ёпишан тери парчаларини туфлаб ташлашарди. Манзилпоҳдаги бирор жойда ўчоққа кўзимиз тушмади.

Бундай овқатланишни кўриб, кўнглимиз айниб кетди. Бунинг устига бизни ҳеч ким меҳмон қилмаслиги маълум бўлди. Аксинча! Овқатланаётган бирор оилага яқинлашгудай бўлсак, улар таҳдидли ириллашар, биз дарҳол чекинишга мажбур бўлардик.

Лекин Нова шу ерда бизга ёрдам берди. Эҳтимол, у биз очқаганимизни тушунгандир. Лекин мен бунга ишонмайман. У умуман бирор нарсени тушуна оладими ўзи? Билмадим. Тўғрироғи, унинг ўзи очқаган бўлса ажабмас. Ҳарҳолда, Нова баланд дарахт олдига келди, қўллари ва оёқлари билан унинг танасига ёпишди, чаққон ҳаракатлар билан пастки шохларга етиб олди, кейин шох-новдалар орасида йўқ бўлиб кетди. Тез орада эса бананга жуда ўхшаб кетадиган мевалар дўлдай тўкила бошлади. Кейин Нова ерга тушиб бизга кўз қири билан қараганча бу бананларни пок-покиза еяверди. Бироз иккиланиб турган, биз ҳам унга эргашиб, бананларни ея бошладик. Мева анчагина мазали экан, нафсимизни анча қондирдик. Нова эътироз билдирмай бизга қараб турарди. Биз ирмоқчадан сув ичиб олдик ва тунни шу ерда ўтказишга қарор қилдик. Ҳар ким ўзига Сорора одамларининг уяларига ўхшаган ётоқ қуриш

учун жой топди. Нова бизнинг ишларимизни шу қадар берилиб томоша қилдики, ҳатто шохни синдира олмаётганимда менга ёрдамлашиб юборди. Бу мени жуда тўлқинлантирди, навқирон Левэннинг жаҳлини чиқарди шекилли, шундоққина ерга ётиб, бизга тескари ўтирилиб олди. Профессор Антель эса азбаройи тинка-мадори қуриганидан аллақачон уйқуга кетганди.

Мен ўз ётоғимни яхшироқ қуриш учун ҳамон куймаланардим. Нова эса бир чеккада турганича менинг ишларимни кузатарди. Ниҳоят, мен ишимни тутатиб, уяга ётганимда аввалига у иккиланди, кейин майда қадамлар билан ишонқирамайроқ ёнимга келди. Уни чўчитиб юбормаслик учун миқ этмай ётардим. Мана у ёнимга ётди. Мен қимирламасдим. Ниҳоят у менга ишонч билдириб ёпишиброқ ётди. Энди эса биз галаги қабиланинг ухлаш учун ётган бошқа жуфтларидан сира фарқ қилмасдик. Лекин Нова қанчалик мафтункор бўлмасин, унга аёл кишига қарагандай қарай олмасдим. У ҳам ўзини хўжайини ёнида исинишни истаган ёқимтой уй ҳайвонидай тутарди. Менга ҳам баданининг ҳарорати хушёқарди, лекин унга нисбатан ҳеч қандай хоҳиш уйғонмади. Ниҳоят мен гўзал ва фавқулодда ақли ноқис бу мавжудотга ёпишганча ноқулай бир алпозда ухлаб қолибман. Жойнинг ноқулайлигидан шундай азоб чекдимки, дарахтлар орасидан чор атрофга сарғимгил нур таратиб турган, бизнинг Ойдан кичикроқ Сороранинг тунги ҳамроҳига аранг нигоҳ ташлаб қўйдим.

### *Саккизинчи боб*

Дарахт шохлари тепасидан кўришиб турган осмон оқарган бир паллада уйғондим. Нова ҳали ухларди. Мен миқ этмай унинг гўзаллигига суқланиб боқардим, лекин бечора маймунизмизга қилган шафқатсизлиги ёдимга тушиб хўрсиниб қўйдим. Бугина эмас, бизнинг барча кўргуликларимиз шу гўзал туфайли бошланганди. Ахир ўз қабилаларига биз ҳақимизда хабар берган шу бўлади-да! Лекин баданининг гўзаллиги, рафторининг келишганлигига маҳлиё бўлиб унга қазабимни соча олмасдим.

Қутилмаганда Нова қимирлаб қолди ва бошини кўтарди. Унинг кўзларида кўрқув зуҳр этди, бутун мушаклари таранглашди. Лекин менинг қимирламай ётишим уни хотиржам қилди, аста-секин афти мулойимлашди. Чамаси у ниманидир эслади. Ва биринчи маротаба у бир сония менинг нигоҳимга дош берди. Мен буни ўзимнинг галабам деб ҳисобладим ва Ердаги одамларнинг дўстона ифодалари Сорора одамларига ёмон таъсир этишини унутиб, Новага қараб кулдим.

Бахтимга бу сафарги таъсирланиши унчалик жазавали бўлмади. Қиз титраб кетди, худди сакрашга ҳозирлангандай бутун бадани таранглашди, лекин жойидан жилмади. Ўз галабамдан руҳланиб, мен янада сезиларлироқ қилиб кулдим. У яна титраб кетди, лекин бироз ўтгач тинчиди, пировардида эса унинг юзида ажабланганнамо ифода пайдо бўлди. Наҳотки, уни ўргата олган бўлсам? Бундан менда журъат пайдо бўлиб, кўлимни унинг елкасига қўйдим. Бадани титраб кетди, лекин ҳамон қимирламасди. Муваффақиятим мени лол қолдирди, Нова менга тақлид қилаётганини кўриб, янада ҳайратландим.

Ҳа, худди шундай бўлди! У қулишга ҳаракат қилаётганди. Чиройли юзининг мускуллари торайиб-кенгаяётганини кўриб, бу унга жуда қийин кечаётганини фаҳмладим. У қулишга бир неча бор уриниб кўрди, лекин натижада оғриқ азобидан озор чекаётган беморнинг тиржайишига ўхшаш бир ифода пайдо бўлди. Бу оддий, лекин у амалга ошириши мушкул бўлган ифода кишини ғоят тўлқинлантирарди. Ичимда тўсатдан нимадир узилиб кетгандай бўлди, қаршимда ғоят келишган, лекин тўлақонли бўлмаган болакай тургандай ачиндим. Мен уни елкасини эркалаб силаб қўйдим, у томон эгилиб, лабига лабимни оҳиста тегиздим... Бунга жавобан бурнини бурнимга ишқади, юзимни ялади.

Мен тамомила ўзимни йўқотиб, нима қилишимни билмасдим. Ҳар эҳтимолга қарши мен унинг ҳаракатларини қайтардим. Лекин ҳаракатларим унчалик қовушмаётгани сезилиб турарди. Нима қилганда ҳам биз бу жойларда



келгиндимиз, шу боис Бетельгейзе улуғ сайёра тизимидаги одатларни қабул қилишимизга тўғри келади. Нова ҳам маймундай туюларди. Лекин бундан кўра яқинроқ муносабатга ўтмадик. Ерда ўрганган қандайдир ҳаракатларим бирор тузатиб бўлмас хатога олиб келмасмикин, энди нима қилсам бўларкин деб ўйлар эканман, даҳшатли шовқиндан дарҳол ётган жойимиздан дик этиб туришга мажбур бўлдик.

Довдираган бир аппозда шерикларимиз ёнида бўлиб қолибмиз. Энг пасткаш худпарастдек улар бугунлай ёдимдан кўтарилиб кетишган экан. Нова худди телба бўлиб қолган одамдек ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Сирасини айтганда, бундай шовқин фақат сиз учунгина эмас, ўрмон эгаларининг барчаси учун даҳшатли ва қутилмаган ҳодиса бўлди. Одамлар ўз уяларидан сакраб тушганларича тўп-тўп ҳолда ўтлоқзорда тартибсиз равишда у ёқдан-бу ёққа зир югуришарди. Бу эса кечагидек шунчаки ўйин эмасди: уларнинг бақириқ-чақириқларида беҳад қўрқув сезилиб турарди.

Чангалзорлар тинчини тўсатдан бузган бу тўс-тўполондан томирлардаги қон қотиб қолгудай эди. Лекин мен ўрмон кишилари бундай шовқин-суроннинг оқибатини, бу шовқиннинг орқасидан келадиган муайян хавф-хатардан қўрқишаётганини сезиб турардим. Шовқин тобора кучаярди. Дўмбираларнинг бўғиқ овози, кострюлкани урганда чиқадиганга ўхшаган қаттиқ жаранг-журунг, чинқиришлар қўшилиб кетган ёқимсиз овозлар йиғиндиси юракларни орзиқтириб юборарди. Ҳаммадан ҳам ана шу чинқириқлар бизни ҳайрон қолдираётганди. Зеро, бизга номаълум тилнинг бирор сўзини тушунмасак-да, овозлар, шубҳасиз, одамларники эди.

Чиқиб келаётган Бетельгейзе аҳмоқона ва даҳшатли манзарани ёритиб турарди: ўрмон ўртасидаги ўтлоқзорда эркаклар, аёллар, болалар югуришар, бир-бирларини туртишганча қаёқларгадир чопишар, йиқилишар ва дарҳол ўрниларидан туриб, йўлларида давом этарди. Баъзилари эса худди беркинмоқчи бўлгандай дарахтлар тепасига чиқиб кетишаётганди. Шундай олатасирга қарамай, бир неча ёши ўтинқираган эркаклар ўзларини тутиб олишди-да, тўхтаб овозларга қулоқ сола бошлашди. Тўс-тўполоннинг овози ўрмоннинг дарахтлар қалин ўсган томонидан аста-секин яқинлашиб келаётганди. Бу ўлжани шовқин ва ҳайқириқлар билан қўрқитишга уринаётган таъкибчиларнинг қуршовига ўхшарди.

Чамаси, қабила оқсоқоллари қандайдир қарорга келишганди. Муайян сигнал ва буйруқни англатадиган қандайдир узук-юлуқ чийиллашгач, шовқин қилаётган томоннинг қарама-қаршисига қараб югургилашди. Бошқалар эса қўрқиб кетган кийиклар подаси каби уларнинг орқаларидан эргашишганини кўриб турдик. Нова биз томон, тўғрироғи, мен томон отилди. Унинг оғзидан илтижога ўхшаб кетадиган нола чиқди, кейин ўрмонзор томон чопиб кўздан йўқолди.

Шовқин-суроннинг овози янада қаттиқроқ эшитилди, назаримда, оғир оёқлар остида шох-шаббалар синаётгандай туюлди. Мен ҳам ўзимни йўқотиб қўйганимни эътироф этаман. Шу жойда қолиб, Сороранинг янги вакилларини кутиб олиш, албатта, тўғрироқ бўларди. Келаётган овозлар одамларники эканлиги дақиқа сайин аниқроқ туюлаётганди. Лекин қисматимизга тушган синовлардан кейин эшитилаётган бу чинқириқ, шовқин-суронга асабларим дош бера олмади. Нова ва қабиладошларидаги қўрқув мени ҳам ўз домига олди. Мен шу дамда на ўйлашга, на мулоҳаза қилишга ва на ўртоқларим билан маслаҳатлашишга қодир эдим, шунчаки ёш паривашнинг кетидан ўзимни ўрмон ичига урдим.

Анча жойгача чопиб борсам ҳам қизга етолмадим. Лекин мен Артур Левэн орқамдан югуриб келаётганини пайқадим. Профессор Антель шу ёшда бундай югуришга дош бера олмади, шекилли, кўринмасди. Ёш физик хансирай-хансирай менга етиб олди. Биз уятдан ерга кириб кетгудай бўлиб бир-биримизга қараб қўйдик. Мен эндигина Левэнга аввалги жойга қайтиб боришни, ҳеч бўлмаганда, бошлиғимизни шу ерда кутиб туришни таклиф қилмоқчи бўлаётганимда чор атрофдан бостириб келаётган бошқа овозлар янада тезроқ югуришга мажбур этди.

Энди овозларни аниқ эшита бошладим. Чакалакзор ичидан ўқ овозлари

қулоққа чалинди. Бизнинг овчиларимиз милтиқларининг товушини эслатадиган қуролдан якка-якка, гоҳида жуфт-жуфт ўқ отилаётганди. Ўқ овозлари қочаётганлар кетган томондан келаётганди. Нималар рўй бераётганини ўйлаб турганимизда таъқиб этувчилар бизга жуда яқин келиб қолишди, биз яна саросима ва ваҳима остида қолдик. Негалигини билмадим-у, бу отишмалар кўриб турганимиз даҳшатли, дўзахий манзарадан кўра хавфсизроқ ва танишроқ туюлди. Ҳеч нарсани ўйламасдан иложи борича панароқ жойлардан ва камроқ товуш чиқаришга ҳаракат қилиб қочиб кетдим. Артур Левэн ортимдан эргашди.

Ўқ овозлари эшитилган жойга етиб келдик. Мен тўхтаб қолдим, кейин эса ичкарироққа яна ҳам эҳтиёткорроқ, эмаклагудай бўлиб ҳаракат қилдим. Ўртоғим ҳам кетимдан қолмасди. Биз унча баланд бўлмаган тепаликка чиқдик-да, нафас ростлаб олиш учун ерга чўзилдик. Олдинда бир неча дарахт ва бутазор кўринарди. Сўнгги метрларни мен аранг, эмакляб босиб ўтдим. Бутазорга етиб олганимдан сўнг... гаранг одамдай қотиб қолдим. Кўз олдимда инсон онги тасаввур қила олмайдиган манзара намоён бўлди.

### *Тўққизинчи боб*

Мен кўрган манзаранинг жуда кўп ғалати, ҳатто даҳшатли тафсилотлари бор. Лекин менинг диққатимни биринчи навбатда ўтгиз метрлар нарида биз томонга қараб турган мавжудот ўзига жалб этади.

Ҳайратдан қичқириб юборай дедим. Ҳа, гапимга ишонаверинг. Аҳволимизнинг бугун фожиавийлиги – биз ҳайдаб келаётганлар ва ўқчилар орасида қолганимизга қарамай, пистирмадаги ўлжасини таъқиб этаётган мавжудотни кўрганимда мендаги чексиз ҳайрат бошқа барча туйғуларни босиб кетди. Зеро, бу одамсифат баҳайбат маймун, горилла эди! Ақлдан озиб қолмадиммикан деб ўйлардим. Йўқ, кўриб турганим рўё эмас, ҳақиқат эди. Гориллани ҳатто Сорорада учратишнинг ўзи унчалик ғайритабиий туюлмаслиги мумкин эди-ю, мени таажжубга солаётган ҳолат унинг яхшигина кийиниб олгани эди. Энг муҳими эса у кийим-кечақда ўзини жуда эркин ва табиий сезарди. Айнан ана шу табиийлик мени ҳайратда қолдираётганди. Биринчи қарашимдаёқ тушундимки, маймун бошқа биров томонидан махсус кийинтириб қўйилмаганди. Яланғоч юриш Нова ва унинг қабиладолшлари учун қанчалик табиий бўлса, горилланинг кийими ҳам шунчалик табиий ва ўзига ёпишиб турганди.

Горилла худди бизларникидек костюм кийиб олганди. Костюм бўлганда ҳам элчилар ва бошқа мўътабар зотлар учун ов масумининг расман тантанали очилишига таклиф этилган овчиларникига ўхшарди. Унинг қизғиш калта камзули энг яхши Париж ательеларидан бирида тикилганга ўхшарди. Камзул ичидан эса бизнинг спортчиларимиз кийиб юрадиган йирик катакли кўйлагини кўриб турарди. Этик шимининг почаси тагидан боғлаб қўйилган эди. Шу билан маймун ва бизнинг кийимларимиз ўртасидаги умумийлик тугарди. У туфли ўрнига оёқларига қалин қора пайпоқлар кийиб олганди.

Қаршимдаги айни горилла эди, буни аниқ-таниқ кўриб турардим. Кўйлагининг ёқасидан ёноқ суяклари, ясси бурни, беўхшов жағлари чиқиб турган қопқора ва бадбашара юзи кўзга ташланарди. Горилла ўлжасини отишга шайланаётган овчилардек сал эгилиброқ, узун қўллари билан қуролини сиқиб ушлаб турарди. У менинг шундоққина рўпарамда, кенг ўрмон йўлининг нариги томонида тош қотганди. Бу жойга таъқиб этаётганлар етиб келишаётганди.

Горилла бирданга сергак тортиди. Мен ҳам ўнг томонимдаги бута шитирлаганини эшитдим. Горилла бошини ўгирди, шу билан бирга мўлжалга олиш учун қуролини ҳам кўтарди. Бутанинг тепасидан танасининг қимирлаётганини эшитдим, унинг ёнидан эса қочаётганлардан бири таваккалига чиқиб келарди. Маймуннинг ниятини билиб турганим учун қичқириб, бечорани хавфдан халос этгим келарди. Лекин бундай қила олмадим, улгура олмадим, у одам кийиклардай югуриб, очиқ майдонга чиққан эди. Югургилаётган одам бир сакраб тушди, сўнг йиқилди, типирчилади, кейин тинчиб қолди.

Лекин мен ўлган одамга дарҳол эътибор бера олмадим, бугун эътиборим гориллада эди. Буга шитирлаган со尼亚дан бошлаб гориллани диққат билан кузатдим ва юз ифодаларининг турли-туманлигидан ҳайрага тушдим. Аввалига унинг юзи ўз ўлжасини бетоқатлик билан пойлаётган овчининг ҳолатини эста туширса, кейин ўқи мўлжалга текканида чексиз қувончни ифодалади. Энг ажабланарли жойи шунда эдики, ўз туйғуларини худди одамларга ўхшаб ифодаларди. Бу мени ҳаммадан кўра кўпроқ ҳайрон қолдирди. Горилланинг нигоҳидан Сорора кишиларига бегона маъно, ақл сезилиб турарди.

Менга таҳдид қилаётган хавф-хатар туйғуси ҳайратланиш туйғусидан устун келди. Ўқ овози мени яна қурбонга қарашга мажбур этди ва даҳшатли жон талвасасининг гувоҳи бўлдим. Кейин мен бутун йўл усти одам жасадлари билан тўлиб ётганини кўрдим. Буларнинг барчаси хаёл эмас, ҳақиқий эканлиги яна ўз тасдиғини олди. Биринчи горилладан юз метрлар чамаси нарида худди унга ўхшаб кийинган иккинчи гориллага кўзим тушди. Ҳеч шубҳасиз бу қуршов эди. Қуршов бўлганда ҳам ҳеч хаёлга келмайдиган қуршов эди. Бу қуршовда овчи сифатида бир хил оралиқда рақамлар билан турган маймунлар, ўлжа эса сизу бизга ўхшаш одамлар, эркак ва аёллар. Уларнинг ўқ еган, турли алпоздаги яланғоч гавдалари қонга беланиб, ерда чўзилиб ётарди. Менинг ўзим ҳам бу қуршовда, афсуски ўлжа сифатида қатнашаётганим!

Бундай даҳшатли манзарани кўришга дош бера олмай кўзимни йўлдан четга олдим. Бундан кўра йўлимни тўсиб турган гориллани кузатганим дурустроқ. У ўтирилганда орқасида хўжайин олдида турган хизматкордек бошқа маймун ҳам бор эди. Бу паст бўйлик, чамаси, жуда ёш, қасам ичиб айтаманки, одатдаги шимпанзе эди. У ҳам кийинганди, лекин гориллага ўхшаб башанг эмас, одмироқ кийинганди, эгнида оддийгина кўйлак ва шим. Лекин у ўз ишига гоյада чечанга ўхшарди. Горилла кўлидаги қуролни кичкина шимпанзегга узатганда унинг родини дарҳол тушундим. Шимпанзе дарҳол унга, бошқа, ўқланган қуролни туқазди. Кейин патронтошдан Бетельгейзегга нурлари остида йилгиллаб турган патронни чаққонлик билан биринчи қуролга жойлади-да, яна горилланинг орқасидаги ўз ўрнини эгаллади.

Буларнинг барчаси кўз очиб юмгунча фурсат ичида содир бўлди. Мен булар тўғрисида мулоҳаза юрийтишга, уларни таҳлил этишга ҳаракат қилардим. Лекин бунга вақт йўқ эди. Артур Левэн ёнимда қўрқувдан эсанкираб ётар, менга ёрдам бергудай ҳоли йўқ эди. Хавф-хатар ҳар сония сари кучайиб борарди. Қуршовга олаётганларнинг занжири тобора сиқиб келарди. Уларнинг шовқин-суронлари ва қичқириқлари чидаб бўлмас даражага етди. Биз ёввойи ҳайвонлар, ёхуд яқиндагина ёнимиздан чоғиб ўтиб кетишган бу бечора одамлар сингари талвасага тушиб, гаранг бўлиб қолгандик. Қабила аҳли мен ўйлаганимдан кўра кўпроқ экан. Эркак ва аёллар ҳалигача буталар орасидан очик йўлга чиқиб қолишар, бу ерда эса уларни даҳшатли ўлим кутиб оларди.

Лекин ҳаммасини эмас. Бамайлихотир бўлишга уриниб, тепаликдан туриб қочаётганларнинг ўзини қандай тутишаётганларини кузатардим. Уларнинг кўпчилиги қўрқувдан ўзларини йўқотишиб, буталар орасидан шовқин-сурон билан очик йўлга чиқиб келишар, бу билан маймунларни огоҳлантириб қўйишарди. Маймунлар эса уларнинг шундоққина рўбарўсидан нишонга олишарди. Лекин бошқалари кўшлаб маротаба қуршовларга дуч келиб, хушёр тортиб қолган айёр тўнғизлардек эҳтиёткорлик кўрсатишарди. Бундай қочқинлар товуш чиқармай йўл ёқасига келишиб, тош қотишар ва кўпинча энг яқинда турган овчи тескари ўтирилишини пойлашарди. Горилла бирор нарса билан алахсиб турганда, машғум ўлим йўлидан чопқиллаб нариги томонга ўтиб олишарди. Бундайларнинг кўпчилиги эсон-омон нариги томондаги жон сақловчи бутазорга ўтиб олишарди.

Эҳтимол, худди шу ҳолат омон қолишимизнинг ягона йўлидир. Мен Левэнга орқамдан юришга имо қилиб, йўл ёқасидаги охириги бугагача эмакляб бордим. Мўлжаллаган бугага етиб келганимиздан кейин менинг қалбимни ноўрин газаб алангаси қоплаб олди. Нега мен инсон боласи бўла туриб, маймунни алдаш учун ҳар хил ҳийла-найранглар ахтаришим керак экан? Бу менинг иззат-нафсимга тегиб кетди! Мен шунчаки ўрнимдан туриб бу ҳалдан ошган ҳайвонларни калтак билан адабини бериб қўймоғим керак. Аммо

куршовнинг тобора кучайиб бораётган шовқин-сурони менинг аҳмоқона манманлигимга чек қўйди.

Кушов поёнига етаётганди, дўзах шовқини авжига чиқди. Таъқибчилар шундоққина орқамизда эди. Улардан бирини шох-шаббалар орасидан қўриб қолдим. Бу баҳайбат горилла бўлиб, сўйил билан дарахтларнинг танасига урар, наъра тортар, кучи борича бўкирарди. Бу горилла менга овчи гориллалардан ўн баробар хавфлироқ кўринди. Левэннинг азбаройи бадани қалтирар, тишлари бир-бирига такиллаб уриларди. Мен эса нафасимни ичимга ютиб, йўлдан чопиб ўтиш учун қулай фурсатни пойлардим.

Лекин шу дақиқада менинг бечора ўртоғим ўзи ҳам англамаган ҳолда мени қутқариб қолди. Бу нималар эвазига бўлди денг! Левэн эс-ҳушини бутунлай йўқотган ҳолда бута тагидан чиқиб қочиб тушди ва милтиқ кўтариб турган горилланинг рўбарўсига келиб қолди. Узоққа қочиб кетишнинг иложини қила олмади. Ўқ уни иккига бўлиб юборгудай бўлди. Левэн йўлни тўлдириб ётган бошқа қочоқлар ёнига йиқилди. Унга аза очиб ўтиришимнинг фурсати эмасди, зеро, бу нарса унга заррача ёрдам ҳам бера олмади. Энгашиб ўтирганча, горилла хизмаккорига милтиқ узатадиган пайтни пойладим. У шундай қилиши биланоқ бута тагидан чиқиб, кўчани кесиб чопа кетдим. Худди тушда кўраётгандек горилла шошилиб ўқланган қуролни олганини пайқадим. Лекин у нишонга олишга улгурмасдан, чакалазор ичига ўзимни урдим. Қулоқларимга унинг сўкинганга ўхшаш овози чалинди. Лекин навбатдаги галати ҳолат ҳақида мулоҳаза юритишга вақт йўқ эди.

Шундай қилиб мен енгиб чиққандим. Таҳқирланган иззат-нафсим бироз таскин тошган ва мағрур эдим. Мен бу қонли жангтоҳдан иложи борича тезроқ узоқлашиш мақсадида оёқларимни кўлимга олиб югурардим. Тез орада орқамдаги таъқибчиларнинг овози тинди. Мен қутулиб қоландим.

Қутулиб қолдиммикин? Бахтга қарши Сорора маймунларининг айёрлигига яхши баҳо бермаган эканман. Ҳали юз метрлар юрмасимдан қоқилиб кетдим-да, буталар орасига яшириб қўйилган қандайдир тўсиққа келиб урилдим. Бу тўсиқ ерга ёйиб қўйилган тўр эди. Тўсиқлар тагига катта уя ва саватлар қўйилган экан. Шулардан бирига тушиб қолдим. Надоматлар бўлсинки, мен ёлғиз эмасдим! Тўр ўрмоннинг анча жойини эгаллаган экан. Уя ва саватларда ўқдан омон қолган анчагина одам типирчилашарди. Қопқонга тушиб қолганларнинг зўр бериб тўрни йиртишга ва озодликка чиқишга уринишлари зое кетаётганди.

Тузоққа тушиб қолганимни ҳис этганимдан кейин шунчалик жазавага тушиб, газабим кўзиб кетганидан мулоҳаза юритиш қобилиятим бутунлай йўқолиб, эҳтиёткорликни унутибман. Худди телба бўлиб қолган одамдай айни қилмаслигим лозим бўлган ишни қилибман, тўрдан қутуламан деб қимирлайверибман, натижада тамомила тўрга ўралиб қолдим. Аҳвол шу даражага етдики, пировардида бутунлай қилт этолмадим. Энди миқ этмай атрофга қулоқ солишдан, бундан кейинги ҳаётим боғланиб қолган маймунларни кутишдан бошқа иш қолмаганди.

### *Учинчи боб*

Мен томон яқинлашиб келаётган овчиларни кўрганимда бутун вужудимни даҳшатли, ифодалаб бўлмайдиган қўрқув қоплади. Улар ҳозироқ тузоқдагиларни тор-мор қилишга киришадигандай туюлди: ахир мен уларнинг ўтакетган раҳмсизликларини кўрдим-ку.

Барча ўқчи гориллалар олдинда келишарди. Шунда уларнинг қуролсиз эканликларини кўриб, юрагимда умид учқунлари пайдо бўлди.

Ўқчиларнинг кетидан ов ҳайдовчилар келишарди. Уларнинг ичида гориллалардан ташқари тахминан шунча шимпанзе ҳам бор эди. Ўқчи гориллалар ўзларини бамисоли хўжайинлардай, ҳақиқий золагонлардай тутишарди. Кўринишларидан аъло кайфиятда эдилар, ёмон ниятлари ҳам йўққа ўтишарди. Бу сайёранинг ақла зид ишларининг бемаънилигини ўйлаб ўтирмай шундай деб ёзиш учун одам бундай шароитта салгина кўниккан бўлмоғи керак

эди. Лекин ҳақиқатда ҳам шундай бўлиб чиқди. Гориллалар чиндан ҳам ўзларини зодагонлардай тутишарди. Улар тушуниб бўлмайдиган, лекин росмана тилда кувноқ суҳбатлашар эди. Мен қанча уринмай Нованинг юзидан топа олмаган одамларга хос ифодаларни уларнинг юзидан топдим. Афсеулар бўлсинки, у билан қандай воқеа содир бўлганини ҳамон билмасдим! Лекин қонли йўлни эслашим биланоқ, бутун вужудимни қалтироқ босарди. Нова бизнинг кичкинагина шимпанзеимизни кўрганда нега ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушганининг сабабини энди англадим. Бу ерда, Сорорада одамлар ва маймунлар бир-бирларини кўришга кўзлари йўқ экан. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун тутқиндаги одамлар яқинлашиб келаётган маймунларга кўзлари тушиши биланоқ, ўзларини қандай тутишларига разм солиш кифоа қилади. Улар безовта титрашар, тишларини асабий гижирлатишар, оғизларидан сўлакларини оқизиб, арқонни ғажишарди.

Бундай олатасирга қарамасдан ўқчи-гориллалар – мен уларни беихтиёр хўжайинлар деб атаган бўлардим – ўз хизматкорларига буйруқлар бериб туришганини пайқадим. Тўр қўйилган буталар нарёғидаги йўлда атрофига сим тўсиқлар қоплаган пастаккина трактор прицеpleri пайдо бўлди. Ҳар бир прицеппа тахминан ўн иккитадан асирни жойлар эдилар. Бу жараён анча узоқ чўзилди, чунки маймунларнинг қўлига тушмаслик учун зўр бериб тиширилар эдилар. Хизматкор гориллалардан иккитаси асирларнинг тишлаб олишларидан сақланиш учун қалин чарм қўлқоп кийиб, асирларни бирин-кетин тўрдан бўшатиб олиб, прицеппа улоқтиришарди. Хўжайин гориллалардан бири бесўнақай аллозда сим арқонга суянганча уларнинг ишига раҳбарлик қиларди.

Навбат менга келганда эътиборни ўзимга қаратиш учун гапирмоқчи бўлдим. Лекин оғзимни очар-очмас асирларни прицеппа улоқтираётган гориллалардан бири, чамаси тишлаб олмоқчи деб ўйлади, шекилли, қўлқоп кийган баҳайбат панжаси билан оғзимни ёпди. Оғзинг ёпилгида гапира олмас экансан! Бамисоли қопни отгандай мени қафас ичига отиб юборишди. Мен ўнга яқин эркак ва аёллар ичига тушиб қолдим. Ҳамон ҳаяжондан қалтирашиб турган, ўзлари билан ўзлари овора асирлар менга эътибор беришмади.

Барча асирлар прицеппа орғиб бўлганча, хизматкор горилла қафасларнинг қулфларини текшириб чиқди-да, хўжайинига нимадир деди. Хўжайин қўли билан имо қилди, ўрмон мотор овозларидан тиграб кетди. Прицеплар силкиниб ўрнидан қўзгалди, бизнинг тракторларимизга ўхшаш машиналар орқасидан юриб кетишди. Машиналарни ҳам маймунлар ҳайдашаётганди. Орқамизда келаётган машинанинг ҳайдовчисига синчиклаб қарашга муваффақ бўлдим. Уни кўк жомакор кийиб олган эркак шимпанзе бошқарарди. Чамаси, унинг вақти чоғ кўринарди, аҳён-аҳёнда биз томонга ишора қилиб, заҳарханда ҳазил қилар, ора-чора нималардир деб хиргойи қиларди. Мотор овози тинганда қулоғимга руҳсиз, аммо анчагина ёқимтой оҳанг узук-юлуқ эшитила бошлади.

Йўлнинг биринчи босқичи шунчалик қисқа эканки, ҳатто эсимни йиғиб олишга ҳам улгурмадим. Карвонимиз дабдаласи чиқиб кетган йўлдан чорак соат юргач, тош уй олдидаги очиқ майдончада тўхтади. Бу ерда ўрмон тугарди, унинг нарёғи кўз илғайдиган жойларгача дала бўлиб, қандайдир донли экин экилганди.

Томга қизил черепица ётқизилган, дарича эшиклари кўм-кўк, кираверишга лавҳа ёпиштирилган уй ошхонага ўхшарди. Бу жой ўқчилар йиғиладиган манзил эканлигини дарҳол фаҳмладим. Кўринишидан хизматкор шимпанзелар хўжайинларини кутишар, улар эса, чамаси, ўз машиналарида бошқа йўлдан келишарди. Горилла хонимлар эса биздаги пальмаларни эслатувчи баланд дарахтлар соясига доира шаклида қўйилган юмшоқ ўриндиқларда жойлашиб олганча бамайлихотир вақиллашар, найчалар билан қандайдир ичимликни сўришарди.

Тиркамалар машиналар тўхтайдиган жойга қаторлашиб териб қўйилгач, горилла хонимлар ўлжаларни қизиқиб томоша қила бошлашди. Лекин энг аввало уларнинг эътиборини иккита катта юк машинасида келтирилган мурдалар ўзига тортди. Узун фартук тутиб олган хизматкор гориллалар мақинадан мурдаларни тортиб тушириб, дарахтларнинг соясига тахлашарди.

Ўлжа эса қойилмақом эди. Бунинг устига, маймунлар гоаят батартиб ҳаракат

қилишаётганди. Улар ҳаммаёғи қон бўлган жасадларнинг юзларини тепага қаратиб, бир текис жойлашмоқда эдилар. Кейин аёлларнинг маъқулловчи хитоблари остида ўлжаларини чиройлироқ кўрсатиш мақсадида мурдаларнинг акашак бўлиб қолган бармоқларини тўғрилаб, кафтларини тепага қаратиб, қўлларини ён томонларига жойлашар, оёқларини узатишиб қийшайиб ётган бошларини тартибга солишарди. Бир сўз билан айтганда, ўлжаларини батартиб жойлаштиришга интилишарди. Ниҳоят, ўлганларнинг, айниқса, аёлларнинг сочларини тараб, уларга оро беришарди. Бу баъзи овчиларнинг ўз ўлжаларининг юнгини тараб қўйишларига ёхуд ўзлари отган қушнинг қанотларини силаб қўйишларига ўхшарди.

Бир вақтнинг ўзида ҳам жирканч, ҳам кулгили бу расвогарчиликни тасвирлашга кучим етмайди деб кўрқаман. Маймунларнинг кўз қарашларидаги қандайдир маънолар тўғрисида гапирганларимдан ташқари, уларнинг ташқи кўринишлари ва ноз-карашмалари хусусида сизларга бирор нарса деганим ёхуд демаганимни эслай олмайман. Эркак гориллаларнинг эғнидагига ўхшаш, фақат улардан кўра бежиримроқ спорт костюмлари кийиб олган горилла хонимлар энг яхши ўлжани қидиришиб мурдалар олдида куймаланишаётгани, бармоқлари билан кўрсатишаётгани, ўз жуфтлари бўлган гориллаларни қутлашаётганини ҳам айтмадим, шекилли? Аёллардан бири ўз сумкасидан жажжигина қайчи чиқариб, мурда устига энгашиб, ундан кесиб олган бир неча тутам қора сочини доира шаклида ўрагани ва тўғноғич билан ўз шляпасига қадаб қўйганини ҳам айтмадим, чамаси? Айтмаган бўлсам шу ондаёқ бошқа аёллар унинг ишини айнан тақрорлашганини қўшиб қўяй.

Мана, мурдалар хилларга ажратилди. Барча мурдалар уч қатор қилиб эркак ва аёллар аралашига тартиб билан тахлаб қўйилди. Буларнинг барчасига гаройиб Бетельгейзе куёшининг ўткир нурлари ёғиларди! Нигоҳимни нариги томонга қаратганимда учига чўзинчоқ қора қутича ўрнатилган учоёқни кўтариб олган янги иштирокчига кўзим тушди. Бу шимпанзе эди. У бизнинг олдимизга келганда сураткаш эканлигини, маймунларнинг авлодлари учун ҳозирги шонли овнинг натижаларини муҳраб қолмоқчи бўлаётганини фаҳмладим. Бу ишга чорак соатдан мўдроқ вақт кетди. Аввалига жаноб гориллалар якка-якка ҳолда ўзлари учун ёқимли кўринишда, масалан, оёқларини ўз ўлжаларидан бирининг устига қўйганча, кейин эса бир-бирларининг елкаларидан қучганча умумий равишда суратга тушишди. Сўнгра бошқаларга навбат келди. Улар ҳам ҳаммаёғи қон мурдалар фонида чиройлироқ қиёфада, мурдалардан кесиб олинган сочлар қистириб қўйилган шляпалари кўринадиган алпозда суратга тушишга интилишди.

Бу манзарадан ақлдан озиш ҳеч гап эмас эди. Содир бўлаётган ҳодисаларнинг даҳшати инсон кучи ва ақлидан кўра қудратлироқ эди. Гарчи қоним қайнаётган бўлса-да, ўзимни тутиб турардим. Лекин аёллардан бири чиройли кўринишда суратга тушиш учун мурда устига ўтирганда, мен бу мурданинг ёш, қарийб болаларча қиёфасидан бахтсиз дўстим Артур Левэнлигини таниб қолдим, асабларим дош беролмади. Бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган ҳодисалар ҳам даҳшатли, ҳам кулгили эканлиги, бир сўз билан айтганда бёманилиги сингари мен ҳам ўз ҳиссиётларимни гоят бемаъни тарзда ифодалаб юбордим. Худди жинни бўлиб қолган одамдай ўзимни тўхтатолмай тинимсиз кулавердим.

Афсуслар бўлсинки, қафасдаги қўшнилариمنى сира ўйламабман! Лекин шу дақиқада бирор нарсани ўйлай олармидим ўзи? Қўшнилариمنى талваса ва жазавага тушиб қолишлари бу одамлар маймунга қараганда мен учун, шубҳасиз, даҳшатлироқ эканлигини ёдимга туширди. Менга ҳар томондан мускуллари чиққан қўллар таҳдид қила бошлади. Ҳаётим ҳозир қил устида турганини англадим, кафтларим билан юзларимни беркитиб кулишни бас қилишга уриндим. Агар бир неча маймун бу шовқин-суронни тинчителишга уриниб найза учи билан одамларни туртиб тартибга солмаганда, бўғиб ёхуд қиймалаб ташлашлари ҳеч гап эмасди. Бахтимга янги бир ҳодиса эътиборни мендан бошқа томонга буриб юборди. Ошхонанинг нонуштага чорловчи қўнғироғи жиринглади. Гориллалар бир-бирлари билан шодон суҳбатлашиб,

тўп-тўп бўлиб уй томон йўл олишди, сураткаш шимпанзе эса яна бир неча бор расм олиб бўлгач, ашаратини йиғиштиришга тушди.

Лекин биз – одамлар ҳам эсларидан чиқмадик. Маймунлар бизга қандай қисмат тайёрлаб қўйишганини билмасдим, лекин ҳозирча бизга гамхўрлик кўрсатишга қарор қилишганди. Жаноблардан бири ошхонага кириб кетиш олдидан, чамаси, овчилар отрядининг бошлиғи бўлган бошқа эркак гориллага қандайдир буйруқ берди. У қафаслар ёнига қайтиб келди, қўл остидагиларни чақирди ва тез орада хизматчилар овқат солинган тоғора ва челақларда сув келтириб олдимишга қўйишди. Овқат куюқроқ хўрдага ўхшарди. Бирор нарса егим келмасди, лекин кучдан қолмаслик учун ҳамма қатори ундан ейишга қарор қилдим. Асирлар атрофида чордона қуриб ўтиришган тоғора олдига келиб журъатсизгина овқатга қўл узатдим. Улар менга ғазаб билан қараб қўйишса-да, овқат мўл бўлгани учун эътироз билдиришмади. Қандайдир ёрмандан тайёрланган овқат хийла мазали экан. Овқатдан бир неча ҳовучини едим.

Қоровулларимизнинг марҳамати туфайли овқатдан кейинги ширинликлардан ҳам бенасиб қолмадик. Бизга даҳшат солган ўқчилар энди ов тугагандан кейин унчалик хатарли туюлмаётганди. Ўзимизни рисоладагидек тутсақ, улар бизга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишаётганди. Улар қафаслар олдида у ёқдан-бу ёққа юришар, гоҳи-гоҳида бизга турли мевалар отишар, ҳар сафар ташлашган нарсаларига баробар ёпишганимизни кўриб ҳузур қилишарди. Шу вақтда рўй берган бир воқеа мени ўйлашга мажбур этди, ҳайрон қолдирди. Ёшгина қизча ташланган нарсани учиб келаётганда илиб олди, ёнидаги эркак эса қизча қўлидаги нарсага ёпишиб қўпол равишда тортиб олмоқчи бўлди. Лекин ўртага маймун аралашди. У сим орқасидан тикқан найзаси билан эркакни ниқтаб нарига итарди, кейин иккинчи мевани тўғридан-тўғри қизчанинг қўлига берди. Бу жониворларда ҳам раҳмдиллик туйғуси борлигини сезиб қолдим.

Овқатланиш тугагач, отряд бошлиғи ўз овчилари билан биргаликда асирларни бир қафасдан иккинчи қафасга ўтказишга бошлади. Чамаси, улар бизларни саралаб, сортларга ажратишаётганди. Лекин қайси принцинга асосланиб шундай қилишаётганига фаҳмим етмаётганди. Энг чиройли эркаклар ва аёллар билан бир қафасга тушиб қолганимдан кейин мени ўз насларининг энг тоза вакиллари сафига қўпишибди-да, деган хулосага келдим. Бу хулосадан ҳатто маймунлар ҳам биринчи кўришлариданоқ мени аслзодалар қаторига киритишибди, деган ачиқ фикр билан ўзимни овунтиришга уриндим.

Қафасдаги шерикларим орасида Новани ҳам кўриб, жуда ажабландим ва ниҳоятда севишиб кетдим. У ўлимдан омон қолганди, бунинг учун Бетельгейзе осмонига шукроналар келтирдим. Ҳали мурдаларга синчиклаб разм солаётганимда айна у ҳақда ўйлаётгандим. Мурдалар уюми ичида бу гўзал малакнинг ажойиб танаси учраб қолиши мумкинлиги фикридан баданларим жимирлаб кетди. Мен яна гўё ўз севилимни топгандай бўлдим. Мана мен ҳамма нарсани унутиб кучоқларимни очганча Новага отилдим. Бу телбаларча қилинган ғирт аҳмоқона иш эди. Бу ҳаракатим уни кўрқитиб юборди. Наҳотки у ўтган кечани унутган бўлса? Шундай гўзал танада ҳеч қандай юрак бўлмаса? Мен қизга яқинлашганимда қўлларини олдинга қилганча гужанак бўлиб, худди томоғимга ёпишмоқчидай ўтириб олганини кўриб жуда афсусландим, эсанкираб қолдим. Ўзимни тўхтатиб қолмаганимда, эҳтимол, шундай қилган ҳам бўларди.

Ўз жойимда қотиб қолганим туфайли Нова тезгина тинчланди. У қафаснинг бир бурчагига бориб ўтирди, мен ҳам ундан ибрат олиб, хўрсиниб, шундай қилдим. Тез орада бошқа асирлар ҳам тинчиб қолишди. Ҳолдан тойган, эзилган бир алпозда улар ўз қисматларига кўникиб қолишганди.

Кўринишидан маймунлар бу ердан жўнаб кетишга тайёргарлик кўришаётганди. Қафасимизнинг устига брезент ташланди. Турли овозлар, буйруқлар янгради, моторлар гуриллади. Жуда катта тезлик билан бизни бошқа томонларга олиб кетишаётганди. Ётган жойимда Сорора сайёрасида яна қандай кўргиликларни кўраркинман деб ўйлардим.

## Ўн биринчи боб

Мен ўзимни тамомила хароб бўлаётгандай ҳис этаётгандим. Сўнгги икки кун мобайнида бўлиб ўтган воқеалар мени жисмонан эзиб ташлаган ва ақлимни ҳам шунчалик мувозанатдан чиқарган эдики, натижада ўз ўртоқларимнинг ўлими, фазо кемамизнинг яксон бўлганлиги даҳшатини тўла тасаввур эта олмаётгандим. Шунинг учун кеч киришини хурсандчилик билан кутиб олдим, кейин атрофга қоронғилик тушиши билан бир бурчакка суқилдим. Бу ерларда қоронғилик тез тушар экан. Биз тун бўйи йўл юрдик. Рўй бераётган ҳодисаларни таҳлил этишга ҳаракат қилардим. Бу жуда зарур эди. Чунки мени таъқиб этаётган бемаъниликдан сақланиш учун мен инсон, ер одами, одам бўлганда ҳам фикрловчи одам эканлигимни, маймунлар томонидан тугилган ҳайвон эмас, табиатнинг фавқулодда ҳодисаси эканлигимни ўз-ўзимга исботлашим керак эди.

Мен хотирамда муҳрланиб қолган барча нарсаларни икир-чикиригача қайта мулоҳаза қилиб кўришга уриндим. Лекин хотирамда ўрнашиб қолган энг муҳим нарса шу эдики, бу маймунларнинг барчаси, хоҳ эркаклари ёхуд аёллари бўлсин, хоҳ горилла ёки шимпанзе бўлсин, ҳеч қандай бемаъни ва ғалати туюлмасди. Бизнинг циркларимизда кўрсатиладиган ўргатилган маймунларга сира ўхшамасди.

Бизнинг Еримизда шимпанзе шляпа кийиб юрса, одамларда беҳад кулги уйғотади, лекин шахсан ўзим бу ҳолатдан ранжитан бўлардим. Бу ерда эса тамомила тескари эди. Шляпалар маймунларга жуда ярашарди, кийимлари қўйиб қўйилгандай туюлар, бу кийимлардаги бутун ҳаракатлари ғоят табиий чиқаётганди. Найча орқали шарбат ичаётган хоним худди аслзода аёлларга ўхшаб кетарди. Овчилардан бири чўнтагидан мундшгук чиқариб, сархонасини тўлдириб бамайлихотир чекиб турарди. Буни кўриб бутун аъзойи баданим ларзага келди, бу бемаъни ҳодисанинг моҳиятини англашга қанчалик ҳаракат қилмасам-да, барибир, бирор қарорга келолмадим. Назаримда, асирга тушганимдан кейин биринчи маротаба профессор мен билан бирга эмаслигига ачиндим. Унинг донишмандлиги ва билими, эҳтимол, бундай ажабтовур ҳодисанинг ҳам сабабини аниқлашга ёрдам берармиди? Лекин унга нима бўлди ўзи? Овчилар отиб ўлдирган мурдалар орасида профессор Антел йўқ эди. Буни аниқ биламан. Балки у ҳам асирга тушгандир? Ҳамма асирларни ҳам кўрмаганлигим учун бу ҳақиқатга яқин тахмин эди. У эркинликда қолган деб умид қилишга ҳам журъат эта олмасдим.

Ёлғиз қолганимдан сўнг содир бўлаётган ҳодиса тўғрисида ўз назариямни яратишга интилардим. Бу назария эса ўзимни ҳам қаноатлантира олмаётганди. Эҳтимол, бу сайёранинг аҳолиси, маданийлашган мавжудотлар — биз улар бунёд этган шахарларни узоқдан кўрдик — ўз маймунларини шу даражада ўргатишга муваффақ бўлишганки, натижада улар узоқ ва сабр-тоқат билан танланиши натижасида ақлли мавжудотлар хусусиятларини ўзларида мужассам этишгандир. Бизнинг еримизда ҳам баъзи шимпанзелар ажойиб ўйинларни бажара олишади-ку! Ҳатто Сорора маймунларининг ўз тилларига эга бўлишлари ҳам бундай олиб қараганда, менга туюлгандек ажабланарли ҳол эмас. Шу соҳанинг йирик мутахассиси бўлган одам билан қилган суҳбатим ёдимга тушди. У менга жуда жиддий олимлар маймунларни сўзлашга ўргатиш учун кўп вақтларини сарф қилаётганликларини гапириб берган эди. Уларнинг таъкидлашларича, маймунларнинг жисмоний тузилиши бу ишга ҳеч қанча монелик қилмайди. Ҳозирги вақтгача эса уларнинг барча ҳаракатлари зое кетаётганди. Лекин олимлар ўз мақсадларидан чекинишмаётган эди. Уларнинг қатъий ишончлари бўйича, бу муваффақиятсизликларнинг асосий сабаби маймунларнинг гапиришни истамаётганларидир. Эҳтимол, Сорорада маймунлар қачонлардир гапиришгандир? Бу ҳолат сайёранинг тахмин қилинаётган хўжайинларига улардан қора ишларда фойдаланиш имконини бергандир.

Мен шу тахминга зўр бериб ёпишиб олдим, гўё бундан бошқа, бундан кўра соддароқ тахмин бўлиши мумкин эмасдай. Ўйлаб ўтиришга ҳам ҳаракат қилмаётгандим. Ақлдан озиб қолмаслигим учун бу сайёрада ақлли мавжудотлар,



худди ўзим сингари одамлар бор, мен улар билан тиллаша оламан, деган фикрга ўзимни ишонтиришим керак эди.

Одамлар! Лекин маймунлар ўлдиришаётган ва қафасга тиқишаётган бу шўринг кургур мавжудотлар ким ўзи? Тараққиётдан тўхтаб қолган ёввойи одамлармикин? Ёки ибтидоий қабилаларми улар? Лекин бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хунрезликка йўл кўйиш, ҳатто уюштириш сайёра эгалари томонидан қилинган ўтакетган шафқатсизлик-ку!

Ёнимга эмаклаб етиб келган қандайдир номаълум гавда мени аччиқ хаёллардан чалғитди. Бу Нова эди. Бошқа барча асирлар гужанак ҳолда ерда чўзилиб ётишарди. Нова ўтган сафаргидек бироз иккилиниб тургандан сўнг менга ёпишиб олди. Лекин унинг нигоҳидан дўстона майлнинг учқунини ҳам кўрмадим. У тескари ўгирилиб тезла кўзини юмиб олди. Шунга қарамай унинг ёнимдалигининг ўзиёқ кўнглимга анча таскин берди, пировард-натижада, эртанги кун тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қилиб, ухлаб қолдим.

### *Ун иккинчи боб*

Ҳимоя рефлекси ҳаддан ташқари оғир ва эзадиган хаёллардан қутулишимга ва эргалабгача ухлашимга ёрдам берди. Тўғри, кечаси алоғ-чалог тушлар кўриб, азобланиб чиқдим. Нованинг иссиқ бадани бутун танамни ўраб олган даҳшатли илонга ўхшарди. Тонг ёришгач, кўзимни очдим. Нова олдинроқ уйғониб, мендан сал нарироққа сурилиб ўтирган экан. Унинг безовта кўзларида саросима ва тушунмаслик мангуа қотиб қолгандай.

Бизнинг фургонимиз юришни секинлатди, шаҳарга кириб бораётганимизга кўзим тушди. Асирлар темир панжара ёнига яқинлапишди. Улар чордона куриб олишганларича, брезент тагидан безовталик ва кўрқинч билан атрофга тикилишарди. Мен ҳам юзимни панжарага тираб, Сорорада илк маротаба кўраётганимиз маданий шаҳарга синчиклаб тикилаётгандим.

Биз иккала тарафи йўлкали анчагина кенг кўчадан кетаяпмиз. Мен кўчадан ўтиб бораётганларни кўриб, гўлгулага тушиб қолдим: улар маймунлар эди. Эндигина дўкончасининг металл панжарасини очаётган савдогарга (у чамаси баққол бўлса керак!) кўзим тушди. У бизни кўриш учун қизиқиш билан ўгирилиб қаради. У ҳам маймун эди. Мен машиналарнинг ҳайдовчиларига, бизни қувиб ўтаётган автомашиналарнинг йўловчиларига синчиклаб тикилардим. Уларнинг барчаси худди одамлардек кийинишган маймунлар эди.

Сорорада ақлли мавжудотларни учратиш хусусидаги бутун умидларим тугун каби тарқаб кетди ва йўлнинг қолган қисмини ғоят мискин бир қиёфада босиб ўтдим. Тез орада машиналар ўз тезлигини янада секинлатди. Фақат карвонимиз тун бўйи анчагина қисқарганини эндигина сезиб қолдим. Фақат иккитагина трактор прицепа қолганди, бошқалари эса, чамаси, йўлда қаёққадир қайрилиб кетишганди. Тешик-телиги йўқ дарвоза очилиб, ҳовлига кирдим. Маймунлар шу ондаёқ қафасларни ўраб олишди: асирлар безовталана бошлашди, соқчилар эса уларни найзаларининг учи билан туртиб тинчитишди.

Ҳовли ҳамма томондан деразалари бир хил кўпқаватли бино билан ўралган эди. Бино касалхонага ўхшарди. Бу таассурот бино эшигидан соқчиларимиз истиқболга чиқиб келганларни кўрганимда янада кучайди. Улар оқ халат ва биздаги санитарлар сингари кичкина қалпоқчалар кийиб олишган эди. Лекин булар ҳам маймунлар эди. Дарҳақиқат, уларнинг барчаси маймунлар, горилла ва шимпанзелар бўлиб, соқчилар билан биргаликда фурунни бўшата бошлашди. Асирларни битта-биттадан қафаслардан чиқариб, катта-катта қопларга тиқишар ва бино ичига кўтариб кетишарди. Мен қаршилиқ кўрсатиб ўтирмадим ва тез орада оқ халатли икки баҳайбат горилла мени қопга тиқишди. Кейин мени анча жойгача кўтариб кетишди. Назаримда зинапоядан кўтарилгандек, узундан-узоқ йўлакдан кетаётгандек бўлдик. Ниҳоят мени бетакаллуфлик билан қопдан ағдарилди-да, бошқа қафасга тиқишди. Бу сафар атрофига қимирламайдиган темир панжара ўрнатилган, тагига похол ташлаб кўйилган бир кишилиқ қафасга солишди. Санитар горилла қафаснинг эшигини қулфлаб қўйди.

Мени келтириб қўйишган бино деворлари бўйлаб қафаслар қўйилган узун залдан иборат экан. Деярли барча қафасларнинг ичи банд эди. Уларнинг баъзиларида менинг бахтсиз қисматдошларим, бошқаларида эса бошқа эркак ва аёллар қамалишганди. Чамаси, улар анчадан бери шу ерда ётишган бўлса керак. Буни асирларнинг бўшашиб туришлари ва атрофга бефарқ қарашларидан фаҳмласа бўларди. Улар янги келганларни лоқайдгина кутиб олишар, шўрпешона асирлардан бирортаси нола қилганда истар-истамай қараб қўйишарди. Мен бундан ташқари аввал келганлар қафасларда жуфт-жуфт яшаётгани ҳолда, мен билан бирга келганлар якка қафасларга тикилганини кўрдим. Панжрадан иложи борича бошимни чиқаришга уриниб, нарироққа тикилганимда залнинг охирида яна бир катта қафас борлигини фаҳмладим, унга анчагина бола тикилганди. Катта ёшдагилардан фарқли ўлароқ, ёш болалар бизнинг бу ерда пайдо бўлишимизни анчагина қизгин кутиб олишди. Улар қўлларини силкитишар, панжара олдига суқулишиб, ўзларини уни синдириб юборгудай кўрсатишар, кичкина маймунчалардай чийиллашарди.

Икки горилла навбатдаги қопни кўтарганларича кириб келишди. Қопни ағдаришганда унинг ичидан гўзал Нова тушди. Уни менинг қаршимдаги қафасга жойлаштиришди. Бу ҳол менга анча таскин берди. Лекин Нова газаб отига минган, ҳозирги аҳволидан бутунлай норози, шунинг учун ҳам ўзини бу ерга олиб келган гориллаларни юмдаламоқчи ёхуд тишламоқчи бўларди. Уни қафасга қамаб қўйишгандан кейин эса тишларини гижирлатиб панжарани силкитар, шундай увиллардики, бундан юраклар орзиқиб кетарди. Орадан бироз вақт ўтгандан кейингина менга кўзи тушди-да, бирор нарсдан ҳайрон бўлган ҳайвон боласидек бўйинини чўзганича қотиб қолди. Мен унга қараб оҳиста табассум қилдим, қўлимни силкитдим. Бу ҳаракатимни Нова укүвсиз равишда бўлса-да, қайтармоқчи бўлганида юрагим кувончдан ўйнаб кетди!

Оқ халат кийган икки горилланинг қайтиб келиши диққатимни ўзига тортди. Чамаси одамларни машинадан тушириш охирига етганди, бу сафар ҳеч кимни олиб киришмаганди. Лекин бу гал овқат ва сув солинган челақлар ортилган аравагани сургаб келишарди. Овқат тақсимлаб берилгач, асирлар дарҳол тинчиб қолишди.

Тез орада навбат менга ҳам етиб келди. Гориллалардан бири қафас олдида соқчилик қилиб турганда, бошқаси қафас ичига кириб, олдимга бўтқа солинган товоқ, челақда сув билан бирга бир неча мева қўйишди. Мен бу сайёрадаги ягона фикрлайдиган ва ақлли мавжудот бўлган маймунлар билан ҳар қандай йўллар билан бўлмасин алоқа ўрнатишга қарор қилгандим. Менга овқат олиб келган горилла кўзимга кўнгилчанроқ кўринди. Мен жимгина турганимни кўриб, у ҳатто елкамга қоқиб қўйди. Мен унинг кўзига тик қарадим ва қўлимни кўксимга қўйиб мулойимлик билан таъзим қилдим. Бу ҳаракатимдан горилла ҳайратга тушди. Чиқиб кетмоқчи бўлган горилла турган жойида қотиб қолди, азбаройи таажжубланганидан қичқириб юборди. Ниҳоят, менга эътибор беришган эди! Бу муваффақиятимни мустаҳкамлаш ва ўзимдаги барча қобилиятларни намойиш этиш учун хаёлимга келган дастлабки гапни галатиноқ оҳангда бўлса ҳам тилимга чиқардим.

– Аҳволлар қандай? Мен Ер одамиман. Бу ердан жуда олисда.

Гап маъносининг аҳамияти йўқ эди. Маймунлар ким билан муомала қилишаётганини билишларининг ўзи кифоя қиларди. Мен ўз муддаомга эришган эдим. Эҳтимол, шу дамгача бирор маймун зоти ҳайратдан бундай аҳволга тушмагандир! Горилла ва унинг шериги азбаройи ҳайратланишганидан оғизларини очганча, анграйиб қолишди. Афтидан, улар нафас олишга ҳам қўрқишарди. Ниҳоят, улар шивирлашиб нималар тўғрисидадир гаплашишди. Лекин уларнинг шошилинич равишда ўтказишган қисқача маслаҳат кенгашлари тамомила кутилмаган натижа билан яқунланди. Горилла менга шубҳа билан тикилди-да, шошилиб қафасдан чиқиб кетди ва эшикни яхшилаб беркитиб, қулфлади. Кейин маймунлар бир-бирига қараб қўйишди-да, ўзларини тўхтата олмай кулаверишди. Чамаси мен ҳақиқатдан уларнинг наздида ноёб ҳодиса эдим, шекилли, улар анчагача ўзларига келиша олмади. Азбаройи кулаверишганидан қўзларига ёш келди, гориллалардан бири овқатли қозонни ерга қўйиб, чўнтагидан дастрўмолини чиқаришга мажбур бўлди.

Алам ва изтироб мени шу қадар жумбушга келтирдик, қутуриб кетишимга сал қолди. Қаҳр-ғазаб отига минган ҳолда қафас панжарасини тишларимни гижирлатганча силкитавердим. Маймунларни менга маълум тиллардаги энг болохонадор ҳақоратлар билан сўкавердим. Сўкиш сўзларим тутагач, оғзимга нима келса валдирайвердим, акиллайвердим. Гориллалар ғазаб билан елкаларини қисиб қўйишди, холос.

Лекин барибир уларнинг эътиборини ўзимга қаратишга муваффақ бўлдим. Гориллалар бу ердан чиқиб кетишлари олдиан менга диққат билан тикилишди. Ниҳоят, ҳолдан тойиб тинчланганимдан кейин гориллалардан бири чўнтагидан ён дафтарчасини чиқариб, мен турган қафас панжарасига осилган ёрликқа тикилди-да, ниманидир ёзиб қўйди. Чамаси, у қафас рақамини ёзганди.

Гориллалар чиқиб кетишди. Менинг бақариб-чақаришларимдан безовталанган асирлар яна овқатларини ейишда давом этишди. Менинг ҳам овқат ейишдан ва олийжаноб инсоний моҳиятимни намойиш этиш учун бундан кўра қулайроқ фурсатни кутиб, ухлашга ётишдан бошқа иложим қолмади. Ёрмдан тайёрланган овқатни еб бўлгач, мазали меваларни ея бошладим. Қаршимдаги қафасга қамалган Нова гоҳ-гоҳида овқат чайнашдан тўхтаб, мен томонга зимдан кўз ташлаб қўярди.

### **Ўн учинчи боб**

Шу кунни кечгача бизни бошқа безовта қилишмади. Кечқурун иккинчи маротаба овқатлантиришгач, гориллалар чироқни ўчириб, чиқиб кетишди. Шу кечаси мен деярли ухламай чиқдим. Жойнинг ноқулайлиги учун эмас, тагимизга ташланган похол юмшоққина эди, йўқ, бунинг учун эмас. Балки маймунлар билан алоқа ўрнатиш, қайси йўл билан бўлса-да, улар билан битимга келиш режалари устида бош қотириб чиқдим. Бундан буён кўр-кўрона ғазаб отига минмасликка, ақлли мавжудот эканлигимни намойиш этиш учун заррача имкониятдан ҳам фойдаланишга ўз-ўзимга сўз бердим. Соқчи гориллалар эса, чамаси, чекланган ва пастроқ тоифага мансуб маймунлар эди. Табиийки, улар менинг ниятларимни тўғри баҳолай олмас эдилар. Лекин улардан кўра ақллироқ ва маданийроқ маймунлар ҳам бордир, ахир!

Эрталаб мен ўз тахминларимда ҳақ эканлигимга ишондим. Мизғиб турганимизга бир соат бўлган эди. Асирларнинг кўпчилиги қафасдаги йиртқишлардек ўз катакларига у ёқдан-бу ёққа безовта бориб келишарди. Шунда мен ҳам худди ўзимни бошқалар сингари тутаётганимни фаҳмлаб қолиб, ўзимдан ўзим ҳафа бўлиб кетдим. Шунда мен ўзимни панжара олдида ўтириб ўй сураётган одам кўёфасида кўрсатишга мажбур этдим. Шу дақиқада эшик очилиб, соқчи гориллалар кузатувида аёл маймун – шимпанзе залга кириб келди. Соқчилар унинг ёнида гирдикапалак бўлиб келишаётганидан бу шимпанзе анчагина юқори нуфузга эгалигини тушундим.

Соқчилар, шубҳасиз, мен тўғримда унга ахборот беришган, шекилли. Шимпанзе залга кириши биланоқ ёнидагилардан ниманидир сўради. Соқчилардан бири эса бармоғи билан менинг қафасимни кўрсатди. Шимпанзе мен томон юриб кела бошлади. Шимпанзе мен томон келаётганда унга разм солишга улгурдим. Унинг устида ҳам оқ халат бўлиб, лекин соқчи гориллаларнинг халатларига қараганда бежирим, салобатлироқ, белбоғчали ва енги калта эди. Халат енгидан ҳаракатчан қўллари чиқиб турарди. Лекин ҳаммадан кўра унинг фавқулодда ақлли ва жонли кўзлари мени ҳайратга солди. Мен бу ҳолат яхшиликдан далолат деб ўйладим. Унинг оқ юзини одатдаги ажин қошлаганига қарамай, шимпанзе менга жуда ёш кўринди. Унинг кўлида қороз солинадиган чарм папка бор эди.

У қафасим ёнига келиб тўхтади-да, менга диққат билан тикилди. Шу вақтнинг ўзида папкасидан дафтар чиқарди.

– Ҳайрли кун, хоним, – дедим мен таъзим қилиб.

Овозим иложи борича ёқимтойроқ чиқишига ҳаракат қилдим. Шимпанзенинг тумшуғи жуда ҳайрон бўлганини ифодалади, лекин жиддийлигини сақлаб қолди, ҳатто яна кула бошлаган соқчи гориллаларни бир имо биланоқ кулишдан тўхташга мажбур этди.

— Сизни хоним дейми, хонимча деб қақирайми? — давом этдим мен журъатланиб. — Мен бундай қиёфада ўзимни таништиришга мажбур бўлаётганимдан юяг таассуф қиламан. Ишонинг, бу бизнинг одоуларимизга ёт...

Яна нималар деб вайсаганимни худо билади. Лекин овозимнинг самимий чиқишига ҳаракат қилдим. Гапимни тўхтатиб, мулоийм кулиб қўйганимда маймун серрайиб қолди, кўзлари липиллаб, пешонаси тиришди. Фавқулодда мураккаб вазифани ечишга интилаётгани кўриниб турарди. Лекин мана у менга жавобан кулиб қўйди. Унинг қаршисида ҳақиқат учқуни йилтиллай бошлаганини юракдан сезиб турардим.

Бу ҳодисалар содир бўлиб турганида қафасдаги одамлар авваллари гапиришга ҳаракат қилган вақтимдагидек ғазабланишмади. Аксинча, ҳозир улар бундан манфаатдордай туюлаётганди. Асирлар қафасда безовта кезишларини тўхтатиб, панжара яқинига келишиб, бизларни яхшироқ кузатишга ҳаракат қилишарди. Фақат Новагина ҳамон қафас ичида ғазаб билан безовта кезишда давом этарди.

Шимпанзе хоним ҳалатининг чўнтагидан ручка чиқариб, дафтarga нималардир ёзди. Кейин бошини кўтарганида кўзлари менинг нигоҳимга тушди-да, яна кулиб қўйди. Бу ҳолат менга журъат бағишлади: мен яна бир дўстона ишора қилишга ҳаракат қилдим. Панжара орасидан қўлимни чиқариб, шимпанзегга очик кафтимни узатдим. Ҳаяжонланиб кетган гориллалар биз томон ташланишди, лекин шимпанзе қисқа буйруқ билан уларни тўхтатиб қолди. Аввалига у ҳам ўзини сал орқага ташламоқчидай бўлди-ю, лекин бир сония ҳам ўтмай, ўзини босиб олганча, кўзимга диққат билан қараган ҳолда салгина титраётган қўлини менга узатди. Мен қимирламай турардим. У мен томон яна бир қадам юрди, ҳаддан ташқари узун бармоқли қўлини билагим устига қўйди. Қўли қўлимга текканда сесканиб кетганини сездим, бирор эҳтиётсиз ҳаракатим билан уни чўчитиб юбормаслик учун қимир этмадим. Шунда у кафтимга уриб-уриб қўйди. Қўлимни силади ва тантанавор равишда ўз ёрдамчиларига қаради.

Қувончдан юрагим орзиқиб кетди. Қалбимда ниҳоят маймунлар менинг ақлли, олий мавжудот эканлигимни эътироф этишга деган умид кучайди. Шимпанзе гориллаларга ниманидир қатъий буурганида ҳатто қафас эшигини очишга-ю, мени озодликка чиқариб юборишга деган фикр ҳам пайдо бўлди кўнглимда. Афсуслар бўлсинки, буни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган экан. Соқчилардан бири чўнтагини роса титкилаб, кейин бошлигига қандайдир оппоқ нарсани узатди. Шимпанзе эса мулоиймгина кулиб, ўша нарсани кафтимга қўйди. Бу қанд бўлаги эди.

Қанд бўлаги! Орзуларга берилиб, бекорга осмону фалакка чиқиб кетган эканман, шунинг учун аламларимнинг чеки йўқ эди. Арзимас садақа менга ўта таҳқирлаш бўлиб туюлди-ю, уни менга қараб жилмайиб турган шимпанзенинг башарасига қараб улоқтиргим келди. Лекин ўз вақтида яхши ниятларим ва ўзимга сўз бериб қўйганимни эслаб бу ишни қилишдан ўзимни тийдим. Шу туфайли таъзим билан қанд бўлагини олдим-да, иложи борича боодоб бўлишга ҳаракат қилиб уни ейишга тутиндим.

Бизнинг танишувимиз шундай кечди. Шимпанзе хонимни тез орада билиб олганимдек, Зира деб аташар экан. У мени жойлаштиришган бўлимнинг бошлиғи экан. Жуда алам қилганига қарамай, шимпанзенинг ақлига тан бердим, келажакда у билан алоқа ўрнатиш имконини топиш умиди қалбимда алангаланди.

Зира соқчи гориллалар билан узоқ суҳбатлашди: тушунимча, у мен тўғримда қўл остидагиларга батафсил кўрсатмалар берди. Кейин у бошқа қафасдагилардан хабар олмоқ ниятида нарироққа кетди.

Шимпанзе янги келганларни алоҳида эътибор билан кўздан кечирди, дафтарига улар тўғрисида нималарнидир ёзиб қўйди, лекин бу ёзувлар мен ҳақимда ёзганларига қараганда қисқа-қисқа эди. Табиийки, у одамлардан бирортасига ҳам яқинроқ боришга журъат этолмади. Агар у бу ишни қилганда эҳтимол, менинг рашик келган бўлармиди. Асирлар орасида алоҳида импиеъга, эътиборга сазовор бўлганимга кўнглим кўтарилди. Зеро, болалар қамалган қафас қаршисида тўхтаб, уларга ҳам қанд бўлақларини отганида ғазабим жумбушга келди. Бу ғазабни Нова шимпанзе хонимни кўрганида хунук ириллаб, қафаснинг нариги бурчагига бориб, орқа ўтириб олгандаги ғазабига қиёслаш мумкин эди.

## Үн тўртинчи боб

Иккинчи кун ҳам худди биринчи кундагидай ўтди. Маймунлар бизга эътибор беришмас, фақат овқат олиб келишарди. Бу ғалати бино нима эканлигини била олмай ҳамон ҳайрон эдим. Лекин келаси кун бизни ҳар хил йўллар билан синаб кўришди. Бу воқеани эслаганимда ўзимни ҳамон ҳақоратланган ҳисоблайман. Лекин ўша вақтда бу воқеа менга эрмакдай, овунчоқдай туюлган эди. Биринчи синов жуда аҳмоқонага ўхшайди. Соқчи гориллалардан бири мен томон яқинлашди, иккинчиси эса қаршимдаги қафас билан шуғулланди. Менинг соқчим бир қўлини орқасига яшириб турарди, бошқасида эса хуштак бор эди. Горилла эътиборимни ўзига тортиш учун менга тикилиб турарди, кейин хуштакни оғзига тиқиб қаттиқ чалди, бу бир дақиқагача давом этди. Сўнгра у орқасидаги қўлини жуда секинлик билан олдига чиқарди. Мен унинг қўлидаги Сорора одамлари хуш кўрадиган бананга кўзим тушди. У қўлида бананни кўтариб турганча мени диққат билан кузатарди.

Мен бананни олмоқчи бўлиб қўлимни узатдим, лекин у анчагина нарида турарди ва чамаси, яқинроқ келмоқчи ҳам эмасди. Кўтариб тураверганидан қўли толди, шекилли, бир неча дақиқадан кейин бананни орқасига яширди ва яна хуштак чала бошлади. Афтидан, у мендан ўзимни бошқачароқ тутишимни кутган, шекилли, ҳафсаласи пир бўлди. Мен бу томошанинг маъносини тушунмай асабийлашардим. Соқчи бананни иккинчи маротаба қўл етмайдиган аввалги масофада ушлаб турганида яна асабийлашганимдан ўзимни йўқотар даражага келдим. Зўрага ўзимни ушлаб қолдим, эсимни жойига қўйишга ҳаракат қилдим. Соқчи ниманидир кутаётганди, зеро, ҳар сафар у кутаётган ишни қилмаётганим учун ҳайронлиги тобора ортаётганди. Бу маросим олти ёки етти маротаба қайтарилгач, унинг ҳафсаласи тамомила пир бўлди, шекилли, нариги қафасга ўтиб кетди.

Ёнимдаги асир, унинг кетидан бошқаси биринчи уринишдаёқ бананни олишпач, жудаям умидсизликка тушдим. Шунда мен рўбарўдаги қафас олдига турган иккинчи горилланинг ҳаракатларини кузатдим. Соқчи шу вақтда Нова олдига яқинлашган эди, шунинг учун ҳам унинг бутун ҳаракатларини тафсилотлари билан кузатиш имкони бўлди. Соқчи хуштак чалиб, Новага кўрсатиб, бананни кўз-кўз қилди. Қиз ҳаяжонга тушди, тумшуги ҳаракатга келди ва...

Бирпасда ҳаммаси менга аён бўлди. Нур ёғилиб турган Нова ширинликни кўриши биланоқ оч қолган кучук боласига қанд кўрсатишган вақтдагидек сўлаклари оқиб кетди. Соқчи горилла ундан айна шуни кутаётган экан. Новага бананни тутқазиб, мамнун бир ҳолатда кўшни қафасга ўтиб кетди.

Шундай қилиб, мен ҳаммасига тушундим ва бундан ҳатто хурсанд бўлиб, гурурланиб кетдим. Мен ўз вақтида биологияга қизиққан ва шу боис Павлов ишларидан хабардор эдим. Павлов итлар устида рефлекс юзасидан тажрибалар ўтказганидек, бу ердаги маймунлар ҳам одамлар устида шундай тажрибалар ўтказишаётгани менга маълум бўлганди. Бундан бир неча дақиқа олдин эса шунинг фаҳмига етмабман. Менинг маданий даражам ва билимларим билан бугунги тажрибанинг аҳамияти, моҳиятини тушуниш у ёқда турсин, бунинг орқасидан нима келишини, оқибатини билиб олиш ҳам ҳеч гап эмасди. Анча кунлар мобайнида маймунлар шу ишни қайтаришади: хуштак чалишади ва бирон ширинлик кўрсатишади. Бу эса тажриба қилинувчиларнинг сўлагини оқизади. Орадан бироз вақт ўтгач, одамлар фақат хуштак товушига ҳам сўлак оқиза бошлайдилар. Илмий тил билан айтганда, уларда шартли рефлекс ишга тушади.

Топқирлигим учун ўзимни муборақбод этиб қўйдим, лекин бунинг ўзи етарли эмасди: ҳаммасини тушунганимни маймунларга аёнлашим лозим эди. Менга соқчилик қилган горилла ўз қаторидаги қафасларни айланиб бўлиб орқасига қайтаётганида ҳар қандай йўл билан бўлмасин, унинг эътиборини ўзимга қаратмоқчи бўлдим. Мен қафасни тақиллатдим, қўлларимни силкитдим, бўйимни кўрсатдим, хуллас, ҳалиги тажрибани қайтарилмагунча қўймадим. Шунда хуштак чалиниши биланоқ, ҳали у менга бананни кўрсатмасиданоқ сўлаklarимни оқиза бошладим. Мен, Улисс Меру, худди

ҳаётим шунга боғлиқдай сўлақларимни оқизавердим. Билафонлигим, топқирлигимни кўрсатаётганимдан хурсанд эдим! Дарҳақиқат, соқчи горилла ҳайрон бўлиб қолди, ўз шеригини чақирди. Улар худди аввалгидек анча вақтгача маслаҳатлашишди. Бу калтафаҳмлар нималар тўғрисида гаплашишаётганини тушуниш қийин эмасди. Ҳойнаҳой, улар мана бу одамда олдин ҳеч қандай рефлекс йўқ эди, тўсатдан унда шартли рефлекс ишлаб кетди, дейишаётгандир. Ахир бундай рефлексни пайдо қилиш ва мустақамлаш учун, одатда қанчадан-қанча вақту сабр-тоқат керак!

Бу меровларнинг соддалигига раҳмим келиб кетди. Ақллари қисқа бўлганлиги туфайли ҳам улар бундай кескин ўзгаришга шартли рефлекс туфайлигина рўй бермаслигини фаҳмлаган бўлардилар. Уларнинг ўрнида Зира бўлганида бунинг тагига етган бўларди.

Лекин ақлу фаросатим ва интилишим мен кутган натижанинг тескарисини берди. Гориллалар менга бананни бермасдан кетиб қолишди: Мени кўрқитаётган горилла кетатуриб уни ўзи чайнади. Тажрибанинг мақсадига муқофосиз ҳам эришиб бўлингач, мени эркалатиб ўтирармиди?

Гориллалар эртасига янги асбоб-ускуналар билан кириб келишди. Биттаси кўнғироқча кўтариб олган, бошқаси эса устига магнитофонга ўхшаш қандайдир ашпарат ортилган аравачининг орқасидан итариб келарди. Бу сафар устимиздан қандай тажриба ўтказмоқчи бўлишаётганини гориллалар иш бошламасларидан олдиноқ фаҳмладим.

Улар ўз тажрибаларини Нованинг ёнидаги қафасда ётган гоят бақувват, кўз қарашларида бирор маънони уқиш қийин бўлган бадқовоқ йигитдан бошлашди. У панжара темирларини ушлаганча турарди. Соқчилар пайдо бўлишганда энди ҳаммамиз ҳам шунақа туришга одатланиб қолгандик. Биринчи горилла кўнғироқ чалишга тутинди. Кўнғироқнинг овози жуда паст экан. Шу вақтда иккинчи горилла магнитофоннинг симини қафаснинг темирига теккизди. Кўнғироқча анчагина чалиниб тургач, иккинчи соқчи магнитофон тутқичини айлангирди. Қафас ичидаги йигит сесканиб кетди ва нола билан орқага чекинди.

Гориллалар тажриба ўтказишаётган одамларни мева билан алдаб, панжарага яқин келтиришиб, бу операцияни бир неча бор такрорлашарди. Тажрибанинг мақсади менга аён бўлиб қолди: бу тажриба ўтказишаётган одамда кўнғироқ овози эшитилиши билан, яъни ҳали электр токи урмасдан олдинроқ ўзини ичкарига олиш юзасидан шартли рефлекс ҳосил қилиш эди. Лекин ўша кун ичкарига олиш юзасидан шартли рефлекс ҳосил қилиш эди. Лекин ўша кун ичкарига олиш юзасидан шартли рефлекс ҳосил қилиш эди. Лекин ўша кун ичкарига олиш юзасидан шартли рефлекс ҳосил қилиш эди. Лекин ўша кун ичкарига олиш юзасидан шартли рефлекс ҳосил қилиш эди.

Мен ўз навбатимни кутиб турардим. Уларга инстинкт билан ақл ўртасидаги фарқни тезроқ кўрсатиб қўйгим келарди. Кўнғироқ чалинар-чалинмас мен панжара темирини қўйиб юбориб, ўзимни қафас ичкарисига отдим. Бу ишни бажараётганимда соқчиларимга тикилиб кулимсираб турдим. Гориллалар қовоқларини солишди. Энди улар устимдан кулишмаётганди. Назаримда, улар биринчи марта мен улар устидан кулаётганимни гумон қилишаётганди.

Лекин шунга қарамай, тажрибани давом эттиришга қарор қилишди. Лекин бу ишга шу вақтда залга кириб келганлар гуруҳи халақит берди.

## **Ун бешинчи боб**

Зал ўртасидаги йўл бўйлаб Зира шимпанзе хоним ва икки маймун юриб келишарди. Маймунлардан бири эркак орангутанг бўлиб, у катгароқ бошлиққа ўхшарди. Бу Сорорада мен учраган биринчи орангутанг эди. Бўйи горилладан пастроқ бўлган орангутанг анча эгилиб юрарди. Унинг қўллари шу даражада узун эдики, юраётганида аҳён-аҳёнда букилган бармоқларига суяниб қўярди. Ҳеч қайси маймун деярли бундай қилмасди. Орангутангнинг бунақа юриши иккита ҳассага таяниб юраётганга ўхшаган ғалати таассурот қолдирарди. Унинг

сал олдинроққа эгилиб турган бошини узун сарғиш соч қоплаганди, башарасида эка кекса, синчков мавжудотнинг ифодаси қотиб қолганди. Мазкур орангутангнинг бутун кўриниши йиллар ўтиши билан хизмати малол кела бошлаган мўътабар руҳонийга ўхшаб кетарди. Эғнидаги костюми ҳам бошқа маймунларникидан кескин фарқланарди: қайтарма ёқасига тўқ қизил юлдуз қадалган, қимматбаҳо матодан этаги узун қилиб тикилган, лекин анчадан бери тозаланмаган қора камзул, оқ йўлли худди шунақа шим кийиб олганди.

Орангутангнинг орқасидан оғир портфель кўтариб олган кичкинагина шимпанзе хоним пилдираб келарди. Қиёфасидан орангутангнинг котибаси бўлса керак, деган хулосага келиш мумкин эди.

Ҳар қадамда маймунларнинг ўзларини тутишлари ва ифодаларини таъкидлайтиришим ўқувчини ажаблантирмай қўйди деб ўйлайман. Онт ичиб айтаманки, ҳар қандай эси бор одам булардан бирини мўътабар олим, иккинчисини эса унинг камтаргина котибаси сифатида қабул қилган бўларди. Уларнинг пайдо бўлиши маймунлар ўртасида табақаланиш кучли эканлигига ишончимни яна бир бора тасдиқлади. Зира ўзининг мўътабар олим ҳомийсига алоҳида эҳтиром билан мурожаат қилаётганди. Икки соқчи горилла кириб келаётганларга кўзлари тушиши биланоқ, эгилганча таъзим қилиб уларнинг истиқболига шошилишди. Лекин орангутанг уларга жавобан фақат илтифот билан қўлларини силкитиб қўйди.

Кириб келганлар менинг қафасим ёнида тўхташди. Бунинг ажабланишлик жойи йўқ эди. Зеро, мен асирлар орасида тажриба учун энг қизиқарлиси эдим-да?! Мен юқори мартабали ташриф буюрувчини самимий табассум билан кутиб олдим-да, орангутангга дабдабали нутқ билан мурожаат этдим.

— Қадрли орангутанг! — дедим мен. — Бутун қиёфасидан донишмандлик ва самимийлик ёғилиб турган мавжудотни учратганимдан қанчалик бахтли эканлигимни тасаввур эта олмайсан! Биз ўзаро тил топиша олишимизга ишонаман.

“Қадрли орангутанг” деган сўзлар оғзимдан чиқиши билан азбаройи кутмаганидан орангутанг чўчиб тушди. Кейин у қулоғини қашиди. Бирор фирибгарлик рўй бермаяптимикан деган хавотирда қафасимни текшириб қўйди. Шунда Зира унга мурожаат қилди: дафтарчасини очиб, менга тегишли қайдларни ўқий бошлади. Зира орангутангни нимагадир ишонтирмоқчи бўлди, лекин у ҳеч нарса эшитишни истамасди. Аёлла бир неча бор насихат сўзларини айтаётгандай бўлди, елкаларини қисди, бошини сарак-сарак қилди, охирида қўлларини орқасига қилиб қафасим олдида у ёқдан-бу ёққа юрди. Юраётганида эса аҳён-аҳёнда менга хўмрайиб қараб қўярди. Бошқа маймунлар эса унинг қарорини эҳтиром ва итоаткорлик билан жимгина кутиб турарди.

Лекин бу эҳтиром шунчаки ва юзаки эди, шекилли. Уларнинг бошлиққа кўрсатмай қилаётган ўзаро имо-ишораларидан ичларида ўз хўжайинлари устидан кулишаётганини тушундим. Орангутангнинг ўзини тутиши ҳафсаламни пир қилди. Бошқа маймунлар унинг гапларини қабул қилмаётганликларини билганимдан кейин кичкинагина ўйин кўрсатмоқчи бўлдим. Эҳтимол, шу нарса менинг фаҳм-фаросатимни баҳолашга ниҳоят асос бўлар. Мен ҳам қўлларимни орқага қилганимча қафас ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Бу ишни қовоғимни уйган, чуқур ўйга толган ҳолда эгилиб амалга оширдим.

Гориллалар кулгидан ўзларини тута олмадилар. Жажжи котиба кулгисини беркитиш учун тумшугини портфели билан яширмоқчи бўлди, ҳатто Зира ҳам жиддийлигини сақлаб қололмади. Мен ўйлаб топган нарсамнинг муваффақиятидан ниҳоятда хурсанд эдим. Бу ишим менга қимматга тушиши эсимга келгунгача шундай кайфиятда эдим. Орангутанг менинг ўз ҳаракатларимни сезиб қолиб газабга келди. Кескин оҳангда айтилган бир неча сўз ҳаммани тинчитди-қўйди. Шундан кейин у менинг олдимда тўхтади-да, котибасига ўз мулоҳазаларини ёздира бошлади.

Ҳар бир сўзни қўл ҳаракатлари билан ифодалаб узоқ вақтгача ёздирди.

Тез орада ўзига бино қўйган бу мавжудотнинг бемаънилиги жонимга тегди.

Ўз қобилиятимни яна бир маротаба намоёиш қилмоқчи бўлдим. Унга қўлимни узатиб, иложи борича яхшироқ гапиришга уриниб:

– Ми Зайус! – дедим.

Қўл остидагиларининг барчаси унга мурожаат этаётганларида гапни шу сўзлар билан бошлаётганликларига эътибор берган эдим. Кейинроқ билиб олишимга қараганда “Зайус” олимнинг исми, “ми” эса фахрли унвони экан.

Маймунлар лол бўлиб қолишди. Кулишга ҳам мажоллари келмади. Айниқса, Зира ҳайронликдан тош қотиб қолди. Бармоғим билан уни кўрсатиб:

– Зира! – деганимда унинг ҳайронлиги янада ортди.

Бу сўзни ҳам эслаб қолгандим ва бу сўз унинг исми эканлигига ишонардим.

Зайус эса аввалгидан ҳам кўра кўпроқ асабийлашди ва ишонқирамай бошини сарак-сарак қилганча қафаслар орасидаги йўл бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра берди. Ниҳоят, аввалги вазмин ҳолига келди ва менга таниш бўлиб қолган тажрибаларни унинг ишпирокида қайтаришни буурди. Мен жон-жон деб буйруққа бўйсундим. Ҳуштак овозини эшитишим биланоқ сўлагимни оқизавердим. Қўнғироқчанинг овози чиқиши биланоқ ўзимни панжарадан узокроққа отдим. Бу иккинчи тажрибани Зайус ўн маротаба қайтаришга мажбур этди. Ҳар сафар котибасига узундан-узоқ нималарнидир ёздириб турди.

Охирида чидолмадим, газабим кўзиб кетди. Соқчи гориллалардан бири қўнғироқчани чалиши биланоқ электр токи панжарага уланадиган қисқични очиб, симни нарироққа отиб юбордим. Шундан кейин мен гарчи иккинчи соқчи магнитофон қулоғини зўр бериб бурашига қарамай бамайлихотир панжарани ушлаб тураверишим мумкин эди.

Мен ўйлаб тошган ишимдан мағрур эдим. Зеро, менинг назаримда, эси жойида ҳар бир мавжудот учун бу нарса менинг ақлу фаросатим борлигининг исбот талаб қилмайдиган далили эди. Ҳақиқатан ҳам менинг ҳаракатларим ҳеч бўлмаганда, Зирада кучли таассурот қолдирганди. У менга синчиклаб қараб кўйди, ошпоқ тумшуги қизариб кетди. Бу ҳолат кейин билишимча, шимпанзе қаттиқ ҳаяжонланган кезларда бўлар экан. Лекин Зайуснинг қарорини ҳеч нарса ўзгартира олмаётганди. Зира уни қанчалик ишонтиришга ҳаракат қилмасин, лаънати орангутанг фақат елкасини қисар, бошини қимирлатарди. Бу олимнамо нусха гоят қаттиққўлга ўхшар, қуруқ далилларнинг ўзи унга етарли эмасди. У гориллаларга буйруқ берди ва мени янги тажрибаларга тортишди. Бу галги тажриба аввалги икки синовнинг қорилишидан иборат эди.

Бу тажрибани ҳам билардим, ҳатто итлар устида шундай тажрибалар ўтказишганда кўрган эдим. Бундан кўзда тутилган мақсад икки, бир-бирига тескари рефлексларни галма-гал олиб бориш натижасида тажриба ўтказилаётган ҳайвоннинг асабига тегиш эди. Шундай қилиб, биринчи соқчи горилла ширинлик ваъда қилиб ҳуштак чалишни бошлайди, иккинчиси эса хавф-хатардан дарак бериб қўнғироқчани жиринглатади. Улуғ физиологлардан бирининг бу тажриба ҳақидаги хулосалари эсимга тушди. Бундай тажрибалар кўп қайтарилгудай бўлса, инсонлардаги телбаликка ўхшаш ҳолатга олиб келиши мумкин деган эди.

Буларнинг ҳаммасини билганим учун қопқонга тушиб қолмасликка ҳаракат қилдим. Аввал ҳуштак товуши, кейин қўнғироқча овозига эътибор билан қулоқ солган бўлиб, худди донишмандлардек мушгларимни даҳанимга қўйганча қафас ўртасида ўтириб олдим.

Зира ўзини тута олмай чапак чалиб юборди. Зайус чўнтагидан дастрўмолини чиқариб пешонасини артди. Унинг аззойи баданидан тер қуяётган бўлса-да, ўз қайсарлигидан қолмасди. Мен буни қайсидир шимпанзе билан баҳс қилаётганида юзидаги ифодадан аниқладим. Орангутанг котибасига яна баъзи нарсаларни ёздириб, Зирага талай кўрсатмалар берди. Зира унинг гапини истар-истамас эшитди, мен томон жаҳл билан қараб кўйди-да, ниҳоят, нарироққа кетди.

Зира ўз навбатида соқчи гориллаларга мурожаат этди. У мени, ҳеч



бўлмаганда бутунча тинч қўйишларини тайинлаганини тушундим. Гориллалар дарҳол тажриба ўтказадиган асбоб-усқуналарини олиб чиқиб кетишди. Зира ўзи қолгач, қафасга яқин келиб, анча вақтгача миқ этмай менга қараб турди. Кейин кутилмаганда дўстона илтифот билан қўлини менга узатди. Мен ҳаяжонланиб, унинг қўлини секингина сиқиб қўйдим-да, “Зира” исмини бир неча бор оҳиста такрорладим. Унинг тумшуги қизариб кетди. Бундан унинг жуда ҳаяжонланаётганини тушундим.

### *Ун олтинчи боб*

Зайус бир неча кундан кейин яна қайтиб келди-да, дарҳол бизнинг бўлимдаги тартибни ўзгартиришни буюрди. Лекин мен аввалига орадан ўтган бир неча кун мобайнида маймунлар олдида ўзимни қандай кўрсатганимни айтиб беришим керак.

Орангутанг биринчи бор келиб кетганининг эртасига бизнинг устимизда янги синовлар туркумини ўтказишди. Ҳаммаси оққатланадиган вақтимизда бошланди. Зорам ва Занам – икки соқчи гориллани шундай аташарди – меваларни одатдагидай қафас ичига отмасдан саватча ичига қўйиб, бу мақсадлар учун махсус тайёрланган блоклар ёрдамида қафаснинг тепасидан олиб келишди. Кейин ҳар бир қафасга куб шаклидаги тўрттадан ёғоч эшикни тепадан осиб қўйишди. Шундан кейин гориллалар зал ўртасида йўлакда туриб бизни кузата бошлашди.

Қисматдош бечора ўртоқларимнинг ҳозирги ғамгин аҳволи гоят аянчли эди. Улар сакраб, саватга етишга ҳаракат қилиб кўришди, лекин бунинг уддасидан чиқиша олмади. Баъзилар қафас тепасига темирга осилиб чиқишди-ю, лекин у жойдан қанчалик уринишмасин, қафас ўртасида осилиб турган саватга қўллари етмади. Бу одамлар шу қадар тентак эдиларки, исноддан ерга кириб кетай дедим. Ўзим эса унчалик қийин бўлмаган бу масалани дарҳол осонгина ҳал қилдим. Тўртта кубни бир-бирининг устига қўйиш ва омонатроқ бу иморатга чиқиб илпақдан саватни олишнинг ўзи кифоя эди. Бу ишни осонгина амалга оширдим. Фаҳмим дарҳол етганидан ифтихоримни, албатта, уларга билдириб ўтирмадим. Жўнгина бу нарсага мендан бошқа бирор асирнинг фаросати етмади. Зорам ва Занамнинг қойил қолишгани мени жуда тўлқинлантириб юборди.

Бошқа асирларга нафратимни яширмаган ҳолда меваларни ейишга тушдим. Мен кўрсатиб берганимдан кейин ҳам худди шу ишни қилиша олмаётган эди. Ҳатто бу ердагилар орасида энг фаросатли Нова ҳам ўша кун мураккаб бўлмаган операцияни амалга ошира олмади. Ҳолбуки, мен унинг учун махсус равишда бу ишни бошидан охиригача бир неча бор амала ошириб кўрсатган эдим. Лекин у тушунишга ҳаракат қилаётганлигига қарамай, уддасидан чиқа олмаётганди. У бир кубнинг устига иккинчисини қўймоқчи бўлар, аммо четига қўйганлиги учун омонат иморат гумбурлаб қулаганда бечора кўрқиб кетиб қафаснинг бурчагига қочиб борарди. Қиз фавқулудда чаққон ва эпчил эди, барча ҳаракатларида бу нарса сезилиб турарди, лекин ниманики ушласа ҳам унча қовушмасди. Лекин иккинчи кун кечқурунга бориб, кубларни устма-уст қўйишни ўрганиб олди.

Биринчи кун эрталаб эса унга раҳмим келиб, иккита мевани Нова қафасининг ичига отдим. Бу ишим учун худди шу вақтда бизнинг хонамизга кириб келган Зира менга илтифот кўрсатиб табассум қилиб қўйди. У туқлари ўсиб кетган қўли билан елкамга қоқиб қўйганида мушукларга ўхшаб мийёблаб юборай дедим. Лекин бу нарса Новага бутунлай ёқмади. У газабга миниб қафасда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, чинқирди. Худди шунингдек, кейинги тажрибалар вақтида ҳам мен бошқалардан ажралиб турдим. Лекин энг муҳими, маймунларнинг ўзаро гапларига диққат билан қулоқ солганлигим туфайли энг содда сўзларига тушуниб олганим ва маъносини билишга эришганим бўлди.

Ҳар сафар Зира менинг ёнимдан ўтиб кетаётганида бу сўзларни қайтаравердим. Аёлнинг ҳайронлиги ҳам тобора ортаверди. Ана шундагина Зайус яна бир маротаба ташриф буюрди.

Худди биринчи сафаргидек орангутангни шимпанзе — котоба кузатиб келаётганди. Лекин энди котоба ва Зайусдан ташқари яна бир орангутанг бор эди. У ҳам салобатли ва Зайусники сингари қайтарма ёқасида юлдузлари ярқираб турарди. Орангутанглар бир-бирлари билан тенгма-тенг муомала қилишди. Зайус олим ҳамкасбини содир бўлган мураккаб ҳодиса ҳақида маслаҳатлашиш учун таклиф этганини англадим. Мен унинг учун мураккаб ҳодиса эдим. Орангутанглар менинг қафасим қаршисида тўхтаб адоксиз баҳста киришиб кетишди, бу баҳсда Зира ҳам ишгирик эртаётганди. Шимпанзе ҳаяжонланиб, узоқ гапирди. У мени ҳимоя қилаётганди, фавқулудда идрокимни тушунтириб бераётганди. Менинг идрокимга эса энди ҳеч ким шубҳаланмай қўйганди. Лекин шунга қарамай, аёлнинг маълумотлари орангутангларда фақат истеҳзоли табассум уйғотаётганди.

Юқори мартабали зотлар олдида мен эпчиллик билан уддалаган тажрибалар яна қайтарилди. Охири тажриба ички ва ташқи кулфлар, илгак, лўкидон ва суриладиган нарсалар орқали тўққиз жойидан беркитилган қутичани очишдан иборат эди. Хогирам адашпирмаса, Ерда маймунларнинг зеҳини текширадиган худди шу сингари тажрибани физиолог Кинноман ўйлаб топганди. Бу вазифаларнинг энг қийини эди, лекин шунга қарамай синаб кўрилувчиларнинг баъзилари бу вазифани бажаришга муваффақ бўлардилар. Чамаси, бу ерда ҳам бу синови шундай ҳисоблашарди. Бироз уринганимдан кейин бу тажрибани муваффақиятли адо этдим.

Мана Зира ёпиқ қутичани менга ялинганнамо ва маъсум бир қиёфада узатдики, ўзининг бутун обрў-эътибори менинг муваффақиятимга боғлиқдай эди гўё. Унинг умидларини саробга айлантирмаслик учун бутун лаёқатимни ишга солдим ва бир неча сония ичида ҳеч бир иккиланиб ўтирмай бирин-кетин тўққиз тўсиқни ҳам очдим. Лекин шулар билан чекланмадим. Қутича ичидаги мевани олиб назокат билан Зилага узатдим. Шимпанзе менинг тўхтамни қабул қилди, хижолатдан тумшуги қизариб кетди. Вақтни бекор ўтказмай мен дарҳол маймунлар тилини билишимни намоёниш этдим, ўрганган сўзларим англатадиган маъносига қараб нарсаларни кўрсатиб дона-дона талаффуз қилдим.

Назаримда, шундан кейин ҳеч ким менинг ҳақиқий фаҳм-фаросатимга ажабланмай қўйгандай эди. Лекин афсуски, у дамларда мен ҳали орангутангларнинг нақадар мағрурликларини билмаган эканман. Уларнинг башарасида пайдо бўлган захарханда истеҳзо ғазабимни кўзгатиб юборди. Улар Зиранинг гапини кескин равишда бўлишди-да, яна ўзаро баҳшлаша кетишди. Мен гапирётганимда эса худди тўтиқушнинг сўзларини эшиттаётганларга ўхшаб эшитишди. Орангутанглар менинг бутун қобилиятим инстинкт ва яхши ривожланган тақлиднинг натижаси деб қарашаётганини ҳис этиб турардим. Чамаси, улар ҳам ерлик олимимиз Г.Л.Морганнинг фикрига ўхшаш фикрда эдилар.

Морган “биз қандайдир ҳаракатни агар уни унча тараққий этмаган психик қобилиятнинг намоён бўлиши деб ҳисоблаш мумкин бўлса, олий психик қобилиятнинг зуҳур этиши деб қарамаслигимиз керак” деган эди.

Шубҳасиз, орангутанглар ҳам ўз тилларида шу тўғрисида сўзлашишаётган эди. Мен эса бундан даҳшатга тушаётгандим. Эҳтимол, ўзимни туголмаган, портлаб кетган бўлардим-у, лекин Зиранинг огоҳлантирувчи нигоҳини ўз вақтида кўриб қолдим. У орангутангларнинг фикрига қўшилмаётганини, менинг ҳузуримда бунақа бемаъни гапларни айтишаётганидан уялаётганини сездим.

Зайуснинг олим ҳамкасби, шубҳасиз, мен тўғримидаги қатъий фикрни айтди-да, жўнаб қолди. Орангутанг эса менинг устимда янги тажрибаларни бошлаб юборди. Аввалига бутун бинони айланиб чиқди, ҳар бир қафас олдида тўхтаб,

асирларга синчиклаб тикилди. Орангутангнинг кўрсатмаларини Зира пешма-пеш ёзиб турди. Зира тумшугининг ифодасига қараб бизни катта синовлар кутаётганини аниқлаш қийин эмасди. Мен тез орада Зайуснинг режаларини нимадан иборатлигини, муайян эркак ва аёлнинг маълум хусусиятларини қийлаш натижасида билдирган фикрларининг маъносини англаб олдим.

Мен ўз тахминларимда янглишмаган эдим. Зира ўз бошлигининг топшириқларини гориллаларга етказди, улар бу вазифаларни бажаришга киришишди. Бизларни жуфт-жуфт қилиб тоифаларга бўлишди. Лекин бу аҳмоқона тайёргарлик нимадан дарак бераётган ўзи? Тадқиқотчилик жазаваси қўзиган бу маймунлар инсон табиатининг яна қайси хусусиятларини ўрганишмоқчи? Физиологик лабораторияларнинг ишидан хабардорлигим жавобни аниқ қилиб қўйди: инстинкт ва рефлекс билан шуғулланадиган ҳар қандай олим учун жинсий инстинкт биринчи даражали қизиқиш уйғотади.

Ҳа, масала шу тўғрисида кетаётганди! Лаънати маймунлар бизнинг устимизда, ҳамонки мен ҳам шу тўда ичида пайдо бўлиб қолганим туфайли менинг устимда ҳам одамларнинг ишқий ўйинларини, бунда эркак ва аёллар ўзларини қандай тутишларини, тутқунликда бир-бирларига қандай яқинлашишларини ва бошқа шу сингари нарсаларни текшириб кўришмоқчи ҳамда бу кузатишларнинг табиий шароитдаги одамлар устида олиб борилган тажрибалар билан солиштирмоқчи эдилар.

Маймунларнинг ниятларини фаҳмлаганимдан кейин уларнинг нафратни қўзғайдиган тажрибаларига объект бўлгандан кўра ўлганим афзал, деган фикрга келдим. Ҳаётда мен ҳеч қачон бундай ҳақоратга дуч келмаган эдим. Гарчи қатъий қарорга келган бўлсам ҳам орангутанг менига шерик қилиб танлаган аёлни кўрганимда анча енгил тортдим. Бу Нова эди. Мени бундай жуфтни танлагани учун қари, эзма орангутангнинг аҳмоқлигию, қайсарлигини кечиришга рози эдим. Зорам ва Занам мени андишасизлик билан шаршара малагининг қафасига келтириб ташлаганида ҳам қаршилиқ кўрсатмадим.

### *Ўн еттинчи боб*

Ён атрофдаги қафасларда кейинги ҳафталарда қандай ҳодисалар рўй берганини ёзиб ўгирмаيمان. Мен тахмин қилганимдек одамларнинг жинсий ҳаётларини бутун тафсилотлари билан ўрганишга қарор қилишган экан. Улар ўзларига хос қафасла билан ишга киришдилар.

Мен ўзим ҳам қандайдир кузатишларни бошлаб юбордим. Лекин бу тез орада жонимга тегди, зеро, мен бу ишда бирор янгилик кўрмадим. Эркак аёлга яқинлашишдан олдин ийдиришнинг ғалати усулини қўллаганини ҳисобга олмаганда, деярли ҳеч қандай янгилик йўқ деса ҳам бўлаверади. Бу рақсга, баъзи қушларнинг ўзаро дон олишишидан олдинги рақсларига ўхшаб кетарди. Эркак аёл атрофида оҳиста ва бироз ишончсизроқ юра бошлайди, аввал олдинга, кейин орқага ва ён томонга бир қадам ташлайди. Шу тариқа ҳаракат қилиб, доирани тобора торроқ олаётганди. Доира ўртасидаги аёл эса ўз жойида турар, фақат кўз қири билан эркакни кузатарди. Мен ғалати бу маросимни кўп маротаба кузатдим. Никоҳ рақсининг асосий нуқталари доимо ўз ҳолича қолса-да, унинг баъзи жиҳатларигина ўзгарарди, холос.

Бундаги энг ажабланарли ҳолат маймунларнинг илмий пухталиги эди. Улар ўз кузатишларини ёндафтарларига батафсил ёзиб боришарди.

Лекин улар менинг қаршимга келиб тўхташганда иш бутунлай бошқача тус олди. Ишқий ўйинларни бошлашга ҳаракат қилмаётганимни кўришган бизнинг соқчи гориллаларимиз бу ишни куч билан амалга оширмоқчи бўлдилар. Улар мени, Улисс Меруни, Аллох томонидан Аллохнинг ўзига ўхшатиб яратилган инсон зотини бу ишга рағбатлантирмоқчи, яъни найзалари ёрдамида мақсадларига етишишни мўлжаллашаётганди. Мен қаттиқ ғазаб билан қаршилиқ кўрсатдим. Лекин гориллалар ўз мақсадларидан сира чекинмишмасди. Бахтимга Зира келиб қолдию жонимга ора кирди.

Соқчилар унга ўзимни галати тутаётганим ҳақида ахборот бергач, Зира узоқ хаёлга толди. Кейин у менинг қафасим яқинига келиб, ўзининг тийрак гўзал кўзлари билан тикилди, бошимни силаб туриб гапга тушди. Ўйлашимча, унинг гаплари маъносини шундай тушунса бўларди:

– Бечора кулгилти одамча! Жуда галати экансан-ку! Уларга қарамайсанми! Улар қилаётган ишини сен ҳам бажар-да қўй. Шунда эвазига бирор мазали егулик оласан.

Зира чўнтагидан бир чақмоқ қанд чиқариб менга узатди. Менинг газабим кўзиб кетди! Демак, у ҳам мени сал фаросатлироқ ҳайвон ҳисоблар экан-да. Садақасини олишдан воз кечиб, алам билан бошимни қимирлатдим. Қафаснинг нариги бурчагига бориб туравердим. Нариги бурчақдаги Нова ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон бир алпозда менга тикиларди.

Айни дақиқада залга кекса лаънати Зайуснинг ўзи кириб келмаганда, эҳтимол, иш шу зайлда поёнига етган бўлармиди. Шу куни орангутанг ҳар қачонгидан ҳам бетоқатроқ ва ўзига бино қўйган эди. У ўтказилган тажрибаларнинг натижалари тўғрисида ҳисобот талаб этди. Ўз одатига кўра аввало мен тўғримдаги ахборотни эшитмоқчи бўлди. Зира менинг қайсарлигим ҳақида унга ахборот берди.

Ҳафсаласи пир бўлган орангутанг қўлларини орқасига қилиб қафас олдида у ёқдан-бу ёққа юриди, лекин орадан бирор дақиқа ўтар-ўтмас, бир қарорга келиб, соқчиларга қатъий оҳангда нималарнидир буюрди. Зорам ва Занам қафасни очиб киришди-да, Новани олиб чиқиб кетишди. Лаънати Зайус ўтакетган расмиятчи ва илмга садоқатли чиқиб қолди!

Новани кўкраклари жун босган кенг елкали баҳайбат йигит ўтирган рўбарўдаги қафасга тиқишганида газабдан титраб кетдим. У дарҳол ўрнидан туриб, Нова атрофида айлана бошлади, юқорида тасвишлаб ўтганим бемаъни ишқий рақсни бошлаб юборди.

Йигит ҳаракатларининг маъносини англашим биланоқ яхши ниятларимнинг ҳаммаси миямдан кўтарилиб кетди. Фикрлаш қобилиятимни бутунлай йўқотдим, яна ўзимни савдойиларча тута бошладим. Дарҳақиқат, газаб мени ақлдан оздиргандай эди! Мен ириллаб тажриба ўтказётганларни очикдан-очик таққирлай бошладим. Бу ишда Сорора одамларидан қолишмасдим... Мен ҳам худди улар сингари кутуриб панжарага ташландим, озимдан сўлақларимни оқизиб панжара симларини ғажимоқчи бўлардим, тишларимни гижирлатардим. Қисқаси, ўзимни худди ҳақиқий ҳайвонлардай тутардим.

Лекин менинг бу қадар жазавага тушишим тамомила кутилмаган натижага олиб келди. Менинг телбанамо ҳаракатларимни кўриб Зайус тўсатдан кулиб юборди. У биринчи маротаба мендан мамнун бўлаётганди. Ниҳоят, унинг қаршисида одамларга хос ўзини тутишнинг таниш манзараси намоён бўлган эди. Унинг назарияси тўғрилиги ўз исботини топганди. Орангутангнинг кайфияти чоғ эди, ҳатто Зиранинг илтимосига биноан, ўз буйруғини бекор қилишга, сўнгги маротаба тажриба ўтказиб кўришга рози бўлди. Соқчи гориллалар жундор ҳайвон Новага яқинлашишга улгурмасидан олдин аёлни менинг қафасимга қайтаришди. Маймунлар нари кетишди, лекин узоқдан бизни диққат билан кузатиб туришарди.

Айтилганларга яна нималарни илова қилиш мумкин? Қаттиқ ҳаяжонланишлар руҳимни бутунлай тушириб юборган эди. Мен орангутангнинг иблисона ўткирлиги олдида бош эгишга мажбур бўлдим. У кулиб ўз галабасини тантана қила бошлади. Мана мен уятдан ерга кириб кетгудай бўлиб ийманибгина ишқий саргузаштга киришдим.

Ҳа, мен яратганнинг гулгожи гўзалим атрофида рақс туша бошладим! Мендан кўзини узмай турган барча маймунлар, котибасига ўз фикрларини айтиб туриб ёздирётган қари орангутанг, мурувватли шимпанзе аёл, тиржайиб туришган икки горилла кўз ўнгида мен, минг йиллик тамаддуннинг чўққиси бўлган инсон боласи ичимда буларнинг ҳаммасига фазовий ғаройиботларнинг тескарилиги сабабчи деган мугеларча андиша билан ўзимни оқлаган ҳолда худди нар товусдек латофатли Нова атрофида ишқий рақсга киришиб кетдим.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

### *Биринчи боб*

Эътироф этмоғим керакки, қафасдаги ҳаётга осонгина, ҳатто фавқулодда тез ва осон кўникиб қолдим. Моддий томондан бундан ортигини исташим амримаҳол эди: кундузлари маймунлар барча инжиқликларимни бажаришар, кечалари эса оламнинг энг гўзал аёлларидан бири билан бир ўринни баҳам кўрардим. Бу ҳолатга шунчалик кўникиб кетдимки, ҳатто бугун бошли бир ой мобайнида бемаъни ва таҳқирли аҳволимни ўзгартириш учун ҳеч қандай жиддий ҳаракат қилмадим. Қўлимдан келган иш шу бўлдики, маймунлар тилидаги яна бир неча сўзларни ўрганиб олдим. Зира билан алоқа ўрнатишга уриниб ҳам кўрмадим. Агар у олдинига мени ақлли мавжудот деб гумон қилган бўлса, эндиликда у ҳам, чамаси, Зайнуснинг фикрига қўшилган, менга ўз сайёрасининг одами, бутунлай ақлсиз бўлмаса-да, фаҳм-фаросатдан ҳоли бир ҳайвондай қараётганди.

Бизни кўриқлаб ётган соқчиларни чалғитмаслик учун бошқа бандилардан устунлигимни кўрсатишга унчалик уринмадим. Бу мени институт фахрига, муҳим шахсга айлантирди. Шунинг эътирофи этишим лозимки, бу ҳол менинг гуруримни қондираётганди, ҳатто ўз аҳволимдан фахрланаётгандим. Зорам ва Занам менга дўстона муносабатда бўлишарди. Менинг кулишим, айрим сўзларни айтишим уларга жуда қизиқ туюларди. Бошқаларда ўтказган барча тажрибаларини мен билан ҳам ўтказгач, янги, янада мураккаб тажрибаларни ўйлаб топишга ҳаракат қилишар, навбатдаги масалани ҳам ечганимда биргалашиб хурсанд бўлишарди. Улар менга бирор ширинлик олиб келишни ҳеч қачон унутишмасди, мен буларни Нова билан баҳам кўрардим. Биз имтиёзли жуфтлик эдик. Ҳаёлимда Нова ўзининг маъмурчиликда яшаётгани менинг талантим натижаси эканлигини англаётгандай эди. Шу туфайли куннинг асосий қисмини энг мақтанчоқ одамлардай унинг ёнида талтайиб ўтказардим.

Лекин орадан бир неча ҳафта ўтгач, буларнинг барчаси жонимга тега бошлаганини тўсатдан сезиб қолдим. Эҳтимол, бунга ўша куни эрталаб Нованинг кўзлари ҳар қачонгидан ҳам маънисизроқ кўрингани сабаб бўлгандир ёки Зира мени меҳмон қилган бир чақмоқ қанд сабаб бўлгандир. Қанд тўсатдан менга аччиқ туюлди. Қанднинг аччиқлигига итоаткорона кўнмоқчи бўлганлигимдан ўзим уялиб кетдим. Агар профессор тасодифан омон қолган бўлса-ю, мени бу қафасда кўрса нима бўлади? Бундай ҳаёлга чидаш жуда қийин эди ва мен шу ондан бошлаб ўзимни маданий одамларга хос тарзда тутишга қарор қилдим.

Миннатдорчилик сифатида Зиранинг кўлини силаб туриб, секингина ёндафтарчасини ва ручкасини тортиб олдим. Кейин унинг олган нарсаларимни қайтариб бериш тўғрисидаги ялинганнамо илтижоларига қарамай похол устига ўтириб олдим-да, Нованинг расмини чизишга тутиндим. Қачонлардир ёмон рассом эмасдим, бунинг устига Новадай гўзал натура ҳаммага ҳам илҳом бағишлаши мумкин эди. Хомаки расмининг дурустгина нусхасини чизишга муваффақ бўлдим, уни шимпанзегга узатдим.

Шу ондаёқ Зиранинг мен тўғримдаги гумонлари қайта жонланиб, ҳаддан ташқари тўлқинланиб кетди. Тумшуги қизарди, менга тикилар, ҳаяжонини яшира олмасди. Унинг юмшаганини кўриб, виқор билан кўлимни ёндафтарга узатдим. Бу сафар уни ўз ихтиёри билан менга берди. Нега илгарироқ бундай осонгина йўлдан фойдаланмаганимни ўзим ҳам тушунмасдим.

Ўзимнинг мактаб давридаги машғулотларимни эслаб, Пифагор назариясини ифодалайдиган геометрик шакл чиздим. Буни бекорга танламагандим.

Ўспиринлигимда бир илмий-фантастик қисса ўқигандим. Қисса қаҳрамони кекса олим ўзга сайёралик ақлли мавжудотлар билан муносабат ўрнатишда геометрик шакллардан фойдаланган эди. Бу томонларга учиб келаётганимизда профессор Антель билан суҳбатлашаётиб, гап орасида мен шу тўғрисида сўзлаганимда у ҳатто буни маъқуллаганди. Шу нарса ҳам эсимдаки, у Эвклид геометрияси жуда чалкаш-чулкаш эканлигини, айни шу сабабли ҳам барча оламларда қабул қилинган бўлиши мумкинлигини кўшимча қилган эди.

Нима бўлганда ҳам мен чизган расм Зирани ларзага келтирди. У ёввойиларча қичқириб юборди, тумшуғи қип-қизариб кетди. Кўрқиб кетган Зорам ва Занам унга ёрдамга шошилганча етиб келишгандан кейингина у зўрга ўзини қўлга олди. Шундан кейин Зира ўзини ғалати тутди: менга ер остидан қараб турганча чизган расмларимни чаққонлик билан беркитиб олди. У гориллаларга бир неча оғиз сўз айтди, шундан кейин гориллалар бинодан чиқиб кетишди. Зира қандайдир яхши гап айтиб, уларни чиқариб юборганини тушундим. Кейин Зира қафасга жуда яқин келиб қўлимни олиб кўришди. Бу кўришиш ёқимлигина ҳайвоннинг уқувлилити учун шунчаки эркалатишдан фарқ қиларди. Энди унинг ўзи менга ялинганнамо ёндафтари ва ручкасини узатди. Мен билан муносабат ўрнатишга шошилаётганди.

Мен ичимда Пифагорга ташаккур айтиб, яна геометрияга мурожаат этдим. Ёндафтарнинг бир саҳифасига иложи борича ҳафсала билан конусавий шаклларни – эллипс, парабола ва гиперболани чиздим. Бошқа саҳифага эса конус чиздим. Бу ерда шуни эслатиб ўтишим керакки, мазкур шаклларнинг кесишуви уларнинг қайси бурчаклари билан кесишувига қараб, турли шаклларни юзага келтиради. Кейин чизган шаклларимни ҳайрон қараб турган шимпанзегга кўрсатдим.

Зира ёндафтарни қўлимдан юлқиб олди-да, ўз навбатида бошқа бурчак билан бирлаштирилган шакл чизиб, узун бармоқлари билан менга гиперболани кўрсатди. Мен лол қолган эдим. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди, ҳаяжонимни тўхтата олмай, шимпанзенинг қўлини сиқиб қўйдим. Нова қафаснинг бир бурчакга газабдан чийиллаб ўгирарди. Унинг кўз ўнгида қандай ҳодиса рўй берганини инстинктив равишда англади, шекилли. У янглишмаганди. Зира билан менинг орамда маънавий муносабат ўрнатилганди. Мен бундан қарийб жисмоний лаззат олдим ва англадимки, шимпанзе аёл ҳам тўлқинланиб кетди ва ҳайрон қолди.

Кутилмаганда қўлини тортиб олди-да, бизнинг қафасимиз ёнидан шошилиб чиқиб кетди. У узоқ ҳаяллаб қолмади, лекин мен шу вақт ичида худди уйкудагидай ҳолатда эдим, атрофимда гингиб айланаётган Новага қарашга ботина олмасдим, негадир унинг олдида ўзимни гуноҳкордай сезаётгандим.

Зира хонага қайтиб келганда менга каттагина қоғоз ёпиштирилган расм чизадиган тахта келтирганини кўрдим. Бироз ўйлаб турдим-да, у билан очиқчасига гаплашишга қарор қилдим.

Қоғознинг бир бурчагига юлдузлараро кемамизда учиб келаётганимизда тасаввур қилганимиз Бетельгейзе системасини – ўртада улкан қуёш, атрофидаги тўрт сайёрани тасвирладим. Айниқса, Сорора ва унинг кичкина йўлдошини ҳафсала билан чиздим, йўлдошнинг бўшлиқдаги ҳолатини аниқ белгиладим. Бир неча бор бармоғим билан бу тасвирга ишора қилдим, сўнгра уни Зилага кўрсатдим. У ҳаммасини яхши тушунганини имо билан билдирди.

Шунда мен қоғознинг бошқа бурчагига ўзимнинг эски қадрдон Қуёш системамизни асосий сайёралари билан чиздим. Ерни кўрсатиб қўлимни кўксимга қўйдим.

Бу сафар Зира иккиланиб қолди. Ўз навбатида у ерни кўрсатиб, бармоғини юқориға, осмонга кўтарди. Мен тасдиқлаб бош қимирлатдим. Шимпанзе тарадудланиб қолди, лекин у тушунишга ҳаракат қилаётганди. Унга ёрдам беришга интилиб, Ер билан Сорора ўртасига нуқтали чизиқ тортдим,

юлдузлараро кемамизни алоҳида тасвирладим. Бу зулмат ичра нурдай масалага ёруғлик киритди!

Барча гумонлар тарқаганди: энди у менинг кимлигим ва қаерданлигимни билиб олганди. Зира менинг бағримга ўзини ташламоқчи бўлиб турганда йўлақда навбатдаги айланиш учун кириб келаётган Зайус кўриниб қолди.

Зиранинг кўзлари азбаройи кўрққанидан катталашиб кетди. У чаққонлик билан расм чизилан қоғозни буклади-да, орангутанг бу ерга яқинлашмасидан ёндафтарчаси билан чўнтагига солиб қўйди, бармоғини лабларига қўйиб, ялинганнамо ишора қилишга ҳам улгурди. У Зайус олдида сирни ошкор қилмасликни маслаҳат бераётганини тушундим. Бу сир-синоат нимага кераклигини унчалик тушунмасам-да, мен унга итоат қилдим. Лекин бундан буён Зира мен билан ҳамфикр бўлиб қолганига ишончим комил эди, шу туфайли ўзимни бамайлихотир равишда ақлли ҳайвондай тута бошладим.

### *Иккинчи боб*

Шу кундан эътиборан Зира туфайли маймунлар тили ва маданиятини ўрганиш юзасидан катта ютуқларга эриша бошладим. Зира янги, мураккаб тажрибалар ўтказиш баҳонасида деярли ҳар куни мен билан бир неча соат бирга бўлишга имконият ахтарарди. У менга ўз тилини ўргатишга киришиб кетди, шу билан биргаликда ўзи ҳам француз тилини фавқулудда осонлик билан ўзлаштира бошлади. Орадан икки ой ўтар-ўтмас биз турли мавзуларда эмин-эркин гаплаша оладиган бўлдик. Кўз ўнгимда аста-секинлик билан Сороранинг маънавий дунёси, ғалати маданияти намён бўла бошлади. Мен буни умумийроқ бўлса ҳам тасвирлашпа уриниб кўраман.

Зира билан бир-биримизни тушуна бошлашимиз биланоқ, ичимни анчадан бери қизитиб, менга ҳаловат бермаётган асосий саволни беришга ошиқдим.

— Наҳотки, маймунлар бу сайёрадаги ягона ақлли мавжудот, табиатнинг хўжайини бўлишса?

— Бўлмасам-чи? — ҳайрон бўлди у. — Табиийки, маймунлар тафаккур қилувчи ягона мавжудотлардир, улар фақат жасадгагина эмас, қалбга ҳам эга. Олимларимиз орасидаги ашаддий материалистлар ҳам маймунлар қалбининг илоҳий моҳиятини эътироф этадилар.

Бундай мулоҳазаларни эшитганимда гарчи бунга кўникишга мажбур бўлсам-да, мен ҳар сафар бир сакраб тушардим.

— Лекин менга айтгин-чи, Зира, у ҳолда бу ердаги одамлар тўғрисида нима дейсиз?

Юқорида эслатиб ўтганимдай Зира француз тилини мен маймунлар тилини ўрганишимга қараганда тезроқ ўзлаштираётган эди. Шу туфайли биз дастлабки пайтларда фақат француз тилида сўзлашардик. Инстинктив равишда бир-биримизни “сенсираш”га тушдик. Аввалига “одам” ва “маймун” сўзлари биз учун ҳар хил маъно англатганлиги туфайли кўникишимиз қийин бўлди. Сорорада бу сўзлар Ердагига қараганда тамомила бошқа-бошқа маънони англатади, лекин биз бунга тезда кўникиб кетдик. Зира ҳар сафар “маймун” тўғрисида гапирганда мен ичимда олий мавжудот, эволюциянинг чўққиси деб таржима қилиб турардим. У одамлар ҳақида гапирганда эса тақлидий инстинктга эга бўлган, лекин заррача ақли йўқ ҳайвонлар ҳақида сўз кетаётганини билиб турардим.

— Сўнги юз йил ичида, — зўр бериб тушунтирарди менга Зира, — турларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тадқиқотлар соҳасида улкан ютуқларни кўлга киритдик. Илгари барча турлар ўзгармайди, жамики мавжудотлар қудратли ижодкор қачонлардир уларни қандай яратган бўлса, шундайлигича қолади деб ҳисоблашарди. Лекин бир гуруҳ улуғ олимлар — уларнинг барчаси

шимпанзе – фикрларимизни бутунлай янгидан қараб чиқишга мажбур этишди. Энди биз биламизки, барча турлар ҳам эволюция жараёнини бошдан кечиришади ва эҳтимол, бир-бирларига яқин турларнинг ажодлари бир бўлган.

– Демак, маймунлар одамдан келиб чиққан экан-да?

– Баъзилар шундай ҳисоблашади, лекин аслида масала анча мураккаб, Маймун ва одам эволюциянинг маълум босқичида икки, ҳар хил шохчани ташкил этган: улардан бири юксалишда давом этган ва аста-секин ақлнинг юксак босқичига эришган, бошқаси эса ҳайвонлар дунёси даражасида қолиб кетган. Лекин кўпгина орангутанглар ҳозиргача исбот талаб этмайдиган бу ҳақиқатни тан олишмайди.

– Зира, сен, улуғ олимларнинг бутун бир авлоди тўғрисида гапирдинг. Уларнинг барчаси ҳам шимпанзеларми?..

Мен ўртамизда бўлиб ўтган гап-сўзларни қандай бўлса шундайлигича баён қилаётirman. Иложи борича кўп нарса билишга иштиёқим туфайли унга кутилмаган саволларни қалаштириб ташлашга ундарди. Зира эса унга иложи борича батафсилроқ изоҳ беришга интиларди.

– Деярли барча улуғ кашфиётлар, биз – шимпанзелар томонидан очилган, – қизгин тасдиқлади Зира.

– Маймунларнинг яна қандай тоифалари бор?

– Уч хил тоифа маймунлар бор, – буни ўзинг ҳам сездинг, гориллалар, орангутанглар ва шимпанзеларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Улар ўртасидаги ирқий тафовутлар йўқотилган, бир-бирларига нисбатан илгариги нафратлари ўтмишда қолиб кетди. Бунда кўпроқ шимпанзеларнинг роли катта бўлди. Эндиликда барча ирқлар асос-этибори билан баробардир.

– Лекин улуғ кашфиётларнинг асосий кўпчилиги олим-шимпанзелар томонидан амалга оширилган экан-да? – мен суриштиришда давом этдим.

– Ҳа, шундай.

– Ҳўш, ундай бўлса, гориллалар тўғрисида нима дейсиз?

– Гўшг гажувчилар, – жавоб берди у газабини яшира олмай, – қачонлардир улар феодал князлар бўлишган. Ҳозир ҳам улар ҳукмдорликка интилишади, ташкил қилиш, бошқаришни ёқтиришади. Улар овни севишади, табиат қўйнидаги ҳаётни хўш кўришади. Камбағалроқлари эса катта жисмоний куч талаб қиладиган ишларга ёлланишади.

– Орангутанглар тўғрисида нима дейиш мумкин?

Зира менга синчиклаб қараб турди-да, кейин кулиб юборди.

– Булар расмий фаннинг фидоийлари, – деди у. – Сен бунга амин бўлгандирсан, кўрқаманки, бундан кейин ҳам кўп маротаба амин бўлаверасан. Улар китоблардан ўқиб-ўрганиш мумкин бўлган барча нарсаларни билишади. Барчалари кўша-кўша мукофотлар соҳиби. Уларнинг баъзилари ҳатто яхши хотира талаб этадиган муайян тор бир соҳанинг машғуллари ҳисобланишади. Бошқа соҳаларда эса...

Зира нафратомуз қўлини силкитди. Мен бу мавзуда яна суҳбатлашармиз деган хаёлда уни жавоб беришга қистамадим. Ҳозирча эса умумийроқ тарздаги саволларга қайтдим. Менинг илтимосимга кўра Зира энг яхши мутахассислар тасавуридаги маймунларнинг насабномаси дарахтини чизиб берди. Бу насабнома турларнинг эволюцияси тўғрисидаги бизнинг насабномаларимизга ўхшаб кетаркан. Дарахтнинг асосий танасидан тармоқланиб кетган турли-туман шохлар ўсиб чиқарди. Булар турли хил ўсимликлар, бир ҳужайрали организмлар, игнатанлиларни англатарди, юқорироқда балиқлар жойлашганди. Ундан кейин одамсимон тур кўрсатилганди. Бу шохдан одам шохи ажралиб чиқарди, лекин у қисқа ва ён томонда эди. Марказий тана эса ўсишда давом этиб, турли шохчаларга бўлиниб, маймунларгача бўлган даврларни англатар ва айтиш қийин бўлган номлар билан аталганди. Буларнинг охирида



эволюциянинг сўнги босқичи – шимпанзе, горилла ва орангутанлар кўрсатилган эди. Ҳаммаси мантиқан тўғри.

– Маймуннинг мияси, – давом этди Зира, – тобора ривожланиб, мураккаблашиб борди, ниҳоят, тафаккур органига айланди, шу вақт ичида одам миясида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади.

– Лекин нима сабабдан айнан маймунларнинг мияси бу қадар тараққиёт босқичига эриша олди? – деб сўрадим мен.

Табиийки, бунда нутқ асосий ролни ўйнади. Лекин нима сабабдан маймунлар гапира олишди-ю, одамлар бундан бебаҳра қолди? Олимларнинг фикри бу соҳада турличадир. Баъзилар бу борада тангрининг сирли ўйинини кўришса, бошқалар маймунларнинг ақли тўртта оёқ-қўлларининг ҳаракатчанлиги туфайли ривожланган деган фикрни илгари суришади.

– Одам қисқа ва унчалик чаққон бўлмаган бармоқли қўллари туфайли азалдан ноқулай аҳволга тушиб қолган: у ўзини ўраб турган муҳит хусусида тўғри тасаввур ҳосил қила олмаганлиги боис ривожланмаган, – деди Зира. – Шу сабабдан одамлар ҳеч қачон қуроллардан тўғри фойдалана олишмаган... Эҳтимол, улар қадим замонларда бунга ҳаракат қилиб кўришгандир... Яқинда гоёт ғалати топилмалар қўлга киритилди. Бу йўналишда ҳозирги даврда талқиқотлар олиб борилмоқда. Агар бу сени қизиқтирса, бирор кун Корнелий билан таништириб қўяман. У бу масалаларни мендан кўра яхшироқ билади, гаплашиб оларсизлар.

– Корнелий дейсанми? Ким у?

– Менинг қайлигим, – жавоб берди Зира қизаринқираб. – Ҳақиқий, катта олим.

– Шимпанземи?

– Ҳа, албатта!.. – давом этди у, – мен шахсан шу нарсага аминманки, бизнинг тўртқўллимиз маънавий ривожимизда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бу аввалига бизнинг дарахтта кўтарилишимизга, уч ўлчовли кенгликни ўзлаштиришимизга имкон берди. Одам эса шу вақт ичида жисмоний номукамаллиги туфайли ерга миҳланиб қолди, бир текисликда яшашга мажбур бўлди. Кейин бизларнинг турли қуролларни ўрганишга иштиёқимиз улардан яхши фойдалана олганимиз туфайли янада кучайди. Тараққиётда давом этдик, натижада маймунлар ақлининг юқори чўққисига эришишди.

Ерда кўпинча одамнинг бошқа ҳайвонлар дунёсидан устунлигини тушунтиришда бир-бирига тамомила қарама-қарши далиллар келтиришганини эшитганман. Лекин астойдил ўйлаб, шундай қарорга келдимки, Зиранинг мулоҳазалари биз одамларнинг мулоҳазаларидан кам асога эга эмас.

Мен бу гапни давом эттирмакчи эдим, хаёлимда юзлаб саволлар айланарди. Лекин шу вақт хонага кечки овқатни кўтариб киришган Зорам ва Занам гапимизни бўлишди. Зира менга пичирлаб, хайрли тун тилаб хонадан чиқиб кетди.

Мен яна қафасда Нова билан бирга қолдим. Овқатландик. Гориллалар эшик тепасидаги тунги хира чироқдан бошқа барча чироқларни ўчириб, хонадан чиқишди. Мен бутун билиб олган нарсаларимни хаёлимдан ўтказар эканман, Новага қараб турардим. Нова табиийки, Зирани кўришга кўзи йўқ эди. Менинг шимпанзе билан суҳбатларим унинг газабини кўзгатаётганди. Аввалига у ўз норозилигини ифодалаб, суҳбатимизга халақит бермоқчи бўлди: Зира билан орамизда туриб олар, қафас ичида сакрар, тўшак ўрнига ташланган пичандан бир тутам олиб, Зиранинг бошига улоқтирарди. Уни тинчитиш учун куч ишлатишга тўғри келди. Нова икки тарсаки егандан кейингина тинчиди. Мен ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмасдан бундай одобсиз ҳаракатга йўл қўйган эдим, кейинроқ эса бу ишим учун виждоним азобланди. Лекин Нова, чамаси, мендан хафа бўлмаганди.

## Учинчи боб

Бу мен учун улуг кун эди. Кетма-кет қилаверган илтимосларимдан кейин Зира ниҳоят мени Олий Физиология Институтидан — биз турган муассаса шундай аталарди — шаҳарни сайр қилдиришга олиб чиқишга рози бўлди.

У анча вақт иккиланганидан кейин шундай қарорга келди. Ўзимнинг фикрловчи мавжудот эканлигимга узил-кесил уни ишонтириш учун анча вақт зарур бўлди. У мен билан бирга бўлган пайтларда бунга ишониши кўриниб турарди, лекин мендан узоқлашгач, уни турли шубҳалар яна ўз гирдобига тортарди, шекилли. Мен ҳаммасини тушунардим. Унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг! Менинг одамлар тўғрисидаги ҳикояларим, энг муҳими — Ердаги маймунлар хусусидаги гапларим уни ҳайратга солар, газабини кўзгарди, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Кейинчалик Зиранинг ўзи мени узоқ вақтгача товламачи ёки сеҳргар деб ўйлаганини тан олди. Лекин шундай бўлса-да, мен келтирган кўпдан-кўп далил ва изоҳлардан кейин гапларимга ишонишга мажбур бўлди. Пировард-натихада, у менга бутунлай ишонди ва ҳатто мени озод қилиш режаларини туза бошлади. Лекин тез орада бу иш ўша кун менга тушунтирганидай осон эмаслиги маълум бўлиб қолди. Ҳозирча эса у пешиндан кейин мени сайр қилдириш учун ёнимга келди.

Биргина теламдаги осмонга бемалол тикилиш ҳақидаги фикрнинг ўзиданоқ юрагим орзиқиб кетди. Аммо Зира мени жиловда олиб юрмоқчилигини кўрганимдан кейин ҳафсалам анча пир бўлди. Гориллалар мени қафасдан чиқаришди-да, унинг эшигини беркитишди. Бўйнимга чарм бўйинбоғ солишиб, унга бакуваттина занжирни мустаҳкамлашди. Зира занжирнинг бўш томонини ушлаб олди-да, Нованинг юракни эздитган фарёду увиллашлари остида эшик томон бошлади. Раҳмим келиб, уни дўстона ҳаракатлар билан тинчитмоқчи бўлдим, лекин шимпанзе бу ҳаракатимни сезиб, росмана жаҳли чиқди ва орқасидан эргашишимга ишора қилиб бетакаллуфлик билан занжирни силтаб қўйди. Менинг маймунлар сингари ақлли эканлигимга ишонгандан бери бу қиз билан алоқам Зирани хижолатга қўяр ва газабини кўзгарди.

Унинг бу ёмон кайфияти биз нимқоронғи кимсасиз йўлакда ёлғиз қолганимизда тарқагандай бўлди.

— Эҳтимол, маймун занжирбанд ҳолда сайр қилдиришига Ер одамлари ўрганишмаган бўлса керак? — сўради у кулиб.

Мен уни бу ҳодиса дарҳақиқат ноёб, ҳеч учрамайдиган бир ҳолат эканлигига ишонтирдим. Зира кечирим сўраб, тушунтирдик, баъзи ўргатилган одамларни жарима ва турли кўнгилсизликлардан қўрқмасдан жиловсиз олиб юриш мумкин. Лекин бизнинг сайримиз мен занжирланган ҳолатда юрсам табиийроқ бўларкан. Кейинчалик у менинг итоаткорлигимга тўла ишонгач, занжирсиз ҳам сайр қилдиракан.

Сўнгра менинг кимлигимни яна эсидан чиқариб қўйди, шекилли — бу ҳолат Зирада учраб турарди — у менга ҳар хил маслаҳатлар беришга, насиҳат қилишга тушди:

— Яна йўловчиларга ташланиб қолма ёхуд тишларингни гижирлатма... Сени бирор соддадил болакай мабодо силамоқчи бўлса, яна уни тимдалаб юрма. Мен сенга бурундуқ тақмадим, лекин бу...

Мен яқин ўртада бундай ҳақоратни эшитмаган эдим!

Лекин Зира шу ондаёқ ўз сўзини тугатиб, кулиб юборди:

— Ў, мени кечир, кечирақол! — хитоб қилди у. — Сенинг маймунлар сингари ақлли эканлигинг нуқул эсимдан чиқиб қолаётир.

У худди кечирим сўраётгандай елкамга дўстона уриб қўйди. Зирадаги қувноқ кайфият қўзиб келаётган газабимни жиловлади. Мен Зиранинг кулишини яхши кўрардим. Нованинг ўз қувончини одамларга хос ифодамай олмаслиги ёдимга тушиб хўрсиниб қўйдим. Тез орада шимпанзедаги қувноқлик

менга ҳам юқди. Йўлакнинг нимқоронғилиги туфайли Зиранинг қиёфасини яхши ажратиб бўлмасди, мен унинг оқ тумшугинигина кўриб турардим. Сайрга чиқаётганлиги учун у ловиллаб турган кўйлак кийиб олган эди, бошига эса қулоқларини беркитиб турадиган талабаларнинг қалпоқчасини кийганди. Қандайдир бир дақиқада ҳатто мен унинг маймунлигини ҳам унутиб, кўлидан ушлаб қўлтиқлаб олдим. Унга ҳам бу ҳол табиий туюлиб, эътироз билдирмади. Биз бир-биримизга ёпишган ҳолда бир неча қадам юрдик. Лекин йўлакнинг охиридаги ён томонда дераза бор эди. Зира шу деразага етганда кўлини тез тортиб олди-да, мени нарироққа итарди.

– Сен бундай қилмаслигинг керак, – гамгин гапирди у. – Биринчидан, мен унаштирилганман, кейин эса...

– Сен унаштирилганмисан?!

Менинг гуноҳкорона дўстона муносабатим фонида бу танбеҳнинг бемаънилиги иккимизга бир вақтнинг ўзида аён бўлиб қолди. Зиранинг тумшуги қизариб кетди ва ўзининг қовун туширганини хаспўшлашга шошилди.

– Мен айтмоқчиманки, ҳеч ким сенинг аслида ким эканлигингни шубҳа остига олмаслиги лозим. Бу сенинг манфаатинг учун эканлигига ишонавер.

Мен итоаткорона хўрсиниб кўйдим ва жимгина унинг орқасидан эргашидим. Биз ташқарига чиқдик. Институт қоровули, тўладан келган, мундир кийган аёл горилла шимпанзегга самимий таъзим қилди, мени эса масхараомуз нигоҳи билан кузатиб қолди. Кўчага чиқишим биланоқ, бошим айланиб йиқилиб тушай дедим. Уч ой мобайнида шаҳарнинг беҳаловат ҳаётидан бебаҳра тутқунликда сақланганлигим ва Бетельгейзеннинг ёрқин нуридан шундай бўлди. Илиқ ҳаводан кўкрагимни тўлдириб нафас олдим ва шу билан бирга яланғочлигим туфайли ўзимдан уялдим. Қафасда яланғоч юришга одатланиб қолгандим, лекин бу ерда, кўчада, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган маймунлар олдида ўзимни жудаям ноқулай сезаётгандим. Маймунлар эса менга уялмай-нетмай тикилишарди. Зира менга кийим кийдиришни қатъиян рад этди. Шундай қилинса, мен ярмаркада кўрсатиладиган ўргатилган одамдан ҳам бемаънироқ кўринишимга ишонтирмоқчи бўлди. Чамаси у ҳақ эди. Ўткинчиларнинг тикилишлари менинг яланғочлигим туфайли эмасди, балки одам бўлганлигим, француз шаҳарларининг кўчаларида шимпанзенинг пайдо бўлиши бекорчилар учун қандай эрмак бўлса, ҳозирги ҳолатим шундайлиги туфайли эди. Ёши катталар бир кулиб кўйиб йўлларида давом этишарди. Маймунларнинг болалари эса текин томоша топилганидан севинишиб, орқамиздан эргашишди. Зира илдам юриб мени ўз машинаси олдига олиб бориб орқа ўриндиққа ўтқазди, ўзи эса рулга ўтирди, биз саёҳатимизни шаҳар кўчалари бўйлаб шошилмай давом эттирдик.

Маймунлар давлати йирик вилоятлардан бирининг пойтахти бўлган бу шаҳарни сайёрага келган куним қафас ичидан гира-шира кўрган эдим. Эндиликда эса бу шаҳарнинг аҳолиси ўткинчи маймунлар, ҳайдовчи маймунлар, савдогар маймунлар, ишбилармон маймунлар, тартибни сақлашга даъват этилган мундирли маймунлар – хуллас, фақат маймунлардан иборатлигига яна кўникишга тўғри келаётганди. Агар шу жиҳат ҳисобга олинмаса, шаҳар ҳеч қандай эътиборга эга эмасди. Уйлар бизнинг уйларимизга ўхшарди, кўчалар ҳам кўчаларимизга ўхшаб кетади, фақат ифлосроқ... Ҳаракат, назаримда, биздагига қараганда сийракроқ туюлди. Мени лол қолдирган ягона ҳолат йўловчиларнинг кўчани кесиб ўтиш усули бўлди. Йўловчиларга одатдаги йўл ўрнига ҳавода металл тўр тортиб кўйилганди. Маймунлар тўртгала кўллари билан тўрға осилиб ўтишарди. Улар барча кўлларига юлқа теридан қўлқоп кийиб олишганди, шу туфайли симга бемалол осилишарди.

Шаҳар ҳақида умумийроқ бўлса-да, таассурот қолдирадиган даражада

айлантиргандан кейин машинани тешиклари орасидан турли гуллар ўсиб ётган темир панжара олдида тўхтатди.

— Бу бизнинг боғимиз, — тушунтирди Зира. — Шу ерда сайр қилишимиз мумкин. Мен сенга бошқа бирор нарсани, масалан ажойиб музейларимизни кўрсатишим мумкин, лекин ҳозирча бунинг имкони йўқ.

Мен оёғимнинг чигилини ёзсам хурсанд бўлишимни айтдим.

— Бунинг устига, — қўшимча қилди у, — боёда бизни ҳеч ким безовта қилмайди. Бу ерга ҳамма ҳам келавермайди, биз эса аллақанча жиддий масалаларни гаплашиб олмоғимиз керак.

### **Тўртинчи боб**

— Бизда сени қандай хавф-хатарлар кутаётганини ҳатто тасаввур эта олмасанг керак? — сўрайди Зира.

— Бу хавф-хатарларнинг баъзилари билан танишишга улгурдим. Лекин менинг назаримда, кимлигимни аниқлағудай бўлса — мен бунга етарли даражада зарур далилларни келтира оламан — маймунлар мени ўз биродарларидек қабул қилишлари керак.

— Айни шу масалада янглишасан. Мени диққат билан эшит...

Биз боғ бўйлаб сайр этардик. Боғ хиёбонлари бўм-бўш эди, ахён-ахёндагина севишган жуфтликлар ўтиб қолишар, улар менга деярли эътибор беришмасди. Мен эса диққат билан кузатардим, тезроқ уларнинг урф-одатларини ўрганиб олишга қарор қилгандим.

Севишганлар майда қадамлар билан бир-бирларини кучоқлашиб олишганча сайр қилишарди. Йўлчаларнинг бурилиш жойларида улар кўпинча тўхтаб, бир-бирларидан бўса олишарди. Ахён-ахёнда эса чор атрофга кўз югуртиришар ва дарахтларнинг пастки шохларига осилишиб, юқорига чиқиб кетишарди. Бу ҳаракатни қилаётганларида ҳам бир-бирларини кучоқлаганча бир қўллари ва бир оёқлари билан шундай эпчил юқорилашардики, зум ўтмай шох-шаббалар орасида кўринмай кетишарди.

— Гапимга қулоқ сол, — деди Зира. — Сенинг космик кеманг (мен унга сайёрага қандай келиб қолганимизни батафсил тушунтириб берган эдим) бу жойга етиб келгунича дабдаласи чиқиб кетган бўлса ҳам ўргандик. У бизнинг олимларимиз диққатини ўзига жалб этди. Мутахассислар кема Сорорада қурилмаганини эътироф этдилар.

— Сизларда ҳам шундай аппарат борми?

— Бор, лекин бунчалик мукамал эмас. Сенинг гапларингга қараганда бизлар бироз сизлардан орқада қолиб кетибмиз. Лекин биз бир неча сунъий йўлдошлар учирдик, охиргисида ҳатто жонли мавжудот, одам бор эди. Бахтга қарши биз уни қўндира олмадик, шу туфайли уни тепада портлатиб юборишга тўғри келди.

— Тушунаман, — дедим мен ўйчан ҳолатда. — Демак, сизлар ҳам одамлардан бундай тажрибаларда фойдаланар экансизлар-да.

— Шундай қилишга тўғри келади... Шундай қилиб сенинг ракетанг топилди.

— Бизнинг икки ойдан ортиқроқ вақтдан бери Сорора атрофида айланиб юрган кемамизни айтяпсанми?

— Бу тўғрисида мен ҳеч нарсга эшитмадим. Чамаси, бизнинг астрономларимиз ҳали уни сезишмаган. Менинг сўзларимни бўлмай тур! Олимлар сенинг ракетанг бизнинг юлдузлар системамизнинг бошқа сайёрасидан учиб келган деган тахминни илгари суришмоқда. Бундан бошқача фикрдан нарига ўтишмади. Бундай ақлли мавжудот инсон қиёфасида бўлиши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмайди!

– Лекин, Зира, буни уларга айтиш зарур! – деб хитоб қиламан мен. – Энг яхши қафасда, сенинг гамхўрлигинг остида яшаётган бўлсам ҳам жонимга теғди. Нега сен мени улардан яширасан? Нега бу ҳақиқатни барчага айтмайсан?

Зира юришдан тўхтади, у ёқ-бу ёққа қараб олди-да, қўлини елкамга қўйди. – Нега дейсанми? Бу иш сен учун бўлаяпти. Сен Зайусни биласан-а?

– Албатта. Мен ҳатто у тўғрисида гаплашмоқчи эдим. Лекин бунга унинг қандай алоқаси бор?

– Сен ақлли мавжудот эканлигингни исботлашга илк маротаба ҳаракат қилаётганингда буни қандай қабул қилганини фаҳмладингми? Буни унга юзлаб маротаба шама қилишга уриниб кўрганимни биласанми? Кўринишингга қарамасдан сен бефаросат ҳайвон эмассан.

– Мен шуни биламанки, сизлар кўпинча баҳслашардинглар, чамаси, бир битимга келолмадинглар.

– У эшакдай қайсар, одамдай аҳмоқ! – портлаб кетди Зира. – Лекин нима ҳам қилардик? Қарийб барча орангутанлар шунақа ўзи. Сенинг барча қобилиятларингни яхши ривожланган ҳайвоний инстинкт деган узил-кесил қарорга келди. Энди эса ҳеч ким унинг фикрини ўзгартиришга мажбур эта олмайди. Бахтга қарши у сен тўғрингда бутун бошли диссертация ёзди. Ўша диссертациясида сенинг олим одамлигингни, чамаси илгари ҳам тутқунликда бўлганингни, аввалги хўжайин томонидан обдон ўргатилганлигингни, онгсиз равишда маълум ҳаракатларни бажаришга иқтидоринг борлигини исботлаган.

– Аҳмоқ ҳайвон!

– Бу гапинга қўшиламан. Лекин ҳамма бало шундаки, бу расмий фаннинг намояндаси ва катта таъсирга эга. Институтда у энг юқори лавозимлардан бирини эгаллайди. Шу туфайли менинг барча таклифларим бевосита унинг қўлидан ўтади. Ишончим комилки, сен қистаётганингдек бор ҳақиқатни айтсам Зайус мени тўғридан-тўғри илмий ноҳалолликда айблаётди. Мени ишдан ҳайдашади. Лекин буларнинг барчаси арзимас нарсалар ҳам дейлик, лекин сен билан қандай ҳодисалар рўй беришини биласанми ўзи?

Қафасдаги ҳаётдан ҳам ёмонроқ нарса бўлиши мумкинми?

– Яхшилиқни билмаган! Сени энцефалик лабораторияга тиқишмаслиги учун қанча ҳийла-найранглар ишлатаётганимни ҳатто хаёлингга ҳам келтирмайсан! Агар мен сенинг ақлли мавжудот эканлигингни зўр бериб унга исботлашга уринаверганимда, Зайус ҳеч нарсадан қайтмаган бўларди.

– Энцефалик лаборатория деганинг нима ўзи? – сўрадим ташвишланиб.

– Ҳайвонлар миясини ўрганиш юзасидан назик операциялар ўтказиладиган жой: бу ерда тўқималар алмашгирилади, асаб марказлари қўзғатилади, мия фаолияти қисман ва бутунлай ишдан чиқарилиб, тажрибалар ўтказилади.

– Сизлар бундай тажрибаларни одамлар устида олиб борасизларми?

– Албатта-да. Одам мияси, унинг бадан тузилиши асос-эътибори билан бизникига ўхшайди. Табиат бизнинг тузилишимизга ўхшаган ҳайвонларни яратиб қўйганлиги бахтимиздир. Одамлардан бошқа жонзотлар устида ҳам тажриба олиб боришимизда фойдаланилади, лекин бу тўғрида сен кейинроқ билиб оласан. Айни кунларда биз фавқуллодда муҳим тадқиқотларни бошлаб юборганмиз...

– Одам материали анча керак экан-да?

– Ҳа, анчагина. Худди шунинг учун ҳам чангалзорларни қуршаб олиб ов қилинади, шу йўл билан одамлар заҳирага йиғиб қўйилади. Бахтга қарши овни гориллалар ташкил этишади, биз эса уларнинг сеvimли кўнглиочар ишлари – қурол билан ов қилишларини таъқиқлаб қўёлмаймиз. Уларнинг шу қилиқлари туфайли фан анчагина материалдан бебахра қолади.

– Ҳақиқатан ҳам ачинишпа сазовор факт бу, – дедим мен лабимни тишлаб.

– Лекин ҳозир менинг камтарин шеригим ҳақидаги гапга қайтамиз...

– Сен энди ҳаммасини сирлигича сақлаётганимнинг сабабини тушунгандирсан?

– Наҳотки, мен ҳаётимнинг охиригача қафас ичида ўтирсам?

– Агар менинг режам амалга ошса ўтирмайсан. Лекин сен қулай вазият вужудга келмагунгача ўзингни сездириб қўймаслигинг керак. Мен бир нарсани таклиф этаман: бир ойдан кейин биологларнинг йиллик конгресси очилади. Бу – катта ҳодиса. Унинг очилишида жуда кўп халқ тўпланади, шунингдек, барча йирик газеталарнинг вакиллари қатнашади. Бизда жамоатчилик фикри жуда катта роль ўйнайди, шу боисдан ҳам фақат Зайус ва барча орангутангларгина эмас, ҳатто гориллалар ҳам жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга мажбур. Сен мана шундан фойдаланиб қолишинг керак. Сен ўз сиригини бутун конгресс олдида, мажлис вақтида очишинг керак. Сен ўша мажлисда қатнашсан, ҳали айтганимдек, Зайус сен ҳақингда, сенинг инстинктинг тўғрисида узундан-узоқ маъруза тайёрлаган. Унинг ўзи экспонат сифатида сени конгрессга олиб келади. Унинг навбати келиб маъруза қилиб бўлгач, ўзинг сўз сўраб, ҳаммасини тушунтириб берсанг яхши бўлади. Бу шундай катта шов-шувга сабаб бўладики, Зайус бунга халақит бера олмай қолади. Қолгани эса фақат ўзингга боғлиқ. Сен олимларни, йиғилган одамлар, журналистларни ишонтириш учун худди мени ишонтира олганингдек аниқ ва лўнда қилиб гапириб бермоғинг керак.

– Агар Зайус ва бошқа орангутанглар қайсарлик қилишса-чи?

– Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлган гориллалар уларни жойларига ўтказиб қўйишади. Шунинг ҳам айтиш керакки, барча орангутанглар ҳам Зайус сингари аҳмоқ эмаслар. Ниҳоят, олимлар орасида бир неча шимпанзе ҳам бор. Улар улкан кашфиётлари учун академикликка сайланган. Улардан бири менинг қайлигим – Корнелий. Фақат унгагина сен тўғрингда гапириб берганман. У сени ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ваъда берди. Табиийки, у сен билан танишмоқчи ва мен айтиб берган нарсаларни текшириб кўрмоқчи. Мен сен тўғрингда айтган гаплар ишонаверадиган гаплар эмас-да, ахир! Айтгандай, сени бу ерга шунинг учун олиб келдим. Бугун Корнелий шу ерда учрашув тайин этган, у тез орада бу ерга келиши керак.

Корнелий бизни бир тўп улкан қирққулоқлар ёнида кутиб турган экан. Бу, табиийки, ёши Зирадан кўра каттароқ, лекин муҳтарам академик дейишлик учун жуда ёш, келишган шимпанзе эди. Уни кўрган дастлабки дақиқаларимданоқ нигоҳининг ўткирлиги, фавқулодда жонли ва зийраклигидан лол қолдим.

– Хўш, у ҳақда нима дейсан? – секингина сўради Зира французчалаб.

Бу саволдан шимпанзе аёл менга узил-кесил ишониб қолганини англадим. Жавоб ўрнига унга ҳайратда қолганимни англатувчи бир неча сўзларни мингирладим ва Корнелийнинг олдида келдик.

Куёв ва келин бир-бирларини боғдаги барча севишганлар сингари кучоқлашишди. Корнелий қўллари билан Зирани бағрига олди, мен томонга ҳатто қараб ҳам қўймади. Мен тўғримдаги Зиранинг ҳикояларига қарамай, у мени уйда ўргатилган ҳайвондан ортиқ кўрмаётганди. Зиранинг ўзи ҳам бир дақиқа мени ёдидан чиқариб қўйди, шекилли, улар узоқ ўпишишди. Кейин Зира бирданига сергакланди-да, ўзини унинг бағридан тортиб олиб, уялинқираб ерга қаради.

– Сенга нима бўлди, жонгинам? – ҳайрон бўлди Корнелий. – Ахир биз ёлғизмиз-ку!

– Кечирасиз, лекин мен ҳам шу ерданман, – дедим мағрур равишда қўлимдан келганча тоза маймунлар тилида.

– Нима?! – қичқариб юборди шимпанзе ва сакраб ўзини чеккага олди.

– Мен шу ерданман деб айтдим. Бахтга қарши мен бу тўғрисида эслатиб қўйишга мажбурман. Бир-бирларингизни кучоқлашингиз ва ўпишингиз менга малол келмайди-ю, аммо кейинчалик ўзингиз менга нокамтарликда таъна қилишингиз мумкин.

– Жин урсин, қандай бемаънилик! – нола қилди шимпанзе.

Зира хахолаб кулиб юборди ва бизларни таништирди.

– Доктор Корнелий, академиянинг аъзоси, – деди у. – Улисс Меру, Куёш системасидаги сайёралардан бири, аниқроғи, Ердан келган.

– Сиз билан танишганимдан бахтиёрман, – дедим мен. – Зира сиз тўғрингизда гапириб берган. Бундай дилбар қайлигингиз борлигидан гоят хурсандман. Табриқларимни қабул қилгайсиз.

Шундай деб унга қўлимни узатдим, лекин Корнелий худди олдидан илон чиққандай ўзини орқага ташлади.

– Демак, бу ҳақиқат экан-да, – деб минғирлади у Зирага ҳайратланиб тикиларкан.

– Жонгинам, мен сени бирор маротаба алдаганмидим?

Корнелий ўзини тутиб олди, у ҳақиқий олим экан. Бироз таратдудланиб турганидан кейин шимпанзе менга қўлини узатди.

– Аҳволлар қалай? – сўради у.

– Ташаккур, – жавоб бердим мен. – Бундай кўринишим учун яна бир маротаба сиздан узр сўрайман.

– У фақат шу ҳақидагина ўйлайди, – кулиб тушунтирди Зира. – Шунинг васвасасига учраган! Кийим кийганда у қандай кўринишга эга бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди.

– Сиз ҳақиқатан ҳам анави... оти нимайди... жойдан келганмисиз?

– Ердан, Куёш системасидан.

Корнелий ҳозиргача Зиранинг гапига ишонмаганди, буни қандайдир лақиллатиш деб ўйлаганди, шекилли. Лекин ҳозир саволлар ёғдириб ташлаётганди. Биз йўлка бўйлаб оҳиста одимлаб сайр этардик: шимпанзелар қўлтиқлашиб боришар, бошқаларнинг диққатини ўзига тортмаслик учун уларнинг орқасидан занжирда мен борардим. Лекин менинг жавобларим Корнелийни лол қолдирарди, шунинг учун ҳам у тез-тез Зиранинг қўлини кўйиб юбориб тўхтаб қолар, биз қарама-қарши турган ҳолда қўлларимизни силкитиб баҳса тушардик, оёқларимиз остидаги кумга турли-туман расмлар чизардик. Зира бундан хафа эмасди. Аксинча, мен унинг қайлигида қандай таассурот қолдираётганимни кўриб, юракдан хурсанд бўлаётганди.

Табиийки, Корнелийни ҳаммадан олдин одам зотининг Ердаги эволюцияси қизиқтирарди. Бу хусусида нимаики билсам, барчасини бир неча бор қайтаришга мажбур этди. Шундан кейин у анча вақтгача ўй суриб қолди. Кейин эса менинг ахборотим умуман фан учун, хусусан, унинг ўзи, маймунларнинг келиб чиқиши соҳасида фавқулодда дадил тадқиқотларга киришган бир пайтда улкан аҳамият касб этади. Менинг тушунишимча, у бу муаммо ҳали охиригача ҳал бўлмаган деб ҳисоблар ва кўпчилик томонидан қабул қилинган назарияларга қўшилмас экан. Лекин шахсий тахминлари тўғрисида гап кетганда, у вазмин бўлиб қолди. Биринчи учрашувимизда ундан бу тўғрисида ҳеч нарса била олмадим. Нима бўлганда ҳам унинг кўзларидан беадад бойликни қўлга киритган олимнинг маънодор қарашларини уқдим. Чамаси, у мени ўз лабораториясига олиш учун ўзидаги бор бойликни беришга тайёр эди.

Кейин биз менинг аҳволим ва Зайус тўғрисида гаплашдик. Унинг аҳмоқ ва ўтакетган қайсарлиги Корнелийга ҳам яхши маълум экан. У Зиранинг режасини маъқуллади. Ҳатто менинг чиқишим учун замин тайёрлашга ваъда берди, ҳамкасбларидан баъзиларини огоҳлантириб қўйишга ишора қилди, менинг ҳодисамда ноаниқликлар ҳали кўплигини, масала сирлилигини билдирди.

Хайрлашаётганимизда Корнелий ҳеч иккиланмай менга қўлини узатди, лекин яқин орада бирор маймун йўқмикан деган ҳадикда аввалига атрофга қараб қўйди. Кейин у ўз қайлигини ўпиб қўйиб, биздан узоқлашди. Кетиб

бораркан, бу нарсаларни тушимда кўрмайманми дегандай, елкаси оша орқага қараб қўярди.

– Қандай ёқимтой ёш шимпанзе, – дедим мен Зиранинг машинасига яқинлашганимизда.

– Ва жуда йирик олим, – қўшиб қўйди у. – Мен ишонаманки, сен унинг ёрдамида конгрессни ўз сўзингга ишонтира оласан.

– Зира, – орқа ўриндиққа жойлашиб олганимдан кейин қулоғига шивирладим. – Мен озодлигим ва ҳаётим учун сендан қарздорман.

Мен асирга тушган биринчи кундан бери Зира менга қилаётган жуда қўп яхшиликларни эндигина англай бошладим.

Мен ўз миннатдорчилигимни қандай ифодалашни билмасдим. Усиз мен ҳеч қачон маймунлар дунёси билан алоқа ўрната олмаган бўлардим. Зайус менинг фикрловчи мавжудот эмаслигимни исботлаш учун миямни бекордан-бекорга олиб ташлаши мумкин эди. Зира тимсолида эндиликда хайрхоҳларга эга бўлиб, келажакка умидворлик билан қарашим мумкин эди.

– Мен бу ишни фанга муҳаббатим туфайли қилдим, – жавоб берди Зира қизаринқираб. – Сен жудаям ноёб ҳодисасан, ҳар қандай йўл билан сени асраб қолишим керак эди.

Мен ўз миннатдорчилигимни қандай ифодалашни билмас эдим. Унинг доно кўзларига маҳлиё бўлганимдан ҳатто маймун тумшуғи ҳам хунук кўринмаётганди. Қўлимни беихтиёр унинг узун жундор қўлига қўйдим. Зира бир сесканиб тушди, мен унинг нигоҳидан ҳамдардлик ва мулойимлик маъноларини уқдим. Иккаламиз ҳам азбаройи ҳаяжонланганимиздан қайтаётганимизда оғзимиздан бирор сўз чиқмади.

*Давоми бор.*

